

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI
SHAHRISABZ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
“SHAHRISABZ” DAVLAT MUZEY-QO‘RIQXONASI**

**JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA
O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI**

**(Tarix fanlari doktori, professor Eshov Boxodir Jo‘rayevich
tavalludining 60 yilligiga bag‘ishlanadi)**

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

2024 yil 20-21 may

II-JILD

QARSHI-2024

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

Ushbu to‘plamga “Jahon sivilizatsiyalari tizimida o‘zbekiston tarixi va madaniyati” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari jamlangan. Ushbu to‘plamdan O‘zbekistonda ilk davlatchilik va shaharsozlik an‘analarining rivojlanish bosqichlari hamda evolyutsiyasi, O‘zbekiston arxeologiyasi, etnologiyasi va numizmatikasining dolzarb masalalari (yangi tadqiqotlar asosida), O‘zbekistonda kechgan qadimgi va zamonaviy tarixiy-madaniy (ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ma’rifiy, migratsiya, etnomadaniy) jarayonlar, sovet va mustaqillik davri O‘zbekiston tarixi va madaniyati: yutuqlar, muammolar, istiqbollar, turizm hamda muzey madaniyatini rivojlantirishda O‘zbekiston tarixi va madaniyatining o‘rni kabi masalalar orqali O‘zbekistonda mashhur bo‘lgan tarixichi-arxeolog olimlar qatorida endigina yetishib kelayotgan yosh olimlarning mamlakatimizning qadimgi davrlardan tortib bugungi kunga qadar bo‘lgan tarixi hamda madaniyatini yoritib beruvchi maqolalari o‘rin olgan.

Shuningdek, horijlik yetakchi olimlar ham o‘z ilmiy maqolalari bilan ishtirok etganlar.

Mas’ul muharrir:

Sagdullayev Anatoliy Sagdullayevich
Akademik, t.f.d., professor

Taqrizchilar:

Ergasheva Yu. -Tarix fanlari doktori, professor

Xushvaqov N. - Tarix fanlari doktori

TAHRIR HAY’ATI VA TASHKILIY QO‘MITA

Bekpo’latov I.

Qarshi davlat universiteti Ilmiy ishlar va innovasiyalar bo’yicha prorektori, rais,

Eshov B.

Qarshi davlat universiteti O‘zbekiston tarixi kafedrası professori, tarix fanlari doktori , rais o‘rinbosari,

Xasanov A.

Qarshi davlat universiteti O‘zbekiston tarixi kafedrası professori, tarix fanlari doktori, a’zo.

Xudoyqulov T.

Tarix fanlari doktori, professor, a’zo.

Ernazarov A.

Tarix fanlari bo’yicha falasafa doktori(PhD), dots.v.b. a’zo.

To‘plamda nashr etilgan maqola va tezislardagi ma’lumotlarning haqqoniyligiga mualliflar mas’uldirlar.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024 yil 18 yanvardagi 16-son buyrug‘iga asosan nashrga tavsiya etilgan.

КИРИШ

Замонавий ёшларимизни Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиёти йўлидаги эзгу ишларга руҳлантиришда қадим ва шонли тарихимизни билиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон цивилизациясининг нафақат Марказий Осиёда, балки, бутун жаҳон цивилизациялари тизимида тутган ўрни ва мавқеига баҳо бериш, илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш, фандаги инновацияларни илмий муҳокамага киритиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўзбек халқининг ўзининг юксак тарихи ва маданиятига эга бўлганлиги унинг цивилизациялар тизимидаги мавқеидан далолат беради.

Қарши давлат университетида халқаро миқёсда ўтказилаётган конференцияда ўзбекистонлик машҳур ва етакчи олимлар қаторида ёш ҳамда иқтидорли тадқиқотчилар, Хитой, Россия, Тожикистон Қозоғистон, Қирғизистондаги мутахассис олимлар иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг турли йўналишлари ҳамда соҳаларининг мутахассислари бўлган ушбу олимлар қуйидаги шўъбалар бўйича материаллар тайёрлаганлар:

1-шўъба- *Ўзбекистонда илк давлатчилик ва шаҳарсозлик анъаналарининг ривожланиши босқичлари ҳамда эволюцияси;*

2-шўъба - *Ўзбекистон археологияси, этнологияси ва нумизматикасининг долзарб масалалари (янги тадқиқотлар асосида);*

3-шўъба - *Ўзбекистонда кечган қадимги ва замонавий тарихий-маданий (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маърифий, миграция, этномаданий) жараёнлар;*

4-шўъба - *Совет ва мустақиллик даври Ўзбекистон тарихи ва маданияти: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар;*

5-шўъба - *Туризм ҳамда музей маданиятини ривожлантиришда Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг ўрни.*

Тан олиш керакки, бугунга қадар республикаimizдаги қадимшунос олимлар Ўзбекистон тарихи ва маданияти тараққиётида қадим аجدодларимизнинг бунёдкорлик фаолияти, цивилизация тараққиётида ички омилларнинг аҳамиятига асосий эътибор қаратиб, ташқи таъсир ва омилларнинг ҳам ўта муҳимлиги биров эътибордан четда қолди.

“Жаҳон цивилизациялари тизимида Ўзбекистон тарихи ва маданияти” мавзусидаги ушбу конференциядаги кўпчилик мақолалар айнан цивилизациялар тараққиёти, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар, қадимги халқаро йўллар ва йўналишлар, миграциялар ҳамда этномаданий муносабатлар, турли этник гуруҳларнинг ўзаро таъсири, миллатлараро муносабатлар масалаларига бағишланган. Муаллифлар қўйилган масалани янги илмий кашфиётлар ва тадқиқотлар асосида ёритишга ҳаракат қилиб, кўп ҳолларда буни уддалаганлар.

Конференция ишига муваффақият тилаймиз!

Таҳрир ҳайъати.

4-ШҶЪБА
СОВЕТ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА
МАДАНИЯТИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР

КУЛЬТУРА УЗБЕКИСТАНА В 1920-1930 ГГ: ПРЕОБРАЗОВАНИЯ И ПОСЛЕДСТВИЯ

Ишанходжаева З. Р.

**Д.и.н., проф. Национальный Университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека**

Политика советской власти в области культуры была весьма противоречивой, нацеленной на утверждение коммунистической идеологии, а также отрыв от исторических корней и национальных обычаев и традиций узбекского народа. Введение обязательного начального образования, повышение общей грамотности населения, способствовало созданию новой интеллигенции, восприятию культуры других народов. Однако, наряду с этим, в 1928 году было уничтожено традиционное образование. Фактически прекратили свою деятельность вакуфные школы и мактабы, преследовалась религия, отрицались культурные достижения прошлых эпох. Значительные социально – культурные преобразования, такие как практически полная ликвидация безграмотности, открытие школ, расширение печати на национальных языках, создание театров, системы высшего образования и научно-исследовательских учреждений нового образца, имевшие положительное значение, идеологизировались и регламентировались режимом. Для творческой жизни республики наступил сложный период - период значительных изменений и трансформаций, вызванных установлением советской власти и последующего включения региона в состав Советского Союза. В это время культурное пространство Узбекистана характеризовалось рядом противоречивых процессов, а именно - социокультурные реформы нацеливались на модернизацию и секуляризацию общества. Они включали в себя кампанию по ликвидации безграмотности, проведение языковых реформ, и создание новой системы образования. Культура и искусство стали инструментами идеологической пропаганды. Все формы творчества, включая литературу, театр, музыку и изобразительное искусство, подлежали строгому контролю. Изменения коснулись и религиозных практик, многие из которых были подавлены или преобразованы в соответствии с идеологическими целями. Следует отметить и широко-масштабные репрессии против интеллигенции: интеллектуальная и культурная элита была подвергнута репрессиям, особенно активисты "Джадидизма" - движения за обновление и модернизацию исламского образования и культуры. Многие видные деятели, включая писателей и художников, были обвинены в национализме и враждебной деятельности и подверглись репрессиям.

Следует отметить влияние реформ на литературу и искусство. Несмотря на ограничения и цензуру, в литературе и искусстве того времени появились новые жанры, отражающие социалистическую реальность. Произведения писателей, таких как Абдулла Кадири, Зульфийа и Гафур Гулям, затрагивали темы социальных изменений.

Заметно усиливается значение театра, оно активно возросло, так как театр стал важным средством для распространения советских идей. И этим активно пользовалась существующая власть. Также активно развивались и новые музыкальные формы, в том числе классическая и национальная музыка, адаптированные под нужды новой идеологии.

Особое внимание уделялось созданию именно советской идентичности: Были приложены усилия на формирование новой, идентичности - советского человека. По задумке властей, идентичность должна была включить в себя и отчасти сохранять традиции, но по большому счету, подчинять традиции интересам советского общества.

Эти преобразования оказали глубокое влияние на культуру Узбекистана, результаты которых ощущаются до сих пор. Было создано множество новых символов и образов, но платой за это стало подавление многих форм традиционной культуры и потеря независимого творческого выражения. Значительные социально – культурные преобразования, такие как практически полная ликвидация безграмотности, открытие школ, расширение печати на национальных языках, создание театров, системы высшего образования и научно-исследовательских учреждений нового образца, имевшие положительное значение, идеологизировались и регламентировались режимом. Для творческой жизни республики наступил сложный период.

После установления советской власти большевистское руководство уделяло устойчивое внимание проблемам становления и развития социалистической художественной культуры, которая призвана была, по планам руководства страны, пропагандировать их идеи среди народных масс. Решением правительства СССР в центре и в республиках были образованы специализированные органы цензуры – Главные управления по делам литературы и издательств (Главлит). В частности, постановление Совнаркома Узбекской ССР об организации Узбекского главного управления по делам литературы и издательств – Узглавлита, было принято 8 февраля 1927 г. В Узбекистане, как и в других союзных республиках, «социалистическая» литература и искусство конструировались по схеме центрального руководства, исходя из коммунистического учения и собственных политических интересов. Национальный фактор, если и присутствовал, то только во внешней форме. Выход за границы официально дозволенного немедленно пресекался. При этом вековая духовная культура, созданная нациями и народностями, в том числе и узбекским, искусственно была разделена на «классово враждебную» и «революционно-демократическую».

Курс на политизацию литературы и искусства заметно усилился в 30-е годы XX века. Партия большевиков использовала самые различные формы и методы, чтобы работники литературы и искусства, художественная интеллигенция осознали роль культуры в формировании социалистической личности.

Одной из первых творческих организаций нового типа на всесоюзном уровне стал «Союз советских писателей». В Узбекской Республике среди них можно назвать образованные в 1932 г. «Союз художников Узбекистана» и в 1934 г. «Союз писателей Узбекистана».

Тем не менее, в соответствии с обновленным концептуально-методологическим подходом больше внимания стало уделяться вопросам развития национальной культуры, хотя и в рамках ее социалистического восприятия. В результате, несмотря на тормозящие идейно-политические факторы, благодаря созидательному труду народа и творческой деятельности национальной интеллигенции в Узбекистане в духовно-культурной сфере были достигнуты известные успехи. Однако значимые явления в области литературы и искусства сопровождались глубокими деформациями. Ведь при всех «уступках» национальным чувствам народа, общая направленность советской культурной политики продолжала сводиться к его социалистической унификации и тотализации. Идеологической основой наступления на художественную интеллигенцию в 20-х годах XX века послужили политические установки центрального партийного руководства по развертыванию идейной борьбы против «буржуазного национализма и националистических концепций». К этой теме автор планирует вернуться в дальнейших публикациях.

Литература

1. В 1930/31 учебном году в Узбекистане, как везде в СССР, было введено всеобщее обязательное четырехлетнее обучение молодого поколения; в городах и фабричных поселках, с того же года приступили к обязательному семилетнему обучению.

2. Образовательные учреждения, в которых обучались дети, начиная с 6 лет.

3. Ишанходжаева, З. Р. (2011). Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.). Тафаккур.

4. Ишанходжаева, З. Р. (2015). НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСТОРИИ ЛИТЕРАТУРЫ И ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В 1920-1930-е гг. Вестник развития науки и образования, (3), 53-61.
5. Ишанходжаева, З. Р. (2015). К вопросу "социалистической модернизации" духовной жизни Узбекистана в 20-30-е годы XX века. Высшая школа, (6), 39-42.
6. Большевик — член левого революционного, левозкстремистского крыла Российской социал-демократической рабочей партии (РСДРП) после её раскола на фракции «большевиков» и «меньшевиков».
7. ЦГА РУз, ф. Р-837, оп. 3, д. 23, л. 17.
8. Ишанходжаева, З. (2022). Изучение истории репрессивной политики советской власти: опыт и проблемы. Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 1(01), 206-212.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЭТНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР РАВНАҚИ

Бўриев О.

Қарши ДУ профессори

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан бошлаб, этнология (этнография) бўйича илмий тадқиқотларга эътибор анча кучайиб, маҳаллий элшунослар замонавий назарий-методологик ёндашувлар асосида илмий изланишларга киришишди. Этнологик тадқиқотлар ҳолислик, тарихийлик тамойиллари асосида ҳар бир этноҳудуднинг локал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борила бошланди. Бу даврдаги этнологик изланишларда туб бурилиш содир бўлди, десак асло муболаға бўлмас, албатта.

Истиқлол даврида содир бўлган туб ўзгаришлар туфайли тарих фанининг, жумладан этнология соҳаси тараққиёти учун жуда қулай шарт-шароитлар яратилди йўналиши бўйича давлат тилида диссертациялар ёқлана бошлади, кўплаб монографиялар, рисоалар, тўпламлар нашр этишга киришилди. Халқаро ва республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. “Этнография” термини ўрнига замонавий “этнология” қўлланмаси ишлатила бошланди.

Бу даврда ўзбек этнологияси ҳам янги босқичга кўтарилди. Айниқса, ўзбеклар этногенези ва этник тарихи муаммолари бўйича қатор салмоқли илмий тадқиқотлар яратилди. Бу соҳада биринчи ўзбек этнолог академиги К.Шониёзов (1924-2000) томонидан яратилган. “Қанг давлати ва қанғилар” (1990), “Қарлуқ давлати ва қарлуқлар” (Т., 1999). “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” (Т., 2001) каби фундаментал монографиялари бой тарихий-этнографик манбалар ҳамда кўпдан-кўп дала этнологик экспедицияларнинг маълумотлари асосида ёзилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Академик К.Шониёзов ўзининг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид фундаментал тадқиқотлари орқали ўзбек халқи этник тарихини ўрганишда янги илмий йўналишга асос солди. Тарихий ва археология, антропология, нумизматика, фольклор-шунослик ва тилшунослик каби ёндош фанлар ютуқлари билан қиёсий ўрганиш ва муаммони ёритишда муайян илмий ҳулосаларга келиш Ўзбекистон этнология фанида К. Шониёзов асос солган янги йўналишнинг муҳим бир хусусиятидир.

Маълумки, XX асрнинг 90-йиллари бошларида салмоқли антропология, этнография, нумизматика ва фольклор манбаларга таянган ҳолда ўзбек халқи этногенези ҳажмдаги тарих, археология, ва этник тарихида муҳим ўрин тутган йирик этник компонентлар ҳақида фикрлар юритилган академик К.Шониёзовнинг монографиялари Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнологиясини ёритишда ҳам асосий манба вазифасини бажаради. Устознинг ўзбек элатининг шаклланишига доир билдирган теран фикрлари воҳа аҳолиси этнологиясини ўрганишда назарий ва методологик асос сифатида қимматлидир.

Устоз аждодларимиз этногенези ва этник тарихига оид олиб борган кўп йиллик изланишлари якунида фундаментал илмий тадқиқотини яратди. Олимнинг “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” номли салмоқли монографияси ўзбек этнологиси бўйича бажарилган йирик илмий тадқиқотлар сирасига киради. Монографияда ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган энг асосий компонентлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирил-

ган. Ўрта асрларда Ўзбекистон жануби-ғарбий ҳудудларидаги асосий этнографик макон - Қашқадарё воҳасида яшаган йирик этносларнинг этник жараёнларидаги иштироки теран таҳлил этилган.

Академик А.Асқаровнинг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг назарий - методологик муаммоларига бағишланган қатор илмий мақолалари ва фундаментал монографияларида билдирилган теран фикр - мулоҳазалар эса воҳа аҳолиси шаклланиши ва этник тарихи масаласини ёритиш учун назарий - методологик қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Таниқли олимлардан Б. Аҳмедов ва И. Жабборовнинг асарларида келтирилган далиллар ҳам воҳа аҳолиси этнологиясини ўрганишга яқиндан ёрдам беради.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, Жанубий ҳудуддаги Қашқадарё воҳаси этнологиясини ўрганиш жараёнида янги методлар, тарихий манбалардан фойдаланиб, кўплаб назарий ва амалий натижаларга эришилди. Бу даврда этнологик тадқиқотларда туб бурилиш даври бўлиб, миллий ўзликни англаш тамойиллари устуворлик касб этди, Воҳа аҳолиси этнографиясини ўрганиш учун кўплаб имкониятлар вужудга келди.

Истиклолнинг дастлабки йилларида таниқли элшунос олим Х. Исмоиловнинг рисола-сида ҳам Қашқадарё воҳаси аҳолиси тўй - тантаналари бўйича муҳим маълумотлар ўрин олган. Бу даврда воҳа этнологиясининг долзарб масалалари этнолог олим О.Бўриевнинг асарларида ҳам ўз аксини топган. Унинг аксарият илмий тадқиқотлари шуниси билан муҳимки, уларда воҳанинг географик ўрни, табиати, аҳоли анъанавий хўжалиги, иқтисодиёти, аҳолисининг келиб чиқиши (этногенези) ва этник тарихи, этносларнинг тарихий тақдирларининг азалий уйғунлиги, ҳуллас, анъанавий хўжалиги, моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хослиги, трансформация жараёнлари, этник манбашунослик каби устувор мавзулар тарихий - этнографик маълумотлар асосида илмий таҳлил қилинганки, бу алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Этнолог олим О.Бўриев томонидан қарийб ярим аср мобайнида этнография бўйича жами 600 тадан ортиқ, жумладан 60 тадан зиёд рисола, монография, дарслик, ўқув қўлланмаси, 190 тадан ортиқ нуфузли журналлардаги, 230 тадан кўп илмий тўпламларидаги мақолалар нашр этилди. Олимнинг ЎЗМЭнинг 3-12 жилдларида 200 тадан мақолалари ўрин олган. Амир Темур энциклопедиясини тайёрлашда қатнашган. У илк бор 1000 та терминни ичига олган "Этнология атамаларининг қомусий луғати"ни ҳам яратди (-Т., 2021, ҳаммуаллиф. Ф.Раҳмонов). О.Бўриев ўзбек маҳалласи тарихи, этнотарихшунослик, Амир Темур ва темурийлар, Абу Райҳон Беруний ва Бобур мирзо каби буюк алломалар этнографик мероси ҳақида ҳам кўплаб монография, рисола ва кўплаб илмий мақолалар яратди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида воҳа аҳолиси этнологиясининг устувор муаммолари бўйича Қ.Насриддинов, Ф.Раҳмонов, Г.Тошева, С.Давлатовалар номзодлик диссертацияларини ёқладилар. М. Усмонов тарих фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори илмий даражасига (PhD), С.Давлатова, Ф.Раҳмонов, С.Жўраевалар эса тарих фанлари доктори илмий даражасига (DSc) эришдилар.

Қарши давлат университетида воҳа этнологиясининг устувор масалаларига бағишланган кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда ҳамда илмий тўпламлар нашр этилмоқда. "ҚаршиДУ хабарлари", "Соҳибқирон юлдузи", "Ижтимоий фанлар" журналларида бу йўналишда кўплаб илмий мақолалар ҳам босилиб чиқмоқда.

Воҳа элшунос олимлари республика ва ҳудудий илмий анжуманларда, жумладан 2001 йилдан буён ўтказилиб келинаётган "Академик Карим Шониёзов ўқишлари" анъанавий илмий семинарида ҳамда ЎЗМУ қошидаги Этнология амалий -лабораторияси анжуманларида ҳам ўз маърузалари билан фаол қатнашмоқдалар.

Бу даврда К.Насриддинов, И.Жалилов, Ф.Раҳмонов, Г.Тошева, С.Давлатова, Н.Турсунов, М. Усмоновларнинг рисола, монографиялари нашр этилди.

Шунингдек этногириф олим А.Насимовнинг илмий ишлари ҳам воҳа аҳолиси этнографияси тарихшунослигини ўрганишда аҳамиятлидир.

О. Бўриев "Потрон тарихи", "Қарши тумани тарихи", "Ғубдин тарихи", "Ўзбекистон нишони", "Хўжа Илғор қишлоғи тарихи", "Ўз қавми тарихи" каби салмоқли ўлкашунослик

этнографияси бўйича чоп этилган китобларга, кўплаб рисолаларга масъул муҳарир ва тақризлар ёзган.

Воҳа аҳолиси этнографиясини ўрганишда А.Дониёров, О.Бўриев, А.Аширов, О.Жўракулов, Р.Ражабов, Н.Қаҳҳоров, Ш.Искандаров, Ф.Хайитова, И.Жалилов, А.Насимовларнинг диссертация, монографиялари муҳим илмий тадқиқотлар сирасига киради.

ЎзФА Тарих институти ва Россия ФА Этнология ва антропология институти этнографларининг ҳамкорликда тайёрланган ўзбек халқи этнографиясига бағишланган салмоқли китобдан ҳам Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнографиясига оид маълумотлар ўрин олган.

Элшунос олим т.ф.д. Раҳмоновнинг этнография бўйича 3 та монографияси, 3 та ўқув - услубий қўлланмаси, 30 дан зиёд ОАК рўйхатдаги журналларда мақолалари ҳамда 30 тадан зиёд тўпламларда илмий мақолалари чоп этилди, қатор мақолалари хорижда ҳам нашр қилинган.

Тадқиқотчи И.Жалилов проф. О.Бўриев раҳбарлигида Қашқадарё воҳаси аҳолиси миллий ўйинлари трансформацияси мавзуси бўйича диссертация ёқлаб, 20 тадан зиёд журнал, илмий тўпламларда шу мавзуда салмоқли монографиясини ҳам нашр эттирди.

А.Насимов Қашқадаё воҳаси этнографияси тарихшунослиги бўйича илмий изланишлар олиб бориб, кейинги даврда ОАК рўйхатидаги журналлар ва илмий тўпламларда кўплаб мақолалари чоп этилди ҳамда диссертациясини (PhD) муваффақиятли ёқлади.

Тадқиқотчи Ф.Тўхтамишева “Қашқадарё воҳаси анъанавий каштадўзлигининг ривожланиш хусусиятлари” мавзусида узоқ йиллар давомида илмий, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертациясини ёқлади, 20 тадан зиёд илмий мақолаларини ОАК тасарруфидаги журналларда ва хорижий нашрларда босилиб чиқди.

Элшунос Х.Очилова Қарши воҳасида ўзбек уйларида гўдак туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф - одат ва маросимлардаги трансформация жараёнлари мавзуси бўйича 15 тадан зиёд илмий мақолаларини чоп эттирди.

Қашқадарё воҳаси этнологиясини ўрганишга сермахсул фольклоршунос олим профессор А.Эргашеванинг (1950-2023) асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Домла кейинг даврда 6 та монография, 28 та илмий мақола нашр эттирган эди.

Хуллас, юртимиз мустақиллика эришгач, дастлабки кунларданок воҳа аҳолис этнографиясининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш борасида илмий изланишлар қўлами анча кенгайди. Ушбу муаммони ўрганиш жараёнида воҳа тадқиқотчи элшунос олимларининг худуд аҳолисининг этник тарихи ва этник таркиби, анъанавий хўжалиги, этномаданиятига доир асарларининг нашр этилиши ўзбек халқи этнологиясига янги саҳифа бўлиб қўшилмоқда.

Ўзбекистоннинг энг бой этнохудудларидан бири ҳисобланган этнологик макон Қашқадарё воҳаси этнологиясини ўрганиш бўйича маълум даражада илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, этнологик изланишлар тизимида дала экспедицияларининг салмоғи тобора камайиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг марказий шаҳарларга бориб, илмий иши устида ишлашлари учун қулай шароит яратиш, молиялаштириш масалалари жиддий муаммо бўлмоқда. Араб, форс, ва бошқа хорижий тилларини мукаммал биладиган мутахассисларга кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Этнологларнинг археолог, антрополог, нумизмат, фольклоршунос, тилшунос олимлар билан илмий ҳамкорлигига тобора зарурият туғилмоқда. Хорижий этнологлар билан илмий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш талаб этилмоқда.

Маълумки, этнология (этнография) йўналишида кўп йиллар мобайнида илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Изланувчи – элшунослар кўплаб тарихий, археология, антропология, нумизматика, фольклор, лингвистика, тарихий манбашунослик, этносоциология, дала маълумотлари, архив, музей, статистик каби материалларни қиёслаб тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойилари асосида илмий йўналишга киритиши, теран хулоса чиқаришлари, таклиф ва тавсиялар бериши, соҳага инновацияларни олиб киришлари лозим.

Ҳозирги пайтда этнология йўналишида диссертация мавзулари йўналишга мос бўлмаганлиги ҳам учрайди, илмий янгилиги йўқ ҳаттоки амалий аҳамиятга эга эмас. Мавзулар ниҳоятда тор доирада олинмоқда, айниқса тақлидчилик юз бермоқда. Этнология йўналиши бўйича диссертация мавзуларини кўриб чиқадиغان Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ишини йўлга қўйиш керак деб ҳисоблаймиз.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон этнологияси дарғаси академик К. Шониёзов асос солган илмий мактабининг имон - эътиқодли ва фан учун жонкуяр вакиллари юқоридаги камчиликларга ўзларининг холисона баҳосини беришади, албатта.

Табиийки, истиқлол давридаги Қашқадарё воҳаси аҳолиси этнологияси тарихшунослигини тўлақонли ёритишнинг имконияти йўқ, албатта. Ушбу долзарб мавзуда келгусида янада самарали замонавий руҳдаги илмий-таҳлилий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бўриев О. Ўзбекистон тарихшунослигининг қўшқанот дарғалари. Рисола. -Қарши, “Intellect nashriyoti”, 2023. Б. 3-29.

2. Бўриев О. Мустақиллик даврида Қашқадарё воҳаси этнографияси тарихшунослиги. – Қорақалпоғистон тарихининг долзарб масалари: ўтмиш ва бугун” -Нукус, 2023. Б. 222-226.

3. Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. -Т., 1990; Шу муаллиф. Қарлук давлати ва қарлуқлар. -Т., 1999.

4. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: "Шарк", 2001. Б. 339-354.

5. Аскарлов А.А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа / Материалы к этнической истории населения Средней Азии. -Т.: "Фан". 1986. С. 3-14; Шу муаллиф. Ўзбек халқ этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // “Ўзбекистон тарихи”, 2002 йил 4 - сон, Б. 54 - 60; Шу муаллиф. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -Т., 2007; Шу муаллиф. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. -Т., 2015.

6. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. -Т.: “Мерос”, 1992; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. -Т.: “Ўқитувчи”, 1994. -432 б., Аскарлов А., Аҳмедов Б. Ўзбек халқининг келиб чиқиши (дастлабки мулохазалар) “Ўзбекистон овози”, 1994 йил 20 январь.

7. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т., 1994. -320 б.; Шу муаллиф. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнотарихий лавҳалар). -Т., 2007. -208 б.; Шу муаллиф. Ўзбеклар. 2-нашри. -Т., 2008.

8. Ҳ. Исмоилов. Ўзбек тўйлари. Т., 1992.

9. Бўриев О. (танлаб олинган асарлари) Ўзбек оиласи тарихидан (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий этнографик лавҳалар). -Т.: “Ўқитувчи”, 1995. -128 б.

10. Насриддинов К. Традиционные похоронные обряды узбеков в конце XIX 80-е годы XX вв. (по материалам Кашкадарьинской области). АРҚД. - Т., 1995. 26 с.; Раҳмонов Ф.Ш. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошлари). Автореф. канд. дисс... -Т., 2001. -183 б.

11. Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. -Т.: "Мерос", 1996. - 147 б.; Жалилов И. Ўзбек халқи анъанавий байрамлари, сайиллари ва ўйинлари (Қашқадарё воҳаси тарихий - этнографик маълумотлари асосида). Қарши, Насаф, 2005; Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг деҳқончиликка оид урф-одат ва маросимлари. -Т.: "Янги нашр", 2014;

12. Дониёров А.Х. Этнографические исследования Узбекистане XX веке: осленные этапы пройдены и перспективы развития. Автореф. дисс... докт. ист. наук. -Т., 2003. -54 с; Дониёров А., Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. - Т., 2011. Шу муаллифлар. Марказий Осиё халқлари этнологияси. Дарслик. - Т., 2020; Жўракулов О. Чандир туркманлари. -Т., 1992.

13. Узбеки. М.: “Наука”, 2011

14. Ф.Тўхтамишева Қашқадарё воҳаси анъанавий каштадўзлигининг ривожланиш хусусиятлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... -Термиз, 2022.

15. Очилова Х. “Алпомиш” дostonи этнографик манба сифатида. - Бойсун баҳори - халқаро фестивали туризм салоҳияти. -Термиз. 2022 йил Б. 261-266.

16. Эргашева А. Қашқадарё-Сурхондарё деҳқончилигининг умум ўзбек этном тараққиётидаги ўрни. Фила. фан. докт. дисс... автореф. -Т., 2021. -91 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Эргашева Ю.А.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тарихий аҳамиятга молик воқеалар рўй берди, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт, маданий-мафкуравий соҳаларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. жамиятдаги ўзгаришларга мутаносиб равишда мамлакатимизда миллий ўзликни англаш асосида ва унга ҳамоҳангликда миллий таълим-тарбия тизимимиз, маданиятимиз, кадриятларимиз, маънавий меросимиз, тарихимизга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ҳақидаги ташаббуслари таълим ходимлари томонидан жуда катта қувонч ва масъулият билан кутиб олинди. Бунинг пойдеворига дастлабки ғиштарниям ўзлари қўйиб бошладилар: 2016 йил 30 декабрь мамлакатимиз етакчи олимлари билан учрашувда, 2017 йил ўрта мактабтабни ислох қилиб 11 йиллик ўрта таълимга қайтишда, илгари сўрилган 5 ташаббусда, буюк аждодларимизнинг номларини ва ноёб илмий-маънавий мероси тиклашда, шу жумладан Имом Бухорий, ат Термизий, Абу Муйин ан-Насафийлар илмий-тадқиқот марказлари ва улар қошида ҳадис, ақида мактабларни ташкил этишда, кўплаб санъат, ижод ва Президент мактабларини ташкил этишда, ўқитувчилар, зиёлилар ва олий таълимда фаолият юргизаётган профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш – булар Учинчи ренессанс учун том маънода пойдевор эди.

Айниқса, 2020 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” янги қонун[1] ва қарийб бир ой давомида “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармон[2] лойиҳасини умумхалқ муҳокасига қўйилиши тарихимизда илк марта амалга оширилди. Одатда олдин Фармон чиқиб, кейин у бажарилар эди. Умумхалқ муҳокамасига таълим - тарбия тизими ва илм – фанни ривожланишини қўйилиши, бу масалани нафақат умуммиллий тарихий аҳамиятидан, балки умуман мамлакатимизда барча соҳаларда демократик тамойиллар ва ошқоралик, халқ овози ва дардини эшитишдан далолат беради.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш борасида шунингдек, таълим сифатини оширишга, илғор натижаларга эришишга ва бунда асосий пойдевор бўлиб хизмат қиладиган ўқитувчи-мураббийларга кенг шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Ўз ўрнида, таълим жараёнида ўқитиш ва ўқишни кенг қамровли ҳамда яхлит тарзда такомиллаштиришга имкон берадиган сифатни таъминлаш тизимини яратиш асосий вазифа этиб белгиланди. Сифатни таъминлаш тизимини ташкил этишнинг мақсади ўқитиш ва ўқишни қўллаб-қувватлаган ҳолда, пировард натижа-ўқувчилар ўзлаштириш самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи миллий давлатчиликни демократик жиҳатдан янада ислох этишда, янги тараққиёт даражасига кўтаришда тарихий аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: “Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини илгари сурди. “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойилдан келиб чиқиб, стратегиянинг асосий етти таълими йўналиши белгилаб берилди[3].

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг[4] Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш деб номланган 4-бандида мактабларни ривожлантириш Миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида янги ўқувчи ўрни яратиш, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш, ўқитувчилар ойлик маошларини босқичма-босқич 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш, мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланаётир.

Шунингдек, ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратилади. Бундан ташқари, 141 мингта янги ўқув ўринлари яратилиб, уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 1,2 миллионгача етказилади. Шу билан бирга, мактаб ўқувчиларини касб-хунарга ўқитиш бўйича давлат буюртмаси асосида умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига қўмаклашувчи тизим жорий этилади.

Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»да келтирилишича, 2022 йил якунига қадар 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга етказилди[5].

Қашқадарё вилоятида ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи 2022-2023 йилларда кенгайтирилиб борилди. Жумладан, 2022 йилда кимё ва биология йўналишида 4 та, математика йўналишида 4 та, информатика йўналишида 5 та, физика йўналишида 1 та таянч мактаб ва 4 та физикадан чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этиладиган мактаблар ташкил этилди. 2023 йилда кимё ва биология йўналишида 2 та, математика йўналишида 3 та, информатика йўналишида 3 та, физикадан чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этиладиган 4 та мактаблар ташкил этилди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида жами 1234 та таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, шундан 1204 та умумий ўрта таълим мактаблари, 16 та “Баркамол авлод” мактаблари, 12 та ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 49 та ихтисослаштирилган мактаб, 3 та махсус мактаб-интернат, 1 та махсус ёрдамчи мактаб, 2 та санатория типигаги мактаб-интернат ва 1 та малака ошириш ҳудудий маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоятда 308 та мактаб олис ҳудудда жойлашган ва таълим сифати паст мактаблар рўйхатига киритилган, уларга “Янги Ўзбекистон устозлари” лойиҳаси асосида 674 нафар олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар бошқа вилоят (25 нафар) ва туманлардан (649 нафар) жалб этилди[6].

Бугунги кунда иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, мактаблардаги таълим сифатини оширишда фан олимпиадаларининг ўрни жуда муҳим. Ўтган 2023 йилда, Қашқадарё вилоятидан 5 нафар ўқувчи математика ва инглиз тили фанларидан халқаро даражадаги нуфузли олимпиадаларда қатнашиб 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритганлар.

Бундан ташқари, 2024 йилда 2 нафар ўқувчи математика фанидан 20-халқаро Жатуков олимпиадасида иштирок этиб олтин ва бронза медалларини қўлга киритганлар. Шунингдек, 1 нафар ўқувчи 9-Кавказ Халқаро математика олимпиадасида Бронза медалини қўлга киритди. Шу ўқув йилида асосий фан олимпиадаларининг республика босқичи 4 та ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида) ўтказилди. Ушбу олимпиадаларда вилоятдан 42 нафар 11-синф ўқувчи иштирок этишди ва 3 нафар ўқувчи фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Бундан ташқари, вилоятда 7-8 синф ўқувчилари ўртасида Ал-Хоразмий номидаги табиий фанлар олимпиадасининг якуний республика босқичи ўтказилди. Мазкур олимпиадада республиканинг барча ҳудудларидан келган 84 нафар ўқувчилар иштирок этишди. Ушбу олимпиадада вилоятнинг 2 нафар ўқувчиси совринли ўринни қўлга киритди.

Жорий ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида 57 323 нафар ўқитувчилар фаолияти олиб бормоқда. Ушбу ўқитувчиларнинг 45 060 нафари олий маълумотли, 1 336 нафари тугалланмаган олий, 10 927 нафари ўрта махсус маълумотли. Шунингдек, олий маълумотли ўқитувчилар 2.3 фоизга ошиб, 78.6 фоизни ташкил этмоқда. Ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар сони 1,0 фоизга камайиб, 19.1 фоизни ташкил этмоқда[7].

Ўқувчилар сони 638119 нафар бўлиб, таълим муассасаларининг қуввати 502829 (коэффициенти 1.3%) нафарни ташкил этади. Ўтган ўқув йилида 48330 нафар ўқувчи 11-синф-

ни битирди. Уларнинг 13 нафари олтин, 342 нафари кумуш медалини олишга муваффақ бўлди.

Мазкур натижаларда ҳар бир туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги мактабларнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Албатта, ижобий ишлар билан бир қаторда, эришилаётган ютуқларга “соя” ташлайдиган ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Баъзи бир мактабларда таълим сифати паст ва бунинг натижасида ўзлаштириш кўрсаткичлари бошқа мактаблар билан таққослаганда икки баробарга кам. Айнан, ўзлаштириш кўрсаткичлари паст бўлган мактабларда ижтимоий муҳит ҳам яхши эмас.

Мухтарам Президентимизнинг 2023-йил 24-25 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифлари давомида берган топшириқлар ижроси бўйича тасдиқланган 35-сонли баёнида 2024 йил Қашқадарё вилоятида “Мактаб таълим ва тиббиёт йили” деб эълон қилинди ҳамда бу борада белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилди. Ўқувчиларни касбга ўргатиш ишларини ташкил этиш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 170,0 млн. сўм йўналтирилиб, 34 та мактабларда зарур жиҳоз ва хом ашё учун керакли маҳсулотлар олиб берилди. 50 та мактабга иккита хорижий тил ва касбга ўргатиш ишлари йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ёш авлодга таълим бериш жараёнини самарали ташкил этишда, таълим мазмунини интеграциялашнинг зарур шарт-шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Таълим соҳасининг юксак даражада ривожланиши, таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш имконини ҳам берди. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” йўналишидаги бола тарбиясида оила, ота-она, маҳалла, мактабнинг асосий вазифаларини мазмунан янгилаб ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади. Тараққиёт стратегияси ёшларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратиш ҳамда таълимдаги ислохотларни янги босқичга кутарилишига қаратилган. Шундай экан таълим тизими, хусусан мактаб таълимини тизимли йўлга қўйиш, изга тушириш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23-сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида” ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон.
3. Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. / “Халқ сўзи” газетаси, №238 (8018), 2021 йил 7 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022-й., 06/22/60/0082-сон.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2022. – 416 б.
6. Қашқадарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг жорий архив материаллари.
7. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛИКЛАР ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ИНСОНЛАРНИНГ РЕАБИЛИТИЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ (1936-1959 йиллар)

Ерметов А.А.

Ўзбекистон Миллий университети профессори, тарих фанлари доктори

Тарихий жараёнлар тахлили шундан далолат берадики, ҳар қандай давлатчиликнинг ўрнатилиши ва бошқарув тизимининг мустаҳкамланиши генезисида ўзига хос усул ва воситаларга (қатағонлик сиёсати ва б) таянилган. Гарчи совет давридаёқ XX асрнинг 20-30

йилларида ўтказилган қатағонларга тегишли муносабат билдирилган бўлсада (Сталин вафотидан кейин), сўнги йилларда МДХ давлатларида қатағонлик масаласи, бу даврдаги мураккаб ва зиддиятли тарихий воқеаларга объектив баҳо бериш ҳамда қатағон қурбонларининг аянчли тақдири билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамиятда пролетариат диктатурасини янада мустаҳкамлаш, партиянинг ўрни ва нуфузини ошириш, В.Лениндан кейин ҳокимият тепасига келган И.Сталин даврида ҳам янги асосларда давом эттирилиб, давлат бошқаруви ва ҳўжалик ишларида маъмурий-бўйруқбозлик тизими қарор топтирилди. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, И.Сталин совет давлатини бошқарган йилларда жамиятда юзага келган мураккаб ва зиддиятли вазиятлар (шахсга сиғиниш, бу даврда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар, қатағонлик сиёсати, уларнинг аянчли оқибатлари ва б.) ҳақида[1. 111-129] совет даври ва кейинги йилларда чоп этилган адабиётлар, ҳужжатлар тўплами ва монографияларда фикрлар хилма-хиллигини учратиш мумкин. Уларнинг айримларида И.Сталин партия номидан иш қўриб, жамиятда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар давр тақозоси ёки коммунистик ғоя ва мафкурани мустаҳкамлаш йўлида қилинган ҳаракатлар сифатида баҳоланса, бошқаларида, “Сталин ўз манфаатларини партиянинг ғоялари ва манфаатларидан ҳам устун қўйганлиги, XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб сиёсий бошқарувда партиянинг ўрни ва ролини (хусусан, Марказий Комитет ва партия иерархиясини) камайитиришга ҳаракат қилганлиги ва ўзининг шахсий бошқарувини мустаҳкамлагани”[2.45] тўғрисидаги фикрлар келтирилади.

Хусусан, маълумотларда келтирилишича, 1936 йилнинг апрель-июнь ойларида Тошкент шаҳар жиноий қидирув бўлимларининг ҳамкорликдаги тадбирлари давомида 1208 нафар киши (ҳужжатда “ижтимоий хавфли унсур” деб ёзилган) ҳибсга олиниб, ИИХКнинг “учлигига” топширилган [3. 76].

Совет даврида амалга оширилган қатағонлар орасида тарихга “катта қирғин” номи билан кирган оммавий қатағонларнинг бошланиш сабабларининг кўплаб омиллари мавжуд бўлиб, унинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида тарихий-сиёсий адабиётларда турли талқинлар мавжуд. Жумладан, М.Геллер ва А.Некрячлар уни “Одатдаги террор”, Роберт Конквест эса “Катта террор” деб атаган бўлса, расмий ҳужжатларда “қулоқлар операцияси” деб юритилган [4. 248].

Бу жараёнларни қандай номланиши муҳим масала эмас, асосийси бу қатағонликлар оқибатида жамиятда юзага келган тартибсизликлар, ижтимоий қарама-қаршиликлар, 100 минглаб инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол этилиши билан боғлиқ мудҳиш воқеаларнинг тарихга муҳрлангани билан изоҳланади.

1937 йил февраль ойида Бутуниттифоқ Коммунистик партияси Марказий комитети кадрлар бошқармаси бошлиғи Г.М.Маленков томонидан И.В.Сталинга топширилган далолатномада: партия сафларида ўтказилган “тозалаш”лар ҳамда кўплаб мансабдор ходимларни ишдан бўшатилиши натижасида 1,5 миллион атрофида “хафа” бўлган шахсларнинг қатлами вужудга келганлиги ва улар давлат учун хавф туғдираётгани кўрсатилади[5/ 510].

Бу рақам Сталин раҳбарлик қилган даврни ўрганишга бағишланган бошқа адабиётларда келтирилган маълумотларда ҳам тасдиқланади. Хусусан, қатағон авжига чиққан 1937-1938 йилларнинг 15 ойи мобайнида 1,5 миллион одам ҳибсга олиниб, уларнинг ярми отилгани ҳақидаги маълумотларни кўплаб учратиш мумкин[6. 5]. Шу тариқа нафақат Совет Иттифоқи, балки бутун дунёга шов-шувли ва иттифоқ халқлари учун аянчли бўлган қатағоннинг янги тўлкини “катта террор” бошланиб кетди.

Хусусан, 1937 йил 28 июнда Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига топширилган махсус хабарномада: “Ўзбекистон ҳудудида диний уламолар томонидан аксилинқилобий ҳаракатлар кучайганлиги ҳақидаги маълумотлар асосида май-июнь ойларида бир нечта миллий аксилинқилобий ташкилотлар ва

гуруҳлар аниқланиб, улар тугатилди. Натижада ушбу категорияга кирувчи жиноятларни содир этган 127 нафар одам қамалди, шунингдек, яна 54 нафар диндорни ҳибсга олиш учун кўрсатма берилган”[7. 114], – деб таъкидланади.

1937 йил 5 июлдан бошлаб Бутуниттифоқ Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийёсий бюросида “антисовет элементларни текшириш бўйича учликлар” таркиби муҳокама қилина бошланди. Шу куни Ўзбекистон ССР бўйича Икромов, Болтабоев, Загвоздиндан иборат “учлик” таркибини тасдиқлади. Улар 1489 кишини отиб ўлдириш ва 3952 кишини сургунга жўнатиш режасини маъқуллади. Қорақалпоғистон АССР бўйича учлик тузилмади, аммо, 300 нафар қулоқ отиб ўлдиришга, 400 нафар қулоқ сургунга ва отиб ўлдирилганларнинг оилаларини ҳам сургун қилишга қарор қилинди[8. 327]. Шу йили 30 июлда СССР ИИХК томонидан “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни репрессия қилиш операцияси тўғрисида”ги №00447 оператив буйруқ қабул қилиниб, унга асосан Иттифоқ миқёсида террор авж олди.

Ушбу буйруқнинг ижросини таъминлаш жараёнида Иттифоқ миқёсида оммавий террор уюштирилди. Назорат ва жазо органлари томонидан айбсиз кишилар устидан сохта ишлар тўқиб чиқарилиб [9. 26-28], оммавий ҳибслар уюштирилди, юзлаб сиёсат ва жамоат арбоблари, минглаб ишчилар, деҳқонлар, дин вакиллари судсиз-сўроқсиз жазога мубтало қилинди. Коммунистик мафкура шу аснода мавжуд тузумнинг моҳиятини тушуниб етадиган аҳолининг илғор зиёли қисмини (миллатидан қатъий назар) йўқотишга ҳаракат қилди. Тарихий адабиётларда кўрсатилишича, турли айбловлар бўйича Ўзбекистонда 1937-1939 йилларда ҳаммаси бўлиб 41 мингдан зиёд киши қамоққа олинди, 37 мингдан ортиқ киши жазоланди ва 6920 нафар киши отиб ташланди [10. 326].

Умуман олганда 1930 йилларнинг иккинчи ярмидан 1938 йилнинг баҳоригача олиб борилган оммавий қатағонлар оқибатида республикада фаолият юритган раҳбар ходимларнинг 70 %[11. 158] ва хўжалик соҳасидаги миллий интеллигенция вакиллари 60 %дан ортиғи қатағонга учради[12. 116].

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, Ўзбекистон бўйича 1937 йилда 14 873, 1938 йилда эса 20 641, бинобарин, жами 35 534 нафар киши қамоққа олинган. Лекин бу маълумотлар ҳам қатъий бўлмай, Ўзбекистон бўйича қанча кишининг қамоққа олингани, отилгани, лагерларга жўнатилгани ва қанча кишининг айбсиз отилиб, озод қилингани ҳақида аниқ маълумотлар юзага келмаган[13. 6-7]. Тадқиқотчи М.Абдуллаевнинг диссертациясида келтирилишича, “1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича “қулоқлар”дан 5924 киши, “жиноятчилар”дан 1679 киши, бошқа “советларга қарши унсурлар”дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган”[14. 26].

И.В.Сталин вафотидан кейин қатағон масаласига муносабат тубдан ўзгариб, қатағон қилинганларнинг ишларини қайта кўриб чиқишга эътибор қаратилди. 1954 йил февраль ойида Н.С.Хрушевга тақдим этилган маълумотномада (СССР Ички ишлар министри, Бош прокурор ва Юстиция министрлари томонидан тасдиқланган) 1921 йилдан 1954 йил 1 февралгача 3.777380 киши аксилинқилобий ҳаракатда айбланиб қамоққа олингани, улардан 642980 таси олий жазога ҳукм этилгани кўрсатилган эди[15. 506].

1956 йил февраль ойида бўлиб ўтган КПССнинг XX съездида[16. 111-129] шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари муҳокама қилинганидан сўнг, шахсга сиғиниш ҳолатлари қораланди ва И.В.Сталин даврида ўтказилган қатағон қурбонларини реабилитация қилиш масаласи жадаллаштирилди. Натижада Ўзбекистонда ҳам қатағон қилинган шахсларни реабилитацияси билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ф.Хўжаев, А.Икромов каби давлат арбоблари, ёзувчи А.Қодирий ва бошқа кўплаб инсонларнинг номлари оқланди. Шунингдек, 1950 йилларнинг бошларида сиёсий қувғинга учраган ёзувчи ва шоирлар Саид Аҳмад, Мақсуд Шайхзода ва бошқалар ҳам реабилитация қилинди[17. 108].

Хулоса қилиб айтганда таҳлил этилаётган йилларда Иттифоқ миқёсида ижтимоий-сиёсий ва мафқурий жиҳатдан мураккаб вазият юзага келди. XX аср 30-йилларининг иккинчи ярмида жамиятда авж олган репрессив сиёсат ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиб, тарихга “катта террор” номи билан кирди. Бу даврда олиб борилган оммавий қатағонлар оқибатида республикада фаолият юритган энг илғор раҳбар ходимлар ва хўжалик соҳасидаги миллий интеллигенция вакиллари катта қисми асоссиз равишда ҳибсга олиниб, қатағон қилинди.

Бу даврдаги сиёсий репрессияларнинг яна бир хусусияти шунда эдики, қатағон йилларида аҳолининг ҳеч бир қатлами аяб ўтирилмади. Ҳатто бу жараёнларнинг ижрочиси бўлган ички ишлар тизимида фаолият юритган ходимлар ҳам турли кўринишдаги қатағонлар қурбонига айланди. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, бу пайтда Иттифоқ миқёсида тизимдаги минглаб ходимлар қатағонга учраган ва хизматдан бўшатирилган. XX асрнинг 50 йилларида иттифоқ сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар натижасида қатағон масаласига муносабат тубдан ўзгариб, қатағон қилинганларнинг ишларини қайта кўриб чиқишга эътибор қаратилди. Бу жараёнда қатағон қилинган давлат арбоблари, кўплаб ёзувчи, шоир ва бошқа инсонлар реабилитация қилиниб, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қайта тикланди.

Адабиётлар рўйхати

1. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т.9 (1956-1960 гг.). - Москва: Политиздат, 1986. - С.7-90; Постановление ЦК КПСС о преодолении культа личности и его последствий (30 июня 1956 г.). - С. 111-129.
2. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. Перевод с английского В.Р.Рокитинского. - Москва: Прогресс-Традиция, 2004. - С.45.
3. Ерметов А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти. – Тошкент, 2018. – Б. 76.
4. Шамсутдинов Р. Ўзбекистондаги “Катта қирғин”: сабаб ва оқибатлари. / Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Андижон, 2017. - Б. 248.
5. Кара-Мурза С. Советская цивилизация. От начала до Великой победы. - Москва: Алгоритм; Эксмо, 2005. - С.510.
6. Петров Н. Янсен М. Сталинский питомец – Николай Ежов. - Москва: Российская политическая энциклопедия (РОСПЭН); Фонд Первого Президента России Б.Н.Ельцина, 2008. - С.5.
7. ЎзР ПАА, 58-фонд, 13-рўйхат, 656-иш, 144-варақ
8. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929–1959 йиллар). -Тошкент: Sharq, 2012. - Б. 327.
9. ЎзР ПАА, 58-фонд, 15-рўйхат, 135-иш, 1-3, 26-28-варақлар.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. - Тошкент: Шарқ. 2000. - Б.326.
11. Алимова Д. История как история, история как наука. Том 1. - Ташкент: Узбекистан, 2008. - С.158.
12. Ишанходжаева З. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1953 гг.). - Ташкент: Тафаккур, 2011. - С.116.
13. Каримов Н. 1937-1938 йиллардаги “катта қирғин”нинг фожиали оқибатлари. - Тошкент, 2015. - Б. 6-7.
14. Абдуллаев М. Ўрта Осиёдаги махсус поселкалар тизими ва сургун қилинган кулоқлар тақдири (1930-1954 йиллар). Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2019. - Б.26.
15. Кара-Мурза С. Советская цивилизация. От начала до Великой победы. - Москва: Алгоритм; Эксмо, 2005. - С.506.
16. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т.9 (1956-1960 гг.). - Москва: Политиздат, 1986. - С.7-90; Постановление ЦК КПСС о преодолении культа личности и его последствий (30 июня 1956 г.). - С. 111-129.
17. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 2 том. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, К.Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.108.

**АФҒОНИСТОНДАГИ ҲАРБII ҲАРАКАТЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ЎЗБЕК
ЙИГИТЛАРИНИНГ НОБУД БЎЛИШИ**

Ражабов Қ.

Тарих фанлари доктори, профессор, ЎзФА Тарих институти бош илмий ходими

Бу даврда мамлакатда юз берган бир қатор воқеалар Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ана шундай нохуш воқеалардан бири совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши бўлди. Ўз ташқи сиёсатини коммунистик мафқурани дунё бўйлаб ёйиш орқали таъсир доирасини кенгайтириш асосида қурган СССР 1979 йил 26 декабрдан 27 декабрга ўтар кечаси Давлат хавфсизлик комитетининг махсус бўлинмаси жангчилари (улар асосан совет мусулмонларидан, хусусан, ўзбеклар ва тожиклардан иборат бўлган) Кобулдаги “Тоғбек” президент саройини ишғол қилиб, Афғонистон Президенти Ҳафиз Аминнинг ўлдиришди ҳамда ҳокимият тепасига советпараст Бабрак Кармални ўтқозишди. Дастлабки совет десанти Фарғона шаҳридан учган ҳарбий самолётлар орқали Кобулга ташланди. Бу воқеадан кейин катта миқдордаги совет қўшинлари зудлик билан Афғонистонга киритилди. Ғарб билан Шарқ ўртасидаги “илиқлик” даври якунланди. Афғонистонда совет армияси жангчиларининг кучи билан совет (шўровийлар) режими ўрнатилди. Бироқ мамлакатнинг 26 та вилоятидан 18 тасида қуролли муҳолифат гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар амалдаги афғон ҳукуматига қарши кураш бошлади. Мана шундай шароитда “шўровий афғон” ҳукуматини қўллаб келаётган СССР қўшинларининг Афғонистонга киритилиши дунёдаги барча тараққийпарвар кучлар томонидан кескин қораланди.

Ҳатто Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод Шароф Рашидов совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши ва у ердаги ҳарбий можароларни гўёки бартараф этиши ҳақида Политбюро махфий қарорини у қабул қилингандан кейин эшитган. Ш.Рашидов Ўзбекистонга қўшни давлат бўлган Афғонистонга чекланган совет қўшинлари киритилиши ҳамда бу ердаги ҳарбий ҳаракатларга қатъиян қарши бўлган.

Совет қўшинлари 10 йил мобайнида, яъни 1979 – 1989 йиллар мобайнида Афғонистонда турди ҳамда ҳарбий ҳаракатларда фаол қатнашди. Афғонистонга киритилган “чекланган совет қўшинлари” таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилган. Бу пайтда совет-афғон чегарасидаги Амударё соҳилида жойлашган Термиз шаҳри (Сурхондарё вилоятининг маъмурий маркази) ёпиқ шаҳарга айлантирилиб, совет қўшинлари ва ҳарбий техника асосан Термиз орқали Афғонистонга киритилди. Ҳатто 1981 йилда Амударё устидаги чегарада Хайратон кўприги қурилди. Афғонистонда турган “чекланган совет қўшинлари” миқдори 100 000 кишидан пастга тушмаган. Айрим маълумотларга қараганда, 500 000 нафар совет солдат ва офицерлари Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда “жанговар тайёргарлик”дан ўтган.

Афғонистонда бўлган жангларда 14 500 кишидан ортиқ совет солдати ҳалок бўлди, улардан 1515 нафари ўзбекистонлик жангчилар эди (1067 нафар ўзбек йигити жангларда ўлдирилди), 30 000 нафардан ортиқ киши оғир яраланди ёки уйига ногирон бўлиб қайтди. Қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилояти Бозоқўрғон тумани Арслонбоб кишлоғида туғилган ўзбек фарзанди Юрий Исломов (1968-1987) вафотидан кейин СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 3 мартдаги қарори билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди[1:372].

1988 йил 15 майда совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиш бошланди. Улар Амударёдаги Хайратон кўприги орқали Термизга олиб ўтилиб, дастлаб Тошкент яқинидаги Чирчиққа жойлаштирилди. Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиши 1989 йил 15 февралда якунланди.

Кўп йиллик уруш СССР ва Афғонистон иқтисодиётига катта зарар етказди. Маълумотларга қараганда, урушдан Афғонистон 20 млрд доллар миқдорда моддий талафот кўрди, унда

1 млн нафар афғонистонликлар ҳалок бўлди, 4 млн киши хорижга кўплаб кетишга мажбур бўлди. Уларнинг орасида афғонлардан ташқари ўзбеклар, тожиклар ва туркманлар ҳам кўпчиликини ташкил қилар эди.

Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашган совет аскарларининг тинч ҳаётга мослашиши оғир кечди. Уларнинг бир қисми (хусусан, россиялик ва кавказлик собиқ “афғончилар”) XX аср 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошларида СССРдаги турли жиноий гуруҳлар ҳамда коррупция ва мафия билан ҳамкорлик қилди.

Афғон уруши натижасида Ўзбекистонда ҳам минглаб хонадонлар мотам ичида қолди. Балоғат ёшига етган 19-20 яшар навқирон ўзбек йигитлари ўз Ватани мустақиллиги учун эмас, балки бемаъни коммунистик ғоя ва сиёсий ўйинлар туфайли қўшни давлат ҳудудида бўлган шафқатсиз курашда ҳалок бўлди. Бу урушнинг асосий айбдори СССР ва АҚШ давлатлари раҳбарлари ҳамда Афғонистондаги турли сиёсий ва диний гуруҳлари вакиллари эди.

Бундан ташқари XX аср 80-йилларида нафақат Афғонистондаги жангларда қатнашиб ҳалок бўлаётган, балки улкан мамлакат ҳудудида совет армияси сафларида тинчлик шароитида ҳарбий хизматни ўтаётган пайтда ўлдирилган ҳамда ҳалок бўлган юзлаб ва минглаб ўзбек йигитларининг жасадлари солинган “темир тобутлар”нинг юртимизга келиши Ўзбекистондаги ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатди.

Ўша пайтда Ўзбекистон ССР халқ депутати, журналист Карим Баҳриевнинг матбуотда ёзишича, 1990 йилнинг 9 ойи мобайнида ўзбек хонадонларига 167 та, 1991 йилда эса 430 та тобут келди[2:226]. Бу ҳолат коммунистик мафкура таъкидлаб келган совет армиясидаги “миллатлараро тотувлик, халқлар дўстлиги ва байналмилал ғоялар” аслида декларатив хусусиятга эга бўлганлиги, бу пайтда армия ич-ичидан емирилиб, айниб кетаётганлиги, аскарлар ўртасида миллий ва диний низолар асосида турли тўқнашувлар келиб чиқиши кучайганлигини кўрсатади[3].

Мазкур даврда ўзбек қишлоқларидаги оғир маиший ҳаёт, пахта иши муносабати билан совет терговчиларининг зуғумлари, хўрлик ва ҳақоратларига чидай олмаган ҳамда оилада моддий келишмовчиликлар ва турли жанжаллар боис ўз-ўзини ўлдириш кучайганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, юзлаб ўзбек аёллари намоийшкорона тарзда ўзларига ўт қўйиб, фожиали тарзда ҳалок бўлди ёки бир умрга ногирон бўлиб қолди. Хуллас, ўзбек аёллари оиладаги зўравонлик, моддий қийинчиликлар, оғир маиший турмуш ҳамда жамият ва тузумга қарши ўз норозилигини ана шундай фожиали намоийш қилди.

XX асрнинг 80-йиллари бошларига келганда совет режими, унинг сиёсий тизими ва ҳўжалик юритиш усуллари ўзининг ривожланиш имкониятларини тугата бошлади. Ўзбекистон ССР иқтисодиёти ҳам, катта хомашё ва табиий бойликлар захирасига эга бўлишига қарамасдан, СССРнинг марказий ҳудудларидан жуда тез ортида қола бошлади.

Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1980 – 1985 йилларда Ўзбекистон ССРда анча ўсган бўлса ҳам, унинг етакчи тармоқлари – машинасозлик ва кимё саноати, асосан, пахтачилик учун трактор ва машиналар ишлаб чиқариш, кимёвий ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш билан чекланди. 1985 йилга келганда Ўзбекистонда 1500 дан ортиқ ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлари ва корхоналари бор эди. Шу йилларда Ўрта Осиёда машинасозлик маҳсулотларининг 2/3 қисмини берадиган Ўзбекистон машинасозлик саноатида анча силжишлар бўлган. Бухоро, Наманган, Сирдарё вилоятларида ҳам янги машинасозлик корхоналари қад кўтарган. Бу даврда Ўзбекистонда бир қанча ип газлама ва шойи газлама, турли трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар қурилди[4:138].

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида Ўзбекистон ССРда маҳаллий аҳоли орасидаги ишсизларнинг ўртача йиллик сони 1 млн кишидан ортиқ бўлиб, уларнинг ярми ёшлар эди. Хусусан, қишлоқ туманларида ишсизлик даражаси яна ҳам юқори бўлган. Ишсизлар сони ана шундай кўп бўлган бир шароитда иш кучини республикага тўхтовсиз равишда четдан келтириш давом этарди. Навоий, Зарафшон, Учқудук, Чирчиқ, Бекобод, Олмалик, Ангрен шаҳарларидаги ишчиларнинг аксарияти СССРнинг марказий районларидан келтирилган

русийзабон аҳоли эди. Масалан, 1981 – 1985 йилларда Тошкентда иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли ўртача 200 000 нафардан ортиқ киши бор бўлгани ҳолда янги ишга туширилган корхоналарга 125 000 нафар ишчи ва мутахассислар РСФСР, Украина ва Белоруссиядан жалб қилинди[5:182]. Шаҳарларда, хусусан, республика пойтахти Тошкент шаҳрида яшовчи маҳаллий аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи юқори бўлса ҳам энг аввало қўчириб келтирилган аҳолининг маиший шароитлари яхшиланган.

Ўзбекистонда 1980 йили ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган техникумлар сони 44 тага етган. 1985 йилда республика қишлоқ хўжалигида 10 000 нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотли ва 5000 нафардан зиёд олий маълумотли мутахассис фаолият кўрсатган. Бироқ мутахассислар сон жиҳатдан ўсиб борса ҳам уларнинг малакаси етарли даражада эмас эди. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг талабалари, шунингдек, қишлоқ мактабларининг юқори синф ўқувчилари узок муддатли қишлоқ хўжалик, хусусан, пахта ҳосилини йиғиштириб олишга жалб қилинган. Ўқув дастурлари эса ҳаддан ташқари мафкуралаштирилиб, марксизм-ленинизм таълимоти коммунистик ғоя талабларига бўйсундирилган[6:20].

Ўзбекистонда мазкур даврда ҳар йили куз мавсуми ва ҳатто декабрь ойида тинчлик шароитида ҳам худди фронтда бўлгани сингари бир ҳолат ҳукм сурган. Ўзбекистоннинг деярли барча аҳолиси пахта йиғим-теримида жалб қилинган. Бу пайтда университет ва институтлар, техникумлар, мактаблар ёпилиб, барча талаба ва ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар пахта териш учун далаларга жўнатилган. Бошқа давлат муассасалари ходимлари ҳам оммавий равишда “оқ олтин”ни теришга сафарбар қилинган. Бироқ пахтадан олинган асосий даромаднинг ҳузурини Москва кўрган, ўзбек деҳқонлари эса асосан қора меҳнат билан шуғулланган. Пахта териш машиналаридан фойдаланишга қўл учида қаралган. Туман марказлари ва қишлоқларда магазинлар ва бозорлар ёпиб қўйилган, тўйларга рухсат берилмаган, ҳаёт гўёки тўхтаб қолгандек бўлар, кўчалар ва майдонлар ҳувиллаб ётар эди. Милиционерлар ҳатто кўчаларда автобус ва енгил машиналарни тўхтатиб, ҳайдовчи ва йўловчиларни мажбурий тарзда пахта теришга жалб қилишган. Афсуски, бу ҳолат XX аср охирида бир қадар ижобий томонга ўзгарган бўлса ҳам, кейинги йилларда аҳвол яна “эски ҳаммом – эски тос” даражасида сақланиб қолди.

Бу даврда Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Йилдан-йилга тобора кўпайиб бораётган пахта экин майдонларини суғориш учун янги сув омборлари ва каналлар қурилиши ҳам авжига чиқди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш кучайди. 1982 йилда Қорадарёдан сув оладиган, сигими қарийб 2 млрд м³ бўлган энг йирик Андижон сув омбори қурилди. Хуллас, 1985 йилга келиб Ўзбекистон ССРда 20дан ортиқ сув омборлари мавжуд бўлган. Шу билан бирга каналлар сони ҳам ортди. Бу каби ирригация иншоотларининг кенгайиб бориши халқ хўжалиги учун бирмунча иқтисодий самара берган бўлса ҳам, бироқ унинг салбий оқибатлари яна ҳам оғирроқ бўлди. Чунки чўлларни ўзлаштириш, суғориш ишлари интенсив йўл билан эмас, балки экстенсив йўл билан амалга оширилди. Сувдан фойдаланишда катта исрофгарчиликка йўл қўйилди[4:139].

Қўриқ ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш, СССР ҳукуматининг талаб ва эҳтиёжи билан янги пахтачилик туманларини яратиш, пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш пахта яккаҳокимлигининг янада кучайишига олиб келди. Орол фожiasi кундан-кунга зўрайиб борди. Бу ҳол, ўз навбатида, озик-овқат ва экологик муаммоларни ҳал қилиш-ни янада қийинлаштирди, республикада ижтимоий кескинликни кучайтирди.

Хуллас, XX аср 80-йилларининг бошлари ва ўрталарида Ўзбекистон ССР ижтимоий вазият кескинлашди. Ўзбек халқининг оғир иқтисодий аҳволи, маиший турмуш даражасининг пастлиги, оналар ва болалар ўлимининг юқори даражада эканлиги, Орол денгизи ва экологик вазиятнинг оғирлашуви каби иқтисодий омиллар республикадаги ижтимоий аҳвол ва сиёсий вазиятни баттар таранглаштирди. Бунинг устига Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларга ўзбек йигитларининг оммавий миқёсда жалб этилиши ҳамда қўшни давлатда уларнинг

халок бўлиши, совет армиясидаги бошбошдоқлик ва миллатлараро низолар натижасида кўплаб ўзбек аскарларининг бевақт нобуд бўлиши, аёлларнинг ўз-ўзига ўт қўйиши натижасида юртимизда сиёсий аҳвол баттар оғирлашди.

Адабиётлар рўйхати

1. Пардаев Р. Афганская командировка (факты и воспоминания). – Ташкент: «Muharrir», 2013. – 720 стр; Книга памяти о павших в Афганистане узбекистанцах (Афганистан: 1979 –1989). Составитель: Р. Пардаев. –Ташкент: «TuronZaminZiyo», 2016. – 372 стр.

2. Баҳриев К. Ой бориб, омон қайтмаган болам // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”(Тошкент). 1991 йил; Фитна санъати. I китоб. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: А.Мелибоев, С.Аҳмад. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 226.

3. Ушбу сатрлар муаллифи 1980-1982 йилларда улкан салтанатнинг пойтахти Москва шаҳри ва Москва вилоятида, яъни Москва ҳарбий округида совет армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаган. Ҳарбий хизмат пайтида ўзбеклар ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан борган бошқа туркий халқларга нисбатан асосан славянлар ва кавказликлардан иборат командирлар ҳамда пропоршик ва старшиналар паст назар билан қараб, уларни таҳқирлашган. Хусусан, бу командирлар ўзбекларни ёмон кўрарди. Мен хизмат қилган ротада 4 кишининг фамилияси Ражабов бўлиб (3 нафари ўзбек, 1 нафари тожик эди), каминанинг лақаби “босмачи” бўлган. Миллий низолар натижасида мен хизмат қилган ҳарбий гарнизонда 2 йил мобайнида ўнлаб аскарлар фожиали нобуд бўлган. Камина юрагида аччиқ оғриқ бўлиб қолган воқеалардан бири 19 ёшида Москвада ҳалок бўлган шофирконлик Эргаш исмли дўстим жасадини 1981 йил 1 сентябрда Москвадан Самарқанд орқали мархум дўстим яшайдиган Мирзокул қишлоғидаги ота хонадонига олиб келишим бўлган. Такдирни қарангки, мен Ўзбекистон миллий гвардиясида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида хизмат қилаётган укам Сулаймоннинг (у 19 ёшни тўлдиргандан кейин орадан уч кун ўтгач, ҳарбий хизматда фожиали ҳалок бўлди) жасадини ҳам 1993 йил 23 февралда Тошкентдан олис Бухорога – Шофиркон тумани Боғиёфзал қишлоғидаги ота хонадонимга олиб борган эдим...

4. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Б. 138.

5. Алимов И., Ражабов Қ. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий инқирознинг кучайиши ва иқтисодий турғунлик (1971 – 1985 йиллар) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Ўзбекистон Республикаси. –Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 182.

6. Қ.Ражабов, Ҳ.Абуев. Ўзбекистон ССРда совет давлатининг емирилиши ҳамда қайта қуриш сиёсатининг таназули (1985-1991 й.). – Тошкент: Фан, 2022. – Б. 20.

**УКРЕПЛЕНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ЦИВИЛИЗАЦИЙ, ОБЪЕДИНЕНИЕ УСИЛИЙ
ДЛЯ СОЗДАНИЯ СООБЩЕСТВА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА
МЕЖДУ КИТАЕМ И УЗБЕКИСТАНОМ**

Ли Ци,

**Профессор, директор Института Центральной Азии
Шэньсийского педагогического университета**

С 23 по 25 января 2024 года Президент Мирзиёев по приглашению Председателя КНР Си Цзиньпина посетил Китай с государственным визитом. В целях долгосрочного развития китайско-узбекских отношений и будущего благополучия народов двух стран главы двух государств повысили двусторонние отношения китайско-узбекского до уровня всепогодного всеобъемлющего стратегического партнерства в новую эпоху.

В совместном заявлении главы государств двух стран отметили, что Узбекистан и Китай, являясь странами с древними цивилизациями на Шелковом пути, будут сообща прикладывать усилия для развития духа Шелкового пути, углублять гуманитарный обмен, поддерживать и сохранять культурные традиции и инновации, чтобы плоды цивилизаций Узбекистана и Китая приносили еще большие блага народам двух стран.

В целом развитие узбекско-китайских отношений имеет свою древнюю историю. Связи между китайскими и узбекскими народами насчитывают не менее двух тысяч лет – со

времен расцвета Великого шелкового пути, когда между нашими народами активно развивался торговый и научно-культурный обмен, а также осуществляли обмен и совместное использование таких факторов производства, как люди, ресурсы, технологии, товары и достижения.

В 138 г. до н.э. и 119 г. до н.э. Чжан Цянь, выдающийся исследователь и дипломат династии Хань, два раза открывал «шелковый путь». Чжан Цянь написал «Запись о Западном Крае» - первое описание о Центральной Азии в мире. В 399 году н. э. Фа Сянь из династии Восточная Цзинь (东晋) в течение 14 лет обошёл более 20 стран Центральной и Южной Азии и написал "Записи о стране Будды" (《佛国记》) .

В 627г. нашей эры в династии Тан знаменитый монах, буддийский теоретик и переводчик Сюаньцзан отправился из Чанъаня на запад за буддийскими классиками через центральноазиатский участок Шелкового пути. Спустя 19 лет он написал «Записки о путешествии на Запад». В этой книге он подробно описал о Великом шелковом пути в период ранней династии Тан, особенно изложил обо всех виденных в Ташкенте (石国) , Самарканде (康国, Шахрисабз (史国, Бухаре (安国, Фергане (宁远) , Хорезм (火寻) и других местах, где расположены девять названных стран Чжаоу (昭武, и общественных жизнях, местных обычаях, специальных продуктах, великолепных культур Центральной Азии - это самые ценные исторические литературы для изучения.

В официальных исторических документах, составленных центральными китайскими династиями на протяжении многих веков, содержится большое количество записей о взаимоотношениях Китая с древними государствами Центральной Азии. Эти труды являются одними из самых ценных документов для изучения истории цивилизационных контактов между Китаем и Узбекистаном. Глубокое культурное наследие, которым история одарила народы двух стран, заложило прочный фундамент для всепогодного всеобъемлющего стратегического партнерства между Китаем и Узбекистаном в новую эпоху.

В современном мире социальная производительность и научно-технический прогресс развиваются быстрыми темпами, и с наступлением эпохи экономики, основанной на знаниях, роль образования в содействии экономическому развитию становится все более заметной. Международное сотрудничество в сфере образования, неотъемлемым атрибутом которого является межкультурная коммуникация, стало основным путем повышения национального качества и выращивания международных талантов, а также чрезвычайно важно направлять и формировать у молодого поколения знания и способности решать вопросы с широкой международной точки зрения и с точки зрения всего человечества. Председатель КНР Си Цзиньпин отметил, что "когда процветает образование, процветает и страна, а когда образование сильно, сильна и страна". Мирзиёев неоднократно подчеркивал, что "высшее образование и научные инновации должны стать основными столпами национального развития".

Для качественного развития китайско-узбекского сотрудничества в сфере образования имеется хорошая основа и условия, поскольку Узбекистан является новаторском местом высшего образования, китаеведения и подготовки кадров в Центральной Азии, а в 1950-е годы вузы и научно-исследовательские организации Узбекистана подготовили большое количество ученых в области китаеведения для многих стран. За 32 лет с момента установления дипломатических отношений между Китаем и Узбекистаном гуманитарное сотрудничество и обмены между двумя странами продолжают углубляться, а формы сотрудничества постоянно совершенствуются. Двустороннее сотрудничество в области межкультурного образования, высшего образования, дистанционного образования, профессионально-технического образования, дошкольного образования, совместных археологических раскопок и сохранения историко-культурного наследия, развивающейся науки и техники, традиционной медицины и фармацевтики, аналитических центров и СМИ, спорта и искусства, туризма и исполнительского искусства, организаций гражданского общества, подготовки молодежи, а

также подготовки необходимых талантов для восстановления Афганистана, достигло больших успехов и внесло позитивный вклад в социально-экономическое развитие и борьбу с бедностью двух стран. Всё это сыграло большую роль в дружбе между двумя народами на протяжении многих поколений.

22 января этого года в Пекине состоялся Форум сотрудничества "Сто вузов Китая и Узбекистана", организованный Министерством образования Китая и Министерством высшего образования, науки и инноваций Узбекистана с целью реализации консенсуса глав двух государств, аккумуляции образовательных достижений встречи глав государств, углубления сотрудничества и обменов в области образования между Китаем и Узбекистаном и объединения усилий для создания китайско-узбекского образовательного сообщества.

Например, за последние десять лет, с тех пор как был предложен "Пояс и путь", Шэньсийский педагогический университет КНР подписал соглашения о сотрудничестве с Ташкентским государственным педагогическим университетом, Самаркандским государственным университетом, Ташкентским государственным восточным университетом востоковедения и т.д.. В 2017 году Шэньсийский педагогический университет и Ташкентский государственный педагогический университет осуществили сотрудничество по преподаванию дисциплины "всемирная история", а в 2019 году Шэньсийский педагогический университет реализовал горбатый план "Пояс и путь" и совместно с Самаркандским государственным университетом осуществил первую партию "Совместная программа обучения 2+2 с двумя степенями" по специальности "история". Первая партия студентов закончила обучение, а некоторые из них остались в Китае для получения степени магистра. В 2023 году "Совместный китайско-узбекский исследовательский проект "Один пояс, один путь", представленный Институтом Центральной Азии Шэньсийского педагогического университета, был успешно одобрен Программой поддержки талантов в области международных исследований Китайского совета по стипендиям. Молодые преподаватели и докторанты один за другим приезжали в Самаркандский государственный университет с исследованием и совместными программами подготовки докторов наук. Это стало возможным благодаря многолетнему дружескому сотрудничеству между нашим университетом и узбекскими вузами.

Оглядываясь на историю, мы смотрим в будущее. Используя дипломатию глав государств двух стран в январе этого года как возможность, мы будем укреплять механизм гуманитарных обменов и сотрудничества, активизировать сотрудничество в области подготовки кадров, научных исследований, цифрового образования, языкового обмена, обменов между преподавателями и студентами, продолжать расширять глубину и широту сотрудничества. Мы будем совместно создать новую ситуацию для гуманитарных обменов и образовательного сотрудничества между двумя странами, содействовать высоко-качественной стыковке и развитию "Одного Пояса и одного пути" и строительству "Нового Узбекистана", а также написать новую главу в судьбе китайско-узбекского сообщества.

ЎЗБЕКISTONНИНГ ТАШҚИ МИГРАЦИЯСИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Муртазаева Р.Х.

ЎзМУ профессори, тарих фанлари доктори

Замонавий дунёда глобаллашув тенденциялари Ер юзида яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти, турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, жамиятда аҳоли миграцияси ҳам глобаллашиб, дунёнинг деярли барча минтақалари, мамлакатлари, жамиятларини ўз ичига тортмоқда. Мамлакатлар мигрантларни қабул қилувчи реципиент давлатга ёки уларни халқаро майдонга тақдим этувчи донор мамлакатга ёки бир вақтнинг ўзида ҳам реципиент, ҳам донор давлатга айланмоқда. Ушбу нуқтаи назаридан ХХІ глобаллашув асрини глобал миграция асри деб номлаш ҳам мумкин. Ўрта Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий жойлашуви

туфайли азалдан оммавий миграция майдони бўлиб келган, бунинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу ерга ўзга миллат вакиллари кўчиб келган-у, аммо кўчиб кетиши деярли кузатилмаган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида ушбу жараёнларининг фаол аъзоси бўлиб, миграция давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий, сиёсий фаолиятига ҳам бевосита, ҳам билвосита ўз таъсирини ўтказмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида меҳнат миграцияси иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ечимларидан бири сифатида қабул қилинган. Алоҳида таъкидлаш керакки, аҳолининг бир қисми, айниқса ёшлари улуғ инсонлар халқимизнинг бошқа давлатларга меҳнат қилишга кетишларига ўзларининг салбий муносабатларни билдирганлар.

Мамлакатимизда ҳозирча ташқи мигрантларининг аниқ миқдорини таҳлил қилган маълумотлар базаси ёки статистик ҳисоботлар мавжуд эмас. Баъзан берилган маълумотларга кўра, 2016 йилда 13700 дан зиёд Ўзбекистон фуқаролари Европа Иттифоқи давлатларида расмий яшаб келмоқда. Улардан 2272 – Чехияда, 2000 яқин – Польшада, 1900 – Швецияда, 1500 – Латвияда, 1300 – Италияда. 2018 йилда эса Ўзбекистондан 2593,700 одам кетган. Уларнинг 80% - Россияга иммиграция қилган, 15% эса – Қозоғистонга, кам қисми – Корея ва Туркияга. Иммигрантларни энг кўп қисми Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Наманган шаҳарларига тўғри келади.

Бугунги кунда меҳнат муҳожирларининг асосий йўналишлари Россия (61,5%), Қозоғистон (16,9%), Туркия (6,1%), Жанубий Корея (2%), БАА (0,8%), ҳисобланади. 2 мил-лион 365 минг меҳнат муҳожирларининг 75,9% эркеклар, 24,1% аёллар ташкил этади [1].

Мутахассисларнинг тадқиқотлари бўйича Ўзбекистон меҳнат миграциясини рағбатлантиришнинг энг жозибадор йўналишлари аниқланиб, булар Польша, Болгария, Литва, Чехия, Франция, Германия, Буюк Британиядир. Сингапур, Саудия Арабистон ва Япония ҳам алоҳида таъкидланган. МДХ давлатлари орасида Озарбайжон ва Беларус энг салоҳиятли бўлиб чиққан.

Ўзбекистоннинг демографик дивидентида самарали фойдаланиш давлатимизнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда ҳар йили умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини 650 мингга яқин ёшлар битиради, уларнинг 160-165 минг нафари ОЎЮ бакалавриат дастурига қабул қилинади. Ўзбекистон иқтисодиётида йилига ўртача 300 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилмоқда. Натижада 200 мингга яқин ёшлар мустақил равишда хориждан иш қидира бошлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, нима сабабларга кўра аҳоли миграция қилишига қарамасдан, ташқи миграция маълум даражада мамлакатимиз ичидаги маънавий муҳитга таъсир этмоқда. Ўзбекистон Республикасида давлат миграция жараёнини, фуқароларнинг ишлаш, таълим олиши мақсадида хорижга кетишларини, истиқомат қилишларини ҳамда қайтиб келишларини тартибга солишнинг маълум тизими шакллантирилган. Давлатнинг миграцион сиёсати умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятлар, инсонпарварлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, халқлараро ҳамжихатлик, бағрикенглик каби ахлоқ тамойилларига асосланади. Мамлакатимизнинг миграция билан боғлиқ қонунчилик тизими ҳам гуманизм, миллатпарварлик, ватанпарварлик каби ахлоқий тамойиллар асосида шакллантирилган. 2023 йилнинг январ-сентябр ойларида жами 14666 нафар ўзбекистонлик хорижий мамлакатларга кўчиб кетган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан қарийб 5 баробарга юкори.

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми – 11921 киши Қозоғистон (81,3%) ҳиссасига тўғри келган.

Россияга - 2,248(15,3%)
Қирғизистонга - 72(0,5%)
Жанубий Кореяга - 71(0,5%)
Туркманистонга - 32(0,2%)

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

81,4% - меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, Кўчиб кетганларнинг ўсиш суръати энг юқори даражаси қуйидаги ҳудудларга тўғри келади:

Қорақалпоқистон Республикаси – 168,4%

Навоий – 143,7%

Бухоро – 121,4%

Хоразм – 115,9%

Тошкент шаҳри – 115,4%

2021 йилнинг биринчи ярмида доимий яшаш учун хорижга кўчиб кетганлар сони 10 минг нафардан ошади. Бу 2020 йилнинг январ-июнь ойларига нисбатан 4,5 баробарга, 2019 йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан 2,2 баробарга кўп демакдир. 2021 йилнинг январ-июнь ойларида Ўзбекистон ичида ва хорижга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони 156,8 минг кишини ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига (109,5минг) нисбатан 43,2 фоизига кўпдир. Ушбу даврда кўчиб келганлар сони ҳам ошди--107,6 мингдан 147,2 минг кишига. Давлат статикаси қўмитасининг демографик вазият тўғрисидаги ҳисоботида бу ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон Республикасида давлатлар бўйича кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони тўғрисида маълумот. Январь-июнь [2]

	Кўчиб келганлар сони		Кўчиб кетганлар сони	
	2020й	2021й	2020й	2021й
Жами	107640	147152	109450	156849
Ўзбекистон республикаси ичи	107057	146160	107057	146160
Хориж давлатлари	583	992	2393	10689
МДХ давлатлари	537	883	2275	10362
Озарбайжон	3	5	3	21
Арманистон	4	6	0	4
Белоруссия	2	0	1	28
Козогистон	203	356	1486	7013
Киргизистон	37	62	24	175
Молдова	0	2	0	5
Россия	139	170	735	2699
Тожикистон	134	214	14	233
Туркменистон	9	40	3	81
Украина	6	28	9	103
БОШКА хориж давлатлари	46	109	118	327
Исроил	5	5	42	77
АҚШ	8	9	15	15
Бошқалар	33	95	61	235

Ўтган йилларда Ўзбекистон ташқарисига доимий яшаш учун кетувчилар сони сезиларли даражада оз бўлган: 2018 йилнинг биринчи ярмида - 6568 киши, 2019 йилда - 4900.

Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 65,6%), Россия (25,3%) , Тожикистон (2,2%), Қирғизистон (1,6%) , Украина (1,0%) ва бошқа мамлакатлар (4,3%) ҳиссасига тўғри келди.

Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 35,9%), Тожикистон (21,6%), Россия(17,1%), Қирғиз Республикаси (6,3%), Туркменистон (4,0%) ва бошқа мамлакатлар(15,1%) ҳиссасига тўғри келган.

Миграция салдоси (кетувчилар ва келувчилар умумий сони ўртасидаги фарк)-9,6 минг кишини ташкил этади. Мигтрасия салдоси Қашқадарё(-4,9 минг киши), Тошкент (-4,3 минг

киши) ,Қарақалпоғистон республикаси, ва Самарқанд вилояти (-4,2 минг киши), Сурхандарё (-3,2 минг киши) ,Фарғона ва Бухоро (-2,2 минг киши) вилоятларида кўчиб кетганлар сони кўчиб келганлар сонига нисбатан сезиларли даражада баландлиги кузатилди.Мигратсийта салдосининг ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (23 минг киши) кузатилди.

Солиштириш учун 2018 йилнинг биринчи ярмида мигратсия салдоси- 6,2 минг, 2019 йилда -3,5 минг, 2020 йилда -1,9 мингтани ташкил этган [3].

Юкорида кўрсатилган маълумотлар шундан далолат берадики, глобаллашув даврида тарихан ўтроқ халқ бўлганлар ҳаётидаги туб ўзгаришлар туфайли бошқа давлатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони ўсиб бормоқда. Ушбу янги тенденция тадқиқотчилар зиммасидаги муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон давлати ва ҳукумати томонидан хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларини қўллаб -қувватлаш сиёсати йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2018 йилдаги “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида“ ги қарорида кўрсатилган “Ўзбекистон Республикасининг хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар“ дастурининг бандлари ижросини таъминлаш мақсадида дўстлик жамиятлари мамлакатимизда истиқомат қилаётган, иш фаолиятини олиб бораётган ва таълим олаётган ватандошларимиз ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишда, хорижда Ўзбекистонни ҳар томонлама намоиш қилишда қўмита ва жамиятлар томонидан қўллаб ишлар олиб бориш назарда тутилган.

Сўнгги йилларда 20 дан ортиқ хорижий давлатлар да (АҚШ ,Буюк Британия, Германия, Дания, Исроил, Латвия, Литва, Нидерландия, Португалия, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Франция, Финландия, Хитой, Эстония, Япония, Чехия) фаолият юритаётган 160 га яқин ватандошлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда.

Дўстлик жамиятлари ва ватандошлар ўртасида илмий - маърифий ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида хориждаги ватандошлар жамиятларига ўзбек тилидаги 2000 га яқин бадий китоблар, дарсликлар ва журналлар тақдим этилди. Хорижда ва Ўзбекистонда шоирлар ва ёзувчилар иштирокида 20 дан ортиқ китобхонликка бағишланган давра суҳбатлари, семинарлар, викторина ва иншолар танлови ўтказилди. Тадбирларда хориждаги 3000 га яқин ватандошлар иштирок этдилар.

Жумладан, 2017-2020 йиллар давомида 14 та хорижий давлатдаги (АҚШ, Германия, Исроил, Латвия, Литва, Малайзия, Россия, Полша, Қозоғистон, Қизғизистон, Тожикистон, Финландия, Франция, Эстония,) 18 та ватандошлар ташкилотига 1500 га яқин ўзбек тилидаги бадий адабиётлар, журналлар ва қўл ҳунармандлари усталари ишлари наъмуналари тақдим этилди[4].

Ҳозирги кунда қўмита ва дўстлик жамиятлари халқ дипломатиясининг замонавий механизмларидан бири бўлган рақамли ахборот воситаларидан кенг ва унумли фойдаланиб келинмоқда. Бугун барчага таниш ва маълум бўлган рақамли ахборот узатиш воситалари замонавий халқ дипломатиясининг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг нуфузини ва мақомини янада ошириш, ўзбек халқининг бой тарихий анъаналари ва маданиятини халқаро жамоатчиликка етказишга қаратилган видео конференцияларни 22 та хорижий давлатлардаги (АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Болгария, Германия, Дания, Корея, Латвия, Литва, Малайзия, Нидерландия, Польша, Россия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Франция, Финляндия, Эстония, Япония) дўстлик жамиятлари ва ватандошлар иштирокида жами 13 та халқаро видеоконференция ўтказилди. Жумладан:

-АҚШ даги “Маҳалла -USA”ва Ўзбек-Америка “ , Германияда “Нихол” жамиятлари билан;

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

-Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан “Сен кудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон” мавзусида 50 га яқин хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан;

-“Дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масаллалари , “Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида маданий, таълим ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш“ мавзуларида, шунингдек 21 октябрь “Давлат тили “ қабул қилинган куни муносабати билан.

Унинг натижасида Франциядаги Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъатини тарғиб қилувчи “Мерос” ватандошлар ассоциацияси, АҚШдаги (Чикаго, Сиэтл, Филадельфия, Атланта), Финляндиянинг Хелсинки шаҳридаги “Юлдуз“ Марказий Осиё жамияти ва Ўзбекистондаги вазирлик ва идоралар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Тадбирлар натижаси ўлароқ, ҳар иккала давлатдаги ватандошлар ташкилотларига ўзбек адабиёти намуналари (500 дан ортиқ) етказилди.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Қозоғистон, Латвия, Литва ва Эстония давлатларидаги ўзбек диаспораси ташкилотларига адабиётлар етказилиб берилди. Қирғизистон, Тожикистон, Россиядаги ватандошлар билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ўзбекистон нуфузини ва салоҳиятини ошириш, республикада ҳар томонлама олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар билан хорижликларни таништириш ҳамда чет эл мамлакатлари билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, хорижий мамлакатларда йилдан йилга ватандошларимизнинг сонини ошиб бориши, у ерда туғилиб, ўсаётган фарзандлари орасида миллийлигимиз, урф-одатларимиз ва тилимизнинг йўқолиб кетишини олдини олиш ҳамда иқтидорли фуқароларимизни Ўзбекистонни ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида “Ватандошлар” жамғармасини очиш долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. “Gazeta.uz”, 2022 йил, 5 апрель.
2. Доимий яшаш учун хорижга кўчиб кетганлар сони ошди.- “Gazeta.uz” талаби бўйича Давлат статистика қўмитаси.-2021 йил, 27 июль.
3. Ўша манба.
4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси. Хорижий мамлакатларда ватандошларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ватандошлар” жамғармасини очиш зарурати маълумотномаси.

ШИФОКОР МУҲАММАД-ХАНАФИЙ АЛЮКОВИЧ БАТИРШИННИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ

Шадманова С.Б.

Т.ф.д., проф. Тошкент давлат шарқшунослик университети

XIX охири – XX аср бошларида Туркистон аҳолиси асосан анъанавий табобатдан фойдаланган бўлса-да, бу даврда ўлкага европача илмий тиббиёт кириб кела бошлади, замонавий тиббий муассасалар ўз фаолиятини бошлади. Ўлка аҳолисининг бу тиббий муассасалар хизматидан фойдаланишига бир қанча тўсиқлар мавжуд эди. Шундай тўсиқлардан бири аксарият шифокорларнинг маҳаллий тилларни билмаслиги ва таржимонлар йўқлиги эди. Ушбу муаммо тараққийпарварларнинг 1914 йил 3 сентябрида “Садои Фарғона” газетаси саҳифаларида ҳам кўтарилган. Шу билан бирга тиббий ходимларнинг бошқа дин вакиллари эканлиги ҳам таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам ўлка бошқаруви мусулмон бўлган ҳамда маҳаллий тилга яқин тилларни биладиган татар-бошқирд-қозоқ халқларига мансуб шифокорларни ишга таклиф қилди. Шундай шифокорлардан бири дастлаб уезд шифокори, кейинчалик Тошкент шаҳар шифокори қилиб тайинланган М.Х.Батиршин эди. 1867 йилдаги Низомга кўра, тиббий-санитария ва ветеринария-санитария ишлари бир киши шаҳар шифокори зиммасига юклатилган.

Муҳаммад-Ханафий Алюкович Батиршин Уфа губернияси Стерлитамак уезди Аллагу-ватов қишлоғида 1833 йил 27 июнда туғилган. 1-Қозон гимназиясини тугатгандан сўнг 1852 йилда Қозон Университетига ўқишга кирди. Университетда тиббиёт курсларини битириб, 1857 йил декабрида М.Х.Батиршин бошқирд қўшинига штатдан ташқари шифокор қилиб тайинланди. Унга йилига 257 руб. 29 коп. маош белгиланган, бундан ташқари, кийим-кечакка бир марта 71 руб. 42 коп., тиббий асбоб-ускуналар олиш учун 85 руб. 71,5 коп. берилган.

1858 йил 15 майдан 1859 йилгача Оренбург ва Самара генерал-губернаторларининг буйруғига биноан, полковник Игнатъев раҳбарлигидаги Хива ва Бухоро хонликлариغا миссияси таркибига киритилди. 1860 йил 22 декабрда белгиланган хизмат муддатини ўтаганлиги сабабли “Коллежский ассесор” қилиб ўтказилди. 1864 йил 22 декабрида эса “Надворный советник” ликка ўтказилди.

1865 йил 27 июлдаги буйруққа асосан бошқирдлар фуқаролик маҳкамасига ўтказилиши билан ҳарбий-тиббий маҳкама таркибидан чиқарилади. 1868 йилда М.Х.Батиршин Туркистон генерал-губернаторлигига уезд шифокори сифатида жўнатилади. 1874 йил 17 майида Туркистонда 5 йил ишлаган кишиларга Ҳарбий вазир қўшимча равишда йилига 187 руб. 50 коп. тўлаш ҳақида буйруқ берилди, 1889 йилда йилига 750 руб. қўшимча пул тўлаш белгиланган.

1866 йилда Бош ҳарбий-тиббий бошқарма томонидан Тошкент шаҳар шифокори қилиб тайинланган. 1867 йил Низомига кўра, Тошкентдаги тиббий персонал шаҳар шифокори ва доя хотиндан иборат эди. Кейинчалик доя хотинга эҳтиёж бўлмаганлиги сабабли доя хотин 2 нафар фельдшер билан алмаштирилган, улардан бири доимий равишда қамоқхона шифохонасида хизмат қилган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолидан 4 нафар чечакка қарши эмловчилар ва камбағалларга дори-дармонлар учун йилига 200 руб. белгиланган. Чечакка қарши эмлаш ишлари билан шуғулланган ва маҳаллий аҳолини замонавий тиббиётга ўргатишда алоҳида роль ўйнаган шифокор М.Х.Батиршин эди. 1875 йилда Тошкентда 1000 нафардан ортиқ бола чечакка қарши эмланди, 1876 йилда – 766 нафар болаларга, жумладан, 46 нафар руслар, 1877 й. – 1468 нафар болаларга, жумладан, 76 нафар руслар. Дастлаб эмлаш кўлдан кўлга амалга оширилди, 1877 й. – бузоқлардан олинган лимфа орқали юктирилган.

Шифокор М.Х.Батиршин маҳаллий аҳолини чечакка қарши эмлашнинг фойдасига ишонтиришга муваффақ бўлди. Аммо, 100 000 нафар аҳолига 1 нафар шифокор ва йилига дори-дармонларга 200 рубль билан замонавий тиббиётни маҳаллий аҳоли орасида ёйишга тўсиқ бўлган омиллардан бири бўлган.

1883 йилда Тошкент шаҳрида тиббиёт соҳасида деярли ҳеч нарса ўзгармади: аввалгидек бир нафар шифокор, фельдшер, 4 нафар чечакка қарши эмловчи киши ва 2 нафар акушерка ишлар эди. 1883 йил мобайнида 1239 нафар бола чечакка қарши эмланди. Чечакка қарши эмланган болаларнинг туғилган болаларга нисбати тахминан қуйидагича эди: 1 нафар эмланган болага 2 $\frac{1}{4}$ нафар чақалоқ тўғри келган (туғилган чақалоқлар сони – 2813, эмланганлар – 1239 нафар).

“Туркистон чечак бюроси” номи билан донғи кетган бюрода бузоқхона фаолият юритган ва у бутун ўлкага хизмат қилган. Юқорида таъкидланганидек, чечакка қарши эмлаш ташаббускори М.Х.Батиршин, XIX асрнинг 70-йилларида шаҳар маблағига ўлкадаги дастлабки бузоқхонани очган. 1887 йилдан бошлаб 1886 йилги ўлкани бошқариш тўғрисидаги Низомнинг ишга тушиши билан Тошкентдаги бузоқхона земство маблағига, йилига 1050 рублга фаолият юритади. 1910 йилгача детрит (эмлаш учун вакцина) ҳаммага бепул берилган, 1910 йилдан ҳарбий маҳкама уни пулга сотиб ола бошлаган. Шу билан бирга у баъзи сабабларга кўра камёб бўлиб қолган эди. Хусусан, Туркистон чечак бюроси Тошкентнинг “эски” шаҳар қисми Шайховандтоҳурда жойлашган ва бузоқхонага ҳам, детрит тайёрлашга ҳам мос бўлмаган бинода жойлашган эди. Бузоқхона антисанитар аҳволда бўлган. Детрит тайёрланадиган хонанинг поли ерли, девор ва шифти лой эди. Эмлаш олдидан бузоқлар текширилмаган ва детритга турли органик моддалар тушиш эҳтимоли кўпайган. Детрит

етишмаслиги хусусида кўплаб шикоятлар тушиб турган. Эмлашга бўлган бундай муносабат ўлкада чечак касаллиги эпидемиясининг олдини олиш имконини бермаган.

1869 йил 25 декабрида Туркистон генерал-губернаторига Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.Н.Головачев мурожаат қилиб, “Надворный советник” М.Х.Батиршинга кўшимча пул тўлашни сўрайди. М.Х.Батиршин йилига 1500 руб. маош олади ва яна шунча пул унга шаҳар маблағидан тўланган. 1879 йил 22 январида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори яна Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилиб, М.Х.Батиршинга шаҳар думаси шаҳар маблағидан 1500 руб. ўрнига 600 руб. берилаётгани ҳақида хабар беради ва унга 1500 руб. беришни сўрайди. Айниқса, М.Х.Батиршин маҳаллий тилни билгани сабабли маҳаллий аҳоли унга ишонч билан мурожаат қилиши таъкидланади. Бунинг устига жароҳат етказилган кишиларни, вафот этганларни текшириш учун “эски” шаҳарга мунтазам равишда боришга тўғри келган, бу эса унга анча қийинчилик туғдирган. Шунинг учун унга аввал тўланган 1500 рублни тиклашни сўрайди.

Узоқ муддат шаҳар шифокори бўлиб ишлаган М.А.Батиршин шаҳарда ветеринар назорати ўрнатиш зарурлигини таъкидлаган. Унинг 1875-1877 йиллардаги ҳисоботида куйидагиларни таъкидлаган: “Шаҳарнинг турли жойларида гўшт сўйилган. Аҳоли истеъмол қиладиган маҳсулотлар ичида гўшт асосий ўрин тутди. Сотилаётган гўштнинг саломатлик учун безарар эканлигини аниқлаш учун сўйиладиган чорвани яхшилаб текшириш ва бозорда ҳам гўштнинг сифатини назорат қилиш зарур. Бу жуда катта иш бўлгани сабабли битта шифокор уни амалга ошириш имконияти йўқ, чунки бир кунда майда 1000 га яқин шохли чорва сўйилади. Шунинг учун шаҳар ветеринар шифокори лавозимини жорий қилишни сўрадим. У шунингдек, аҳолининг гўшт истеъмол қилиши статистикасини юритиши керак... 70 йилларнинг ўрталарида эски шаҳарда полиция маълумотига кўра, 170 та кушхона, янги шаҳар қисмида – 1 кушхона бор». 1880 йилгача М.Х.Батиршин ҳар йили ҳисоботида Тошкентда ветеринар назорати зарурлигини таъкидлаган. Унинг илтимоси фақат 1880 йилга келибгина амалга оширилган.

М.Х.Батиршин амалий фаолиятдан ташқари юқумли касалликларга оид тадқиқотлар олиб борди. 1872 йил 13 октябрида у Тошкент шаҳар бошлиғига ёзган рапортида 1866 йил ва 1871-1872 йиллардаги вабо эпидемиясини таҳлил қилди. Юқумли касалликларнинг ўтиш йўллари, дезинфекция ва юқумли касалликларнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида ёзади: “Вабо эпидемияси вақтидаги кузатувлар шуни кўрсатдики, ёмон ҳаво, ичишга яроқсиз сув ва инсонларнинг ҳамда ҳайвонларнинг нажаслари ва уларнинг жасадлари сингиб кетган ер аҳоли орасида вабо тарқалишига асос бўлади. Аксинча, вабо ва ўлат тарқалган вақтда ҳам яхши ҳаво билан нафас олган, яхши сув ичган аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалмаган ёки жуда кам тарқалган”.

Бошқа тадқиқотларни ўрганиш натижасида у вабо эмбрионини йўқотиш учун касалликка дучор бўлган беморнинг кийимларини ва бошқа предметларни оловда ёқиш зарур деб ҳисоблайди. Тўғри, ёқиш энг радикал дезинфекция қилиш усули. Аммо, бу усул ҳали тажриба қилиб кўрилмаганини афсус билан таъкидлайди. Шу билан бирга хлор, темир купороси, карбол кислотаси ва бошқа кимевий элементлар вабога қарши тура оладими ва уларнинг қайси бири фойдалироқ экани ҳақида ўйлаб кўриш керак. У вабо касаллигига чалинган бемордан чиққан нарсаларни (ахлатни) ерга кўмишни зарарли деб ҳисоблаган, чунки у узоқ вақтдан кейин ҳам вабо келтириб чиқариши мумкин.

Олов ёрдамида дезинфекция қилиш кўп маблағ талаб қилгани ва аҳолининг унга қурби етмагани сабабли Москвадан дезинфекция қилиш учун кимёвий воситалар олиб келиш зарур бўлган. Аммо, вабога қарши курашишда уларнинг етарли эмаслиги туфайли карантин жойлари ташкил қилинган, вабо тарқалган жойлардан келган беморлар ва соғлом кишилар 15 кун бу ерда сақланган.

М.Х.Батиршин аҳолига вабонинг тарқалиш йўллари ва унга қаршилиқ тадбирлари – вабо тарқалган вақтда касалдан чиққан нарсаларни ёқиб юбориш, чиқиндиларни чиқариб

ташлаш тизимини йўлга қўйиш ва қабристонларни шаҳар ташқарисига чиқариш ҳақида қис-кача йўриқнома тайёрлаш зарурлигини таъкидлайди. У Туркистон даврий матбуотида аҳоли-ни касалликлар профилактикаси билан таништиради.

У бир нечта тилларни, жумладан, француз ва немис тилини ҳам билган. М.Батиршин турмуш ўртоғи Аминахоним Юсуфовна билан 10 йил яшагандан сўнг уни Петербургга хотин-қизлар тиббиёт институтига ўқишга жўнатади. Ушбу институтни у 1904 йилда туга-тади ва сўнгра икки йил мобайнида Москва ва Петербург клиникаларида малакасини оши-ради. Туркистонда бир неча йил ишлайди, турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг Бокуга кетади ҳамда 2-шаҳар шифохонасида ординатор сифатида хизмат қилади.

М.Х.Батиршин 1893 йил 12 декабрда хизматдан истеъфога чиқади. Давлат совети 1887 йилда М.Х.Батиршин истеъфога чиққанда ярим йиллик маошга тенг нафақа олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида Туркистон округи интендант бошқармасига хабар беради. Шунинг учун 337 руб. 50 коп. ва Тошкентдан Санкт-Петербургга етиб олиш учун ҳам 762 руб. 8 коп., жами 1099 руб. 58 коп. ажратилган

М.Х.Батиршинга айтилган маблағ ажратилди, аммо тайинланган пенсияни олиш бироз муаммоли бўлди. М.Х.Батиршин фаолияти муносиб баҳоланиб, у 3-даражали Муқаддас (Ав-лиё) Станислав Ордени, 3-даражали Муқаддас Анна, 2-даражали Муқаддас Станислав Ордени кабилар билан тақдирланган.

Маҳаллий аҳолининг унга муносабати ижобий эди. Тарих фанлари доктори, профессор Б.В.Лунин ёзишича, “эски шаҳар”да ўша даврда яшаган Мамат Бакбаев Батиршин ҳақида завқ билан ярим афсонани сўзлаб берди (“у ҳаммани ҳар қандай касалликдан даволаган”, “бир кўзи кўрмайдиган ва соқов 40 йил қимирламай ётган кишини 3 кунда даволаб, оёққа турғизди, унинг кўзи кўра бошлади, у гапира бошлади”).

“Маҳаллий аҳоли орасида европача маданиятини тарқатаётган шаҳар шифокори Батиршин кўғирчоқ театрининг сеvimли қаҳрамонларидан бири эди”, деб хотирлайди шарқ-шунос олим В.В.Бартольд.

М.Х.Батиршин 1912 йил 5 ноябрда вафот этди. 1912 йил 7 ноябрда “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида некролог (таъзиянома) эълон қилинади, унда қуйидаги фикрлар ёзилади: “Мусулмон бўлган Батиршин маҳаллий аҳоли орасида тез орада ҳурмат қозонди ва катта тажриба орттирди. Унинг сўзларига қараганда, суткасига 5 соатдан ортиқ ухламаган. 40 йил мобайнида Батиршин аҳолига фойдаси тегди ва унинг ўлими мусулмонлар байрамига тўри келди ва унинг ўлими маҳаллий аҳолининг эътиборини тортди”.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрининг биринчи шифокори М.Х.Батиршин маҳаллий тил-ларни билгани ва мусулмон бўлгани сабабли ўлка маҳаллий аҳолиси орасида катта ҳурматга сазовор бўлди. У 1869-1892 йилларда, яъни 20 йилдан ошиқ шаҳар шифокори лавозимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатган.

Унинг саъй-ҳаракати билан дастлабки чечакка қарши бузоқхона ташкил этилди ва маҳаллий аҳолининг вакиллари бўлган эмловчилар бу касалликка қарши эмлаш ишларини олиб борган. Шунингдек, у аҳоли орасида тиббий билимларни оммалаштиришда алоҳида ўрин тутган.

Адабиётлар рўйхати

1. Табибга муҳтожлик (Необходимость наличия врачей) // Садои Фарғона. – 1914. – № 55.
2. Ўз МА, И.17-фонд, 1-рўйхат, 38111- иш, 22-варақ орқаси.
3. Ўз МА, И.1-фонд, 12-рўйхат, 1741- иш, 45-варақ орқаси.
4. Ўз МА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 2336- иш, 149-варақ.
5. Детрит – эмлаш учун ишлатилган чечак прачаси.
6. Россия империясида еттинчи даражали фуқаролик мансаби.
7. Ўз МА, И.1-фонд, 20-рўйхат, 2048- иш, 1-2-варақлар.
8. Ўз МА, И.1-фонд, 1-рўйхат, 712- иш, 1-2-варақ орқаси.
9. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент, 1912. – С. 349.

10. Ўз МА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 875- иш, 18-варақ.
11. Батыршин М. Как предохранить себя от заболевания собачьим бешенством, называемым у человека водобоязнь // Туркестанские ведомости. – 1888. – №33.
12. Махмудов М. Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана, Бухары и Хорезма (1865-1924 гг.). – Тараз, 2015. – С.169.
13. Ўз МА, И.17-фонд, 1-рўйхат, 34920-иш, 1-1 варақ орқаси.
14. Луний Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX – начало XX в. – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1962. – С.248.
15. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л.: Издательство АН СССР, 1927. – С.174.
16. Смерть первого ташкентского доктора // Туркестанские ведомости. – 1912. – №251.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

Мингноров А.Т.

**Низомий номли ТДПУ “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори**

XX аср бошларида рўй бераётган сиёсий жараёнлар жадидчилик ҳаракати фаолиятининг янада жонланишига сабаб бўлади. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг номи Туркистондаги жадидчилик ҳаракати билан бевосита боғлиқ эди. Шу нуқтаи назардан Маҳмудхўжа Беҳбудий фан ва маданиятимизга салмоқди ҳисса қўшган маърифатпарвар зиёлиларимиздан бири ҳисобланади. 1913 йилда “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналлари орқали миллий матбуотимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшди. 1917 йил Россияда рўй берган февраль воқеасидан сўнг Туркистонда миллий зиёлиларимиз томонидан газета ва журналларни қўпроқ нашр қилиш янада кучаяди. Дастлаб “Нажот”, “Кенгаш”, “Улуғ Туркистон”, “Турон”, “Ҳуррият”, “Эл байроғи”, “Юрт”ларни дастлабки ой мисол келтириш мумкин. Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятига оид маълумотларни нафақат юқорида номлари келтирилган нашриёт органларнинг саҳифаларида, балки ўтган асрнинг 20-йилларидаги газета ва журналларнинг саҳифаларида ҳам жуда кўп маълумотларни учратиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда манбаларга мурожаат қиламиз. Маҳмудхўжа Беҳбудий 1917 йили Самарқандда мусулмонларнинг «Исломия клуби»ни очди» [1].

«Нажот» газетасининг маълумотларига қараганда, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1917 йил 16–22 апрель кунлари Умумтуркистон мусулмонларининг I қурултойида қатнашиб, унда «Бухоро воқеалари», «Бўлажак янги ҳукуматга муносабат», «Таъсис мажлисига тайёрланмоқ» ва «Сайловда хотинлар масаласи» тўғрисида ўз фикрини баён қилади» [2]. Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва омма орасида тартиб интизомни яхшилашга ҳам катта эътибор беради. 1917 йил 13 июнь куни чиқарилган қарорга биноан шаҳарда нон сотишни тартибга солиш бошланади. Шу қонунга риоя қилмаган нонвойларни маъмурий ва жиноий жазога тортиш назарда тутилади [3].

Маҳмудхўжа Беҳбудий бошчилигида амалга оширилган бу тадбир катта ижобий натижа берди. Унинг Самарқанд шаҳрида «Ҳуррият» газетасининг самарали тарзда нашр қилиниб туришида ҳам катта таъсири бўлди. Масалан, 1917 йил 22 сентябрдаги умумий мажлисда газетанинг 6 ой ҳисоботи тингланганда, газетанинг шу муддат ичида 2 минг сўм зарар кўрганлиги маълум бўлади. Натижада бундан кейин ушбу газетани тўхтатиш ҳақидаги масала муҳокамага қўйилади. Бироқ Маҳмудхўжа Беҳбудий қандай қийин бўлмасин газетани тўхтатиш мумкин эмаслиги ҳақида алоҳида таъкидлайди. Шундан кейин моддий ёрдам олиш мақсадида жойларга ўз мухбирларини юборади. Газетани чоп этишни давом қилдиришга қарор қилинади [4]. Шунингдек, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1917 йил 28 октябрдаги Самарқанд вилоят қурултойида Туркистон Таъсис мажлисига ҳам сайланади. Туркистон мусулмонларининг ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлган ҳодиса Туркистон мусулмонларининг

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

фавкулдда IV курултойи (1917 йил, 26–29 ноябрь) бўлди. Бу курултой ишида ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий бевосита иштирок этади. «Улуғ Туркистон» газетаси ушбу анжуман тўғрисида қуйидагича ёзади: «Самарқанд заҳматкашлари ва зиёли тараққийпарварлари томонидан кўрсатилган аъзолар ичида Бехбудий ҳам бор», – эди [5].

Маҳмудхўжа Бехбудий мақолалари асосан «Нажот», «Улуғ Туркистон» ва «Хуррият» газеталарига мунтазам бериб борилган:

	Нашри	Йил	Ой санаси	Мақола номлари
	«Нажот»	1917	17 апрель	«Бизга ислоҳат керак»
	«Хуррият»	1917	1 май	«Бухоро воқеалари»
	«Хуррият»	1917	4 май	«Бухоро воқеалари»
	«Хуррият»	1917	19 май	«Мухтарам Самарқанлиларга»
	«Хуррият»	1917	26 июнь	«Иттифоқ керак»
	«Хуррият»	1917	3 июль	«Марказий шўромизда»
	«Хуррият»	1917	3 июль	«Мурожаатнома»
	«Хуррият»	1917	13 июль	«Ҳақ олинур, берилмас»
	«Хуррият»	1917	28 июль	«Самарқанд миллий ишлар ҳақида»
0	«Хуррият»	1917	26 сентябрь	«Очлик балоси»
1	«Хуррият»	1917	19 декабрь	«Туркистон мухторияти»
2	«Хуррият»	1917	22 декабрь	«Туркистон мухторияти»
3	«Хуррият»	1917	12 январь	«Даъват»
4	«Хуррият»	1917	26 январь	«Қозоқ қариндошларимизга»

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг юқорида келтирилган мақолалари Туркистон ўлкасида юзага келган энг асосий воқеа ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган эди. Масалан, «Иттифоқ керак», «Мурожаатнома», «Ҳақ олинур берилмас», «Очлик балоси», «Даъват» номли мақолалари мусулмонларга қарата билдирган эътироз ва мурожаатидан иборат бўлди. Ушбу мақолалар мазмунан бой ва кўтарилган ҳар бир масалани жуда чуқур ёритган.

«Бухоро воқеалари» номли мақоласи «Хуррият» газетасининг икки сонидида берилган. Мақолада ёзилишича Самарқанд шаҳар ижроия кўмитасида бўлиб ўтган 5 апрель мажлисида қабул қилган қарор сабаб бўлди. Бунда 1917 йил 25 март куни Туркистон генерал-губернатори Куропаткиннинг Самарқандга юборган мактубида Бухоро амири яқин кунлар ичида кенг ислохотлар ўтказар эмиш, шунинг учун бу ерга бориб вазият билан танишиб келиш фикри илгари сурилган. Шу муносабат билан 5 киши, жумладан, икки мусулмон, икки европалик ва бир яхудий, аниқроғи мусулмонлардан – Маҳмудхўжа Бехбудий билан Мулла Ҳайдарбек Абу Сайд ўғли, европаликлардан Чернов билан С.А. Герцфельд ва яхудий Исохаровлар 6–7 апрель кунлари Бухорода бўлиб, Бухоро амири ҳузурида бўлганлиги, амир томонидан чиқарилган фармон хусусида вакилларнинг аҳоли билан учрашганликлари ва бир

қанча воқеалар ёритилган. «Иттифоқ керак» ва «Муҳтарам самарқандлиларга» мақолалари эса уламолар билан тараққийпарвар ёшлар ўртасидаги адоват, парокандалик ва иттифоқсизлик муносабатларининг олдини олишга қаратилгандир.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Марказий шўромизда» деб аталадиган мақоласи шаҳар думаларига бўладиган сайлов муносабати билан Тошкентда ўтказилган мажлис хусусида бўлиб, мақоланинг номи Тошкент «Шўрои Исломия» жамиятини марказий бошқарув органи эканлигидан далолат беради.

Ушбу мақоланинг ёзилишига қараганда Маҳмудхўжа Бехбудий бир ҳафта Тошкент шаҳрида бўлиб, 19 июнь куни Тошкент Марказий «Шўрои Исломия» мажлисида шаҳар думаларига бўладиган сайловда мусулмонлар ва руслар учун ягона дума сайлови бўлиши ва сайловда мусулмон хотин-қизларнинг ҳам иштирок этиши масаласини муҳокама этишда қатнашиши туртки бўлди. Унда муаллиф мусулмонлар билан руслар ягона дума учун сайловда қатнашмаса кучли бурилиш юз бериб, охири ёмон ҳодисага олиб келишини таъкидлайди. Шунингдек, мусулмон хотин-қизларнинг сайловда қатнашишларининг аҳами-ятини куйидагича ёзади: Тошкент шаҳрида 48 минг руслар ва аскарлар бор. Бунга нисбатан 44 минг мусулмон эркаклар ва 39 минг мусулмон аёллар яшайди. Агар сайловда аёллар иштирок қилишмаса, албатта, руслар сайловда муваффақиятга эришишлари мумкин. Шунинг учун ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий «Уламо» жамияти аъзоларини бу масалага жиддийроқ муносабатда бўлишларини қайта-қайта такрорлайди. Чунки уламочилар сайловда мусулмон хотин-қизларни иштирок этишларига қарши чиқиб, ҳатто, аёлларни эркакларга қўшилмаган ҳолда алоҳида сайлов участкаларини тузиши хусусида ҳам бир фикрга келмаган эдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий ушбу мақоласида шўродаги зиёлилар «Уламо» жамиятига бир кечакундуз муҳлат бериб, аёлларни шариат асосида сайловда қатнашишларига қатъий жавоб беришларини талаб қилгани, лекин ҳозиргача ҳам жавоб олинмаганлиги тўғрисида ўз фикрларини ёзган [6].

Маҳмудхўжа Бехбудий «Туркистон мухторияти» номли мақоласида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг IV курултойида иштирок этганлиги ва унинг курултой иши натижасидан мамнун эканлигини билдиради. Муаллиф унда ўзининг мухторият тарафдори эканлигини курултойда маълум қилиб, Туркистон мухториятини муборакбод қилади. Шунингдек, у курултойда турли миллий вакиллардан иборат уч юз нафар вакил, жумладан, европаликлар ҳамда бошқа сиёсий кучлардан вакиллар иштирок этган бўлса-да, аммо ҳеч бир миллат ёки сиёсий куч Туркистон мухторияти эълон қилинганлигини қаршилик билан кутиб олмаганлигига алоҳида тўхталиб ўтган [7].

Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг «Бизга ислохот керак» мақоласида шундай ёзади: «Туркистон Русияга тобе бўлгандан кейин ўлкада руслар ўз қонунларини жорий этди. Бу қонун биз мусулмонларга ҳеч нарса бермади. Чунки мударрис ва муфтийларни русларнинг ўзлари тайинлашарди. Чунончи, бу лавозимга илмсиз ва халқига хиёнат қиладиган нодон кишиларни қўярдилар. Натижада, илмли уламоларимиз ишсиз қолди. Саводсиз кишиларни қози қилиб қўйдилар. Золим ҳукумат биз мусулмонларни нима қилмоқда» [8]. Бу фиклари орқали у Россиянинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг мақолалари Туркистондаги, шу давр воқеаларини очиб беришда қимматли манба ҳисобланади. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ташвишлари миллат тақдирига нисбатан муносабатида ўз аксини топган. Бу эса уни жуда ҳам кенг дунёқарашга эга эканлигини, Ватанининг озодлиги йўлида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб борганлигини намоён этади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг мақолаларида илгари сурилган фикр-мулоҳазалари унинг ўз даврининг илғор ва етук зиёлиси, ватанпарвар инсон ва маърифатпарвар жадидлардан бири бўлганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий ўлдирилгандан сўнг ҳам даврий матбуотдан жуда кўплаб мақола ва турли хил маълумотлар берилганлигини учратиш мумкин. Хусусан, “Зарафшон” газетасининг 1923 йил 25 март №32 сониди Хожи Муиннинг “Маҳмуд-

хўжа Бехбудий”, А.Азаматнинг “Бехбудий ҳақида хотираларим”, Садриддин Айнийнинг “Бехбудий ҳазратлари ҳақида хотираларим”, Абдусалом Азимийнинг “Бехбудий ҳақида хотира ва таъсуротларим” номли бир соннинг ўзида Маҳмудхўжа Бехбудий билан боғлиқ бир нечта мақолаларни берилишининг ўзи қанчалик даражада унга меҳр – муносабатда бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Шу нуктаи назардан ҳам маърифатпарвар жадид Маҳмудхўжа Бехбудий меросини етишиб келаётган авлод ва кенг жамоатчиликка етказиб бериш бугунги кундаги энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Самарқанд //«Нажот», 1917 йил 9 апрель.
2. Курултой материаллари //«Нажот», 1917 йил 21, 23, 28 апрель.
3. Қарорнома //«Хуррият», 1917 йил 16 июнь.
4. Хурриятнинг давоми учун қарор //«Хуррият», 1917 йил 26 сентябрь.
5. Самарқанд областидан учредительний собранияга вакил //«Улуғ Туркистон», 1917 йил 18 ноябрь.
6. Маҳмудхўжа Бехбудий. Марказий шўромизда //«Хуррият», 1917 йил 3 июль.
7. Маҳмудхўжа Бехбудий. Туркистон мухторияти //«Хуррият», 1917 йил 19 декабрь.
8. Маҳмудхўжа Бехбудий. Бизга ислохот керак //«Нажот», 1917 йил 17 апрель.

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛЛАНГАН “УЧЛИК”,
“БЕШЛИК”ЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР**

Хошимов С.А.

АНДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори.

Совет ҳокимияти Ўзбекистонда ўз ҳукумронлигини мустаҳкамлаш ва тоталитар тартиботини ўрнатиш чоғида ерли халқ вакилларига нисбатан юритган қатағон сиёсати ва амалиёти бугунги кунда ўзбек тарихшунослигида атрофлича тадқиқ қилинмоқда. Биз ушубу мақоламизда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсатини амалиётга татбиқ қилувчи “учлик”, “бешлик” каби органларини ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Совет ҳокимияти томонидан ташкилланган ушбу органлар ўз қатағон амалиётини дастлаб большевиклар ўрнатаётган тузимга қарши кечаётган қуролли ҳаракат қатнашчилари (“босмачилар”), уларга хайрихоҳ тинч аҳоли вакилларига қарши қаратган эди. 1922 йил 23 июлда РКП(б) Ўрта Осиё бюроси қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши курашиш учун махсус фронт комиссиялари тузди. Ҳаракат қатнашчиларига қарши қатағон ишларини олиб бориш учун область ҳамда уездларда махсус “сиёсий учлик”лар ташкил қилинди. “Учлик”ларга кенг ваколатлар, ҳокимият берилди[1.78]. 1922 йил 25 июлдан бошлаб совет қўмондонлиги қўрбошилар билан музокараларни тўхтатди ва шу кундан бошлаб таслим бўладиган қўрбоши ва йигитлар авф қилинмайдиган бўлди[2.137-138]. Қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши шафқатсиз террор ва қатағон қайтадан кучайтирилди.

Буни “учлик” амалга ошириб, қуролли ҳаракат қатнашчиларига, уларга ёрдам берганларга, хайрихоҳларга қарши шафқатсиз террор ва қатағон амалиёти янада кучайтирди.

1922 йилдан “босмачиликка” қарши курашувчи “бешлик”лар ҳам ташкилланган эди. “Бешлик” зиммасига “босмачиликка” қарши курашувчи ташкилотлар яъни, “бешлик” ва “учлик” каби бошқа ташкилотлар таркибини шакллантириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, отрядлар сиёсий ходимларининг ҳарбий операцияларга тайёргарлигини молиявий ва ташкилий уюштириш масалалари юклатилган эди[3.19]. “Бешлик” зиммасига “босмачилар” сафига қўшилганлар ва уларга хайрихоҳ кишилар тўғрисида маълумотлар тўплаш ҳамда уларга қарши курашиш чора тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари ҳам юклатилган эди.

1922 йил 22 августда Андижон уезди “учлиги” йиғилишида Мир-Работ гарнизонида Қозоқбой қўрбошига қарши курашда у билан музокаралар олиб бориш, қариндош уруғ-

ларини гаровга олиш ҳақида қарор қабул қилинган[4.56-57]. “Учлик”нинг 1922 йил 13 сентябрдаги 5-рақамли баённомасида қайд этилишича Андижон – Марғилон уездларида “бешлик”нинг “босмачиларга” – шахсан Қозоқбойга қарши курашда унинг ҳамкорларини қўлга олиниши биланоқ революцион трибунал судига топшириш, обрўли шахсларни гаров тариқасида ҳибсга олиш, ўз навбатида, маҳаллий “учлик” ва революцион қўмиталар билан алоқани мустаҳкамлаш тўғрисида қарор қилинган[4.58].

1922 йил 31 августда Андижон эски шаҳар фавқулодда “учлиги”нинг йиғилишида “босмачилилар” томонига ўтиб кетганлар, қуроли гуруҳлар таркибидагиларни аниқ рўйхатини тузиш, уларнинг яқин қариндошлари, оила аъзоларини гаровга олиш, аҳоли орасида уларга қарши руҳонийлар ҳамда нуфузли кишилар орқали ташвиқотни кучайтиришга қарор қилинган[5.18]. Бундан кўриниб турибдики, қуроли ҳаракат қатнашчиларини маҳф этишда уларни қариндошлари, оила аъзоларини, обрўли кишиларни гаров сифатида ушлаб туриб таслим қилиш чоралари ҳам кўрилган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 1922 йил июлдан эътиборан “босмачиликка” қарши курашувчи “бешлик”лар ҳам ташкилланган эди. “Бешлик”лар зиммасига “босмачилик”ка қарши курашувчи ташкилотлар, “бешлик” ва “учлик”лар ҳамда бошқа ташкилотлар таркибини шакллантириш, улар фаолиятини муофיקлаштириш, “босмачикка” қарши курашиш учун ташкилланган ҳарбий отрядлар сиёсий ходимларининг ҳарбий операцияларга тайёргарлигини молиявий ва ташкилий уюштириш масалари юклатилган эди. Бунга Андижон – Марғилон районидаги “босмачиликка” қарши курашувчи “сиёсий бешлик”нинг 1923 йил 10 январдаги йиғилиши баённомаси қарорлари мисол бўла олади[5.19].

1923 йил 23 январда чақирилган Андижон – Марғилон район “Босмачиликка” қарши курашувчи “бешлиги” мажлисида советлар томонига ўтган ва эркин яшаётган (Султон, Мироб Махсум, Абдуқодир)ни маълумотларга кўра, босмачилар билан алоқасини узмаган. Уларни кузатишни кучайтириш, эҳтимол ҳолатларда қамокка олиш кўзда тутилган[4.60-61]. Бундан кўриниб турибдики қуролини топшириб тинч ҳаётга қайтган ҳаракат қатнашчилари ҳам “бешлик”нинг доимий назорати остида бўлган.

“Бешлик”нинг 1923 йил 30 январда Андижон – Марғилон райони Хақулободда “босмачилар”нинг зич жойлашиши ва у ерда кўрбоши Мулла Собирнинг пайдо бўлиши кишлоқни алоҳида ҳарбий бирлашманинг ҳаракат зонасига айлантириш зарурати масаласига бағишланади[4.60]. “Бешлик” “босмачиларни” махсус отряд кучлари ёрдамида зудликда тугатишга қарор қилганди.

1923 йил 12 февралдаги “бешлик” баённомасида қайд этилишича, “босмачиликка” қарши курашда Андижон – Марғилон районини 200 нафар отликлар эскадраси билан мустаҳкамлаш масаласи кўрилади[4.60].

“Бешлик”нинг Андижон районида босмачиликни тугатиш масаласи бўйича 1923 йил 1 мартда ўтказилган йиғилиши баённомасида қайт этилишича Андижон райони бутун Фарғонада “босмачилик”нинг асосий марказига айланиб қолгани қайд этилгани ҳолда давлат томонидан камбағал деҳқонларни уруғлик билан таъминланиши, уезд шаҳар қўмитасининг аҳоли ўртасида намоиш ва митинглар ўтказиш зарурати ўқтирилди. Йиғилишда ҳарбий қисмларни мусулмон ишчи-хизматчилари билан таъминлаш, меҳнаткашлар онги-шуурига ерга баҳорги уруғ қадагунгача “босмачилик” ҳаракатини тугатиш ўқтириб ўтилган. Хакан кишлоғидан 75 хонадонни ўз ҳудудини “босмачилар”дан тозалашга чақирилиб, “бешлик”нинг йиғилишини чақириш масаласи кўтарилган эди[5.5]. Кўриниб турибдики, “босмачилик”ка қарши курашда давлат камбағал деҳқонни уруғлик билан таъминлаш орқали ҳам деҳқонларни ҳаракат қатнашчиларига қарши курашга ундаган эди.

1927 йилга келиб “учлик”лар фаолияти яна кучайди. ОГПУ органлари томонидан аксилинқилобий ҳаракатларда қатнашганликда айбланиб, Ўрта Осиё Республикаларидан 2735 кишининг иши кўриб чиқилиб, улардан 1925 кишига турли жазолар тайинланган. 810 киши-

нинг жинояти исботланмагач, озод қилинган. Айбланувчилардан 697 киши ўзбек, 266 киши туркман, 507 киши қирғиз миллатига мансуб эди[6.273-275].

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги қошидаги “учлик”лар 1928 йилда Ўзбекистон ССРдан 218 кишини сургунга, 20 кишини эса мамлакат ташқарисига бадарға қилишга ҳукм чиқарди. Улар 1929 йили Ўрта Осиё Республикаларидан 988 кишини ГУЛАГ лагерларига, 3012 кишини меҳнат-тузатув лагерларига, 156 кишини сургунга, 282 кишини бадарғага, 817 кишини эса турли жазоларга маҳкум қилиб, жами 5255 киши устидан ҳукм чиқарди [6.279].

1930 йилнинг ўзида ОГПУнинг Ўрта Осиё Мухтор вакиллиги ҳузуридаги “учликлар” нинг ҳукми билан Ўзбекистон ССРдан 5295 киши совет ҳокимиятига қарши ташвиқотлар олиб борганликда, аксилинқилобий ташкилотлар аъзоси сифатида, қуролли қаршилик ҳаракати иштирокчилари, уларга хайрихоҳ, ёрдам берганликда ва бошқа сабабларга кўра турли муддатларга жазога тортилдилар[6.290].

ОГПУнинг Ўрта Осиё Мухтор вакиллиги ҳузуридаги “учлик” 1931 йил 24517 та иш кўриб 28135 киши устидан ҳукм чиқарди. 1932 йилда эса 4951 иш бўйича 5489 киши устидан ҳукм чиқарган. Бундан ташқари йўл транспорт бўлими (ДТО) тақдим этган 3623 ишда 3821 киши айбланиб, қамокда сақланган. 1932 йил Ўрта Осиё республикалари бўйича 20744 киши Бутуниттифоқ миқёсидаги махсус қамокхоналарга, 343 киши меҳнат-тузатув лагерларига, 5045 киши Ўрта Осиё республикаларидан ташқарига, 1183 кишини эса республикаларнинг ички ҳудудларига сургун ва бадарға қилинган, 198 киши устидан шартли ҳукм чиқарилган, 1279 кишини эса турли ҳуқуқлардан маҳрум этган ҳолда ҳукмлар ўқилди. Совет жазо органлари томонидан Ўрта Осиёда 1932 йилда жазога тортилганларнинг миллий таркибига кўра, 6738 киши қозоқ, 3609 киши туркман, 2829 киши тожик, 2829 киши ўзбек миллатига мансуб кишилар эди[6. 293,300,301,303,310].

1933 йилда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги ҳузуридаги “учлик” ҳукми билан 94 киши бутуниттифоқ миқёсидаги махсус қамокхоналарга, 4475 киши сургунга, 1041 киши бошқа турдаги жазоларга, 377 киши меҳнат-тузатув лагерларига, 709 киши шартли жазо ўташ жойларига, жами 6696 киши устидан турли муддатлар белгиланган, жазо чоралари қўлланилган[6.312]. 1934 йилда “учликлар”нинг ҳукми билан Ўрта Осиё бўйича 915 киши сургунга, 103 киши турли муддатларга қамокқа, 52 киши меҳнат-тузатув лагерларига, 140 киши шартли жазога, жами 1210 киши устидан ҳукм чиқарган[6.312].

1934 йил ИИХК ва УНКВД “учликлари” томонидан Ўзбекистондан 5846 киши, 1935 йили 5980 киши, 1936 йилда 14873 киши совет ҳокимиятига қарши жиноятларда айбланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарилган[6.320].

Хуллас, совет ҳокимиятининг қатағон сиёсатини ижрочи органларидан бўлимиш “учлик” (“тройка”), “бешлик” (“петёрка”)лар ерли халқ вакилларига қарши қўлланилган тазйиқ ва таъкибларни ҳеч тўхтатмагандилар. Бу органлар томонидан тузумга қарши бўлган аҳоли вакилларига, муҳолифат ҳаракати қатнашчиларига нисбатан маъмурий йўл билан руҳий азоб, босим ўтказилди, озодликдан маҳрум этилди, жисмонан йўқ қилинди, сиёсий қатағон чоралари қўлланилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Хошимов С. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати (1917-1936 йиллар). Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. –Андижон, 2022.
2. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар) Тошкент: Yangi nashr, 2015.
3. Андижон вилоят давлат архиви (Андижон ВДА), 90-фонд, 1-рўйхат, 160-иш.
4. Шамсутдинов Р., Абдуқаҳҳоров О. “Босмачилар” ҳужжатлар талқинида.// Водийнома, –Андижон, 2017. №2(4).
5. АндижонВДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 160-иш.
6. Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов государственной безопасности (1918-1953 гг.) –Москва, 2006.

XIX ASR OXIRI - XX ASRDA ANʼANVIY AGROTEKHNIKA TURLARI VA SHAKLLARI (JANUBIY ʻZBEKISTON MISOVIDA).

Рахмонов Ф.

ҚарДУ “Жаҳон тарихи” кафедраси проф. в/б, тарих фанлари доктори (DSc).

Жаҳон халқларининг турли табиий-иқлим шароитларда ишлаб чиқариш анъаналарининг ўзига хос жиҳатлари, локал-маданий хусусиятлари, инсон ва табиат муносабатларини тарихий ретроспектив ҳамда антропологик аспектда ўрганиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Айниқса, глобал иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигининг интенсив тараққиётини таъминлаш, тежамкор суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, полизчилик ҳамда чорвачилик билан боғлиқ халқаро лойиҳалар, илмий-тадқиқот дастурлари амалга оширилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

XIX аср охири-XX асрда Жанубий Ўзбекистон ҳудудида сув таъминоти-даги қийинчиликлар ер танқислигини юзага келтирган. Мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш, авваламбор, деҳқончилик агротехникасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Ўрта Осиёда экинлар экиш вақтига қараб иккига: кузги экин (оқ), баҳорги экин (кўк)га бўлинган.

Қишлоқ хўжалигида “оқ” ва “кўк” терминлари тўғрисида маълумотлар П. П. Иванов тадқиқотларида ҳам ўз ифодасини топган[1:750-751]. А. Н. Соболевнинг қайд этишича, оқ экинларга буғдой, арпа, зиғир, яъни барча кузги экинлар ёки тирамойи экинлар кирган. Баҳорги ва ёзги экинлар: гуруч, тарик, мош, нўхат ва жўхори кўк экинлар ҳисобланган. Шундай қилиб, “оқ” ва “кўк” экинлар фақат донли экинлардан иборат бўлган[2:9].

Минтақада азалдан иш ҳақини тўлашда, пул ўрнига деҳқончилик маҳсулотлари (натура) билан ҳисоб-китоб қилиш анъанаси мавжуд бўлган. Жумладан, Бухоро амири Амир Ҳайдар (1800-1826) даврида Бухоро лашкари хизматлари учун бир йилда икки марта дон билан, яъни дон ҳосили йиғиб олингандан кейин сафид бари (оқ) ва кабуд бари (кўк) хизмат ҳақи олган. Бухоро хонлигида то руслар келгунга қадар хизмат ҳақи маҳсулот натура тарзида тўланган. А. И. Кун таъкидлаганидек: “Хизматчиларга мукофот йилига икки марта натура (маҳсулот) ҳолатда: биринчиси ёзнинг ярмида, бу сафид бари деб аталган. Бунда арпа ва буғдой берилган. Куз ойининг охирида иккинчи марта гуруч ва жўхори берилиб, кабуд бари деб номланган”.

А.Л.Кун фикрида давом этиб, оқ экинлар йиғиб олингандан сўнг шу йили кўк экинни экиш ҳам мумкин бўлган деб маълумот беради[3:250]. Ўрта Осиёда экиладиган экинлар ҳақида рус ҳосилоти (агрономи) М. Бродовский: “Оқ экинларга асосан кузги буғдой, кузги арпа, зиғир, ясмиқ ва нўхат киради, улар май охири – июнь бошларида етилади, кўк экинларига эса бошқа барча ўсимликлар киради” деб, маълумот беради[4:259-260].

Тарихий маълумотларга қараганда, деҳқонлар ерларини уч пайкалга бўлиб, каттароқ майдонга буғдой, арпа, тарик, кунжут, мош, зиғир экишган[5]. Чунки бу экинлар кам миқдорда сув талаб қилган. 2-3 марта суғориш билан чегараланган, кўп меҳнат талаб қилмай, эрта пишган, май- июнь ойларида йиғим-терим тугаган. Улар йиғиштириб олингандан кейин ўрнига жўхори, кечки қовун-тарвуз ва бошқа экинлар экилган.

Учинчи пайкал ер майдони кўп деҳқон хўжаликларида бўлиб, ер майдонининг маълум қисми унумдорлигини ошириш учун дам олишга қолдирилган, бундай пайкаллар “шудгор” ёки “ қисирпоя” деб юритилган[6]. Тоғли ҳудудларда лалми ҳолда экилган бошоқли экин майдонлари то шудгорлашгача яйлов вазифасини ўтаган ва кейинги йил ҳосили учун замин ҳозирлаган[7:50]. Хусусан, минтақанинг Қўл, Гилон, Бешбеги, Хисорак, Авлод, Посурхи, Қўрғонча, Бибиширин, Шайит, Чинор, Газа, Қизилкориз, Кўкчи, Шўрсой қишлоқларида бундан кузатиш мумкин[8].

Далаларни ўғитлашда баъзи жойларда, хусусан, минтақада гўнг (пори) билан қум аралаштирилган. Бундан ташқари сув билан оқиб келувчи балчиқ, кунжара, кул, қуш ахлати ҳам озуқа сифатида ишлатилган. Шоликорлик билан шуғулланувчи деҳқонлар шоли поясини озуқа сифатида ишлатишган. Эски қурилган иморат кесаклари ва узоқ вақт давомида экин

экилмаган ерлардан ҳам қисман фойдаланишган. Кесаклар кўпинча боғдорчилик экинлари илдизига озуқа сифатида берилган. Лалми ерларни озиклантириш экин йиғиштириб олингандан сўнг ҳайдаб келинган чорва молларнинг пориси ҳисобига бўлган.

Ерни ўғитлаш тадбири экин экилиш даврига қараб амалга оширилиб, кузги экинлар (буғдой, арпа) экишга ерни тайёрлаш саратон ойдан бошланиб, ер ҳайдалган ва 2-3 ой давомида ер дам олдирилган. Баҳори экинлар йиғиштирилиб, далалар тозалангандан сўнг, октябрь, ноябрь ойларида ҳар десятина ерга 240-300 арава (ҳар бир арава ўртача 10 пуд) гўнг чиқарилиб, ер ҳайдалган. Ер ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим тадбирларидан бири сифатида алмашлаб экишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ерни мелоратив ҳолатини яхшилаш учун беда, турли ёввойи ўтлар, хусусан, ажриқдан тозалаш учун маккажўхори экилган[9:288]. Россия империяси даврига келиб пахтачиликка катта эътибор берилиши натижасида маҳаллий ўғитлар билан бирга сунъий ўғитлардан фойдаланишга ҳам жиддий эътибор берилди. Маҳаллий матбуот саҳифаларида ҳам тупроқ унумдорлигини ошириш борасидаги мақолалар нашр қилинган[10].

1884 йилдан бошлаб, Бухоро амирлиги ерларида чигирткаларга қарши кураш ишлари бошлаб юборилди[11:107], асосан 1906 йиллардан бошлаб, оммавий равишда кураш олиб борила бошланган. Биринчи навбатда, чигиртка уруғларини йўқотишга ҳаракат қилинди. 1911 йилда Бойсун беклигида 9549 десятина, Денов беклигида 39305 десятина, Шеробод беклигида 1912 десятина жами Ғузор-Амударё оралиғида 52372 десятина ердаги чигирткага қарши кураш олиб бориш учун 951450 иш куни сарфланган[12].

Минтақада барча деҳқонлар йилни фаслларга бўлиб экин экишган. Қишлоқ хўжалигида зарур бўлган деҳқончилик тақвими 90 циклдан иборат бўлиб, ҳар фасл 90 кунга бўлинган: баҳоргиси ҳамал, савр, жавзо ойлари; ёзгиси саратон, асад, сунбула ойлари; кузгиси мезон, ақраб, қавсойларини ва қишки тўқсон кунлик эса жаддий, далв, хут ойлари ўз ичига олган[13:112]. Ўз навбатида ёзнинг иссиқ ва қишнинг совуқ кунлари катта ва кичик чиллаларга бўлинган. Деҳқон йил фасллариининг қандай келишига қараб, экин-тикин қилганлар ва бу борада қуррачилар билимидан фойдаланганлар. Уларнинг маслаҳати асосида ер ҳайдалган, экин экилган, суғорилган, ишлов берилган, ўрим-йиғим қилинган. Айниқса, хут ойи (19 февраль-20 март) кириши билан далаларда иш қизиган. “Хутнинг ҳар дақиқаси кузнинг ўн кунига тенг” дейилган доно ўғитга амал қилинган[14:60].

Экинларни экиш воҳанинг турли ҳудудларида турлича эди, тоғ ва тоғолди ҳудудларида кузги буғдой сентябрдан ноябрь ойининг ўнларигача, адирларда эса октябрь, ноябрь ойларида экилган. Октябрь ойдан бошлаб ёмғир ёға бошлайди, ноябр охири декабр ойида қор ёғиб, февраль ойигача шу ҳолат сақланади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида баҳорги буғдой март ойдан то апрелнинг биринчи ўн кунлигигача, текислик ва адирларда февраль ойдан бошлаб экилган. Донли экинлар хўжалик эҳтиёжини қондиришидан ташқари, товар ҳолатида бўлиб, бозорга чиқарилган. Минтақада “оқ буғдой”, “қизил буғдой”, “туятиш буғдой”, тоғли туманларда эса совуққа чидамли хивит буғдой навлари экилган. Ҳудуднинг тоғли қишлоқларида, масалан, Хомкон қишлоғида қовун-тарвуз 25 майдан 5 июнгача, нўхат ва зигир асосан кузда, баҳоргиси апрель ойида экилган. Кўл, Ғилон, Оммоғон, Тамчўш, Сувтушар, Зарабоғ, Қорабоғ, Вандоб, Майдон, Қизилолма, қишлоқларида экин экиш асосан апрель ойдан бошланган[15].

Рус ва татар деҳқонлари ўзлари билан деҳқончиликда қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналарни олиб кира бошладилар. Улар асосан, завод ва фабрикаларда ишлаб чиқарилган техникаларни олиб киришга уринган. Шунингдек, ҳукумат томонидан маҳаллий аҳолининг асосий иш қуролларидан бўлган омочни плуглар билан алмаштириш мақсадида турли қишлоқ хўжалиги техникалари намоиш этиладиган кўргазмалар ташкиллаштирила бошланган[16:80-81]. Бундан асосий мақсад маҳаллий аҳолининг янги деҳқончилик асбоб-ускуналарига бўлган қизиқишини ошириш эди.

Маҳаллий деҳқонлар секин-асталик билан ғилдиракли плуглар, ерга уруғ қадайдиган ҳамда ўғит сочадиган мосламалардан фойдаланила бошлаганлар. Лекин, бундай техникалардан дастлаб асосан кўчиб келган рус аҳолиси сотиб олиб фойдаланганлар. Кейинчалик маҳаллий аҳоли ҳам мазкур деҳқончилик қуролларини ишлатганлар.

Жанубий Ўзбекистон деҳқончилигида меҳнат қуроллари ерларга ишлов беришда, ҳосилни йиғиб олиш ва тўплашда катта роль ўйнайди. Шу сабабли деҳқонлар меҳнат қуролларини тайёрлашга алоҳида эътибор беришган. Маҳаллий деҳқонлар ерга ишлов беришда бел, кетмон, омоч каби турли хилдаги меҳнат қуролларидан кенг фойдаланган. Бундай меҳнат қуроллари табиий ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда темирчи усталар томонидан тайёрланган.

Кейинги даврларда қишлоқ хўжалигидаги кўплаб ўзгаришлар натижасида XX асрнинг ўрталарида минтақага турли замонавий қишлоқ хўжалик техникалари: плуг, уруғ экадиган техникавий мослама, суғориш насослари, тракторлар ва бошқалар кириб келди. Деҳқончиликда қўлланиладиган меҳнат қуролларининг ривожланиши ўз ўринда деҳқончилик маҳсулоти самарадорлигига ўзининг ижобий таъсир ўтказганлигин куйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, ўрганилаётган ҳудудда анъанавий деҳқончилик маълум даврларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, деҳқонлар меҳнат қуролларини такомиллаштиришга интилган, бироқ оддий меҳнат қуролларидан мураккаб меҳнат қуролларига ўтиш жуда қийинчилик билан кечган;

иккинчидан, минтақада давлат бошқарув тизими меҳнат қуролларини такомиллаштириш, янги меҳнат қуролларини яратиш масаласига жиддий эътибор бермаганини таъкидлаш лозим. Меҳнат қуролларини янгилаш учун зарур хом ашё бўлишига қарамай, муҳандислик учун зарур маблағлар ажратилмаган, оддий меҳнаткаш халқ ўз кучи билан асрлар оша маълум даражада ижодий ютуқларга эришиб келган;

учинчидан, маҳаллий деҳқончилик маданияти ўз имкониятлари ва шароитдан келиб чиқиб ерга ишлов бериш янги навларни яратиш, экинларни экиш ва йиғиштириб олиш билан боғлиқ билим ва тажрибани умумлаштира борганлигини кузатиш мумкин.

Хулосада шун алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хусусий мулкка, айниқса, пахтачиликнинг нисбатан қисқартирилиб, шахсий томорқачиликка бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик анъаналарини қайта тикланиб, янги навларнинг кириб келди. Унинг ҳуқуқий асослари мустақамланмоқда ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Иванов П. П. Из области среднеазиатской хозяйственной терминологии. //Известия АН СССР, Отделение общественных наук. – М., 1935. – №8.
2. Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе. С приложением списка населённых мест округа//ЗРГО по отделению статистики. т. IV. – СПб., 1874.
3. Кун А. Л. Очерки Шахрисабзского бекства. // ЗРГО. т. VI. – СПб., 1880.
4. Бродовский М. И. Заметки о земледелие в Самаркандском районе//Русский Туркестан. Вып. 2. – М., 1872.
5. ЎзР МА, И-1-жамғарма, 15-рўйхат, 133-иш, 60-варак.
6. Дала ёзувлари. Нишон тумани Ширинобод ва Музробот тумани Туркистон кўргони қишлоқлари. 2022 йил.
7. Абдураимов М. А. Пережитки сельской общины в узбекском кишлаке Хумсан // Советская этнография. – М., 1959. – №4.
8. Дала ёзувлари. Шахрисабз, Сариосиё ва Денов туманларидаги қишлоқлар. 2021 йил.
9. Джаббаров И.М. Из истории техники и культуры земледелия Южного Хорезма (конец XIX – начало XX вв.) // ИМКУ. - Вып. 2. – Т., 1961.
10. Тупроқ надур // Садои Туркистон. –1914. –№ 14.
11. Логофет Д.Н.Бухарское ханство под русским протекторатом.т.II. –СПб.,1911.
12. ЎзР МА, И-7-жамғарма, 1-рўйхат, 4124-иш, 77, 98-варак.

13. Кисляков Н. А. Старинные приемы земледельческой техники и обряды связанные с земледелием у таджиков бассейна реки Хингоу // СЭ, – М., 1947. – №1.
14. А.Нарзикулов. Деҳқон тақвими.-Т.,1991.
15. Дала ёзувлари. Шахрисабз, Сариосиё ва Денов туманларидаги қишлоқлари. 2022 йил.
16. Шодмонова. С.Б. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида. -Т., 2011.

ЭКОЛОГИК СИЁСАТИНИНГ УМУМИНСОНИЙ МАНФААТЛАР УЙЎНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Омонов Б.Н.

ШДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, ф.ф.д (DSc), доцент

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат экологик сиёсатини янги босқичга кўтариш учун унинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришнинг ўзигина кифоя эмас. Айни пайтда мустақиллик йилларида амалга оширилган экологик сиёсатнинг стратегик асосларининг ифодаланиши, бу даврда эришилган тажриба ва ютуқларнинг умумлаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мана шу жараёнда тарнсчегаравий ресурслардан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излашни давом эттириш [1;273] ҳар қочонгидан ҳам муҳимликни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув, бир томондан, давлат экологик сиёсатининг ворисийлиги ва узлуксизлигини таъминласа, иккинчи томондан эса, уни экологик глобаллашув авж олган янги тарихий даврдаги реалияларга мослаштиради.

Ҳар қандай мамлакатда давлат экологик сиёсати муайян натижаларга олиб келиши учун аниқ стратегик асосларга эга бўлмоғи даркор. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, умумсайёравий экологик маконнинг мавжудлик ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, экологик глобаллашув жараёнлари давлат экологик сиёсати стратегик мақсадларини аниқ белгилашни тақозо қилмоқда;

иккинчидан, ҳар қандай мамлакатнинг экологик эҳтиёж ва манфаатларини тизимли равишда қондириш ва ҳимоя қилиш учун барча мавжуд салоҳият ягона мақсад сари йўналтирилмоғи даркор; давлат экологик сиёсати стратегик асосларини шакллантирмасдан туриб, бу вазифани бажариб бўлмайди;

учинчидан, XX аср охирида дунё сиёсий харитасида, жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусиятларида содир бўлган ўзгаришлар давлат экологик сиёсатининг институционал тузилишини муттасил такомиллаштиришни талаб этмоқда; бироқ бу жараён миллий тараққиёт мақсадлари билан уйғун бўлмоғи даркор – бу вазифани ҳам давлат экологик сиёсати стратегик асосларини шакллантириш орқали бажариш мумкин бўлади;

тўртинчидан, замонавий демократик жамият шароитида атроф - муҳит муҳофазасига оид муқобил қарашлар ва муқобил амалий фаолият йўналишлари мавжуд бўлади, албатта; давлат экологик сиёсатининг муайян стратегик асослари ишлаб чиқилса, бу қараш ва фаолиятларни ягона мақсадга йўналтириш мумкин бўлади;

бешинчидан, гуманизм ва либерализм ғоялари устувор бўлиб бораётган бугунги даврда ҳар қандай давлатнинг экологик сиёсати айнан шу ғояларга бўйсундирилган бўлмоғи даркор, бунга эса нуқул унинг стратегик асосларини белгилаш орқали эришиш мумкин.

Давлат раҳбарининг маърузалари, экологик сиёсатга доир ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳукуматнинг чорак аср мобайнида амалга оширган экологик сиёсати устувор йўналишлари таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда давлат экологик сиёсатининг стратегик асослари мустақиллик йилларида узвий равишда шакллана борган. Миллий мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларни тубдан ва чуқур қайта шакллантириш йўлига кирди. Мустабид тизим шароитида шаклланган стереотиплардан, стратегик йўналишлардан воз кечиб, жаҳон экологик ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро экологик сиёсий муносабатларда фаол иштирок қилаётган Ўзбекис-

тон давлати ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча йўналишларидаги каби экологик сиёсат бора-сида ҳам стратегик тараққиётнинг миллий моделини ишлаб чиқди ва бу модел ўз самарадорлигини амалда кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат экологик сиёсатининг стратегик асосларида миллий манфаатлар устувор ҳисобланади. Миллий экологик манфаатлар шаклланиши асосида иккита йўналиш бўлиб, бу соҳадаги давлат сиёсатининг характери уларни бир-бирига мослаштиришда намоён бўлади. Биринчи йўналишда – давлат экологик сиёсатини детерминлаштирувчи муайян омил устуворлигини эътироф этиш ёки уларни мутлақлаштиришдан иборат бўлиб, жамият муносабатлари тизимида иктисодий-сиёсий структураси, ижтимоий воқелиги, барқарор экологик тараққиётнинг устувор ижтимоий йўналишини сақлаб қолиш, унинг асосий стратегик вазифаси қилиб белгиланади. Бу йўналишда давлат экологик сиёсатининг ижтимоий-мафкуравий мазмуни, бир томондан, жамият ҳаётида, давлат экологик сиёсий фаолиятида вазифалар кетма-кетлигини ва изчиллигини таъминлайди. Бошқа томондан эса, ҳозирги даврда миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан, истисносиз, барча давлатлар геосиёсатининг илғор йўналишлари глобаллашиб, экологик хавфсизликни тан олиши муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчи йўналишда – ҳар қандай давлатда давлат экологик сиёсат доктринасини шакллантириш ва уни ҳаётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш муаммосининг маданий (цивилизациялашган) ечими миллий экологик ғояларни, миллий манфаатларни техноген-постиндустриал тараққиёт неоекологик моделига мувофиқлаштириш билан боғлиқ. Мустабид тизим даврида эса Иттифокдаги мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда, экологик вазифалар ривожланган мамлакатлар постиндустриал модели, глобал тараққиёт талаблари билан эмас, балки собиқ СССРнинг аграриндустриал геостратегик манфаатлари нуқтаи назаридан белгиланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат экологик сиёсатини тубдан ислоҳ қилишда айнан ана шу ёндашув стратегик асос вазифасини ўтади. Хусусан, мамлакатдаги экологик вазиятни муҳофаза қилиш, экологик муносабатларнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, экологик муаммоларни бартараф қилиш, экологик глобаллашув тенденцияларининг салбий таъсирини камайтиришда энг аввало миллий манфаатларга таянилади. Дарвоқе, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам ана шу мақсадларда – миллий экологик манфаатлар устуворлигини таъминлаш ниятида шакллантирилган эди. “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак, – деган эди И.Каримов, ҳаракат фаолиятининг самарасини ошириш зарурияти ҳақида тўхталиб, – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади” [2:140-141].

Бугун ҳам Ўзбекистон давлати экологик сиёсати йўналишларини миллий манфаатлар нуқтаи назаридан олиб бориш зарурияти йўқолгани йўқ. Тўлиқ асос билан айтиш мумкинки, жамиятда мавжуд моддий-техник ресурслар, интеллектуал салоҳият потенциали миллий экологик манфаатларни қондириш ва ҳимоя қилишга сафарбар қилингандагина фаол экологик сиёсат олиб бориш имкониятлари кенгаяди.

Шунга кўра, давлат экологик сиёсати умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштиришга хизмат қилади. Айниқса, ўтган асрнинг сўнгги чорагида жаҳонда авж олган экологик глобаллашув жараёнлари янги глобал экологик маконни вужудга келтириши давлат экологик сиёсати умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштиришни тақозо этади. Бу жараёнда давлат чегаралари экологик сиёсат интеграцияси натижасида миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлашувини намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, халқаро экологик сиёсий муносабатларда прагматизм, глобаллашув жараёнининг атрибут сифатида, ҳар бир давлатнинг ўз ўрни ва ролини англашини талаб қиладиган дунёнинг янги экологик қиёфаси шаклланиётгани кўрсатмоқда.

Янги тарихий даврнинг экологик воқелигини эътироф қилмаган ва догматик тафаккур тарзи ҳукмрон бўлган вазиятда ёки миллий манфаатларини мутлақлаштираётган давлатлар экологик глобаллашув жараёнига қўниқим имкониятига эга эмас. Шунинг учун экологик сиёсат интеграцияси етакчиларининг экологик толерантлиги, ривожланаётган давлатларга иқтисодий, техник, технологик, интеллектуал ёрдам бериш билан, уларнинг глобаллашаётган экологик сиёсий муносабатларга “қўниқим эффектини” вужудга келтириш ва стереотипларини мустахкамлаш учун мўътадил сиёсий маконни яратиши билан характерланади.

Экологик глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини таъминлашга йўналтирилган давлат экологик сиёсатининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

а) экологик глобаллашув жузъан давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятлари интеграцияси натижаси бўлиб, миллий чегаралардан ташқарида транснационал ва байналминал характер касб этади;

б) ҳар қандай мамлакат миллий экологик сиёсатининг муайян интеграция босқичларини босиб ўтиши унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа йўналишлардаги ривожланиш даражаларига боғлиқ бўлиб, экологик глобаллашув учун шарт-шароит, ҳуқуқий макон яратади;

в) глобал экологик маконда ҳар қандай давлатларнинг ўрни, мақоми ва ролини мустахкамлашда миллий экологик сиёсатнинг халқаро ривожланиш даражасига интилиши ва унинг талабларига бўйсунити стратегик мўлжал бўлиб хизмат қилиши керак;

г) глобал миқёсда экологик стратегик мақсадни амалга ошириш учун халқаро экологик муносабатларни мувофиқлаштирувчи ташкилий-функционал институтлари тизими ва уларни илмий-назорий таъминлашнинг методологик асоси зарур;

д) давлат экологик сиёсатнинг стратегик мақсадларини амалга ошириши зарур бўлган глобал экологик майдонда миллий ёки минтақавий манфаатларга мос келиши белгилаб қўйилган халқаро чегаралар ва қонуний-ҳуқуқий нормалар мутлақ характерга эга эмас;

е) глобал экологик макондаги экологик вазиятнинг маҳаллий, миллий, минтақавий даражаларда кескинлашуви давлатлардан реал характердаги узоқ муддатли стратегияни белгилашни ва уларга мос экологик сиёсат усуллари талаб қилади.

Умуман олганда, халқаро лойиҳаларда иштирок этишда Ўзбекистон давлатнинг миллий экологик сиёсати роли ва ўрни қуйидаги асосий вазифалардан келиб чиқиб белгиланди: биринчидан, глобал экологик сиёсатда миллий, минтақавий ва умуминсоний экологик манфаатларни уйғунлаштиришни устувор мақсад қилиб қўйилди; иккинчидан, миллий экологик сиёсатнинг институционал тизими ва инфраструктурасини глобал мақсадга мувофиқ ривожланиши таъминланди; учинчидан, давлатларнинг экологияга йўналтирилган иқтисодий, техник ва интеллектуал имкониятлари интеграцияси жараёнида фаол қатнашилди; тўртинчидан, Ўзбекистонда глобал экологик сиёсатга адекват “очиқ жамият” учун зарур бўлган барча шароитлар яратилди; бешинчидан, халқаро экологик сиёсатнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширувчи янги ташкилий-функционал структураси шакллантирилди ва эскилари модернизациялаштирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқаро экологик сиёсий муносабатларнинг ҳар қандай йўналишидаги ислохотлар миллий ва ҳудудий экологик хавфсизликнинг барча аспектларини эътиборга олиши керак. Чунки ҳозирги даврга келиб экологик таҳдидларнинг географик чегаралари мутлақо шартли ва нисбий характер касб этмоқда. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг экологик хавфсизлигини таъминлашга доир сиёсати, фақат миллий манфаатларига эмас, балки глобал экологик талабларга жавоб бергандагина самарали бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020. 456 б.

2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

3. Каримов И. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига қўтарилиш сари. 18-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.140-141.

**ТАРИХ ИЛМ-ФАНИДА “УНИВЕРСАЛ ТАРИХ” ТЎҒРИСИДАГИ
ЁНДАШУВЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР**

Абдуқаюмов А.Р
ТерДУ, т.ф.н., доцент

Инсониятга хос муҳим жиҳат - ўзликни англашга бўлган интилиш ибтидоий тарихни, айниқса, одамзоднинг келиб чиқиши, кундалик ва умумий турмуш-тарзининг ривожланиб бориши масалаларини изчил ўрганишни тақозо этади. Шу сабабли қадимги даврларданок одамзоднинг ибтидоий тарихига доир билимлар юзага келган ва мустаҳкамланиб борган. Шубҳасиз, бу борада бизгача сақланиб қолган айрим ёзма манба маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Шунини қайд этиш керакки, одамзоднинг ибтидоий тарихига доир ёзма маълумотлар антик давр муаррихларининг асарларида учрайди. “Тарихнинг отаси” Геродот ўзининг машҳур “Тарих” асарида мил.авв. I минг йилликда ҳозирги Туркия Республикасининг Анталия ва Мугла вилоятлари ҳудудида ҳали қариндош-уруғчилик муносабатлари шароитида яшаган, хусусий мулкчилик, маълум бир қонунлар асосидаги давлатчилик тизими мавжуд бўлмаган қадимги аҳоли – ликияликлар ҳаёти тўғрисида қизиқарли маълумотлар қолдирган. Жумладан, ликияликлар ўзаро ижтимоий муносабатларида она уруғи юқори мавқе эгаллаган, шунингдек, ликиялик хотин-қизлар умр йўлдошларини ўзлари танлаш имконига эга бўлган (1, 66-б), сарматларда эса аёллар жанговар тарбия топган ҳамда фақатгина ўз душманларидан бирини қатл этганидан сўнг турмушга чиқиши мумкин бўлган (2, 216-б). Ликияликлар каби қариндош-уруғчилик муносабатлари шароитида яшаган жамоалар турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари ҳақидаги тарихий маълумотларни Ксенофонт, Страбон, Юлий Цезар, Тацит асарларида ҳам учратиш мумкин. Бу маълумотлар муаллифларнинг ўзлари гувоҳ бўлган, ҳеч бўлмаганда турли сабаб билан шу юртларда бўлиб қайтган савдогар, сайёҳ ёки элчилардан эшитганлари асосида қайд этилган воқеликлар ҳисобланади. Антик давр муаллифларининг ўзлари бу маълумотлар асосида грек ёки римликлар аждодларининг ибтидоий тарихини ёритиш учун асос сифатида фойдаланмаганлар. Юқорида тилга олинган асарларда эллин маданиятига мансуб бўлмаган ва грек ёки қадимги итальян тилида сўзлашмаган кўплаб қабилалар ва жамоалар умумий “варварлар” номи билан тилга олинади.

Ибтидоий давр тарихи тўғрисидаги билимлар XV-XVIII асрлардаги Буюк географик кашфиётлар ҳамда XVIII асрда Европа давлатларининг Америка, Африка, Осиё, Австралия қитъалари ва Океания ҳавзасидаги мустамлакачилик фаолиятлари билан боғлиқ равишда ривожланиб борди. Айнан шу ҳудудларда тараққиётнинг нисбатан қуйи босқичларида яшаётган жамоалар ва қабилалар вакилларининг турмуш тарзи, анъаналари ва қадриятлари европаликларнинг ибтидоий тарих тўғрисидаги билимларини тубдан ўзгартириб юборди. Буюк географик кашфиётлар натижасида европаликлар томонидан “ўзлаштирилган” ҳудудларда тарихан яшаб келаётган маҳаллий аҳоли ҳақидаги этнографик кузатув ва тадқиқотлар бу йўналишдаги энг муҳим қадам бўлди. Ушбу этнографик кузатув ва тадқиқотлар ибтидоий давр тарихи юзасидан вужудга келган илмий ёндашув, концепция ва таълимотларга асос бўлди.

Шунини алоҳида қайд этиш керакки, аввало табиий шарт-шароит ҳамда ижтимоий тараққиёт даражасига кўра, европаликлар томонидан кашф этилган ҳудудлар аҳолиси қисман кийим-кечак кийган, аксарият кўпчилиги эса деярли кийимсиз ҳолатда яшар эдилар. Шунингдек, улар сўзлашаётган турли тиллар ҳам европаликларга нотаниш бўлиб, диний маросимларда ҳам ўзига хослик сақланиб қолган эди. Энг муҳими, маҳаллий жамоаларнинг кўпчилигида мулккий тенгсизлик, иқтисодий ҳаётида хусусий мулкчилик, давлатчилик ва давлат бошқаруви тузилмалари ҳам мавжуд эмас эди. Оқибатда Ғарбий Европага хос замонавий бошқарув, архитектура ва технологик ютуқлардан беҳабар бўлган бу каби жамоалар вакиллари “ёввойилар” тамғаси урилди. Аслида, маҳаллий жамоалар ижтимоий тараққиётнинг турли даражаларида яшаётган, аксарияти ҳаётида аста-секинлик билан хусусий

мулкчилик ва бошқарувнинг янги қоидалари шаклланаётган, яъни, ибтидоий даврнинг сўнги босқичида кун кечириётган эди. Шу билан бирга кашф этилган ҳудудлардаги айрим жамоалар ҳаётида одамхўрлик (каннибализм), жамоанинг баъзи хотин-қизларига нисбатан шафқатсизлик ва хўрликлар ҳамда Ғарбий Европада қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилган ахлоқ қоидаларига зид (асосан никоҳ ва жинсий) муносабатларнинг мавжудлиги маҳаллий жамоаларнинг баъзиларини “ёввойилар”, бошқаларини эса “варварлар” деб аталашига сабаб бўлди. Ушбу атамалар кейинчалик илм-фанда ибтидоий давр ҳақидаги билимларни тизимлаштиришда муҳим ўрин эгаллади.

Европаликлар томонидан кашф этилган ҳудудлардаги маҳаллий аҳолининг турмуш-тарзи, анъаналари ва маросимларини ўрганиш борасидаги илк этнографик кузатувлар ҳамда тадқиқотлар француз миссионер Жозеф-Франсуа Лафито томонидан амалга оширилди. Ж.Ф.Лафито Франция маъмурияти томонидан Шимолий Американинг Канавага (Со-Сен-Луи, ҳозирги Канада) ҳудудидаги йирик ирокез қабилаларини ўрганишга юборилган миссияда иштирок этган. Миссиянинг 1712-1717 йиллардаги фаолияти давомида Ж.Ф.Лафито ирокезларнинг тилини ўрганади, оила-никоҳ муносабатлари, уруғчилик тизими, сиёсий тузилмаси ҳамда кундалик турмуш-тарзида катта ўрин тутган катта (узун) уй ҳақидаги тўлақонли маълумотлар тўплашга муваффақ бўлади. Ж.Ф.Лафито 1724 йилда ушбу маълумотлари асосида махсус асар нашр эттирди. Ушбу асарида Ж.Ф.Лафито ўз этнографик кузатувлари натижаларини илк бор Европа халқларининг қадимий ўтмиши билан тарихий-қиёсий солиштириш усули ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қилди. Ўз таҳлиллари натижасида этнограф Янги дунё аҳолиси(илм-фанда Америка қитъасининг барча маҳаллий жамоа ва қабилалари ҳинду номи билан тилга олинади)нинг ижтимоий муносабатлари, урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари Европа халқларининг ибтидоий давр тарихи билан умумий хусусиятга эга эканлигини таъкидлади (4, -р.76). Шу билан бирга Ж.Лафито ҳиндуларнинг турмуш тарзи ва Европа халқлари, жумладан, грекларнинг ибтидоий давр тарихидаги бу умумийлик ва ўхшашликни уларнинг бир аجدоддан келиб чиққанлиги билан боғлиқ, деган хулосага келади. 1772-1775 йилларда Ж.Кук бошчилигидаги дунё бўйлаб саёҳат давомида Австралия ва Океания ҳавзасидаги географик кашфиётларда бевосита иштирок этган Георг Форстер аборигенлар турмуши ҳақида тўхталар экан, Таити ороли қабилаларидаги бошқарув жараёнлари Грециянинг Гомер даври (мил.авв. IX аср) қахрамонлари (масалан, Геракл) даври бошқаруви билан айнан ўхшашлигини таъкидлайди. Г.Форстер турли халқлар тарихининг маълум бир давридаги бу ўхшашлик хусусиятларини таҳлил қилар экан, Ж.Ф.Лафитодан фарқли ўлароқ, одамзод вакиллари дунёнинг қайси бурчагида ва бир-биридан алоҳида яшашидан қатъий назар, уларнинг ижтимоий муносабатлари ва турмуш тарзи умумий қонуниятлар асосида ривожланиб борган, деган хулосага келади (5, -р.567). Шу тарика тарихий-қиёсий таҳлил усулининг ривожланиб бориши билан XVIII асрнинг охирларига келиб илм-фанда одамзод тарихининг ёзма манбалар мавжуд бўлмаган илк даври, яъни ибтидоий тарих тўғрисидаги билимлар қарор топди.

Буюк географик кашфиётлар туфайли тарихий жараёнларни ўрганишда бир қатор янги усулларнинг қўлланилиши Ғарбий Европада ибтидоий тарих тўғрисидаги билимларнинг янада ривожланишига асос бўлди. Тарихий изланишлар олиб боришдаги туб ўзгаришлар инсониятнинг ижтимоий ҳаёти одамзод насли географик жиҳатдан қайси ҳудудда турмуш кечиришидан қатъий назар тарихнинг умумий қонуниятлари асосида ривожланиши, яъни, **“универсал тарих”** тўғрисидаги ёндашувларнинг вужудга келишига туртки берди. Жумладан, 1767 йилда Шотландиялик жамиятшунос Адам Фергюссон ўзининг “Фуқаролик жамияти тарихидан очерк” номли китобида биринчилардан бўлиб инсоният тарихининг умумий қонуниятлар асосида юз берадиган жараён, воқеа ва ҳодисалардан иборат эканлигини таъкидлаб, одамзод ўз тараққиётида умумий қонуниятлар асосида кетма-кет келувчи **ёввойилик, варварлик ва фуқаролик** жамияти босқичларини босиб ўтган, деган хулосага келди. Шунингдек, А.Фергюссон одамзоднинг ўзлаштирувчи хўжалик(овчилик ва термачилик)дан чорвачилик ва деҳқончиликка ўтиши ҳамда хусусий мулкчилик шаклланишини ёввойиликдан варварликка, ўз навбатида хусусий мулкчиликнинг узил-кесил қарор топиши

ва шу асосда вужудга келган давлат идоралари томонидан қонуний жиҳатдан қатъий муҳофаза қилиниши варварликнинг фуқаролик жамиятига айланганлигини белгиловчи омил бўлганлигини қайд этди (6, -р.69). А.Фергюссон томонидан одамзод тарихининг илк бор умумий қонуниятлар асосида даврлаштирилиши илм-фанда универсал тарих, шу билан бирга ибтидоий давр тарихи тўғрисидаги билимларнинг янада ривожланишига тurtки берди. Жумладан, 1777 йилда Г.Форстер денгизчи Ж.Кук бошчилигидаги 2-экспедиция юзасидан тайёрлаган расмий ҳисоботида ўзининг дунё айлана саёҳат давомида Океания ҳавзаси оролларидаги жамоалар турмушида мавжуд бўлган турфа ижтимоий муносабатлар, сиёсий тузилмаларни таҳлил қилар экан, одамзод тарихи ёввойилик (болалик), варварлик (ўсмирлик) ва маданийлик (навқирон, балоғатга етган) каби босқичлардан иборат, деган хулосага келади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, илк бор инглиз тилида қўлланган “фуқаролик жамияти” тушунчаси латин тилидаги “civis (фуқаро)”, “civilis (фуқаролик)”, “civitas (шаҳар)” каби сўзлардан олинганлиги сабабли А.Фергюссон томонидан таснифланган, инсониятнинг ёввойилик ва варварликдан кейин шаклланган фуқаролик жамияти босқичи аста-секинлик билан дастлаб Ғарбий Европа, кейинчалик дунё илм-фанда **цивилизация** номи билан кенг ўрин олди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инсоният тараққиётининг цивилизация босқичида содир бўлган тарихий жараёнларни тадқиқ этиш билан шуғулланувчилар цивилиограф-тадқиқотчилар сифатида ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимида муҳим ўрин эгаллади.

Адабиётлар рўйхати

1. Геродот. История в девяти книгах. Пер. и прим. Г.А. Стратанского. – Ленинград: Наука, 1972. Книга первая: Клио.
2. Геродот. История в девяти книгах... Книга четвертая: Мельпомена.
3. Abduqayumov A.R. Arxeologiya: tosh davri. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Fan va ta’lim, 2023.
4. Joseph François Lafitau. Moeurs Sauvages Américains comparées aux mœurs des premiers temps. 2 v., Paris, 1724.
5. Georg Forster, A Voyage Round the World in His Britannic Majesty's Sloop, Resolution, Commanded by Capt. James Cook, During the Years 1772, 3, 4, and 5. White, London, 1777.
6. Adam Ferguson, An Essay on the History of Civil Society. 5th ed. London: T. Cadell, 1782.

1920-1924 YILLARDA O‘ZBEKISTON JANUBIY HUDUDLARIDA SOG‘LIQNI SAQLASH TIZIMI HOLATI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR.

To‘raeva M.X.

tarix fanlari nomzodi, dotsent (QarDU)

1920-yil 31-oktabrda BXSР da sog‘liqni saqlash xalq nozirliги tashkil etildi. Ushbu tashkilot 1921-yil 4-mayda sog‘liqni saqlash, mehnat va ijtimoiy ta’minot xalq nozirligiga aylantirildi.[1] Oktabr to‘ntarishiga qadar Buxoro amirligiga qarashli bo‘lgan Qashqadaryo hududida, jumladan, uning markazi bo‘lgan Qarshi shahrida bitta xususiy shifoxona mavjud edi. Shifoxonaning 35 o‘rinli davolash o‘rinlarida asosan ruslarning o‘zi, ahyon-ahyonda esa mahalliy boylar davolangan.[2] Davolash xizmati juda qimmat bo‘lib, shahar va atrof hududdagi aholiga pullik xizmat ko‘rsatilgan. Mazkur davrda Termiz chegara shahar bo‘lganligi bois, Patta-Kesar qishlog‘ida harbiy qism joylashtirilgan. Mahalliy aholi, asosan, xalq tabobati xizmatidan, vohaning Rossiya imperiyasi tarkibida bo‘lgan rusiy zabon kishilar istiqomat qiladigan qismida asosan, harbiy shifokorlar xizmatidan foydalanishgan. Ana shu harbiy qism ixtiyorida kichkina kasalxona bo‘lib, bitta harbiy vrach faoliyat olib borgan.[3] Ushbu kasalxonada Termiz shahri va uning atrofidagi aholiga pullik xizmat ko‘rsatilgan. Jumladan, qatnab davolanayotgan aholiga 20 kopeyk, yotib davolanish uchun bir oyda shahar aholisiga 5 rubl, shahar atrofidagi yashovchi kishilar uchun esa 8 rubl to‘lanishi belgilab qo‘yilgan. Aholi tomonidan is’temol qilinadigan ichimlik suvi ochiq havzalarda joylash-

ganligi, iqlimning nihoyatda keskin kontinental ekanligi, ayniqsa, yoz oylarida turli yuqumli kasalliklarning avj olishiga sabab bo‘lgan. Buning oqibatida aholi o‘rtasida yuqumli kasalliklardan chin chechak, vabo, bezgak, sil, rishta, ichburug‘, teri-tanosil kasalliklari, bolalar orasida qizamiq, qizilcha, bo‘g‘ma, ko‘k yo‘tal kabi xastaliklarning ko‘plab tarqalishiga va aholi o‘rtasida o‘lim holatlarining ko‘payishi yuz bergan.

1921-yil oktabr oyida Qarshi shahrida davlat tomonidan ambulatoriya punkti ochildi.[6] Mazkur davolash muassasasida, asosan, yevropalik tibbiyot xodimlari faoliyat ko‘rsatdi. Masalan, jarroh Kudinova, terapevt F.Z. Konstantinova, ginekolog Lebedeva, okulist N.V. Pugonina, venerolog Antonova, tish shifokori K.A. Lvova shular jumlasidandir. Mazkur davrda nafaqat chechak va varaja kasalliklari, balki vabo, bo‘g‘ma, zaxm, terlama kabi kasalliklar ham avjiga chiqqan edi. Mehnatga qobiliyatli aholining asosiy qismi kasallanganligi tufayli ba’zi oblastlarda dala ishlari ayni mavsum paytida qolib ketgan. Jumladan, “Buxoro axbori” gazetasining 1922-yildagi sonida “Bu yil Qarshi viloyatida ekin avj darajada bo‘lsa-da xalqning hammasi isitma bilan kasal bo‘lgani sababli ekin sahroda qurib bormoqdadir. Yig‘narg‘a salomat odam yo‘q”, – deb yozadi, gazetasi. Bu holatdan shunday xulosa qilish mumkinki, aholi o‘rtasida turli xil kasalliklar keng tarqalgan bo‘lib, sog‘liqni saqlash tarmog‘i xodimlari ularning oldini olishga ojiz edi.

1922-yil 22-dekabrda sovetlarning umum Buxoro sessiyasi yig‘ilishida “Sog‘liqni saqlash ishini kelgusida yaxshilashning chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilinadi. Sessiyada bezgak kasalligining tarqalishining oldini olish bo‘yicha fikr-mulohazalar bayon qilinadi. Bezgak kasalligining boshlanganligi oqibatida 40000 so‘m (oltin oqcha hisobi bilan)dan oshiqroq mablag‘ga xorijdan dori-darmon olinganligi “Buxoro axbori”da alohida qayd qilinadi.[7] Shuningdek, “Ozod Buxoro” gazetasi sahifalarida qayd qilinishicha, “Xalq salomatligini saqlash markaziy idorasi” to‘g‘risida maxsus nizomnoma imzolaniib, unda respublika hududida yuqumli kasalliklarga qarshi kurash markazlarini ochish, xorijdan dori-darmonlar keltirish, dorixonalar qurish va faoliyatini yo‘lga qo‘yish, bolalar, harbiylar salomatligi markazlarini ochish, xorijdan tibbiy mutaxassislarni jalb qilish kabi masalalar muhokama qilingan. Mazkur hujjat ijrosi asosida 1922–1923 yillarda Germaniyadan BXSRga katta miqdorda dori-darmonlar, tibbiy asbob-uskunalar keltirildi. 1922–1923-yillarda BXSR hukumati bezgak kasalligining tarqalishiga qarshi dori-darmonlar xarid qilish, kasalxona va profilaktika muassasalari kurilishi uchun 1 mln. oltin so‘mdan ortiq mablag‘ sarfladi.

1923-yilda “Ozod Buxoro” gazetasi sahifalarida Termiz shahri aholisi o‘rtasida chechak kasalligi tarqalganligi haqida maqolalar chop etildi. Jumladan ulardan birida, “Termiz shahrida chechak og‘rig‘i paydo bo‘ldi. Chechak og‘rig‘i kichkina bolalar o‘rtasidagina emas, kattalar o‘rtasida ham kuchli tarqalmoqdadir. Hozirgacha chechak bilan kasal bo‘lg‘on 200 kishi qayd qilindi, o‘lganlarning soni 30 ga yetadur... Termiz oblastining Qo‘bodiyon rayonida chechak kasali kuchli ravishda hukm suradur... bu kasal bilan 1114 kishi og‘rib, 50 foizdan ortigi o‘lg‘ondur. Kasallarni davolash uchun dori-darmon yetishmaydur. Kasalxonalar mavjud emasdur”, deb yoziladi. Yana bir maqolada mazkur hudud aholisi o‘rtasida bezgak kasalligi bilan kasallanayotganlar soni oshib borayotganligi ko‘rsatib o‘tiladi. Shu boisdan mazkur holatning oldini olish bo‘yicha, Termiz shahrida bezgak kasalligiga qarshi kurashuvchi stansiya tashkil etiladi. Uning tarkibida 2 nafar vrach, 1 nafar vrach yordamchisi, 3 nafar bezgak kasalligini o‘rganuvchi va 1 nafar sanitar xodimlar faoliyat olib bordi. Ularning asosiy vazifasi hududdagi botqoqlik joylarni aniqlash, ularni dorilab yo‘q qilish ishlarini amalga oshirishdan iborat qilib belgilandi.

1923-yilga kelib Sherobod, Darband, Shahrisabz, Qarshi kabi shaharlarida kasalxonalar ochildi. Mazkur davrda Qarshi shahar shifoxonasida vrach Boltyanskaya faoliyat olib bordi. Harbiy qismlarda yuqumli kasalliklarning oldini olishga bag‘ishlangan konferensiyalar tashkil qilindi, tumanlarda ko‘chma tibbiy nazorat punktlari, maslahatxonalar ochildi.

1924-yil 8-martda BXSR Xalq Nozirlari Sovetining yig‘ilishida “Sog‘liqni saqlash markaziy boshqarmasi faoliyati to‘g‘risida”gi masala muhokama etilib, yig‘ilishda ushbu masala yuzasidan qabul qilingan qarorda quyidagilar belgilab berilgan: mahalliy aholiga tibbiy xizmat ko‘rsatish

ishini kengaytirish, sog‘liqni saqlash boshqarmasining asosiy e’tiborini bezgak kasalligiga qarshi kurashga qaratish va joriy yilda bu masala bo‘yicha reja ishlab chiqish, boshqarmaning filiallarini tashkil etish va har bir oblastda bittadan dorixona ochish, vrachlar bilan ta’minlash, tibbiyot xodimlari albatta mahalliy tillarni bilishi shartligi, boshqarma qoshida tibbiy kurslar tashkil etish kabilar shular jumlasidandir.

1924-yilga kelib, Qashqadaryo ijroiya komiteti qoshida sog‘liqni saqlash bo‘limi tashkil etildi. Qashqadaryo viloyati sog‘liqni saqlash bo‘limi boshlig‘ining mazkur yilning 3 noyabrida yozgan hisobot ma’ruzasida aytilishicha, shu vaqtga qadar bu hududda 2 nafar vrach, 1 nafar akusher va 5 ta dorixona faoliyat ko‘rsatgan. Ma’lum bo‘lishicha, viloyatning butun qishloqlari bo‘yicha bitta dorixona (lekpom-dori darmon yordami) mavjud bo‘lgan. O‘sha yillarda bir shifoxonaga 270517 odam to‘g‘ri kelgan, bir bemor o‘rniga 27051 kishi to‘g‘ri kelgan. Oblastda aholi soni 209 mingdan ko‘proq bo‘lib, faqat Behbudiy va Shahrisabz shaharlaridagina davolash muassasalari mavjud edi. Shu tariqa, har yuz ming kishiga bita shifokor, har qirq ming aholiga bitta dorixona to‘g‘ri kelgan. 5 nafar sanitar-tarjimon faoliyat yuritgan. Bu davrda aholi orasida turli yuqumli kasalliklar keng tarqalib, oblastda tibbiy nazoratdan o‘tkazilgan aholining 40 foizida zaxm, 35 foizida shilpiq, 25 foizida sil kasalligi aniqlangan.

1924-yilda Termizda mahalliy aholiga xizmat qiluvchi 25 o‘ringa mo‘ljallangan shifoxona va ambulatoriya faoliyati yo‘lga qo‘yildi. Bu muassasalarda harbiy garnizonning tibbiyot xodimlari o‘rindoshlik asosida davolash ishlarini olib borishdi.[8] Surxondaryo hududida sog‘liqni saqlash ishini yo‘lga qo‘yishda, epidemiyalarga qarshi kurashishda vrachlardan A.S. Miushkin, er-xotin Tyumenevlar, S.M. Salmin, P.F. Zabrodina, A.G. Nijegorodova, o‘rta ma’lumotli tibbiyot xodimlaridan T.Ye. Arskaya, D.S. Sergev, A.P. Volkova, A.M. Ryaxina, P.S. Pareva, D.T. Gordevaning xizmatlari katta bo‘ldi.

Xullas, 1920–1924 yillarda BXSРda jumladan uning janubiy hududlarida ijtimoiy munosabatlar o‘ta ziddiyatli tarzda kechdi. Qizil armiya qo‘shinlarining bostirib kirishi, Buxoro amirligining tugatilishi, undan keyin sovet hokimiyatiga qarshi yuzaga kelgan urushlar oqibatida, xalqning ijtimoiy ahvoli, ularning yashash sharoitlari yanada og‘irlashdi. Yangi hukumat tomonidan, qisqa muddat ichida xalq manfaatlarini ko‘zlaydigan ijtimoiy o‘zgarishlar qilishga harakat qilindi. Sherobod, Darband, Shahrisabz, Qarshi kabi shahar va oblastlarda kasalxonalar ochildi. Ammo, tibbiy kadrlarga bo‘lgan ehtiyoj saqlanib qolindi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўз МА, Р-61-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 7-варақ.
2. Рустамов П.Н. Нури маскан. – Қарши: “Насаф”, 1996. – Б. 3.
3. Парфенов Т.В. Охрана народного здоровья хранения Сурхандаринской области // Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи. №242. – Б. 16.
4. Вабо касалига қарши // “Бухоро ахбори” газетаси. 1922 йил 8 июль; Иситма балоси // “Бухоро ахбори” газетаси. 1922 йил 3 август; Янги касаллар пайдо бўлган // “Бухоро ахбори” газетаси. 1923 йил 28 январь.
5. Мўминова Г. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи. (1917–1991 йиллар). – Тошкент: “Янги нашр”, 2015. – Б. 71.
6. Истории Бухарской Народной Советской Республики. Сборник документов (1920–1924 гг.). – Ташкент: “Фан”, 1976. – С. 356.
7. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республкаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920–1924 йиллар). – Тошкент, 2012. – Б 78.
8. Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области. – Тошкент, Ўзбекистон, 1970. – Б 24.

**СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ АРБОБЛАР ВА
РУҲОНИЙЛАРГА ҚАРШИ АМАЛГА ОШИРГАН
ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ ТАРИХИДАН**

Одилов А.А.

ЎзМУ Тарих факультети доценти т.ф.н.

Совет давлатининг динга, руҳонийларга, дин арбобларига қарши кураши аслида 1917 йил октябрь тўнтаришдан сўнг большевиклар партиясининг собиқ империя ғоявий таянчи бўлган православ черковига қарши кураши, черковларни ёпиши, улардаги моддий бойликларни “жаҳон инқилоби” йўлида талон-тарож қилиш қилиш, патриарх фаолиятига қарши чиқиш билан ҳам бошланган эди. Диссертациянинг олдинги параграфларида қайд қилингандек, ХКСнинг 1918 йил, 20 январдаги муқаддима сифатида хизмат қилган эди. РКП (б) МКнинг 1921 йил 9 августдаги “Динга қарши ташвиқот олиб бориш масалаларига доир” кўрсатмаси, шу даврда МК қошида тузилган “Динга қарши комиссия” (Антирелигиозная комиссия при ЦК РКП(б)) ва бошқалар дин соҳасидаги чеклов ва тайзикларга ўзига хос ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилди. Совет давлати ўз ҳокимиятини ўрнатиш жараёнида ҳали гарчи динга қарши оммавий кураш эълон қилмасидан анча аввалроқ ҳам муқаддас қадамжолар, масжид, мадраса, черков, синагог ва бошқа диний иншоотларига ҳужумлар уюштирилганлар, турли даражадаги талон-тарож ишлари амалга оширилган, руҳонийлар эса “аксикликини ётганлар” сифатида тули тайзик ва зўравонликларга муваммал этилишга ҳоказо. Масалан, 1920 йил сентябрида Бухоро шаҳрининг вайрон этилиши диний, меъморий аҳамиятга молик иншоотларнинг хонавайрон қилиниши, қизил аскарлар “жазо отрядлари” томонидан Самарқанддаги диний иншоотларни турли мақсадларда, жумладан отхона, казармаларга айлантирилиши, совет давлати томонидан “босмачилик” дея тамға қўйилган қуролли қаршилиқ ҳаракатига ҳайрихоҳлик қилган дин арбобларининг жазоланиши, Андижон жоме масжидининг казармага айлантирилиши, турли ҳудудлардаги масжидлар, черковлардаги ибодат вақтида уларга ҳужумлар уюштирилиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Диссертациянинг илгари параграфларида таъкидланганидек, НЭП даврида динга бўлган нисбатан “эркинлик” сиёсати партиянинг тактик услубларидан бири бўлиб, аслида динга қарши қатағонлик ҳамма даврда ҳам у ёки бу даражада амалга оширилган. Қатағонлик моҳияти бу фақат жисмоний жазолаш, қуч–таъйик ишлатишдан иборат бўлмай, балки маънавий тайзик, ҳақ–ҳуқуқларни чеклаш, динга руҳонийларга нисбатан камситиш муносабатида бўлиши ҳамдир.

Совет давлатининг раҳбари В.И.Лениннинг “Ким биз томонда бўлмаса бизга душмани” деган шиори аслида 20–йиллар охирилари – 30–йиллардаги Сталинга қатағонлик сиёсатининг моҳиятини намоён қилди. Бу жамиятда ўзгача фикрлаш, ўзгача мулҳаза юритиш, ўзгача иш тутиш, ўзгача ижод этишга буткул тоқат қилолмаслик позициясини устуворлиги, оммавий террор услубига қўл келди. “Қатағон” (таъқиқ, ман этиш) сўзи – асли иккинчи маъноси “репрессия” ни ҳам англатиб, тарихий атама сифатида қўлланилади. “Репрессия” (лотинча) – қуч билан бостириш, қуч билан тўхтатиш маъносини англатади. Совет давлатининг қатағонлик сиёсати ҳам сисий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий–мафкуравий соҳаларда амалга оширилди. Бу борада диний қадриятларни чеклаш “Худосизлик” сиёсати, дин арбобларига қарши зўравонлик, тайзик–булар маънавий–мафкуравий соҳадаги қатағонликни ўз ичига қамраб олади. Мазкур ҳолни 1917–1921 йилларда совет тузилишини ўргатиш, қуролли қаршилиқ ҳаракатига қарши кураш, ер–сув ислоҳоти (1925–1929 йй.), “Хўжум” кампанияси, қулоқлаштириш, коллективлаштириш, “маданий инқилоб” жараёнида ҳам кўриш ишлари бўлади.

Масала моҳияти таҳлил шундан дарак берадики, 20–йиллар охириларига бориб совет давлатида НЭП сиёсатидан воз кечилиши, эския партия гвардиясининг ҳокимиятдан маҳрум этилиши, партиядаги муҳолиф гуруҳларнинг маънавий инқирози, ички партиявий курашда сталинча гуруҳнинг 1927 йил XIV съезддаги устувор жихатга эга бўлиб, маъмурий–буйруқбозлик тузуми учун кенг йўл очилиши, жамиятда ўзи шундоқ ҳам сиқувга олинган ҳар қандай плюрализм ва ўзгача фикрлашга қарши курашнинг бошланиши, бунда “синфий –

зўравонлик” ғоясининг устувор даражага чиқиши, хусусий мулк эғалиги ва бозор иқтисодиёти элементларига чек қўйилиши, бир томонлама режали иқтисодиётга, қишлоқ хўжалигида коллективлаштириш сиёсатга ўтилиши, Сталин шахсига сиғиниш, жамиятда носоғлом маънавий сифатларга хайрихоҳлик ва бошқалар оммавий қатағонлик, хусусан динга қарши кураш борасида пойдевор бўлиб хизмат қилади. 20–йиллар охирлари – 30– йиллар эса динга қарши очиқ кураш вақти эса юқорида қайд этилган жараённинг энг юқори жабҳасини ташкил қилди. Мазкур қатағонлик сиёсати 20–йилларнинг бошлариданоқ кучга кирган эди. Бунга мисол тариқасида таниқли тошкентлик уламо Садриддинхон Шарифхўжаевнинг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Муфтий, олим, мударрис, Туркистон мухторияти ташкилотчиларидан бири бўлмиш Садриддинхон Шарифхўжаев Тошкентда тараққийпарвар уламоларнинг “Фуқаҳо жамияти” ташкил этади. Мазкур жамиятнинг наشري бўлмиш “Изҳор ул Ҳақ ” журналида кўплаб долзарб масалалар кўтарилади. Кейинчалик “Миллий иттиҳод”нинг тан олинган йўлбошчисига айланади. Унинг совет давлатига муҳолифлиги ва қатор миллий–маданий мухторият хусусидаги ҳаракатлари совет давлат томонидан салбий баҳоланади. У 1921 йилнинг 9 сентябрида Қўқонда бошқа бир таниқли диний уламо Садриддинхон Ҳамдамхожи Қаландаров билан биргаикда қамоққа олинади. 1921 йил 23 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган суд мисолида 5 кишининг иши аксилинқилобий контекстда кўриб чиқилади.

Тақдири анча мураккаб кечган Муфтий Садриддинхон кейинчалик ўлкадан чиқиб кетишга муваффақ бўлишади. У Туркия, Афғонистонда, Эронда бўлиб, ўз илми билан яхши шухрат қозонади. Туркистондан чиқиб кетган кўплаб муҳожирлар билан алоқа боғлайди, уларнинг бир қисмига Токрияда ўқишлари учун ёрдам беради. “Ёш Туркистон” журналида миллий бирлик, озодлик борасида кўплаб чиқишлар қилади. Эроннинг Машҳад шаҳрида фаолият юритган Садриддинхон тез орада совет ҳавфсизлиги органларининг (ОГПУ) назарига тушади. Кейинчалик Машҳаднинг тарк этишга тўғри келиб яна Афғонистонда, Қобулга жойлашади. Маълум ҳиёнаткор кучлар, ОГПУ айғоқчилари ёрдамида 1935 йил 6 августда афғон ҳукумати томонидан қўлга олинади. У аввал Ҳиротда, сўнгра Қандаҳорда совет ҳукуматининг босими остида туришга тўғри келади. у 1944 йил Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида вафот этади.

Ўзбекистон Россияси Олий Судининг 2022 йил 6 январдаги қарорига кўра 20-30-йиллардаги ноҳақ қатағонга учраган 120 нафар шахс (6 та “жиноий иш”и бўйича) айбсиз деб топилган ҳолда оқландилар. Улар орасида таниқли дин арбоби Садриддинхон Шарифхўжаев беш кишилиқ ишда (1921 йил 23 декабрдаги РСФСР Олий революцион трибунал қарори билан жиноий жавобгарликка тортилган) нми қайд этилган ҳолда тўлиқ оқланди.

Ёшлигидан диний билимлардан чуқур эгаллаган Носирхон тўра Наманган мадрасаси таълимидан сўнг, Бухорода таҳсилни давом эттирди. 1913 йил ибодатини амалга оширган. Қобл, Дехли, Боғдод, Ҳижоз ўлкасида бўлган. Кейинчалик она юртида бош мударрис, қозилик лавозимида ишлаган. Намангандаги “Шўрои Исломи” жамиятининг раҳбари (1917 й.), Туркистон (Қўқон) Мухторияти Маориф нозири лавозимида сайланган. Қуролли қаршилиқ ҳаракати фаолиятида иштирок қилиб, озодлик учун курашчилар сафида бўлган. Совет ҳукуматининг умумий авфидан сўнг (1920 й.) 1923 йилгача “Маҳкамаи Шаърия”да фаолият юритган. Совет ҳукумати иқтисодий сиёсатига қарши чиқади. У ҳррият ва истиқлол руҳида бўлган “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Намангандаги тшкилотчисига айланади. 1924 йил августда совет ҳукуматига қарши чиқиндига айланиб, мол-мулки мусодара этилади. 1925 йил июлида Оренбургга сургн қилади. Озодлик ва эрк руҳида бўлган “Ўринбург мактаблари” номли машҳур асарини айнан сургунда ёзиб тугатади.

Бу борада совет давлати қатағонлик сиёсатини давом эттириб, то иккинчи жаҳон урушига қадар “динсизлик”, “худосизлик”, “барча эскилик сарқитларига қарши кураш” ва бошқа шу каби шиорлар остида дин арбоблари, руҳонийлар ва умуман диний эътиқодга эга барча фуқароларга қарши қакшатқич ва кескин кураш олиб борди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ҳошимов С. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1936 йиллар). Тошкент.: Akademnashr, 2018. Б.199.
2. Каримов Ш. Қафасдаги куш орзуси – Тошкент: Фан, 1991, -Б.5; Ражабов Қ.Ғолиб армиянинг қора ишлари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1996, №6. –Б.193; Ҳошимов С. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1936 йиллар). Тошкент.: Akademnashr, 2018. Б.200.
3. Масаланинг назарий жиҳатлари ҳақида батафсил қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар), Иккита китоб, Биринчи китоб 1917–1939 йиллар. Тошкент: “O‘zbekiston” 2019. –Б.422–433; Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания. 1925-1953 гг. Тошкент: “Tafakkur”, 2011. С.7-15; Ражабов Қ Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. (1917-1991 йй.), Тошкент: “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2022,- Б.84-87 ва бошқ.; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари, (Биринчи китоб), Тошкент: “Sharq”, 2012. –Б. 5-15 ва бошқ.; Ҳошимов С. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1936 йиллар), Тошкент: “Akademnashr”, 2018. Б.15-20 ва бошқ.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Учинчи жилд. –Б. 378, бешинчи жилд, –Б.259. Тошкент, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашри, 2007, 2008.
5. Ҳасанов Б., Ирзаев Б. Миллатимиз фидойилари. Тошкент, 2022. Б.357.
6. <https://fergana.media.news>, <https://kun.uz.news>. 2022/01/01
7. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоатлаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Тошкент; Шарқ, 2003.–Б.170; Ражабов Қ. Носирхон Тўра Саид Камолхон тўра ўғли//Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.6. Тошкент; “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. -401.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛМ - ФАН СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Жаҳонгиров Б.Б.

**ЎзДЖТСУ “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий ва табиий – илмий фанлар”
кафедраси доценти**

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб халқаро муносабатларнинг замонавий тизимини шакллантириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. Бунда республика раҳбарияти дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг давлатлараро ҳамда миллатлараро муносабатларда кенг миқёсда иштирок этиши масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев - таъкидлаганидек “Айни вақтда биз таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув –тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз”.[1,1]

Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги халқаро алоқалари мустақиллик йилларида том маънода ривож топди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар, олий таълим муассасалари, хориждаги ўз шериклари билан икки томонлама ва кўп томонлама илмий ҳамкорлик олиб бордилар. Натижада илгари маълум сабабларга кўра, амалга оширилиши мумкин бўлмаган илмий ҳамкорлик юзага келди. Жаҳон фани, минтақамиз, хусусан, Ўзбекистон учун иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкони туғилди.

Ушбу мавзунинг тадқиқ этишда тарихийлик, объективлик, тарихий изчиллик тамойилларидан фойдаланилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маданий, илмий - техникавий ҳамкорлик масалалари доирасида Ўзбекистон Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Фан

ва техника Давлат қўмитаси жорий архиви, Олий таълим муассасалари жорий архиви фондлари материаллари, Сазанов С, Хасанов У, Қирғизбоев А, Кузьмина Е, Рахматов У, Дўстов У, Идилов У, Ёрозов А, Эргашев Х, Ҳамидов.Х, Усмонов Қ, Содиқов М, Бурхонова С, Эргашев Х, Ҳамидов.Х, Усмонов Қ, Содиқов М, Бурхонова С, ва бошқа тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ва илмий - тадқиқот марказлари билан иқтисодий, маданий, илмий – техникавий алоқалари ўз аксини топган. Илмий - техникавий ҳамкорлик ишлари фанимиз ривожини жадаллаштиришга ва ҳозирги замон фанининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан илмий-техникавий ҳамкорликни амалга оширар экан, аввало ишлаб чиқаришни илм-фан ютуқларисиз амалга ошмаслигини, илмий-техникавий ва маданий алоқалари ҳар бир жамиятда барқарорлик ва бирдамликни сақлаш, ҳар бир минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласи негизида олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқот соҳасида ҳамкорлик ишлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида ҳам ҳар томонлама олиб борилди. Мустақилликнинг илк давриданок бу масалага эътибор кучайтирилди ва СССРнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими бартараф этила бошланди. Шуниндек, илм-фан соҳасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, унинг илмий-тадқиқот институтлари мустақил ҳамкорлик ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга бу соҳада ҳали бажарилиши лозим бўлган муаммолар, жумаладан:

- ўзаро илмий алоқалар бўйича тизим яратилмаган;
- хорижий давлатлар илмий муассасалари билан мустақил равишда, тенг шериклик асосида ишлаш тажрибасининг калиги;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида яратилган илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши жуда паст эди;
- янгилик муаллифи, ихтирочи томонидан буюртмачи қидирилар эди.

Ушбу камчиликларга қарамасдан хорижий илмий марказлар Ўзбекистон ҳамда ўзбек илм-фанининг илмий салоҳиятини яхши билардилар. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимиз илмий муассасалари билан ҳамкорлик қилишга тайёр давлатлар сони кўпайди. Хусусан, 1991 йилнинг охирида Франция, Польша ва Португалиядан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ҳамкорлик шартномаларини имзолаш бўйича таклифлар келди. [2,14]

Совет тизими даврида ривожланиши таъқиқлаб қўйилган илмий соҳалар ҳам бор эдики, уларни зудлик билан ривожлантириш лозим эди. Айниқса, бу нарса Генетика соҳасига тегишли бўлиб, бу йўналиш анъанавий равишда АҚШ, Япония, Германияда анча ривожланган эди.

Мавжуд муаммоларни шу тарзда ҳал этишга интилиш Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлигини кучайтиришга имкон берди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 25 давлат билан илмий-тадқиқот бўйича ҳамкорлик қилди. Жумладан, АҚШ, Канада, Белгия, Корея, Италия, Германия билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. 1992 йил майда республика Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Канаданинг “Триумф” ядро маркази ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шартномага биноан Канада томони Ядро физикаси институтига У-250 циклотрони қурилишида ёрдам берди. [3,16]

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хориждаги шериклари билан фундаментал тадқиқотлар асосида ҳамкорликда қўшма корхоналар, лабораториялар қуришга ҳам эътибор қаратди. Масалан, АҚШнинг “Монсанто компанияси” муассасаси билан республика Фанлар академияси Генетика институти ҳамкорликда биотехнологиялардан фойдаланиш асосида “Монсанто” қўшма корхонасини барпо этдилар.

Шу билан бирга 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг халқаро илмий иттифоқ Кенгашига аъзо бўлди, бу эса Фанлар академияси илмий ходимларининг 140 нафари хорижий илмий марказларга, хориждан 216 нафар олим Ўзбекистонга ташриф буюришига асос бўлиб хизмат қилди. [4,17]

Натижада халқаро илмий ҳамкорликни йўлга қўйган илмий-тадқиқот институтлари сони тобора ортиб борди. Масалан, 1993 йилда Археология институти олимларидан А. Мухаммаджонов, А. Асқаров, Т. Ширинов, Х. Сулаймонов ва бошқа олимлар чет элларга чиқиб турли хил илмий тадбирларда иштирок этишиб, тажриба алмашдилар. 1994 йилда республика Фанлар академиясининг 26 та институти Россия, Канада, Япония, Корея каби хорижлик шериклари билан 82 та мавзу бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Яна 6 та институт эса 9 та халқаро дастур бўйича тадқиқотлар ўтказдилар. 1995 йилда Ўзбекистон Фанлар Республикаси академияси институтларида 79 нафар хорижлик аспирантлар таҳсил олди. [5,312]

Маданият, фан ва маориф бўйича халқаро нуфузли ташкилот-ЮНЕСКО билан ҳам жиддий илмий алоқалар амалга оширилди. ЮНЕСКО фаолиятида Орол денгизи муаммоси ҳам алоҳида ўринга эга бўлди. Германия Федератив Республикасининг Тадқиқотлар ва технологиялар вазирлиги 1993 йилдан ЮНЕСКО лойиҳаси асосида Орол муаммосини ҳал этиш учун 80 минг АҚШ доллари сарфлади, шунингдек, “Орол денгизи мониторинги ва ахборот базалари маълумотлари” лойиҳаси доирасида 1,2 млн. АҚШ доллари ҳажмида маблағ ажратди. [6,9]

Республикамизда 1996 йилда 29 та халқаро конференциялар ўтказилди. 1998-2000 йилларда эса жами 230 та республика ва халқаро конференциялар ўтказилди ва уларда кўплаб хорижий давлатлар олимлари қатнашдилар. [7,2]

2000 йилда “Кибернетика” ИИЧБ, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Иқтисодиёт каби институтларда хорижлик, жумладан, Иордания, Корея, Хитой Халқ Республикаси каби давлатлар фуқаролари таҳсил олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хорижий давлатлар билан олиб борилган илмий ҳамкорликда кадрлар алмашуви, малака ошириш, стажировка масалаларига ҳам эътибор қаратди. Ўзбек олимларининг хорижий давлатларда кўплаб ютуқларга эришди. Масалан, профессор Анвар Зоҳидов 2003 йили Техас штати университетида шартнома асосида ишлади, Япония ва Италия университетларида молекуляр физикадан дарс берди. Профессор А. Зоҳидов Техас университети ҳузурида Нанотехнология институтига асос солди. Унинг ушбу хизматлари “Йилнинг энг яхши муҳандиси” мукофотига сазовор бўлишига имкон берди. [3,17]

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари янада ошди. Айниқса, илм-фан соҳасидаги ижодий ҳамкорлик Ўзбекистонни жаҳонга танитишда алоҳида аҳамият касб этди. Буни Ўзбекистон Фанлар академиясининг юқорида биз келтирган мисоллар ҳам исботлаб турибди. Биргина 2008 йилнинг ўзида Ўзбекистон- Россия танлови лойиҳалари сони 14 тага етди, 71 та хорижий грантлар бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилди. [5,315]

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро илмий-тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлик ишлари ривожланди. Ўзбекистон билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйган давлатлар сони муттасил равишда ортиб борди. Ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон учун совет тузumi даврида ривожлантириш мумкин бўлмаган илмий йўналишларни ўрганиш, хорижлик шериклари билан ҳамкорликни кучайтириш имконини берди.

Ўзбекистон билан илмий, илмий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор давлатлар сони кўпайиб борар экан, бу-Ўзбекистон илмий салоҳиятининг ортиб бораётганлигидан далолат эди. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистонда илм-фаннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон фанига чет эл инвестицияларининг кириб келиши эса уни янги техника ва технологиялар бўйича бойитишга имкон берди. Ўзбек олимларининг

хорижий давлатлардаги йирик нуфузли илмий анжуманларидаги иштироки, пировард натижада республика обрўсини оширишга шарт-шароитлар яратди.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан табриги. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 30 сентябр.-Б.1
2. ЎЗР ФА жорий архиви.1-фонд, 1-рўйхат, 4680 иш.14 - варақ.
3. ЖаҳонгировБ.Б. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021.2 сон,4 жилд.-Б.16-21
4. ЎЗР ФА жорий архиви. 1- фонд, 1- рўйхат, 4573- иш, 17 - варақ.
5. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий - техникавий алоқалари. Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2 (Special Issue 1).-Б.312-318.
6. ЎЗР ФА жорий архиви. 1- фонд, 1- рўйхат, 4709- иш, 9- варақ
- 7.ЎЗР ФА жорий архиви, 2008 йилги ҳисоботлар. – Б.2

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАРИ

Абдукаримов Ж.А.

Академик Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети доценти, т.ф.н.

«Мунтахаб-ат-тавориҳ» нодир тарихий, этнографик, адабий, географик асар ҳисобланиб, энциклопедик характерга эга. Шунинг учун ҳам мазкур асар ўзбек совет ва мустақиллик даври тарихшунослари, манбашунослари, географлари, ўзбек классик адабиёти мутахассислари эътиборини жалб қилиб, “Мунтахаб ат-тавориҳ” асарида келтирилган маълумотлар мазкур соҳалар вакиллари томонидан илмий тадқиқотлар жараёнида кенг фойдаланилган ва ўрганилган.

Ўзбекистон совет ва мустақиллиги даври тарихшинослиги ва манбашинослигида ўзбек давлатчилиги тарихи, махсусан Ўрта Осиё хонликлари даври тарихини илмий тадқиқ этишда муҳим бўлган тарихий манбалар жумладан, Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-тавориҳ” асари ўрганилиб, уларнинг илмий аҳамиятига оид қатор адабиётлар, илмий мақолалар яратилди.

Такидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид фундаментал тадқиқотларда Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ат-тавориҳ» асари ва унинг илмий аҳамияти ҳақида маълумот берилган.

Ўзбекистон тарихига оид асар муаллифлари Қўқон хонлигининг маданий ҳаёти ҳақида маълумот бериб, бу давр тарихчилари томонидан хонлик тарихига оид кўплаб манбалар ёзилганлиги, улар орасида Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-тавориҳ” алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб, Ўрта Осиё хонликлари, хусусан Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда бирламчи манба сифатида баҳолашади [6].

Ўзбек Совет энциклопедиясида Муҳаммад Ҳакимхоннинг ҳаёти, фаолияти ва унинг ижодига бағишланган катта мақола берилган. Ушбу мақола муаллифи Муҳаммад Ҳакимхонга олим, тарихчи, маорифпарвар сифатида баҳо беради [12].

Манбашунос олим Бўрибой Ахмедов илмий фаолиятида, асарларида “Мунтахаб ат-тавориҳ” асарига оид нодир маълумотлар келтирилган. Олимнинг тадқиқотларида асарнинг мазмун ва мундарижаси, асар муаллифининг ҳаёти, асарнинг манбалари ва ўрганилиш тарихига оид таҳлиллар мавжуд [1].

Ўзбек тарихчиси Набиев Р.Н. “Из истории Кокандского ханства” (феодалное хозяйство Худояр-хана) асарида “Мунтахаб ат-тавориҳ”нинг илмий аҳамияти кўплаб маълумотлар берган. Унинг маълумотида кўра, Муҳаммад Ҳакимхон ўз асарида тарихий манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, кўп ҳолларда эса воқеалар гувоҳларининг маълумотларига таянади. Аксарият ҳолларда муаллиф тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси

бўлган. Асарда Муҳаммад Ҳақимхон воқеаларни кимдан эшитган бўлса, уларнинг исмлари ҳам тилга олинган. Жумладан, Муҳаммад Ҳақимхон Самарқанддан тўрт чақирим узоқда жойлашган Қурай-балиқ қалъасида Бухоро амири билан Ўратеппа мулки ҳокими ўртасидаги жанг тафсилотларини Султон Хожи Аҳрор Ёдгор номли шахс ҳикоясига таяниб тасвирлайди [11].

Ўзбекистонда “Мунтахаб ат-таворих” асари тадқиқотчи Энвер Хуршуд томонидан алоҳида ўрганилган. Олим мазкур манбага бағишланган кўплаб мақола ва асарларида асар нусхалари, манбалари, бирламчи нодир манба сифатида унинг тарихий ва адабий аҳамиятига оид маълумотлар келтиради. Э.Хуршуд Муҳаммад Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёҳатларига оид асар нашр этади. Мазкур асарда Муҳаммад Ҳақимхоннинг ватандан қувғин қилиниши сабаблари ўз аксини топиб, муаллиф хотиралари асосида унинг саёҳати харитаси яратилган [20].

“Мунтахаб ат-таворих” асрини тадқиқ этиш ва ўрганишда тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидовнинг хизматлари жуда катта. Таъкидлаш жоизки, олим ўз илмий фаолиятини Тожикистонда бошлаб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси илмий марказларида давом эттирди. Ш. Воҳидов манбашунослик, китоб ва китобшунослик, Шарқ қўлёзмаларини тўплаш ва ўрганиш, тасаввуф тарихи ва унинг йўналишлари бўйича йирик тадқиқотлар олиб борган. Ш. Воҳидов томонидан, тожик, ўзбек, рус, араб, корейс тилларида нашр этилган 50 дан ортиқ асар ва 150 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Ш. Воҳидов ҳозирда Панжакент шаҳридаги Тожикистон педагогика институтида илм ва инновациялар бўйича ректор ўринбосари лавозимида фаолият юритиб, тожик ва ўзбек илму фани ривожига, тарихшунослик, манбашунослик йўналишида малакали мутахассислар тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Олим Муҳаммад Ҳақимхон асарининг Қўқон хонлиги тарихнавислигидаги аҳамияти, тарихий воқеаларнинг асарда акс этишига оид асарлар, илмий журнал ва тўпламларда кўплаб мақолалар эълон қилган [3,4,5].

Муҳаммад Ҳақимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асрини тадқиқ этишда Қўқон хонлиги тарихининг кўзга кўринган тадқиқотчиларидан бири Шерзодхон Маҳмудовнинг ҳиссаси каттадир. Тарихий манбалар маълумотлари, хусусан Муҳаммад Ҳақимхоннинг асари асосида Қўқон хонлиги маъмурий тизими ва бошқарувига оид кўплаб асару мақолалар нашр эттирган [7].

Тадқиқотчи Тўлқин Худойқулов XIX аср Қўқон хонлиги тарихига оид асарида “Мунтахаб ат-таворих” асари ҳақида батафсил маълумот бериб, бу жуда мухташам ва нодир асарнинг Қўқон тарихшунослигидаги аҳамиятини алоҳида қайд этади [16, 112].

“Мунтахаб ат-таворих” нодир географик манба ҳам ҳисобланиб, асар тарихчилар, шаршунослар, манбашунослар билан бир қаторда географларнинг ҳам этиборини тортади. Атоқли ўзбек географ олими Ҳамидулло Ҳасанов “Фарғоналик сайёҳ” [26] номли илмий мақола нашр этиб, кейинчалик у “Ўрта Осиёлик географлари ва сайёҳатчилари” номли асрини эълон қилган [27,28]. Ҳ.Ҳасанов Муҳаммад Ҳақимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асари Қўқон тарихнавислигининг дурдоналаридан бири эканини таъкидлайди.

“Мунтахаб ат-таворих” нафақат нодир тарихий манба, балки XVIII-XIX асрлардаги Қўқон адабий муҳити тарихини ўрганишда бирламчи манба ҳисобланади.

Адабиётшунос олима М. Қодирова Қўқоннинг кўзга кўринган шоираларидан бири Нодирабегим ҳаёти ва ижодига бағишланган асарида “Мунтахаб ат-таворих” асари маълумотларига таянади. Олиманинг таъкидлашича мазкур асарда шоиранинг ёшлик даври, давлат ишларидаги ўрни ва унинг фожеали ўлими ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. М. Қодирова Муҳаммад Ҳақимхон маълумотларига таяниб, унинг шоира билан шахсан таниш бўлганлигини таъкидлаб ўтади [11,5]. М. Қодирова мазкур асарнинг Ўзбекистон Республикаси шарқшунослик институтида сақланаётган 594-чи рақам нусхасидан фойдаланган.

Шунингдек, тадқиқотчилар Ҳ. Расул ва М. Қодировалар Муҳаммад Ҳақимхоннинг “Хотиралар”-ини нашр эттирган. Мазкур нашр муқаддимасида Муҳаммад Ҳақимхоннинг ҳаёт

йўли ҳақида қисқача тўхталиб, “Мунтахаб ат-таворих” муаллифининг кўплаб шоирлар ҳақида берган маълумотлари таҳлил қилинган [25].

Таниқли марҳум адабиётшунос олим академик А. Қаюмов “Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX)” асарини ёзишда “Мунтахаб ат-таворих” асари маълумотларидан нодир адабий манба сифатида фойдаланган, ушбу давр адабиётининг машҳур намоёнлари Султонхон Адо ва шоир ва табиб Жунайдулло Ҳозик ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар келтиради. А. Қаюмов асари Қўқон хонлиги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётини тасвирлаб, “Мунтахаб ат-таворих” муаллифи бобоси томонидан Умархон (1810-1822) даврида Қўқонда мадраса бунёд эттиргани таъкидлаб, ҳозирда (ўтган асрнинг 60-чи йилларида) мазкур мадраса “Ҳакимхонтўра мадрасаси” номи билан маълум бўлиб, Дегрезон маҳалласида яхши сақланган ҳолда мавжуд [14].

Э.Хуршут маълумотида кўра ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий ўз асарларида тарихий воқеалар ва шахсларга алоҳида эътибор қаратиб, “Амир Умархон ва унинг канизаги” ҳақида навбатдаги тарихий роман ёзишни режалаштирган. А. Қодирий Муҳаммад Ҳакимхонинг “Мунтахаб ат-таворих” асари мавжудлиги ва унинг тарихий, адабий аҳамияти ҳақида эшитган эди, лекин мазкур нодир манба билан танишиб, тарихий романни ёзишга муваффақ бўлмаган [24].

Шундай қилиб, “Мунтахаб ат-таворих” асари Қўқон хонлиги тарихнавислигининг нодир дурдоналаридан бири бўлиб, тарихий, адабий, географик, этнографик маълумотларга эга қомусий асар ҳисобланади, мазкур асарнинг кенг тадқиқ этишда ўзбек олимларинг ҳиссаси каттадир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов Б.А. Историко- географическая литература Средней Азии XVI- XVIII вв. (Письменные памятники) .- Ташкент: Фан, 1985.- 264 с.
2. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи.- Тошкент: Фан, 1996.- 190 с.
3. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. XIX аср XX асрнинг бошлари: Тарих фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 315 б.
4. Воҳидов Ш., Сангирова Д. Шоҳ ва шоир Мадалихон// Фан ва турмуш.- 1998.-№ 5.-24- 25 бет.
5. Воҳидов Ш. История Кокандского ханства (история ханства в источниках). – Тошкент, 2012. – 1770 с.
6. История Узбекской ССР. – Т.І.Кн.2. – Ташкент, 1956.
7. Маҳмудов Ш. «Мунтахаб- ут- таворих» асарида диний мансаблар // Имом ал- Бухорий сабоқлари.- 2006.- № 1.- 64-65 с.
8. Маҳмудов Ш. “Мунтахаб ут- таворих”- Қўқон хонлиги давлат бошқарувига оид муҳим манба /Профессор Ҳамид Сулаймон номли республика ёш манбашунослари ва матншунос-ларининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий анжумани материаллари.-Тошкент, 2006.-25- 27 бетлар.
9. Мелебоев А. Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг “Мунтахаб ат – таворих” асари Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда муҳим тарихий манба сифатида// Ученый XXI века .- 2016 .- № 6-2 (18).- 31- 32 стр.
10. Муҳаммад Ҳакимхан. Мунтахаб ат-таварих/ Введение, перевод и примечания на узбекский язык Шодмона Воҳидова. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2006. – 750 с.
11. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худояр-хана).-Ташкент: Фан, 1973.- 388 с.
12. Узбекская Советская Энциклопедия. – Т.14. – Ташкент, 1980. –360 с.
13. Кадырова М. Нодира. – Ташкент, 1965. – С.5
14. Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити. XVIII-XIX асрлар. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1961. – 361 с.
15. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Ташкент, 1992. – 135с.
16. Худайкулов Т. XIX асрда Қўқон хонлиги.- Тошкент, 2016.
17. Хуршут Э. «Мунтахаб ат- таворих» как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII-XIX вв.// Общественные науки в Узбекистане.– 1984. – №7. – с.41-45

18. Хуршут Э. «Мунтахаб ат-таварих» и история его изучения// Общественные науки в Узбекистане. – 1985. – №2. – с. 59-63
19. Хуршут Э. Абдулла Қодирий ва тарихчи Ҳакимхонтўра/Шарқ юлдузи.- 1987.- № 4.
20. Хуршут Э. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саҳнатлари. – Тошкент, 1987. – 48с.
21. Хуршут Э. Воспоминание Ҳакимхана о Ҳазике// Адабий мерос.- 1988. – № 2 (44). – 48-54.
22. Хуршут Э. Критика суеверий и духовенства в «Мунтахаб-ат-таварих»// Адабий мерос. – 1989. – №1 (47). – с.46-52.
23. Хуршут Э. Тарихимизни билайлик/Узбекистон адабиёти ва санъати. – 1989. – 28 июль.
24. Хуршут Э. «Амир Умархоннинг канизи» ёки «Меҳробдан чаён» романидаги тарихий воқеа ҳақида мулоҳазалар//Шарқ юлдузи.-1989.- № 9.
25. Ҳакимхон. Хотиралар. (Нашрга тайёрловчилар Х. Расул ва М. Қодирова).- Тошкент: Фан, 1966.- 112 с.
26. Ҳасанов Ҳ. Фарғоналик сайёҳ/ Фан ва турмуш.- 1963.- № 8.- С. 38- 39.
27. Ҳасанов Ҳ. Урта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент, 1964. – 278 с.
28. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент, 1981. – 261с.

SOBIQ ITTIFOQ DAVRIDA TA'LIM VA KADRLAR SIYOSATI HAMDA UNING MILLIY INTELLEKTUAL SALOHİYATDA AKS ETISHI

Vasiyeva D.I.

Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti dotsenti

Bugungi zamonaviy jamiyatda inson faoliyatining eng keng sohalaridan biri - bu ta'lim hisoblanadi. Oxirgi yillarda ta'limning ijtimoiy roli ortib, dunyoning aksariyat davlatlarida ta'limning barcha turlariga bo'lgan munosabat o'zgardi. Ta'lim ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyotning bosh, yetakchi omili sifatida qaralmoqda. Bunday e'tiborning sababi zamonaviy jamiyatning eng muhim qadriyati va asosiy kapitali - bu yangi bilimlarni izlash, egallash va nostandart qarorlar qabul qilishga qodir bo'lgan inson hisoblanadi. Shunday ekan, hozirgi davrda ta'lim shaxs va jamiyatni rivojlantirishda hal qiluvchi rol o'ynaydi.

O'zbekistonda intellektual salohiyatning shakllanishi, xususan, ta'lim va kadrlar tayyorlash tizimi rivojining navbatdagi tarixiy bosqichi aynan kommunistik mafkura hukmronlik qilgan yillarga to'g'ri keldi. Bu davrda yuz bergan salbiy jarayonlar mustaqillik arafasida kadrlar masalasida mavjud muammoli holatni yuzaga keltirdi.

Ma'lumki, sobiq ittifoq davrida jamiyat hayotining barcha jabhalarida hukm surgan va sinfiylikka asoslangan mafkuraviy yondashuv ta'lim-tarbiya tizimining ham siyosiy lashuviga olib keldi. Natijada, bu tizim vataniga, xalqiga, millatiga fidokor, mustaqil fikrlaydigan, biron bir masalani ongli ravishda, mas'uliyat bilan hal qiladigan, izlanuvchi, yangilikka intiluvchi kadrlarni emas, asosan sayoz saviyali xodimlarni, mute kishilarni ming-minglab yetishtirgan edi. Bu esa, o'z navbatida, milliy ziyoli kadrlarning shakllanishiga salbiy ta'sirini o'tkazdi. Bu davrda hukm surgan aqidalarda ziyolilar jamiyatdagi yetakchi va belgilovchi sinflarga nisbatan yordamchi, xizmat ko'rsatuvchi funksiyani bajarishi lozimligi ta'kidlanar edi. Boshqacha aytganda, intellektual qatlarning nisbatan mustaqil ijtimoiy birlik sifatida mavjud bo'lishi u ishchilar sinfi yoki dehqonlarning ehtiyoj va manfaatlarini qondira olsagina mumkin bo'lardi. Shu bilan birga, madaniy-ma'rifiy jihatdan qaraganda, uning yetakchilik roli hisobga olinar edi.

Shak-shubhasiz, intellektual salohiyatning o'zagini ziyolilar va malakali aqliy mehnat xodimlari tashkil etadi. Uning tarkibi, miqdori va mavqei uzoq tarixiy rivojlanishi davomida doimiy ravishda o'zgarib turgan. Turli davrlarda ularning jamiyatdagi o'rni va roliga bo'lgan munosabat va baho turlicha bo'lib, ziyolilarning shakllanish jarayoniga davlat siyosati ta'sir etib kelgan. Shu bilan birga respublikamiz intellektual salohiyatining shakllanishida alohida o'rin tutgan oliy ta'lim va uning karvonboshisi hisoblangan universitetlar salmog'i kattaligini e'tirof etish lozim. O'zbekistonda universitet ta'limining yuzaga kelishi to'g'risida gapirganda, jadidchilarning xizmatini ta'kidlab o'tish zarur. XIX asr oxiri XX asr boshlarida universitet ta'limi Turkiston jadid ziyolila-

rining buyuk orzularidan edi. Bir vaqtlar o‘z salohiyati bilan jahon sahnasida markaziy o‘rinlarni egallab kelgan, so‘nggi uch-to‘rt asrlik tanazzul va bo‘htonlar tufayli surilib, asoratga tushib qolgan millatni qayta dunyoga qo‘shish uchun zamonaviy oliy maktab – universitet zarur edi.

To‘g‘ri, Sharqda, jumladan, Turkistonda ming yildan buyon faoliyat ko‘rsatib kelgan, jahonga o‘nlab allomalarni yetkazib bergan ta‘limning madrasa tizimi mavjud edi. Masalan, XVIII asrda Samarqand va Buxoroda 70 ta, XIX asrda birgina Toshkentda 18 ta madrasa bo‘lgan. 1894 yilda Turkistonda 6 ming 445 ta maktab-madrasa faoliyat ko‘rsatgan, 1913 yilga kelib ularning soni 7 ming 665 taga yetgan [1]. Shu jihatdan olganda, madrasalar bir necha asrlar davomida o‘ziga xos universitet vazifasini bajarib kelgan. Buning ustiga, XII asrdan Italiya, Ispaniya, Fransiya kabi mamlakatlarda tashkil topa boshlagan Yevropa universitetlari X–XI asrlardagi musulmon madrasalariga taqlidan maydonga kelgani ham ma‘lum. Biroq jadid ziyolilarining zamonaviy ta‘lim dargohi zarurligi haqidagi g‘oyasining boisi shuki, so‘nggi asrlarda madrasalarda o‘qitiladigan dunyoviy fanlar keskin kamayib, ularning o‘rnini diniy fanlar egallagan edi.

Taraqqiyparvar jadid ziyolilari bu ehtiyojni mintaqada boshqalardan avvalroq angladilar va uni umummilliy g‘oya darajasiga ko‘tardilar. Bu g‘oyani jadid ziyolilari o‘zlari tashkil etgan – “Tarjimon” (1883–1918), “Oyna” (1913–1915), “Turon” (1913–1918) kabi matbuot nashrlarida targ‘ib qilib bordilar.

“Fuqaroi islom sizlardan mol istamas, osh istamas, din – ”Qur‘on“dan, jon – Xudodan, – deb yozgan edi “Tarjimon” gazetasida 1906 yilda jadid ziyolilari Buxoro va Xiva xonlariga xitoban. – Siz davlatli xonlardan xalqqa ehson etiladigan narsa nashri maorifga, taraqqiyot va kamolotga omil bo‘luvchi oliy darajalik maorif maktablaridir. Ko‘hna madrasalarga boy bo‘lgan Buxoroi sharif va Xivada endi biror dorilfununi islomiya ta‘sis etmoq lozim. Bu dorilfununlarda bir daraja ilm olgan talaba qabul qilinib, tarix, jug‘rofiya, kimyo, handasa, ilmi huquq, usuli idorayi davlat, ilmi iqtisod va boshqa lozim fanlar, turkiy, forsiy, rusiy va fransaviy tillar o‘rgatilsa, ushbu dorilfununlarda muallim va mudarrislik qila oladigan ahli kamol topiladi” [2].

“Hozirgi zamon ahvolig‘a oshino kishilarg‘a va boshiga ish tushganlarg‘a, barcha tojir va mansabdorlarg‘a albatta ma‘lumdirki, bizg‘a muvofiqi zamona odamlar kerak, ya‘ni musulmon do‘xtur, musulmon muhandis (injener pilonchi), musulmon zakunchi, tijoratxonalarda musulmon “agent” ishboshilar, podshohlik mahkamalarida musulmon ma‘murlari, musulmon sudyalari, notarius (muqavolot muharriri), bonkalarda musulmon sarkorlari ... kerakdur” [3], – deb ta‘kidlagan edi Mahmudxo‘ja Behbudiy.

Tarixdan ma‘lumki, jadid ziyolilari Turkistonda ochilishi mo‘ljallangan universitetning moddiy ta‘minoti masalasida mahalliy sarmoyadorlar bilan muloqot olib borib, ma‘lum tayyorgarlikdan keyin ular 1918 yilga kelib amaliy ishga kirishganlar. 1918 yil 9 aprelda Munavvar Qori Abdurashidxonovning uyida to‘qqiz kishilik tashkiliy hay‘at tuziladi. Hay‘at bir oy davomida to‘qqiz marta yig‘ilish o‘tkazadi. Ularda bo‘lajak universitetning tashkiliy tuzilishidan tortib sho‘ba fakultetlariyu, o‘qitiladigan fanlar dasturlarigacha ishlab chiqiladi. 1918 yilning 3 mayida bo‘lib o‘tgan tashkiliy hay‘atning umumiy yig‘ilishida Munavvar Qori Abdurashidxonov – rais, Iso To‘xtaboyev – birinchi muavin, Muxtor Bakir – sarkotib, Abdusamiqori Ziyoboyev xazinador etib saylanadilar. 1918 yilning 12 mayidan boshlab esa Toshkentning eski shahar qismida Munavvar Qori Abdurashidxonov bosh bo‘lgan Turkiston Musulmon xalq dorilfununi talabalarga o‘z eshiklarini ochadi [4].

Dorilfunun uch (quyi, o‘rta, yuqori) bosqichli bo‘lib, besh yillik dorilmualliminni ham ko‘zda tutardi. Qisqa muddat ichida dorilfununning o‘qituvchilar jamoasi ham shakllantirildi. O‘qituvchilar orasida 20 ga yaqin turli soha vakillari, shu jumladan, taniqli shoir va yozuvchilar bor edi. Dorilfununda mashhur alloma adib Fitrat – ona tili va adabiyotidan, Munavvar Qori Abdurashidxonov – axloqdan, Abubakr Divayev – etnografiyadan, Kamol Shamsi – matematikadan, Burhon Habib – siyosiy tarixdan, Ismoil Haqqi madaniyat tarixidan dars berardilar [5].

Turkiston Musulmon universitetining taqdiri uning muassislari kutganicha bo‘lmadi. 1918 yilning sentabrida u Xalq universitetiga qo‘shib yuborildi. 1920 yilda esa Turkiston davlat univer-

sitetiga aylantirildi. Shunga qaramay, u millat tarbiyasida, mamlakat madaniy rivojlanishida muhim rol o‘ynadi.

Shu o‘rinda bir tarixiy haqiqatni alohida qayd etish lozim. Toshkentda Turkiston davlat universitetining tashkil etilishi sovet hokimiyati va uning rahnamosi Vladimir Leninning nomi bilan bog‘lab kelindi. O‘zbekistonda universitet ta‘limining yuzaga kelish sanasi 1920 yil 7 sentabr hisoblanar edi. Mustaqillik tufayli, boshqa jabhalarda bo‘lgani kabi, O‘zbekistonda universitet ta‘limining yuzaga kelishi borasida ham tarixiy haqiqat tiklandi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2000 yil 28 yanvardagi Farmoni bilan Vatan va millat taraqqiyoti yo‘lida fidoyilik ko‘rsatgan jadid ziyolilarining buyuk xizmatlarini e‘tirof etish, tarixiy haqiqatni tiklash maqsadida ToshDUning asoschilari – jadid ziyolilari, uning tashkil etilgan sanasi esa 1918 yil 12 may deb belgilandi [6].

Dastlab Turkiston universiteti, keyinroq O‘rta Osiyo universiteti deb yuritilgan ToshDUning nafaqat respublikamizda, balki mintaqamizda ham birinchi oliy ta‘lim muassasasi va ilmiy markaz ekanini, olimlar va o‘qituvchilar jamoasining fan va ta‘lim sohasidagi yuksak salohiyatini, O‘rta Osiyo davlatlarida ta‘lim va ilmiy tadqiqot tizimini shakllantirishdagi muhim o‘rni hamda xalqaro nufuzini nazarda tutgan holda yuqorida zikr etilgan Prezident Farmoniga ko‘ra, ToshDUga Milliy universitet maqomi berildi va u Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universitetiga aylantirildi. Ana shu tariqa yana bir tarixiy haqiqat tiklandi.

O‘tgan yillarda universitet zaminida o‘nlab ilmiy-madaniy muassasalar, Fanlar akademiyasi, Oliy o‘quv yurtlari qad ko‘tardi. Bugun mamlakatimizdagina emas, balki butun Markaziy Osiyoda faoliyat ko‘rsatayotgan barcha ilm-fan, ta‘lim-tarbiya, madaniy-ma‘rifiy va matbuot muassasalarining tarixi, mubolag‘asiz, mana shu universitet bilan bog‘liq. Respublikamizda esa zamonaviy ilm-fan va ta‘lim tizimining maydonga kelishida hamda oliy ma‘lumotli kadrlar tayyorlashda ushbu ilm maskani hal qiluvchi rol o‘ynadi [7].

Aynan ToshDU asosida mamlakatimizdagi ikkinchi universitet 1933 yilda Samarqandda, uchinchi esa 1976 yilda Nukus shahrida ochildi. Shuningdek, u mamlakat xalq xo‘jaligi, ilmiy tadqiqot muassasalari va OO‘Yulari uchun ko‘plab mutaxassis kadrlar yetishtirib berdi. Shu tariqa mustaqillikka qadar respublikamizda uchta universitet, ya‘ni ToshDU, SamDU va Qoraqalpoq DU oliy ta‘lim tizimida yetakchilik qilib keldi. Shuningdek, ToshDU 30-yillarda O‘zbekistonda faoliyat olib borgan 37 ta ilmiy tadqiqot instituti va 45 ta ilmiy punkt uchun ham kadrlar yetkazishda muhim o‘rin egalladi. Shu yillarda bu yerda mahalliy millat vakillaridan bo‘lgan 170 ta aspirant tahsil ko‘rdi. Bu esa, o‘z navbatida, mahalliy kadrlarning shakllanishiga ijobiy ta‘sir qildi.

Xulosa qilib aytganda, sobiq ittifoq davrida ta‘lim va kadrlar tayyorlash siyosatida milliy respublikalarga nisbatan yondashuvlarda faqat markazning manfaatlaridan kelib chiqib, tub millatning o‘ziga xosligi, an‘analari e‘tiborga olinmadi. Sovet hokimiyatining kadrlar tayyorlash masalasida, milliy intellektual salohiyatni doimiy nazoratda saqlashga intilish siyosati ta‘lim tizimining siyosiy lashuviga, milliy manfaatlarni targ‘ib etgan ko‘plab ziyolilar ta‘qib qilinishiga va oqibatda kommunistik mafkuraning yakka hokimligiga olib keldi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Oripova M. Turkistonliklar savodsizmidi? // Tafakkur. – 2004. – №2. – B. 92.
2. Qosimov B. Univesitet va jadid ziyolilari // Ma‘rifat. – 2003. – 28 may.
3. Hamdamov Y. Milliy universitet mustaqillik mevasi // Xalq so‘zi. – 2000. – 3 fevral.
4. Xalq so‘zi. – 2003. – 3 fevral.
5. Абдурахманов Г. Висшая школа Советского Узбекистана. – Т., 1977. –С 13–17.
6. Раджабов Д., Зиямов Ш. Важное звено партийной работы. – Т., 1978. – С. 28–42.
7. Арифханова З.Х., Чеботарёва В.Г. Решение национального вопроса в Узбекистане. – Т., 1979. – С. 79.
8. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. В 4-х томах. Т.2. – Т., 1994. – С. 77.

ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИНГ ТОПИЛИШИ ТАРИХИДАН

РАУПОВ Х.

Тарих фанлари номзоди, доцент, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ.

XX аср 40-50-йилларида СССР ва АҚШ ўртасида ядро қуролини яратиш бўйича рақобат вужудга келганлиги маълум. Бу ҳақида кўплаб илмий мақолалар ва китоблар ёзилган. Олимлар томонидан атом энергияси олиш учун кенг қўлланми тадқиқотлар олиб борилди.

Атом саноати учун уран хомашёси жуда зарур эди. Маълумки, уран 1789 йилда немис кимёгари Мартин Генрих Клапорт томонидан кашф этилди [1]. 1896 йилда француз физик олими Антуан Беккерел [2] тасодифан уран нурларини топди. Ундан катта энергия олиш мумкинлиги тўғрисида соҳа олимларининг илмий мақолалари эълон қилинди.

Дунё олимларининг бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот ишлари Россия империяси ҳукумати ва соҳа олимлари назаридан четда қолмади. Улар илмий асар ва мақолаларда уран конларини топиш тўғрисида ёза бошладилар. Шуниси аҳамиятлики, улар илмий қарашлари ва тавсияларида Ўрта Осиёда уран бўлиши керак, уни қидириш керак, деган фикр-мулоҳазаларини билдира бошлашди.

Бу масалада дастлаб, рус олими В.И.Вернадский 1910 йил 29 декабрда Россия Фанлар академиясининг йиғилишида қилган маърузасида [3:44] радиоактив маъданлар Урал, Сибирь ҳудудлари қаторида Фарғонада ҳам борлигини, келгусида уларни топиш зарурлигини ҳамда унинг захиралари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмаслиги тўғрисида ўзининг илмий қарашларни билдиради. Уран конларини топиш бўйича Россия Фанлар академияси 1911 йилда Урал, Кавказ ва Ўрта Осиё ҳудудига экспедиция юборади.

Уран конлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар, 1899 йилда Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона вилояти ҳудудидаги қурилиш жараёнида темирйўлчилар билан бирга бўлган юрист ва тадбиркор В.А.Спечев томонидан қайд этилган. У маҳаллий аҳоли ёрдамида “Туямўйин” кони ҳудудида мис ва уран борлигини аниқлайди ва у ердаги маъданлардан намуналар олиб, Тошкентда бўлиб турган рус геологи Б.Г.Карповга жўнатади. У эса ўз навбатида бу намуналарни дарҳол Санкт-Петербургга жўнатади ва уран конлари борлиги тўғрисида империянинг соҳа ташкилотларига хабар берилади [4:50].

1913 йилда “Туямўйин” конини (ҳозирги Қирғиз Республикаси ҳудудида) саноат усулида ўзлаштириш бўйича “Туркистонда радийни ажратиш олиш бўйича халқаро акциядорлик жамияти” ташкил этилади. Ўша пайтда радийни текшириш бўйича ягона лаборатория Берлинда бўлган. Аммо, бошланган Биринчи жаҳон уруш конни ўзлаштиришни орқага сурди. Рус олимлари бу ердан радий олмоқчи бўлганлар [5:102]. Негаки, ўша пайтда радий олтинга нисбатан 200 марта қиммат бўлганлиги ҳисобга олинса, уларнинг асл мақсадлари намоён бўлади.

В.И.Вернадский 1922 йилда “Кимё-техник” илмий нашриёти томонидан чоп этилган “Очерки и речи” китобида [6:23] атом энергиясининг келажакдаги аҳамияти ва бу соҳани ривожлантириш учун уран конларини топиш зарурлиги тўғрисида тавсияларини билдиради. Бу эса совет ҳукуматини Ўрта Осиё ҳудудида уран конларини қидириш ва топиши учун асос бўлди.

Совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиё ҳудудида табиий радиоактив хомашёни қидириб топиш бўйича геологик қидирув ишлари бошлаб юборилади. 1922 йилда С.П.Александров бошчилигида “Туямўйин” конида қидирув, 1923 йилда эса руда қазиб олиш ишлари бошланди. Бу конда 170 метр чуқурликкача қазилган ишлари олиб борилган. 1925 йилда геолог С.Ф.Машковец томонидан Табошар (ҳозирги Тожикистон Республикаси Сўғд вилоятида жойлашган) ҳудудидаги қадимги конларда олиб борилган қидирув ишлари натижасида радиоактив минераллар мавжудлиги аниқланди. 1926 йилда бу ҳудудда яна бир геолог Б.Н.Наследов томонидан қидирув ишлари давом эттирилади. Натижада 1927 йилда унинг партияси таркибидаги геолог И.П.Новохатовский томонидан уран кони топилади. Шунингдек,

Шимолий Фарғонанинг Мойлисой дарёси бўйларида геолог Я.К.Писарчик томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида юқори радиоактив маъданлар топилади [7:11]. Бу эса бу ерда уран борлигига ишора эди. Кейинчалик бу жойда йирик уран конлари топилиб, уни қазиб олиш ишлари бошланди.

Маълумки, XX аср 30-йилларида геологлар томонидан Қизилқум саҳросида ҳам кенг қўламли геологик қидирув ишлари олиб борилди. Қизилқум худудида уран борлиги тўғрисидаги биринчи маълумотлар геолог Ю.М.Голубкова томонидан қайд этилди [8:7].

СССР уруш ҳолатида бўлишига қарамасдан XX асрнинг 40-йилларда геологлар томонидан уран конларини қидириш ишлари бир зум ҳам тўхтамаган. СССР Геология ишлари қўмитаси раиси И.Малишев 1944 йил 23 ноябрда НКВДга берган махфий хатида Ўзбекистон ССР худудининг Қоравулбозор ва Қарши чўллари, Зирабулоқ тоғларида уран борлиги тўғрисида хабар беради [9:161]. Уран металлга эҳтиёж катталиги сабабли СССР давлати худудида уран конларини топиш бўйича 1944 йилда Геология қўмитасига 6,5 млн ажратилган бўлса, 1945 йилда бу маблағ 18,0 млн. рублни (шундан 9,35 млн. рубль Ўрта Осиё учун) ташкил этган [10:202]. Бу маблағ 1946 йилда 10 баробарга ортиб, 196 млн. рублни ташкил этди [11]. Бундан кўриниб турибдики, Марказ уранни қидириб топиш ва уни ўзлаштириш учун маблағни йил сайин қўпайтириб борган. Бу маблағ юртимиз худудларидаги қазилма бойликларини қидириб топиш ва уларни ўзлаштириб, ташиб кетиш мақсадида сарфланган.

Атом саноати учун зарур бўлган уран конларини қидириб топишда геологларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида тизим ишлаб чиқилади. Унга кўра, бир тонна маъдан таркибида 1 фоиз металл бўлган ва 10 тоннадан кам бўлмаган захираларни топган геологга ҳар тоннаси учун 5000 рубль, маъдан таркибида 0,5 фоиз металл бўлиб, 10 тоннадан кам бўлмаган захираси бўлса, ҳар тоннаси учун 2000 рубль, маъдан таркибида 0,1 фоиз металл бўлган ва захираси 20 тоннадан кам бўлмаган ҳолда эса ҳар тоннаси учун 1000 рублдан мукофот берилиши белгиланган [12].

СССР Геология қўмитасининг 1945 йил 23 ноябрда ҳукуматга юборган махфий хатида Ўрта Осиё республикалари - Тожикистон ССРда Кони Мансур, Жеркамар, Сари-Қўрғон ва Жельтимас, Ўзбекистон ССРда Зирабулоқ тоғлари, Қоровулбозор тумани ва Қарши чўллари худудида топилганлиги ҳамда “Уйғур” конида уран захиралари 2-3 марта кўп аниқланганлиги, шунингдек, Қирғизистон ва Қозғистонда ҳам катта уран конлари топилганлиги қайд этиб ўтилади [13:20].

СССР геология вазирлигига қарашли Краснохолмск экспедицияси томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида 1952 йилда Учқудук худудида йирик уран конлари топилди [14]. Уран конини топган А.Н.Петренко, М.Э.Пояркова ва А.И.Паклар СССР Давлат мукофотида сазовор бўлишади.

Ўрта Осиё худудида йирик уран конларининг топилиши ўз навбатида Марказ томонидан уларни қазиб олиш ва қайта ишлайдиган корхона куришни талаб этарди. Бу масала ўта махфий ва назоратда бўлганлиги учун НКВДга топширилади.

СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1944 йил 8 декабрдаги “Уран маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 7102сс/ов-сонли махфий қарори [15] билан “Туямўйин” ва “Табошар”, “Адрасман” ва “Мойлисой” ҳамда “Уйғурсой” уран конлари НКВД таркибига ўтказилди.

СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1945 йил 15 майдаги қарори билан “Табошар” ва “Адрасман”, “Туямўйин” ва “Мойлисой” ҳамда “Уйғурсой” каби уран конлари негизда НКВД тизимига кирган 6-сонли кон-кимё комбинати (кейинчалик Ленинобод кон-кимё комбинати) ташкил этилди. Мазкур комбинат томонидан 1945 йилда СССРда дастлабки 14,5 тонна уран маҳсулоти саноат усулида олинди. “Табошар” конидан олинган уран маъдани дастлаб Ленинобод шаҳри яқинидаги бойитиш фабрикасида қайта ишланган ва кейин Москва яқинидаги Электросталь шаҳридаги уранни қайта ишлаш заводида юборилган [16:237].

Комбинат ташкил этилгандан сўнг унинг хомашё базасини янада кенгайтириш мақсадида янги конларни очиш ишларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, 1949 йилда Тошкент вилояти тоғ-кон ҳудуди (Приташкентский, яъни Олмалик, Оҳангарон ва Ангрен ҳудудлари)да “Янгиобод”, “Алатанга” ва “Каттасой”, 1952 йилда “Човли”, “Красногорск”, 1953 йилда “Чоркесар”, 1954 йилда “Мойликатан”, 1955 йилда “Ризак”, 1956 йилда “Жекиндек” конлари очилди. Мазкур конлардан қазиб олинган уран маъданлари Ленинобод кон-кимё комбинатида қайта ишланиб, кўп йиллар давомида СССР атом саноати учун уран етказиб берди.

Ўзбекистоннинг Учқудуқ ҳудудида топилган йирик уран конларидан маъданларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш масаласи Ўрта машинасозлик вазирлигининг асосий вазифаларидан бири бўлди. Сабаби, бу ҳудудда катта уран захиралари бор эди. Навоий кон-металлургия комбинати Учқудуқ ҳудудида уран рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш мақсадида ташкил этилди. Совет ҳукуматининг 1958 йил 20 февралдаги 206-99-сонли қарори билан Навоий кон-металлургия комбинати (1967 йил 1 январга қадар корхона Ўрта машинасозлик вазирлигининг 2-сонли комбинати деб номланган) ташкил этилди [17].

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё ҳудудида XX асрнинг 20-50-йилларида уран конларининг топилиши натижасида совет ҳукумати томонидан мамлакат атом саноати учун жуда зарур бўлган уран хомашёсини тез суръатларда қазиб олиш ишлари бошлаб юборилди. Улар томонидан уран хомашёсини олиш учун қанча маблағ керак бўлса ажратилди. Қизилқум саҳросининг табиий инжикликларига қарамай, ишчи-ходимлар яшаши учун уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва бошқа қурилиш ишлари олиб борилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Википедия. Уран. <https://ru.wikipedia.org>.
2. Википедия. Беккерел Антуан Анри. <https://ru.wikipedia.org>.
3. Вернадский В.И. Очерки и речи. Т. 1.- Пг.: Научхимтехиздат, 1922, - С.44.
4. Холловэй Д. Сталин и бомба: Советский Союз и атомная энергия. 1939-1956: Пер. С англ. “Сибирский хронограф”.- Новосибирск, 1997. -С.50.
5. Погодин С.А., Либман Э.П. Как добыли советский радий.- Москва: “Атомиздат”,1971, с.102.
6. Вернадский В.И. Очерки и речи. Т. 1.- Пг.: Научхимтехиздат, 1922, -С.23.
7. История уранодобычи. Автор составитель: Н.Петрухин.-Москва. –2020,-11 с.
8. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 78- рўйхат, 430-иш, 7-варақ.
9. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1.Ч.2 с. 161-162. [http:// elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,161/162](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,161/162).
10. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1.Ч.2 с. 202-203. [http:// elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,202/203](http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,202/203).
11. Кудяшов К. Уран-патриотизм.// Аргументы и факты.№1-2, 2013 год, с.19.
12. Система премирования за открытия и прирост новых запасов руд А-9. Приказ Первого Главного управления при СНК СССР. 5 октября, 1945 года. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.2. Кн.5, С.--665. http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t2_kn5_2005/go,665.
13. История уранодобычи. Автор составитель: Н.Петрухин. –Москва. –2020. 20 с.
14. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-2 рўйхат, 240-иш, 60 -варақ.
15. О мероприятиях по обеспечению развития добычи ва переработки урановых руд. Атомный проект СССР: документы и материалы.Т.1.Ч.2.с.180-183.http://elib.biblioatom.ru/text/atomny-proekt-sssr_t1_kn2_2002/go,180.
16. Холловэй Д. Сталин и бомба: Советский Союз и атомная энергия. 1939-1956: Пер. С англ. “Сибирский хронограф”.- Новосибирск, 1997.-С.237.
17. Навоий КМК Марказий архиви. 1-фонд, 1-2 рўйхат, 240-иш, 1-варақ.

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ХЎЖАЛИК ХАЁТИДАГИ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Пардаев А.

Қарши ДУ доценти, т.ф.н.

Қашқадарё воҳасининг табиий ва иқлим шароити, географик жойлашуви жиҳатидан икки қисмга ажратилади. Воҳанинг қуйи қисми аксарият кенг чўлдан (Қарши чўли) иборат бўлиб асосан (Қарши, Косон, Муборак, Миришкор, Нишон туманлари), юқори қисми (Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод туманлари) ҳудудлари тоғлар билан ўралган [1].

Қашқадарё воҳасининг қуйи ва юқори воҳаси аҳолисининг кундалик турмуш тарзида анчагина тафқовутлар мавжуд. Юқори Қашқадарё аҳолисининг кундалик ҳамда хўжалик ҳаётидаги ўзига хослиги Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ[1], Қамаш, Дехқонобод туманларидаги тоғли ҳудудларида деҳқончилик бир мунча кечроқ май ойларида шуғуллана бошлайди[2]. Баҳорнинг нисбатан кечроқ бошланиши, қишнинг узок давом этиши, ёзнинг қисқа муддат бўлиб[3], ўрнини дарҳол ўзидан ҳам кам вақт давом этувчи кўзга бўшатиб бериши тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолининг деҳқончилиги ҳам буткул бошқача кечишига сабаб бўлади. Яъни бу ерларда баҳорикор экин-тикин асосий ўринда туради [4].

Шаҳрисабз туманидаги Ғилон ва Кўл қишлоқларида аксарият ҳовлиларнинг девор-дармиёни йўқлиги бўлса, яна уйларнинг ўзига хос услубда синчдан ва тошдан қурилгани билан эътиборни тортади. Кўпгина уйлар болохонали. Зинадан чиқилади. Ҳар икки томнинг бирида эса рақамли (параболик) антенна ўрнатилган. Тоғ йўлида асосий улов ҳисобланган “УАЗ” ёки “Нива” машиналари шундоқ ҳовлидан ичкарида ёки ташқарида қўйиб қўйилган. Чунки бу йўللарга шу машиналардан бошқаси чидаш бермайди. Қишлоқлар орасидаги масофа 12 километр [5].

Олма етиштиришда Ғилон қишлоғи аҳолиси ҳам яхшигина тажрибага эга. Ғилоннинг олмаси атроф қишлоқларда машҳур. Шу боис қишлоқнинг ўзида бўладиган бозорда мижозлар олмаларни нақд пулга ёки бартер- маҳсулот алмашиш усулида харид қилишади. Ғилонлик тажрибали боғбон Абдулҳақ Курбонов олманинг “муравенко”, “қизил олма”, “гольден”, “кремсон”, “семиренко” сингари навларини экишади [6].

Китоб туманидаги Паландара, Жовуз, Матман, Деновбола қишлоқлари олдида баланд тоғ йуллари бошланди. Аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик орқасидан кун кўради.

Ушбу тоғ қишлоқларининг аҳолиси ёзда чорвасини тоққа, чўпонларга бериб юборишади. Ҳар бир оиланинг эгалик қиладиган катта-катта ери бор. Шу далаларида нўхат, картошка каби экинларни экиб, деҳқончилик қилишади. Албатта, катта даромад ҳам олишади [7].

Китоб туманидаги машҳур қишлоқлардан бири Ҳазрати Башир қишлоғи шаҳардан 30,5 км узоқликда жойлашган. 300 га яқин хонадонда 1500 киши истиқомат қилади. Улар асосан чорвачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Шу қишлоққа яқин Варганзаликлар эса анорчилик ва узумчилик билан шуғулланади [8].

Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудларидаги Самоқ, Ҳайдарбулоқ, Сувлисой, Тотор, Калтакўл, Зармаст, Вари аҳоли қишлоқлари аҳолисининг хўжалик ҳаётида асосан боғдорчилик ва чорвачилик асосий ўринни эгаллайди [9].

Қамаш тумани 1939 йилда Ғузор туманидаги Қамай, Ёртепа, Араб, Лангар қишлоқ шўролари, Яккабоғ туманидаги Қорабоғ ва Сандақ қишлоқ шўролари, Чироқчи туманидаги Қоратепа, Тўқбой, Оқрабод, Чим қишлоқ шўролари ҳудудидаги қишлоқларни қўшиш натижасида ташкил этилган [10].

Шунинг учун ҳам, Қамаш тумани аҳолисининг кундалик ва хўжалик ҳаёти турлича. Масалан, Қашқадарё узани бўйлаб жойлашган ва Чимкўрғон сув омборига яқин бўлган Қорабоғ, Чим, Оқрабод, Баландчайла, Ғиштли, Тўқбой, Қамай, Бадашхон қишлоқлар аҳолиси

деҳқончилик билан, Ёртепа, Жонбузсой, Қизилтепа, Араб қишлоқлар аҳолиси чорвачилик билан шуғулланишади.

Туманнинг тоғли худуддаги Куға, Толли, Қоранқўл, Супа, Чит, Лангар, Чуқур, Олма, Кон, Эгрсув, Оқсув, Қизилқишлоқ, Тегирмонқул, Калтатой, Довуд, Тудана, Оқдахана, Қоракўз, Оққишлоқ, Чангакбулоқ қишлоқ аҳолиси чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Баъзи деҳқончилик билан шуғулланувчи тоғли аҳоли ҳозиргача омовдан фойдаланишади [11].

Деҳқонобод тумани худуди тоғли жой ҳисобланиб, тоғ этаклари, текисликлар катта-кичиклиги жиҳатидан ҳар хил бўлса-да, тоғли худуд ҳисобланади. Туман вилоят бўйича чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, вилоятга асосан, чорвачилик маҳсулотлари: гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл тери етказиб берган [12].

Лекин, Деҳқонобод тумани аҳолисининг кўндалик ва хўжалик ҳаётида 2000 йиллардан кейин трансформацион жараёнлар бошланди. Хусусан, иқлим ўзгариши натижасидек асосан чорвачилик ва лалми деҳқончилик билан шуғулланган Консой, Курдахна, Қўрғонтош, Гала, Усмондара, Тарқопчуғой, Қизилмачит, Бойқўрғон, Хўжамахмуд, Тоғайтемир Бўзтепа, қишлоқлари аҳолиси коврак* ўсимлигини етиштириш ва уни сотиш орқали даромад ола бошлади. Шунингдек, Боғичарбоғ, Авжин, Белибойли, Шакарбулоқ, Теракли, Ойбек қишлоқлари аҳолиси боғдорчилик билан шуғулланади [13].

Ғузор туманининг географик жойлашуви азалдан чорвачилик ва лалми деҳқончилик қилиш учун мос келади. Асосан баҳорги сел сувларидан фойдаланиб, деҳқончилик қилган қишлоқ аҳолиси Ғузордарёдан ариқлар қазиб ўз экинларини парвариш қилишади. Қашқадарё соҳилида жойлашган Қоратикан қишлоғи аҳолиси олма боғдорчилиқ билан шуғулланади [14].

Бундан ташқари, 1970 йилдан бошлаб Ғузор туманининг Ёргунчи, Қўштепа, Қорасув, Жонбулоқ, Совлиғар, Тўртсари, Янгикент, Шерали қишлоқ аҳолиси “Пахтаобод” канали қўрилиши билан чорвачиликдан деҳқончиликка ўтган [15].

Шунингдек, тумандаги Пачкамар, Қарайли, Ўтари, Омонота, Чучук, Эшонқудук, Абдуҳамид, Тахам ва Жонқора қишлоқлари аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланишади. Кўриниб турибдики, Ғузор тумани бошқа туманлардан фарқли хусусияти аҳолининг аксарият қисми чорвачилик фақат сув билан таъминланган худудларда аҳоли деҳқончилик билан шуғулланишади [16].

Чироқчи туманининг Лангар, Тарағай, Говхона, Чамбил қишлоқлари асосан тоғли худудда жойлашганлиги сабабли чорвачилик ва деҳқончилик, Кўкдала худуди лалми деҳқончилик ва чорвачилик, Чияли худуди деҳқончилик ва чорвачилик, Бешчашма худуди деҳқончилик билан шуғулланади [17].

Шунингдек, Чироқчи туманида жойлашган Уйшун қишлоғи аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади, ичимлик сувини 40-50 метр чуқурликдаги қудукдан сатиллар ва қовғалар орқали тортиб олиб ичишади [18].

1980 йилларда Кўкдала тумани Пахтакор қишлоғида аҳоли ариқ сувини тинитиб ичишган. Қасаллик тарқалган Эски ангор каналидан сизиб чиққан сувни ичишган. 1992 йилдан одамлар насос билан сув чиқазиб деҳқончилик қила бошлади. Лалми ерлардан кўпроқ фойдаланишган [19]. Чироқчи тумани Айиртом қишлоғи аҳолисининг асосий машғулотли чорвачилик ва деҳқончиликдан иборат бўлган [20].

Тумандаги Жалажин қишлоғидаги аҳоли аввал чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келган, кейинчалик сув танқислиги туфайли чорвачилик ва деҳқончилик камайиб кетган. Ҳозирги кунда қишлоқ ичимлик суви билан таъминланмаган. Аҳоли оддий сув билан вақти – вақти билан таъминланиб турган [21].

Шунингдек, аҳоли табиий шароитдан келиб чиқиб қуйи Қашқадарё воҳасида жойлашган Косон туманининг маҳаллаларда ҳунармандлик анъаналари давом эттириляётган бўлса, баъзиларида чорвачилик ривожлантирилган, бошқалари эса боғдорчилик, миришкорликда

тилга тушган. Мисол учун, сабзи етиштиришда Эсабой қишлоғи аҳолисига рақобат қила оладиганини топиш қийин. Сабзи етиштиришда Касби туманидаги Оқжангал қишлоғи ва Нишон туманидаги Пахтаобод қишлоқ аҳолиси ҳам шуғулланишади. Пудина анорларининг донғи бутун мамлакатга ёйилишида шу ерлик боғбонларнинг меҳнати катта [22].

Бундан ташқари, Парғуза ва Пўлати қишлоқларида асосан араблар истиқомат қилишади. Қадимдан арабларнинг катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб, чўл ҳудудларида истиқомат қилиб келишган бўлса, кейинчалик ўтроқ деҳқончиликка ўта бошлашган.

Косон туманининг Раим сўфи, Хўжақудук, Олатўн, Яккасарой, Андабозор, Уйрат, Ёдгор, Алачавоб, Бўрихона, Гулистон, Пистали Қорабайир, Мулоли қишлоқларидаги аҳоли ҳам чироқчиликлар каби тарвуз етиштиришни ўзларига касб қилишди. Бир мавсумда ўртача бир деҳқон 50-100 миллионгача даромад қилишади [23].

Умуман, Қашқадарё воҳаси қуйи оқимидаги Пўлати, Арабхона, Қарши арабхона, Кўчкак, Каҳлак, Қамаши қишлоғида ва Миришкор туманининг Жейнов, Нишон туманининг Истиқбол (Арабовул) қишлоқларидаги аҳоли чорвачиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтиб кетишган [24].

Миришкор тумани кўп миллатли туман. Ўзбек, тожик, туркман, араб, татар сингари 20 дан зиёд миллат вакиллари бор. Туманнинг Помук, Чандир қишлоқларида эса асосан туркман миллатига мансуб туб аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек, туман чорвадорлар юрти ҳам саналади. Айниқса, қорақўлчилик-наслчилик ширкат хўжаликларида тайёрланадиган қорақўл териси машҳур. Унинг Помук нави ноёб ва харидоргир “Қовургаул” номи билан таниқли бўлган мазкур нав бошқа ҳудудларда тайёрланадиган қорақўлдан чиройли кўриниши ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Туманда 2 та “Ўзбекистон” ҳамда “Ғафур Ғулом” номли қорақўлчилик-наслчилик ширкат хўжаликлари фаолият курсатади. Уларга қарашли яйловларда 27 ярим мингдан ортиқ қорақўл қўйлари боқилапти [25].

Миришкор тумани Жейнов қишлоғи аҳолиси чорвачилик билан шуғулланган, асосан қуй-эчкилар боқилган, гилам тўкиб даромад олишган. Гилам савдоси билан шуғулланадиган одамлар Бухорога олиб бориб сотишган [26].

Туманнинг яна бир хусусияти, 1970 йилларда Қарши чўлини ўзлаштириш муносабати билан Яккабоғ тумани тоғли ҳудудларидан аҳоли кўчириб келтирилган. Кўчиб келган аҳолининг ҳам кундалик ва хўжалик ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик асосий ўринни эгаллаган.

Касби тумани вилоятда алоҳида ўринга эга бўлиб, асосан деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Қадимдан асосан чорвачилик билан машғул бўлган туман аҳолиси 1970 йилда Қарши чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан Қарши магистрал канали қурилиши натижасида деҳқончилик ва пахтачилик билан шуғуллана бошлайди [27].

Хулоса қилиб айтганда, Юқори ва қуйи Қашқадарё воҳаси аҳолисининг кундалик ва хўжалик ҳаётидаги ўзига хос хусусиятлардан бири сифатида асосан юқори ва тоғли ҳудуддаги аҳоли деҳқончилик ва боғдорчилик, қуйи зонадаги аҳоли чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади.

Адабиётлар рўйхати

1. Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг маълумотлар базаси. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2016 й. 17.б
2. Равшанов П. Буюклик кўприги Ислон Каримов Қашқадарёда (1986-1989 йиллар). Тошкент, “Университет”. 2021 й. 163 б.
3. Қашқадарё ҳақиқати. 2016 йил 31 май.
4. Дала ёзувлари. Китоб тумани, Ҳазрати Башир қишлоғи. Норов Номоз. 2022 йил.
5. Дала ёзувлари. Яккабоғ тумани, Калта қул қишлоғи, Нормонов Ҳамза. 2022 йил.
6. Боймиров Т, Бойқобилов Ў. Қамаши ва қамашиликлар. Қамаши тумани ўтмиши ва бугуни ҳақида очерк, эссе ва лавҳалар. Тошкент. “Fan va technology”. 2016 й. 17-б.
7. Дала ёзувлари, Қамаши тумани, Чангақбулоқ қишлоғи. Номозов Шойим. 2023 й.
8. Тошқулов К. Деҳқонобод тарихи ва тараққиёти. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2017 й. 23 б.

9. Нуриддинов Ҳ. Ғузорнома. Тошкент.: “Yangi Nashr”. 2011 й. 486.
10. Абдурахманов Н. Бешчашма рисоласи. Самарқанд. “СамДУ” 1998. 46.
11. Аликулов Ҳамро Уйшун кишлоқ тарихидан лавҳалар. Тошкент. “Voris” 2009 й. 56.
12. Дала ёзувлари, Кўкдала тумани Айиртом кишлоғи. 2023. Ў.
13. Дала ёзувлари, Чирокчи тумани, Пахтаобод кишлоғи. Қодиров Оғабек. 2022 йил.
14. Қашқадарё ҳақиқати. 2016 йил 5 июль.
15. Дала ёзувлари. Косон тумани, Гулистон кишлоғи. Омонниёзов Рўзикул. 2022 йил.
16. Искандаров Ш. Ўзбекистон араблари: анъаналар ва трансформацион жараёнлар. Тошкент. “Yangi Nasr”. 2017 йил. 73.6
17. Дала ёзувлари .Миришкор тумани , Жейнов кишлоғи.
18. Дала ёзувлари. Касби тумани Жизза кишлоғи. Боқиев Норим. 2022 йил.
19. Сариқов Н, Бобожонов М, Жўраев Ч, Ҳақназаров Д. Касбиликлар. Тошкент. “Наврўз”. 1996 й.
20. Дала ёзувлари. Муборак тумани, Қарлик кишлоғи. Хўжамуродов Хусан. 2021 й.
21. Дала ёзувлари, Қарши тумани Чўли ота кишлоғи. Тошпўлатов Баҳром. 2019 й.

ФОРМИРОВАНИЕ КУПЕЧЕСКИХ ГИЛЬДИЙ В ТУРКЕСТАНЕ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕСТНЫХ САРМАЯДАРОВ

Юсупов А.

доцент, PhD, ФерПИ,

Юсупов А.

ассистент, ФерПИ,

Купечество в конца XIX – в начале XX веков играло значительную роль в экономической, общественно-политической и культурной жизни народов Средней Азии. Именно купцы-сармаядары представляли собой важное звено в предпринимательстве края в указанный период. В связи с сегодняшним формированием хозяйственной элиты узбекистанского общества исследование истории развития купечества-сармаядаров становится особенно актуальным. В наше время важно изучение исторического опыта деятельности купцов-сармаядаров и предпринимателей Туркестана. Это в свою очередь обуславливается также необходимостью усовершенствования хозяйственно-правовой базы Узбекистана: ведь в стране организации и развитию современного малого бизнеса и частного предпринимательства уделяется огромное внимание в ее законодательстве.

История купеческих гильдий своими корнями относится к дореволюционной Российской империи, где мещане были поделены на категории. С течением хозяйственной деятельности данной категории людей, а именно из горожан выделяются купцы, которых поделили на гильдии для организации и контроля их труда. А это в свою очередь привело к упрощению системы налогообложения, придавая при этом широкой поддержки и значительных возможностей для выбора направлений и развития хозяйственно-предпринимательской деятельности этих людей. В результате представители гильдейского купечества составили именно тот торгово-промышленный слой общества, который активно участвовал в формировании и развитии промышленности Российской империи в XVIII – в начале XX веков, и Туркестана в ее составе в конце XIX – в начале XX веков.

Нужно подчеркнуть, что купцы-сармаядары Туркестана, как и в других регионах Российской империи существенно и активно влияли на экономическую жизнь региона, выделяясь высокой эффективностью своей деятельности в вопросах экономической жизни и финансовых структур края.

Следует особо отметить, вместе с тем и среднеазиатские купцы получили еще больше доступ на российский рынок, в сравнении с ханскими временами. Так как именно торговля в сравнении с другими промыслами расширялась за счет перехода ее из рук знати и ханов в руки купцов.

Например, в 1889 г. только в г. Ташкенте, в административном и политическом центре Туркестанского генерал-губернаторства, насчитывалось 42 642 торговца, из них 1 206 торговли в русской части города, а в азиатской части 41 436. В начале XX в. в городе Ташкенте в азиатской его части братья Ураимбаевы и Шасалихов были крупными торговцами галантерейных товаров. Их ежегодный оборот равнялся до 1 млн. рублей. Они владели 190 торговыми и промышленными заведениями. Крупную торговлю имели изделиями из железа, чугуна и меди местные жители Абдумавлян Абдумаликбаев в азиатской части города, Мусабай Расул Мухамедов в русской части, с ежегодным оборотом 500 тыс. и 2 млн. рублей.

В рассматриваемый период крупными представителями торгово-промышленного предпринимательства были Миркамилбай Мирмуминбаев и Ахмадбек Темурбеков (Андижан), Сайид Азимбай и его сыновья (Ташкент), Я.Х. Вадьяев и Р. Ш. Потеляхов, О.Махмудов (Коканд), Юсуфбаев (Наманган), М. Фузаилов (Самарканд), С.Мирджалилов (Туркестан). Как и другие представители данного рода деятельности, они состояли в 1-й и 2-й купеческих гильдиях. Только Вадьяевское товарищество в момент основания располагало капиталом в 800 тыс. рублей, к 1915 году – 3 млн. руб., Потеляховское – 600 тыс. и 2 млн.

Таковыми богачами были в Ташкенте Исхакбай, Арифходжа, Ю. Давыдов и Бр. Яушевы и другие. В торговом отношении учитывая активность торговли и наличие торгового капитала города купцы-сармаядары делились на определенные группы. По положению 1865 г. Ташкент, Казалинск, Коканд принадлежали к 3 классу, Верный (Алма-Ата), Самарканд, Ходжент, Перовск, Аулиеата, Наманган и Андижан к 4 классу и 5 классу все остальные местности.

В вывозе товаров из Туркестана в Россию главными предметами были хлопок, масло, жмыхи, фрукты, шелк. По данным Среднеазиатской железной дороги вывоз товаров с 1907 по 1912 гг. характеризовался таким образом (в тыс. пудах): хлопка – 59 197 п., фруктов – 11 450 п. масло – 7 529 п., жмыхи – 10 013 п., шелка – 1806 пудов.

Торговцы в свою очередь делились на гильдии. Таким образом с развитием торговли в Туркестане активизировалась деятельность местных купцов-сармаядаров. Они, постепенно входя в число представителей крупного капитала, во многих торгово-экономических вопросах касательно их деятельности начали оказывать сопротивление, добываясь равного партнерства с иностранными купцами. В конце XIX – начале XX века количество торговых и промышленных предприятий в Туркестане с каждым годом увеличивалось, как и количество местных сармаядаров, владевших ими. Например, в последние годы XIX века в Ферганской области из примерно 90 заводов 56, а к 1911 году из более чем 150 заводов 110 принадлежали местным купцам-сармаядарам, большинство которых имели 1-ое либо 2-ое гильдейской свидетельство.

Фирмы, закупающие хлопок, имели хлопкоочистительные заводы, постоянные или сезонные торговые точки в деревнях, где работали заведующие и приказчики. Отношения между дехканином, выращивающим хлопок, и фирмой начались с поиска людей, хорошо знающих местный рынок, и их считали доверенными лицами фирмы. Фирма направляла доверенных лиц в хлопковые центры, чтобы найти трудолюбивых дехкан и выдавать аванс (бунак) на покупку будущего урожая.

Следует отметить, что многим из них удавалось не только участвовать как активные игроки этих структур, но, они занимали ведущие позиции в них, вкладывая огромные средства в Уставные фонды банков, акционерных обществ и Торговых домов. Со второй половины XIX в. стала проявляться тенденция к созданию Торговых домов на паевых началах по типу акционерных обществ. Кроме того, имея в распоряжении значительные средства, они привлекались к открытию новых и переоснащению существовавших предприятий, решая таким образом проблему привлечения инвестирования и интенсификации развития промышленности края.

Можно утверждать, что на территории Туркестанского края, находящегося в составе Российской империи, де-юре гильдейское оформление деятельности купцов-сармаядаров как сословия происходит в конце XIX в.

В заключении можно сказать, что обращаясь к историографической основе вопроса, необходимо отметить, что в дореволюционный период не появилось специализированных научных трудов, посвященных особенностям торговой деятельности среднеазиатских купцов. Сведения о развитии коммерческих связей России со Средней Азией, в том числе с другими сопредельными регионами Востока представлены в основном опубликованными источниками личного происхождения (путевые заметки, мемуары, воспоминания и т.д.), географическими и статистическими очерками. Среди них такие источники, как работы А. Вамбери, К.А. Александера, В.В. Заорской, А.П. Демидова, Л.Ф.Костенко, С.Р. Конопка, Р. Лакосты, Н.С. Ликошина, Ф.Ф. Мартенса, Масальского, С.А. Мелик-Саркисяна, П.И. Небольсина, П.И. Пашино, К.К. Палена, М. А. Понятовского М.А. Терентьева занимают важное место и в них содержатся много исторического и фактического материала. В них также сохранились особо ценные статистические сведения о торговых отношениях, финансовых структурах – создании банков, налоговом и таможенном пограничном контроле, привилегиях собственников и аспектах их формирования, правах российских, зарубежных и среднеазиатских собственников и других вопросов. Однако в этих произведениях политика Российской империи в Туркестане трактуется с позиций велико государственного шовинизма. И здесь человеку не посвященному таким историческим вопросам трудно будет делать правильные выводы и использовать их с пользой к делу.

Например, в работе путешественника и исследователя А. Вамбери, относящейся к началу пореформенных лет, отмечается, что «Россия имеет с Средней Азией гораздо больше сношений, чем все другие иностранные державы». Основным партнером империи в области делового обмена являлась Бухара. В начале XIX в. предпринимательское сообщество Бухарского эмирата наладило наиболее тесные, по сравнению с другими государствами Азии, торгово-экономические связи с городами российского приграничья – Оренбургом, Троицкой и Орской крепостями. Из эмирата, как главного рынка Средней Азии, в города Оренбуржья и далее на общероссийский рынок поставлялись хлопчатая бумага, хлопок-сырец, шелк, марена, сухофрукты, продукция животноводства. Характеризуя специфику организации этого коммерческого взаимодействия, источник отмечает, что эта торговля производится в степи всегда на верблюдах.

Литература:

1. Грамота на права и выгоды городам Российской империи // Российское законодательство X–XX веков. - [В 9-ти т. – Т. 5.] – М.: Юрид. лит., 1987. – С. 68-128.
2. Крупенкин Е.Н. Туркестан в составе Российской империи (1865–1917 гг.): от военно-административного управления к гражданско-административному. Дисс. кандидата исторических наук. Томск – 2018 стр.98
3. НА Республики Узбекистан, ф. И-36, оп. 1, д. 3167, л. 207
4. А. И. Добросмыслов. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912, стр. 398.
5. Гильдии (от нем. *gilde* — корпорация) — в Западной Европе в период раннего Средневековья различные объединения — взаимопомощи, религиозные, политические; в XII-XV вв. корпорации купцов (в Англии также ремесленников/цехи), защищавшие интересы своих членов, добивавшиеся правовых и таможенных льгот. В России Г. существовали в XVIII в. – 1917 г. как сословные объединения купцов. Привилегированное купечество делилось (с 1775 г.) по размерам капитала на три Г. – См. Большой юридический словарь изд. Инфра, М., 2001 г.
6. А.М.Юлдашев. Аграрные отношения в Туркестане. Издательство «Узбекистан», Ташкент, 1970, стр. 113.
7. НА Республики Узбекистан, ф. И-1, оп. 16, д. 745, л. 22.
8. С.И.Гулишамбаров. Экономический обзор Туркестанского района, обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. Ашхабад, 1913, ч.2
9. Кокандский биржевый комитет. Юбилейный отчет. 1906— 1916. Коканд, 1917.

10. «Туркестанское сельское хозяйство» за 1909 г. № 5.
11. Юсупов А.А. Туркистонлик сармоядорлар. (XIX аср охири – XX аср бошлари). Монография. Фарғона. 2023.
12. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии в 1863 году. СПб., 1865., Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. – Санкт-Петербург: Тип. Тиблена и К(Неклюдова), 1868;
13. Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – Санкт-Петербург, 1870;
14. Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – Санкт-Петербург: Тип. П.П.Меркульева, 1875.

ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МАРКАЗ МАНФАТЛАРИГА БЎЙСУНДИРИЛИШИ (ПАХТА САНОАТИ МИСОЛИДА)

Эркаев Э.

АДУ “Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти

РСФСР ҳукумати октябр тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб Россия марказидаги тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берган. Пахтачилик тармоғини бошқариш РСФСР Олий халқ хўжалик кенгашига (ОХХК) юкланган. ОХХК, биринчи навбатда, пахта давлат монополияси эканлигини барчага маълум қилишни зарур деб ҳисоблади. 1918 йил 12 январда РСФСР ОХХК “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланишича, пахтачилик ва пахта савдоси билан боғлиқ барча масалалар фақат давлат монополияси ҳисобланди. Шунингдек, ўша вақтда мамлакатда мавжуд бўлган пахта захираларининг барчаси давлат мулкига айлантирилганлиги эълон қилинди ва барча пахта билан савдо қилинадиган бозорлар ёпилди.

“Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида”ги қарорда, жумладан, шундай дейилган:

“3. Банкларда мавжуд бўлган пахтанинг накладной (пахта тойи ёки оғирлиги тўғрисидаги хужжат)ларига бўлган ҳуқуқ давлатга ўтади ва накладнойларнинг ўзи омборхоналар, темир йўл, пристань (кемалар тўхтайдиган жой) ва бошқа жойлардан дарҳол олиш ҳамда фабрикаларга тарқатиш учун “Центрохлопок” ташкилоти ихтиёрига берилади...”

5. Кўрсатилган накладнойлар билан “Центрохлопок” олган барча пахта давлат мулки деб ҳисобланади ва “Центрохлопок” уни фабрикаларга нақд пулга ёки шу пахтадан тайёрладиган газмол ҳисобига қарзга сотади. Пахта қарзга берилган фабрикалар идораларига “Центрохлопок” вакили киритилади.

6. Давлат монополиясини ва пахта савдосини тайёрлаш учун ислоҳ қилинган “Центрохлопок” Россияга пахта жўнатиш, сотиб олиш ва тозалаш бўйича идора ташкил қилиш учун Туркистонга ўз вакиллариини жўнатиши даркор”(1.147 б)

1918 йил 24 мартда совет ҳукумати раиси В.И.Ленин раислигида ўтган комиссия мажлисида алоҳида расмий “пахта дастури” тасдиқланди ва Туркистон республикасига жўнатиладиган масъул ходимлар таркиби белгиланди. Унга большевиклардан В.С.Смирнов, Н.И.Сундатов, А.И.Лацис, В.Г.Гофмайстер, И.А.Севастьяновлар киритилди. (2. 220 б) Марказнинг Ленин ишонч билдирган, Туркистонда пахта монополиясига раҳбарлик қила оладиган вакиллари 1918 йилнинг иккинчи ярмида Тошкентга етиб келди. Улар Ленин топшириғини бажариш, совет давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, “давлат мулки” деб эълон қилинган пахта захираларини аниқлаш ва Россияга жўнатиш масалаларини биринчи даражали вазифа деб қарадилар.

РСФСР ОХХКнинг “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида”ги қарори асосида Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.Колесов 1918 йил 26

февралда “�ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида”ги декретни тасдиқлади. Декретда “Ҳозирги кунда Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган барча пахта, қандай кўринишда, қайси жойда бўлишидан қатъи назар, мусодара қилинади ва давлат мулки деб эълон қилинади. Барча советлар, темир йўл комитетлари бу декретни амалга ошириш, барча пахтани темир йўл станцияларига олиб келиш ва дарҳол Тошкент станциясига жўнатиш учун ўз вакилларини ажратади. Мабодо эгалари қаршилиқ кўрсатса, жойида отиш чоралари кўрилсин” (3.26) дея таъкидланган эди. Пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретни амалга ошириш учун Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети ҳузурида пахта бўлими ташкил қилинди. Пахта бўйича комиссар қилиб Шмидт тайинланди ва у Халқ Комиссарлар Совети таркибига киритилди.

1918 йил 10 мартда пахта бўйича комиссарнинг деҳқонларга пахта экишда ёрдам тадбирлари тўғрисидаги фармойиши эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда пахта заводи комитетлари ҳамда пахта, ёғ, совун заводларининг ишчи ва хизматчилари касаба уюшмалари бўлимларига деҳқонларга биринчи нав уруғлик чигитини сотишга рухсат берилган. Бу уруғликни пахта топширганларга ёки нақд пулга бериш мумкин, деб кўрсатилган. Шунингдек, пахта заводи комитетларига туйилган кунжарани пахта далаларини ўғитлаш учун деҳқонларга сотиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, “деҳқонларда нақд пул бўлмаса, уруғлик чигит ва кунжарани куз мавсумидаги пахта ҳисобидан қарзга берилсин”, деб кўрсатма берилган.

Совет ҳукумати Туркистон пахтасини марказга ташиб кетиш масаласига алоҳида эътибор берган. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 9 апрелда тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш учун оборот (айланма) маблағ ажратиш тўғрисида декрет қабул қилди. Декретда “Олий халқ хўжалиги совети ҳузуридаги Пахта билан таъминлаш комитетига Ўрта Осиёдан пахта сотиб олиш ва темир йўл орқали жўнатиш бўйича ташкилий харажатлар учун давлат хазинасидан 250500 рубль ажратилсин ва уни нақд пул билан дарҳол берилсин”, дея таъкидланган. Пахтани Россиянинг Европа қисмига ташиш ва сотиб олиш масалалари учун Пахта билан таъминлаш комитетига давлат хазинаси маблағларидан 502424500 рубль маблағ ажратишга қарор қилинган. (4.57-59 б)

1918 йил 11 апрелда Тошкентда “Центрохлопок” ташкилотининг бўлими очилган. Бу бўлим Туркистонда пахта монополиясини ҳаётга тадбиқ қилиш, пахтани сотиб олиш, тозалаш, транспортда Марказга жўнатиш ва асосийси - пахта экин майдонларининг камайишига қарши курашиш масалалари билан шуғулланган. 1918 йил пахта экин кампанияси даврида эса пахтакорларга ун, буғдой ва газмол бериш режалаштирилган Албатта, бу кўрсатмалар декларатив моҳиятига эга бўлиб, хом ашё талабида бўлган совет давлати учун меҳнаткаш омманинг иқтисодий аҳволи ҳақиқий қизиқиш уйғотмас эди.

Туркистонда мусодара қилинган катта миқдордаги пахта хом ашёси Россия тўқимачилик саноатига тинимсиз равишда жўнатиб турилди. 1918 йилда Оренбург ва Красноводск темир йўллари орқали Марказга 1310 вагон пахта толаси юборилган. 1919 йил январь-май ойларида Оренбург йўналиши бўйича 443 вагон пахта толаси юборилган. Июнь ойида эса Красноводск йўналиши бўйича 131 вагон ва Оренбург йўналиши бўйича 549 вагон пахта толаси жўнатилган. Шунга мос равишда июлда 389 вагон ва 1149 вагон, августда 405 вагон ва 814 вагон, сентябрда 197 вагон ва 795 вагон, октябрда 389 вагон ва 189 вагон, жами 1919 йилда Красноводск йўналиши бўйича 1504 вагон, Оренбург йўналиши бўйича 3939 вагон пахта толаси совет ҳукумати кўрсатмаси билан марказий ҳудудларга ташиб кетилган (5.99 б)

1920 йилда 1919 йилга нисбатан бир ярим баробардан ортиқ пахта толаси олиб кетилган. Россия марказий ҳудудлари тўқимачилик фабрикалари учун 1920 йилда Туркистондан темир йўл орқали 8565 вагондан иборат 4 млн. 283 минг пуд пахта толаси юборилган. Бундан ташқари, 1919 йилда 3 млн. 150 минг пуд ва 1920 йилда 2 млн. 728 минг пуд хом пахта ҳам ташиб кетилган (6.123 в).

Совет ҳукумати марказни пахта билан таъминлашни яхшилаш, ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида Туркистоннинг пахтакор деҳқонларига кенг истеъмол молларини етказиб бериш масаласига алоҳида эътибор берган. РСФСР Халқ Комиссарлар Совети 1920 йил 24 февралда Туркистон пахтакорларига шошилиш равишида газмол ортилган поезд жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Туркистонда пахта экин майдонларини кенгайтириш мақсадида 3 млн аршин газмол, 1 мингта гросс ип юклаш учун тезда махсус поезд тузиб жўнатиш кўзда тутилган. Ушбу поездни тузиш Тверь ип-газлама фабрикалари бошқармасига топширилган. Поезд 25 та товар вагони, 3 та нефт ёқилғиси учун цистерна, 1 класс вагони ва 2 та иситилувчи вагон, жами 31 та вагондан иборат эди. Қарорда поездни ушлаб қолиш, унга ортилган газмоллар ва нефтни мусодара қилиш нафақат фуқаро идоралари, ҳарбий идораларга ҳам ман этилиши таъкидланган. Шунингдек, қарорда “поезд Туркистондан қайтишда пахта юклаб, уни Тверь ип-газлама фабрикалари бошқармасига етказиб бериши керак”, деб қайд этилган (7.520-527с). Худди шундай поезд 1920 йил 18 январда ҳам Туркистонга жўнатилган эди. Бу поездларни юборишдан асосий мақсад эса юқорида таъкидлаганидек, Россиянинг тўқимачилик фабрикаларига Туркистондан пахта ташиб кетиш бўлган.

Совет ҳукумати тўқимачилик саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжини қондиришда чет эл хом ашёсидан мустақил бўлишга интилиб, Туркистон ўлкаси пахтакорларининг моддий манфаатдорлигини орттириш орқали пахта етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилди. 1920 йил 31 августда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети давлатга топширилган пахта учун пахтакорларга нақд пул ёки натура билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Америка чигитидан етиштирилган 1 пуд пахтанинг нархи совет пулига 1260 рубль деб белгиланган. Пул тўлашдан ташқари бир десятина ердан давлатга 50 пуд пахта топширган пахтакорларга қуйидаги натурал буюмларни бепул бериш жорий қилинган: а) ҳар десятина ерга 7 пуд уруғлик; б) 24 фунт пахта ёғи, 2 пуд 16 фунт кунжара ва шелуха; в) 30 аршин ип-газмол; г) 9 ғалтак тикувчилик ипи; д) 30 фунт керосин; е) 40 фунт темир (мих, темирчилик материаллари); ж) 60 фунт туз; з) 50 қутича гугурт. Ушбу қарорни бажариш, пахтакорларни юқорида кўрсатилган буюмлар билан таъминлаш учун жойларда мавжуд пахта ёғидан 450 минг пуд, 1,4 млн. аршин газмол, 1 минг гросс тикувчилик ипи, 7 минг пуд керосин, 100 минг пуд темир, 150 минг пуд туз ажратиш топширилган. Лекин, тегишли жойгача етиб келгани ҳақида эса тегишли маълумотлар учрамайди. Туркистон ўлкаси иқтисодиётини дастлаб ТАССР Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ) бошқарар эди. 1921 йил 14 март куни Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ЭКОСО) ташкил қилинди ва у томонидан чиқарилган қарорлар ўлканинг олий хўжалик органи сифатида комиссарликлар ва ташкилотлар учун мажбурий қилиб белгиланди (8.435).

Туркистон Республикаси ҳукумати 1918 йил 5 мартда пахта саноатини национализация қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Ушбу декретга асосан, хусусий мулклар, жумладан пахта тозалаш заводлари ҳам “давлат мулки” деб эълон қилинди. Пахта тозалаш саноатини тартибсиз равишда жадал суръатлар билан национализация қилиш, ишлаб чиқаришни издан чиқариб, тармоқни орқага кетиш сабабларидан бирига айланган эди. Мулкдорлар синфини тугатиш сиёсатини олиб борган совет органлари мулкдорларининг мол-мулкини шундай зўравонлик йўли билан тортиб олган эдилар.

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки ҳукумронлик йилларида Туркистонда етиштирилаётган пахтани тўла мусодара қилиб, уни олиб чиқиб кетишга катта аҳамият берган. Совет ҳокимияти ўлкадаги катта ер эгалари, жумладан, пахта етиштирадиган мулкдорларнинг мол-мулкини мусодара қилган. Пахта етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликларни тугатиш билан совет ҳукумати ўлкада пахтачиликнинг ривожланишига катта зарар етказган. Бунинг натижасида 1920 йилга келиб ўлкада пахтачилик соҳаси оғир аҳволга тушиб қолди. Совет давлати учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта хом ашёсини

етиштиришга улкан аҳамият бериш ва уни ривожлантириш совет Россияси олдида турган муҳим вазифалардан бирини ташкил этди.

Советларнинг Туркистонда олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг моҳиятини Туркистон иқтисодий кенгаши (ТуркЭКОСО) раиси С.Паскуцкий 1923 йил мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўрта Осиё республикалари – Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг биринчи иқтисодий конференциясида қилган маърузасида аниқ очиб берган эди. У жумладан шундай деган эди: “Ҳозирги куннинг навбатдаги вазифаси бу федерация бизга берган ўша имкониятидан кенг фойдаланиб, хом ашё етиштиришни ва биринчи ўринда, пахтачиликни тиклашдан иборатдир. Пахтачиликни тиклаш вазифаси алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, бу ерда масала фақат Туркистоннинг келажаги устида эмас (Туркистоннинг келажаги яна узоқ вақт унинг хом ашё имкониятлари билан белгиланади), балки бизнинг тўқимачилик саноатимизнинг гуллаб-яшнаши ва шунингдек, биз хорижий мамлакатларга эвазига ўзимизнинг хўжалигимизни ривожлантираемизми, шунинг устида боради”(9.10) С.Паскуцкийнинг “Туркистоннинг келажаги узоқ вақт давомида хом ашё етказиб берувчи ўлка бўлиб қолади”, деган фикри ҳукуматнинг кўпгина қарорларида ҳам ўз аксини топган эди. Хуллас, Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, ўлка иқтисодиёти бутунлай издан чиқди. Ўлкада бозор муносабатларига кескин зарба берилди. Халқ хўжалигини бошқариш учун ташкил этилган Халқ Коммисарлари Совети жуда кенгайиб бюракрatik аппаратга айланди. Марказий коммисарликлар ва бошқармалар бутун мамлакат миқёсида давлат ва Бутиниттифоқ нуқоби остида Россия манфатларини, Марказдаги большевиклар сиёсатини амалга оширишга киришдилар.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон МДА 473 фонд, 1-рўйхат, 194-иш, 147- в.
2. Тарих шохидлиги ва сабоқлари: Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 220.
3. Наша газета. 28 февраля 1918 г. 2с.
4. Декреты Советской власти. – М., 1959. Т.2. с. 73-74.
5. Ражабов.Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй). Тошкент: Университет, 2002. – Б. 99.
6. ЎзР МДА, 111-ф., 1-рўйхат., 940-иш, 123-в
7. Декреты Советской власти. – М., 1974. Т.7.. с. 520-527.
8. Ўзбекистон тарихи (1917-1991й.) биринчи китоб.Т., 2019.262 б.
9. Бюллетень первой экономической конференции среднеазиатских республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). – №1. 6 марта 1923 г. – С. 10

ИСТОРИЧЕСКАЯ РОЛЬ ЖЕНЩИН-ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА

Каноатова Ф.Б.

доцент кафедры Истории Шахрисабзского педагогического института

В советское время большинство женщин были лишены высокооплачиваемых рабочих мест, а также большей части социальных гарантий, предусмотренных при социализме, в таких условиях женское предпринимательство не только смягчает рост безработицы, но и способствует экономическим и социальным изменениям в обществе. Переход Узбекистана к рыночной экономике в постсоветский период оказал сильное влияние на положение женщин. Экономические трудности, сопровождавшие переходный период, привели к ограничению возможностей в получении образования, сокращению помощи, предоставляемой отдельным лицам и семьям, т.е. того, что в советскую эпоху составляло основу в стремлении женщин получить образование и реализовать свои профессиональные возможности. Все большее значение приобретает уделение большего внимания обеспечению занятости населения на

основе широкого вовлечения населения, особенно женщин, в предпринимательскую деятельность.

Исследование показывает, что женское предпринимательство изначально представляло собой бизнес, связанный с розничной торговлей и оказанием различных бытовых услуг. Женщины недостаточно представлены в большом бизнесе, включая банковское дело, добычу и переработку нефти и другие отрасли с высоким доходом. Кроме того, рыночные реформы, проведенные в 1990-е годы, серьезно исказили уже сложившуюся структуру занятости по гендерному признаку. К концу 1990-х годов усилился традиционализм в социально-экономических отношениях в сфере женской занятости. Таким образом, в этот период только 6% женщин и 8% мужчин были самозанятыми, а остальным пришлось продавать свой труд. При этом среди представителей малого бизнеса преимущественно были женщины.

Согласно исследованию Forbes, число женщин-предпринимателей выросло более чем на 3000% с 1970-х годов. Женщины при создании собственного бизнеса ориентируются на разные мотивы. Но главная причина – свобода. Свобода реализовывать свои идеи, свобода проводить время с близкими по своему усмотрению, наконец, финансовая свобода.

Однако, несмотря на рост женского предпринимательства, проблема неравенства все еще остается поверхностной. Современный открытый доступ к любой информации, кредитованию, венчурным инвестициям и легкий доступ к бизнесу через рекламу в социальных сетях дает женщинам силу, уверенность и возможность реализовать свои проекты.

Сегодняшняя реальность такова, что число женщин, желающих реализовать себя не только в семье, но и в обществе, увеличивается. Таким образом, когда у женщин есть и желание, и возможность сделать карьеру, начать собственный бизнес или создать глобальные компании, но недостаточно поддержки со стороны партнеров, государства и окружающей среды, рождаются фрустрации нового характера. С одной стороны – стремление к самореализации, а с другой – отсутствие поддержки, и женщина попадает в ловушку постоянного чувства вины, разделенного между семьей и карьерой. По статистическим данным, 67,8% трудоустроенных лиц, принявших участие в социальном опросе, проведенном среди родителей в 1997 году, предпочитают трудоустройство, а 21% - семейное благосостояние]. 55% из них заявили, что основной причиной этой работы является необходимость зарабатывать деньги для семьи, а 14% хотят быть финансово независимыми. Занятость женщин объясняется такими факторами, как их обязанность удовлетворять потребности своей семьи, их желание иметь свое место в семье и обществе, их современное мировоззрение, необходимость развития своих профессиональных навыков, их стремление к карьере их желание работать. Известно, что в процессе перехода к рыночной экономике в Республике Узбекистан огромное значение приобрел ряд принятых и реализуемых нормативно - правовых документов, посвященных поддержке и развитию частного предпринимательства [5:152]. При этом важное значение для дальнейшего развития женского предпринимательства имеет и объявление 2011 года «Годом малого бизнеса и частного предпринимательства», а 2018 года - «Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» повысился. Это способствовало увеличению доли предпринимателей республики в валовом внутреннем продукте. Рост предпринимательской активности женщин связан с их адаптацией к отношениям социально ориентированной рыночной экономики, увеличением занятости и расширением возможностей получения дохода. О лицах, занимавшихся предпринимательской деятельностью в социально-экономической среде республики в регионе 1995-1996 годов, можно дать следующую качественную и аналитическую информацию:

Андижан – 291/400; Бухара – 1401/1495; Навои – 438/516; Самарканд – 2068/2345; Сирдаря – 1021/1124; Сурхандаря – 145/195; Кашкадаря – 1573/2019; Джизак – 144/192; Ташкент – 696/540; Хорезм – 500/1662; Фергана – 410/503; Наманган – 496/608; Республика Каракалпакстан – из них 2978/3317 женщин[2;133].

Деятельность Ассоциация " Женщин предпринимателей Узбекистана " ведется с 1991 года в целях расширения экономических, социальных прав и возможностей людей, поддержки их предпринимательской инициативы, обучения безработных основам бизнеса и профессиям, востребованным на рынке труда, юридической поддержки предпринимателей. Союз имеет 14 региональных отделений, 68 районных и городских отделений и объединяет более 15 тысяч субъектов предпринимательства. Около 200 специалистов союза вносят свой вклад в развитие женского предпринимательства, повышая их экономические знания, обучая их профессии, широко продвигая семью и предпринимательство для обеспечения занятости женщин.

В 1991 году собственный бизнес имели 20% членов союза из 200, а в 1999 году этот показатель составил более 60%. Ассоциация уделяет серьезное внимание вопросам развития деятельности предпринимателей, экспорта их продукции, вовлечения инновационных и современных технологий в производство в целях повышения эффективности труда, а также развития отношений взаимного сотрудничества с предпринимателями ближних и зарубежных стран. Только в 2004 году 366,6 млн. человек получили льготные кредиты в сумме сумов. В 2016 году бизнесу обучено более 24 тысяч женщин, а профессиям, востребованным на рынке труда, обучено более 16 тысяч безработных женщин. Более 130 тысяч новых рабочих мест создано благодаря инвестициям в размере 1,6 триллиона сумов, направленным предприятиям, возглавляемым женщинами. В 2018 году ассоциацией было организовано 713 деловых мероприятий, в которых приняли участие 12 тысяч женщин. Членами ассоциации создано более 2500 новых рабочих мест. Впервые в 2018 году кредиты на сумму 1,3 трлн сумов были выделены 28 тысячам женщин на развитие предпринимательской деятельности[3].

Ассоциация деловых женщин Узбекистана разработала свой стратегический план – «Совершенствование системы бизнес-образования женщин в селах на 2018-2020 годы». 75% из 43 тысяч женщин, прошедших бизнес-обучение, начали собственную предпринимательскую деятельность на основе образовательных программ, предоставленных Ассоциацией деловых женщин Узбекистана. 130000 новых рабочих мест создано участниками программ обучения ассоциации. По информации, с 2014 года 19 ноября отмечается как Международ- ный день женского предпринимательства в 144 странах мира. С 2016 года Ассоциация « Женщин предпринимательниц Узбекистана» присоединилась к данной инициативе и про- водит различные мероприятия в рамках этого дня.

По данным 2017 года, за последние десять лет доля женщин, возглавляющих мужской бизнес и предприятия частного бизнеса, увеличилась в 1,6 раза как отметил Президент Ш.Мирзияев, "...доля деловых женщин в общем количестве субъектов предпринимательства составила 29%"[4].

Женщины - предприниматели под руководством Комитета женщин и девушек Узбекистана приняли участие в выставке продукции текстильной промышленности, проходившей в Бурсе, Турция, в 2018 году. По итогам года были организованы деловые поездки в такие страны, как Китай, США, Индонезия, Малайзия, Чехия, Франция, Германия, Казахстан[5]. Опыт, полученный в ходе этих командировок, послужил обеспечению эффективности деятельности деловых женщин и расширению масштабов производства. В частности, компания «Файз Холдинг» (М.Азимова), СП «Файз-Барака ММЛ» (М.Акрамова), АО «Хорезм-Феруз» (К.Джумамуратова), образовательный центр «Машхура» (М. Юсурова), колхоз «Нурли обод» (Л. Муротова), колхоз «Али - бобо» (С.Маманова), колхоз «Юмор». (Х.Бекмуродова), «Мукаддас-бунёдкор-ишонч» (Х.Баратова), «Царство науки» (Л.Кулму- ратова) учебно-производственное предприятие, частное предприятие «Кармана ДАСД» (Д.Астонова), туристическое агентство «Calypso Travel» (Зера Зайтулаева), «Компания Aiko.uz» (Марина Тен) и другие подобные хозяйствующие субъекты широко действуют в республике.

По данным Госкомстата, согласно финансовым результатам мужчин и женщин-предпринимателей в 2021 году, женщины сегодня управляют более 16 тысячами микро-предприятий. В целом чистая прибыль этих компаний составила 2,3 трлн сумов. В среднем чистая прибыль одной женщины-предпринимателя составляет 141,4 миллиона сумов. На начало 2021 года количество малых предприятий, управляемых женщинами, в республике составило 39 078 тысяч, это 25% предпринимателей [7].

Но проблем с привлечением женщин к предпринимательству, общественно полезному труду и производству в республике еще достаточно. Для развитию женского предпринимательства препятствуют следующие причины:

- низкая эффективность системы бизнес - образования и разработки планов женщинами;
- отсутствие поддержки из - за неуверенности в том, что представленные женщинами бизнес -спланы дадут ожидаемые результаты;
- отсутствие прав женщин и навыков грамотности в предпринимательстве.

Здесь стоит отметить, что на женщин, желающих заняться предпринимательством, прямо или косвенно влияют требование банка иметь недвижимость в качестве залога при кредитовании, отсутствие опыта работы с финансовыми институтами и права на получение макрокредитов.

Для формирования предпринимательских навыков у женщин и расширения деловой среды уместно высказать следующие предложения:

- упростить способы организации мужских хозяйственных субъектов в поддержку женской предпринимательской деятельности;
- упрощение учета и отчетности;
- поддерживать женщин - предпринимателей и оказать им практическую и практическую помощь на основе обмена опытом за рубежом, помочь обеспечить их современными техническими средствами;
- необходимо расширять производство экспортной продукции за счет создания здоровой конкурентной среды.

Литература:

1. Женщины и мужчины Узбекистана.Сборник Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан 2007 г.- <https://www.undp.org/ru/uzbekistan/publications> С.103
2. УзЦА. Фонд М-37, опись 1, дело 2559, л. 133.
3. Информация из текущего архива отдела «Политическая деятельность женщин, повышение их роли и положения в обществе» Исполкома политсовета УзЛиДеП. данные 2008 года.
4. Выступление председателя Комитета женщин Узбекистана Т.Норбоевой на отчетно-выборной конференции в декабре 2018 года//Текущий архив Комитета женщин Узбекистана, 2018.
5. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на двадцатом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово, 2019. 22 июня.
6. Маруфова Г. Добрый, самоотверженный и предприимчивый // Народное слово, 2010. 21 сентября.
7. Статистические данные Госкомстата Уз.Рес.- <https://stat.uz/uz/> пресс-центр

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИДАН

Абдуллаев Ў.Ш.

ҚИТУ. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Қашқадарё вилоятида 1945 йили Бухоро бирлашган Давлат педагогика ва ўқитувчилар институтининг Қарши филиали ташкил этилди[1, 89]. Қарши шаҳридаги 7 йиллик мактаб биносидан филиал учун 1 аудитория ажатилади. Шунингдек, талабалар учун собиқ жамоа хўжалигининг отхонаси биноси таъмирланиб ётоқхона қилиб берилди. Филиал ўқитувчилари Оғалиқ эшоннинг катта ҳовлисидаги меҳмонхонага жойлаштирилди. Филиал очилган йили

тарих ва тил адабиёт ихтисослиги бўйича 32 нафар талаба қабул қилиниб, уларнинг 11 нафари рус миллатига мансуб бўлди.

Бухоро бирлашган Давлат педагогика ва ўқитувчилар институти Қарши филиалининг биринчи директори қилиб, ташкилотчи ва Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси Умар Давронов тайинланди. Бу даврда талабаларга П.Я.Межинский, Т.Ядиханова, М.Тоҳирзода, Н.Рахмонов, С.Расулов каби мохир педагоглар таълим берди. Шу билан бирга вилоятда ўқитувчилар танқислиги боис, асосий курсларни ўқитиш учун Бухородан ўқитувчилар таклиф этилди. П.Н.Наришкин, Н.Борухов, С.Усмонов, М.Мирзаев каби ўқитувчилар Бухородан келиб, филиалда талабаларга таълим берди[2, 8-9].

Ўзбекистон Министрлар Советининг 1949 йил 27 октябрдаги 1966-сонли қарори билан мазкур филиал Қарши ўқитувчилар институтига айлантирилди ва унда таълим икки йиллик бўлиб, тўлиқсиз олий маълумот беришга мўлжалланди. Институтда дастлабки йилларда физика-математика, тарих, тил ва адабиёт ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланиб, очилган йили 101 нафар талаба ўқишга қабул қилинди. Шундан 29 нафари физика-математика, 19 нафари тарих, рус тили ва адабиёти бўйича 17 нафар, 36 нафари ўзбек тили ва адабиёти бўйича эди.

Қарши ўқитувчилар институти 1949-1951 йиллари Турсун Тожиев, 1951-1954 йиллари Барот Музаффаров, 1954-1955 йиллари Аъзам Шерматов, 1955 йили Азим Самадов бошқарди. Бу даврда таълим масканида Аъзам Шерматов, Очил Тоғаев, Абди Умиров, Абдумўмин Қахҳоров, Бозор Самадов, Самад Расулов, Қодир Мирзаев, Боқи Соқиев, Чўли Қўзиев, Андрей Суменков, Турсун Содиқов каби ўқитувчилар талабаларга таълим тарбия берди. Шунингдек, институтда Тошкентдан филология фанлари номзоди Аъло Ашрапов, Охунжон Собиров каби тажрибали педагоглар таклиф этилди. 1955 йили институтда биринчи бўлиб, Таслия Ядиханова Ленинград шаҳрида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Институт жамоаси кўп соҳаларга муваффақиятларга эришиб, Республика таълим тизимида ўз ўрнини топиб борди. Талабалар шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. 1956 йили институт талабаси Г.С.Канюк гимнастика бўйича спорт устаси талабини бажариб, шу номга сазовор бўлди.[2, 10-17]

Қарши ўқитувчилар институти негизида 1956 йил июлда Ўзбекистон Министрлар Советининг қарори билан Қарши давлат педагогика институти очилди. Педагогик институтда 4 та факультет: физика-математика, ўзбек тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт, педагогика каби фаолият кўрсатиб, уларда 726 нафар талаба таҳсил олди. Бу даврда институтда 60 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, шундан 8 нафари фан номзоди, 21 нафари катта ўқитувчи, 31 нафари ассистент ўқитувчи эди[3, 1]. Институтда физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, педагогика, жисмоний тарбия кабинетлари ташкил этилди.

1956 йили Қарши давлат педагогика институтида илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳисоботда келтирилишича 1955 йилга қадар институтда 1 нафар фан номзоди бўлса, 1956 йили уларнинг сони 6 нафарга етган. Институт илмий ходимлари Қашқадарё вилояти иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Талабалар сони 362 нафарни ташкил этган [4, 12].

1958-1964 йиллари ҳамда 1967-1972 йиллари институтни Қурбон Ўлжабоев бошқариб, унинг даврида институт ҳудуди 2 гектардан 56 гектарга кенгайтирилди. Кўчабоғ ва Оқмасжид қишлоқлари аҳолиси бошқа жойга кўчирилиб, ҳудуд текисланди. Чинор, манзарали дарахтлар, гулларнинг кўчатлари экилиб, кўпайтирилди. Бундан ташқари 4 гектарли ботаника боғи ташкил этилди. Бу даврда институтда ҳашар йўли билан ўқув бинолари бунёд этилди. Талабалар касабаси уюшмаси ва институт илмий кенгашида ҳар бир талаба 2-3 мингтадан хом ғишт қўйиб бериши тўғрисида қарор қабул қилинди. Талабалардан қурилиш отрядлари тузилиб, бу республикада талабаларнинг дастлабки қурилиш отрядларидан бири

бўлди. Талабалар отрядида Худойберди Хўжанов, Камол Очилов, Баҳриддин Нуриддинов, Лутфулло Каромов, Анвар Чориев, Жўра Қултоевлар кабилар фаол иштирок этди. Талабалар томонидан қуйилган хом ғишлар хумдонларда пиширилиб, пишиқ ғишлар қурилиш ташкилотларига берилди ва эвазига бошқа қурилиш материаллари олинди ҳамда институтда хашар йўли билан 12 та бино барпо этилди [2, 10-17].

Институтда ўқитувчиларни илмий ишга жал этиш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилди. М.Самадов филология фани бўйича “Комил Яшиннинг ижодий йўли” мавзусида, И.Е.Токарская “1917 йилга қадар ўзбек-ўқувчиларини рус тилига ўқитиш тарихидан”, Қ.У.Ўлжабоев “Ўзлаштиришни юқори кўтариш ва онгли интизомни тарбиялашда комсомол ташкилотининг роли” мавзусида илмий изланишлар олиб борди[5, 6-8]. 1965 йили Тоғай Ўринов, Н.Белалов, А.Я.Мирзабоев, Вафо Эгамбердиев, Ўктам Раҳимов, Тошпўлат Жовлиевлар номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1966 йили аспирантурада ўқиётганлар сони 47 тага етди. Шунингдек, 10 зиёд ўқитувчи докторлик диссертацияси устида изланиш олиб борди. 1964-1966 йили институт бўйича 10 та илмий тўплам, 4 та рисола тайёрлаб нашр этилди[6, 5-18].

1974 йили 1200 ўринга мўлжалланган, узоқ йиллар институт, кейинчалик университетнинг бош биноси сифатида фойдаланилган тўрт қаватли ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Аудиториялар танқислигига қисман барҳам берилди. Ўқув хоналари, лабораториялар жиҳозланди. Бош бинонинг биринчи қавати рус филологияси, қолган қаватлари физика-математика факултетлари учун ажратилди[7, 29].

Хуллас, Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасида Қашқадарё воҳасининг ўзига хос муносиб ўрни бор. Қарши педагогика билим юрти ва Қарши давлат педагогика институти Республикадаги энг катта ёшли билим масканлардан ҳисобланади. Мазкур таълим муассасаларида тайёрланган педагоглар вилоят умумтаълим тизимини кадрлар билан таъминлашда катта роль ўйнади.

Адабиётлар рўйхати

1. ҚВДА, 1– фонд, 1 – рўйхат, 417 – иш, 89 varaқ.
2. Содиқов Т., Расулов Т., Бегматова Н., Университет тарихидан лавҳалар 1 қисм. Қарши., “Қарши Давлат университети” нашриёти.- 2013
3. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 1-варақ.
4. ҚВДА, 463-фонд, 2-рўйхат, 74-иш, 12-варақ.
5. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 6-8-варақлар.
6. ҚВДА, 463-фонд, 1-рўйхат, 115-иш, 5-18-варақлар.
7. Эгамов Н, Содиқов Т. Жануб жавоҳири. Тошкент, Академнашр.- 2016

QASHQADRYO VOHASIDAGI TURDI QO‘RBOSHI HAQIDA

Boymanov R.

Qarshi davlat univetsiteti talabasi

Buxoro amirligi 1920 yil 2 sentyabr kuni sovetlar tomonidan qulatildi. Shundan so‘ng, sovet hokimiyatiga qarshi istiqloqlilik harakatlari amirlik hududlarida, jumladan Qashqadaryo vohasida ham qo‘rboshilar - sovet rejimiga qarshi qurolli harakat harbiy rahbarlari boshchiligida vujudga keldi.

Vohadagi istiqloqlilik harakati rahnamalaridan biri Turdi to‘qsabo edi. Kosonning Arabxona qishlog‘idan yetishib chiqqan Turdi to‘qsabo 1920 yilning oxirlarigacha amirlik xizmatida bo‘lib, uni 1921 yilning oxirida Koson tumani ijroqum raisligining o‘rinbosarligiga qo‘yishadi. U sovet hokimiyatining dastlabki yillarida mahalliy aholi orasida obru topgan, ilm-ma‘rifatli odamlarni o‘z tarafiga og‘dirish maqsadida ularga turli mansablarni beradi.

Ijroqum raisligi esa Obron qishlog‘ilik Gul oqsoqol bo‘lgan. Oradan biroz vaqt o‘tgach mahalliy oqsoqollar sho‘rolarning asl maqsadini payqab qolishadi va sovetlarni tark etib

istiqlolchilik harakati saflariga borib qo‘shiladi. Hatto viloyat militsiya bo‘limining boshlig‘i Doniyorbek 180 nafar qurollangan xodimlari bilan “Ozodlik bayrog‘i” ko‘taradi. Turdi to‘qsabo kosondagi Maymonaq tog‘i etaklariga borib joylashadi, birin-ketin Gul oqsoqol, Davron oqsoqol, Mullo Juma, Juma qorovulbegi, Sherqul Chori yasovulboshi, Saidxo‘ja kabi mahalliy yetakchilar ham sovetlarga qarshi kurash boshlaydi. Dovyurakligi va chavondozligi bilan dong‘i chiqqan Turdi to‘qsabo atrofida dastlab 40 ga yaqin safdoshlari bilan sho‘rolarga qarshi kurash boshlaydi, keyinchalik askarlari soni 600 kishigacha yetadi. Atrofdagi qishloqlarda yig‘ilgan, to‘plangan yigitlarni ko‘pini shaxsiy oti bo‘lsa-da, qurol va o‘q-dori masalasida yetishmovchilik yuzaga keladi. Buning uchun Turkmaniston orqali Erondan qurol-yarog‘lar keltiriladi. Qo‘shni Afg‘onistonga bordi-keldi qilinib, Amir qarorgohidan, shuningdek Turkiyalik Anvar poshoda yo‘l-yo‘riqlar olinib turadi. 1922 yilga kelib Turdi to‘qsabo Sho‘rolar tuzumiga qarshi kurashchilarning yalovbardoriga aylanadi. Arabxona qishlog‘i esa kurashchilarning markazi bo‘ldi. Turdi to‘qsabo 1921-1925 yillarda Qashqadaryo vohasining quyi qismida asosan Koson, Qarshi, Kasbi, Qamashi hududlarida harakat qiladi. Tarixchi olim P. Ravshanovning yozishicha, 1921 yilda Koson tumanida Sovet hokimiyatiga qarshi kurashganlar soni mingdan oshib ketgan. 1922 yil Kosonda vujudga kelgan ozodlik harakati kuchayib ketdi. Tumandagi sovet apparati, maorif yoppasiga sovetlardan yuz burib, unga qarshi kurash yo‘liga o‘tadi [1: 12].

Turdi to‘qsabo “sovetlashtirish” jonli bo‘lgan hududlarda inqilobiy revkomlar, ularning qo‘riqchilari, qizil askarlar, militsiya bo‘limlarini mag‘lub etib, amirlik hokimiyatini tiklash payida bo‘ladi. 1923 yilga kelib Turdi to‘qsabo birin-ketin Kasbi, Qamashi, Jeynov, Azizobod kabi qishloqlarni o‘z tobeligiga olishga erishdi. 1923 yilning 26 iyulida Qamashi qishlog‘ida Qizil armiya qismlarini chiqarib yuborishga erishdi, faqat oradan 5 kun o‘tib, Qamashida Sovet hokimiyati qayta tiklanadi. Turdi to‘qsaboni izidan sovetlarning 13-o‘qchi korpusi safarbar etiladi. Qarshi viloyat revkomida 1923 yil 6 sentyabrda bo‘lgan mutlaqo “mahfiy” yig‘ilishida Turdi to‘qsabo va odamlarini, qarindosh urug‘larini hibsga olishga qaror chiqarilgan edi. Natijada viloyatdagi istiqlochlilik qo‘mondoni Turdi to‘qsaboning qurboshilaridan bo‘lgan Temurxo‘ja eshon, Odil polvon qorovulbegi, Yaxshi Jugir o‘gli, Panji Ostons o‘gli, Xushmurod (Turdi to‘qsaboni o‘rinbosari) Rajab boqi, qarovul Qilich mirzo, Kamolov Juma qarovulbeg‘i, mulla Bo‘ri shodi qarovulbegi va boshqalarning barcha oila azolari va qarindosh urug‘lari zudlik bilan hibsga olinadi va ularning barcha mol-mulklari musodara etiladi. Turdi to‘qsabo va uning jasur yigitlari kurashni to‘xtatmagach, ularning barcha qarindosh urug‘lari qatl etiladi. Sovet hukumati qo‘rboshilarni mahalliy aholi qullab-quvvatlayotgani dastlab ularning ko‘magidan mahrum qilish kerakligi uchun istiqlol uchun kurashayotgan Qurboshilarni o‘gri, bosmachi, xalq dushmani kabi nomlar bilan atab, ularni xalq orasida obrusizlantirishga harakat qilgan.

1957 yil Qashqadaryo haqiqati gazetasining 13 noyabr sonida “Mo‘tabar qon” sarlavhali ocherk yozilgan, unga ko‘ra Hilol qishlog‘i aholisi va Turdi to‘qsabo o‘rtasidagi “To‘qnashuvlar” aks ettirilgan. Uzoq to‘qnashuvlardan holdan toygan Turdi to‘qsabo odamlari bilan Hilol qishlog‘iga chekinadi. Qishloq aholisidan oziq-ovqat va boshqa soliqlar talab qiladi. Shunda qishloq yoshlaridan Damir va Sayfullolar qishloq ahlini “Bosmachilarga” qarshi kurashga chaqiradi va qishloq aholisini inqilob qumitasining qishloqlarda Komsomol yoshlaridan “Bosmachilarga” qarshi guruh tuzish to‘grisidadagi qaror bilan tanishtiradi va qishloqda “qizil tayoq” degan guruh tuzadi. Ushbu xabar Turdi to‘qsaboni qulog‘iga yetib borgach, tunda ikkita yoshni qatl etadi. Ocherkda esa ularning to‘kilgan qoni mo‘tabar qon deb tilga olinadi. Ushbu ocherkda keltirilgan quyidagi jumlar yuqorida bayon etilgan qurboshilar tomonidan aholiga solingan soliqlarni bir qadar eslatadi: “Xidir oqsoqol qishloq aholisini yig‘ib birovga ikki echki, birovga bir pud un, yana birovga bir arava beda soliq solmoqda, Zayni oqsoqol uni quvvatlab, “kimki bu buyruqni bajarmasa boshi tanasidan judo bo‘ladi” deb yig‘ilganlarni qo‘rqitmoqda” [2].

Tarixchi olim P. Ravshanovning “Qo‘lga tushgan qasoskor” tarixiy asarida yozishicha, Puloti kentidan bo‘lgan Sodiq va Mullo Abdurahmon degan kishilar Turdi to‘qsabo uchun soliq yig‘gan

Kamandi mahallasi oqsoqoli Rahmat Turdi to‘qsabo uchun soliq yig‘ishdan bosh tortgan[3: 28]. Ushbu voqeadan xabar topgan Turdi to‘qsabo Rahmat oqsoqolni qatl ettirgan ekan.

N.Muhamedovning “Koson: tarix sahifalarida” nomli kitobi chop etilgan bo‘lib, unda “Bosmachilik harakati va ularning tugatilishi” nomli bo‘lim keltirilgan. Kitobda shunday yoziladi – “Bosmachi”larning xuruji kuchayadi Ahmad oqsoqal “Bosmachi”larning talabini bajarmagach tunda uyidan olib chiqishadi va tog` orasida tiriklayin uloq qilib chopishadi. Albatta bunday harakatlar aholini g‘azabga keltirmay qolmasdi” [4: 14]. Bundan tashqari kitobda Turdi to‘qsabo 1922 yildayoq tor-mor qilingani aytiladi, biroq manba keltirilmaydi.

Adabiyotda keltirilganidek, “Turdi to‘qsabo va unga safdosh bòlgan Qurboshilar guruhlarida elning mard o‘g‘lonlari jam bo‘lgan edilar” [5: 220]. Buxoro xalq sovet respublikasi Qashqadaryo vohasining quyi hududlaridagi sovetlarga qarshi harakatdan xavotirga tushib qolgan edi, bu hududda tezlik bilan Buxoro va Samarqanddan qo‘shimcha kuchlar keltirila boshlanadi. Sovet hukumati tomonidan 1922 yilda DSB – davlat siyosiy boshqarma, (GPU – Gosudarstvennoye politicheskoye upravleniye) sovet davlatining jazo organi tuzilgan. Sovetlar DSB qiyofasida qishloqlarda targ‘ibot - qo‘rqitish, Turdi to‘qsabo va boshqa Qurboshilar guruhlarida bo‘lgan yigitlarni qarindosh- urug‘larini qamash, ular mansub bo‘lgan qishloqlarda fitnalar uyushtirish kabi qabih ishlarni amalga oshiradi. “Bosmachilar” chiqqan qishloqlarda misli “Bosmachi” tariqasida talon - tarojliklar qilish, odamlarni o‘ldirish, ko‘z ostiga olingan uylarga o‘t qo‘yish maxsus rejalar asosida amalga oshiriladi. Sovetlarning “Bosmachilarga” qarshi kurash bo‘limi tomonidan 1924 yilning iyul-oktyabr oylarida maxsus operatsiya o‘tkaziladi. Natijada Turdi to‘qsaboning ayrim qurboshilari asir tushadi. Bular Bahri Juraev, Abdunazar Maxmarasulov, Mulla Abdurahmon Ochilov, Hamdam Mahkamov, Sodiqli Jonquvvatov, Nematxo‘ja Umarxo‘jayev, Salomxo‘ja Husainxo‘jaev, Eshonqul Tursunov, Polvonxo‘ja Po‘latxujayev, Xamro Juraev kabi qurboshilar edi”. 1925 yil yilning boshiga kelib Turdi to‘qsaboni oradan ko‘tarish Qashqadaryo okrugi firqa sovet tashkilotlari Qizil armiya qismlari va umuman jazo organlarining asosiy muammosiga aylandi. O‘sha damda Turdi to‘qsabo atrofidagilarning safi ancha siyraklashib, yurt mustaqilligi uchun o‘limni bo‘yniga olgan sadoqatli yigitlarga qolgan edi. Bu paytda sovet tashviqoti qurol yordamida to‘qsaboni xalqqa yomon otliq qilib ko‘rsatayotgan edi. Viloyat bosmachilikka qarshi kurash kengashi Sho‘rolarga mayli bo‘lgan aholi vakillaridan ko‘ngilli guruh tuzishga. qaror qiladi. Xo‘sh aholi o‘rtasida sho‘rolarga mayl qayerdan kelib chiqdi? Masalan, 1925 yilning oktabr oyida Olatun qishlog‘ida 12 uy yoqib yuborilgan va aholiga “buni Turdi to‘qsabo yigitlari qildi, ular qishloqning qolgan uylarini ham yoqib yuboradi” degan shov-shuv tarqatilgan, natijada aholining Turdi to‘qsabo yigitlariga nisbatan nafrati qo‘zg‘atilgan va ko‘ngilli guruhning aksar a‘zolari Olatun qishlog‘i hisobidan to‘ldirilgan. Shu qishloqlik mulla Tog‘ay va uning to‘dasi Turdi to‘qsaboga qarshi sovetlarga, Qizil armiya qismlariga ko‘ngilli guruh a‘zolari sifatida faol yordam berishgan. Qamashi tumanidagi Sartuldi qishlog‘ida Qizil armiya qismlari 24 yigitdan iborat Turdi to‘qsabo guruhini aniqlab, janga kirishadi va ularni o‘rab olishga muvaffaq bo‘ladi. 1925 yilning 7 noyabrida Turdi to‘qsabo halok bo‘ladi [6: 24]. To‘qsabo chimdan g‘arbroqda joylashgan Qoratikan qishlog‘iga dafn qilinadi, oradan ikki kun o‘tgach uning qabri ochiladi. Sovet hokimiyatining ashaddiy dushmani sifatida qo‘rboshining hoki tahqirlanadi, boshi tanasidan judo etiladi va ishonch hosil qilish uchun Qarshiga yuboriladi. P. Ravshanov yozganidek, “Qo‘rboshi Turdi to‘qsabo halokati Qashqa vohasida o‘tgan asrning 20-yillari boshlarida vujudga kelgan, sovet hokimiyatiga qarshi katta kuchga aylangan ozodlik harakati uchun katta yo‘qatish, mag‘lubiyatning ibtidosi edi” [7: 17].

Xullas, Qashqadaryo vohasidagi qo‘rboshilaridan biri bo‘lgan Turdi to‘qsabo XX asrning 20-yillarida sovetlarga qarshi tengsiz kurashlarni olib bordi. Vohaning bir necha hududlarida sovetlarga qarshilik ko‘rsatgan qo‘rboshi va uning tarafdorlari Qizil armiya kuchlariga teng kelolmasdan mag‘lub bo‘lgan edilar.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Ravshanov P. Qo‘lga tushgan qasoskor. –T.: Yangi asr avlodi, 2014.
2. Xamroyev Ch., Po‘latov A., Nurov S. Mo‘tabar qon // Qashqadaryo haqiqati, 1957 yil 13 noyabr.

3. Ravshanov P. Qo‘lga tushgan qasoskor. –T.: Yangi asr avlodi, 2014.
4. Muxamedov N. Koson: tarix sahifalari. – Qarshi: Nasaf, 1997.
5. Rajabov Q. Turkiston qurboshilari. –T.: Fan, 2022.
6. Ravshanova G.P. Qashqadayo vohasida sovet hokimiyatining o‘rnatilishi va unga qarshi qurolli harakat (1920-1930 yillar). Tarix fan. bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy daraja. olish uchun yozilgan diss. avtoreferati. – Qarshi, 2021. –B. 24.
7. Ravshanov P. Qizil Saltanat iskanjasida. Tajovuz. Birinchi jild. –T.: Sharq, 2011. –B. 17.

SOVET DAVRIDA XOTIN QIZLAR TASHKILOTLARI FAOLIYATI TARIXIDAN

Djurayeva N.D.

**O‘zbekiston davlat jahon tillari univesriteti O‘zbekiston tarixi kafedrasini mudiri,
tarix fanlari nomzodi, dotsent**

Jamoat tashkilotlariga birlashish huquqi siyosiy erkinlikni amalga oshirish va jamiyatda demokratiyani ta'minlashning muhim shartidir. Ushbu norma yangi tahrirdagi Konstitutsiyaning 39-moddasi bilan quyidagicha mustahkamlangan: “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari kasaba uyushmalariga, siyosiy partiyalarga va boshqa jamoat birlashmalariga uyushish, ommaviy harakatlarda ishtirok etish huquqiga egadirlar.

Siyosiy partiyalarda, jamoat birlashmalarida, ommaviy harakatlarda, shuningdek davlat hokimiyati vakillik organlarida ozchilikni tashkil etuvchi muxolifatchi shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qadr-qimmatini hech kim kamsitishi mumkin emas”.

Biroq, sovet davridagi jamoat tashkilotlari, xususan, xotin-qizlar tashkilotlari, ya'ni ayollar qo'mitasining faoliyati bevosita kommunistik mafkura ta'sirida bo'lganligi yaqin o'tmishdan ma'lum. Sovet xotin-qizlar qo'mitasining mavjudligi SSSR hokimiyati uchun kapitalizmga qarshi mafkuraviy kurash olib borishda ma'lum bir siyosiy zarurat edi. Chunki, gender “ozodligi” kabi o'tkir ijtimoiy muammoni gender tengsizlik kabi global muammodan ajratish mumkin emas edi.

Tadqiqotchilar fikriga ko‘ra, sovet davlati siyosatida xotin-qizlarga nisbatan uch asosiy bosqichni ajratish mumkin:

1. 1917-1930 yillar. Bu davrda xotin-qizlar “ozodligi” hamda erkaklar bilan teng huquqliligini ta'minlash sovetlar davlatining rasmiy mafkuraviy vazifasi etib e'lon qilingani holda, ishlab chiqarish sohasida xotin-qizlar mehnati ulushini oshirish eng muhim ahamiyat kasb etgan. Xotin-qizlarning jamoat ishlab chiqarish mehnatidagi ishtiroki ularning ijtimoiy maqomini belgilovchi asosiy omil deb hisoblangan. Bundan tashqari, shu paytda sovet qonunlariga erkaklar bilan ayollarning oilaviy sohadagi tengligi prinsipi ham kiritilgan bo'lib, 1917 yil dekabrda “Fuqarolik nikohi to'g'risida” va “Nikohni bekor qilish to'g'risida” ikkita dekret chiqarilgan. Mazkur hujjatlar fuqarolik nikohini qonuniylashtirib, ajralish to'g'risidagi masalalarni hal etishda er bilan xotinning huquqlarini tenglashtirgan. Xotin-qizlarni ozod qilishga doir sovet dasturining keyingi muhim yo'nalishi erkaklar va ayollarning siyosiy teng huquqligini ta'minlash bo'ldi. Ayni shu davrdan xotin-qizlarning jamoat va davlat boshqaruvi idoralarida ishtirok etishi uchun partiyaviy-ma'muriy kvotalarni amalda joriy etish boshlandi.

2. 1930-1960 yillar. Mazkur bosqichda ayollar teng huquqliligini ta'minlash sohasida sovet davlati siyosatining konsepsiyasida katta o'zgarishlar yuz berdi. “Xotin-qizlar masalasi hal etib bo'lindi”, - deb e'lon qilingan g'ayriilmiy xulosa asosida xotin-qizlar bo'limlari tarqatib yuborildi, davlat esa ishlab chiqarish va demografiya vazifalarini hal etishga kirisha boshladi. Ayni shu yillarda ijtimoiy proteksionizm g'oyasining shakllanishi oqibatida xotin-qizlar davlat siyosati sub'yektidan uning ob'yektiga aylandi. Bu esa pirovardida ayollarga munosabatda patriarxal tizimni qayta tikladi.

3. 1960-1991 yillar. Bu davrda sovet davlati xotin-qizlar emansipatsiyasi borasida o'z oldiga qo'ygan ko'p masalalarni oxirigacha yetkaza olmadi. Xususan, uy xo'jaligini umumlashtirish g'oyasi shular jumlasidandir. Shuningdek, umumiy ovqatlanish, korxonalar qurish rejalari mun-

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

tazam ravishda bajarilmas, maktabgacha tarbiya bolalar muassasalarida o‘rinlar yetishmas edi. Oiladagi vazifalar taqsimlanishida ham qandaydir jiddiy o‘zgarishlar ro‘y bermadi - xotin-qizlar avvalgidek o‘z zimmasida ikki karra yukni ko‘tarar edi. Ishlab chiqarish sohasida xotin-qizlar ilgorigidek ikkinchi darajali rollarni bajarardi. Partiya hisobotlarida xotin-qizlar holatini baholashda patriarxal yondashuv ko‘proq eshitila boshladi. 1980-yillar o‘rtalarida boshlangan demokratik jarayonlar ham ayollar teng huquqligi masalasida keskin o‘zgarish yasamagan bo‘lsa-da, “Qayta qurish” siyosati natijasida xotin-qizlar harakatini baholashga yangicha uslubiy yondoshuvning ishlab chiqilishi zarurligi asoslab berildi. Lekin bu masalaning to‘liq hal qilinishiga muvaffaq bo‘linmadi. Chunki, kommunistik mafkuraning davom etib kelayotgan hukmronligi, mustabid tuzumning saqlanib turganligi bunga imkon bermadi.

Sovet hukumati vakillari o‘zlarining mustamlakachilik va ulug‘millatchilik siyosatining maqsad va manfaatlaridan kelib chiqib, mahalliy millat xotin-qizlarini ijtimoiy-siyosiy faolligiga erishish uchun 1919 yil 12 noyabrda RKP(b)ning Turkiston o‘lka qo‘mitasida xotin-qizlar bo‘limi, 1919 yil dekabrda partiyaning Toshkent shahar komitetida xotin-qizlar bo‘limi tashkil etdi. 1920 yil mart oyidan boshlab xotin-qizlar bo‘limi qoshida xotin-qizlar bilan ishlash sho‘balari tashkil etildi. 1921 yilda RKP(b)ning Turkiston O‘lka qo‘mitasida xotin-qizlar bo‘limi Turkiston KP MQ xotin-qizlar bo‘limiga aylantirildi.

Sovetlar Sharq xotin-qizlari turmushining iqtisodiy, madaniy, maishiy shart-sharoitlaridagi o‘ziga xos xususiyatlardan kelib chiqib, xotin-qizlar bo‘limlari faoliyatida uchta yo‘nalishni rivojlantirishni muhim deb topdi:

- xotin-qizlarni tegishli artellar, kasaba soyuzlariga jalb etish orqali ularni iqtisodiy jihatdan ozod qilishni ta‘minlash;

- maktablar, klublar va boshqa madaniy-ma‘rifiy muassasalarni tashkil etish;

- xotin-qizlarni targ‘ibot-tashviqot orqali «sosalistik qurilish» amaliyotiga jalb etishning barcha formalari bilan keng qamrab olish asosida siyosiy jihatdan tarbiyalashdan iborat edi.

Tashkil etilgan xotin-qizlar bo‘limlari ayollar orasida bir qator chora-tadbirlarni amalga oshirib, ularni ijtimoiy mehnatga jalb qilish, ular mehnatidan foydalanish uchun o‘ziga xos mexanizmlar asosida har xil targ‘ibot-tashviqot ishlarini olib bordi. Xotin-qizlarni “ozod qilish muammosi” ular o‘rtasida savodsizlikni tugatish hamda ijtimoiy hayotga jalb etish orqali hal etishga kirishildi. Jumladan, savod chiqarish maktablari, onalar va bolalar uylari, tug‘ruqxonalar, doyalik kurslari tashkil qilindi. Ayni paytda joylarda xotin-qizlar bo‘limlarini tashkil etish ishiga ham alohida e‘tibor berila boshlandi.

Qoraqalpog‘istonda esa, 1920 yil fevralda Petro-Aleksandrovsk (To‘rtko‘l)da dastlab 30 kishidan iborat mehnatkash xotin-qizlar ittifoqi tashkil topdi va shu yilning oxirida shahar partiya qo‘mitasining xotin-qizlar bo‘limiga aylantirildi. Ushbu bo‘lim 1925 yildan amalda haqiqiy faoliyat yurita boshladi. Tashkilotchilari esa, asosan, rus millatiga mansub ayollar bo‘lgan.

Xotin-qizlar bo‘limlari konferensiyalar va s‘yezdlar o‘tkazish orqali o‘zbek ayollarining faolligini oshirib borgan. Chunki, konferensiya va s‘yezdlar xotin-qizlarning o‘zaro fikr, tajriba almashuvida muhim rol o‘ynagan anjuman hisoblanib, unda xotin-qizlarning huquqiy ahvoli, partiya, komsomol, “Qo‘shchi” tashkilotlari, xotin-qizlar bo‘limlarining ayollar o‘rtasida olib borayotgan ishlari, xotin-qizlar hay‘atini tuzish, qalin, ko‘pxotinlik, savodsizlikni tugatish maktablari va hokazo muammolar hal etilgan, tegishli qarorlar qabul qilingan. Shuningdek, xotin-qizlar bo‘limi va sho‘balarining bosh vazifalaridan biri qilib, mahalliy millat ayollari o‘rtasida “sinfiy tafakkurni shakllantirish” belgilangan. Bu esa, sovetlarning o‘z tarafdorlari sonini va markazning itoatkor hayrixoh xizmatkorlarini ko‘paytirish singari siyosiy maqsadlariga mos tushar edi.

Sovet hukumatining dastlabki yillarida Turkistonda tub millat xotin-qizlarini “ozod etish”ga qaratilgan, ularning “erkaklar bilan to‘la tengligini qonuniy tartibda belgilaydigan, ko‘p xotinlilik, qalin berish, balog‘atga yetmagan qizlarni zo‘rlab erga berish ta‘qiqlangan qonunlar” qabul qilindi. Jumladan, “Xotin-qizlar va erkaklarga teng mehnat uchun teng haq to‘lash to‘g‘risida”, “Onalik va bolalikni muhofaza etish to‘g‘risida” dekretlar qabul qilindi. Shuningdek, 1918 yilgi birinchi sovet

Konstitutsiyasida xotin-qizlarga erkaklar bilan birga davlat lavozimlariga saylash va saylanish huquqi berildi. Ammo, ularning hammasi “xo‘jako‘rsinga” e‘lon qilingan bo‘lib, mahalliy xalqqa siyosiy va insoniy huquqlar berish o‘rniga, o‘lkada qattiq nazorat va ta‘qib o‘rnatildi.

Shuni ta‘kidlash joizki, 1920-yillardagi ayollar harakati hamma narsadan ko‘ra ko‘proq ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyat kasb etgan edi. 1929-yilda ayollar bo‘limlarining tugatilishi bolsheviklar partiyasiga mustaqil xotin-qizlar tashkilotlariga zarurat yo‘qligini anglatga-da, biroq ularning mehnatiga talab ortib borardi.

Bu davrdagi sovet hokimiyatining o‘zbek xotin-qizlariga bo‘lgan munosabati mohiyatidan kelib chiqib, mazkur masalani shartli ravishda quyidagi 2 bosqichga bo‘lib o‘rganish mumkin:

Birinchi bosqich 1920-1925 yillarni o‘z ichiga oladi. Bu davrda O‘zbekiston xotin-qizlarini ijtimoiy-iqtisodiy hayotga jalb qilish va ularning madaniyatini yuksaltirish borasida hukmron mafkura tazyiqidan holi ravishda dastlabki tadbirlar amalga oshirildi. Siyosiy tizimning tarkibiy qismi sifatida vujudga kelgan xotin-qizlar bo‘limlari, kasaba uyushmalari, komsomol tashkilotlari, kooperativ shirkatlar, «Qo‘shchi» uyushmasi, xotin-qizlar klublari singari ijtimoiy tashkilotlar xotin-qizlarni ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotga jalb etishda “tashabbus” ko‘rsatdi.

Ikkinchi bosqich 1926-1930 yillarni o‘z ichiga oladi. Bu bosqichda xotin-qizlar bilan erkaklar mehnatini tom ma‘noda tenglashtirish g‘oyasi ustuvorlik qilgan. Chunki, 1926-1927 yillarda bo‘lib o‘tgan “Hujum” kampaniyasi natijasida xotin-qizlarga bo‘lgan munosabat jiddiy o‘zgardi. Jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy sohalarida boshlangan inqilobiy o‘zgarishlar rahnamosi bo‘lgan kommunistik mafkura o‘z manfaatidan kelib chiqib, mahalliy millat xotin-qizlariga shovinistik maqsadda ma‘muriy usullar bilan muomala qildi. Ayniqsa, mamlakatda boshlangan sanoatlashtirish, jamoalashtirish va madaniy o‘zgarishlar davrida hukmron mafkura va davlatning tazyiqi, talablari asosida xotin-qizlarning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotdagi o‘zgarishlarda faqat shakl va sonda namoyon bo‘lgan keng ishtirokiga erishildi. Ammo, bu jarayon negizida har qanday milliy xususiyatlarni inkor etuvchi, “yagona sovet xalqi”ni targ‘ib qiluvchi soxta baynalmilallik g‘oyasi yashiringan bo‘lib, bu esa, o‘z navbatida o‘zbek xotin-qizlaridan mustabid tuzum uchun “sosializm g‘oyalari”ga ishongan o‘z tarafdorlarini tarbiyalash imkonini berdi. Sovetlar mahalliy millat ayollaridan partiya saflarini to‘ldirib, o‘z tarafdorlari sonining ortishiga erishdilar. Bunga o‘zbek ayollarining qalbidagi vatanparvarlik, shijoat, tashabbuskorlik kabi his-tuyg‘ular ham sabab bo‘lgan. Chunki, ular socialistik g‘oyalarning xalq manfaatlariga mos tushadi, deb ishonganlar. 1930-yillarda ko‘plab ayollar erkaklar kasblarini faol o‘zlashtiran holda, traktorchi, uchuvchi, teplovoz mashinisti va boshqa kasblarni egallay boshlashdi. Bu bosqich yana shunisi bilan ziddiyatliki, ijtimoiy-siyosiy faolligi oshgan ayollar 30-yillarning oxiriga kelib, mustabid tuzumning qatag‘onlik siyosati qurboniga aylandi.

30-yillarga kelib, “xotin-qizlar masalasining hal bo‘lganligi” haqidagi g‘ayriilmiy xulosa natijasida xotin-qizlar bo‘limi faoliyati VKP(b) MQning 5 yanvardagi qarori bilan tugatildi. Qarorda xotin-qizlar bo‘limlarining vazifalari firqa qo‘mitasi va uning bo‘limlariga o‘tganligi ta‘kidlanib, maxsus sektorga aylantirildi. Sektorlar zimmasiga sovet hukumati va kommunistik partiya tomonidan «xotin-qizlar masalasining hal bo‘lganligi» haqidagi xulosani ilmiy-amaliy jihatdan mustahkamlash vazifasi yuklatildi. 1930 yili Kommunistka va 1934 yili Yangi yo‘l jurnallarini nashr etish to‘xtatildi. Xotin-qizlar o‘rtasida olib boriladigan butun ishlarning mas‘uliyati Mehnat va turmushni yaxshilash Komissiyalari zimmasiga o‘tdi. Komissiya tarkibida respublika bo‘yicha 100 dan ortiq a‘zo bo‘lib, ular komissiya zimmasidagi katta hajmdagi ishlarni bajarish imkoniyatidan yiroq edi. Shuning uchun komissiyalar 1930 yil may oyida ittifoq respublika, viloyat, shahar va joylardagi ijroiya qo‘mitalariga aylantirildi va 1932 yilda o‘z vazifasini bajarib bo‘lgan organ sifatida tugatildi. Aslida bu jarayonga sabab, sovet hukumati va kommunistik partiyaning xotin-qizlarni “iqtisodiy ozodlikka chiqarish” shiori ostida ijtimoiy ishlab chiqarishga jalb etish, ular mehnatidan arzon ishchi kuchi sifatida foydalanish bilan jamiyatning asosiy ishlab chiqaruvchi kuchiga aylantirib, o‘z maqsadiga erishishida hamda ijtimoiy-siyosiy

faolligi oshib borgan ayollarning o‘z haq-huquqlari uchun kurashib, mustabid tuzum tomonidan o‘zlariga nisbatan olib borilayotgan siyosatdan norozilikning kuchayib borishida edi.

Umuman olganda, SSSRda xotin-qizlar o‘rtasida mehnat va ularning iqtisodiy mustaqilligi siyosiy jarayonlardagi ishtiroki va oilaviy munosabat masalalari bilan shug‘ullanadigan bir qator ayollar tashkilotlari faoliyat yuritdi. Bularga 1929-yilda tugatilgan ayollar bo‘limlarini, 1941-yilda tuzilgan Sovet ayollarining antifashistik qo‘mitasini va keyinchalik 1956-yilda qayta tashkil etilgan, Sobiq Ittifoqda xotin-qizlar harakatining markazi va harakatlantiruvchi kuchi bo‘lgan xotin-qizlar qo‘mitasini, 1990-yilda esa Rossiya ayollar ittifoqiga aylantirilgan xotin-qizlar tashkilotlarini misol keltirish mumkin. Mazkur ayollar ittifoqi professional sportdan tortib menejmentgacha bo‘lgan turli sohalarni qamrab olgan 8 ta yo‘nalishda o‘z faoliyatini olib bordi. Xususan, salomatlik va sog‘lom turmush tarzi, oila va bolalar, ayollar tadbirkorligi, onalik, madaniyat va ma‘naviyat, ekologiya, ijtimoiy sheriklik, qishloq taraqqiyoti va shular jumlasidandir.

Xulosa qilib aytganda, sovet hokimiyati va kommunistik partiya ma‘muriy-buyruqbozlik tizimining barcha shakl va usullaridan foydalangan holda mahalliy millat ayollarini ijtimoiy-siyosiy jabhaga tortib, ulardan partiya saflarini to‘ldirib, “yangi socialistik jamiyat”ni qurishda o‘z tarafdorlariga erishishga intildi. Natijada o‘zbek xotin-qizlarining ijtimoiy-siyosiy ongi va faolligi ma‘lum darajada o‘ydi. O‘zbek ayollarining tabiatida mavjud bo‘lgan vatanparvarlik, millatparvarlik tuyg‘ularini sun‘iy ravishda Ittifoq deb atalgan hududga yoyishga harakat qilindi hamda ularning siyosiy va huquqiy ongini shakllantirmaslikka qaratilgan siyosat milliy o‘zlikni anglash va mustaqillik uchun kurashishga zarur bo‘lgan tug‘ma ehtiyojlarning uyg‘onishiga yo‘l qo‘ymadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Axunova M., Ubaydullayeva R. Женщины Узбекистана навстречу междunarodnom godu женщин// Общественные науки в Узбекистане.-Tashkent, 1975.-№8. S. 3-8.
2. Aminova R. Rost tvorcheskiy aktivnosti zhenshin sovetskogo Uzbekistana// Общественные науки Узбекистана.-1987.- №3.29-36s.
3. Bobojonova D.B. O‘zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar.-Toshkent: Sharq, 1999.-158b.
4. Bobojonova D.B. Aholi salomatligi va ekologik muammolar. -Toshkent: Fan, 1996. 4 -b.
5. Bobojonova D.B. Yengil sanoat va fan-texnika taraqqiyoti. -Toshkent: Fan, 1998. 5-b.
6. Bobojonova D.B. Millat g‘ururiga aylangan ayol // Fan va turmush. – Toshkent, 1996 yil.
7. Sulaymonova X. O‘zbekiston xotin-qizlari socialistik qurilishda. – Toshkent: O‘zdavnashr.1955. – B.47.
8. Ismoilova G. U. O‘zbekistonda xotin-qiz ishchi kadrlar tayyorlash. – Toshkent: O‘zbekiston, 1983. – 22 b.
9. Sobirova D.T. O‘zbekistonda sovet totalitar tuzumining ayollar masalasidagi siyosati va uning oqibatlari (XX asrning 40-80 yillari) Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajisini olish uchun yozilgan dissertatsiya. –Toshkent: 2009. -152-b.
10. O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. – Toshkent: Sharq. 2000
11. Jo‘rayeva N. O‘zbekistonda xotin-qizlarga munosabat (XX asrning 20-80-yillari misolida) o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2013. – 265b.

ДАВРИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ УЗУМЧИЛИГИ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Тўпчиев У.С.

Жиззах ДПУ ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Ўрганилаётган даврда Туркистон ўлкаси анъанавий узумчилиги, узумчилик соҳаси ривожининг янги босқичга кўтарилиши, узум ва узум маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлардаги савдоси каби масалаларнинг ёритилишида илмий қиймати жиҳатдан юқори ўринда туришлиги билан Туркистон ўлкасига келган қишлоқ хўжалиги ва бошқа турли соҳа

рус мутахассислари томонидан яратилган адабиётлар ҳамда чоп этилган даврий нашр материаллари муҳим ўрин тутди.

Хусусан, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига Россиядан келган кишлок хўжалиги ва бошқа соҳа мутахассисларидан А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорская, К.А.Александр, В.Ю.Феревларнинг тадқиқотлари ҳамда А.Регель, Вербов, А.Пулло, М.И.Вирский, К.А.Тимаев, И.Слущкий, И.Стекольников, И.Танатар, С.Григорьевларнинг даврий нашрларда чоп этилган мақолалари бунга мисол бўла олади.

Мазкур муаллифлар томонидан яратилган адабиётлар ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларда ўлкада азалдан етиштирилиб келинган маҳаллий узум навлари, уларни парваришлашнинг анъанавий усуллари, четдан келтирилган янги узум навлари ва уларнинг ўлка табиий-иқлим шароитига мослаштирилиши, узумчиликда янги агротехник қондаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш, узумдан олинган ҳом ашёни қайта ишлаш орқали истеъмол ва бозорбоп маҳсулотларни тайёрлаш каби ўлка узумчилигига оид масалалар келтириб ўтилган. Шунингдек, мазкур тадқиқот ва мақолаларда Туркистон ўлкасида узумчилик асосида виночилик саноатининг ташкил этилиши, вино тайёрлаш усуллари ва уларнинг турлари, ички ва ташқи бозорларда узум ва вино маҳсулотлари нарх-навоси ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам қайд этилган.

Хусусан, таниқли рус агрономи А.И.Шахназаровнинг тадқиқотида бутун Туркистон ўлкасининг деярли барча суғориладиган, шунингдек тоғли ва кам сувли ҳудудларида тарихий-географик жиҳатдан узумлар асосан маданий ва айрим жойларда ёввойи ҳолда тарқалганлиги таъкидланади. Ушбу масала биргина Пскент водийси мисолида келтирилиб, узумлар тоғли Бўстон кишлоғидан бошланиб, денгиз сатҳидан 2800-4000 фут баландликка қадар тарқалганлиги, узумзорларнинг Тошкент ҳудудида шимолий тарқалиш чегараси Авлиёота шаҳрига қадар, жанубий чегараси эса Чимкент ва Тошкент шаҳрининг атрофи ҳамда Хўжанд уездига қадар эканлиги таъкидланади [12: 237-238].

Давр муаллифлари тадқиқотлари ва мақолаларида келтирилган мавзуга оид маълумотлар таҳлиliga кўра, узумчилик ва виночилик соҳаси бўйича ўлка вилоятларининг ўринлари каби масалалар ҳам қайд этилган. Масалан, бу борада ўлкада Самарқанд биринчи ўринда бўлиб, биргина 1872 йилда ушбу вилоятда 2000 десятина майдонга тенг узумзорлар бўлган бўлса, кейинги 1888-1889 йилларда вилоятда узумзорлар майдони 6650, 1890 йилда 5 774, 1891 йили 6 204, 1893 йили 6 490, 1894 йилда 6 445, 1895 йили 6103 ва 1897 йилда эса 7832 десятинага етиб, йил сайин узумзорлар майдони кенгайиб борганлиги келтирилади [12: 237-239].

А.И.Шахназаровнинг таъкидлашича, ўлкада узумчилик бўйича кейинги ўринда Сирдарё вилояти туриб, вилоят уездлари бўйича узумзорларнинг умумий майдони қуйидагича бўлган: Тошкентда 1 648 десятина, Чимкентда 20 десятина, Авлиёотада 5 десятина ва Амударё бўлимида 20 десятина, қолган асосий майдонларнинг 1 700 десятинали Тошкент уезди ва Тошкент шаҳрига тўғри келган. Вилоятда узумчилик соҳаси бўйича Тошкент уезди ва Тошкент шаҳри етакчи ўринда турган. 1897 йилги маълумотларга кўра Тошкентнинг янги шаҳар қисмида 74 десятина, эски шаҳар қисмида 957 десятина, шунингдек Тошкент уездида эса 617 десятина, жами 1 648 десятина майдонга тенг узум етиштириладиган боғлар бўлган. Тошкентнинг янги шаҳар қисмида мавжуд бўлган 74 десятина узум боғларнинг 45 десятинали давр рус тадбиркорлардан бўлган Н.И.Ивановга, 25,5 десятинали Первушинга ва қолган қисми эса маҳаллий аҳолига тегишли бўлган [12: 237-239].

Давр муаллифларидан В.Ю.Ферев ва А.И.Шахназаровларнинг тадқиқотларида келтирилишича, 1897-1898 йилларда Фарғона вилояти уездлари бўйича узумзорлар майдонининг тақсимланиши қуйидагича бўлган: Наманганда 2 843 десятина (1897) ва 2 874 десятина (1898), Марғилонда 2 352 десятина (1897) ва 1 155 десятина (1898), Қўқонда 1 787 десятина (1897-1898), Андижонда 314 десятина (1897) ва 500 десятина (1898), Ўшда 31 десятина

(1897) ва 26 десятина (1898), вилоят бўйича эса жами узумзорлар майдони 7 327 десятина (1897) ва 6 342 десятинани (1898) ташкил этган [13: 47-50; 12: 239].

Демак, мазкур муаллифлар тадқиқотларида келтирилган рақамлардан ҳам кўриш мумкинки, узумчилик ўлкага келтирилган янги узум навлари ва уларнинг маҳаллийлаш-тирилиши, шунингдек соҳада янги техника ва технологияларнинг қўлланлиши, қолаверса ўлка маҳаллий миришкор аҳолиси ва соҳа рус мутахассисларининг самарали меҳнатлари натижасида узум майдонлари кўлами йил сайин кенгайиб, боғдорчиликда узумчилик тармоғи ҳам ривожланиб борган.

Шунингдек, даврий тадқиқот ва мақолаларда ўлкада узумдан олинган ҳосил миқдори ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Масалан, мазкур тадқиқотларда келтирилишича, ўлка вилоятларида жами 19 282 десятина узум боғларидан бир йилда олинадиган ўртача ҳосил миқдори Самарқанд вилоятида 5 197 000 пуд, Сирдарё вилоятида 500 000 пуд, Фарғона вилоятида 2 558 000 пуд, ўлка бўйича жами 6 225 000 пудни ташкил этганлиги келтирилган [12: 240].

Бундан ташқари, мазкур муаллифларнинг тадқиқот ва мақолаларида Туркистон ўлкасида азалдан етиштириб келинган маҳаллий узум навлари номлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар қайд этилган. Масалан, ўрганилаётган даврда ўлкада узумнинг Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домбробби, Майизи, Катта-Қўрғони, Дорои, Оқ ва Пушти Ҳусайни, Ҳасайни, Саҳоби, Гилами, Офпари, Буваки, Маска, Набиши, Хожаахрори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шибилғони, Хотинбармоқ ва бошқа шу каби йигирмадан ортиқ узум навлари етиштирилиб, улардан мўл ҳосил олиб келинган [3: 48-50].

А.И.Шахназаров тадқиқотида келтирилишича, Туркистон ўлкасида 1895 йилга қадар ўлка аҳолиси томонидан узумчилик борасида ҳеч қандай илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Муаллиф бу борада тўхталар экан, бу масалада биринчилардан бўлиб ўзи иш бошлаган, мазкур масалада эса унга ўз соҳасининг етакчи мутахассисларидан бўлган Н.И.Королков, И.И.Гэер, С.И.Лидского ва жаноб Пуллолар катта ёрдам берганлигини таъкидлайди.

Мазкур адабиётларда Туркистон ўлкасига четдан келтирилган янги узум навлари ва уларни иқлимлаштириш, бу борада боғдорчилик тажриба плантацияларининг ташкил этилиши, ушбу соҳа мутахассисларининг ўлкага жалб этилиши ва уларнинг узумчилик ҳамда виночилик саноатини ривожлантиришда қўшган ҳиссалари каби маълумотлар ҳам қайд этилган.

Масалан, мазкур тадқиқотларда қайд этилишича, ўлкага узумнинг серҳосил ва винобон янги навлари асосан Украина (асосан Қрим), Молдова, Кавказорти ва бошқа жойлардан келтирилган. Туркистонга хориждан илк бор янги узум навлари 1868 йилда Тошкент уездига олиб келинган бўлса, кейинчалик четдан келтирилган янги узум навларини етиштириш, йирик узум плантацияларига асос солиш борасида ўлка вилоятларидан Самарқанд асосий марказга айланганлиги таъкидланади [9: 59-60; 12: 237-239].

Туркистон ўлкасида 1888 йилдан янги узум навларини етиштириш ишлари кенгайиб, четдан келтирилган янги узум навлари юзлаб боғбонларга тарқатиш ва сотиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Хусусан, И.Стекольниковнинг қайд этишича XX аср бошларида Самарқанд вилоятида янги узум навлари асосида ташкил этилган 50 десятина ер майдонига эга тажриба плантацияси мавжуд бўлиб, унда Қора Птивердо, Франк-менс, Изабелла, Каберно-Савиньон, оқ Шампань, Рислинг, Сотернь, Опорто, Модерн-Мальвази, Лакрима-криси, оқ Мускат каби четдан келтирилган янги узум навлар парваришланган, шунингдек, мазкур узум навлари бошқа узум плантациялари ҳамда маҳаллий боғбонларга ҳам тарқатилган ёки сотилган [3Ж 169-171; 9: 136].

А.И.Шахназаров, М.Невескийларнинг қайд этишларича, тошкентлик рус тадбиркорлари ва кишлок хўжалиги мутахассисларидан Н.И.Иванов ва И.И.Первушин, самарқандлик А.Л.Филатов ва Р.С.Проховскийлар четдан янги узум навларини ўлкага олиб келиш ҳамда уларни маҳаллий шароитга мослаштиришда катта ҳисса қўшишган. Хусусан, ушбу

мутахассилар томонидан узумнинг Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперани Мускати, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла каби, шунингдек қора ва қизил навлардан Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг, қолаверса Оқ Мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланинг каби йигирмага яқин янги навлари ўлкага келтириб маҳаллийлаштиришган [6: 177-183; 10: 322].

Юқорида кўриб чиқилган адабиётлар ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларда узумнинг навларига қараб Туркистон ўлкаси вилоятлари бозорларида уларнинг нарх-наво-ларининг ҳам турлича эканлиги таъкидланади. Масалан, XIX асрнинг охириги ўн йиллигида Самарқанд уезди бозорларида хўраки узумнинг бир пуди ўртача 20-40 копеек (Саҳоби ва Ҳусайнининг нархи 50 копеек, қолганлари 20 копеек), Хўжандда 40-50 копеек, Катта-кўрғонда 30-40 копеек, Жиззах уездида 50 копеек, Фарғона вилоятининг Наманган ва Қўқон уездларида 40-50 копеек, Тошкент воҳасида 70 копеекдан-1 рубль 20 копеекча, Тошкент шаҳрида эса 2-2 рубль 60 копеекча бўлган нархларда сотилган[12: 286-287].

Хулоса қилиб айтганда, мазкур даврда ўлкада маҳаллий аҳолининг узум етиштириш ва узум маҳсулотлари тайёрлаш борасидаги анъанавий тарихий тажрибаларини, шунингдек узумчилик соҳасининг замонавий шаклда ривожланиши каби масалаларни ўрганишда қиш-лоқ хўжалиги ва бошқа соҳа рус тадқиқотчилари томонидан яратилган адабиётлар ҳамда даврий нашрларда чоп этилган мақолаларнинг ўрни катта.

Адабиётлар рўйхати

1. А.Губаревич-Радобыльский. Экономический очерк Бухары и Туниса. Санкт-Петербург.1905.
2. Вирский М.И. Виноградарство в Самаркандском уезде. Библиограф. Заметка / Туркестанский сборник. Том 523.
3. Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Петроград, 1915.
4. Лавров М.В. Туркестан. География и история края / М.В. Лавров. – М.: В.В. Думнов, 1916.
5. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г.–Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886.
6. Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области// Туркестанский сборник. Т. 463.
7. Пулло А. К вопросу о виноградарстве//Туркестанский сборник. Том 467
8. А.Регель. Садоводство в Туркестанском крае//Туркестанский сборник. Т.349.
9. Стекольников И. Виноградарство и виноделие в Туркестан // Туркестанский сборник. Том 454.
10. Танатар И. О мероприятиях по борьбе с грибными болезнями винограда в Туркестанском крае//Туркестанский сборник. - Том 537.
11. Тимаев К. Сельскохозяйственная, промышленная выставка // Туркестанский сборник. - Том 476.
12. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.СПб., 1908.
13. Юферов В. Хозяйство Сартов Ферганской области. - Ташкент. 1911.

30-YILLARDA SSSRDA DEHQONLARNI MULKDAN CHIQARISH SIYOSATI

Xudoyorov N.M.

Andijon davlat universitetining «O‘zbekiston tarixi» kafedrasining katta o‘qituvchisi

1930-yillarda kommunistik hokimiyatning shakllanishi bir necha bosqichda kechdi, ularning asosiylari: korxonalarni milliyalashtirish, ishlab chiqarishni sanoatlashtirish, qishloq xo‘jaligini kollektivlashtirish va h.k. Kollektivlashtirish masalasiga to‘xtalib o‘tamiz, chunki aynan shu jarayon “tug‘ilgan” dehqonlarning mulksizlanishi kabi hodisaga.

Kollektivlashtirish qishloq xo‘jaligini tubdan qayta qurishdir. SSSRda qishloq mamlakatni jadal sanoatlashtirish uchun muhim moliyaviy manba sifatida qaraldi. Stalin kollektivlashtirish jarayonini mayda va shaxsiy dehqonchilikdan yirik jamoaviy va ilg‘or dehqonchilikka o‘tish deb ta’riflagan. Ammo Stalin kollektivlashtirishni qanday amalga oshirish kerakligini, mulkdan mahrum

qilish uchun qaysi usullar maqbul va qaysi biri yo‘qligini va oxir-oqibat, mulkdan mahrum bo‘lgan dehqonlar bilan nima qilish kerakligini tushuntirmadi.

“Qulaklar” kimlar va “kulaklar” nima? Buyuk Sovet Entsiklopediyasi bizga javob beradi. Kulak - bu yirtqich ekspluatatsiya orqali boylik orttirgan odam, shuning uchun kulaklar bolsheviklar juda qattiq kurashgan burjuaziya, faqat qishloq. XX asrning 30-yillarida qishloqqa bir-biri bilan bog‘liq bo‘lgan ikkita jarayon zo‘rluk bilan sodir bo‘ldi - dehqonlarning mulkdan ajralishi va kolxozlarning tashkil etilishi [2.26 b].

Mulksizlantirish siyosatining maqsadi qishloq burjuaziyasini yo‘q qilish, jamoa xo‘jaligini moddiy baza bilan yanada ta‘minlash edi. Masalan, 1929 yildan 1930 yilgacha. 320 mingdan ortiq fermer xo‘jaliklari tasarrufidan chiqarildi. Mulkidan chiqarilgan fermer xo‘jaliklarining barcha mulki kolxoz ixtiyoriga o‘tdi. Kollektivlashtirish boshida faqat o‘z xo‘jaligida yollanma mehnatdan foydalanganlar kulaklar deb hisoblanar edi, ammo 1932 yilga kelib o‘z fermasida sigir yoki parranda bo‘lgan oilalar allaqachon kulaklar hisoblanardi. Oddiy qilib aytganda, qishloq xo‘jaligi rahbariyati me‘yordan «yuqori» foizda, taxminan 6-8 foizni oldi, bu esa olib tashlanishi kerak edi [2.44 b].

Hukumatni ma‘qullamagan kambag‘allarni esa «subkulakchilar» deb atashgan. Mulkidan mahrum bo‘lgan oilalar xalq dushmani deb tan olindi va ko‘pincha Sibirga surgun qilindi, ba‘zi hollarda ular otib tashlandi. Mulksizlantirish siyosati qishloqni tadbirkor aholidan, mustaqil bo‘lishi mumkin bo‘lgan dehqonlardan mahrum qildi. Kolxoz ma‘muriyatiga yordam berish uchun qishloqlarga kommunistik ko‘ngillilar yuborildi.

Ukraina va O‘rta Osiyoda dehqonlar majburan egallab olishga qarshilik ko‘rsatdilar, tartibsizliklarni bostirish uchun qishloqlarga Qizil Armiya otryadlari yuborildi. Lekin ko‘p hududlarda dehqonlar passiv norozilik bildirishdi. Ular ishlashdan bosh tortdilar, kolxozlarga qo‘shilishdan bosh tortdilar va texnikani yo‘q qildilar. Dehqonlarning boshqa yashash joyiga ko‘chishining oldini olish maqsadida pasport tizimi joriy etildi. Barcha dehqonlar yashash joyiga tayinlangan.

Kollektivlashtirish siyosati natijasida yuzaga kelgan halokatli natijalar Stalinni ikki marta o‘ylashga majbur qildi. Darhaqiqat, 1929 - 1934 yillardagi mulksizlanish jarayonida g‘alla etishtirishning qisqarishiga, qoramollar sonining qisqarishiga va kolxozlar ishining butunlay tartibsizlashishiga olib keldi. 1932-1933 yillarda Qishloq misli ko‘rilmagan ocharchilikka uchradi.

Kollektivlashtirish va egallab olish (30-yillar) mamlakat hukumati qishloqni nafaqat oziq-ovqat manbai, balki sanoatlashtirishni moliyalashtirish uchun eng muhim mablag‘ manbai deb hisoblagan. Ammo bu mablag‘larni millionlab kichik fermer xo‘jaliklaridan olish qiyin, bir necha yuzta yirik kolxozlar bilan ishlash ancha oson. Mamlakatda sanoatlashtirish boshlanishi bilan ommaviy kollektivlashtirish boshlandi. Rasmiy ravishda uning vazifasi «qishloqda sotsialistik o‘zgarishlarni amalga oshirish» deb e‘lon qilindi.

1930-yil yanvarda partiya kollektivlashtirish uchun qat‘iy muddatlarni belgiladi: Shimoliy Kavkaz va Volga bo‘yida u 1931-yil bahorida, boshqa donli hududlarda – 1932-yil bahorida tugallanishi kerak edi. G‘alla bo‘lmagan hududlarda transformatsiyalar besh yil ichida amalga oshirilishi kerak edi [3.13 b].

Kollektivlashtirish mulkdan mahrum qilish bilan bir vaqtda amalga oshirildi. Bu ikki jarayon bir-biriga bog‘langan edi: kulak xo‘jaliklari kolxozlar uchun yaxshi moddiy bazaga aylandi. 1930-yilning yoziga kelib 350 mingdan ortiq dehqon xo‘jaliklari egallab olindi. Ular tuzilgan kolxozlarning asosiga aylandi.

Davlat kim quloq deb hisoblanishi haqida aniq ta‘rif bermagan. O‘rta dehqonlar ko‘pincha mulksiz qolganlar orasida edi. Ba‘zi hududlarda mulkdan mahrum bo‘lganlar soni yakka tartibdagi uy xo‘jaliklari umumiy sonining 20 foiziga yetdi, vaholanki, mulkdan mahrum bo‘lishning rasmiy darajasi 5-7 foizni tashkil etdi [1/8 ish].

Kulaklar oilalari tomonidan Sibir, Ural va Qozog‘istonning chekka hududlariga ko‘chirilgan. Millionlab dehqonlar o‘z uylaridan ajraldi. Ularning katta qismi surgunga yuborilgan. Ular birinchi besh yillik rejalardagi qurilish maydonchalarida bepul ishladilar va sanoatlashtirishning ajoyib

sur’atlarini ta’minladilar. Odatda ular eng og‘ir ishlarga tashlandi - taygada o‘tin kesish, mamlakatning aholi yashamaydigan joylarida, shimolning og‘ir sharoitida ko‘mir va neft qazib olish.

Kollektivlashtirish dehqonlar tomonidan noaniq kutib olindi. Ko‘pchilik ommaviy bo‘linishga qarshilik ko‘rsatdi, kolxozlarga qo‘shilishdan bosh tortdi, chorva mollari va texnikasini yo‘q qildi, norozilik namoyishlari uyushtirdi va mahalliy kolxoz faollarini o‘ldirdi. Qishloqqa dehqonlar g‘alayonlarini bostirish uchun Qizil Armiya bo‘linmalari yuborildi. Ammo Stalin tezlashtirilgan kollektivlashtirish ijtimoiy va siyosiy halokatga olib kelishi mumkinligini tushundi. 1930-yil mart oyida «Pravda»da chop etilgan «muvaqqiyatdan bosh aylanishi» maqolasida u «kolxozlarni kuch bilan yuklash mumkin emas» deb ta’kidlab, «ortiqchalik» uchun barcha aybni mahalliy ijrochilarga yukladi. Biroq, bu faqat taktik harakat edi. «Qishloqdagi sotsialistik o‘zgarishlar» sur’ati xuddi shu qat’iyat bilan davom etdi. 1934-yilga kelib, kolxozlar dehqon xo‘jaliklarining 75 foizini birlashtirdi.

Kollektivlashtirish natijalari. Kollektivlashtirish dahshatli oqibatlariga olib keldi. 1929-yildan 1932-yilgacha bo‘lgan dastlabki uch yilda qoramollar soni uchdan birga, cho‘chqa va qo‘ylar ikki baravardan ko‘proqqa kamaydi. Don yetishtirish 10 foizga kamaydi. Ammo eng dahshatlisi insoniy yo‘qotishlar edi: 1937-yilgi aholini ro‘yxatga olish ma’lumotlariga ko‘ra, SSSR aholisi 1926-yilga nisbatan 10 milliondan ortiq kishiga kamaydi [1/15 ish].

Dehqonlar chorva mollarini kolxozlarga berishni istamay qirg‘in qildilar. Umumiy egallab olish qishloqlarni vayron qildi. Natijada 1932-1933 yillarda mamlakatda misli ko‘rilmagan ocharchilik boshlanib, 30 millionga yaqin aholi jabr ko‘rdi. Hatto Kuban va Ukraina kabi g‘alla yetishtiruvchi viloyatlar ham ochlikdan qiynalardi. Turli ma’lumotlarga ko‘ra, ocharchilikdan 5-7 million kishi halok bo‘lgan [3.22.b]. Kollektivlashtirishning yana bir natijasi kolxozchilarning ijtimoiylashtirilgan mulkka, ularning mehnati natijalariga befarqligi edi. Ular samarali mehnat qilish rag‘batini yo‘qotdilar.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi arxivi. 32-fond, 1-ro‘yhat, 8, 15-ishlar.
2. Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929 - 1932 гг). – Т.: Фан, 1977.
3. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: Наука, 2003.

ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧГАН ҚАДИМГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР.

Бозоров Қ.

Андижон давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Бугунги озод ва обод она-Ватанда мустақиллик маънавиятни кундалик ҳаётимиз мазмунига айлантирди. Собиқ шўролар тузуми даврида шарқона одоб-ахлоқ, миллий ва маънавий қадриятлар унутилар даражага келиб қолган эди. Истиклол туфайли ўзликни англаш ва ўз халқининг келиб чиқишининг тарихий илдизларини билишга қизиқиш кучайди. “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин, бизнинг мамлакатимиздек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Мазкур меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, етказа билишимиз керак” - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг ушбу сўзлари бугунги кунда тарих фанида ўрганилиши зарур бўлган муаммолар доирасини белгилаб берди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб ўзбек давлатчилиги масаласи кун тартибига қўйилди. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас таркибий қисми, унинг бош масаласи бўлиб қолди. Мустақил Ўзбекистон давлати олдида турган бундай муҳим муаммони чуқур англаган Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 1998 йилда бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашувда улар олдида “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги” муаммолари устида илмий изланишлар олиб бориш масаласини қўйди. И.А.Каримов айтганидек, “мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, мамлакатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак,

уни бошқалар бошқача ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, хатто олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади”.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни жаҳон тарихида ҳар бир ҳудуд, минтақа ва мамлакатнинг ўрни, унинг инсоният тамаддунига қўшган ҳиссасини ўрганиш ҳамда англашни долзарблаштирмоқда. Бу, ўз навбатида, тарих фани зиммасига катта масъулият юклаб, тадқиқотлар мазмунида уни ифодалашни тақозо этмоқда. Чунончи, Марказий Осиё тарихини халқаро контекстда ўрганиш, унинг жаҳон тамаддунидаги ўрни ва аҳамиятини янада равшанроқ кўрсатиш зарур.

Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги қабилалар уюшмалари ҳақида аниқ фактлар мавжуд эмас. Шундай бўлсада, милoddан аввалги VI-V асрларда ўлкамизда истиқомат қилган йирик қабила уюшмаларининг жойлашган ҳудудларини аниқлаш имкони бўлган, Уларнинг энг йириги **сак** қабилалари бўлиб, улар учта қабилавий бирлашмадан ташкил топган: **хамуварка саклари, тиграхауда саклари ва тийагарадарайа саклари**. Хаумаварка саклари асосан Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Йирик қабилалардан яна бири тиграхауда саклари (ўткир учли қалпоқ кийган саклар) бўлган. Антик давр тарихчилари тиграхауда сакларини массагетлар билан ҳам тенглаштирганлар. Бу қабилалар бирлашмаси милoddан аввалги VI-V асрларда Ғарбий Осиёнинг жуда катта ҳудудида - Амударёнинг қуйи оқимларида ҳамда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларидан то Орол денгизинг шимолигача бўлган бепоён чўлларда кўчиб юрганлар. Антик давр муаллифи Страбон ўзидан олдинги тарихчиларнинг асарларидан фойдаланиб “Каспий денгизидан бошлаб кўпчилик саклар **даел** деб аталади, булардан шарқда яшовчи қабилалар массагетлар ва саклар деб аталган,”—деб ёзган. Ўша даврларда массагет саклари йирик қабила уюшмаси бўлиб, таркибига бир неча қабила уюшмалари, жумладан, дахлар, дербеклар, сакаруклар, арасиаклар, ассиёлар, ауғаллар ва бошқалар кирган.

Милoddан аввалги VI-IV асрлардаги ўтроқ аҳоли ва кўчманчи сак, массагет қабилалари Ўрта Осиё аҳолисининг кейинги асрлардаги этник тараққиётига замин тайёрлаб берган. Илмий адабиётлар Ўрта Осиёда ахамонийларгача бўлган даврда қуйидаги давлат уюшмалари ҳақида сўз юритади:

Арёшаёна—Ўрта Осиёдаги вилоятлар уюшмаси.

Арьянам Вайчах- қадимги Катта Хоразм “Авесто”да Заратуштранинг ватани дейилади. С.П.Толстов ва қатор бошқа олимлар Даитийа бу Амударёдир дейдилар. Археологик материаллар “Катта Хоразм” давлати хусусида гап кетганда фақатгина Фарасман подшолик қилган қадимги Хоразм давлати тушунилмасдан, балки унинг ҳудуди қадимги Парфия, Гирканиа ва Марғиёнагача ёйилганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё ҳудудида милoddан аввалги VII асрда ташкил топган энг қадимги давлат бирлашмаси қадимги Бактрия давлатидир. Бактрияликларнинг юрти Сурхон водийси, Афғонистоннинг шимоли-шарқи, Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида жойлашиб, турли ёзма манбаларда Бахди, Бактриш, Бактриёна, Бактрия, Бахли, Бахлика деб тилга олинган. Бу давлат ҳудудида ҳозирги Қизилтепа, Ерқўрғон, Узункир ва Афросиёб шаҳар харобалари топилган. Дастлаб Бактрия таркибига Марғиёна ва Сўғдиёна ҳам вилоят сифатида кирган бўлиши мумкин. Ктесийнинг ҳикоясида тарихий ҳақиқат бор. Унинг маълумотлари милoddан аввалги VIII-VII асрларга оид бўлиб, уларда Бактриянинг қудрати, шон-шухрати, минглаб шаҳар ва қишлоқлари, серунум тупроғи ва кўп сонли чорвалари ҳақида ҳикоя қилинади. Кейинги йилларда қадимги Бактрия ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар юнон муаллифларининг “Қадимги Бактрия подшолиги” ҳақидаги ҳикоялари заминидан тарихий ҳақиқат борлигига ишора қилди. Бунга мисол қилиб Жанубий Бактрияда Олтин-1, Олтин-10 ҳамда Бақтра шаҳри вайроналарини, Шимолий Бактрияда эса Кучуктепа, Қизилтепа, Талашкантепа, Бандихон-2 каби ёдгорликларни кўрсатиш мумкин. Қадимги Бактрия подшолиги эса ана шу туман ва вилоятларни билаштирувчи ҳарбий–демократик типдаги конфедерация эди. Ўрта Осиёнинг бошқа бир йирик маданият маркази Сўғдиёнадир.

У қадимда ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудида ташкил топган. Унинг бош шаҳри Самарқанд Шарқ билан Ғарбни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турувчи “Буюк ипак йўли”да Шарқ дарвозаси ролини ўйнайди. Сўғд тили қадимда ва илк ўрта асрлар давомида жаҳон савдо тили сифатида машҳур бўлиб, милoddан аввалги III асрдаёқ ўз ёзувига эга эди. VII аср ўрталарида қатор Шарқ ва Шимол, Жануб ва Ғарб мамлакатларидан келган элчилар Самарқандга ташриф буюриб, унинг ҳукмдорлари (ихшиди) Вархуманни совға-саломлар билан қутлаганлар. Тарихий анъаналарга кўра уларнинг аҳолиси ҳар бир зироатчилик воҳасининг номи билан, яъни сўғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканлар, чочликлар деб юритилган. Улар Шарқий Эрон тиллари лаҳжасида сўзлашганлар. Аммо бу вилоят аҳолисининг бир қисми, айниқса Етгисув, Жанубий Қозоғистон, Тошкент воҳаси ҳудудида яшовчи аҳоли милoddан аввалги III-II асрларда икки тилда - туркий ва сўғдийда сўзлашганлар, яъни аҳоли этник жиҳатдан хилма-хил бўлган.

Воҳалар аҳолисининг ҳаётида зироатчилик ва ҳунармандчилик хўжалиги ҳукмрон бўлса-да, дашт аҳолиси бўлган саклар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар, “Авесто”да чорвадор аҳоли турлар деб аталади Баъзи бировлар турлар - турк демақдир, деган нотўғри, ғайри-илмий хулоса қиладилар. Аммо “Авесто”да Эрон ва Турон замини аҳолиси ҳақида гап кетганда Амударёнинг чап соҳилида яшовчи аҳолини зироатчилик билан шуғулланувчи халқ, ўнг томонда, яъни шимолда яшовчи аҳолининг асосий машғулоти чорвачилик деб тушунилган. Ана шу чорвадорлар **турлар** деб аталиб, уларнинг юрти эса **Турон** деб аталган. Туроннинг жанубий вилоятларида, яъни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида туркийлар яшамаган. Бу ҳақиқат, археологик изланишлар билан тасдиқланган. Аммо бронза даврининг охирларига келиб бу мувозанат бузилди, яъни бу заминга туркийзабон қабилалар кириб кела бошлади.

Ўрта Осиё халқларини келиб чиқишини этнография фанисиз тасавур қилолмаймиз. Этнография фани асосий эътиборини ҳозирги халқларга қаратгани ҳолда, ўтмишда мавжуд бўлган барча этник бирликларни илмий ўрганишни ҳам қамраб олади. Ўрта Осиё халқларидан фалсафа, математика, каби қўплаб фанлар қаторида этнографияга оид бебаҳо ёзма ёдгорликлар мерос бўлиб қолган. Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистондаги турли тарихий воқеалар, этнографик ҳодисалар ўрта аср ёзма ёдгорликларида ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, Маҳмуд Қашғарийнинг “Девони луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарлари ноёб манба ҳисобланади.

Берунийнинг “Хронология” ва “Осор ул-боқия” рисоласи ислом дунёсига одат бўлган шоҳлар ва қаҳрамонлар фаолияти, сиёсий воқеалар ўрнига халқлар маданияти тарихи, уларнинг урф-одати ва феъл-атвори масалаларини ёритишга эътибор беради. Шунинг учун тарихчилар “Ёдгорликлар”га тарихий-этнографик тадқиқот сифатида ҳам қарайдилар. Беруний ушбу асарини 27 форс, сўғд, хоразм, яҳудий, араб ва бошқа халқларнинг йилнома (календар) тизимларини бир-бирига таққослаган, уларнинг келиб чиқиш тарихини таҳлил қилган. Мазкур асарда яна Турон замин халқларининг тарихи, урф-одатлари ва маданиятига оид масалалар ҳам ўз ифодасини топган.

Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғатут турк” асарида Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки, олим асарда дунё халқларини ҳам илова қилади ва Кичик Осиёдан то Хитой ҳудудларигача чўзилиб кетган туркий халқлар тарихи, географияси, этногенези, урф-одатлари, турмуш тарзи ва маданияти тўғрисида ғоятда қимматли маълумотларни беради. Асарда туркий қавм-уруғлар: кипчок, ўғуз, ямак, бошқирт, басмил, дай, ябоку, татар, қирғиз, чигил, яғмо, тухси, игрок, жару, жамил, уйғур, тангут, табғочлардан ташқари форс, араб, хитой, ва рус халқлари ҳақда ҳам маълумотлар бор. Шуниси муҳимки, шаҳарларда сўғд-турк икки тиллилиги расмий ҳолат бўлганлиги Маҳмуд Қашғарий-нинг “Дувону луғатут турк” асарида қайд этилган.

Захриддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам “...Фарғона вилояти бешинчи иқлимдандур. Маъмураининг канорасида воқе бўлибтур. Шарқи Қошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолда агарчи бутун шаҳарлар бор экандур, мисли: **Олмалик ва Олмоти ва Янги ким, кутубларда** Тарозкент битирлар, мўғул ва ўзбек жиҳатдин бу тарихда бузуллубтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар вилоя қалам била росттур.

...Яна бир Марғинондур. Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқе бўлибтур, пур неъмат: анори ва ўруғи асру кўп хўп бўлур ...Эли сорттур ва муштзан ва пуршару шор элдур. Жангаралиқ расми Мовароуннаҳрда шойдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангарлар аксар Марғиновичдур. Соҳиби “Ҳидоя” Марғиноннинг Рушдон отлик кентидиндур”.

Мустақил Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакилларига яшаши, ишлаши, ўз она тилида ўқиши, касб танлаши учун қонуний шарт –шароитлар яратилган. Мустақиллик йилларида кўп миллатли республика фуқаролари ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақланиб қолиши давлат сиёсатининг энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Адабиётлар рўйхати

1. Электрон манба: <http://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-mamlakatimiz-dagidek-boj-tarikh-bobolarmizdek-buyuk-allomalar-hech—qayerda—yo’q>.
2. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар. VII том.- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1999.
3. Курций Руф. История Александра Македонского.-М.:МГУ.1963.
4. Зокиржон Саидбобоев. Тарихий география.”Ношир”. Тошкент-2010 й.
5. Аҳмадали Асқаров. Ўзбекистон тарихи. Тошкент.”Ўқитувчи”.1994 й.
6. Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 13-том.Тошкент-1979 й.
7. Алишер Дониёров. Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги.Т.:НИФ МСН 2020 й.
8. Захриддин Мухаммад Бобур. Т.: Юлдузча.1989 й.
9. <https://kun.uz/news/2017/06/15/uzbekistonda-130dan-ortiq-millat-va-elat-vakillari-ahil> - yashab-kelmoqda?ysclid=lu0zodky51727808852

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ

Азаматова Г.Б

Жиззах политехника институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчи

Ҳозирги кунда миграция жараёнлари глобаллашди, аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу жараён барча минтақа ва давлатларни қамраб олди. Натижада миграция дунё мамлакатлари аҳолисининг таркиби, ҳаракати, этник ва диний хилма - хиллигига, миллатлараро муносабатларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Дунё бўйича 2013 йилда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар 232 миллион халқаро мигрантларнинг саккиздан бир қисмини (28,2миллион) ташкил этган бўлиб, 2019 йилда халқаро мигрантларнинг умумий сони 272 миллионни ташкил этган ҳолда, уларнинг 30,9 миллионини 15 ёшдан 24 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Айни вақтда эса халқаро мигрантлар таркибида ёшларнинг улуши 21 фоизгача кўпайди ва ёш чегараси 29 ёшга кўтарилди. Барча халқаро мигрантларнинг 32 фоизи 30 ёшга тўлмаганлар. Уларнинг аксарияти яъни 60 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Дунё миқёсидаги аҳолининг 2 миллиардга яқини 30 ёшгача бўлган ёшлар бўлиб, уларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлар ва Марказий Осиё ҳиссасига тўғри келмоқда. Миграция жараёнида эркаклар, аёллар билан биргаликда ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунинг сабаблари иқтисодий, табиий-иқлим, демографик, этник, ижтимоий ва бошқалардир.

Мигрантлар хатти-ҳаракати уларнинг таркибига, ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига жуда боғлиқдир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда

ёшларнинг ахборот технологиялари, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги эҳтиёжини қондириш, ёшларга тааллуқли глобал стратегияларни ишлаб чиқишда айнан ёшлар иштироки талаб даражасида эмас. Шу сабаб ҳам бутун дунёда ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш, улар ролини ошириш давр талабига айланди. Ёшлар, уларнинг келажаги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида аниқ жавоб қайтарганини таъкидлаш жоиз. “Бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги кuni, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим”.

Миграция жараёни ёшларни таълимга интилиши туфайли, касбий маҳорат ва истикболларини яхшилаш мақсадида, шунингдек ўзлари ва оилалари учун яхшироқ турмуш тарзини яратиш, шахсий ривожланиш истагини чет элда яшаш билан боғлиқ бўлган муаммолар орқали қондириш учун имконият яратади. Глобаллашув шароитида хорижда таълим олаётган ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни мажбурий меҳнат, зўравонлик, камситиш ёки бошқа ҳуқуқларининг бузилишидан ҳимоя қилиш мақсадида таълим миграцияси тизимини янада такомиллаштиришга асосий эътиборни қаратмоғимиз даркор. Чунки ёшлар миграцияси олий маълумотга эга бўлмаган ёш мутахассислар ҳисобига ошмоқда ва улар меҳнат шароитлари ноқулай, оғир ва зарарли ишларга жалб этилмоқда.

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг биринчи ярмида Россияга 181 минг 500 нафар хорижлик ўқиш учун борган бўлса, шундан 24 минг нафари – ўзбекистонликлардир. Тожикистон томонидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтда республикада ўзбекистонлик талабалар сони 3 мингга етган. Бу кўрсаткич, кўшни Қирғизистонда 30 минг, Қозоғистонда 26,5 минг, Жанубий Кореяда 10 минг, Хитойда 5 минг, Германияда 2 минг, Латвияда – 1,5 минг, Туркияда – 3,5, Беларусда – 2 минг, Украинада 4 минг, Японияда 750 ва Миср Араб Республикасида 550 нафардан ортиқроқни ташкил қилади. Аслида, таълим олиш учун бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиб ўтиш жуда узок тарихга эга жараён ҳисобланади. Одамлар қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан пойтахтга, пойтахтдан таълими ва иқтисоди ривожланган давлатларга илм олиш учун миграция қилишади. Маълумотларга қараганда, ривожланаётган мамлакатларнинг салкам 20 фоиз ёшлари сифатли таълимдан маҳрум ва бандлик масаласида муаммоларга дуч келмоқда. Шу сабаб ҳам ҳар йили ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш натижасида 2018 йилнинг январь-май ойларида 213 мингга яқин иш ўринлари ташкил қилинган. Ҳудудларда жорий йилнинг 5 ойида ўтказилган 584 та бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаларида 28,5 мингга иш берувчи ва 183,4 минг нафар иш қидираётган фуқаролар иштирок этди. Уларнинг натижасига кўра, 32,6 минг нафар шахс, шу жумладан, 21,1 мингга яқин ёшлар - ўқув муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилганлар, камоқ жазосидан озод этилганлар ва бошқалар ишга йўлланма олган. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали кетганлар 111 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг 32 мингдан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Улар орасида турли даражадаги маълумот ва кўникмага эга бўлганлар кўпчиликни ташкил этмоқда.

БМТ нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер “XXI асрда гендер ва ёшлар соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш” мавзусидаги халқаро форумда: баркарор ривож-

ланишнинг миллий мақсадлари доирасида ҳукумат ёшлар соҳасида ҳам қуйидаги аниқ мақсадларни белгилаб олди:

- 2030 йилга қадар ишсиз ва маълумоти йўқ бўлган ёшларнинг сонини камайтириш;
- 2030 йилга қадар ёшларнинг тўлиқ ва самарали бандлигига эришиш;
- ёшларга техник ва касбий кўникмаларга эга бўлиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик билан шуғулланишларига кенг йул очиш.

Ўзбекистон аҳолисининг 60% дан ортиғи 30 ёшгача бўлганлардир. Шу сабабли, миграция масалаларини ҳам қамраб олган гендер ва ёшлар соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича бугунги форум айни давр учун ўта долзарб ҳисобланади” - деб, таъкидлади.

Ёшларнинг миграцияда иштирок этиш жараёнини камайтириш эмас, балки қонуний миграцияни ташкил этиш ҳамда мигрантларнинг олий маълумотли, малакали мутахассис бўлиши ҳисобига ёшлар миграциясини барқарорлаштиришга эришиш мумкин. Сўнгги йилларда меҳнат миграциясида ёшлар фаоллиги кузатилмоқда. Меҳнат миграциясида иштирок этаётган ёшлар асосан, Россия, Туркия, Бирлашган Араб Амирлиги, Жанубий Корея каби давларларда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Меҳнат миграциясида фаол бўлган ёшлар ўз навбатида бир неча муаммо ва қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Булар: ноқонуний миграция, тил билмаслик, хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришда ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик, олий маълумотга эга бўлмаслик каби ҳолатлардир. Бу ҳолатлар натижасида ёш мигрантлар эксплуатация ва ҳақоратли ишларга, шу жумладан, мажбурий меҳнат иштирокчисига айланади ва иқтисодий-ижтимоий муаммолар келиб чиқади. Агар ёшлар эркинлик, тенглик, ҳавфсизлик шароитида тартибли миграция қилса, чиқиб кетган ва қабул қилган мамлакатларининг иқтисодий- ижтимоий ривожланишига ёрдам бериши мумкин.

Ёшлар миграцияси масаласи ва муаммоларини ҳал этишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: ишсиз ёшларни касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш, тартибли қонуний миграцияни ташкиллаштириш, ташқи миграция фаолиятини такомиллаштириш, иш берувчи меҳнат органлари салоҳиятини ошириш, ёшларнинг кафотланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасини такомиллаштириш ҳамда ёш мигрантларнинг муносиб иш олиб боришига ёрдам берадиган меҳнат ва миграция сиёсатини мувофиқлаштиришини таъминлаш - асосий мақсад бўлиб, ёшларга қонуний равишда муносиб иш ўринларини яратишдан иборат. Ёшларнинг хорижда чиқиб кетаётганини бир томонлама, фақат муаммоли жиҳат деб бўлмайди. Сабаби глобаллашув жараёни кечар, Ўзбекистон дунёга ўз эшикларини очар экан, миграция ва эмиграция жараёнларининг кучайиши ҳам табиий.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент.: “Ўзбекистон”. 2018 йил. 252-бет.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01>. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи.
3. Global Migration Group(GMG): Migration and youth: Challenges and opportunities, 2014, Youth Migration: Facts and Figures,p.5, <http://goo.gl/5P34oa>.
4. Azamatova, G. B. (2022, June). THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND SOUTH KOREA: MUTUALLY BENEFICIAL COOPERATION IN THE FIELD OF LABOR MIGRATION. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 60-65).
5. Bayirbekovna, A. G. (2023). AYOLLAR MEHNAT MIGRATSIYASINING YO‘NALISHLARI VA RIVOJLANISH OMILLARI. Research Focus International Scientific Journal, 2(5), 48-52.
6. Azamatova, G. B. (2022). SOME CONSIDERATIONS ON THE MIGRATION MOVEMENTS OF THE POPULATION OF JIZZAH REGION AND ITS PERIODIC CHANGE. International Journal Of History And Political Sciences, 2(12), 09-13.
7. Azamatova, G. (2021). Illegal Migration And Human Trafficking. Journal of Contemporary Issues in Business and Government, 27(2), 3541-3545.

8. Azamatova, G. B. (2022, June). The Republic Of Uzbekistan And South Korea: Mutually Beneficial Cooperation In The Field Of Labor Migration. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 60-65).

9. Азаматова, Г. (2023). ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(12/1).

10. Azamatova, g. (2024). O ‘zbekistonning yangi taraqqiyot bosqichida xotin-qizlar mehnat migratsiyasi borasida olib borilayotgan islohotlar. News of UzMU journal, 1(1.3), 8-10.

11. Azamatova, G. B. (2022). Some Considerations On The Migration Movements Of The Population Of Jizzah Region And Its Periodic Change. International Journal Of History And Political Sciences, 2(12), 09-13.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: ЮТУҚ ҲАМДА МУАММОЛАР

Рўзикулов Ш.

Андижон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимияти маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришга эътибор бермади, дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Жумладан, олий таълим тизимида ҳам. Урушдаги катта йўқотишлар, олий маълумотли ходимларнинг сон ва сифат жиҳатидан камайиб кетишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида урушдан кейинги йиллардаёқ олий таълимни ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди. Шу боисдан ҳам урушдан кейинги дастлабки йиллардан оқ олий ва ўрта малакали мутахассислар ҳамда оммавий касбларни эгаллаган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бироқ бу тармоқлардаги фаолият улуғ давлатчилик сиёсати манфатларига бўйсундирилган ҳолда олиб борилди. Бу сиёсатни “байналминалчилик” ва “шаклан миллий, мазмунан социалистик” деб аталган шовинистик ғоялар асосида амалга оширилди. Чунки ташқи шакл ва ташвиқот-тарғибот нуқтаи назаридан ҳақиқий байналминалчилик туси берилган бўлсада, амалда бу ғоя ҳар қандай миллийлик ва миллий манфатни назар-писанд қилмас, миллийлик ва миллий манфаат ғояси тарафдорларини исканжа остига олар ва қатағон қилар эди. “Шаклан миллий ва мазмунан социалистик” маданият ғояси ҳам аслида маҳаллий миллатлар онгини заҳарлаш қуроли бўлган. Чунки “шакл” шунчаки ишлатилган ҳолда асосий мақсад ғоя мазмун пардасига ўралган бўлиб, у миллий кадриятларни йўқ қилиб “социалистик” ниқоб остида руслаштириш манфатларига хизмат қилар эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврининг қийинчиликларига қарамай, олий таълим муассалари тармоғи, унда тахсил олувчиларнинг сони кенгайиб борди. 1941-1943 йиллар мобайнида Ўзбекистон олий ўқув юртлари 10 минг мутахассис тайёрлади. Улардан 2,5 минг врачлар, 1800 таси инженерлар, 660 таси агрономлар, 2 500 таси педагог ходимлар эди. 1943-1944 ўқув йилида олий ўқув юртларига яна 10 минг ўқувчи талабалikka қабул қилинди[1.91]. 1944 йилдан олий ўқув юртлари сони қайта тикланиб, янги олий ўқув юртлари иш бошлади. Самарқандда 1941 йилда вақтинча ёпиб қўйилган Ўзбекистон давлат университети тикланди. Чимбой ва Урганчда педагогика институтлари ташкил топди, Тошкент театр институти, Наманган ва Марғилон шаҳарларида ўқитувчилар институтлари ўз фаолиятларини бошлаб юборди[2.7]. Уруш йиллари мобайнида Ўзбекистон ССР олий ўқув юртлари эвакуация қилинган олий таълим муассасалари билан биргаликда фуқаро ва ҳарбий соҳалар мутахассисликлари бўйича 20 мингга яқин малакали кадр етиштириб берди[3.54].

1945 йилга келиб эса Ўзбекистон ССРдаги олий ўқув юртларининг сони фақат тикланиб қолмасдан, шу билан бирга, урушдан олдинги даврга нисбатан марказдан кўчириб келтирилган институтлар ҳисобига 3 маротабага кўпайди. Талабалар сони 19061 нафардан 21195 нафарга етди[4.182].

Иккинчи жаҳон урушидаги катта йўқотишлар олий маълумотли ходимларнинг сон ва сифат жиҳатидан камайиб кетишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, урушдан кейинги йилларда олий таълимни ривожлантириш зарур эканлигини тақазо этарди. 1945 йил 20 августда СССР ХКСнинг № 2888-сонли “Малакали олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш”[5.18] тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Шундан сўнг бутун мамалакатда бўлгани боис Ўзбекистон ССРда ҳам олий таълимни ривожлантириш юзасидан қатор ишар амалга оширилди.

Ўзбекистонда олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш тизими ўтган асрнинг 20-30-йилларидан шакллана бошлаган. Туркистон Миллий Университетининг 1918 йилда очилиши (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Ўзбекистон ССР олий таълим тизимига тамал тошини қўйди[6.7]. Шунингдек 1927 йили Самарқанд давлат педагогика институти, 1930 йили Фарғона педагогика институти, 1933 йили Ўзбекистон давлат университети, Самарқанд давлат университети, 1935 йили Тошкент давлат педагогика институти ташкил топди[7.14]. 1944 йилда Қорақалпоқ давлат педагогика институти очилиб, унга ўша ерда фаолият олиб бораётган ўқитувчилар институти қўшиб юборилди[8.7]. Уруш йилларида шу каби педагогика институтлари Урганч ва Нукусда ҳам очилди[3.7].

1945-1946 ўқув йилида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги тизимида 2 та университет, 5 та кундузги ва 3 та кечки таълим берадиган педагогика институтлари фаолият олиб борди[9.54].

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1948 йил 14 январда қабул қилган “Ўрта мактабларда чет тили ўқитишни яхшилаш” ҳақидаги қарори асосида немис, инглиз, француз тилларидан дарс соатлари кўпайтирилди[10.49]. Аммо чет тилларни ўргатишга бўлган эътиборнинг ортиб бориши мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги муаммосини келтириб чиқарди. Айни масалани ечиш мақсадида 1948 йили Тошкент давлат чет тиллари институти, 1963 йили Тошкент шаҳрида Рус тили ва адабиёти институти, 1964 йили Андижон шаҳрида Чет тиллари институти очилди. Чет тилига ихтисослашган олий ўқув юртларида факультетлар ва ихтисосликлар сони ҳам ошиб борди. Лекин шунга қарамай, Фарғона областида 1953-1954 ўқув йилининг ўзида инглиз, тожик, рус тилидан дарс берадиган жами 788 нафар ўқитувчи етишмас эди[11.21].

Ўзбек зиёлиларини қадимги қўлёзмаларни ўқиш, тарихни ёритиш учун олиб борган саёй-ҳаракатлари асосида Тошкент шаҳридаги Шарқшунослик институти фаолияти кенгайтирилди. Совет ҳукуматини Осиё давлатлари билан “алоқани яхшилаш” сиёсати нуктаи назардан 1956-1957 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон ССР мактабларида Шарқ мамлакатлари тилларидан ҳинд, араб, форс, урду ва хитой тиллари ҳам ўргатила бошлади. Чет тилларини ўқитиш тажрибаси дастлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳри мактабларида синаб кўрилди[10.51]. Кейинчалик бошқа област марказларида ҳам қўлланилди. Масалан, Андижон шаҳрининг 4 ва 32- мактабларида ҳинд ва форс тилидан дарс ўтилган[12.82].

Россия империяси даврида бошланган “руслаштириш” жараёни совет ҳукумати даврида ҳам давом этди[13.26]. Хусусан, ўлкада миллий маданиятни йўқ қилишга мақсадида рус тилини кенг ёйиш учун ҳаракат қилинди. Айни пайтда рус тилининг расмий тил сифатида мақомга эгаллиги рус тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжни сунъий равишда оширар эди. Мактабларда рус тили фани ўқитувчилари алоҳида назоратда бўлди[14.49]. Рус тилида дарс берувчи ўқитувчилар етишмаслиги муаммосини бартараф этиш ниқоби остида Россия ва Украинадан ўқитувчилар йўлланма асосида ишга жўнатилар эди. Улар республика аҳолиси миллий маданиятига ҳам таъсир кўрсатар эди. Яъни, Ўзбекистонда байналмилал оилалар сони ҳам кўпайиб борди.

Олийгоҳларда рус тили факультетлари сони кўпайиб, мутахассис ўқитувчилар маҳаллий халқ вакилларида республиканинг ўзида тайёрлана бошланди. 1961 йилга келиб, четдан келадиган ўқитувчиларга бўлган талаб камайди[14.49]. Хусусан, архив манбаларида Анди-

жон области халқ таълимига 1956-1961 йиллар давомида Украина ва РСФСРдан келаётган ўқитувчилар сони 166 нафардан 2 нафаргача камайгани келтирилган[15.37].

Ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжнинг тобора ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 1963-1964 ўқув йилида яна 6 та педагогика институти ташкил этилди[16.6]. Педагогика институтларида ўқиш 4 йиллик бўлиб, кўш ихтисослик учун ўқиш муддати 5 йил давом этар эди.

Ўзбекистон ССРда педагогика ўқув юртлари таълимга турли даражали маълумотга эга педагог кадрларни тайёрлаб берди. Аммо республикада ўқувчилар сони кўпайиб бориши билан ўқитувчиларга бўлган талаб ҳам ортиб борди. Бу омил республикада педагог кадрлар тайёрлаш тизимида жиддий эътибор берилишига сабаб бўлди. Жумладан, Фарғона водийси областларида ҳам ўқитувчилар сони ошиб борди. 1967-1968 ўқув йилида Андижон областига 906 нафар, Наманган областига 597 нафар, Фарғона областига 912 нафар ўқув юрти янги битирган кадрлар келиб қўшилди[17.2]. Аммо республиканинг мавжуд педагогика ўқув юртларида минглаб мутахассислар тайёрланаётганига қарамай, ўқитувчиларга бўлган талаб камаймади.

Педагогика олий таълим муассасаларида 1946-1947 ўқув йилида жаъми 4645 нафар талаба таҳсил олган бўлиб улардан 2551 нафар талаба маҳаллий миллат вакиллари эди. Жаъми таҳсил олаётган талабаларнинг 3490 нафари кундизги бўлимда, шулардан 2068 нафари маҳаллий миллат вакиллари, 1155 нафари сиртқи бўлимда, улардан 483 нафари маҳаллий миллат вакиллари таҳсил олган[18.29].

1947-1948 ўқув йилида республика педагогика олий ўқув юртларида жаъми 6338 нафар талаба таҳсил олган бўлиб, улардан 4860 нафари кундизги бўлимда, 1478 нафар талаба эса сиртқи бўлимда таҳсил олган. Жаъми талабаларнинг 3881 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, кундизги бўлимда 3103 нафар, сиртқи бўлимда 778 нафар маҳаллий миллатга мансуб талабалар таҳсил олган эди. Шу ўқув йилида ўқиётган талабаларнинг 2457 нафари рус миллатига мансуб талабалар эди[18.26-29].

Сиртқи таълимда оғриқлик нуктаси талабаларни ўқув сессиясига жалб қилишда кўзга ташланган. Уларни ўз вақтида белгиланган ўқув режадаги фанларни ўзлаштириб курсдан-курсга ўтиши муаммоси бўлган. Масалан, Хоразм область халқ маорифи бўлими қошидаги сиртқи билим юртларини фаолиятини назорат қилувчи бўлим инспектори С. Ниёзовнинг 1949 йил 4 майдаги ахборотида Хива шаҳридаги ўқитувчи институт сиртқи бўлимининг 1948-1949 ўқув йили қишки сессиясида талабалар давоматининг ҳолати баён қилинган. Унда Хива ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлимида қишки ўқув сессиясида институт бўйича сиртқи бўлимдан 528 талаба қишки сессия ўқув машғулотларида қатнашиши лозим бўлгани ҳолда дарс машғулотларига 398 талаба қатнашгани қайд этилган. 130 талаба қишки сессия даврида машғулотларга қатнашмаган. Уларнинг дарсларга қатнамаслик сабаблари ўрганилганда 100 талаба узирли сабаблар билан қолган 30 нафар талаба сабабсиз сессияга қатнашмаган. Шулардан 1 нафар талаба ўқитувчилар институтидан четлатилиб, 4 нафарига хайфсан берилгани қайд этилади[19.59].

1950-1951 ўқув йилида Андижон ўқитувчилар институти сиртқи бўлимига қишки сессияда 632 талаба ўқишга чақирилгани ҳолда улардан 315 нафари, яний тенг ярмидан ҳам ози сессияга қатнашган эди[20.1], холос.

1950-1951 ўқув йилида Бухоро ўқитувчилар институтини 51,6 фоиз, Тошкент чет тиллари педагогика институтининг 67,2 фоиз, Наманган ўқитувчилар институтининг 34,3 фоиз талабалари қишки сессияда таҳсил олаётган курсларидаги ўқув режадаги фанларни тўлиқ ўзлаштира олмагани учун қарздор бўлиб қолган[20.3].

Урушдан кейинги 1946-1950 йилларда амалга оширилган тўртинчи беш йиллик даврида Ўзбекистон ССРда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олувчилар сони ҳам анча ошди. 1950 йилда республиканинг 37 олий ўқув юртида 40 минг талаба таҳсил олди, ҳолбуки 1940-1941 ўқув йилида 19 минг талаба ўқиган эди[21.180].

Олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларига маҳаллий миллат ёшлари, айниқса узоқ вилоятлар ва туманлардан келган ёшларни, айниқса қизларни таълимга тортишни ҳолати нихоятда оғриқли эди. 1950 йилда республика олий ўқув юртларига 1940 йилдагига қараганда 3,5 марта кўп талабалар қабул қилинди. Бироқ улар орасида қишлоқ ёшларининг салмоғи шаҳар ёшлари сонидан деярли уч баробарга кам эди[21.101]. Тўғри кўрилатган даврда техника ва қишлоқ хўжалик ўқув юртлари анчакенгайтирилди. Уларда асосий эътибор республиканинг пахта етиштиришга ихтисослашгани боис пахтачилик эҳтиёжлари учун кўплаб мутахассислар – инженерлар, механизаторлар ва агрономлар тайёрлаб чиқарила бошлади. Бу соҳаларга кўпроқ маҳаллий миллат ёшлари жалб қилинди.

Хуллас кўрилатган даврда олий таълим тизимида маҳаллий ёшлардан малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ишига унча эътибор берилмади, маҳаллий ёшларнинг кўпи қишлоқ хўжалиги ва аграр соҳаларда тахсил олган бўлса, русий забон аҳоли вакиллари тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар йўналишларида кўпроқ олий ва ўрта махсус таълимга тортилар эди. Маҳаллий ёшларни олий таълимга тортишда уларнинг рус тили ва ҳорижий тилларни билмасликлари ҳам асосий муаммолардан эди. Чунки улар кириш имтиҳонларида кўпроқ шу фанлардан ўта олмас эдилар.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринда Ўз МА), Р-17-фонд, 8-рўйхат, 627-иш.
2. Садиқов С., Зуфаров Х. Развитие народного образования в Узбекистане. – Ташкент: Укитувчи, 1988.
3. Кадиров И. Народное образование в Узбекской ССР за 30 лет. – Ташкент: Укитувчи, 1954.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статистический сборник. –Ташкент, 1967.
5. Ўз МА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 4774^Б-иш.
6. Садиқов С. Очерки развития высшего образования в Узбекистане(1956-1968 гг.) – Ташкент: Фан, 1969.
7. Абдурахмонов Ғ. Педагогик кадрлар тайёрлашнинг йирик маскани // Совет мактаби. 1985 –№7.
8. Раҳманов Н. Развитие народного образования в Узбекистане. – Ташкент: Ўзбекистан, 1976.
9. Кадиров И.К. Развитие школ УзССР в послевоенный период (1945-1962 гг.) – Тошкент: Учитель, 1965.
10. Фарғона вилоят давлат архиви (кейинги ўринда Фарғона ВДА), 1125- фонд, 5-рўйхат, 72-иш.
11. Шарипова Н. XX асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистон ўқитувчиларининг кундалик ҳаёти тарихи (Андижон, Наманган, Фарғона областлари). –Андижон, 2023.
12. Комилов О.К. XX асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон миллий маорифидаги ўзгаришлар. Тарих фан. ном. дисс. – Андижон, 2009.
13. Фарғона ВДА, 1125- фонд, 5- рўйхат, 72-иш, 49-варақ.
14. Андижон вилоят давлат архиви (Андижон ВДА), 505- фонд, 1-рўйхат, 188-иш.
15. Социалистик жамият фаҳри ва кўрки // Совет мактаби. 1978 –№5.
16. Ўз МА, Р-94- фонд, 7-рўйхат, 1809-иш.
17. Ўз МА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 4987-иш.
18. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статистический сборник. –Ташкент, 1967.

OVER THE YEARS OF SOVIET POWER THE ECONOMIC SITUATION OF UZBEKISTAN

Orzieva K.S.

Bukhara State University. doctoral student

Introduction. Scientific research in the subject of historiography focuses on the history of economic growth and Soviet Uzbekistan's difficulties, as well as the scientific examination of current trends in the historical development of this domain. One of the main tasks during the Soviet era was the scientific study of the historical aspects of legislation that were characteristic of the

process of revival and development of sectors of the economy, industry, and agriculture, as well as the analysis of shortcomings, problems, their outcomes, and their consequences in this area.

Methodology for analyzing the literature. During the Soviet era, historians extensively researched the development of Uzbekistan’s economy, industry, and national economy, as well as the existing problems and shortcomings in the industry and the impact of the country’s economy on people’s way of life. On the subject of this article, one can split research and scientific literature into two segments. 1) Research undertaken during Soviet times by Y.Dobrinin, Sh.Zokirov, L.Levenson, N.Sapenko, R.Aminova, K.Bedrinsev, S.Boguslovsky, I.Iskanderov, I.Zelinsky, Kh.Barakaev, A.Itkin, A.Golovanov, and K.Saidov conducted study for the ministry on economic issues and the republic’s economy. These academics examined Uzbekistan’s Soviet-era economic policy through the lens of Communist Party ideology. 2) During the years of independence, historians S.Tursunov, K.Radjabov, Kh.Yunusova, O.Jurakulov, D.Bobodjonova, G.Rakhimova, R.Shamsutdinov, M.Makhmudov, M.Khudoykulov, and G.Gofurov’s scholarly works are valuable resources for delving into the history of Soviet Uzbekistan’s economy.

Results. This study’s scientific and theoretical findings allow for the enrichment of knowledge about economic life in Uzbekistan as well as the history of Soviet economic policy. The collected information is scientifically significant because it contributes to the development of a new approach to the study of the republic’s history, a comprehensive study of the economic sphere using historical documents and sources, and an introduction to Uzbekistan’s post-war economic life.

Discussion. Following the Second World War in Uzbekistan, all efforts were directed at repairing the economy, growing the national economy, and eradicating the war’s effects. However, there remained a scarcity of fuel, raw materials, power, and experienced people to rebuild industry and supply the populace with home and food supplies. The Soviet government’s colonial agenda trumped the republic’s efforts to rehabilitate its economy. The center exploited Uzbekistan’s material riches and people potential with ruthlessness. It became the primary raw material provider, and the region saw the development of firms producing primarily light industrial items. Previous aims and directions have been maintained as the industry has evolved. The republic’s economic and industrial progress were intrinsically related to the development of the cotton and raw materials sectors.

In particular, the Central Committee of the All-Union Communist Party of Bolsheviks and the Union Government of June 14, 1945, “On measures to restore and further develop cotton growing in Uzbekistan,” of February 2, 1946, “On measures to restore and further develop cotton growing in Uzbekistan in 1946-1953” [1:1-2] clearly spelled out the tasks of increasing cotton production. The cotton monopoly has been strengthened as a result of the Central Government’s measures to restore and promote cotton growing in Uzbekistan. This reinforced Uzbekistan’s reliance on the center. The primary purpose of agricultural reconstruction in the republic was to extend planted fields and enhance their proportion in line with party orders.

The republic was unable to raise cattle or melons due to the excessive spread of cotton-sown regions. From 1945 to 1955, 374.9 thousand hectares of fresh land were created, including 2820 hectares irrigated. Cotton planted area rose by 529.3 thousand hectares and reached 1370 hectares in 1955 [2:59]. Cotton output increase necessitated significant expenses for agricultural modernization, mineral fertilizer manufacture, and the installation of new irrigation systems. On the one hand, this aided the growth of varied farming while also resulting in the construction of a cotton monoculture. In the 1960s and 1970s, new industries emerged as a result of the exploitation of natural resources and the mobilization of the entire population. Gas and oil product output, nonferrous and ferrous metallurgy, and coal production all improved. Developed the chemical and energy industries. The republic’s reliance on the Union grew as more industrial firms were established.

Industrial businesses were constructed in areas with a high concentration of labor and raw resources, rather than in areas where goods are transported hundreds of kilometers [3:40]. There

hasn't been a single significant firm formed to produce completed goods. The specialization of production had a disastrous effect on the national economic structure, with agricultural and cotton cultivation accounting for 83.4 percent of total industrial production in 1970. In 1975, this proportion had risen to 78%, and by the mid-1980s, it had risen beyond 75% [4:597]. For several years, the dispersed, one-sided economy remained mostly unchanged. For decades, Uzbekistan's economy has been a component of a unified, centrally regulated national economy. In the 1970s, socioeconomic progress stalled, and the ninth and sixth five-year plans were not carried out. It is clear that at this point, bad conditions had formed in the Union's economy.

Economic progress stalled in Uzbekistan, as it had in all republics, and economic tensions arose. The major causes for this were the strengthening of administrative command, the republic's metamorphosis into the Union's raw material basis, and a negative attitude toward nature. In the second part of the 1980s, the republic's metallurgy, mechanical engineering, and chemical industries were all subservient to the Union. In April 1985, the plenum of the Central Committee of the CPSU declared the road to Soviet society's restoration and called for a complete renewal. Economic reforms were one of the most important aspects of the rebuilding, although the policies and transformations implemented were ineffective. Over time, it has become evident that "restoration of a poor-quality economic system" is not possible. The duties were not accomplished as a result of errors made during the reform policy and the worsening of the political environment. In March 1989, the Plenum of the Central Committee of the USSR assigned responsibilities such as overhauling the economy and reducing the country's economic gap in the globe in a short period of time. Under these conditions, it was necessary to draw as many material labor and financial resources as possible to manufacturing.

Uzbekistan's economy specialized mostly in the manufacture of raw materials, hence the percentage of output with added value was quite low. If consumer products production accounted for 28.5% of overall industrial production in 1965, it was 24.7% by 1986 [5:8]. By 1990, the Soviet authorities exerted minimal influence over economic conditions. Government spending grew as a result of the expansion of impacted businesses. Striving for market economic relationships as a state that weathered the challenges of a transitional economy, it enabled Uzbekistan to overcome the repercussions of a catastrophic lag in the manufacturing sector and restore national economic development in the mid-1990s. With the proclamation of independence, Uzbekistan attempted to establish commercial contacts.

Conclusion. The strengthening of the country's authoritarian regime had a detrimental influence on economic development and output growth. On the one hand, a strong manufacturing base has emerged within the republic. Industry and agriculture grew economically significant not just inside the Union, but also globally. Uzbekistan was able to reach the global market with its industrial products.

On the other side, the republic's economy relied on other economic zones. Uzbekistan was required to export a variety of machinery and consumer items from other union republics. This specialization and collaboration did not allow Uzbekistan's economy to be free. To move out of this economic crisis and onto a road of progress, the republic's economy needed to be renewed. The fundamental job, taking into consideration historical experience, national attitude, and people's hard labor, is to achieve steady progress toward particular goals.

References

1. Шодмонов Ю, Зуфаров Х. Ўзбекистон ССРнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар // Қизил Ўзбекистон. 1946. № 178 (6605).
2. Эркаев Э., Хомидов Д. «Хлопковая монокультура» в Узбекистане после Второй Мировой войны и её последствие (1945-1955 гг.) // e library.ru 2015. № 5.
3. Базаров О. Экономическая политика бывшего советского государства и проблемы развития промышленности Узбекистана (на примере Ферганской долины в 80-е годы XX века). Исторические исследования. III Международная научная конференция. Казан. 2015.05.

4. Худойкулов У. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида саноатнинг бир томонлама тараққиёти масалалари: муаммо ва зиддиятлар (XX аср 70-80 йиллар асосида) // Ўтмишга назар. 2021. № 3.
5. Рузиев Ф., Агабаев А. Проблемы перестройки структуры экономики Узбекистана // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1989. № 3.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Икромов Х.О

Андижон давлат педагогика Институтини ўқитувчиси

Она Ватанимизни асраш ва шуҳратини дунёга тараннум этиш, унга бўлган садоқат, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга тайёрлик сингари энг муҳим тушунчалар ва ватанпарварлик туйғусини ёшларнинг қалби ва онгида илк болалик давридан бошлаб шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Аксарият ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг ватанпарварлик тарбияси бўйича давлат дастурлари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириш концепциялари қабул қилинган, ёшларнинг ватанпарварлик борасидаги тарбияси билан шуғулланувчи ва давлат томонидан молиявий қўмак берилувчи кўплаб жамоатчилик асосидаги фахрийлар ва жамоатчилик ташкилотлари ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ҳарбий соҳадаги давлат сиёсати, Қуrolли Кучларимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш борасида ислоҳотларнинг янги босқичи бошлаб берилди. Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан суҳбатлашиб, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитар экан, соҳада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган жиддий, тизимли муаммоларни ҳам кўрсатиб ўтиб, “Булар – кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий қуrol-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллуқли муаммолардир”, деб таъкидлаган.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, мазкур йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини янада ошириш, ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2023-йил 29-июндаги 267-сон қарор қабул қилинди. Унга кўра қуйдагилар:

2023 — 2027-йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепсиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”

“йўл харитаси”да масъул ижрочи сифатида белгиланган вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари тегишли топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

“йўл харитаси”нинг масъул ижрочилари тегишли чора-тадбирлар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ҳар чорак якунида ҳисобот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Концепсия ва “йўл харитаси” ижросини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади, белгиланган топшириқларнинг масъул ижрочилар томонидан амалга оширилиши устидан мониторинг юритади, амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашига ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисобот тақдим этади;

Ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий кадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садо-

қатли ҳамда шижоатли ёшларни камол топтириш Консепсиянинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Ҳозирги глобаллашув жараёни ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг анъанавий ва замонавий усулларида самарали фойдаланишни тақозо этади. Булар қуйидаги усуллардан иборат.

1. Тарғибот усули. Ватанпарварликнинг тарбиявий-ахлоқий мазмуни ва бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб беришдан иборат. Шу боис ҳарбий ватанпарварлик туйғусини ёшларга содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш, уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат.

2. Жамоавийлик усули. Бугунги кунда Қуролли Кучларимизнинг умумий жанговар шайлиги бирлашма, қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлиги даражаси билан белгиланади. Ҳарбий бўлинмалар ўз ички тузилмасига кўра, фаолият юритиши қатъий белгиланган ижтимоий гуруҳни ифодалаб, ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари ва улар ўртасидаги хизмат муносабатлари, ички тартиб-қоидалари, мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари, кундалик ҳамда маиший шароитлар, ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш, ички хизматни олиб бориш масалалари Интизом ҳамда Ички хизмат Низомларининг асосий ҳолатларида қатъий белгилаб берилган.

3. Анъанавийлик усули. Ҳарбий анъана армияда ҳарбий хизмат жараёни жанговар вазифаларни бажариш, шахсий таркибни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ бўлган, тарихан шаклланган, авлоддан авлодга ўтувчи ғоя, қоида, урф-одат, ҳуқ-атвор меъёрларида намоён бўлади. Қуролли Кучларда ҳарбий анъаналар тизими ҳарбий фаолиятнинг асосий уч соҳасини: жанговар анъаналар; ҳарбий турмуш анъаналари; таълим-тарбиявий анъаналарни қамраб олади.

4. Қадриятлар устуворлиги усули. Ҳарбий хизматчиларда миллий қадриятларга, илғор анъаналарга, ахлоқий тамойилларга, юксак маданиятга содиқлик каби инсоний фазилатларни ҳосил қилмасдан туриб ватанпарварлик туйғусини шакллантириб бўлмайди. Чунки Ўзбекистоннинг қарийб 27 йиллик мустақил тараққиёт йўлига назар ташланса, ватанпарварликни рўёбга чиқариш, мард ва жасур авлодни вояга етказишга оид кенг қўламли ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосий мақсади ҳам Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига бефарқ бўлмаган авлодни шакллантиришдан иборат. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятлар прагматик асос бўлиб хизмат қилади.

5. Замонавийлик усули. Қийинчиликлар, тўсиқлар, номутаносибликлар, ҳатто жиноий ҳаракатларнинг ошиб бориши ҳам соф виждонли киши қалбида Ватан туйғусини, агар у чуқур эътиқодга айланган бўлса, ўчиролмайди. Ранг-баранг мақсад ва манфаатларга эга ижтимоий гуруҳлар мавжуд экан, умуммақсадни турлича, гоҳо бир-бирига зид тарзда идрок этиш ҳам сақланиб қолади. Янги-янги авлодларнинг туғилиши, ҳаёт саҳнасига чиқиши жамият олдига янги-янги муаммоларни кўндаланг қўяверади; айнан ушбу узлуксизлик, тадрижийлик ижтимоий ҳаётнинг ҳам узлуксиз, тадрижий давом этишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёшларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, Ватанни севиш ва асраш туйғуларини шакллантириш ахлоқий эҳтиёжга айланди. Бугунги кунда бу давлат сиёсати марказида туради. Бу эҳтиёжни эса маънавий-ахлоқий мерос воситасида қондириш самарали натижа бериши яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, ватанпарварлик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. У меҳр-оқибат, Ватан тақдири учун қайғуриш, ташвиш ва фалокатларга ҳамдардлик каби ахлоқий фазилатлар сирасига киради. Айниқса, ҳарбий ватанпарварлик умумхалқ, умуммиллий ватанпарварликнинг алоҳида тури ва ажралмас бўлагидир.

Ҳарбий ватанпарварлик ғояларини ёшлар қалбига сингдириш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатида яна ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2017, -Б. 18.
2. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сони. – 2017. 7 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 3-сони. - 2017 йил. 10 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февраль куни тасдиқланган “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепция” Ватанпарвар газетасининг № 9 (2760) – сони, 2018 йил 2-март.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 29.06.2023 йилдаги 267-сон
6. Ikromov, X. (2024). HARBIY-VATANPARVARLIK HARAKATI. Talqin va tadqiqotlar, 1(1).
7. Икромов, Х.О. (2023). Ўзбекистонда ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этишнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. GOLDEN BRAIN, 1(9), 102-107.

**SHO‘RTAN GAZ KIMYO MAJMUASINING ISHLAB CHIQARISH QUVVATINI
KENGAYTIRISHDA INVESTITSIYANI O‘RNI.**

Mallayeva F.R.

QarDU mustaqil tadqiqotchi.

Majmua yurtimizning janubiy-g‘arbiy qismida Qashqadaryo viloyatining G‘uzor tumani cho‘l hududida joylashgan bo‘lib, Sho‘rtan gaz kondensati koni negizida barpo etilgan. Mamlakat iqtisodiyoti va rivoji yo‘lida muhim ahamiyatga ega bo‘lgan ushbu korxonada tabiiy gazni qayta ishlab, yuqori rentabelli mahsulotlar ishlab chiqariladi. "Sho‘rtan gaz kimyo majmuasining ishlab chiqarish quvvatini kengaytirish" investitsion loyihasini amalga oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11 may 2017 yildagi №PQ-2965 qaroriga binoan "Sho‘rtan gaz kimyo majmuasining ishlab chiqarish quvvatini kengaytirish" investitsiya loyihasini amalga oshirish.

Loyihaning maqsadi xorijiy va ichki bozorlarda talab katta bo‘lgan yuqori qo‘shimcha qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish orqali polimer ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash, Sho‘rtan gaz kimyo majmuasining texnik-iqtisodiy ko‘rsatkichlarini takomillash-tirish, eksport salohiyatini oshirish va xom ashyo va materiallarning importini kamaytirishdan iborat.

Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi ishlab chiqarishni kengaytirish hisobiga O‘zbekistonda yana bir yuqori texnologiyali mahsulot ishlab chiqariladi, bu uglevodorodlarni qayta ishlash darajasini yanada oshirishga imkon beradi.

Sho‘rtan gaz kimyo majmuasini kengaytirish ob‘ektlari loyihasi CB & I (AQSh) va Chevron Philips (AQSh) kabi etakchi kompaniyalarning eng zamonaviy gaz kimyoviy texnologiyasidan foydalanishga asoslangan.

Ishlab chiqarishni loyihalashtirish quvvatiga va yuqori sifatli mahsulotlarga ega bo‘lishini ta‘minlash uchun zavodni loyihalashtirish ishlari texnologiya litsenziyalari talablari va spetsifikat-siyariga muvofiq ravishda amalga oshiriladi.

Investitsiya loyihasi «O‘zbekneftgaz» MXK mablag‘lari, Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi mablag‘lari va etakchi xalqaro moliya institutlari va Xitoy va Rossiya Federatsiyasi banklarining kreditlari hisobiga moliyalashtiriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil fevral oyida Qash-qadaryo viloyatiga tashrifidan so‘ng loyiha yangi kuchga kirdi. Zavodning mamlakat kelajagi uchun strategik ahamiyatini inobatga olgan holda, davlat rahbari hukumatga loyihani moliyalashtirish, jihozlarni etkazib berish uchun yo‘l xaritasini ishlab chiqish va ob‘ektni bosqichma-bosqich qurish,

shuningdek, qurilish ishlarining sifati va zavod talabiga ko‘ra mutaxassislarni tayyorlashga alohida e‘tibor qaratishni buyurdi.

Shu bilan birga, Prezident Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi negizida hududda birinchi gaz kimyo klasterini yaratish taklifini ilgari surdi. Zavodda ishlab chiqarilayotgan GTL nafta va suyultirilgan gaz Sho‘rtan gaz kimyo majmuasiga yanada chuqur qayta ishlash va polimer mahsulotlarini ishlab chiqarishni ko‘paytirish uchun etkazib beriladi.

Loyiha doirasida “Enter Engineering Pte Ltd” kompaniyasi bilan (EPC shartnomasi) umumiy qiymati 1,3 milliard dollarli “kalitgacha” shartnoma imzolangan.

Bugungi kunda loyihani amalga oshirish jadal bosqichga o‘tdi. Materiallar va jihozlarga buyurtmalar berish, batafsil loyihalash ishlari boshlandi. Qurilish maydonida texnologik qurilmalar va apparatlar, qurilish materiallarini etkazib berish va tashish masalalari ishlab chiqilmoqda. Qurilish maydonida ma‘lum miqdorda tayyorgarlik ishlari tugallandi.

Loyihani batafsil loyihalash va ishlab chiqishda Seul, Gaaga va Toshkent shaharlarida "O'zbekneftgaz" MXK, "O'zbekiston GTL" MChJ, "Huyndai Engineering & Construction", "McDermott" va "Enter Engineering" kompaniyalari tomonidan 250 dan ortiq yuqori malakali mutaxassislar jalb etildi.

Qurilish maydonida 70-nafar quruvchi, muhandis va mutaxassis jalb qilindi, 20-ga yaqin og‘ir va maxsus qurilish uskunalari jalb qilindi.

Loyihani amalga oshirish doirasida O‘zbekistonga hajmiy va texnologik jihozlar, qurilmalar va asbob-uskunalar yetkazib berish uchun deyarli barcha xalqaro logistika yo‘nalishlari jalb etiladi.

Qurilish avjida 5000 dan ortiq malakali quruvchilar, muhandislar, turli mutaxassislar va ishchilar jalb qilinadi. Loyihani amalga oshirish mamlakatda qo‘shimcha ravishda bevosita ish o‘rinlarini yaratadi.

"Sho‘rtan gaz kimyo majmuasining ishlab chiqarish quvvatini kengaytirish" loyihasini amalga oshirish o‘zbek yoshlari uchun xalqaro darajadagi bilim va tajriba orttirish imkonini beradi. "O'zbekneftgaz" MXK hozirgi kunda kelgusida ishlab chiqarish ishlari uchun xodimlarni tayyorlash dasturini ishlab chiqmoqda. Yaqin kelajakda mamlakatimiz oliy o‘quv yurtlari va kollejlarning eng yaxshi bitiruvchilari zavodda keyingi faoliyat uchun tanlanadi. Shunday qilib, birinchi bosqichda 200 ga yaqin bitiruvchilar Sho‘rtan gaz kimyo majmuasida ishlab chiqarish malakasini o‘tashmoqda.

Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi ob‘ektlarini kengaytirish tabiiy gazni chuqur qayta ishlash asosida mahsulot ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash imkonini beradi. Ishlab chiqarish mamlakatimizda barqaror iqtisodiy o‘sishni ta‘minlashga, shuningdek, gaz kimyo sanoatida yangi avlod mutaxassislarni shakllantirishga yordam beradi. Sho‘rtan gaz-kimyo majmuasi O‘zbekistonning neft-gaz sohasidagi etakchi korxonalaridan biridir. Majmua tabiiy gazni chuqur qayta ishlash orqali polietilen granulalari, tozalangan tabiiy gaz, uglevodorodli suyultirilgan gaz, barqaror gaz kondensati, texnik oltingugurt va shuningdek, polietilendan tayyor xalq iste‘moli tovarlari ishlab chiqaradi. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlari korxonalarining ehtiyojlarini qondirish uchun gaz, uglevodorod xom-ashyosi va uni qayta ishlash mahsulotlarini etkazib berish; ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish va ishchilarning mehnat sharoitlarini yaxshilash, ishchilar va ularning oila a‘zolarining hayot sifatini yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy dasturlarni amalga oshirish;

- yangi ishlab chiqarish texnologiyalarini muntazam o‘zlashtirish va yangi turdagi mahsulotlarni ishlab chiqarish;

- neft va gaz sanoati uchun yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash bo‘yicha tadbirlar o‘tkazish;

- mintaqada yangi ish o‘rinlarini yaratish.

- texnik reglament talablariga va shuningdek iste‘molchilar talablari va istaklariga javob beradigan raqobatbardosh va sifatli mahsulotlarni ishlab chiqarish;

- mehnat xavfsizligi va sog‘liqni muhofaza qilishning qonunda belgilangan talablariga rioya qilish;

- atrof-muhit muhofazasi talablarini bajarish;

- energiya resurslaridan oqilona va tejamkorlik bilan foydalanish, ularni iste‘mol qilish samaradorligini doimiy oshirib borish.

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

Iqtisodiy va ijtimoiy funksiyalarni amalga oshirish va asosiy maqsadlarga erishish uchun ShGKM rahbariyati majmua faoliyatiga ISO 9001, ISO 14001, ISO 45001, ISO 50001 xalqaro boshqaruv standartlari talablari asosida boshqaruv printsiplari va yondashuvlari jamlangan integratsiyalashgan boshqaruv tizimini joriy etish bo‘yicha strategik qaror qabul qilindi.

1. IBT faoliyatini amalga oshirishda xodimlarning ishtirokini oshirish, xodimlar talablarga rioya qilishning ahamiyatini anglab yetishi va ularning bilim darajasini oshirish;

2. Jarayonlarni boshqarish va ishlarni amalga oshirish usullarini takomillashtirish;

3. Texnik ta‘minotni yaxshilash.

- korxonaning faoliyatini tartibga soluvchi me‘yoriy-huquqiy talablarni, iste‘molchilarning talablarini bajarilishini ta‘minlash, shuningdek majburiyatlarga muvofiq boshqa talablarini bajarilishini ta‘minlash;

- atrof-muhit muhofazasi talablarini va harakatlarni bajarilishini ta‘minlash, shu jumladan: ifloslanishning oldini olish; atrof-muhitga ijobiy ta‘sir ko‘rsatish imkoniyatidan foydalanish; salbiy ekologik ta‘sirlarning oqibatlarini yumshatish; mintaqaning biologik xilma-xilligini va ekotizimlarini saqlashga intilish;

- sog‘liqni saqlash va mehnat xavfsizligini ta‘minlash sohasida xatarlarni bartaraf etish va xavflarni kamaytirish, xavfsiz va sog‘lom mehnat sharoitlarini ta‘minlash, ish bilan bog‘liq shikastlanishlarning va sog‘liqning yomonlashuvining oldini olish;

- xodimlar bilan maslahatlashish va ularning sog‘lig‘ini saqlash va mehnat xavfsizligini ta‘minlash faoliyatida ishtirok etishlarini ta‘minlash;

- tizim doirasida, maqsadlarga erishish, energetika muammolarini hal qilish va energiya samaradorligini boshqarish uchun zarur bo‘lgan axborot va resurslarni mavjudligini ta‘minlash;

- sotib olish jarayonida energiya samaradorligiga ta‘sir etadigan energiya jihatidan samaradorligi yuqori bo‘lgan mahsulotlar va xizmatlarning ustuvorligini ta‘minlash;

- energiya samaradorligini oshirishni hisobga oladigan loyihalarning ustuvorligini ta‘minlash;

- yuqorida ko‘rsatilgan sohalarda integratsiyalashgan boshqaruv tizimini doimiy takomillashtirishni ta‘minlash, ish faoliyatining ekologik ko‘rsatgichlarini yaxshilash, energiya samaradorligini oshirish;

bu siyosatning amalga oshirilishini ta‘minlash va uni yangilab turish. Ushbu Siyosatni belgilashda rahbariyat integratsiyalashgan boshqaruv tizimining va har bir yo‘nalishning samaradorligi uchun javobgarlikni o‘z zimmasiga oladi. Ushbu Siyosat «Sho‘rtan gaz-kimyoy majmuasi» MChJ uchun umumiy bo‘lib, rahbar va xodimlarga o‘z faoliyatlarida amal qilish majburiyatini yuklaydi. Integratsiyalashgan boshqaruv tizimini hujjati. «Sho‘rtan gaz-kimyoy majmuasi» MChJ sifat, sanoat xavfsizligi va mehnat muhofazasi, atrof-muhitni muhofaza qilish va energiya samaradorligini ta‘minlash sohasidagi Aslanov Shuxrat Chariyevich, Bosh direktor, Eshmurodov Shokir Musurmonovich Bosh direktorning mahallilashtirish, sanoatda kooperatsiya aloqalarini kengaytirish masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari, Isaev Uktam Jalilovich Bosh direktorning ishlab chiqarish bo‘yicha o‘rinbosari, Halilov Nodir Norqulovich Bosh direktorning transport va xo‘jalik masalalari bo‘yicha o‘rinbosari, Xalimov Jasurbek Komilovich, Bosh direktorning iqtisod, moliya va tijorat masalalari bo‘yicha o‘rinbosari, Quvvatov Faxriddin Eshqobilovich Bosh direktorning axborot texnologiyalari va ijtimoiy masalalar bo‘yicha o‘rinbosari, Ibadullayev G‘ayrat Karimovich, Bosh direktorning kapital qurilish va ta‘mirlash bo‘yicha o‘rinbosari.

Shurtan gaz kimyoy majmuasi tomonidan ishlab chiqarilayotgan polietilen granulari eksportga yuborilmoqda hamda respublikamiz ichida mahsulotlarni ishlab chiqarish va ehtiyojga ishlatish maqsadida foydalaniladi.

Shurtan gaz kimyoy majmuasi mahsulotlarining keng ko‘lamligi hamda ko‘plab maqsadlarga mo‘ljallanganligi O‘zbekiston iqtisodiyotining turli tarmoqlarining barqaror va samarali rivojlantirishini ta‘minlaydi. Butunlay yangi turdagi ishlab chiqarishlar va yangi texnologiyalarni joriy qilishda uchun o‘ziga xos katalizator bo‘lib xizmat qiladi. Kichik va o‘rta biznesni faol rivojlantirishga va respublikada eksport salohiyatini oshirishga imkon beradi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. «Геология нефти» журналы, 1967, № 11, 2-3бетлар
2. Н.Ниёзов, А.Муҳидов. Нефту газнинг табиати ва аҳамияти. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1978, 5-бет.
3. Х. Авазметов, А. Муҳаммадқулов. Нефть газнинг мўъжизалари. Тошкент, “Фан” нашриёти. 1974, 48-бет.
4. Я.Кумок. М.Губкин. Изд-во “Молодая гвардия”, 1968, 88-бет.
5. Ўзбекистон нефть ва газ, 2013 йил 16 – 31 май.
6. Ўзбекистонда нефть ва газ илмий-техника. – 2022. – №1. – Б.5-14.
7. Хусанов Ж. Қашқадарё хазинаси // Қашқадарё ҳақиқати, 1969 йил 6 сентябрь.

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI OLIMLARINING ANIQ FANLAR RIVOJIDAGI O‘RNI.

Baratova D.B.

QarDU O‘zbekiston tarixi kafedrasini o‘qituvchisi

Bizga ma’lumki yurtimizda aniq fanlar rivoji bir necha asrlik tarixga ega. Muhammad al-Xorazmiy, Ahmad Farg‘oniy, Abu Rayhon Beruniy, Mirzo Ulug‘bek singari ulug‘ ajdodlarimiz tamal toshini qo‘ygan aniq fanlar, bugungi kunda ilm-fan va texnika-texnologiyalarning rivojlanishi munosabati bilan yanada muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu o‘rinda aniq fanlar yo‘nalishida respublikamizda faoliyat ko‘rsatayotgan oliy ta’lim muassasalari, ilmiy tadqiqot institutlari jumladan Qarshi davlat universitetida mehnat qilayotgan olimlarning ham munosib o‘rni bor.

1945 yil 16 iyunda O‘zbekiston Oliy Kengashi va Qashqadaryo viloyati partiya qo‘mitasining qo‘shma yig‘ilishida Buxoro birlashgan davlat pedagogika va o‘qituvchilar institutining Qarshi filialini tashkil etish to‘g‘risida qaror qabul qilindi. Ana shu qaror asosida bugungi kundagi Qarshi davlat universiteti filial sifatida o‘z faoliyatini boshladi [1:16].

1945-1946 o‘quv yilida uchta ya’ni tarix-filologiya, fizika-matematika va tibbiyot-geografiya bo‘limlari faoliyati yo‘lga qo‘yildi. Mazkur o‘quv yilida jami 120 nafar tinglovchi o‘qishga qabul qilindi. Ularning 25 nafari fizika-matematika yo‘nalishiga qabul qilingan talabalar edi [2:]. Ana shu davrdan boshlab ushbu oliy ta’lim muassasasida aniq fanlar yo‘nalishida pedagogik kadrlar tayyorlab kelinmoqda.

O‘zbekiston Ministrlar Sovetining 1949-yil 27-oktabrdagi 1966-sonli qarori bilan, Qashqadaryo vohasining oliy ma’lumotli pedagogik kadrlarga bo‘lgan ehtiyojini hisobga olib, filial sifatida tashkil etilgan ta’lim muassasasi mustaqil Qarshi o‘qituvchilar institutiga aylantirildi. 1956-yil iyulda O‘zbekiston Ministrlar Kengashining qarori bilan Qarshi o‘qituvchilar instituti negizida Qarshi davlat pedagogika instituti ochildi. Mazkur yilda fizika-matematika fakulteti tashkil etildi[3:2]. Fakultetga katta o‘qituvchi Safar Shodiyev dekan etib tayinlanadi. Mazkur yilda geliopoligon, fizika kafedrasining o‘quv laboratoriyalari, planetariy, o‘qitishning texnik vositalari kabinet va boshqa ilmiy-o‘quv bazalarni imkon darajasida jihozlash choralari ko‘rildi. 1959 yilda fakultetda “Fizika va umumtexnika fanlari” (fizika va mehnat) bo‘limi ochildi. Mazkur davrdan boshlab, institutda ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash masalasiga alohida e’tibor qaratildi. Tursun Sodiqov fizika-matematika fakulteti tarixida birinchi bo‘lib ilmiy-tadqiqot ishini boshlab bergan olimlardan hisoblanadi. Shu yili geliopoligon tashkil etib, geliotexnika bo‘yicha ilmiy-tadqiqot ishlariga asos solindi. Ilmiy-tadqiqot ishlariga yuqori kurs talabalari va yosh o‘qituvchilar jalb etilib, geliotexniklar maktabi faoliyati yo‘lga qo‘yildi. Geliopoligon bazasida 2 ta doktorlik va 10 dan ortiq nomzodlik dissertatsiyalari himoya qilindi. Tursun Sodiqov 1967 yilda birinchi bo‘lib nomzodlik dissertatsiyasini himoya qiladi. Keyingi yillarda uning rahbarligi ostida bir nechta nomzodlik dissertatsiyalari himoyalari amalga oshiriladi.

80-90 yillarga kelib fakultetda ilmiy salohiyat ancha yaxshilandi. Aniq fanlar yo‘nalishi bo‘yicha bir nechta dissertatsiyalar himoyasi amalga oshirildi. Jumladan, professorlardan Davron Shodiyev, Bozor Choriyev, Murodulla Narmurodov, Oltiboy Hayitov, Botir Xayriddinov, Askar Vardiyashvili, Omon Shukurov, Allanazar Tashatov, dotsentlardan Tursun Sodiqov, Quvvat

Ro‘zimurodov, Normurod Ro‘ziyev, Abdisamad Shoyqulov, Tursunpo‘lat Jumayev, Bolta Kenjayev, Jo‘ra Toshev, Nasriddin Dilmurodov, Serob Uzoqov, Qayum Karimov, Bahrom Qo‘yliyev, To‘la Ziyoyev, Mo‘min Abulov, A‘zam Imomov, Eshpo‘lat Aliqulov, Sa‘dulla Botirov, Eshmat Eshdavlatov, Jo‘ra Oromovlar faoliyat olib bordi. Uzoq yillar respublika pedagogika ilmiy tekshirish institutini boshqargan professor Davron Shodiyev fizika o‘qitish metodikasi bo‘yicha o‘ziga xos ilmiy maktab yaratdi. Aniq fanlar yo‘nalishida shogirdlar tayyorlashni yo‘lga qo‘ydi.

1992-yil 28-fevralda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublikada yangi oliy ta’lim muassasalarini tashkil etish to‘g‘risida”gi Farmoni asosida oliy ta’lim muassasalari faoliyatida tub o‘zgarishlar ro‘y berdi. Shu yili Qarshi davlat pedagogika institutiga universitet maqomi berildi[4:60]. Mazkur holat universitetda ilmiy darajaga ega bo‘lgan olimlarning sonini yanada kengaytirish lozimligini ko‘rsatdi.

1994-1995 o‘quv yilida universitetda 49 kafedra faoliyat ko‘rsatdi. Ularda 20 nafar fan doktori professorlar, 178 nafar fan nomzodlari, 26 nafar dotsent ilmiy unvoniga ega olimlar mehnat qilishdi. Ular orasida ko‘plab aniq fanlar yo‘nalishida ilmiy darajaga ega bo‘lgan olimlar ham mavjud edi.

1996 yilda Fizika-matematika markazi, matematika hamda fizika-texnika fakultetiga aylantirildi. Ushbu fakultetda aniq fanlar yo‘nalishi bo‘yicha professorlardan B.Xayriddinov, A.Vardiashvili, dotsentlardan N.Sharipov, J.Toshev, N.Dilmurodov, L.Karimov, Y.Bobojonov kabi ilmiy salohiyatga ega bo‘lgan kadrlar talabalarga dars o‘tishdi. Yildan-yilga aniq fanlar yo‘nalishidagi olimlar soni ham oshib bordi. Ammo, boshqa yo‘nalishlar bilan solishtirilganda bu holat pastroq ko‘rsatkichni ko‘rsatganligini ko‘rishimiz mumkin.

2013-2014 o‘quv yilida Qarshi davlat universiteti fakultetlarida ilmiy darajali pedagog kadrlar fakultetlar kesimida tahlil etilganda holat qo‘yidagicha edi. Jumladan, Tarix fakultetida 52,0 foiz, o‘zbek filologiyasi fakultetida 71 foizni tashkil etgan bo‘lsa, aniq fanlar yo‘nalishidagi fizika-matematika fakultetida 46,8 foiz, Kasbiy ta’lim fakultetida 37,3 foizni takil etdi. Mazkur holat aniq fanlar yo‘nalishida ilmiy tadqiqot ishlarini yanada jadallashtirish lozimligini ko‘rsatardi[5:15]. Ikkinchi tomondan, aniq fanlar yo‘nalishida faoliyat olib borayotgan professorlarning bir nechitasi turli ixtisoslashgan kengashlarning a‘zolari bo‘lganligini ko‘rishimiz mumkin. Jumladan, 2014-2021 yillarda universitet rektori sifatida faoliyat yuritgan professor Bahodir Shoimqulov O‘zMU huzuridagi ixtisoslashgan kengash raisi, Oliy va o‘rta-maxsus ta’lim vazirligi qoshidagi Muvofiqlashtiruvchi kengash a‘zosi hisoblangan. Shuningdek, professor Yusuf Eshqobilov O‘zMU qoshidagi ixtisoslashgan kengash a‘zosi, B.Xayriddinov f.m.f.d A.Tashatovlar Texnika universiteti qoshidagi, texnika fanlari doktori S.Yoqubov Toshkent axborot texnologiyalari va O‘zbekiston Milliy universiteti huzuridagi ixtisoslashgan kengash a‘zosi bo‘lgan.

Fakultetda ikkita muammoli laboratoriya – “Quyosh energiyasidan foydalanishning fizika asoslari” (ilmiy rahbar professor Botir Xayriddinov) va “Molekulalar spektroskopiya” (ilmiy rahbar dotsent Bahrom Qo‘yliyev), ixtirolar va konstruktorlik markazi, 6 ta ilmiy fan to‘garak faoliyat ko‘rsatdi. Mazkur davrda fakultetda amaliy matematika va informatika, fizika, matematika, kasbiy ta’lim kafedralari ish olib bordi. Amaliy matematika va informatika kafedrasida 1 nafar fan doktori, 5 nafar fan nomzodi faoliyat ko‘rsatdi. Mazkur davrda fizika-matematika fanlari doktori, professor Omon Shukurov, pedagogika fanlari nomzodi, dotsentlar Abdusamad Shoyqulov, Qayum Karimov, texnika fanlari nomzodi Norxol Eshqorayeva, fizika-matematika fanlari nomzodi, katta o‘qituvchi Abdulhamid Xolmurodov singari professor-o‘qituvchilar kafedra ilmiy salohiyatini mustahkamlashga samarali hissa qo‘shdi. Kafedrada “Ikki bog‘lamli sohalarida nastotsionar to‘lqin jarayonlarini o‘rganish”, “Noaniq informatsion holatlarda texnologik jarayonlarni matematik modellashtirish”, “Informatika fanini o‘qitishning dolzarb muammolari” yo‘nalishlarida ilmiy ishlar olib borildi. Birinchi yo‘nalish bo‘yicha 2007-2011 yillar davomida “Rkustik, tzotropik va g‘ovak-izotropik muhitlarda nostatsionar to‘lqin jarayonlarini o‘rganish” mavzuida ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirildi. Kafedra qoshida 05.13.18 – Matematika modellashtirishning nazariy asoslari ixtisosligi bo‘yicha ilmiy-uslubiy seminar mavjud bo‘lib, unda o‘quv qo‘llanmalar, o‘quv-uslubiy

qo‘llanmalar va maqolalarni muhokama qilish ishlari olib borildi. Shuningdek, mustaqil tadqiqotchilarning dissertatsiyalarini muhokama etish, himoyaga tavsiya etish borasida ijobiy natijalar qo‘lga kiritildi.

Kafedra professor-o‘qituvchilari Rossiya FA Mexanika muammolari ilmiy tadqiqot instituti, O‘zR FA Matematika va informatsion texnologiyalar, Mexanika va inshootlarning seysmik mustahkamligi, Seysmologiya ilmiy tadqiqot institutlari, Moskva aviatsiya instituti, O‘zMU va uning qoshidagi Matematika ilmiy tadqiqot instituti, TATU va uning qoshidagi Dasturiy mahsulotlar va dasturiy apparat majmualari ishlab chiqarish markazi, TDU, TDPU, BuxDUning yetakchi olimlari bilan hamkorlikda tadqiqot ishlari olib borildi. Fakultetning matematika kafedrasida jami 28 nafar professor-o‘qituvchi bo‘lib, ulardan 2 nafari fizika-matematika fanlari doktori, professor, 10 nafari fan nomzodi, dotsent, fizika kafedrasida esa 2 nafar fan doktori professor, 4 nafar fan nomzodi, dotsent, kasbiy ta‘lim kafedrasida 6 nafar dotsent, 3 nafari fan nomzodi faoliyat ko‘rsatdi[6:11]. Kafedrada O‘zR FA Astronomiya instituti, Kitob kenglik stansiyasi, Samarqand davlat universitetining optika va spektroskopiya kafedrası, O‘zbekiston Milliy universitetining optika va lazer fizikasi kafedrası, O‘zR FAning Yadro fizikasi, Ion-plazma va lazer texnologiyalari instituti, polemerlar fizikasi va kimyosi institutlari va respublikamizdagi bir qator oliy o‘quv yurtlari bilan hamkorlik aloqalarini o‘rnatib, tadqiqot ishlarini amalga oshirdi. Aniq fanlar yo‘nalishidagi professor-o‘qituvchilar tomonidan ikkita amaliy loyiha (dotsent B.Qo‘yliyev rahbarligida “Uglivodlar (metan, etan, propan, butan va boshqalar) tarkibidagi gaz va suyuqliklar (H_2S CO_2 , H_2O va boshqalar) miqdorini aniqlash metodini yaratish”, professor B.Xayriddinov rahbarligida “Avtonomlashtirilgan quyosh chorvachilik va parrandachilik kompleksi qurilmasini ishlab chiqish va tadqiqotlar o‘tkazish” mavzularida) tadqiqot ishlari amalga oshirildi. Kasbiy ta‘lim kafedrası professor-o‘qituvchilari tomonidan “Energiya resurslarini tejashda alternativ energiya manbalaridan foydalanish: muammolar va yechimlar”, “Noan‘anaviy va qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishda energiya tejamkorligi”, “Kasb ta‘limi bo‘yicha o‘qituvchilar tayyorlashning ilmiy-uslubiy asoslari”, “Oqova suvlarni tozalash va ishlab chiqarishda qayta foydalanish texnologiyalari”, “transport vositalari uchun ishlatiladigan motor moylari xizmat muddatini uzaytirish” singari yo‘nalishlarda ilmiy tadqiqot ishlari olib borildi.

2022-2023 o‘quv yilida Matematika va kompyuter ilmlari fakultetida matematik analiz va differensial tenglamalar, algebra va geometriya, amaliy matematika, algortmlar va dasturlash texnologiyasi kafedralari faoliyat ko‘rsatib kelmoqda. Mazkur kafedralarda 3 ta fan doktori professor, 2 ta fan doktori, 13 nafari dotsent, 7 nafari texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) hisoblanadi. Fizika fakulteti 2021 yilning sentabr oyida tashkil etilgan bo‘lib, malakali kadrlar tayyorlash bo‘yicha samarali faoliyat olib bormoqda. Fakultetda Nazariy va eksperimental fizika, Umumiy fizika, Sanoat muhandisligi kafedralarida 4 nafar professor, 5 ta fan nomzodi, dotsent, 7 nafar fizika-matematika fanlari falsafa doktori (PhD) faoliyat ko‘rsatib kelmoqda.

Xullas, o‘tmish tariximizdan ma‘lumki ilm-fan rivojida aniq fanlar rivojiga alohida ahamiyat qaratilgan. Juda ko‘plab olimlar tomonidan ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirilgan. Aniq fanlar rivojida Qarshi davlat universiteti professor-o‘qituvchilarining ham munosib hissa qo‘shib kelmoqdalar. Mazkur yo‘nalishda ko‘plab ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Jo‘raqulov O. Qarshi davlat universiteti. – Toshkent: Fan, 1999. – B. 16.
2. Egamov N. Janub javohiri. Fizika-matematika fakulteti. – Toshkent, 2016. B. 51.
3. Qarshi davlat universiteti. Tuzilishi, tarkibi, ta‘lim yo‘nalishlari. Qarshi 2010. – B. 2.
4. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. – T., 1992. – №4. – B.60
5. Qarshi davlat universiteti joriy arxivi, Qarshi davlat universitetining 2014-yil uchun ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash va ilmiy-tadqiqot faoliyati bo‘yicha tayyorlagan yillik yakuniy hisoboti, 15-varaq
6. Qarshi davlat universiteti joriy arxivi. Ilmiy va ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash bo‘limining 2013-yil hisobotlari ma‘lumotnomasi papkasi. – B. 11.

**FARG‘ONA VODIYSIDAGI O‘TROQ VA YARIMKO‘CHMANCHI AHOLI FAOLIYATI
TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI — XX ASR BOSHLARI)**

Olimov N.A.

AnDU tayanch doktorant, Andijon shahridagi Prezident maktabi tarix fani o‘qituvchisi.

XIX asr oxiri — XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysida aholining ma’lum bir qismi o‘troq turmush tarzi bilan birga yarimko‘chmanchi hayot tarzida yashagan. XIX asrning 70-yillarida Qo‘qon xonligidagi jami 192 ming xonadonning 60 ming nafari yoki 30 foizdan ortig‘i yarimko‘chmanchi tarzida hayot kechirgan, qolgan 70 foizdan ko‘proq qismi esa o‘troq hayot tarziga ega bo‘lgan. Niyozmuhammad Xo‘qandiyning “Tarixi Shohruhiy” asarida yozilishicha, Farg‘ona vodiysining o‘troq aholisi, asosan o‘zbek va tojiklardan, yarim ko‘chmanchi aholisi esa qirg‘iz, qoraqalpoq, qipchoq, cho‘nbog‘ish, turk va qalmoqlardan iborat bo‘lgan [3 - B. 78].

XIX asrning 70-yillaridan boshlab yarim ko‘chmanchi aholining o‘troq turmush tarziga o‘tishi tezlashdi va bu jarayonni ayrim tabiiy ofatlar natijasida chorva mollarining nobud bo‘lishi bilan izohlash mumkin [5 - B. 351]. Ko‘chmanchi chorvador etnik guruhlarining o‘troq turmush tarziga tez o‘tishi ularning vodiy aholisidagi salmog‘ining kamayishiga olib keldi. Boshqacha aytganda, vodiya yarimko‘chmanchi aholi soni yildan-yilga kamayib bordi. Buni statistik ma’lumotlardan ham ko‘rishimiz mumkin. XIX asrning 80-yillarida Farg‘ona vodiysi aholisining umumiy soni 729 ming kishidan ortiq bo‘lib, ulardan 124 ming nafari yoki 17 foizi ko‘chmanchi hayot kechirgan [4 - B. 326].

Mazkur davrda ko‘chmanchi aholi Farg‘ona viloyatining boshqa tumanlariga qaraganda Andijon, O‘sh, Namangan uyezdlarida ko‘proq bo‘lgan. Masalan, bu davrda Andijon uyezdi aholisining 34 foizi ko‘chmanchi hayot kechirgan.

Farg‘ona vodiysida yashagan qirg‘iz, qoraqalpoq, yarim ko‘chmanchi o‘zbeklar va ularning urug‘larining asosiy mashg‘uloti chorvachilik edi. Tarixdan ma’lumki, Qo‘qon xonligi bosib olingandan so‘ng Rossiya imperiyasi aholini vodiy hududlariga ko‘chirish siyosatini olib bordi. Ko‘chirilgan aholining ko‘p qismi O‘sh, Andijon va qisman Namangan uyezdlarining yarim ko‘chmanchi va yarim qishloq joylariga joylashtirildi. Yarimko‘chmanchi aholining asosiy tirikchilik manbai bo‘lgan yaylovlar egallab olinishi tufayli ularning chorvachiligi qisqaradi [1 - B. 28]. Bu o‘zgarishlar tufayli XIX asr oxirida Farg‘ona vodiysida yashagan yarimko‘chmanchi aholining o‘troqlashishi tezlashdi.

XIX asr oxirida Farg‘ona viloyatining O‘sh uyezdida 30 ming qirg‘iz xonadonlari joylashdilar. Albatta, chorvachilik va chorvachilik mahsulotlarining ahamiyatini tushungan ayrim amaldorlar chorvador aholining o‘troqlashiga qarshi edilar [2 - B. 121].

1908-1909 yillarda Turkiston o‘lkasini taftish qilgan graf. K.Palen ko‘chmanchi aholi yashaydigan hududlarda (qirg‘iz, qozoq, qoraqalpoq, turkmanlar) volost va ovullar tashkil etilishini va ulardagi ko‘p urug‘larni yagona boshliq boshqarishini ma’qulladi [6 - B. 9].

1909-yilda yozilgan “Farg‘ona viloyatining joy nomlari” deb nomlangan statistik hujjatlarni tahlil qilib, Farg‘ona vodiysining yarim ko‘chmanchi aholisi yashagan hududlari va ulardagi aholi sonini aniqlab olish mumkin bo‘ladi. Qo‘qon uyezdining Naygut-Qipchoq volostida 10 mingga yaqin kishi yoki uyezd umumiy aholisining atigi 2,2 foizi yarim ko‘chmanchi edi. Marg‘ilon uyezdining Yaukesek-Bo‘ston volostida esa 6800 kishi yoki umumiy aholining 1,5%i yarim ko‘chmanchi xo‘jaliklar edi. Mazkur statistik hujjatlardagi ma’lumotlarga ko‘ra, Namangan uyezdining Arim volostida 6000 ga yaqin, Saruy volostida 10300 kishi, Qirq-Ugul volostida 11500 kishi, Cho‘tqol volostida 4300 kishi, Susamir volostida 9300 kishi, jami 41400 kishi yoki jami Namangan viloyatining 9,4% aholisi yarimko‘chmanchi xo‘jaliklar edi. Andijon uyezdining Moylisoy volostida 4100 kishi, Bozorqo‘rg‘on volostida 4000 ga yaqin, Qorako‘l-Seresuy volostida 3650 kishi, Kenko‘l-Qoragir volostida 5130 kishi, Chankent volostida 5700 kishi, Ko‘g‘ir volostida 6120 kishi, O‘zgan volostida 10 ming, Yassi volostida. Uyezdida 51 mingdan ortiq kishi yoki umumiy aholining 12,2 foizi yarim ko‘chmanchi hayot kechirgan [7 - B. 1-153]. O‘sh uyezdi hududlari alohida o‘troq va ko‘chmanchi qismlarga bo‘lingan bo‘lib, uning ko‘chmanchi qismiga

Oloy, Qapchig‘ay, Gulcha, Qurshob kabi volostlar kiradi. O‘sh uyezdida 49 mingdan ortiq kishi yoki umumiy aholining 26% dan ortig‘i yarim ko‘chmanchi hayot kechirgan [7 - B. 1-153].

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysidagi yashagan yarimo‘troq o‘zbeklar ichida qipchoq, yuz, turk, qurama kabi turkiy tilli o‘zbek etnografik guruxlari ko‘pchilikni tashkil qilgan. Ushbu etnografik guruhlar XX asr boshlarida ham o‘zlarini alohida etnik jamoa sifatida tan olishgan. Mazkur etnografik guruhlar faqatgina 1930-yillarga kelibgina statistik ma‘lumotlarda o‘zbeklar tarkibiga qo‘shib hisoblangan [9 - B. 48].

Yuqoridagi sanab o‘tilgan etnografik guruhlar ichida qipchoqlar va ularning bir qancha mayda urug‘lari Farg‘ona vodiysining ko‘p hududlarida istiqomat qilib kelgan. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysida yashagan qipchoqlarning bir qismi o‘troq, yana bir qismi esa yarim o‘troq turmush tarziga o‘tib yashayotgan edi.

XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysida qipchoqlarning to‘rtta yirik guruhga bo‘linganlar: qipchoqlar yoki toza qipchoqlar, qirg‘iz-qipchoqlar, xitoy-qipchoqlar, sart-qipchoqlar [8 - B. 116].

Qipchoqlarning qipchoqlar yoki toza qipchoqlar deb atalgan guruhi Farg‘ona vodiysida keng tarqalgan guruh hisoblanadi. Ushbu guruh o‘z tarkibiga qo‘g‘ay, bugach, kumushoy, o‘lmas, yashik, yaydoq, puchug‘oy, elaton, bug‘az, ogim, taz, sirmoq, yettiq-qashqa, qutluq-said, cherik, ko‘kmo‘yun, to‘rt ayg‘ir, to‘rttoy, tovuldi, changarokchi, chiyal, kulon, oqbo‘yra, qorabovur, boshkirt, tikan, qoratikan, sari-qipchoq, qoramo‘yun kabi urug‘larni birlashtirgan edi [8 - B. 116].

Aynan shu guruhning kulon, o‘lmas, elaton, yashiq, yetti-qashqa kabi urug‘lari Qo‘qon xonligining etnosiyosiy hayotida muhim o‘rin tutgan. Masalan, XIX asr o‘rtalarida qipchoq qabilasi boshliqlari Muhammadnazarbiy, Mulla Xolbiy, O‘tambiyar Qo‘qon xonligi taxtiga Sheralixonni kelishiga dav‘at qiladilar. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida mahalliy tarixchilar tomonidan yozilgan ayrim manbalarda ham qipchoqlar hamda ularning urug‘lari to‘g‘risida ma‘lumotlar keltirilgan. Is‘hoqxon Ibratning „Tarixi Farg‘ona“, Niyoz Muhammad Ho‘qandiyning „Tarixi Shohruhiy“, Shavqiy Namangoniyning „Jangnomayi Xudoyorxon“ kabi asarlarida qipchoqlarning Qo‘qon xonligidagi mavqeyi Musulmonqul hokimyatga kelgan so‘ng kuchayganini ko‘rishimiz mumkin. Muhammadaziz Marg‘iloniy qalamiga mansub „Tarixi Aziziy“ asaridagi ma‘lumotlarga ko‘ra, XIX asr 70-yillarida ham xonlik siyosiy hayotida qipchoqlar muhim o‘rin tutgan [10.]. Masalan, asarda yozilishicha, Xudoyorxon oxirgi marta taxtga o‘tirganida o‘ziga vazir qilib qipchoqlardan Musulmonqulning o‘g‘li Abdurahmon oftobachini tayinlaydi.

Yuqoridagi ma‘lumotlardan ko‘rinib turibdiki, Farg‘ona vodiysidagi yarimko‘chmanchi aholining asosiy qismini qirg‘izlar va qoraqalpoqlar tashkil qilgan. Bundan tashqari, yarim o‘troq o‘zbeklar va ularning ayrim etnografik guruhlari chorvachilik bilan shug‘ullangan. Shuningdek, XIX asr oxiri — XX asr boshlarida vodiylar hududlarida soni jihatidan ozchilikni tashkil etgan qozoq, qalmoq, turkman kabi ko‘chmanchi chorvador xalqlar ham yashagan.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, XIX asr oxiri — XX asr boshlarida Farg‘ona vodiysi aholisi yarimko‘chmanchi turmush tarzidan o‘troq turmush tarziga juda tez o‘tdi. Bunga tabiiy va siyosiy omillar sabab bo‘ldi. XIX asrning 70-yillarida Farg‘ona vodiysida o‘troq aholi 70%ni, yarimko‘chmanchi aholi esa salmog‘i 30% ni tashkil etgan bo‘lsa, XX asr boshlarida bu ko‘rsatkich 91,9% va 8,1% ga o‘zgaradi. Ushbu raqamlardan ko‘rinib turibdiki, XX asr boshlarida vodiya o‘troq aholi salmog‘i sezilarli darajada oshgan.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Абрамзон С. М. Очерк культуры киргизского народа. Фрунзе. 1946.
2. Бартолд В. В. Истории культурный жизнь Туркестана. Ленинград. 1927.
3. Бейсембиев Т. К. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник. Алма-ата. 1987.
4. Костенко Л.Ф. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа // Материалы для географии и статистики России.-СПб., 1880.- Т. I.
5. Масалский В. И. Туркестанский край. – СПб, 1913.
6. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором К. К. Паленом. Сельское управление: русское и туземное. СПб., 1910.

7. Список населенных мест Ферганской области. Скобелев. 1909.
8. Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа (Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента).-Ташкент, 1974
9. Rahmatillayev. N. Farg’ona vodiysi aholisining etnodinamikasi. Toshkent. 2013.
10. Мухаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизи. Нашрга тайёрловчилар – Ш. Воҳидов, Д. Сангирова, – Тошкент. Маънавият, 1999.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ЮТУҚЛАРИ

Ражабов Р.

Осиё технологиялар университети

Бахшичилик санъати ўзбек халқининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан биридир. Унинг яратилиши халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий курашлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ҳақидаги идеаллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бахшичилик мураккаб санъат асари бўлиб, унинг дoston бўлиши учун адабий матн, шеър, мусика, айтим йўли лозим, шу туфайли дoston ижрочиси – бахши-шоир (дostonчи, жиров, юзбоши, санновчи, бакси) бир вақтида бадихагўй ҳикоячи, шоир, овозга эга бўлган хонанда, моҳир созанда ва маълум даражада актёрлик маҳоратидан хабардор бўлган санъаткордир. Чунки у ўзининг санъати билан тингловчини ром этиб, унга завқ-шавқ бахшида этади [1].

Бахши – терма, кўшиқ ва дostonларни сақловчи, ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ дostonчиси. Унинг ширали овози, дўмбирасидан таралаётган куй инсон қалбини беихтиёр тўлқинлантиради, жунбушга келтиради. Бахши халқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ва бирор чолғу чалишни билиши, хонандалик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли халқ тилининг турли шаклларида, сўз ўйинлари ва қочиримларида, халқ мақоллари ва ибораларида унумли фойдалана олиши лозим. Тингловчиларни ром этувчи оҳанг топа билиш, дostonни жозибали ва қизиқарли қилиб айтиш дoston айтишнинг асосий талабларидан. Бу эса, ўз навбатида табиий истеъдод, кучли идрок, мунтазам равишда кунт ва чидам билан машқ қилишни талаб этади. Она юртга садоқат, муҳаббат, дўстлик, биродарлик, қаҳрамонликни тараннум этувчи хилма-хил мазмундаги дostonларни бахшилар севиб куйлайдилар. Бахшилар томонидан ижрочилик ижоди бахшичилик санъати дейилади. Масалан, Пўлкан шоир етмишдан ортиқ дostonни ёддан билган. Ҳар бир дoston икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни, қарийб шунча назм қисмни ҳам ўз ичига олишини ҳисобга олсак, халқ бахшиларининг салоҳияти, ҳайратомуз ёдлаш ва эсда сақлаш қобилияти, ижод қилиш қудрати ўз-ўзидан аён бўлади. Ўзбекистон халқ бахшилари Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов, Қора бахши Умиров, Абдуқаҳҳор ва Абдумурот Раҳимовлар, Шомурод Тоғаев, Зиёдулла Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Қодир бахши Раҳимов бетақрор ижролари билан бахшичилик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшдилар [2].

Юртимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида бахшичилик санъати ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Чироқчи, Дехқонобод, Шеробод, Бойсун, Жанубий Тожикистон, Хоразм ҳамда Қорақалпоқ дostonчилиқ мактаблари мавжуд. Улар бир-биридан ижро усуллари ва репертуарлари билан фарқланадилар. Жумладан, Булунғур дostonчилиқ мактаби азалдан қаҳрамонлик дostonларини ижро этиб келгани билан машҳур. Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан шоирлар номи билан боғлиқ бўлган Қўрғон дostonчилиқ мактабида, асосан, лирик ишқий қиссалар куйланади [3].

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд бахшичилик мактаби вакиллари дўмбира жўрлигида бўғиқ, яъни ёпиқ овозда терма-қўшиқ ижро этиб, очиқ овозда дoston жараёнига таъриф берадилар. Қашқадарё бахшичилик санъати етук дoston ижрочиси бўлмиш, Қодир бахши Раҳимов номи билан боғлиқ. Унинг хотираси етмишдан ортик дostonлар сақланган. Ҳозирги кунда Қодир бахши анъаналарини унинг ўғиллари, Абдуқаҳҳор, Абдумўмин ва Баҳромлар давом этмокдалар. Сурхондарё бахшичилиги Шеробод-Бойсун мактаби билан боғлиқ ва унинг асосчиси Шерна бахши бўлган, унинг анъаналарини шогирд (Қора бахши, Чори бахши, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов ва б.)лари ҳозирги кунда давом этмокда [3].

Хоразм дostonчилик мактаби вакиллариининг ижросида асосан мусиқа етакчилик қилади. Хоразм бахшичилик мактаби вакиллари чолғу ансамбли (таркибида дутор, буламан, ғижжак (ўтмишда); ҳозир – тор, қўшнай ёки буламан, доира) жўрлигида ички овозда қўшиқ-ашула ижро этиб дostonларга таъриф берадилар. Хоразм дostonчилиги репертуар таркиби жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Эпик асарларни талқин этишда жамоавий ижрочилик етакчилик қилади. “Ширвоний” (Хива) ва “Ироний” (Манғит) номли иккита йўналишга бўлинадиган ушбу мактаб қадимги илдизларга эга, ўзига хос репертуари, ансамбллар таркиби (Ширвоний – тор, қўшнай, доира; Эроний – дутор ва уч торли ғижжак), услуб ва лаҳжа, ёрқин ва жонлантирувчи қўшиқ, ашула ва оҳанг (15 тадан то 36 гача)ларга эга. Ширвоний бахшичилик мактабининг етакчи намояндаси Бола бахши (Курбонназар) Абдуллаев ва унинг болалари (Норбек, Мухаммад, Етмишбой); Эроний бахшичилик мактаби намояндаси Худойберган Утегенов. Хоразмда аёллар ижросида ҳам дostonлар ва дoston терма-қўшиқлари айтилган, уларни халфа-дostonчи деб аташган, жумладан, “Тоҳир ва Зухра” дostonи халфалар орасида оммалашиб кетган. Дostonлар қўл соз (рус диатоник гармони) ва доира жўрлигида ижро этилган.

Қорақалпоқ бахшичилик мактаби иккита йўналишдан иборат – бакси (ички овоз услуби дутор ва ғижжак жўрнавозлида) ва жиров (бўғиқ овоз услубида қўбиз жўрлигида). Анъана намояндалари – баксилик бўйича Қайратдин Утемуротов, Ўралбой Ўтамбетов, Тенгелбой Каллыев, Зиёда Шарипова, Гулбахор Раметова, Гулнур Ҳамитова, Замира Иброҳимова; жировчилик бўйича Жумабой жиров, Бакберген Сырымбетов, Жонибек Пиязов, Бахтиёр Есемуратов ва б.

Ёш авлодни миллий қадриятларимизга содиқ руҳда тарбиялашда эзгуликка чорлайдиган, ватанпарвар, адолатли, мард, жасур бўлишга ундовчи дostonларининг ва умуман бахшичилик санъатининг ўрни беқиёс. XX асрнинг 70-чи йилларидан бошлаб Ўзбекистонда мунтазам равишда бахши-шоирлар кўрик танловлари. 1999 йилдан бахши-шоир ва оқинлар Халқаро танловлари, Қашқадарёнинг Китоб шаҳрида ёш бахшилар кўрик-танловлари ўтказилмокда. Бахшичилик санъати таълим тизимининг ўқув жараёнига киритилган.

2018 йилда Президент Шавкат Мирзиёев қарори билан Нукус ва Термиз шаҳарларида Халқаро бахшичилик фестиваллари юқори савияда ўтказилди ва Ўзбекистон ҳаётида катта маданий воқеалардан бири бўлди [4].

Бахшичилик санъатини жаҳон номоддий маданий мероснинг Репрезентатив рўйхатига киритилиши халқаро ҳамжамият учун муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди. Ўз навбатида бу қарор бахшичиликни асраб-авайлаш ва ривожлантиришда бундан буён Ўзбекистон билан ЮНЕСКО қўлни қўлга бериб ҳаракат қилиши керак бўлади.

Эндиликда “Бахшичилик санъати” тушунчаси ЮНЕСКО орқали бутун дунёда кенг тарғиб қилинади. Энди бу маданият йўқолиб кетмайди, аксинча, ривож топиб боради.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро ташкилотлар келажак авлодларга бу маданий меросни етказиш ва бахшичилик санъатининг ривожланишига илмий-услубий ёрдам кўрсатиши, уларни жаҳон маданияти дурдоналари қаторида тарғиб қилиши зарур. Албатта, бу жараён қадамба-қадам, босқичма-босқич амалга ошириб борилади. Уни изчиллик билан амалга оширишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши

катта аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКОнинг Бахшичилик санъати бўйича қарорига давлат раҳбарини ўзи табрик йўллаши – бу мисли кўрилмаган мисолдир.

Шу тариқа ЮНЕСКОнинг бу рўйхатига кирган номоддий маданий меросимиз объектлари сони 10 тага етди. “Бойсун тумани маданий макони”, “Шашмақом” мумтоз мусикаси, “Катта ашула”, “Аския санъати”, “Наврўз”, “Палов маданияти ва анъаналари”, Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази: (адрес – атлас), Хоразм рақси – “Лазги”, “Миниатюра санъати” қаторидан “Бахшичилик санъати” ҳам ўрин олди.

Ўзбекистонда Жаҳон маданий мероси рўйхатига муносиблари ҳали кўп. Масалан, “Ўзбекистон кулолчилик мактаби” миллий элементлари, шунингдек, бошқа давлатлар билан ҳамкорликда “Хунармандчиликнинг анъанавий услуби” ва “Рубоб чалиш”, “Марказий Осиёда анъанавий каштачилик услуби”, “Хўжа Насриддин қиссаларини айтиш анъанаси” каби кўп миллатли номинацияларни ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси муҳокамасига киритилади.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бошқа миллий қадриятлар сингари бахшичилик санъати ҳам ўзининг асрий анъаналарини тиклади. Бу санъат турини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Халқаро бахшичилик фестиваллари ташкил этилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов А. Туркий адабиётнинг қадимги даври. (Энг қадимдан исломгача бўлган давр). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2005.
2. Эргашев А., Омонова Г. Достонларда айрим урф-одатлар ва миллий қадриятлар. – Қарши: “Насаф”, 2000
3. Эргашев А. Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги. – Тошкент: “Фан”, 2008
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4320-сон Қарори

MUSTAQILLIK YILLARIDA SHAHRISBZ SHAHRI MAHALLALARIDA IJTIMOIY-IQTISODIY AHVOL.

Komilov S.S.

ShDPI Tarix kafedrasi o‘qituvchisi.

Bugungi kunda mahalla jamiyatimiz uchun o‘ziga xos tarbiya o‘chog‘i, fuqarolarni g‘oyaviy, mafkuraviy jihatdan birlashtiradigan o‘ziga xos maskan ekan, hozirgi global o‘zgarishlar, mafkuraviy tahdidlar sharoitida mahalla xalqimizni turli mafkuraviy xurujlardan asrash, jamiyatda mafkuraviy immunitetni hosil qilish uchun yoshlarni avvalo, sog‘lom, barkamol avlodni tarbiyalash masalasiga alohida ahamiyat berib kelmoqda.

Istiqlol sharoitida mahalla institutining ijtimoiy nufuzini yuksaltirish siyosiy ahamiyatga ega bo‘lgan ustuvor vazifa sifatida mamlakatda fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda uning ulkan tayanch va ta’sirchan kuch bo‘lib xizmat qilishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish borasida keng ko‘lamli chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirildi.

O‘zbekiston o‘z mustaqil taraqqiyot yo‘lini tanlagach, davlat va jamiyat boshqaruvida fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, ya’ni mahalladek noyob an’anaviy ijtimoiy tuzilmani qayta tiklash, uning nufuzini oshirish borasida talay islohotlar amalga oshirilib, uni dunyoda o‘xshashi yo‘q, boshqaruv tuzilmasi maqomi darajasiga ko‘tarildi. Bu esa xalq, mahalliy hokimliklar va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlariga mahalliy boshqaruv jarayonlarida faol ishtirok etish imkoniyatini berdi. Bu xususda Prezident Shavkat Mirziyoyev, “...mahalla katta ijtimoiy kuch sifatida maydonga chiqishi kerak. Chunki faollar, ko‘pni ko‘rgan oqsoqollar, tajribali nuroniylarimiz, agar istasa, jamoatchilik bilan birgalikda har qanday muammoni hal qilishga, xato qilgan yoshlarni to‘g‘ri yo‘lga solishga qodir” – degan edi[1]. Bu esa ushbu tuzilmaning davlat va jamiyat hayotidagi hamda mahalliy boshqaruv tizimidagi o‘rni yuksak ekanligidan darak beradi.

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 3 fevralda qabul qilingan PF-4944-son «Mahalla institutini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi, 2018 yil 27 iyundagi PF-5467 – son “Obod mahalla” dasturi to‘g‘risida”gi, 2020 yil 18 fevraldagi PF-5938-son “Jamiyatda ijtimoiy-ma’naviy muhitni sog‘lomlashtirish, mahalla institutini yanada qo‘llab quvvatlash hamda oila va xotin-qizlar bilan ishlash tizimini yangi darajaga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 18 fevraldagi PQ - 4602-son “O‘zbekiston Respublikasi mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi Qarorlari hamda sohaga oid boshqa meyoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1996 yil 10 dekabrda “Bolali oilalarni davlat tomonidan qo‘llab quvvatlashni yanada kuchaytirish to‘g‘risidagi farmoniga” asosan qishloq fuqarolar yig‘ini hududidagi mahallalarda bolalik oilalardan tushgan arizalarni hisobga olish va ularni hujjatlashtirishning ahvoli haqida Shahrisabz shahar mahalla qo‘mitasini raislarining hisobotlariga ko‘ra qishloq mahalla oqsoqollari fuqarolar yig‘ini bilan birgalikda ushbu farmonni bajarilishini har bir xonadonlarga yurib, yosh bolalarni ro‘yxatlari olib chiqildi va mart oyida tayinlanadigan nafaqa uchun ham ro‘yxat olindi. Ayniqsa bu sohada Qorasuv mahalla qo‘mitasini raisi Luqmonov, Tezguzar mahalla qo‘mitasi raisi R.Ochilov, Choshtepa mahalla qo‘mitasi raisi O‘roq Qo‘chqorov, Eski-Daxyak mahalla qo‘mitasi raisi Qayum To‘xtayev, Yangi qishloq mahalla qo‘mitasi raisi Hakim Karimovlar jonbozlik ko‘rsatib ishni tashkil qildilar. Bu sohada Katta Novqat mahalla qo‘mitasi raisi va kotibi, Yangi qishloq mahalla qo‘mitasi raisi va kotiblari ancha ishlarni amalga oshirishga erishdilar[2:5-6].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1997 yil 9 dekabr farmoyishi va 1998 yil- “Oila” yili deb e‘lon qilinganligi haqidagi farmonini bajarilishi, har bir mahalla va oqsoqollari va fuqarolar yig‘ini zimmasiga yuklatildi. Shahrisabz tumani Kunchiqar qishloq fuqarolar vakillarining O‘zbekiston Respublikasi oliy majlisi kengashining 1998 yil 3 noyabrdagi № 698-1 sonli qarori asosida 1998 yilning noyabr, dekabr oylarida fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlariga yangi muddatga saylovlar bo‘lib o‘tdi.

Qishloq fuqarolar yig‘inlarining tadbirlar rejalari tasdiqlandi. Rejaga ko‘ra asosiy vazifalar etib, kam ta‘minlangan oila a‘zolarini ijtimoiy himoyalash to‘g‘risidagi Prezident farmonini qishloq fuqarolar yig‘inida bajarilishi, tibbiy xizmat ko‘rsatish, qishloq fuqarolari yig‘ini hududidagi doimiy bolalar bog‘chalarida ta‘lim, tarbiya, ishlarini ahvoli, qishloqlarda tozalik va obodonchilik ishlarini ahvoli, mahallalarda to‘y va marosimlarni tartibli va tejamkorli o‘tkazish, qishloq aholisida yer, mol mulk transport va majburiy sug‘urta to‘lovlarini yig‘ib olish, shuningdek Kesh ochiq hissadorlik jamiyati xo‘jaligi va Amir Temur jamoa xo‘jaliklarida “Oila-Vatan ko‘rki” mavzusida hamda “Eng yaxshi xonadon” ko‘rik tanlovlarni o‘tkazish belgilandi.[3:9-11].

“Qariyalarni qadrlash”yili, “Obod mahalla” deb nomlangan yillarda ham Shahrisabz mahallarida bir nechta tadbirlar tashkil etildi. “Qariyalarni qadrlash yili” munosabati bilan Yangi qishloq madaniyat uyi bazasida “Qarisi bor uyning parisi bor mavzusida” kecha tashkil etildi.

2021 yil holatiga ko‘ra Qashqadaryo viloyatida 768 ta fuqarolar yig‘inlari faoliyat ko‘rsatgan. Shahrisabz shahri mahallalari soni esa 40 tani tashkil etadi.

Mustaqillik yillarida viloyat mahallalarida ayniqsa 1999-2014 yillar oralig‘ida aholi soni ancha tez o‘sgan. Masalan, bu davrda Muborak tumani mahallalarida o‘rtacha yillik ko‘payish 5,70 foiz, Koson tumanida 4,75 foiz, Kitob va Nishon tumanlarida 4,10 foizni tashkil qilgan. Nisbatan pastroq demografik o‘shish Dehqonobod tumanida 2,40 foiz, Qarshi shahrida 2,50 foiz va Kasbi tumanida 2,50 foiz kuzatilgan. Shu o‘rinda e‘tirof etish lozimki, mazkur ko‘rsatkichlar bo‘yicha Muborak tumani respublikamizda eng oldingi o‘rinlarni egallaydi. Tuman aholisining bunday tez o‘shishi nafaqat tabiiy ko‘payish, balki aholi migratsiyasi bilan ham bog‘liq bo‘lib, tabiiy resurslarni o‘zlashtirish natijasida aholi bu yerga ko‘plab oilalar ko‘chib kelgan[4].

Shahrisabz, Yakkabog‘ va Kitob tumanlari ko‘p jihatdan respublikamizning aholisi zich, xo‘jaligi intensiv rivoj topgan tumanlaridir.

Shahrisabz shahri mahallarida yangi ish o‘rinlarini ochish, yoshlarni kichik biznes va tadbirkorlikka faol jalb qilish, yosh oilalarga ipoteka va iste‘mol kreditlari ajratish, ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etishda yosh oilalarga amaliy yordam berish, yosh oilalarni ma‘naviy qo‘llab quvvatlash borasida qator ishlar amalga oshirilib kelmoqda.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Mahalla-tinchlik va osoyishtalik, obodlik va farovonlik markaziga aylanadi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2020 yil 12 fevral kuni mahalla tizimini takomillashtirish, mahallalarda tinchlik-osoyishtalikni mustahkamlash, jinoyatchilikning oldini olish masalalariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishi // Xalq so‘zi. 2020. 13 yil fevral № 32.
2. Shahrisabz shahar hokimligi joriy arxivi fond M 577, ro‘yxat 1, yig‘ma jild 209.5-6 varaqlar.
3. Shahrisabz shahar hokimligi joriy arxivi fond M 577, ro‘yxat 1, yig‘ma jild 198.9-11 varaqlar.
4. <https://www.samdu.uz/cy/news/32671>

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА
ҚАШҚАДАРЁ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Қўчқоров Қ.
ШДПИ ўқитувчиси**

Жаҳонда интеграциялашув жараёни урбанизациянинг ривожланишига ижобий таъсирини ўтказиб, ушбу ҳолат туфайли халқаро ташкилотлар томонидан “ақлли ва хавфсиз шаҳар” ҳамда экологик тоза ҳудудларни барпо этиш лойиҳаларининг ишлаб чиқиши шаҳарлашишга бўлган интилишнинг самарасига ижобий таъсир ўтказмоқда. Мазкур жараёнда ривожланган мамлакатларда урбанизация сиёсатига эътибор янада кучайиб, айрим ҳолатларда шаҳарларнинг кенгайиши ва аҳоли сонининг ўсишини ҳисобга олмаслик сингари вазиятлар юзага келганлиги боис шаҳар аҳолисининг демографик таркиби, миграция жараёнлари, экологик ҳолати, турмуш тарзи ва маданий тараққиёти билан боғлиқ муаммолар ўзининг объектив ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, советлар даврида нотўғри баҳо берилган ва юзаки кўриб чиқилган масалаларга жиддий илмий ёндашув кучайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги” қароридан сўнг ҳаққоний тарихни яратиш, бу жараёнда бирламчи манбаларга асосий эътибор бериш, қўйилган муаммони соҳа мутахассислари томонидан ҳал этилиши, мавжуд муаммолар ечимини илмий асослаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан улкан тарихимизда ечимини кутаётган муаммолар талайгина бўлиб келмоқда. Мустақиллик йилларида дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган тарихий шаҳарларнинг юбилей тўйлари Халқаро ташкилотлар ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилди. 2002 йил 1 ноябрда Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги ва 2006 йил 27 октябрда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги 1694 сонли қарорининг эълон қилиниши ва бу кенгаш фаолият бошлаши билан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тадқиқ этишга етарлича эътибор қаратила бошланди[1]. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки Ўзбекистоннинг энг тарихини ўрганишда Қашқадарё воҳа шаҳарлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. “Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққиётининг олтин белбоғи бўлмиш Буюк ипак йўлининг энг муҳим нуқталаридан бирида жойлашганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу серфайз замин ўзининг бекиёс моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир. Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди.”[2:51]. Қашқадарё воҳаси тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Мустақиллик йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар маълумотларига қараганда, милoddан аввалги X-IX асрларда ҳозирги Китоб ва Шаҳрисабз ҳудудларида дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари пайдо бўлган. Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган ва ҳозирги кунда ҳам давом этаётган археологик тадқиқотлар натижалари ва ёзма манбалар маълумотларини солиштириб шундай хулосага келиш мумкинки, Қашқадарё воҳаси ҳудудлари қадимги Шарқда бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнлардан четда қолмаган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарларини жаҳон андозалари даражасида тараққий эттириш учун Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир неча қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002-йил апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси” тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 2-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғриси”даги низоми муҳим аҳамиятга эга бўлди[3].

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллар даврида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлида амалга оширилган ишлар “Ўзбек модели”нинг нақадар ҳаётий ва тўғри эканлигини исботлади. Бу соҳадаги эришган ютуқларимизни изчил давом эттириб “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар куриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди[4].

Мустақил Ўзбекистон Республикасидаги етакчи вилоятлардан бири сифатида Қашқадарё вилояти ҳам нафақат бой табиий бойликлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги муваффақиятлари, балки ўзининг гўзал тарихий шаҳарлари, раванқ топиб бораётган шаҳарчалари билан мамлакатимиз ҳудудлари орасида ўзига хос ўрин тутди. Мустақиллик йилларида Қашқа воҳасининг Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик юбилейлари тантанавор нишонланди, мавжуд шаҳарларнинг қиёфаси чирой очди. Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда шаҳарсозлик тараққиётини Қашқадарё вилояти мисолида илмий томондан тадқиқ этиш тарихчиларимиз олдида турган долзарб мавзулардан биридир. Мустақиллик йилларида қадимий шаҳарларни ободонлаштириш, янги шаҳарларни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

2009 йилгача вилоятда 12 та шаҳар ва 4 та шаҳарча мавжуд бўлиб, улардан биттаси йирик, еттитаси ўрта, тўрттаси майда шаҳарлар тоифасига мансуб эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида республика бўйича 964 та шаҳарчалар ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган шаҳарчаларнинг 119 таси Қашқадарё вилояти ҳудудига тўғри келади. Бу эса янги шаҳарчалар умумий миқдорининг 12.3% ни ташкил этади. Жумладан, Ғузор тумани ҳудудида Шерали, Янгикент, Машғал, Жарариқ, Обихаёт, Деҳқонободда Қарашина, Бешбулоқ, Қамаша, Қоратепа, Баландчайла, Бадахшон, Қизилтепа, Сарбозор, Қарши туманида Файзабод, Мирмирон, Нукробод, Ертепа, Қовчин,

Янгиҳаёт, Сарой , Ғубдин, Лағмон, Кўчак, Мустақиллик, Хонобод, Наврўз, Шилви, Жумабозор, Косон тумани ҳудудида Эсабой, Қуйи Оброн, Бойғунди, Мудин, Пудина, Бойтерак, Тўлға, Пулоти, Гувалак, Сурхон, Раҳимсуфи, Истиклол, Оқтепа, Обод. Касби туманида Муғлон, Майманок, Денов, Фазли, Касби, Кўҳна қатағон, Дўстлик, Хўжа касби, Янги қишлоқ, Китоб туманида Рус, Панжи, Сариосиё, Севаз, Бешқазоқ, Янгиобод, Бештерак. Яккатут, Бектемир, Алақуйлак, Обиканда, Хожи , Варганза , Миришкорда Жейнов, Янги миришкор, Помук, Муборак, Қарлик, Хитой, Қорақум, Шайх, Кўҳна шаҳар, Нишонда Нишон, Оқ олтин, Сардоба, Пахтачи, Самарқанд, Ойдин, Пахтаобод , Гулистон, Чирокчида Жар, Уймовут, Дам, Паканди, Пахтаобод, Чиял, Кўкдала, Айритом, Шаҳрисабзда Наматон, Аммоғон-1, Шаматон, Қумқишлоқ, Хўжахуросон, Чоштепа, Чоршанбе, Қутчи, Ўртақўрғон, Темирчи, Янгиқишлоқ, Қўшқанот, Андай, Кунчиқар дарвоза, Чуқур қишлоқ, Келдиҳаёт, Қорасув, Яккабоғда Новқат, Маданият, Жарқирғиз, Алақўйлак, Эдилбек, Уз, Самоқ, Турон, Қайрағоч, Чуброн, Мевазор, Каттабоғ, Қатағон, Алақарға қаби шаҳарчаларнинг ташкил этилиши катта тарихий аҳамиятга эга. Шундай қилиб, вилоятда 12 та шаҳар, 123 та шаҳарча пайдо бўлди.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳоли пунктларини режали қуриш ва шаҳарсозлик соҳасини халқаро даражага кўтариш мақсадида 2005 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Натижада 2005-2017 йилларда республикадаги 96 та шаҳарнинг бош режалари ишлаб чиқилди. Қашқадарё вилоятидаги шаҳарларнинг, хусусан, 2006 йилда Китоб, 2010 йилда Муборак, 2012 йилда Ғузор, 2013 йилда Қарши ва Қамаш шаҳарлари, 2015 йилда Косон ва Яккабоғ шаҳарларининг бош режалари ишлаб чиқилиб тасдиқланди[5:22]. 2018 йилнинг 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди, қарор ижросини таъминлаш мақсадида амалий ишлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 апрелдаги қарорига кўра Қашқадарё вилоятида Кўкдала тумани ташкил этилди. Еттитом шаҳарчаси туман маркази сифатида эътироф этилди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг амалиёти таъминлаб борилди. Аҳолининг шаҳарлардаги улуши кўпайиб, урбанизация даражаси юқорилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги 1694 сонли қарори
2. Ислон Каримов Бунёдкорлик йўлидан Т., Ўзбекистон. Т IV. 51 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007-йил 2-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғриси”даги низоми.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2005 йил 14 июлдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари.
5. Полвонов К. Қашқадарё воҳаси шаҳарлари тарихи(1970-2021 йиллар). Тошкент. “Тамаддун” 2022 йил 22 бет.

**РАЗМЕЩЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ, ПЕРЕБАЗИРОВАННЫХ ИЗ
ЗАПАДНЫХ РАЙОНОВ СОВЕТСКОГО СОЮЗА**

Кенджаев Я. Ю.

Азиатский Технологический Университет.

В июле-ноябре 1941 г. из Украины, Белоруссии, Москвы и Ленинграда в восточные районы СССР было переведено 1563 промышленных предприятия (в том числе 1360 относящихся к военной промышленности)[1:21].

Со второй половины 1941 года из прифронтовых районов на восток было переселено 2593 промышленных предприятия, более 11 тысяч тракторов, большое количество совхозного и колхозного имущества, около 10 миллионов человек. Все имущество и народные избранники были переданы железнодорожникам. В процессе эвакуации было использовано около 1,5 млн железнодорожных вагонов [2:127].

Продолжение процесса эвакуации зависело от прочности материально-технической базы железнодорожной системы, правильной организации железнодорожной системы и выполнения железнодорожниками своих задач. В 40-х годах 20 века Узбекистан и другие регионы СССР были связаны двумя железнодорожными системами: Ташкентско-Оренбургской и Туркестано-Сибирской железными дорогами. Кроме того, появилась возможность выйти к Каспийскому морю по железной дороге Ташкент-Красноводск.

Вторая мировая война поставила перед железнодорожным транспортом ряд новых ответственных задач. Железнодорожный транспорт – первый, фронт вооружен, новые военные обеспечить бесперебойное снабжение частями, военной техникой, продовольствием, одеждой; во-вторых, необходимо было переместить заводы и фабрики, их оборудование, станки, запасы сырья и готовой продукции с территорий, занятых противником, насколько это возможно, чтобы не повредить их. Оборудование каждого завода и фабрики было бы достаточно большим. Например, в эвакуации Чкаловского авиационного завода из подмосковных Химок в Ташкент приняли участие 18 эшелонов примерно по 100 вагонов каждый[3:8].

Для достижения таких результатов необходимо было реорганизовать работу железных дорог. В связи с мобилизацией на фронт уменьшилось количество паровозов, горючего и квалифицированных машинистов-механиков. С началом войны основное внимание уделялось укреплению трудовой дисциплины на железных дорогах. Если продовольствие и оружие не доставят воюющим сторонам вовремя или оставят их на дорогах, это ослабит обороноспособность государства и приведет к провалу планов эвакуации. По этой причине порядок и дисциплина на железных дорогах были чрезвычайно усилены.

В ноябре 1941 года по вышеуказанным вопросам состоялся пленум Верховного суда СССР, на котором была усилена ответственность работников транспорта за нарушение трудовой дисциплины. Кроме того, даны указания о лишении свободы виновных на 10 лет в случаях невыхода на работу или самовольного ухода с рабочего места, ухода железнодорожников, повреждения транспортных средств, аварий на железных дорогах на срок до 10 лет. До войны за подобные преступления приговаривали к 6 месяцам принудительных работ с условием удержания 25% месячной зарплаты по месту работы[4].

15 апреля 1943 года Президиум Верховного Совета издал специальный указ «Об установлении военного положения на всех железных дорогах», в котором было объявлено о введении военного положения на железных дорогах. Железнодорожники считались мобилизованными в армию, и на железнодорожников возлагалась такая же ответственность, как и на солдат. Военное положение обязывало в первую очередь соблюдать трудовую дисциплину. Была ситуация, когда железнодорожники совершили преступление, и их дела рассматривались военными трибуналами, которые давали им право отправлять железнодорожников в штрафные предприятия[5].

В годы Второй мировой войны влияние Ташкентской железной дороги, которая была ведущей в Средней Азии, еще больше возросло. Ташкентская железная дорога была включена в состав главных железных дорог СССР[6:24].

В 1941 году 667 крупных предприятий было эвакуировано в самые отдаленные районы страны — на Урал, 244 — в Западную Сибирь, 78 — в Восточную Сибирь, 308 — в Среднюю Азию и Казахстан, 226 — на Волгу. Как мы уже упоминали выше, в первый год войны в среднеазиатские республики из центральных районов Союза было привезено 308 заводов и фабрик. В частности, в Узбекистан эвакуировано 104 завода и фабрики. На каждое из этих передислоцируемых предприятий было привлечено лишь до 20% рабочих и инженерно-технического состава. Остальные 80 процентов были обеспечены рабочими и техническими специалистами, прошедшими различные курсы в заводско-заводских учебных заведениях нашей республиках[7:147].

Размещение, монтаж и ввод в эксплуатацию промышленных предприятий, переданных в республику из западных районов Советского Союза, в кратчайшие сроки потребовали от узбеков больших усилий. Потому что, помимо трудностей с размещением перебазированных промышленных предприятий, им не хватало некоторого оборудования. Например, в Узбекистане не было ни подъемных кранов, ни специализированных рабочих. Кроме того, ощущалась нехватка топлива, такого как уголь, нефть, сырье и другие материалы. В это время комиссия, возглавляемая первым секретарем ЦК Компартии Узбекистана Усманом Юсуповым, занималась процессом организации хода работ по перебазированию перебазированных предприятий.

Размещение и эксплуатация перебазированных в Узбекистан промышленных предприятий столкнулись с большими трудностями из-за нехватки кадров, так как большая часть личного состава была мобилизована в армию. Также большие трудности вызывало отсутствие комплектного оборудования, особенно металлорежущих станков, отсутствие производственных зданий и т. д. Тем не менее, перебазированные предприятия были введены в эксплуатацию в очень короткие сроки.

Среди эвакуированных в Узбекскую ССР фабрик и заводов Ленинградский завод текстильного машиностроения, заводы «Россельмаш» были смонтированы и введены в эксплуатацию в очень короткие сроки, почти за два месяца, «Красный Аксай» (позже «Узбексельмаш»), который был перенесен из Ростова в Ташкент») был запущен и начал выпуск продукции за 29 дней[8:174].

Кроме того, Сумская химия (ныне Чирчихиммаш), Сульский насосный завод, Сумский компрессорный и Днепропетровский карборундовые заводы, заводы «Красный двигатель», «Ростсельмаш», «Красный Аксай», «Электрокабель» и «Подъемник» в Москве, машиностроительные заводы НЖД, строительный завод Наркомата, Чкаловский авиационный завод, завод «Красный путь», завод «Трансигнал» в Киеве, Сталинградский химический завод и др[9:166]. В Намангане заработала фабрика искусственного шелка (вискозы), перенесенная из Мытишей. В декабре 1942 года 2-й цех приступил к выпуску первой продукции[10:27]. К концу 1941 года 50 процентов эвакуированных предприятий было введено в эксплуатацию, а остальные с начала 1942 года начали выпускать продукцию для нужд фронта.

Перебазирование промышленных предприятий в восточные районы СССР в указанные районы можно объяснить с военной и экономической точки зрения следующим образом.

С военной точки зрения учитывалось, что армия и авиация противника не смогут достичь этих районов в ближайшее время. В экономическом отношении внимание уделялось промышленному потенциалу принимающих предприятий района, уровню развития существующей инфраструктуры до войны, состоянию обеспечения рабочей силой. Например, основную часть переводимых в Узбекистан заводов и фабрик составили предприятия сель-

ского хозяйства, тяжелого и среднего машиностроения, электротехники и менее половины предприятий легкой и пищевой промышленности.

Литература:

1. Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. №6. –С. 21.
2. Вторая Мировая война. Краткая история. –Москва: Наука, 1985. –С.127.
3. Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. –Самарканд: СамДУ, 2006. –С.8.
4. “КизилЎзбекистон”, 1942 йил 22 ноябрь.
5. “Правда”, 1943 йил 16 апрель.
6. Ўз МА, Р-91-фонд, 8-рўйхат, 310-иш, 24-варак.
7. Usmonov Q., Sodiqov M. O‘zbekiston tarixi (1917-1991-yillar) –Toshkent: Sharq, 2009. –B.147.
8. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3259-иш, 174-варак.
9. Ульмасбоев Ш.Н. Промышленное развитие советского Узбекистана. Тошкент, 1958. – С. 166.
10. Хайдаров З.У. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фанлари номзоди олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Наманган, 2007. –Б.27

**ҚАШҚАДАРЁ АДАБИЙ МУҲИТИ НОМОЁНДАСИ ПОЁН РАВШАНОВНИНГ
ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА МУЛОҲОЗАЛАР.**

Орипова Л
ҚарДУ уқитувчиси

Поён Равшанов Қашқадарё вилоятининг Катта Дўстбеги қишлоғида 1941 йилнинг 20 июлида таваллуд топган. Катта Дўстбеги қишлоғи Қашқадарёнинг ўрта оқимида, Чироқчи ва Қамаш туманларининг оралиғида жойлашган. Катта Дўстбеги қишлоғи дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб қишлоқлар сийрак, елкағшимолий кутбга эса лалмикорлик ерлари, дашту қирғадирлар ястаниб ётади. Ҳозирда эса Арча далалари ҳам ўзлаштирилиб ўй жойлар қурилган.

Отаси Равшанбой Қурбонов (1913 йилда туғилган) иккинчи жаҳон урушига қадар қўшни Майда қишлоғининг Кайвониларидан бири, вақтида Ғузор тўрасининг сафига қирган саналган. Алиқул Маҳматқул каттанинг қизи эди. Улар бир-бирларига қўшни бўлишиб, 1938 йилда турмуш қуришади[1:13-15].

1948 бошланғич мактабга қабул қилинади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, эғнидан фронт шинелини ташламаган жонқуяр уқитувчи Янгибой муаллим Ҳушвақтов қўлида савод чиқаради.

1958 йилда Қамаш туманидаги 5 сонли мактабни Олтин медаль билан тугатиб Самарқанд Давлат Педагогика унивеситети филология факультетига ўқишга қабул қилинади. Бахтга қарши худди уша йили университетга кириш учун Олин медаль умуман рўл ўйнамайди айнан ўша йилда имтиёзлар бекор қилинган эди. 1959 йилда эда мактабни олтин медал билан тугатганлар ўқишга имтиёзли қабул қилинади.

Қарши шаҳри пойтахт Тошкентдан 417 км узоқликда жойлашган. Поён Равшанов Самарқанд Давлат Педагогика унiversитетида уқиган йилларни ҳисобга олмаганда, бир умр Қашқадарё заминида яшаб, ишлаб келган. Туғри, бир оз муддат Тошкентда Ўзбекистоннинг янги тарихи биринчи жилдини ҳаммуаллифлар билан ёзайтган вақтида Давлат ва Жамият қурилиш академиясининг “Янги тарих” марказида ишлаб, Пойтахтда истиқомат қилди. Аммо судом Қарши Давлат Униқерситетида турли вазифаларда ишлаб келди. Бироқ мақола, китоб чиқаришни, турли илмий конференцияларда да қатнашиш истагида Пойтахтга доим келиб турди. Пойтахтда яшаётган илм, ижод аҳлиданда кўп китоблар чоп этириб, обрў эътибор қозонди...

Аслида эса ижод илим билан шуғулланиш, бадий баркамол асар ёхуд илмий теран монография яратиш учун марказда яшаш шарт эмас. Албатта, буни туғилган гушага меҳр дея

баландпарвоз сўз билан изоҳламай тақдири азал деб қарамоқ керак. Тўғри Пойтахтда яшаб ижоду илм билан шуғулланишни катта илимкашлар дарвозасининг яхшиларини чертиш дегани. Яъни, адабиёт, илм оламининг сарчашмасида юриш, узини кўрсатиши майдони ҳам, - деб ёзган эди Умид Бекмухаммад “Поён Равшановнинг поёнсиз мавзулари” деб номланган интернет саҳифасидаги мақоласида.

Поён Равшанов дастлаб Самарқанд вилоятининг "Ленин йўли" газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. 1964 йилда Қарши давлат педагогика институтида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1965 йилда Орифхон Икромов раҳбарлигида илмий ишни олиб, аспирантурага қабул қилинади[2:47]. Номзодлик диссертациясини таййорлаб, илмий раҳбари профессор Ориф Икромов кўлида турганида, факултета устозлари оламдан ўтадилар. Академик Воҳид Абдулаевнинг саъ ҳаракатлари билан Самарқандда номзодлик диссертациясини ҳимоя қиладилар. Домла узоқ йиллар университетда тер тўкиб меҳнат қилди, минглаб талабаларни бадиий адабиёт сирларидан воқиф этди, айниқса, ўзбек классик адабиёти тарихи катта билимдони сифатида ўқиган маърузалари талабаларнинг бир умр ёдида қолди.

П.Равшанов оддий ўқитувчиликдан бошлаб кафедра мудири, факультет декани, ўқув ишлари проректори лавозимларида узоқ вақт ишлаб муносиб шогирдлар тайёрлади, илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, олимлик илмий даражаларини олди, ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Поён Равшанов “Ўзбек адабиёти тарихидан амалий машғулотлар”, “Болаликнинг сеҳрли олами”, “Адабий саҳифалар”, “Тарих бадиияти”, “Дўст қомуси”, “Мозийга нигоҳ”, “Адабиёт ва таълим” каби қатор дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар муаллифидир. Шунингдек, тарихнавис, матншунос олим сифатида “Тарих бадиияти”, “Қашқадарё тарихи”, “Қашқадарё истиқлол арафасида, 1986- 1989”, “Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида” 1-жилд, “Қарши тарихи”, “Шаҳрисабз тарихи”, “Қизил истибдод исқандарасида” уч жилдлик, “Темурнома”, “Туркий қавмлар тарихи”, “Завол”, “Амир Темур ватани”, “Ватан тарихидан. Турон VII-IX асрларда”, “Қоровулбеги қисмати”, “Шуқуҳли умр”, “Умид уммони”, “Яхшиликнома”, “Авлоднома”, “Қадирдон сиймолар”, “Бош Вазир қиссаси”, “Бехбудийнинг сўнгги манзили” каби китоблар битди.

Поён Равшанов Амир Темур ҳақида Совет давлати мавжуд бўлиб турган бир вақтда матбуотда мақола эълон қилдиради. 1980 йилнинг охирида бир гуруҳ Дехқонobodлик ўқувчилар “Қашқадарё ҳақиқати” газетасига Амир Темур туғрисида мақола эълон қилишни сураб мактуб йўллашади. Таҳририят ходими Санобар Боймуродова тарихчиларга мурожаат қилади, бироқ ўша пайтда ҳеч ким ёзишга ботина олмайди. Журналист ўша вақтда “Қашқадарё ҳақиқати” газетаси муҳаррири Рўзи нурматов Поён Равшановни мақола ёзиш учун тавсия этади. Шу тариқа “Қашқадарё ҳақиқати” газетасида “Амир Темур муҳри” деган мақола эълон қилинади. Мақола жуда катта акс садо беради. “Қашқадарё ҳақиқати” газетаси Амир Темур ҳақидаги матбуотдаги илк чиқишни бошлаб беради. Бу мақола муаллифини вилоят ҳокимлигига муҳокама учун чақиривади. Ушбу мақола жэса худди шу йилнинг ўзида Ёшлик журналида ҳам босилиб чиқади[3].

Поён Равшановнинг “Амир Темур сулоласи” (2018) асари унинг ижодида алоҳида ўрин тутди. Мазкур китобда асарнинг сўзбошисида таъкидланганидек, Амир Темур ва темурийлар оиласи, уларнинг феъл-атвори, табиати, шижоати, сифатлари, сурат ва сийратлари, бошқарув қобилиятлари, айрича фазилатлари, шунингдек, қусур ва заиф жиҳатлари тарихий манбалар воситасида моҳирона ёритиб берилган. Китобни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмедовлар тақризчи сифатида юксак баҳолаганлар.

Поён Равшанов ушбу асарида энг аввал Муҳаммад Тарағай хонадони ва унинг тамал тошини қўйган авлодлар ҳақида батафсил маълумот беради, айниқса, китобда Амир Темурнинг оилавий ҳаётининг тарихий манбаларга суянган ҳолда батафсил баён этилиши таҳсинга сазовордир. Тарихий асардаги Малика Туман оғо қиссаси, Умаршайх Мирзо

авлодлари, валиахд-лар ва Турон, Эрон ва Хуросон чорраҳаларида кечган тарихий воқеалар, қўшалок тўйлар, темурийларга отадан ўтган бағрикенгликлар, Ҳирот ташрифлари ва ҳатто темурийзодаларнинг қалтис босган қадамлари, эътиқод ва кадр, меҳр-оқибат ришталари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинган.

Китобнинг энг сўнгги бўлими "Зарурий гаплар ёхуд хотима" деб номланган ва унда муаллиф ҳозирги давр нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, ўзининг объектив якуний фикр-мулоҳазалари, нуқтаи назарларини баён этади.

Поён Равшанов мустақиллик давларида биринчилардан бўлиб Амир Темур ҳаёти ва давлатчилиқ асосларига ҳаққоний баҳо берувчи олимлар қаторида туриб 1990 йилда Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асарини кириш сўзи билан "Чўлпон" нашриётида чоп эттирди. "Қашқадарё тарихи" китобини ёзиб эл олқишига сазовор бўлди, Амир Темур Соҳибқирон ҳақида роман битиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этди.

Поён Равшанов "Қашқадарё тарихи" ни яратиб, инсоф юзасидан айтиш жоизки, ўзига ҳайкал тиклади, деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. Бу салмоқли асар воҳанинг қарийб уч минг йиллик кечмишини қамрайди.

Бу хилдаги китобларни ёзмоқ учун билимдан ташқари катта қалб, буюк муҳаббат бўлмоғи лозим, албатта!" Поён Равшановнинг "Туркий қавмлар тарихи", "Амирлашкар Алимкул тарихи" каби илмий изланишлари ҳам бой тафаккур медалари сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Олимнинг Ўзбекистон заминидан қомусий билим соҳиблари бўлган алломалар, буюк авлиёлар ва қадамжолар ҳақидаги "Жейнов тарихи", "Аждодларимиз кадри", "Қизил салтанат исканжасида", уч жилдлик "Тажовуз", "Истибод", "Қатағон" ва "Султон Мир Ҳайдар ота даражоти", "Оқ сарой" китоблари ҳам эл ўртасида машҳур бўлиб, кенг жамоатчилик томонидан юксак баҳо берилди.

Поён Равшанов қаламига мансуб "Бир дона қизил гул", "Тақдир", "Қалдирғоч" каби ҳикоялар, "Фарғона армони", "Онажоним", "Қашқадарё", "Турк қизлари мактуби" каби эсселари, "Томирини билмаган", "Бибихоним", "Қизтепа мўъжизаси" каби тарихий-бадий очерклари ва "Ёзувчи" нашриёти томонидан чоп этилган "Завол" тарихий қиссаси у кишини етук адиб сифатида кўрсатиб турибди.

Поён Равшанов бадий асарларида инсонга бир бор бериладиган ҳаётни кадрлашга, инсондаги ноёб туйғуларни улуғлашга, ҳаётда бемаврид уруш-жанжалларга йўл қўймаслик, завол толмасликка чакирувчи баркамол бир овоз эшитилиб тургандек бўлади. Бу жиҳатдан Амир Темурнинг сўнгги авлодларидан бири бўлмиш Ҳусайн Бойқаронинг набираси Мўмин Мирзо-нинг қатл олдидан сўнгги кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Завол" қиссасини муаллифнинг адиб сифатида эришган жиддий ютуғи, деб баҳолаш мумкин.

Поён Равшановнинг айна кунларгача 60 дан ортиқ китоблари надр қилинди. У истеъдодли адабиётшунос, тарихшунос, адиб сифатида кенг оммага танилди.

Поён Равшановнинг илмий, ижодий ишларини эътироф этган Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов " ... унинг ўаҳсида икки қирра, назаримда, алоҳида ажралиб туради – илмва ижод, ифодали қилиб айтадиган бўлсак, булар унинг икки қаноти. Адабиётшунослик соҳасида ўз йўлига эга бўлган олим тарихни ҳам теран идрок эта олиши, аслида, хайратга боис булмаслини лозим. Нега деганда, бу хил фарзилат олимларимизга азалий бобомерос. Ўтмишда олим бўлмаганки, шеър битмаган бўлса. Аҳли шоирлар орасида тарих ва хотранома ёзганлари кам топилмайди... " деган эди.

Дарҳақиқат Поён Равшанов адабиётшунослик соҳасида, тарих соҳасига бир қанча асарлар яратиб нафақат Қашқадарё тарихи, балки воҳа адабий муҳити ёритишда ҳам асосий ўринлардан бирида турди.

Адабиётлар рўйхати

1. Равшанов П. Қадрдон сиймолар. Тошкент. Янги аср авлоди. 2020. Б. 13-15.
2. Равшанов П. Авлоднома. Тошкент. 2017. Б.47.
3. Ёшлиқ журнали. Тошкент. 1989. 10-сон.

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР
(Андижон, Фарғона ва Наманган областлари мисолида)**

Ташходжаев М.В.

Андижон қурилиш ва иқтисодиёт институти ўқитувчиси

Иккинчи жаҳон уруши йилларида инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди. Уруш йилларида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек “Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – Ғалаба учун!” деган ғоя эл-юртимизнинг ҳаётий эътиқодга айланди. Халқимиз туну кун тинмсиз меҳнат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, курол-аслаҳа, дори-дармон заҳираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди[1.341], бу эса душман устидан қозонилган ғалбада муҳим рол уйнади.

Урушдаги ғалбада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик ходимлари меҳнати ҳам алоҳида ўринда туради. Иккинчи жаҳон урушининг собиқ Иттифок ҳудудига кўчиши, душман томонидан СССРнинг ғарбий минтақларининг маълум қисмини босиб олиниши, фронтни гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда Ўзбекистон чорвадорлари олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Уруш йилларида Ўзбекистон ССРда чорвачилик хўжалиги бўлмаган биронта колхоз ёки совхоз қолмаган эди. Бунга Андижон областидаги мавжуд колхоз ва совхозлар мисол бўла олади. Бу борада Фарғона водийси областлари ҳам мустасно эмас эди.

Республика ҳукумати уруш бошланган дастлабки ойларданок барча қишлоқ хўжалик ходимлари олдига, жумладан, чорвачилик хўжаликлари олдига фронтни ҳамда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъмин этиш масаласини қўйди. Бу борада режали ишларни ташкиллаш масалалари область, район партия комитетлари зиммасига юклатилди.

Андижон область партия комитети 1941 йил 16 июлда чорвачилик масаласини махсус муҳокама қилиб, йил охиригача йирик шохли ҳайвонлар сонини 97 476 бошга етказиш, ҳар бир колхоз ҳамда совхозларда чорвачилик хўжаликларини ривожлантириш ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. Бу қарор 1942 йил бошига келиб ошириб бажарилди. Область чорвадорлари 1942 йилнинг кузигача қорамоллар сонини 29135 бошга, отлар сонини 41004 тага, қўйлар ва эчкилар сонини 97476 тага етказиб ўз олдиларидаги мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар[2.20].

Областда чорвачиликни яхшилаш учун ферма мудирларининг жамиятдаги нуфизини ошириш, чўпонлар таркибини мустаҳкамлаш чоралари қўрилди. Бу ишларни тўғри йўлга қўйиш учун жойлардаги маҳаллий раҳбарларнинг маъсулияти оширилди.

1942 йил мобайнида Қирғизистоннинг Олой яйловларида (чунки ёзда чорва моллари ўша жойда боқилар эди) чорвадорларнинг 3 марта йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш фронт учун, саноат ва аҳоли учун қанчалик муҳим эканлиги ҳақида гапирилди. Чўпонлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Улар ўртасида мусобақалар уюштирилди. Чўпонларни маданий дам олишлари учун концертлар ва кинолар қўйиб бериш ишари йўлга қўйилди. Фақат Андижон область Охунбобоев номли театр ва Ленинскдаги (ҳозирги Асака) халқ театри чорвадорлар учун 15 дан ортиқ концертлар қўйиб бердилар[3.14].

1941 йил IV чорагига келиб область бўйича давлатга 11 507 центнер гўшт топширилиб, бу соҳадаги топшириқ ҳам ортиғи билан бажарилди[4.21]. Айрим районларнинг кўрсаткичлари бундан ҳам яхши бўлди.

Фарғона области 1941 йили 219104 тонна пахта, 187 746 бош йирик шохли ҳайвонлар, шу жумладан колхозлар бўйича 4138 бош мол етказиб бериб, режани 133,9 фоиз қилиб адо этди, қўйлар эса 181 609 бошга етказилиб, режа 117,6 фоиз шу жумладан колхоз сектори бўйича 94 814 бошга етказилиб, режа 131 фоиз, эчкилар сони 44 508 бошга етказилиб, режа

124,5 фоиз, жумладан колхозлар бўйича 18894 бошга етказилиб, режа 170,4 фоиз қилиб бажарилди[5.81].

Фарғона области чорвачилик соҳасида 1942 йили ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. 1942 йили областда йирик шохли ҳайвонлар сони режадаги 55 000 бош ўрнига 56 048 бошга етди, ёки топшириқ 101,2 фоизга, қўй эчкилар 31 000 бош ўрнига 37 200 бошга етди ёки режа 117 фоизга бажарилди[5.82].

Шундай қилиб, чорвачилик урушнинг биринчи ва иккинчи йилларида урушдан олдинги йиллардагига қараганда анча юксалди. 1942 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда чорва моллари сони 1941 йилга нисбатан анча ошди. Агар 1941 йилнинг охирида йирик шохли ҳайвонларнинг сони 490,1 минг бош бўлса, 1942 йил охирига келиб 637,9 минг бошга етди. Қўй ва эчкилар сони эса шу давр ичида 2917,2 мингдан 3918,7 минг бошга етди[3.22].

1941 йил областда қўйлар 1940 йилдагига қараганда 17,2 фоизга, эчкилар сони 52,5 фоизга, йирик шохли ҳайвонлар эса 10,3 фоизга кўпайди[5.100], айрим илғор районларда бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришилди.

Ўзбекистон ССР чорвадорлари фронтни гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда барча имкониятларини ишга солдилар. 1941 йилда Ўзбекистон ССР давлатга гўшт топшириш режасини чорвадорлар 108,3 фоизга бажардилар. Бироқ ем-хашак ва озуқанинг етарли эмаслиги ҳолатида чорва моллари етарли вазинга эга эмас эди[5.153]. Бу бир томондан етарли вазинга эга бўлмаган чорва моли гўштининг сифати паст, иккинчи томондан гўшт топшириш режасини тонна ҳисобида бажариш учун қўшимча 80 минг бош чорва молини, қўшимча топширишни тақозо этган эди. Вазият оғирлигидан гўштга ёш бузоқчалар, сигирлар ҳам гўштга топшириб юборилди[6.154].

Шундай бўлса-да, собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида фақатгина Ўзбекистонда 1940 йилга нисбатан 1942 йилда гўшт ишлаб етиштиришда ўсишга эришилди. Яний 81 минг тўннадан 97 минг тоннага ошириб бажарилди. Ўзбекистон ССРда гўшт ишлаб чиқаришнинг ошиши чорва молларининг оммавий сўйиб юборилиши билан изоҳланади. Натижада урушнинг кейинги йилларида республикада чорва моллари сони кескин қисқариб кетди. Масалан, 1941 – 1943 йилларда Фарғона областида қўй ва эчкилар 18,5 фоизга, йирик шохли қорамоллар сони эса 10,8 фоизга қисқариб кетди[7.33].

1941-1943 йилларда республикада давлатга гўшт топшириш режасини бажариш учун ички имкониятлар ва заҳираларни сарфлаб бўлди. 1944 йил Ўзбекистон ССР чорвачилиги тўлиқ инқироз ҳолатига тушиб қолди. 1944 йилнинг биринчи чорагида давлатга мажбурий гўшт топшириш режаси Тошкент областида 9,5 фоизга, Сурхандарё областида 12,7 фоизга, Наманган областида 16,1 фоизга, Фарғона областида эса 18,6 фоизгагина бажарилди холос. Наманган, Сурхандарё, Хоразм, Қашқадарё областларида ҳамда ҚҚАССР да фронтга гўшт топшириш режаси умуман бажарилмади[8.17]. Чорвачиликдаги ем-хашак ва озуқанинг етишмаслиги сабабли республикада ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди.

1945 йилдан бошлаб чорвадорларнинг фидокорона меҳнати эвазига яна чорва моллари сони тикланди. Буни 1941 йилнинг 1 январ ҳолатига қараганда, 1946 йил 1 январидан колхозлардаги жамоат чорва моллари сони, чунончи: қорамоллар сони 12,1 фоизга, қўй ва эчкилар сони 42,4 фоизга кўпайди[2.21].

Умуман айтганда Ўзбекистон ССР чорвадорлари ғоятда оғир ва қийин шароитларда меҳнат қилиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Республика чорвадорлари уруш йилларида фронт ва ғалаба учун сув ва ҳаводек зарур бўлган 159 минг 300 тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар[2.53]. Бу улкан ва мислсиз жасоратдир.

Биргина Наманган областидан 1942 йил октябрь ойининг ўзида фронтдаги жангчиларга 1620 кг гуруч, 5201 кг қуруқ мева, 8059 кг ёнғоқ, 426 кг асал, 13570 кг ҳўл мева, 6070 кг сабзавот, 470 кг қурут, 2774 кг дон, 60556 сўм пул, 10 кг жун, 5 та тери жўнатиш билан бирга чорва хўжаликлари томонидан 87 бош қўй-эчки, 157 та товуқ жўнатилди[9.11-18].

Республика чорва хўжаликлари фашист босқинчиларидан озод этилган ҳудудлардаги жамоа хўжаликларига чорвачиликни қайта тиклаш ишларига ҳам яқиндан ёрдам кўрсатиш ишларинияхши йўлга қўйдилар. 1943 йилнинг 21 феввалида биргина Наманган области Наманган райони Сталин номли колхоз чорва хўжалиги аъзолари озод бўлган ҳудудлар хўжаликларини тиклаб олишлари учун ёрдам тариқасида 2 та от, 2 та хўкиз, 8 та қўй, 2 та сигир жўнатган эдилар[9.7-18].

Бироқ, қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра республикада қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бўлмиш чорвачиликни уруш шароитига мослаштириш, яний қайта қуруш ғоят катта қийинчиликлар билан кечди. Мамлакатдаги барча саноат корхоналари уруш манфаатларига бўйсундирилиб, қайта қурилганлиги оқибатида республикага Марказдан тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари келтирилиши деярли тўхтаб қолган эди. Шу билан бирга колхоз ва совхозлардаги мавжуд техника воситаларини таъмирлаш учун керакли материаллар, эҳтиёт қисмлар, ўғит ва ёнилғи таъминоти ҳам қисқариб кетди. Юз минглаб қишлоқ меҳнаткашлари фронтга, Ватан мудофаасига сафарбар қилиндилар бу эса чорвачиликни тиклаш ва ривожлантиришда маълум муаммо ҳамда қийинчиликларни келтириб чиқарган эди.

Хуллас уруш йилларида бутун республикада бўлгани каби Фарғона, Андижон, Наманган областлари қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлмиш чорвачилик ҳам соҳасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Аммо бу ютуқлар, юқоридаги рақамлар жуда катта мазмунга эга. Ҳар бир килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотларини етиштириш, чорва туёқлари сонини кўпайтириш замирида чорвадор чўпонларнинг ҳалол меҳнатининг самараси эди. Уларнинг юртга бўлган чексиз муҳаббати, фашист босқинчиларига нисбатан чуқур нафратининг ифодасидир. Шунинг учун ҳам минглаб йигитларимиз фронтга сафарбар қилиниши, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик машина-асбоблари етишмаслигига қарамай, фронт ортидаги аҳолининг фидокорона меҳнати эвазига қишлоқ хўжалиги олдида қўйилган оғир ва шу билан бирга шарафли вазифалар мунтазам равишда бажарилиб борилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. –Тошкент: O‘zbekiston, 2023.
2. Воскабойников Э.А. Ўзбек халқи Улуғ Ватан уруши йилларида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1947.
3. Пўлатов И. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967.
4. Ибрагимов Х. Социально-экономическая жизнь. Узбекистана в годы Великой отечественной войны (1941-1945 гг.) .: Автореф. Дис... канд. Ист. Наук. – Андижан, 1993.
5. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1974.
6. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753 –иш.
7. Голованов А., Саидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. –Самарканд: СамГУ, 2006.
8. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163-иш.
9. Наманган вилоят давлат архиви (НВДА), 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш.

ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАРГА ЎЗБЕКИСТОНДА КЎРСАТИЛГАН ЁРДАМ МАСАЛАСИ (1944-1945 йиллар)

Рахманова М.Э.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти докторанти

Совет бошқаруви даврида мажбурий кўчириш сиёсатидан кўзлаган асосий мақсад бу тоталитар давлат ҳокимиятини марказлаштириш учун унга қарши чиқиши мумкин бўлган кучларга репрессия қўллаш, алоҳида этник гуруҳ вакиллари ва халқларни жисмонан йўқ қилиш, уларга нисбатан зўрлик ишлатиш, сиёсий ва маънавий эркинликдан маҳрум қилиш

эди. Ўзбек халқи эса оғир дамда уларга ҳақиқий инсонпарлик намунасини намойиш этиб, бағрикент ва олижаноб халқ эканлигини амалда исботлай олди[1;9-16].

Совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган мажбурий кўчириш сиёсати ички ва ташқи хусусиятларга эга эди. Ички депортация натижасида 1920-1960 йиллар оралиғида 6 миллион нафар киши ўз яшаб турган ҳудудларидан Совет иттифоқи таркибидаги бошқа республика ҳудудларига мажбурий кўчирилди[2;239]. Ташқи мажбурий миграция курбонлари эса ундан ҳам кўп бўлган. Ушбу мажбурий миграциялар тўлкини Иккинчи жаҳон уруши даврида энг юқори чўққига кўтарилди.

Ички мажбурий кўчириш операциялари амалга оширилган вақтда депортация қилинган халқлар бутун СССР нинг 49 республика, ўлка ва вилоятларига жойлаштирилган. Улар энг кўп жойлашган ҳудуд биринчи ўринда Қозоғистон ССР, иккинчи ўринда Ўзбекистон ССР ҳудуди ҳисобланади[3]. 1946 йил октябрь ҳолатига кўра ушбу республикаларда махсус кўчирилганлар сони 890 698 ва 179 992 кишига етган[4]. Иккинчи жаҳон уруши даврида амалга оширилган депортациялар давомида Ўзбекистон ССРга жами 151 529 нафар Қирим ярим ороли аҳолиси, 30 минг нафар Грузия ССР фуқоролари, 419 нафар болқорлар, 12 020 нафар юнон эмигрантлари ва бошқа миллат вакиллари кўчирилган. 1949 йилга келиб Ўзбекистон ҳудудида 124 409 нафар қирим татарлари, 42 271 нафар Грузия ССР фуқоролари, 743 нафар қалмиқлар, 637 нафар қорачой халқи вакиллари истиқомат қилишган [5;52]. 1953 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон ССР ҳудудида жами 188 689 махсус кўчирилган аҳоли ҳисобга олинган [3].

Ўзбекистонга 1944 йилда кўчирилган халқ вакиллари иккита: Қирим ва Грузия контингентларига ажратилган бўлиб, улар 7та вилоятга куйидаги жадвалда кўрсатилган

Вилоят	Қримдан махсус кўчирилганлар	Грузия ССРдан кўчирилганлар	Жами	
			Кишилар сони	Умумий %да
Тошкент	42171	12173	54344	32,0
Самарқанд	27067	13804	40871	24,0
Қашқадарё	6608	621	7229	4,0
Наманган	9225	3979	13204	8,0
Фарғона	18095	8337	26432	15,5
Андижон	14336	6368	20704	12,0
Бухоро	2627	4660	7287	4,5
Жами	120129	49942	170071	100,0

микдор бўйича жойлаштирилган[6]:

Давлат мудофаа қўмитасининг 1944 йил 25 сентябрдаги №6600 қарорига асосан Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари совети ҳузурида Кўчириш бошқармаси ва уларнинг Вилоят ижроия қўмиталаридаги кўчириш бўлимлари ва гуруҳлари ташкил этилади. Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг кўчириш бўлимлари, Фарғона, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоят ижроия қўмиталарининг алоҳида кўчириш гуруҳлари тузилиб, уларнинг ҳар бирига биттадан бош ва ёрдамчи инспекторлар масъул қилиб тайинланган [7]. Уларнинг вазифаси аҳолини кўчириш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш, кўчирилганларнинг турмуш ва яшаш шароитларини кузатиб бориш ва яхшилаш, таъминот масалаларини ҳал этиш, юқори органларга ҳисобот ва маълумотлар етказиб туришдан иборат эди. Ўзбекистон Миллий архивида айнан шу кўчириш гуруҳлари ва бўлимлари инспекторларига тегишли бўлган ҳисобот ҳужжатлари мажбуран кўчирилган аҳолининг дастлабки даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тадқиқ этишга ёрдам беради.

Н.Ф.Бугай тадқиқотларида Маҳаллий ҳокимият органлари қирим татарлари ва депортацияга учраб махсус кўчирилган аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш учун муаайян ҳатти ҳаракатларни амалга оширганлиги айтиб ўтади. Ҳар бир колхоз маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб махсус кўчирилганлар учун ўз чора тадбирларини ишлаб

чиққан. Масалан, Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ленин колхозида махсус кўчирилганларнинг ҳар бир оиласига 0,25 гектардан шахсий фойдаланиш учун 80 та тоқзор берилган. Депортация қилинган халқларни қўллаб қувватлаш учун, маҳаллий ёрдам гуруҳлари тузилган. Ўзбекистонда 389 та ана шундай гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, унда 1327 киши мажбурий кўчирилган халқ вакилларига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, 3235 та тарқоқ жойлаштирилган оилаларни бирлаштириш, озиқ-овқат тарқатиш ва бошқа вазифаларни амалга оширишга киришганлар[8;118].

1944 йил Қирим ва Грузиядан мажбуран кўчирилган 30 380 оила Ўзбекистондаги жамоа хўжаликларига жойлаштирилган. Бу оилалар ўта муҳтож ва ночор аҳволда бўлиб жамоа хўжаликлари дастлабки 2-3 йил уларни ўз моддий ҳисобларидан таъминлаш учун ёрдам кўрсатган.

Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгаши раиси Абдурахманов Бутуниттифоқ Халқ комиссарлари кенгашидан депортация қилинган оилаларни қабул қилган жамоа хўжаликларини 3 йил муддатга даромад, қишлоқ хўжалиги солиқларидан, суғурта харажатларидан озод қилишни, янги кўчирилган оила хўжаликларидан гўшт, сут, ёғ, гуруч, ва жун маҳсулотларини давлат ҳисобига ундиришни 3 йилга чеклашни, СССР Қишлоқ хўжалиги банки махсус кўчирилганларнинг хўжалик-маиший тикланишлари ва уй-жой қурилишлари учун 50% миқдорда давлат ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар ажратишни сўраб мурожаат қилади[9]. Бу билан у махсус кўчирилганларга кўрсатилган ёрдам кейинчалик ўз ижобий натижасини кўрсатиб, иқтисодий жиҳатдан яхши самара бериши мумкинлигини таъкидлайди. 1946 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон ССР бўйича 23 511 махсус кўчирилган оилалар жамоа хўжаликларига, 8005та оила эса совет хўжаликларига истиқомат қилган. Жамоа хўжаликларидаги оиларнинг 22 213 таси яъни 95,5 % калхоз аъзоллигига қабул қилинган.

1945 йилда Ўзбекистонга мажбурий кўчирилган оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида режа лойиҳалари ишлаб чиқилади. Унга кўра, уй-жой учун 6664 та янги объектлар қуриш, 11 942 та иншоотни капитал таъмирлаш, 11 558 та бинони жорий ва ўрта таъмирлаш кўзда тутилган. Бунинг учун керакли миқдорда ёғоч, пўлат, шиша ва бошқа қурилиш материаллари билан таъминлаш кўзда тутилган. Лекин, турар жой биноларининг қурилиши ва таъмирлаш масаласи ушбу йилда тўлиқ амалга оширилмаган.

1945 йилга келиб, 46358 та мажбурий кўчирилган оиларнинг 37712 таси шахсий томорқа ва ер участкаларига эга бўлди. Қолган оиларга шахсий томорқа ва ер участкалари берилмаганлиги колхоз, совхоз ва саноат корхоналари раҳбарларининг айби эканлиги хужжатларда кўрсатилган.

Умумий махсус кўчирилган 170 071 кишининг 83 441 таси яъни, 49%и 16 ёшга кирмаган болалар эди. Ушбу болаларнинг 40 560 нафари яъни 48,6 %и мактаб ёшидаги болалар ҳисобланган. Дастлабки даврда фақатгина 17 697 нафари, 43,7 %и ўқишга камраб олинган. Ота-онасиз болалар сони эса тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 5718 кишини ташкил қилган. Афсуски, Маориф халқ комиссарлиги янги болалар уйини очиш, уларни янги жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда боларни уст-бош ва оёқ кийимлар билан таъминлаш имкониятига тўлиқ эга бўлмаган.

Қирим ва Грузиядан мажбурий кўчирилган аҳоли орасида ногиронлар ҳам бўлиб уларнинг сони 2172 нафарни ташкил қилган. Ўзбекистонда уларнинг 237 нафари ногиронлик уйларига жойлаштирилган бўлса, 729 нафарига нафақалар тайинланади[6].

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу даврда мустабид тузум ҳукмронлиги ва зулми остидаги бўлган Ўзбекистон уруш даврининг оғир қийинчиликлари ва мураккабликлари, совет қатағон машинасининг ёлғон тарғиботларига ва тухматларига қарамасдан депортация қилинган халқлардан меҳр-мурувватини ва саховатини аямади. Уларга ўз қондоши каби муносабатда бўлди, нон-тузини, уй-жойини қизганмади. Марказ томонидан қўлланилган адолатсиз жазо чораларига қарамасдан мажбуран кўчирилган аҳоли Ўзбекистонда

кўрсатилган манавий ҳамда моддий ёрдамлар туфайли ўз турмуш шароитларини ижобий йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар.

Адабиётлар рўйхати

1. Рахманова М. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. S/2. – С. 9-16.
2. Полян П. Не по своей воле. История и география миграций в СССР. –Москва: ОГИ-Мемориал, 2001. –С. 239.
3. <https://bessmertnybarak.ru>.
4. Государственный архив Российской Федерации. Ф.Р-9478. Оп. 1. Д. 61. Л. 15.
5. Бугай Н.Ф. Проблемы репрессий и реабилитации граждан: история и историография (XX в. – начало XXI в.). – М.: Гриф и К, 2012. С. 52.
6. Ўзбекистон миллий архиви. 314-фонд, 7-рўйхат, 5-иш, 162-варақ.
7. ЎзМА. 314-ф. 7-р. 26-и. 77-в.
8. Бугай Н.Ф. Народы Украины в «Особой папке Сталина» / Н.Ф.Бугай; Ин-т рос. Истории РАН. – М.: Наука, 2006. –С. 118.

**TEATR SAN’ATINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI JARAYONLARI.
(QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)**

G’aniyev B.

QarDU o’qituvchisi

Teatr san’atining vujudga kelishi tarixiga nazar soladigan bo’lsak, uning ildizlari uzoq o’tmishga borib taqaladi. Ibtidoiy davrlardan boshlab insonlarning boshqa qiyofaga kirishi, dialog, to’qnashuv kabi teatrga xos ko’rinishlar kishilar tomonidan ijro etilgan bo’lib, u davrlarida ovchilik, mehnat va diniy marosim, bayramlar bilan, totemizm, animizm kabi ibtidoiy dunyoqarash va kishilarning ruhlariga sig’inish bilan bog’liq holda shakllangan. Shu o’rinda aytish joizki, O’zbekiston hududida an’anaviy teatrning vujudga kelishi juda qadimiy va boy tarixga ega. Yuqorida e’tirof etilganidek, uning kurtaklari ibtidoiy jamoa davridayoq ov va boshqa mehnat jarayonlari aks etgan tanqidiy raqslar, jangovar va xalq o’yinlari, tabiatdagi hodisalarga nisbatan turli munosabatlarda yuzaga kelgan marosimlar shaklida namoyon bo’lgan.

Milloddan avvalgi VII – VI asrlarda yurtimizda zardushtiylik dini va uning muqaddas kitobi bo’lgan Avestoda ikkita holatdagi ya’ni kulguli va qayg’uli tomoshalar shakllanganligi haqida ma’lumot keltirib o’tilgan.[1] Jumladan, miloddan avvalgi I asrdan milodiy IV asrgacha Kushon davlati hukmronligi davrida budda dini bilan bog’liq turli teatrlashgan tomoshalar ko’rsatilganligi haqida ma’lumot mavjud. VI – VII asrlarga kelib, Turon mulkidan chiqqan cholg’uchilar, aktyor va raqqosalar buyuk ipak yo’li orqali qo’shni yurtlarga ijodiy safar qilishni boshlashgan bo’lsa, IX – XII asrlarda xalq bayramlari, marosimlari, urf-odatlar va ular bilan bog’liq tomoshalar tiklanibgina qolmay, aholi orasida keng tarqalganligini ko’rishimiz mumkin. Bu davrga kelib masxara va taqlid teatr san’ati rivojlandi. Shuningdek, o’tmishda an’anaviy teatr, qo’g’irchoqbozlik, raqs, xalq sirki, qo’shiqchilikning barcha shakllari, turlari “Tomosha” degan birgina so’z bilan ifodalangan. Asli arabcha bu so’z “Qarash, ko’zdan kechirish” degan ma’nolarni anglatadi. Ammo Markaziy Osiyo mintaqasida uning ma’nosi juda keng bo’lib, ko’pchilikka mo’ljallangan hamda ko’ruvchi va tinglovchini quvontiradigan yoki qayg’urtiradigan, ba’zan hatto jumbushga soladigan ijrolar, maydon ma’rakalari, marosimlar bilan bog’liq namoyishlar va o’yinlar – barchasi “Tomosha” deb yuritilgan.

Amir Temur va temuriylar hukmronligi davrida teatr san’atida keskin yuksalish ro’y berdi. Sharafiddin Ali Yazdiy, Ibn Arabshoh, Klavixolarning ma’lumotlariga ko’ra poytaxt Samarqandda va boshqa nufuzli shaharlarda teatrlashgan tomoshalar uyushtirilgan. Shuningdek, Zayniddin Vosifiyning “Badoe’ ul-vaqoe”, Xondamirning “Makorim ul-ahloq”, Zaxiriddin Muhammad

Boburning “Boburnoma”, Xasanxo‘ja Nisoriyning “Muzakkiri ahhob” kabi asarlarida temuriylar davri tomosha san‘ati, bayramlari to‘g‘risida ma‘lumotlar berib o‘tilgan. Ayniqsa, Alisher Navoiy asarlarida an‘anaviy teatr, raqs va sirk san‘ati to‘g‘risida muhim ma‘lumotlar mavjud. Mirzo Ulug‘bek davrida Movarounnahrda an‘anaviy teatr va boshqa san‘at tomoshalari, Husayn Boyqaro davrida Xurosonda taraqqiy topganligi manbalarda e‘tirof etilgan. G‘iyos masxara, Xoja Dexdor, Abdulla Devona, Abdulvose‘ Munshi, Sayd Badr kabi teatr san‘atining atoqli namoyandalari faoliyat ko‘rsatgan. An‘anaviy teatrning kulgili turlari (masxara, taqlid, zarofat), qo‘g‘irchoq o‘yin (chodir jamol, chodir xayol, fonus xayol) kabi turlari keng tarqalgan.[1]

XVIII asr oxiri XIX asr boshlariga kelib tomosha ko‘rsatishda teatrning asosiy turlari saqlanib, repertuar va ijro uslublari o‘ziga xos o‘zgarishlar bo‘ldi. Shaharlarda ijrochi san‘atkorlarning kasabai sozanda (mextarlik) degan uyushmalarining faoliyati kuchaydi. Xorazmda "Xatarli o‘yin", "To‘kma" tomoshalari keng yoyildi. Farg‘ona vodiysi va Toshkentda qiziqchilik va askiya taraqqiy etdi. XIX asrning ikkinchi yarmida Qo‘qonda Zokir Eshon boshliq 30 ga yaqin qiziqchilar to‘dasi, Buxoroda To‘la Masxara boshliq 20 ga yaqin masxarabozlar to‘dasi faoliyat ko‘rsatdi.

Qashqadaryo hududida yashovchi aholi orasida baxshilar, hofizlar, raqqoslar, termalar aytib yuruvchilar bo‘lib, ular o‘z san‘atlarini to‘y-tomoshalarda, bazmlarda nomoyish etishgan. Navro‘z, hosil bayramlari munosabati bilan tashkil tomoshalarda masxarabozlar, qiziqchilar, qo‘g‘irchoqbozlar ishtirok etib, turli xil tomoshalar ko‘rsatishgan. Mazkur ko‘rinishdagi tomoshalar asosan ochiq havoda namoyish etilgan.

XX asr boshlariga kelib xalqimizning ilg‘or vakillari bo‘lgan Furqat, Behbudiy, Avloniy va boshqalar rus, tatar va ozarbayjon teatr truppalari tomoshalariga qiziqish bilan qarab, mahalliy ziyolilarni ulardan o‘rganishga chaqirdilar. Shu tarzda yangi milliy teatr yaratish harakati yuzaga keldi. 1914-yil 15-yanvarda Samarqand va 27-fevralda Toshkentda "Padarkush" dramasi sahnalashtirilishi bilan yangi o‘zbek teatri o‘z faoliyatini boshladi. Mazkur davrdan boshlab O‘zbekiston shaharlarida maxsus binoga ega bo‘lgan teatrlar faoliyati yo‘lga qo‘yildi.

1924-yilda Kitob tumanida san‘atkor Qori Zokir rahbarligida iste‘dodli yoshlardan iborat gruppasi tashkil etildi. Unga Tursuntosh Samiyeva, Kamol Buxoriyev, Ikroma Boltayeva, Zaynab Samiyeva va pedagog Saidjon Shukurov kabi talantlar uyushgan edi. 1928-yilda Qarshi (Behbudiy) shahar maorif bo‘limi huzurida badiiy havaskorlar to‘garagi tashkil etildi. To‘garakka tanburchi Abdulla Qodirov rahbarlik qildi.[1] Shu yili Kitob va Shahrisabz tumanlarida ham badiiy havaskorlik to‘garaklari faoliyati yo‘lga qo‘yildi. Mazkur to‘garak a‘zolari tomonidan sahna tomoshalari asosan hovlilarda namoyish etilgan. [2]

1932-yil 2- avgustda Qarshi va Shahrisabz badiiy havaskorlik to‘garaklari zaminida viloyat teatri tashkil etildi. O‘sha vaqtda Toshkent, Samarqand teatrlari faoliyati yaxshi yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, chekka shaharlardagi teatrlarning rivojlanishida talay qiyinchiliklar mavjud edi. Qashqadaryo viloyat teatri repertuarlarining shakllanishida Samarqand teatridan kelgan Abdurauf Boltaev, [3] Toshkent teatrlardan Baqo Azizov (badiiy rahbar), rejissyorlardan Sobir Vohidovlarning ijodiy faoliyati samarali bo‘ldi. Teatrning dastlabki repertuarlarida 30-yillardagi xotin-qizlar ozodligi, jamoalashtirish siyosatini ifodalovchi asarlar o‘rin oldi. “Rustam” (U.Ismoilov), “Gulsara” (K.Yashin), “G‘unchalar” (Z.Fatxullin) va boshqalar shular jumlasidandir.

Qashqadaryo viloyat teatri 1936-yilda davlat mablag‘lari hisobidan ta‘minlanadigan bo‘ldi. Shu tufayli teatrni mustahkamlash, dekoratsiya - bezak vositalari sotib olish uchun imkoniyat yaratildi. 1936-yilda Qashqadaryo viloyat teatrida sahnalashtirilgan “Tor-mor”, “Yondiramiz”, “Gulsara”, “G‘oliblik” asarlari dekoratsiya - bezaklari uchun davlat mablag‘lari hisobidan 12697 so‘m ajratildi.[4] Teatrda sof dramatik asarlar bilan bir qatorda musiqali spektakllar yaratishga ham alohida ahamiyat berildi. 1938-yilda Muhiddin Ermatov tomonidan sahnalashtirilgan “Farhod va Shirin” ana shunday asarlardan hisoblanadi. Teatr jamoalari qishloq joylariga borar, spektakllar qo‘yishar, dehqonlarga konsertlar ko‘rsatishardi. 1937-yilda Qashqadaryo viloyat teatr truppasi ikki brigadaga bo‘linib ish olib bordi. Birinchi brigada Kasbi, Qavchin, Qozoq, Denov va Qamashi

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

qishloq sovetidagi 21 ta kolxozda, ikkinchi brigada esa Qatag‘on, Komilon, Nayman, Sarim va Koson tumani hududidagi kolxozlarda bo‘lishdi. Teatr repertuarida “Gulsara”, “Nomus va muhabbat”, “Arshin mol-alan” va boshqa spektakllar bor edi.[5]

1943-yilda Qashqadaryo viloyat teatriga atoqli xonanda To‘ychi Hofiz Toshmuhamedov nomi berildi. 50-yillar o‘rtalarida boshlab teatr jamoasi tomonidan mumtoz dramaturgiyaga e‘tibor qaratilib, milliy mavzudagi yirik asarlar sahnalashtirila boshlandi. "Uylanish" (N.Gogol), "Otello" (U.Shekspir), "Alisher Navoiy" (Uyg‘un, I.Sulton), "Hurriyat" (Uyg‘un), "Og‘riq tishlar" (A.Qahhor) kabi spektakllar bunga misoldir.

70-yillarda bosh rejissyor Q.Yo‘ldoshev, bosh dirijor F.Komiljonov, O‘zbekiston xalq artisti M.Nosirova, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan artistlar X.Mustafoqulov, Yo. Rajabov, M.Mamatov, J.Ashurov, G.Murodov, M.Fayzullayeva, X.Ibrohimova, ATo‘layevlarning ijodiy faoliyati tufayli Qashqadaryo teatri viloyat teatrlari orasida nufuzli o‘rinlardan birini egalladi. "O‘jarlar" (J.Jabborov, I.Akbarov), "Ona" (Uyg‘un), "Ezop" (Figeyredu), "Xasis bahodir" (A.Pushkin), "Mayna Hasanova" (Adham Rahmat) kabi turli janrlardagi spektakllar sahnalashtirildi. 1986-yil boshida teatr yangi binoga ko‘chib o‘tdi. Mazkur davrda ham teatr repertuarida juda ko‘plab asarlar sahnalashtirildi.

O‘zbekiston mustaqilligining dastlabki yillaridan teatr hayotida ham yangi davr boshlandi. Istiqloq tufayli milliy merosga tayanib ijod qilish, milliy qadriyatlar, an‘analarni tiklashga intilish jiddiy tus oldi. Teatr repertuarida tarixiy mavzuning salmog‘i oshdi. Buyuk ajdodlarimiz allomalar, shoirlar, davlat arboblari, lashkarboshilarning hayoti va taraqqiyot uchun kurashini yorituvchi o‘nlab sahna asarlari yaratildi. Shuningdek mazkur davrda Qashqadaryo viloyatida “Muloqat” teatr studiyasi hamda “Eski machit” teatr studiyalari faoliyati yo‘lga qo‘yildi. Qashqadaryo viloyat teatri qoshida qo‘g‘irchoq guruhi tashkil etildi. Mazkur yillarda o‘zbek teatrlari va san‘atkorlarining dunyo sahnasiga chiqishi uchun yana keng imkoniyatlar yaratildi.

Xulosa qilib aytganda kishilik jamiyatining dastlabki davrlaridan boshlab ijtimoiy hayotda teatrga xos ko‘rinishlar kishilar tomonidan ijro etib kelingan. Asrlar o‘tishi bilan teatr san‘ati takomillashib, uning turli xil ko‘rinishlari paydo bo‘ldi. Qashqadaryo vohasi hududida ham teatr tomoshalari o‘ziga xos uslubda shakllanish jarayonini bosib o‘tdi. Qashqadaryo viloyat teatri tashkil etildi. Mustaqillik yillarida teatrlar faoliyatida katta o‘zgarishlar ro‘y berdi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston respublikasi. Ensiklopediya. – Toshkent, Qomuslar bosh tahririyati. 1997. – B. 588.
2. Qashqadaryo VDA. 11-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 27-ish, 2-bet.
3. Qashqadaryo haqiqati gazetasi. 1977 yil, 26 oktabr.
4. Jo‘rayev T. Abdurauf Boltayev hayoti va ijodi. – Toshkent, Adabiyot va san‘at. 1982. – B 17.
5. To‘rayeva M. O‘zbekistonning janubiy viloyatlarida madaniy hayot. (1920-1940 yy). -Toshkent, “Voriz-nashriyot”, 2020. – B. 94.
6. Qodirov M. Sehr va mehr. -Toshkent, 1980. – B. 110.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ КЕЧКИ (СМЕНАЛИ) ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАР ФАОЛИЯТИ

Мавлонов К.

Низомий номидаги ТДПУ эркин тадқиқотчиси

1940 йил декабрь ойида Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Коммитети Ўзбекистон ССР худудида саводзизликнинг тугатиш борасида олиб борилаётган ишларнинг бориши масаласини кўриб чиқди ва бу ҳақда тадбир белгилади. Тадбирларнинг қабул қилиниши республика халқ маорифи ходимларини саводзизликни тугатиш масаласи билан янада активроқ шуғулланишга ундаган эди. Шу мақсадда ҳукумат шаҳар ва қишлоқларда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтирдилар, аҳолини савод чиқариш, билим олишга қизиқтириш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги 1941 йил 3 январда Ўзбекистон Коммунистик Партиси Марказий Комитетининг “Саводсизликни тугатиш тўғрисида”[1.] ги кўрсатмасини бажариш юзасидан ўз фармойишини чиқарди. Мазкур фармойишга мувофиқ республика таркибидаги барча областларда 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишиларни рўйхатга олиш ишларини тамомлаш муддатларига аниқликлар киритилди. Группаларни шакиллантириш, юқори синф ўқувчиларидан эса маданий тарғибот гуруҳлари тайёрлаш тадбирлари белгиланган эди. Ташкилланган ҳар бир синфда 20-25 киши бўлишини ҳисобга олган ҳолда ўқув йилини 1941 йилнинг май ойида тамомлаш муддатлари кўрсатилди. Шунингдек, 1942 йилда саводсизликни тугатиш мактабларида ўқув йилини шаҳар жойларда 1 октябрдан, қишлоқ жойларда эса 1 ноябрдан бошлаш масалари белгилаб берилди. Халқ маорифи ходимлари ва мактаб раҳбарларига 1941 йил 15 январдан эътиборан мактаблар ҳузурида маданий гуруҳ аъзолари учун 10 кунлик семинарлар ўтиш вазифаси юклатилди[2.21].

Иккинчи жаҳон уруши туфайли бундай мактаблар иши бирмунча сусайиб кетди. Чунки жаҳон уруши республика халқ хўжалигини тинч қурилишдан ҳарбий изга ўтказишни талаб этди. Бутун мамлакат иқтисодиёти душманни енгишга сафарбар этилди. Уруш халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари катори маданий қурилиш ва халқ маорифи соҳасида ҳам катта қийинчиликларни вужудга келтирди.

Фронтга кетган кишиларимиз ўрнига фабрика, завод ва колхоз-савхозларда асосан хотин-қизлар, қариялар билан бир қаторда ёшлар меҳнат қилдилар. Фронт учун қилинаётган меҳнат айрим ёшларимизнинг умумий таълим мактабларидаги ўқишларини вақтича тўхтатиб туришларини тақозо этди. Шундай оғир шароитда ҳам республика ҳукумати олдида ёшларга умумий маълумот бериш, уларни ўқишга жалб қилиш вазифаси турар эди. Шу боис республика томонидан ўқишдан қолиб кетган болаларга маълумот бериш масаласи ўз вақтида кўриб чиқилди ва 5-10 синф ҳажмида ўсмирлар учун кечки етти йиллик ва ўрта мактаблар ташкил қилинди. Бундай мактабларга ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга жалб қилиш масаласи юкланди.

СССР Халқ Комиссарлари Совети урушнинг энг оғир ва қийин йилларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ёшларга ўрта маълумот бериш мақсадида 1943 йил 15 июлда махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорда иттифокдош республикалар Халқ Комиссарлари Советига (автоном республикалар, ўлка ва область меҳнаткашлари советларига) 1943 йил 1 октябрдан бошлаб ёшлар учун шаҳар ва ишчи посёлкаларида ишлаб чиқаришдан ажрамасан ҳолда ўрта мактабларнинг 5-10 синф дастури бўйича ўрта умумий таълим тармоқларини ташкил этиш вазифаси юклатилди. Бундай мактаблар кохоналар ихтиёрида, уларнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши лозим эканлиги таъкидланди[3.202-203].

Шунингдек, мазкур қарорда иттифокдош республикалар Маориф Халқ Комиссарликлари зиммасига бу мактабларни ўқитувчи ва раҳбар кадрлар, ўқув қўлланмалари, ёзув анжомлари билан таъминлаш топширилди. Саноат корхоналарига эса мактаблар учун бинолар ажратиш ва уларни зарур ўқув анжомлари билан жиҳозлаш, иситиш, ёритиш вазифалари топширилди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим бериш уруш даврида энг долзарб масалага айланган эди. Шунга биноан СССР Халқ Комиссарлари Совети 1943 йил октябрь ойидан бошлаб шаҳар ва ишчи посёлкаларида ёшларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларининг 5-10 синф программаси ҳажмида етти йиллик ва ўрта умумий таълим мактаблари ташкил этишни топширди. Бундай мактаблар корхона ва завод-фабрикалар ихтиёрида бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари маъмурияти ва халқ маорифи органларига ёшларнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда етти йиллик ва ўрта маълумот бериш, шу йўл билан ишчи ёшларга умумий маълумот бериш вазифаси юклатилди[4.254].

СССР таркибидаги барча республикаларга мазкур мактаблар ишини ўрганиш ва назорат қилиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети СССР Халқ Комиссарлари Советининг кўрсатмасига биноан, 1943 йил сентябрь ойида ишлаб чиқаришда ишлаётган ўсмирларни ўқитишни давом эттириш масаласини кўриб чиқди. Юқоридаги кўрсатмага биноан Ўзбекистон ССРнинг барча шаҳар ва ишчи посёлкаларида ишлаётган ўсмирларни ўқитиш ва уларга маълумот бериш учун 1943 йил 1 октябрдан бошлаб ўсмирларнинг истакларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришдан ажралмай маълумот оладиган ўрта умумий таълим мактаблари ташкил этилди[5.132-133].

Республикалардаги будай мактаблар учун Иттифок бюджетидан 1943 йилдан эътиборан алоҳида маблағ ажратилди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети 1943 йил сентябрда СССР Халқ Комиссарлари Советининг тавсияномасига асосан республика территориясида ишчи ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим олишларини таъминлайдиган кечки мактабларни очиш ҳақида кўрсатма берди[5.132]. Ана шу кўрсатма муносабати билан республикада 1943 йил 1 октябрдан бошлаб ўсмирлар мактаби яний кечки (5-10 синфлар ҳажмида) ишлай бошлади.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан аввал республикамизнинг айрим районларида мактаблар ташкил этила бошланган эди. Кейинги йилларда эса урушнинг оғир қийинчиликларига қарамай республикада халқ маорифи системасини янада яхшилаш, хусусан, кечки таълимни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди.

1943-1944 ўқув йили бошида республикамизнинг шаҳарларида 387 умумий таълим мактаблари ишлаб турди. Булардан 63 таси бошланғич, 114 таси тўлиқсиз ўрта ва 210 таси ўрта мактаблардир. Уларда ҳаммаси бўлиб 166459 ўқувчи таълим олди[6.1-4]. Ўқув йили бошида 17 та мустақил ишчи-ёшлар мактаби ташкил қилинди. Ишчи-ёшлар мактабларининг юқори синфлари ва тайёрлов группаларига ҳаммаси бўлиб 2807 ўқувчи тортилди[6.1-4]. Ўша даврда бундай мактаблар фақат Ўзбекистондагина эмас, балки собиқ иттифок таркибидаги бошқа республикаларда ҳам ташкил этилган эди. Жумладан, Тожикистонда 1943-1944 ўқув йилининг бошида ҳаммаси бўлиб 11 та мустақил ишчи-ёшлар мактаби ташкил этилган эди. Бундай мактабларнинг 5-10 синфларида 850 ўқувчи таълим олди[7.9].

Ўқувчилар контингенти режаси тўлмаган фабрика, завод ва бошқа ишлаб чиқариш объектларида ҳам махсус кечки синфлар очишга рухсат берилди.

Ташкил қилинган кечки ўсмирлар мактабларида ўқув йили 48 ҳафта ва ҳафталик дарс машғулотлари 9 соат (3 кун 3 соатдан) белгиланди. Консультациялар учун ҳафтасига 9 соатдан вақт ажратилди[2.51].

Кечки мактаблар учун ўқув йилининг бундай структураси дастлаб собиқ иттифокнинг барча республикаларида бирдек тадбиқ қилинди, кейинчалик эса ҳар бир республиканинг шаротига мослаштирилди.

1943 йилдан бошлаб ташкилотларда ўқишдан қолган ёшларни ҳисобга олиш ва мактабларга жалб этиш ишлари олиб борилди. Бундай ташкилий ишлар асосан область ва шаҳар маорифи бўлимларига топширилди. Ҳар бир синфда ўқувчилар сони 20 нафардан бўлиши белгиланди.

СССР Халқ Комиссарлари Совети 1943 йилда ташкил этилган ташкил этилган ўсмирлар мактаби ишларини кўриб чиқиб, 1944 йил 30 апрель 9492-сонли фармони билан ўсмирлар мактабига “ишчи-ёшлар мактаби” деб ном берди. Шу билан бирга, ишчи-ёшлар мактаби тўғрисидаги “Низом”ни тасдиқлади[4.248]. Агар “Ишчи-ёшлар мактаби” деб ном берилишини ҳисобга олмаганимизда бу мактаблар асосан 1944 йилдан ташкил қилинган деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки 1943 йил ташкил этилган ўсмирлар мактаби, яқшанбалик мактаблари ва уч йиллик катталар юқори мактаблари форма жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам бироқ уларнинг структураси бутунлай бошқача эди.

1944 йил май ойида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан тавсия этилган “Ишчи-ёшлар мактаблари тўғрисида низом”ни тасдиқлади[4.248]. Бу “Низом”га мувофиқ ишчи-ёшлар мактаблари ҳузурида

бошланғич маълумот берувчи ва юқори синфга тайёрловчи махсус тайёрлов группалари ташкил этилди.

Ўқув йилининг бошланиши ва тамомланиши, ўқув машғулотининг бошланиши ва тугаши олдингича қолдирилди. Ўқув ишининг асосий формаси дарс бўлиб, ўқитувчилар ёрдами билан қўшича консультациялар ўтказиш белгиланди. Ишчи-ёшлар мактабларининг моддий харажатарининг ҳаммасини давлат ҳисобига олиш тасдиқланди.

Маълумки, кечки таълим халқ маорифи системасининг ажралмас таркибий қисмидир. У умумий мактаб тараққиёти билан чамбарчас боғланган ҳолда фаолият кўрсатди, ёшларга таълим-тарбия беришда ўзининг ролига эга бўлган эди.

1944 йили Ўзбекистон ССРда 431 ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки (сменали) мактаблари бўлиб (қундузги мактаблар ҳузурида очилган группа ва синфлар ҳам шу ҳисобга киради), унда 27672 ўқувчи таълим олган эди[8.145].

1944-1945 ўқув йилининг бошида шаҳар умумий таълим мактаблари 423 та бўлиб, уларда 174679 нафар ўқувчи таълим олди[9.1-2]. Шу йили режа бўйича 39 та ишчи-ёшлар мактаблари очилиши керак эди. 476 синфга 10345 ўқувчи тортилиши режалаштирилган эди[10.12].

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг маданият бўлими ҳисоботида ишчи-ёшлар мактаблари тармоғи ва унинг контингенти куйидагича берилган:

Ўқув йилининг бошида 36 та ёшлар мактаби ишлади. Бу мактабларга 5117 ўқувчи тортилган. 2898 ўқувчи янги қабул қилинган. Юқоридагидан кўриниб турибдики, режага нисбатан, 2330 та ўқитувчи кам тортилган. Бу эса 27,7 фоизни ташкил қилади. Шу ўқувчиларни мактабга тортиш режаси 77,3 фоизга бадарилган[2.51], холос.

Бироқ урушнинг охириги йилларида ҳам мактабларни юқори малакалий таълим-тарбия берувчи ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи муаммолигича қолаётган эди. 1944-1945 ўқув йилининг бошида кечки ишчи-ёшлар мактабларида ишлаган педагогик қадирлар жаъми 400 нафарни ташкил этган бўлиб, улардан 239 нафари олий маълумотли, 110 нафари тўлиқсиз ўрта, 15 нафари ўрта маълумотли эди. Бу ўқитувчилардан 152 нафаригина ишчи-ёшлар мактабларида ишлаган эди[13.52].

Хуллас иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда фаолият юритган аҳоли саводсизлигини тугатиш, ёшларга ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда таълим олиш имкониятини тўхфа этувчи кечки (сменали) ўрта таълим мактаблар фаолиятида муаммолар етарлича эди. Бироқ шунга қарамай фидойи жонкуяр ўқитувчилар ҳамда таълим соҳаси вакиллари уруш даври қийинчиликларига қарамай ёшларга билим бериш ишларида жонбозлик кўрсатган эдилар.

Адабиётлар рўйхати

1. “Ўқитувчи газетаси”, 5 январь 1941 йил.
2. Мўйдинов Р. Ўзбекистонда кечки (сменали) ўрта умумий таълим мактабларининг тараққиёти (1944-1964 йиллар). –Тошкент: Фан, 1979.
3. Декреты ВКП (б) и постановления Советского правительства о народном образовании 1917-1947 гг. –Москва, 1947.
4. Мактаб тўғрисидаги қарор ва йўл-йўриқлар тўплами. –Тошкент:, 1952.
5. Ўз МА, Р-94-фонд 83-рўйхат, 234-иш.
6. Ўз МА, Р-94-фонд 76-рўйхат, 32-иш.
7. Холмухаммедов А. Создание и развитие школ рабочей молодежи Таджикской ССР в 1936-1963 годах. –Душанбе, 1972.
8. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3869-иш.
9. Ўз МА, Р-94-фонд 76-рўйхат, 401-иш.
10. Ўз МА, Р-88-фонд, 9-рўйхат, 904-иш.
11. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 6830-иш.
12. Ўз МА, Р-88-фонд, 9-рўйхат, 904-иш.
13. Мўйдинов Р. Ўзбекистонда кечки (сменали) ўрта умумий таълим мактабларининг тараққиёти (1944-1964 йиллар). –Тошкент: Фан, 1979.

**1960-80-YILLARDA NUROTA VOHASIDAN KO‘CHIRILGAN
AHOLINING IJTIMOIIY-IQTISODIY HAYOTI XUSUSIDA**

Jumayev J.

JDPU tarix fakulteti o‘qituvchisi

Bizga ma’lumki, Sovet hukumati tomonidan qo‘riq va bo‘z yerlarni o‘zlashtirishda, ayniqsa urushdan keyingi yillarda dadil qadamlar tashlandi. 1956-1958-yillarda o‘zbek xalqi Mirzacho‘lni o‘zlashtirish uchun yoppasiga harakatni boshladi. Kanallar qazilib, suvlar chiqarilishi hamda qo‘riq yerlarning o‘zlashtirilishi natijasida yangi viloyatlar, rayonlar, shaharlar va xo‘jaliklar paydo bo‘la boshladi. 60-70 yillarda ham Jizzax vohasidagi cho‘llarni o‘zlashtirish davom ettirildi. Bu ishlarning zamirida shak-shubhasiz Nurota vohasidan ko‘chirib keltirilgan aholining ham xizmati katta bo‘ldi [1:15]. Ta’kidlash lozimki, sovet tuzumi davrida Nurota vohasidan, uning deyarli barcha qishloqlaridan Mirzacho‘l o‘zlashtirilishi davomida yuzlab, minglab oilalar rejali ko‘chirilgan. Natijada hozirgi kunda ham Sirdaryo, Jizzax, Toshkent viloyatlarining qishloq tumanlarida XX asrning o‘rtalarida tadqiq etilayotgan vohadan ko‘chib kelgan aholi avlodlarini uchratishimiz mumkin[2:5,6].

O‘rganilayotgan davrda, Sovet hukumatining yangi yerlarga aholini ko‘chirish bo‘yicha olib borgan siyosati mobaynida mintaqa aholisining etno-psixologik hayot tarzi, shuningdek ularning ichki ruhiy kechinmalari hisobga olinmadi. Bu jarayon Nurota vohasi aholisi misolida ham murakkab kechdi. Uning birinchi sababi, islomdagi jamoaviylik aqidalarining mahalliy aholiga yoshlikdan qat’iy tartibda singdirib borilishi, bu istakning bosqichma-bosqich shakllantirilishi har qanday individual xatti-harakatlarga jamiyat tomonidan o‘ta salbiy munosabatni yuzaga keltirgan edi. Ikkinchidan, vohada shakllangan urug‘chilik munosabatlari, bir-biriga suyanib yashash va yelkadoshlik his-tuyg‘ulari edi [3:110].

Bunday holatlar o‘sha paytlarda mahalliy aholi, ayniqsa, yoshlarda ko‘chish tushunchasini salbiy ma’noda qabul qilish, hatto unga nisbatan noroziliklarni keltirib chiqarardi. Sovet hukumati mazkur jarayonni yoshlar ongiga tez ta’sir qilishi mumkinligini hisobga olib, aholiga kuchli bosim o‘tkazish payida bo‘ldi. Natijada respublikamizda milliy urf-odat va an’analarga asta-sekinlik bilan bo‘lsa-da zarba berilib, cho‘lga nafaqat yoshlar, balki oilali va ko‘p bolali xo‘jaliklar ham majburiy suratda ko‘chirib keltirildi. Ta’kidlash kerakki, aholini o‘zi ko‘rmagan, bilmagan va hatto tasavvur ham qila olmaydigan kimsasiz cho‘llarga ko‘chirish oson kechmagan. Buning asosiy sabablari: dastlabki paytlarda aholining quloqlashtirish davridagi kabi yaqin oila a’zolari bilan ko‘chirib yuborilishi, yangi ko‘chib borgan joylarda turmush kechirish uchun sharoitning yo‘qligi va qishloqdoshlarning sarson-sargardon bo‘lib qaytib kelishi va hk.lar bo‘lgan.

Chunki, ilojiylikdan ko‘chish har bir insondan katta kuch-iroda, mislsiz jur’at talab qiladi. Jarayonni Nurota vohasi aholisi misolida kuzatsak, mazkur siyosatning keyingi bosqichlarida voha aholisining yashash sharoiti cho‘l mintaqalariga nisbatan og‘irligi ko‘chishga bo‘lgan istakni paydo qilgan, degan fikrni yuzaga keltiradi.

Ko‘rib chiqilayotgan yillarda respublika miqyosida paxta ekin dalalarini ko‘paytirish, irrigatsiya inshootlarini qurish, suv xo‘jaligi faoliyatini yaxshilash bo‘yicha ko‘pgina ishlar amalga oshirildi. Jarayonlar Nurota vohasidan ko‘chirilgan aholiga ham xos bo‘lib, natijada bu holat Jizzax va Sirdaryo viloyatlaridagi demografik va migratsion jarayonlarga o‘z ta’sirini o‘tkazdi [4:55].

Aholining o‘sish tezligi, ayniqsa ohirgi aholi ro‘yxatida ko‘zga tashlanib qoldi: (1959-1970 yillarda). Ana shu yillarda o‘sishi (ming kishi hisobidan) Jizzax viloyatida -155,7, Sirdaryoda esa -139,4 % ni tashkil qildi. 1970-1977 yillarda esa o‘sish Jizzax viloyatida 124,3, Sirdaryo viloyatda esa 124,2 % ni tashkil etdi. Aholining bunday o‘sishiga, aholining ko‘chishi ham o‘zining ijobiy ta’sirini ko‘rsatdi[1:129].

1962- yilning oxirlarida 34 ta sovxoz ochilishi kerak edi. Shundan 23 sovxoz Mirzacho‘lning O‘zbekiston qismida, II sovxoz esa Qozog‘iston qismida ochildi. O‘sha 1962-yilning o‘zidayoq 181,0 ming gektar yerga paxta ekilib, har gektaridan 12 sentnerdan paxta hosili olindi. Aytish

joizki, yetkazilgan hosilning juda katta qismini “Golodnostepstroy”ga qarashli xo‘jaliklar yetkazib berdi.

1962-yili davlatga Mirzacho‘ldagi yangi tashkil topgan xo‘jaliklar 32 ming tonnadan ortiqroq “oq oltin” yetkazib berdi. 1963-yili fevral oyida Sirdaryo viloyati tashkil etildi. 19 mart kuni o‘tkazilgan plenumda birinchi kotib va uning o‘rinbosarlari N.M.Mahmudov, P.I.Soqolova, M.Iskandarov va A.Obidovlar saylandilar [1:105]

SSSRda 1970-yillar o‘rtalaridan boshlangan iqtisodiy inqiroz jamiyat hayotining barcha jabhalarini qamrab oldi. Shu jumladan, O‘zbekistonda ham agrar soha rivoji kutilgan natijani bermadi. Ko‘chirib keltirilgan aholining ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga paxtachilikni rivojlantirish va uni yig‘ib olish masalasi yomon ta‘sir qildi. Cho‘l hududlardagi yangi tashkil etilgan sovxoz maktabi o‘quvchilarida go‘yoki paxtani yetishtirish va uni yig‘ib olishga mas‘ul kayfiyat shakllandi [5]. O‘rta maktab o‘quvchilarining qatqaloq sindirish, g‘o‘zani yaganalash va o‘toq qilish, pilla terish, paxta terish kabi qishloq xo‘jalik ishlariga keng jalb qilinishi ularning kamolotiga salbiy ta‘sir ko‘rsatdi.

O‘z KP MKning Birinchi kotibi I.B.Usmonxo‘jayev partiyaning XIX plenumida so‘zlagan nutqida “O‘quvchilarni ishlab chiqarish ta‘limi va mehnat tarbiyasiga bog‘liq bo‘lmagan qishloq xo‘jalik ishlariga jalb etishni tugatish zarur”, -[6] deb uqtirgan edi. Shuningdek, Oliy ta‘lim ministrligining 1985-yil 23-iyulda №537-sonli buyrug‘ida o‘quvchi va talabalarni qishloq xo‘jalik ishlariga bir oydan ortiq jalb etmaslik va yozda qurilish otryadlarida ishlagan yoshlarni dala ishlariga tortmaslik haqida qarori qabul qilingan edi [7:87]. Biroq, ularning barchasi qog‘ozda qolib ketdi. Gazeta va boshqa matbuot vositalarida mazkur qaror va buyruqlarni qo‘llab, jamoatchilikni qayta-qayta ogohlantirib qilingan chiqishlar ham kutilgan natijani bermagan [8].

O‘zbekistonda 5 million tonnadan ziyod paxta xirmoni qariyb 1200 ta kolxoz va sovxoz, salkam 30 mingta paxta terish va ko‘rak yig‘ish mashinasi, 100 mingdan ziyod mexanizator, qariyb 2 million terimchi bilan yaratilsa-da [9: 133], xo‘jalik yuritishda ekstensiv usul va qo‘l mehnatining ustunligi hosildorlik darajasi past bo‘lishi hamda sarf-xarajatlarning keskin ortib borishiga sabab bo‘ldi. Respublikamiz hududida paxtadan ko‘ra boshqa turdagi ekinlar ekib, samaraliroq foyda olish mumkin bo‘la turib, markaz bor e‘tiborini paxtachilikka qaratdi. Jumladan, bir tonna paxta yetishtirishga mamlakat bo‘yicha ketadigan ijtimoiy sarf-xarajatlar bir tonna bug‘doy yetishtirishga nisbatan o‘rtacha 30 baravar ko‘p bo‘lgani holda, xarid narxlari esa atigi 4-5 baravar farq qilgan [10:50].

Yigirma yil mobaynida (1967-1987-yillar) paxtaning narxlari donga nisbatan 2 marta sekinroq oshgan [11]. Paxta uchun munosib haq to‘lanib, barcha sarf va natijalar ilmiy asoslangan narxlarda to‘g‘ri aks ettirilganda, respublika yalpi ijtimoiy mahsulotida qishloq xo‘jaligining ulushi 30 foizga, milliy daromad esa 15-20 foizga ko‘paygan bo‘lar edi [12]. Biroq, asosiy e‘tibor markaz tomonidan belgilangan rejani bajarishga qaratildi, 30-40 yildan so‘ng nima bo‘lishi hech kimni qiziqtirmadi. Yangi yerlarni ochilishi, aholining soni tobora o‘sib borayotgani respublikada uy-joy muammosi, oziq-ovqat taqchilligini oldini olishda o‘ziga xos bir qator muammolarni keltirdi.

Yillar mobaynida sug‘oriladigan yerlardan foydalanishda jiddiy kamchiliklarga yo‘l qo‘yildi. Paxta ekiladigan hududlarda mineral o‘g‘itlar miqdorining har gektar paxta dalasiga o‘rtacha 240-250 kg. azot va 120-130 kg. fosfor ishlatilishi hosildorlik hamda tuproqdagi tirik organizmga ko‘pincha zarar yetkazdi [13:12,13].

O‘zbekistonda o‘zlashtirilgan yerlarda aholiga berilayotgan oylik maosh ham o‘ta noqulay iqlim sharoitini hisobga olganda juda past bo‘lgan. Jumladan, Ittifoq bo‘yicha bir nafar qishloq xo‘jaligi xodimi hisobiga yiliga 8 ming so‘m to‘langan bo‘lsa, O‘zbekistonda u 4 ming so‘mni tashkil qilgan [14:2]. Ishlar shaxsiy manfaatdorlik yo‘lidagi urinishlar va o‘zgarishlarga emas, jamoaviy ishtiyokka suyanilishi oqibatida insonlardagi mehnat va tashabbuskorlikka bo‘lgan ishtiyok yildan yilga so‘nib, boqimandalik kayfiyati shakllanib bordi. Bu esa jamoa mulkiga nisbatan yuzaki munosabatni tug‘dirgan.

O‘zbekiston Ittifoq respublikalari orasida xom ashyo yetkazib berish bo‘yicha yetakchi o‘rinlarda bo‘lgan bo‘lsa-da, aholi jon boshiga milliy daromad hosil qilish, sabzavot-poliz mahsulotlarini iste‘mol qilish bo‘yicha 5-o‘rinni, meva va rezavor mevalar iste‘moli bo‘yicha 13-o‘rinni egallagan [15:20]. Paxta monopoliyasi oziq-ovqat ta‘minotini murakkab ahvolga tushirib qo‘ydi. Aholi go‘sht, sut, sabzavot, meva hamda boshqa qishloq xo‘jalik mahsulotlarini Ittifoqdagi darajadan 2-2,5 baravar kam iste‘mol qilgan [16:25]. Dalalarning 73 foiziga g‘o‘za ekilib, oziq-ovqat mahsulotining salmoqli qismini beradigan tomorqa xo‘jaligiga zarur e‘tibor berilmadi. Natijada respublika Ittifoqda nafaqat oziq-ovqat iste‘moli, balki turmush darajasi bo‘yicha oxirgi o‘rinlardan biriga tushib qolgan edi.

Qishloq xo‘jaligi moddiy-texnik bazasining zamon talablari darajasidan orqada qolishi, paxta hosili ketidan quvib, irrigatsiya va melioratsiya ishlariga ikkinchi darajali vazifa deb qaralishi oqibatida sug‘oriladigan yer maydonlarining sho‘rlanish darajasi ortib bordi. Mazkur holat ko‘plab hududlarda melioratsiya tadbirlarini o‘tkazish rejalari hatto tuzib chiqilmaganligi bilan ham bog‘liq [17]. Bu esa yildan yilga tuproqning meliorativ holatini yomonlashuviga olib kelgan, buning asosiy sababi esa sohada malakali kadrlarning yetishmasligi edi. Ko‘rib o‘tilayotgan davrda ko‘plab kolxoz va sovxozlarda oliy va o‘rta malakali agronom-melioratorlar yetishmagan. Natijada, dehqonchilik va irrigatsiya ishlari bu sohadan mutlaqo bexabar bo‘lgan, o‘sha yillarda Nurota vohasi, Jizzax vohasi va Farg‘ona vodiysidan ko‘chirib kelingan kishilarga yuklab qo‘yilgan.

Xulosa qilib aytganda, yillar mobaynida agrar sohada olib borilgan sovet iqtisodiy siyosati natijasida qulay shart-sharoitlarga qaramay, xususan O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligining mavjud imkoniyatlaridan to‘g‘ri va samarali foydalanilmadi. Qishloq xo‘jaligi moddiy-texnik bazasining yetarli darajada ta‘minlanmaganligi, yerlarning meliorativ holatining yomonlashuvi, ishlab chiqarishdagi ekstensiv usullarning ustun bo‘lishi kabi omillar mahsulot ishlab chiqarishning miqdor va sifati, shuningdek iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlarining pasayishiga olib keldi. Biz bu jarayonni 1960-80-yillarda Nurota vohasidan ko‘chirilgan aholining ijtimoiy-iqtisodiy hayoti misolida qisman ko‘rib chiqdik, xolos.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Болтаев А. Мирзачўл - Жиззах: ўтмиши ва бугуни (1900-2000 йиллар). Т.: “Фан”, 2007.
2. Салимов Т. Нурота ва нуроталиклар. Т.: “Университет”, 2019.
3. Ризаев Б.Н. Ўзбекистонда 1950-1970 йиллари янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати (Бухоро области мисолида). Т.ф.б. фалсафа доктори илмий даражасини олдиш учун ёзилган (PhD) дисс... Тошкент, 2021.
4. Мирзаалиев У.Б. Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мисолида, 1956-2020 йй.). Т.ф.б. фалсафа доктори илмий даражасини олдиш учун ёзилган (PhD) дисс... Тошкент, 2022.
5. Хлопковое дело в Узбекистане. Как это было (история). Часть.1-я. <http://www.centrasia.ru>.
6. “Правда”. “Пахта мавсуми – ўқувчилар учун эмас”. 1985 йил 6 март сони
7. О‘з МА, 2806-fond, 1-ro‘uxat, 67-ish, 87-varaq.
8. “Комсомольская правда”. 1985 йил 10, 11 сентябр сонлари.
9. О‘з МА, 2806-fond, 1-ro‘uxat, 22-ish, 99, 133-varaqlar.
10. Азимов Р Регионал хўжалик ҳисоби ва миллатлараро муаммоларнинг ҳал этилиши // Ўзбекистонкоммунисти. 1990. №5.
11. “Совет Ўзбекистони”, 1990 йил 22 май сони.
12. “Правда Востока”, 1988 йил 16 июл сони.
13. Муҳаммаджонов М. Табиатнинг бебаҳо инъоми //Фан ва турмуш. 1986. № 4.
14. Агросаноат потенциалидан тўлиқ фойдаланайлик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1988. № 11.
15. Осминин В. Ўзбекистон ССР эконоисини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамдапроблемалари //Ўзбекистон коммунисти. 1988. №11.
16. Муҳаммаджонов М. Исрофгарчиликка боғлиқ нуқсонлар // Ўзбекистон коммунисти. 1989. № 10.
17. Суғориладиган ерлар самарадорлигини оширайлик // Совет Ўзбекистони, 1986 йил 28 декабр сони.
18. Акрамов Э. Экология ва Орол денгизи экономикаси. “Ўзбекистон коммунисти”, 1989. №10.
19. Экономика муаммолари ва ечимлари // Коммуна. 1989 йил 28 апрел сони.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ
БЎЙИЧА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ.**

Акбаров К.

ҚарДУ тадқиқотчиси

Ер-сув ислоҳоти тарғибот ишлари авж олдирилиб, бунда округ матбуотгазеталаридан ҳам унумли фойдаланилган. “Камбағал деҳқон” номли газетаси саҳифаларида, асосан тарғибот мазмунидаги малумотлар берилган. Масалан, шу газетанинг 1928 йил 18 октябрь сониди 26 сентябрда Чирокчи районида партия фаоллари йиғилиши ўтказилганлиги, унда бойхўжаликларни тугатиш хусусида сўз борганлиги тўғрисида хабар берилади. Районнинг 21 та қишлоқлари 5 та участкага ажратилиб, уларга 2-3 нафар кишидан иборат тарғибот гуруҳлари бириктирилган. Тарғибот гуруҳлари ер-сув ислоҳотини ўтказишни тарғиб этувчи “кўнгиллилар гуруҳи” тузиш, митинглар ўтказиш махсус деворий газеталар чиқариш, бадий хаваскорлик тўғрақларини тузиш каби тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳаракатлар олиб борган. Шунингдек, Шаҳрисабз райони Қутчи қишлоғида тарғибот бригадаси 278 нафар камбағал ва чоракорларни тўплаб, ер-сув ислоҳотларига доир тарғибот ўтказган. Тўпланганлар ўзига тўқ деҳқон хўжалиқларикўлидаги 1212 таноб ер майдонини бўлиб берилишини талаб этиб чиқадилад. 1928 йили 4 октябрь куни Қашқадарё округининг турли ҳудудларидан келган батрақларнинг намоиши Қарши шаҳрида уюштирилган. Улар шаҳар кўчаларида қизил байроқлар кўтаришиб партия комитети биноси олдида келиб, барабанлар ва қарнай-сурнай билан ер талаб қилишган.

Қашқадарёда ер-сув ислоҳотига тайёргарлик жараёни ҳақида “Камбағал деҳқон” газетасининг 1928 йил 18 октябрдаги сониди шундай ёзилган: “Қашқадарё областида тайёргарлик жараёни бир-неча ой давом этди. 1928 йил 25 сентябрда барча районларда сайланган комиссиялар амалий ишларга ўтди. Ҳозирги кунда районларда батрақлар, чоракорлар, ерсизлар ва аёллар йиғилишлари ўтказилмоқда. Масалан, Шаҳрисабз райони Қутчи қишлоғидаги 278 нафар деҳқон қатнашганлар йиғилишда фойдаланилмай турган 1212 таноб ер майдони ҳақида сўз борган. Бу тадбирлар областнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этган. Шу йилнинг 26 октябрида Чирокчи районида партия, совет ва комсомол ташкилотларининг йиғилиши ўтказилиб, унда йирик хўжалиқларни тугатиш хусусидаги масала кўрилган[1:15]. Йиғилишларда йирик хўжалиқ эгалари жиддий қаршилиқ кўрсатаётганлиги ҳақида гапирилган.

Кўп йиллардан бери баъзи йирик ер эгалари қўлида ишлаб, ўз меҳнат ҳақларини ололмаган батрақлар ҳам бор эди. Ер-сув ислоҳотини ўтказиш комиссияси уларнинг ҳақларини олиб берган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, Ғузор районидан батрақ Абдуқодир Назаров 1918-1928 йилларда қишлоқдаги мулла Юсуф Чўлиев хўжалигида ишлаб, меҳнат ҳақини ололмаган[2]. Комиссия унга Ю. Чўлиевдан ер ва пул олиб берган. Шунақанги йиғилишларда, Қарши райони Худойзод қишлоғида йирик ер эгаси Асадуллаев, собиқ амир амалдори Хўжа Хўжаев Қарлуқхона қишлоғи йирик ер эгаси Ҳаким Ниёзов ва тамаки билан савдо қилувчи йирик савдогар Бўронбоев, Қизил мачит қишлоғидан йирик ижарачи Хасанбек Салимов, собиқ амир амалдори Хўжақурбон Ҳотамовларга қарши тарғибот олиб борилган[3]. Шу тариқа совет ҳукумати коллективлаштириш тадбирларини, асосан омма қўли билан амалга оширишга уринган.

Ер-сув ислоҳотини амалга ошириш вазифаси асосан партия аъзолари зиммасига юклатилиб, шу муносабат билан областдаги партия аъзолари 1926 йил февралда рўйхатдан ўтказилган. 1927 йили область бўйича 743 нафар партия аъзоси борлиги аниқланган. Уларнинг 18 фоизи ишчи, 41 фоизи деҳқонлар эди. Совет давлатининг “тозалаш” ишлари ер-сув ислоҳотлари арафасида янада кучайтирилган. Округ “Қўшчи” иттифоқи аъзолари ўртасида ҳам бу тадбирлар олиб борилган. Масалан, Шаҳрисабз районининг “Қўшчи” иттифоқининг 650 нафар аъзосидан 450 нафари “бегона” сифатида аъзоликдан четлаштирилиб, уларнинг ўрнига бошқа камбағал батрақлар аъзоликка қабул қилинган. Ер-сув ислоҳоти ўтказишда

батраклардан иборат кўмак гуруҳлари ташкил этилган. Шаҳрисабзнинг Шурахон, Мўмин-обод, Новқат, Тўдамайдон қишлоқларида ҳам “тозалаш” ишлари олиб борилган. Биргина Шурахон қишлоғидан 21 нафар киши “Кўшчи” иттифоқига аъзоликдан четлаштирилган. Шунингдек, район бўйича 19 нафар колхоз раиси “бегона” сифатида ишдан бўшатирилган[2]. Бундан ташқари, ёшлар ҳам ер-сув ислоҳоти тарғибот гуруҳларига жалб этилган. 5-10 кунлик семинар-курслар ташкил этилиб, Қашқадарё области бўйича ҳар бир райондан 6-8 нафардан вакиллар шундай курсларда ўқишга жалб этилган, жами область бўйича 60 нафар ёшлар ўқитилган[2]. Тарғибот гуруҳи аъзолари камбағал-батрак ёшларнинг конференцияларини уюштириб, совет ҳукуматининг ер-сув ислоҳотининг “фойдали” жиҳатлари хусусида ёшларга тушунчалар беришган. Тарғибот гуруҳлари аҳоли турли қатламлари орасида варақалар тарқатиб, ер ишлари бўйича комиссия ишларига ёрдам берган. Қишлоқларда “Қизил чойхона”ларда ҳаракатланувчи тарғибот аравалари тузилиб, “бегона” элементларга қарши тарғиботлар кучайтирилган.

Қашқадарё қишлоқларида ер-сув ислоҳоти бўйича тарғибот ишларида 2500 нафардан зиёд ёшлар иштирок этган. Бу тадбирларга бой хонадонларнинг болалари ҳам жалб этилиб, улар ўз ота-оналарига совет ҳукумати томонига ўтишларини талаб қилиб чиққанлар, уларнинг ўзлари оталарининг мол-мулки ҳақидаги маълумотларни тарғибот гуруҳларининг ваъдалари таъсирида очиқчасига фош этишган.

Совет ҳукумати тарғиботларда хотин-қизлардан ҳам унумли фойдаланиб, аёллар ўртасида йиғилишлар ўтказилган, ўзига тўқ деҳқон хўжаликларига қарши тарғибот ишларига жалб этилган.

Қашқадарё областидан ҳам партия сафларини “тозалаш” тадбирлари олиб борилиб, жараёнда биргина Чироқчи, Яккабоғ ва Китоб районларида 310 нафар партия аъзоси ва номзодларидан 75 нафари ёки 24,2 фоизи “бегона” сифатида ўчирилган. Улар орасида собиқ йирик бой Рустам Ёкубов ҳам бўлиб, унга ер-сув ислоҳотлари жараёнида уч таноб ерни яшириб қолишда айб қўйилган[3.] Шу каби айбловлар билан кўплаб кишиларга жазо беришган.

Ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари совет ҳукумати бу борада амалга ошираётган ишларидан кўрқишиб, мол-мулкларини нотариал идораларнинг тасдиқланган ҳужжатлари асосида болаларига тақсимлаб беришга ҳаракат қилишган. Масалан, Бешкентдан Берди Муҳаммад Муродов Қарши нотариал идораси ҳужжати билан 1400 бош қўйни, 39 та туяси, 3 та оти, 4 та эшаги ва бошқаларни уч хотини ва уларнинг болалар ўртасида тақсимлаб берган. Шунингдек, Яккабоғ суди йирик бойлардан Жўра Ҳусанбек Муродовнинг мол-мулкни унинг 5 нафар ўғли ўртасида тақсимлаш ҳақида қарор чиқарган[3]. Чунки йирик ер эгаларининг бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди. Ер-сув ислоҳоти арафасида Қашқадарё областида аҳвол анча аянчли бўлиб, деҳқонларга ер майдонлари ажратилган бўлсада, уларнинг иш хайвони, асбоб-ускунаси, экиш учун уруғи умуман мавжуд эмас эди.

1928 йил октябрда Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ер-сув ислоҳотини ўтказиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва ВКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроларида асосан тасдиқланган. Бироқ Хоразм округида деҳқонларнинг ислоҳотга қарши оммавий норозиликлари кучайганлиги туфайли жараён тўхтатиб қўйилган. 1928 йил 1 ноябрда ЎзССР Советлари МИҚПрезидиумининг “Ўзбекистон ССРнинг Қашқадарё ва Сурхондарё округларидаги йирик ерлардан фойдаланувчиларни тугатиш тўғрисида”ги 192-сонли қарори қабул қилиниб,[4:83-84] мазкур ҳужжатга мувофиқ қуйидаги хўжалиklar тугатилиши белгиланган:

- ўз меҳнати ёки ўз оила аъзолари меҳнати билан ерга ишлов бермайдиган хўжалиklar;
- уларнинг ердан фойдаланиш ҳажмидан қатъи назар, амирликнинг собиқ юқори мансабдорларига, олий руҳонийлар ва собиқ подшо Россияси маъмурларига, амир оиласи аъзоларига тегишли хўжалиklar[5:293-295]кўзда тутилганди.

Қашқадарё округида ер-сув ислоҳоти бошланиши билан якка деҳқон хўжаликларини жамоа хўжаликларига қамраб олиш жараёни жадаллаштирилдиган. Масалан, 1928 йил округда 15 та колхоз бўлган бўлса, 1929 йилда уларнинг сони 178 тага етди. Колхозларга 6370 га сувли ва 1523 га лалми ерлар тўғри келган[6:234]. Кўпгина кичик колхозлар йирик колхозларга бирлаштирилди. Хўжаликларнинг 89 таси артель, 82 таси колхоз, 2 таси коммуна, 1 таси ТСОЗ (Товарищеский союз по обработки земли), 2 таси уруғчилик артели, 2 таси боғдорчилик артели шаклида бўлган. Колхозлар 2070 га пахта экин майдонларига эга бўлган. Уларнинг зиммасига давлатга 5740 тонна пахта хом-ашёсини топшириш вазифаси юклатилган[6:234]. Демак, бу тадбирлардан совет давлатининг коллективлаштиришдан асосий мақсади пахта якка ҳокимлигини ўрнатиш эканлиги аниқ маълум бўлади.

Қашқадарё областида ер-сув ислоҳоти натижасида 1217 йирик хўжаликлар ва 972 та кулоқ хўжаликлари тугатилган[7:99-100]. Демак, совет давлати коллективлаштириш боҳаназида халқдан жуда катта миқдордаги ер майдонлари ва мол-мулкларини ҳеч бир тўловларсиз талончилик билан тортиб олган.

Қашқадарё области Шаҳрисабз район Гепар қишлоғида 1928 йили воҳада дастлабки колхозлардан бири ташкил этилиб, ўн бешга яқин хонадони, ўттиз гектарга яқин ери мавжуд эди. Андай ва Тўдамайдон қишлоқларида тузилган колхозларнинг хонадонлари ва ери ҳам шунчадан ошмаган. Райондаги Кичик Устайдаги колхоз энг каттаси бўлиб, унга 26 хонадон бирлаштирилган эди, бу колхозга Ғойип Эргашев раҳбарлиқ қилган[8:310].

Хуллас, Ўзбекистонда мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда амалга оширилган ер-сув ислоҳоти ўз мазмун моҳиятига кўра зиддиятли бўлган. Ер-сув ислоҳоти натижасида ерсиз қамбағал деҳқонларнинг бир қисми ўз ер майдонларига эга бўлиши туфайли ўзбек қишлоқларидаги ижтимоий аҳволни бир оз яхшилаган бўлса, аммо иккинчи томондан, асрлар мобайнида шаклланган ерга эгалик муносабатларига нисбатан ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятларнинг бузилишини бошлаб берди.

Адабиётлар рўйхати

1. Акматамов О. Ўзбекистонда жамоалаштириш сиёсати ва унинг аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири (XIX асрнинг 20-30 йиллари Қашқадарё вилояти мисолида) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати, Қарши 2022. Б-15
2. Правда Востока”, 18 сентября 1929 года.
3. “Правда Востока”, 26 декабря 1928 года.
4. Подготовка условий сплошной коллективизации в Узбекистане (1927-1929). Сборник документов. –Ташкент.: Изд. АН У. ССР, 1961. –С. 83-84.
5. ЎзМА, Ф-86-фонд, 1-рўйхат, 4630-иш, 293-295-варақлар.
6. ЎзМА ҚВФ, 81-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 234-варақ.
7. Подготовка условий сплошной коллективизации в Узбекистане (1927-1929 гг.). С. 99-100.
8. Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи. Биринчи китоб.-Т.: “Ўзбекистон”, 1969.-Б.310.
9. ЎзМА ҚВФ, 1-фонд, 5-рўйхат, 60-иш, 10-25-варақлар.
10. ЎзМА ҚВФ, 4-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 120-129-варақлар.
11. Жуманов А. Кўкдала бошоқлари. -Т.: “Меҳнат”, 1988. Б.—4.

ТУРКИСТОНДАГИ СЎЛ ЭСЕРЛАР ПАРТИЯСИ ТАРИХИДАН

Сафаров Б.

Ўзбекистон ФА Тарих институти мустақил тадқиқотчиси

XX аср бошлари Россия империясида улкан сиёсий ўзгаришлар даври бўлди. Шубҳасиз, бу жараёнлар подшо Россияси кўл остидаги мустанлакка ўлкаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Империя пойтахти бўлган Петроградда турли сиёсий гуруҳлар, партия ва жамоат ташкилотлари вужудга келди. Ана шундай сиёсий уюшмалардан бири эсерлар (социалист-революционерлар) партияси 1901 йилнинг охири – 1902 йилнинг бош-

ларида турли хил народних группалари ва тўғарақларининг ўзаро бирлашувидан ташкил топди. Россия империясида эсерларнинг раҳбарлари В.М.Чернов, И.Д.Авксентьев, Г.А.Гершуин, А.Керенский, А.Р.Гоц, Б.В. Савинков каби сиёсий арбоблардан иборат бўлган. Партия асосан деҳқонлар (крестьянлар, мужиклар) ва майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилган.

Туркистонда эсерлар партиясининг фаолияти 1903 йилдан бошланган. Уларнинг Туркистондаги мавқеи Россиянинг илғор саноатлашган ҳудудларига нисбатан ҳам анча кучли бўлган.

Эсерлар сиёсий партия сифатида мураккаб эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтишган. Улар чорак асрлик фаолияти давомида ўнг эсерлар, сўл эсерлар, интернационалистлар, трудовиклар, максималистлар, меҳнат халқ социалистик партияси (халқ социалистлари – эсерлар) каби турли сиёсий ташкилотларга бўлиниб кетишди.

Сўл эсерлар партиясининг ташкил топиши 1917 йилнинг ноябр ойига тўғри келади[1. 18]. 1918 йил апрел ойига келиб сўл эсерлар партияси тўлиқ шаклланиб бўлди. Партиянинг сўл ва ўнг эсерларга бўлинишига Россиянинг империалистик урушдан чиқиш йўли ва муддати, ер ва ҳокимият борасидаги фикрлар қарама-қаршилиги сабаб бўлди[2. 26]. Сўл эсерлар ўзларини “Циммервальд платформаси” тарафдорлари деб ҳисоблашарди ва “мустақкам тинчликка, фақат социализм учун кураш йўли билан эришиш мумкин” деб ўйлашардилар[3. 47].

Туркистон ўлкасида эсерлар партиясининг бўлиниши 1917 йил 10 сентябр кунига тўғри келади. Шу куни партиянинг Тошкент бўлими йиғилишида И.И.Черневский бошлиқ сўл эсерлар ўзларини ўнг эсерлардан ажраб чиққанларини эълон қилишди[4. 26]. Ўнг эсерлар таркибида юқори мансабли зобитлар, чиновниклар ва буржуазия вакиллари қолишди[5. 48].

Сўл эсерлар ўзларининг кундалик газеталари “Знамя труда”, 1920 йилдан бошлаб эса “Знамя” журналинини чоп эта бошлашди. Сўл эсерлар Брест тинчлик сулҳи борасида ҳам ўз позицияларига эга эдилар. Улар “на тинчлик, на уруш” шиорини олға суришарди. Яъни герман оккупантларига қарши партизантик урушларини олиб бориш тарафдори эдилар[6. 179].

Сиёсат ва давлат бошқаруви борасидаги сўл эсерлар қарашларига келадиган бўлсак, улар федератив давлат бошқаруви тарафдори эдилар. Ҳар бир мамлакатнинг ўз-ўзини бошқариш, динни давлатдан бутунлай алоҳида бўлиши, дин ҳар бир шахснинг шахсий иши бўлишини, доимий армияни тарқатиб унинг ўрнига халқдан иборат кўнгиллилар қўшинини тузиш тарафдори эдилар[6].

Туркистондаги сўл эсерлар партияси 1917 йил ноябрь – 1919 йил январь ойларида большевиклар билан ҳамкорлик қилишди. Улар 1917 йил ноябрда тузилган Туркистон ўлка Халқ Комиссарлари Совети таркибида большевикларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилишган. Бироқ большевиклар аста-секин сўл эсерларни ҳокимиятдан четлаштирдилар. 1923 – 1924 йилларда сўл эсерлар партияси мустақил сиёсий куч сифатида тарих соҳасидан бутунлай ўчириб ташланди.

Адабиётлар рўйхати

1. Пакунова Т.А. Партия левых социалистов – революционеров (интернационалистов): идеология, организация, тактика (ноябрь 1917 – 1923 гг.). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Москва: 1998.
2. Маликов М.Г. Крах партии левых эсеров Туркестана. Автореферат дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 1967. – С.26.
3. Циммервальдская и Кинтальская конференции. Официальный документ. – Ленинград, 1924.
4. Маликов М.Г. Крах партии левых эсеров Туркестана. Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Т., 1967. – С.26.
5. Саушкин Н.М. Критика В.И. Лениным программы и тактики партии эсеров. – Москва: Политической литературы, 1971. – С.48.
6. Никишов П.П. Из истории краха левых эсеров в Туркестане. – Фрунзе: Кыргызстан, 1965.

**NISHON TUMANIDA FAOLIYAT OLIB BORGAN VA “PAXTA ISHI” QATAG‘ONI
DOIRASIDA NOHAQ JABR CHEKKAN YURTDOSHLARIMIZ TAQDIRI**

Suyarov N.

QarDU “O‘zbekiston tarixi” tayanch doktoranti

Nishon tumani- Qashqadaryo viloyatidagi tuman. 1975-yil 6-martda tashkil etilgan. Maydoni 2,1 ming km². Aholisi 155 ming kishi.

Nishon tumani xo‘jaliklari paxtachilik, g‘allachilik, sabzavotchilik, polizchilik, chorvachilikka ixtisoslashgan. 47196 gektar, yer maydoni sug‘oriladi, shu jumladan, 24553 ga paxta, 18640 ga g‘alla, 596,6 ga sabzavot va poliz, 1637 ga yem-xashak ekinlari bilan band.

XX asrning 80-yillarda tumanning katta qismiga, boshqa hududlarda bo‘lganidek paxta ekilar edi. Va shuningdek, bu yerning aholisini “paxta ishi” kabi qatag‘on qilichi chetlab o‘tmadi – bu ish tufayli 100 lab gunohsiz, sobiq sho‘rolar davrida mehnatkashligi hamda harakatlari tufayli el-yurt orasida hurmatga sazovor insonlardan tortib, endigina o‘z faoliyatini boshlagan yosh kadrlargacha, oqsoqollardan tortib, mehnatkash xotin-qizlarga jabr chekkanligi rost.

1980-yillarning gdlyan boshchiligidagi qatag‘on qilichi Nishondagi bir nechta fidoiy insonlarni ham chetlab o‘tmadi - sobiq sho‘rolar davlatining jon talvasidagi tubanliklari doirasida "paxta" deb nomlangan o‘zbek xalqining - gohida rizqi, gohi fojiasiga aylangan qadriyatidagi adolatsizligi tufayli jazoga tortildilar.

Ana shunday ishlardan biri Xudoyberdiyev Parda va boshqalar deb nomlanadi. Ushbu ish 1984-yilning 8-fevral sanasida Nishon paxta tozalash zavodining sobiq rahbarlariga qo‘zg‘atilgan ishdan ajratib olingan. Ayblov fikriga ko‘ra, 1981-yilning avgust oyidan toki 1982-yilning avgust oyiga qadar Nishon paxta tozalash zavodiga rahbarlik qilgan P.Xudoyberdiyev soxta obro‘ga ega bo‘lish maqsadida ximat mansabini suistemol qilib, Nishon tumanining sobiq partiya qo‘mitasning birinchi kotibi J.Xushnazarovning noqonuniy topshirig‘i asosida ba‘zi xo‘jalik rahbarlari bilan til biriktrib, paxta qo‘shib yozish va hujjatlarni soxtalashtirish, bu orqali davlatga katta zarar yetkazganlikda ayblangan.

Ushbu ish doirasida: Qarshi Qurilish boshqarmasiga qarashli UMS da mexanik bo‘lib ishlagan Xudoyberdiyev Parda, rayon “Uzselxoztexnikasi”da injener bo‘lib ishlagan Xolyorov To‘la Rajabovich, 11-sonli “SSSR 50 yilligi” sovxozida direktor muovini bo‘lib ishlagan Sharopov Ochil, “Gulbog‘” sovxozida agronom bo‘lib ishlagan Umarov Normurod Nuraliyevich, Qarshistory” XRU-Ida ekspeditor bo‘lib ishlagan Qodirov Burxonjon, “Gulbog‘” sovxozida agronom bo‘lib ishlagan Xalilov Tura Joniyevichlar bor edi.

Gdlyanchilar yuqoridagi nomi zikr etilgan kishilarning barchasi hujjatlar rasmiylashtirib, paxta rejasiga qo‘shib yozib, pora olish, kamomadlarni qoplash maqsadida iste‘mol tashkilotlarni mansabdor shaxslari bilan soxta operatsiyalarni amalga oshirish va ularga pora berish hamda juda ko‘p miqdordagi davlatning pul mablag‘larini talon-taroj qilinishda ishtirokchilik qilganlida ayblangan.

Qashqadaryo viloyat sudining 1985-yilning 18-noyabrdagi hukmi bilan P.Xudoyberdiyev 12 yil, T.Xolyorov 12, O.Qarshiyev 8 yil, O.Sharopov 12 yil, N.Umarov 11 yil, B.Qodirov 8 yil hamda T.Xalilov 8 yil ozodlikdan mahrum qilinadi. Ularga turli yillarda mansabdorlik lavozimlarida ishlash ta‘qiqlanib qo‘yiladi. Mol-mulki musodara etilib, davlat ixtiyoriga topshiriladi.

1986-yilning 24-mart kuni O‘zbekiston Oliy sudida bo‘lib o‘tgan kassatsiya sudida ish doirasida ba‘zi sudlanuvchilarning ishidan ba‘zi tuxmatli moddalar olib tashlanib ozodlikdan mahrum qilish jazolarining muddatlari kamaytiriladi. Xususan, P.Xudoyberdiyevning ozodlikdan mahrum qilish jazosi 8 yil, O.Sharopov va N.Umarovning jazolari 7 yilga, T.Xalilovning jazosi 8 yil hamda O.Najimovning ozodlikdan mahrum qilish jazosi 5 yilgacha qisqartiriladi.

1991-yilning 24-may kunida O‘zbekiston Oliy sudida ish doirasida sudlangan O.Qarshiyev, B.Qodirovlarning harakatlarida jinoyat alomat bo‘lmaganligi sababli ish ularning ishi harakatdan chiqariladi.

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

Mars Sharopov va boshqalar bo‘yicha jinoyat ishi bo‘yicha ham ko‘plab begunoh kishilar qo‘shib yozish, suistemolliklarga umuman aloqasi bo‘lmasa-da qatag‘onlikdan jabr ko‘rishga mahkum etildi.

Sharopov Mars Muminovich – 1938-yilda Qarshi tumanida tug‘ilgan. Eski Talimarjon (hozirda Nishon tumani tarkibida) tumanidagi 2-sonli “Kommunist” nomli savxozida direktor bo‘lib ishlagan. Qarshi tuman sobiq “Leninizm” savxozining Dasht qishlog‘ida yashagan.

O‘zbekiston Respublikasi Prokuraturasining 1983-yilning 5-noyabr sanasida tuzilgan aybnomada M.Sharopov eski Talimarjon tumanidagi 2-sonli “Kommunist” nomli savxozda direktori vazifasida ishlab kelib, savxozning bosh buxgalteri B.Xidirov va boshqalar bilan til birikti-rib, ko‘p miqdordagi davlatning pulini talon-taroj qilib, pora olish jinoyatlarini sodir qilganlikda ayblashgan. Mars Sharopov bilan birgalikda ushbu ish doirasida savxozida bosh buxgalteri Xidirov Begimqul, savxoz kassiri Tuliyeu Amirqul, 1-sonli “VLKSM18 s‘ezdi” nomli savxozida direktor o‘rinbosari bo‘lib ishlagan Dustov Mamat, savxozida ekonomist Artiqov Maxmud Qosimovich, “Tselxoximiya”da bosh agronom bo‘lib ishlagan Turakulov Raxmon, “Gulbog” savxozida buxgalter bo‘lib ishlagan Alimov Shaymardon, 2-sonli “Kommunist” nomli savxozida bosh gidrotexnik bo‘lib ishlagan Sherabadov Ruzimurod Maxmanazarovich, Qamashi tuman eski “Lenin” nomli savxozida kolxozchi bo‘lib ishlagan Mirzayev Jovli, “tselxoximiya”da agronom bo‘lib ishlagan, qishloq xo‘jaligi fanlari nomzodi Ruziyev Bobomurod, “Kommunist” savxozida buxgalter Nurboyev Abdixakim Bozorovich, “Ibn Sino” nomli savxozida ekspiditor Soxibov Tura Jabborovich, “Kommunist” savxozida kassiri Iskandarov Nazar, Qashqadaryo sobiq “transekspeditsiya” birlashmasida PTO injener bo‘lib ishlagan Baxriddinov Baxodir, Qarshi tuman eski Leninizm savxozining tabelchisi Islamov Raxmatullo Abdiraximovich, “Kommunist” savxozida statist bo‘lib ishlagan Abdunazarov Avazberdi Bobonazarovich, Kommunist” savxozida ishchisi Normatov Xolmamat, “Kommunist” savxozida brigadr bo‘lib ishlagan Xaydarov Meyliboy, “Kommunist” savxozida ishchisi Ibragimov Abdimajid, Sherobod tumanidagi 18-sonli “Oktyabr 60 yilligi” savxozida brigadri Aliyarov Safar, “Kommunist” savxozida brigadr bo‘lib ishlagan Aliyarov Abdijabbor, “Kommunist” savxozida ishchi bo‘lib ishlagan Sharopov Najimqul Yakubovich, Qarshi tumanidagi sobiq “Leninizm” savxozida brigada boshlig‘i Shukurov Xoliqnazar, Tallimarjon tuman 3-sonli “Samarqand” savxozida buxgalter bo‘lib ishlagan Asalov Baxtiyor, “Kommunist” savxozida ishchi Jalilov Yuldash, Shahrisabz tumani joylashgan qishloq xo‘jalik texnikumi buxgalteri Jovliyev Salom, Surxondaryo viloyat eski Gagarin tumanidagi “Komsomolobod” savxozida Kimyo bo‘limining boshlig‘i Alimov Dusmat Choriyevich, “Kommunist” savxozida dispetcher Xujayev Toji Norxonovich, Kommunist” savxozida buxgalteri Shodiyev Sherali, “Kommunist” savxozida mexanigi Xoliqov Tura Xudoyberdiyevich, “Kommunist” savxozida hisob-kitob buxgalteri Mengliyev Raxmon Rajabovich, “Leninizm” savxozida bo‘lim gidrotexnigi bo‘lib ishlagan Umurov Egamberdi, Samarqand viloyat “Bolshevik” tumanidagi suv xo‘jaligi idorasida buxgalter Mamatov Sherqul, sobiq “Oblkolxozstroy” MPSMK-II da ishchi bo‘lib ishlagan Qurbonov Imomnazar, №8 “Ibn Sino” savxozida ishchisi Jumayeva Saida, 21-sonli “Toshkent” savxozida bosh gidromelaratator Fayziyev Xayrullo Murallayevich, “Gulbog” savxozida brigada boshlig‘i bo‘lib ishlagan Xoliqov Nurmon Gulomovich, “Kommunist” savxozida temirchi usta bo‘lib ishlagan Nurmanov Qurbon kabi kishilar bore di.

Mars Sharopov ishi shunga o‘xshash ishlardan asosiy farqli tomonida shunda ediki:

a) Juda ko‘p xalq xo‘jaligi hodimlari – jami 41 kishi tergov jarayonlariga tortiladi;
b) Xalq xo‘jaligining turli soha vakillari: suvchi, ichshi, troktorch, temirchi usta kabilardan tortib, menaniklargacha, brigada boshliqlaridan torib, xo‘jalik raisigacha xibsga olibdi yoki sudlandi;

c) Ma‘lumki, Qarshi cho‘lini o‘zlashtirish va bu yerda tashkil etilgan yangi xo‘jalikning turli sohalari, ayniqsa, mashaqqatli bo‘lgan paxtachilik xo‘jaliklarga mehnat qilish uchun kelgan mehnatkashlar ham bor edi. Xususan, asli Andijon viloyatilik, Nishon tuman eski “Gulbog” savxozida brigada boshlig‘i bo‘lib ishlagan Xoliqov Nurmon Gulomovich, samarqandlik, suv

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

xo‘jaligi idorasida buxgalter Mamatov Sherqul, surxondaryolik Kimyo bo‘limining boshlig‘i Alimov Dusmat Choriyevich va brigada boshlig‘i Aliyarov Safar kabi mehnatkashlar ham bor edi.

d) Yomoni, garchi mustaqilgimiz sharofati bilan “paxta ishi” doirasidagi ko‘plab insonlarning jinoyat qilmaganligi uchun oqlansada, ushbu ish doirasidagi insonlarning ko‘pchiligi vaziyat taqozosi bilan aybdor bo‘lganligi, butun sho‘rolar davlatida vujudga kelgan iqtisodiy buhron natijasida bo‘lganligini, albatta, bunday ishlarning tashkilotchiligi o‘zlaridan bo‘lmaganligi ko‘rinsa-da, ushbu ayrim sudlanuvchilarning bo‘ynidan “sudlangan” va “jinoyatchi” rutbasi olib tashlanmagan;

Mars Sharopov ishi dorasidagi birinchi instansiya sudi 1984-yilning noyabr oyida bo‘lib o‘tadi. Unda sudlanuvchilarning aksariyat qismi turli muddatlarga ozodlikdan mahrum qilinadi: xususan, M.Sharopov 15 yilga, Xidirov Begimqul 13 yil, A.Tuliyev 12 yil, M.Do‘stov 15 yil, M.Artaqov 5 yil, R.Turaqulov 4 yil, R.Sherobodov 4 yil, J.Mirzayev 3 yil, B.Ro‘ziev va h.k. Barchasining mol-mulki musodara qilinadi, turli yillarda mansabdorlik lavozimlarda turli muddatlarda ishlash taqiqlanib qo‘yiladi.

Biz yuqorida mamlakatimiz tarixida eng qora kunlardan bo‘lgan sobiq sho‘rolarning jon talvasiga tushgan va shu boisdan ichi bo‘sh iqtisodiy siyosatini qutqarib qolish maqsadida to‘qib chiqargan va butun O‘zbekiston xalqi, shu jumladan boshqa millat vakillariga qilgan xunrezliklaridan ba‘zilarigagina to‘xtab o‘tdik. Aslida, ikkinchi jahon urishi yillarida isbotlangan – rad etib bo‘lmas haqiqat o‘zbek xalqining milliy totuvligi, bag‘rikengligiga Gdlyan va Ivanov boshchiligidagi manfur ijrochilar hiyonat qilishdi. 1930-yillardagi qatag‘onlardanda ortiq ma’naviy zarba berishdi – butun boshli O‘zbek millati va O‘zbekiston xalqiga nisbatan sobiq mustamlaka, balki butun dunyoda notog‘ri tushuncha paydo bo‘lishiga zamin yaratishdi. Insoniyat anglab yetgan buyuq qadriyat – insonning ulug‘ qadriyat ekanligi, uning nomi, sha’ni, nomusi dunyo yaralgandan buyon har ne‘matdan narsadan ustun ekanligini inkor etmoqchi bo‘lishdi.

Ammo, zabardast, ulug‘ tarix sohibi bo‘lgan O‘zbek millati va xalqi qurbonliklar va xo‘rlklar evaziga ushbu tarixiy sinovdan ham o‘tib oldi. Ulug‘ ne‘mat – mustaqillik tufayli ushbu ishlarga xolis baho berildi. Nohaq ayblanganlar nomlari oqlandi, bu bilan insoniy sha’ni va qadr-qimmatini tiklandi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Qashqadaryo viloyati Sudi, Jinoyat ishlari bo‘yicha sudlov hayati arxivi manbalari.
2. Surxondaryo viloyati Sudi, Jinoyat ishlari bo‘yicha sudlov hayati arxivi manbalari.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi arxivi Qashqadaryo filialining manbalari.
4. Payon Ravshanov: “Qashqadaryo: istiqlool arafasida. 1986-1989 yillar”. 260 b.
5. Viktor Ilyuxin., “Qabohat yohud..(“O‘zbeklar ishi” degan uydirma xususida)” kitobi.
6. R.Shamsutdinov va boshqalar., “Vatan tarixi” . - 360 b.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ ИЖРОЧИ ОРҒАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА (“ИНҚИЛОБИЙ” ТРИБУНАЛЛАР МИСОЛИДА)

Одилов Н.О.

Қар МУ тадқиқотчиси

Маълумки, большевикларнинг ўлкамизда олиб борган ғайримиллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва бошқарувнинг мустамлакачилик тузилмасини ўзгартириб, империя-мустабидчилик тузилмасига айлантиришнинг муҳим йўналиши совет тузумининг сиёсий тизимини шакллантиришдан иборат бўлган. Шу сабабли, “пролетариат диктатураси” давлатини ташкил этиш мафкурасига мувофиқ, ҳокимият органлари марказининг сиёсий манфаатларини зўравонлик билан таъминлашга қодир бўлган қатағончилик тузилмаларини яратишга асосий эътиборни қаратишган. Айнан шу мақсадда қисқа муддат ичида умумроссия схемаси асосида “инқилобий” судлар, прокуратура, ВЧК (Бутунроссия фавкулодда комиссияси) органлари, “инқилобий” трибуналлар, “халқ милицияси” ташкил этилган. Мазкур тузилмалар, “инқилоб душманлари” учун том маънода шавқатсиз “темир супурги”га

айланган. Шундай қатағон сиёсатининг ижрочи органларидан бири “инқилобий” трибуналлар бўлиб ушбу идора совет ҳукуматининг йўлдоши сифатида 1917 йилдаёқ вужудга келган эди. “Инқилобий” трибуналлар дастлаб ташкил топган даврда анча либерал бўлган. Кейинроқ 1918 йил ўрталаридан “инқилобий” трибунал ҳақиқий маънода совет тузумининг қатағон сиёсатининг ижрочи органига айланган.

“Инқилобий” трибуналлар раҳбарияти, тузилиши” ҳақидаги йўриқномани П.И.Стучкой имзолаган, унда шундай уқтирилади. “Ҳимоя ёки айбловни олиб бораётган “инқилобий” трибуналнинг барча вакиллари совет ҳукуматининг ишончли кишиларидир”. Судлар, ВЧК “инқилобий” трибуналлари иш фаолияти давомида турлича кўрсатмалар асосида иш юритганлар, бироқ фуқаролар уруши даврида ҳар доим ҳам ушбу кўрсатмаларга амал қилинавермаган. Айтиш лозимки, марказий шаҳарларда ёки чекка ўлкаларда террор турли даражада амалга оширилган, аммо қамоққа олинган шахсларга ҳамма жойда ҳам жуда шафқатсиз муносабатда бўлинган.

Собиқ иттифок бўйича 1918 йил 6 ноябрда 32 та “инқилобий” трибуналлар фаолияти таҳлил қилинганда, улар 12223 та ишни кўриб чиққани маълум бўлган. Шулар ичидан 35 фоизи аксилинқилобий, 32 фоизи чайқовчиликка оид, 19 фоизи порахўрлик, ҳужжатларни қалбакилаштирганликда айбланган, 7 фоизи жанжаллашиш, 6 фоизи ишдан бўйин товлаш (саботаж), 1 фоизи айғоқчиликда айбловга оид ишларни кўриб чиққани маълум бўлган.

Собиқ Иттифокда фуқаролар уруши йилларида “инқилобий” трибуналлар фаолияти ва таркиби ўзгариб турган. 1919 йил баҳоридан уни сиёсий ходимлар бошқарган, бир йилдан сўнг “инқилобий” трибуналларга аксилинқилобий фаолиятларни, катта миқдордаги чайқовчилик билан шуғулланган кишилар фаолиятига оид ишларни, хизмат вазифасида туриб жиноят қилганлар, ҳарбий хизматни ташлаб қочганларни ишини кўриб чиқиб суд қилиш вазифаси юклатилган. 1919 йил собиқ иттифокда 13 та “инқилобий” трибуналда 2321 кишини иши кўриб чиқилган, улардан 17 фоизи отувга ҳукм этилган. 1920 йил “инқилобий” трибуналлар 23447 ишни кўриб, шундан йилнинг биринчи ярмида 11 фоизни, иккинчи ярмида эса 7 фоизи отувга ҳукм қилинган. Бу рақамлар шартли олинган, уларнинг тўлиқ олишни иложи йўқ. “Инқилобий” трибуналлар фавқулодда судлов органи бўлиб, унинг чиқарган ҳукмлари юзасидан шикоятларни фақат БМИКдаги махсус бўлимлардагина кўрилган. Шикоят (кассация) трибунали таркибига: ЮХК коллегияси аъзоси П.А. Красиков-раис; республикалар “инқилобий” трибунали раиси К.Х.Данишевский; ВЧК раиси ўринбосари И.К.Ксенофонлар аъзо қилиб киритилган. Шикоят аризаларини қондириш жуда кам бўлган. 1919 йил шикоят трибунали 39 отувга ҳукм этилганлар шикоят аризасини кўриб 36 ҳукмни маъқуллаган. 1920 йил 704 ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ишини кўриб чиқиб 556 тасини маъқуллаган.

1918-1920 йилларда ҳудудий ва ҳарбий трибуналлар сони вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзгариб турган. Шуни таъкидлаш жоизки турли вақтларда уезд, губерния, турли идоравий трибуналлар мавжуд бўлиб уларнинг сони бир неча юзлаб бўлган. 1919 йил кўчма “инқилобий” трибуналлар ҳам ташкил этилган бўлиб, улар ҳарбий қочоқларни бориб ўз ўрнида сўроқ қилиб, ҳукм чиқарган. 1919 йилнинг етти ойи давомида 95 минг қочоқ иши муҳокама этилиб, улардан 600 киши отилган.

Ҳеч бир трибунал йўқ эдики у отув жазосини қўлламаган бўлса. Олий жазога ушбу ташкилотлар тамонидан ҳукм этилганлар тахминан ойига минглаб кишини ташкил этган.

Большевиклар ўз ҳокимиятини ушлаб қолиш учун террорни муҳим деб билган. Бунга халқни ишонтириш жуда муҳим эди. Бунда тарғибот ва ташвиқот ишларидан кенг фойдаланилган. Террор уларга таъсир қилмаслиги, фақат “бой аксилинқилобчиларга” қарши қаратилган деб уқтирилди. Синфий тус бериш, айниқса деҳқонларни бунга жалб қилиш усулидан кенг фойдаланилган. Шунингдек, большевик доҳийларига уюштирилган суиқасдларни баҳона қилиниб террорлар янада кучайтирилган. Ҳукуматнинг шафқатсизлиги оддий халқ орасида уларни отишдими, демак ҳеч кимни аяшмайди деган фикрни майдонга келтириб қўйган. Кўрқитув, аҳолини даҳшатга солиш, итоатда ушлаб туришда террор большевикларга қўл келган.

1918 йил 14 сентябрда Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг №38 сонли буйруғига мувофиқ Тошкент шаҳрида “Инқилобий” трибунал ташкил этилган. Буйруққа муофиқ “Инқилобий” трибунал Туркистон республикаси ҳудудида “аксилинқи-лобий” ҳаракатлар, порахўрлик, совет ҳукумати декретларини бажармасликка уринувчилар, қонунбузарлик ва айғоқчиликка қарши кураш олиб бориши белгилаб қўйилган. “Инқилобий” трибунал - трибунал райси, иккита ходим, учта доимий суд аъзоси ва иккита котиб, шунинг-дек трибунал кенгашига “инқилобий” трибунални ташкиллаш кўрсатмасига муофиқ олтига маслаҳатчи киритилган. “Инқилобий” трибуналга чекланмаган жазо чоралари ҳатто ўлим жазосини қўллаш ҳуқуқи ҳам берилди. “Инқилобий” трибунал қошида маҳаллий ҳукумат идораларидан уч кишидан иборат жамоатчи айблов гуруҳи бўлиши ҳам белгилаб қўйилган. “Инқилобий” трибунал йиғилишлари фавқулодда тергов комиссияси берган маълумотлар асосида ўтказилган. Олий “инқилобий” трибунал сессиялар жиноий иш содир этилган жойда ҳам ўтказилиши мумкин бўлган. “Инқилобий” трибуналнинг жойларда ҳам нафақавий ташкилотлари фаолият юритган.

Олий “инқилобий” трибунал аъзолари қилиб қуйидаги шахсларни Марказий Ижроия комитет тасдиқлаганди. Адвокатлар саюзидан жамоатчи айбловчилар қилиб Абрамов, Арутюнян, Лозинский, Фиркович ва Цвейгманлар тайинланган. Жамоатчи айбловчилар сифа-тида яна Марказий Ижроия Комитетдан 1918 йил 28 октябрда Солкин, Александров, Набатников, Печатниковлар, Халқ депутатлар советидан Полтеф ва Дубровинлар сайланган. 1918 йил 18 ноябрда эса жамоатчи айбловчилар этиб Печатников, Богоявленский, Турсунхў-жаев, Федермессер, Канпенуслар, халқ депутатлар советидан Трифонов, Куйдин ва Понкра-товлар тайинланган. Бундан кўриниб турибдики Туркистон олий “инқилобий” трибунал аъзолари орасида ерли халқ вакилларида фақат биргина Турсунхўжаев бўлган холос. Қолган аъзоларнинг барчаси европалик шахслар эди.

1918 йил Олий “Инқилобий” трибуналнинг ўтказган суд йиғилишларида суд маслаҳат-чилари бўлиб 1-йиғилишда Брикаев, Лезов, Смал, Булахов, Ёрмуҳаммедов, Абдурашидов ва Маллабоевлар, 2-йиғилишда Брикаев, Лезов, Смал, Колесниокв, Гаваз, Исломов, Аверкиев ва Церпицкийлар, 3-йиғилишда Креслик, Ушаков, Басов, Воленский, Позднеков Ушаков ва Кокотовичлар, 4-йиғилишда Басов, Креслин, Позняков, Володрский, Ясенкевич, Ушаков ва Какотовичлар, 5-йиғилишда Стукалов, Червяков, Рабаданов, Баннов, Селяктов ва Пашер-скилар қатнашган.

Тошкент “Инқилобий” трибунали Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1919 йил 5 майдаги №130 декретига асосан Олий “инқилобий” трибунал деб қайта шаклланди. Унинг низоми ишлаб чиқилган. Низомга муофиқ Республика ҳудудидаги трибуналлар фаолиятини ва улар чиқарган суд ҳукмларининг қонунийлигини назорат қилиш Туркистон Республикаси Олий “инқилобий” трибуналига юклатилган. Шунингдек Олий “инқилобий” трибунал Туркистон республикасининг барча ҳудудларида ўз тармоқларига эга бўлган. Олий “Инқилобий” трибуналнинг ҳукмлари РСФСР ҳукумати номидан чиқарилиши низомда қайт этилган. Низомга муофиқ олий “инқилобий” трибунал фаолиятини муофиқ-лаштириш, айбланувчилар айбини ҳар томонлама ўрганиб ҳукм чиқариш мақсадида Три-бунал қошида Республика ҳудудидаги барча суд органларидан вакиллари жалб қилиб алоҳида гуруҳ ташкил этишган. Олий “Инқилобий” трибунал рухсати билан трибунал йиғи-лишларига айбланувчилар ва уларнинг химоячиларини, Республика барча суд органлари коллегияси аъзоларини киритиш мумкинлиги уқтирилган.

Бироқ бу қоидаларга доим ҳам амал қилинавермаган. Олий “инқилобий” трибунал йиғилишлари доим ёпиқ холда олиб борилган. Олий “инқилобий” трибунал райс ва иккита ўринбосар, олтигадан кам бўлмаган аъзолар ҳамда иккита котибдан иборат таркибда Туркистон МИК томонидан тақдим этилган шахслардан иборат таркибда фаолият юритади деб низомда уқтирилган. Низомга кўра олий “инқилобий” трибунал қошида абланувчилар ҳуқуқини химоя қилувчи гуруҳ Туркистон МИК тавсиясига кўра райс ва иккитадан кам бўлмаган аъзолардан иборат бўлган. Низомда таъкидланишича, олий “инқилобий” трибунал судида кўриб чиқиладиган ишлар қуйидагича қилиб белгиланган;

а) Барча сиёсий ва ҳукумат лавозимидаги жиноятчиликларни жумладан Туркистон МИК аъзолари, Халқ комиссариати ходимлари, Республика ҳарбий-“инқилобий” комитет аъзолари, Халқ суди аъзолари, Трибунал ва унинг жиноят кидирув комиссияси аъзолари ва Обисполком ходимлари содир этган жиноятларни кўриб чиқади;

б) барча юқоридаги ҳолатдаги ишлар олий “инқилобий” трибуналга кўриб чиқиш учун халқ судлари, вилоят “инқилобий” трибуналлари ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан Туркистон МИК, Халқ Комиссариатлари ҳамда Адлия Комиссариати қарори асосида тақдим этилади;

в) Вилоят “инқилобий” трибунали ва унинг жойлардаги бўлимлари чиқарган ҳукмдан норозилик шикоят аризаларини кўриб чиқади;

г) “Инқилобий” трибуналларга тегишли алоҳида шикоятларни ҳам кўриб чиқади;

д) Олий “инқилобий” трибунал аъзолари ҳақ-ҳуқуқларига тегишли барча масалаларни кўриб чиқади:

1) Туркистон ФКсининг тергов материалларини кўриб чиқиш ва бекор қилади.

2) Қамоқ жойларига бориш, қамоққа олиш ҳолатларини қонунийлигини текшириш, ноқонуний ҳибсга олинганларни озод қилиш, икки ҳафта ичида жинояти исботланмаган шахсларни қамокдан озод қилиш ҳуқуқлари берилган эди.

Олий “инқилобий” трибунал иш юритиш қоидалари Туркистон МИК 1918 йил 13 декабрда “Инқилобий” трибуналлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низоми ва унга киритилган қуйидаги ўзгаришлар асосида ташкил этилган.

Олий “инқилобий” трибуналга тақдим этилган иш амалдаги қоидалар асосида атроф-лича ўрганиб чиқилгач “Инқилобий” трибунал суд йиғилишига олиб чиқилади ва кўриб чиқилиб ҳукм чиқарилган.

Олий “инқилобий” трибунал суд йиғилишида камида 5 аъзо қатнашиши ва улардан бири раислик қилиши, котиби бўлиши лозим бўлган. Олий “инқилобий” трибунал суд йиғилиши очик бўлиши ёки олий “инқилобий” трибунал қарорига муофиқ ёпиқ бўлиши мумкинлиги уқтирилган. Олий “инқилобий” трибунал бошқарув кенгаши йиғилиши камида 3 аъзо йиғилганда ва улардан бири раис бўлганда бўлиб ўтган. Олий “инқилобий” трибунал бошқарув кенгаши йиғилиши доим ёпиқ ҳолда бўлиб ўтган. Олий “инқилобий” трибунал суд йиғилиши жиноий кидирув ишлар охирига етгандан сўнг 48 соат ичида бўлиб ўтган лозим. Фавқулодда ҳоллардагина кечроққа қолдирилган.

Олий “инқилобий” трибунал қарор ва ҳукмлар қаътий бўлиб ҳеч ким уни муҳокама қилиш ва шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Олий “инқилобий” трибунал қарор ва ҳукмларининг ижроси Туркистон МИК нашри “Известия” газетасида нашр қилиб борилган.

Олий “инқилобий” трибунал 1922 йил 11 ноябрига қадар фаолият кўрсатиб келган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “инқилобий” трибуналлар катта ер эгалари ва бой деҳқонларни қулоқлаштириш (депортация)ни амалга оширган, «халқ душманлари» деган тамғаларни ёпиштирган. Шунингдек, диссидентлар ва саботажчиларни йўқ қилиш вазифаларидан ташқари, диний ташкилотларни ҳам шафқатсиз жазолаган.

Адабиётлар рўйхати

1. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. (Д.Алимова таҳрири остида) Т.: Шарқ 2001, -Б.57

2. Городецкий Е.Н. Рождение советского государства 1917-1918. М., 1987, -С.204

3. Литвин А. Красный и белый террор в России 1918-1922гг. (Совершенно секретно) М.: Яуза, ЭКСМО 2004.-С.57

4. Титов.Ю.П. Развитие системы советских революционных трибуналов. М., 1987.-С.27-28,34,47,51

5. Портонов В.П., Славин М.М. Становление правосудия Советской России (1917-1922гг.) М., 1990. -С.119-120

6. Ўз Р МДА 344-ф., 1-рўйхат, 17-иш, 6.8-варак.

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОНГА РЕЭВАКУАЦИЯ
СИЁСАТИ ТАРИХИДАН**

Тўрахўжаев С.С.

Андижон давлат университети таянч докторанти

Маълумки, чор Россияси зулмига қарши 1916 йилдаги қўзғолон энгилиши натижасида Туркистонда яшовчи қирғиз аҳолисининг маълум бир қисми Хитойга кўчиб кетган эди. Чунки қўзғолончиларнинг аксарияти чор Россияси зулмидан озод бўлишни ҳоҳлаб кураш олиб борган, аммо қўзғолон мустамлакачи ҳукумат қўшини томонидан бостирилган. Шунинг учун улар ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлишган. Бироқ, 1917 йил Феврал инқилобидан кейин вазият бироз ўзгарган эди. Муваққат ҳукумат ва 1917 йил Октябр давлат тўнта-рилишидан кейин ҳокимиятга келган большевиклар раҳбарияти Туркистондан Хитойга қочиб кетган аҳоли вакиллари, айнан қирғиз ва қozoқ қочқинларини тизимли равишда ўз юртига қайтариш, яъни реэвакуация қилиш жараёнларини амалга оширган.

Туркистондан Хитойнинг Шинжон вилоятига кўчиб кетганларининг умимий сони 150 минг нафарни ташкил қилган[1, Б.60]. Ушбу аҳоли вакиллари Шинжон вилояти маъмурияти ва маҳаллий аҳолиси томонидан яхши кутиб олинмаган. Аксинча, улар қочоқ тариқасида келган қирғиз халқига душманларга хос муносабатда бўлиб, улардан текин ишчи кучи сифатида фойдаланишган. Хитойга кетган қирғиз қочоқларининг аксарияти ўз ихтиёридаги барча мол-мулкларини, яъни кийим-кечак, идиш-товoқ, чорва моллари ва бошқаларини сотиб, қўлларида маблағ билан кетгани учун қийинчиликка учрамаган, лекин камбағал қисми эса очлик азобидан азият чеккан ва айримлари ўзга юртда вафот этишган. 1917 йил май ойидаги маълумотида кўра, Хитойга кўчиб кетган қочқинларнинг 70-80 минг нафари вафот этганлиги қайд этилган[2, Б.103].

Мамлакатдаги фуқаролар урушидан сўнг большевиклар ҳукумати Туркистондаги фуқароларнинг яшаш-шароитларини ўрганиб, қочоқлар реэвакуацияси билан шуғуллана бошлаган. Чунки В.И.Ленин ва И.В.Сталин бошчилигидаги большевиклар томонидан 1917 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Россия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси”да ҳамда 1917 йил 3 декабрда ишлаб чиқилган “Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмон-ларига” мурожаатида тенглик ва ўзаро ёрдам принциплари баён қилинган[5, Б.202]. РКП(б) Марказий Комитети топшириғига кўра, Турккомиссияга Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикасида давлат, хўжалик ва партия қурилишини амалга оширувчи олий партия назорати ва раҳбарлиги вазифаси юклатилган[6, Б.41]. Шунинг таъкидлаш керакки, РСФСР халқ комиссарликлари Турккомиссия орқали қирғиз қочқинларига ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини марказий муассасалар ва партия органларининг умумий раҳбарлиги асосида амалга оширган. Маҳаллий муассасалар эса Москва кўрсатмалари асосида чора-тадбирлар ишлаб чиққан. Бу эса совет ҳокимиятининг Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси ўртасида ўзининг сиёсий ва мафкуравий таъсирини ўтказишига сабаб бўлган.

Совет ҳукумати Туркистондаги қирғиз қочоқлари муаммосини тубдан ҳал қилиш мақсадида, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1920 йил 3 февралда “Семипалатинск вилоятига қочоқларни жойлаштириш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги декрети қабул қилинган. Ушбу декретга асосан, махсус комиссия таркибига Туркистон АССР партия ва совет раҳбарларидан ташқари Турккомиссия вакиллари ҳам кирган. Бу комиссияга қуйидаги вазифалар юклатилган эди: қочоқларни ўз ватанига бепул қайтариш бўйича ташқи алоқалар бўлими орқали Хитой ҳукумати билан музокаралар олиб бориш; реэвакуация ишларидаги муаммоларни бартараф этиш учун ҳатто қочоқларни қарз мажбуриятларини тўлаш; пул, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари, қурилиш материаллари шаклида моддий ёрдам кўрсатиш; қочоқларни аввалги яшаш жойларига ва маҳаллий ер бўлимлари томонидан ажратилган участкаларга жойлаштириш; илгари уларга тегишли бўлган ерлар, бинолар, чорва моллари ва жиҳозларни қайтариш; қочоқларга ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳар хил турдаги

устахоналар ва корхоналарни ташкил этиш бўйича маҳаллий хўжалик кенгашларига таклифлар киритиш; комиссия ўз ихтиёрида мавжуд бўлган маблағлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиш кабилар. Бундан ташқари, махсус комиссия қочоқлар ўртасида тушунтириш ишларини (суҳбатлар, митинглар, йиғилишлар ва бошқалар) ҳам олиб борган[11, Б.160].

РСФСР раҳбарияти қозоқ ва қирғизларни реэвакуацияси тадбирлари учун етарли маблағи йўқ бўлишига қарамай, Туркистон ҳукуматига ва махсус ташкил қилинган комиссияга ушбу жараёнга ўлканинг мавжуд бўлган молиявий ресурсларини ажратиш ва сарфлаш кераклиги тўғрисида топшириғини берган. Шунингдек, Туркистон ҳукуматига қочоқларни қайтаришда ўлкада яшаётган ўзига тўқ қозоқ ва қирғизлар маблағлари ҳисобидан камбағал қочоқларни йўлланмалари учун пул тўлаши кераклиги вазифаси ҳам юклатилган[14, Б.514]. Шу билан бир каторда, комиссия томонидан Шинжондан қайтган қочоқларга кийим-кечак, озиқ-овқат ва хўжалик ишларида керакли бўлган асбоб-ускуналарни таъминлаш борасида жуда катта моддий ёрдам кўрсатилган. Масалан, ўлка ҳукумати ташаббуси билан 1920 йилда реэвакуация қилинган қирғизларга 350 минг дона тўқимачилик кийим-кечак маҳсулотлари, 200 пуд дона хўжалик совуни, 100 пуд чой, 50 кути гугурт, шунингдек, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналаридан 13 минг дона кетмон, 15 минг дона ўроқ, 16 минг дона ер чўқарадиган асбоб ҳамда уруғлик материаллари етказиб берилган[15, Б.516].

Совет ҳукумати Ташқи ишлар халқ комиссарлиги Ғарбий Хитойдан қочоқларни реэвакуация қилиш бўйича махсус кўрсатмалар ишлаб чиққан ва ушбу кўрсатма Ташқи ишлар халқ комиссари Л.М.Михайловга юборилган. Кўрсатмада келтирилган топшириқларга қўра, реэвакуация учун ажратилган маблағлар етарлича бўлмаганидан совет Россияси ҳудудига, яъни ўзининг ватанига кела олмаётган қочоқларнинг эҳтиёжларига қуйидагича сарфланиши керак эди, масалан; а) уларнинг қарзларини тўлашга (иложи бўлса, тўлиқ миқдорини эмас); б) транспорт воситалари ижарасига (қочоқларнинг жойлашган жойидан Пржевальск, Жаркент ёки Бахта шаҳарларига, яъни улар жойлашиши керак бўлган ҳудудга қараб тўланиши лозим); в) озиқ-овқат билан таъминлашга (ҳақиқий эҳтиёждан келиб иққан ҳолда) [18, Б.201].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, 1916 йилги Туркистон қўзғолонида қатнашган қочоқларни СССРга қайтариш масаласи совет раҳбариятининг миллий сиёсатида муҳим ўрин тутган. Шу сабабли Марказнинг реэвакуация сиёсати ва Туркистон раҳбариятининг ана шу жараёнда амалга оширган чора-тадбирлари туфайли қозоқ ва қирғиз қочоқларининг асосий қисми аввалги яшаш жойларига қайта кўчирилган. Бу даврда Туркистон ҳукумати раҳбарлари ўлка очларини боқиш борасида кўплаб қийинчиликларни енгиш билан бирга, қозоқ ва қирғиз қочоқларини ўлкага реэвакуация борасида қилиниши керак бўлган ташкилий масалаларни, яъни қочоқларни аниқлаш, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, Шинжон вилояти ҳокимияти вакиллари билан ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш, шунингдек, қочоқларни Туркистон ҳудудига жойлаштириш бўйича ишларни имконияти даражасида бажара олган. Бироқ, 1921–1922 йилларда қирғизларнинг реэвакуация қилиш ишлари секинлашганлиги сабабли, қочоқларнинг қайтиши XX асрнинг 20–40 йилларида ҳам давом этган.

Адабиётлар рўйхати

1. Аблажей Н.Н. С востока на восток: Российская эмиграция в Китае. Новосибирск, 2007. С. 60.
2. Ўз МА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 103-варақ
3. Моисеев В.А. Российско-китайские отношения в Синьцзяне в 1917 году: вопрос о репатриации беженцев // Вестник Нижневартковского университета. Серия: «Исторические науки». 2008. № 3. С. 88–91.
4. Восстание 1916 года в Туркестане. Документальные свидетельства общей трагедии: сборник документов и материалов / под ред.Т. В. Котюковой. М., 2016. 458 с
5. Бедельбаев А. Б. Восстание 1916 года в Кыргызстане сквозь призму периодической печати // Вестник Кыргызско-Российского славянского университета. 2016. Т. 16, № 1. С. 201–205.

6. Акрамов А., Авлиякумов К. В.И. Ленин, Турккомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. Ташкент, 1991. С. 40–42
7. Лысенко Ю. А. Процесс возвращения беженцев — участников Туркестанского восстания 1916 г. из Китая органами советской власти в 20-е гг. XX в. // Народы и религии Евразии. 2020. № 4 (25). С. 112–122
8. Восстание 1916 года в Туркестане. Документальные свидетельства общей трагедии: сборник документов и материалов / под ред. Т. В. Котюковой. М., 2016. 458 с
9. Ўз МА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 105-варак
10. Джунушалиев Дж. Кыргызстан: преобразовательные процессы 20–30-х годов: Исторический анализ проблем созидания и трагедий: дис. док. ист. наук. Бишкек, 1993. С. 160
11. Ушаков А.Ю. Русский Ульстер: Семиреченская земельно-водная реформа 1921–1922 годов // Донские казаки в борьбе с большевиками: Альманах. Вып. 1. Ст. Еланская, 2009. С. 177
12. Моисеев В.А. Российско-китайские отношения в Синьцзяне в 1917 году: вопрос о репатриации беженцев // Вестник Нижневартского университета. Серия: «Исторические науки». 2008. № 3. С. 88–91.
13. Ўз МА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 1291-иш, 514-варак
14. Ушаков А.Ю. Русский Ульстер: Семиреченская земельно-водная реформа 1921–1922 годов // Донские казаки в борьбе с большевиками: Альманах. Вып. 1. Ст. Еланская, 2009. С. 177
15. Лысенко Ю. А. Процесс возвращения беженцев — участников Туркестанского восстания 1916 г. из Китая органами советской власти в 20-е гг. XX в. // Народы и религии Евразии. 2020. № 4 (25). С. 112–122
16. Какеев А. Ч. Восстание 1916 г.: к проблеме историографии и источниковедения // Вестник Кыргызско-Российского славянского университета. 2015. Т. 15, № 5. С. 200–206.

**XX АСРНИНГ 70-80 ЙИЛЛАРИДА O‘ZBEKISTONNING ILM-FAN SOHASIDAGI
XALQARO ALOQALARI. (ANIQ FANLAR MISOLIDA)**

Axmedov S.T.

Qarshi davlat universiteti tayanch doktoranti

O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Astronomiya institutining xalqaro aloqalari ayniqsa, keng tarmoqli bo‘lgan. Uning xodimlari: O‘zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi V.P. Seglov, fizika-matematika fanlari doktori, dotsent R.M.Slonim hamda fizika-matematika fanlari nomzodlari M.F.Bikov, A.A. Latipov, A.Kamenkovlar Xalqaro Astronomiya Kengashi (XAK) ning a‘zolari qilib saylangan. Shu yillar davomida Astronomiya instituti xorijiy davlatlardagi 300 ta astronomiya muassasalari bilan kitob almashuv tadbirlarini amalga oshirgan.

Shuningdek, fizik-kimyo kafedrasining mudiri prof.K.U.Usmonov “Tabiiy birikmalar negizida hosil bo‘lgan fiziologik jihatdan faol polimerlar sintezi” degan mavzuda ma’ruza qilgan. O‘zbekiston tabiatshunos olimlarining xalqaro maydondagi obrusi tobora mustahkamlandi va yuksalib borgan. Misr Arab Respublikasi bilan tuzilgan bitimga binoan bu mamlakatga har yili o‘zbek olimlari Oyi Shams universitetida ma’ruza o‘qish uchun yuborilgan. Masalan, 1972 yilda ana shunday ma’ruzalar o‘qish uchun Misrga nufuzli delegatsiya tashrif buyurgan. Delegatsiya a‘zolari orasida O‘zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi T.A.Sarimsoqov professor Sh.M.Shomuhamedovlar bo‘lgan. Mazkur yili xorijiy mamlakatlarda 7 nafar talaba, aspirant va Toshdu doktorantlari amaliyot o‘tashgan. Bu narsa ayniqsa, Vengriya, Eron, Afg‘oniston, Iroq, Suriya, Yaman va Hindiston kabi mamlakatlar bilan faol sur‘atda olib borilgan.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, aniq fanlar sohasidagi muhim o‘zgarishlardan biri, 1973-yilda Toshkentda tabiiy birikmalar kimyosi bo‘yicha o‘zbek-hind simpoziumi bo‘lib o‘tganligidir. Simpoziumda har ikki mamlakatdan ko‘plab yosh olimlar ishtirok etishgan. Simpozium unda qatnashgan yoshlar uchun hamda xalqaro ilmiy aloqalarni takomillashtirishda muhim maktab bo‘lib xizmat qilgan”.

Shuningdek, xalqaro konferensiyalar yo‘nalishidagi hamkorlik aloqalarida o‘zbek olimlari faol ishtirok etgan. Jumladan, O‘zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi professor S.X.

Sirojiddinov Kanadada o‘tkazilgan jahon universitetlarining xalqaro assotsiatsiyasi konferensiyasi ishida ishtirok etgan bo‘lsa, dotsent M.Mamatov esa Fransiyada o‘tkazilgan matematiklarning xalqaro kongresiga borib, ehtimollik nazariyasi va matematik statistika seksiyasi ishida qatnashgan.

Shuni ham qayd etish lozimki, qattiq jismlar fizikasi mutaxassisligi bo‘yicha o‘quv ishlarining ahvoli bilan tanishib kelish maqsadida ToshDU fizika fakultetining dekani, dotsent K.Muqimov 1973-yilda Vengriyaga safar qilib, Budapesht, Segeda, Debretsen universitetlarida bo‘lgan. Talabalarining o‘zaro bir-birlari bilan ilm-fan sohasida tajriba almashish maqsadida tashrif buyurishlari ham faollashgan. Tabiiyki, shunga muvofiq, biokimyo, tuproqshunoslik fakultetining talabalari Vengriyaga va Polsha davlatlariga tashrif buyurishgan. Chexoslovakiya va Demokratik Germaniyadan fizika fakulteti talabalari ToshDUga kelishgan.

O‘zbek olimlari ishtirok etgan eng muhim ilmiy tadbirlardan biri, 1974-yilda Hindistonda o‘tkazilgan fiziologiya fanlari bo‘yicha Xalqaro kongress tashkil etilishidir. Mazkur kongressda O‘zbekiston delegatlari va turistlaridan iborat katta bir guruh ishtirok etgan. O‘zbekiston Fanlar akademiyasining sobiq xorijlik a‘zosi P.CH.Maxalanabiye xotirasiga bag‘ishlangan statistika bo‘yicha chaqirilgan Xalqaro simpozium ham ana shunday ilmiy anjumanlardan biri bo‘lgan. Ushbu simpoziumdagi delegatsiyasiga O‘zbekiston Fanlar akademiyasi vitse-prezidenti S.X.Sirojiddinov boshchilik qilgan. 1973-yilda hind olimlaridan doktor Singx va Rastogi O‘zbekiston Fanlar akademiyasi O‘simlik moddalari kimyosi institutida amaliyot o‘tashgan.

1977-yilning oktabrida Toshkentda hisoblash texnikasi masalalari bo‘yicha xalqaro ilmiy komissiya ishchi guruhining kengashi bo‘lib o‘tgan. Shu o‘rinda, ushbu komissiya Sharqiy Yevropa davlatlarining Fanlar Akademiyalari o‘rtasidagi o‘zaro kelishuvga binoan tashkil etilgan. Kengashda o‘zbek olimlaridan tashqari Bolgariya, Vengriya, GDR, Polsha, Ruminiya, Chexoslovakiyadan kelgan tadqiqotchi olimlar ham ishtirok etishgan. Hisoblash texnikasidan samarali foydalanish metodlari, optimal programmalar yaratish masalalari muhokama qilingan.

1978-yili faqat O‘zbekistondan 820 dan ziyod ilmiy-pedagogik xodim xorijiy davlatlarda xizmatda bo‘lgan. Ular jahonning 48 mamlakatida, jumladan Jazoir, Afg‘oniston, Shri-Lanka va boshqa davlatlarda geologiya, boshqa sohalarida ma‘ruzalar o‘qishgan.

O‘zbekiston Fanlar akademiyasi institutlarida 110 ta kimyo fani bo‘yicha qo‘lga kiritilgan yutuqlar bir qator xalqaro anjumanlarda o‘z ifodasini topdi. Masalan, 1978-yilda Toshkentda fizika-kimyoviy asoslarni o‘rganish bo‘yicha O‘zbek-Fransiya simpoziumi chaqirilgan.

G‘arbiy Yevropa davlatlari Fanlar akademiyalarining hamkorlik qilish komissiyasi 1982-yilda Toshkent shahrida yig‘ilish o‘tkazishgan. Bu yig‘ilishda Vengriya, GDR, Kuba, Ruminiya, Chexoslovakiya olimlari, «Planetalarini geofizik tadqiq etish» muammosini muhokama qilishgan.

To‘plangan faktik materiallar shuni ko‘rsatadiki, Sharqiy Yevropa davlatlari Fanlar akademiyalarining hamkorlik qilish komissiyasi 1982-yilda Toshkent shahrida yig‘ilish o‘tkazgan. Bu yig‘ilishda Vengriya, GDR, Kuba, Ruminiya, Chexoslovakiya olimlari, «Planetalarini geofizik tadqiq etish» muammosini muhokama qilishgan.

Shuningdek, O‘zbekistonning xorijiy davlatlar bilan ilmiy aloqalari kengayib, rivojlanib borgan. Jumladan, 1983-yilda O‘zbekiston Fanlar akademiyasining muassasalari Sharqiy Yevropa, Osiyo mamlakatlardan va G‘arbiy Yevropa davlatlardan kelgan 200 dan ortiq delegatsiyani qabul qilishgan. 24 ilmiy muassasa olimlari va mutaxassislari chet ellarga borib, ijodiy ish bilan shug‘ullanishgan. Xorijiy davlat olimlari bioorganik kimyo, o‘simliklar kimyosi, fizika-texnika, ekonomika institutlarida, “Kibernetika” ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasida hamda boshqa tashkilotlarda olib borilayotgan tadqiqotlarga yuksak baho berishgan. Bu tadqiqotlar ilmiy va amaliy jihatdan goyat muhim ekanligi ta’kidlangan.

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, aniq fanlar rivojida O‘zbekistonning xalqaro hamkorlik aloqalari muhim o‘rin tutgan. Ayniqsa, aniq fanlar sohasining fizika, kimyo, bioorganik kimyo fan sohalarida aloqalar olib borilgan. Shuningdek, o‘zbek olimlari o‘z tajribalarini xorijiy davlat olimlari bilan almashishgan. Umuman olganda, xalqaro hamkorlik O‘zbekistonda aniq fanlar sohasining rivojlanishiga olib kelgan.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Алиев Б, Лафасов М. Ўзбекистон ва ривожланаётган мамлакатлар. Т.: “Ўзбекистон”. 1981, –Б.
2. Корнеев С.Г. Научные связи Ан СССР со странами Азии и Африки. –Б.76.
3. Правда Востока", 1974, 15 май.
4. Правда Востока, 1977 yil 12 октябрь.
5. Садикова Г. УзССР в международных научно-технических связях СССР. Общественные науки в Узбекистане. 1974. –Б.26.
6. Тўхтаҳўжаев И. Совет Ўзбекистонинг халқаро алоқалари. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1985. –Б.5.
7. О‘з.МА.Р-2653- фонд, 1-го‘ухат, 2426- ish, 119- varaq.
8. Зияев Х. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари (1960-1980 йиллар). Т.: “Фан”, 1986. –Б.36.

**“ULUG‘ TURKISTON” GAZETASIDA OCHARCHILIK
MASALALARINING YORITILISHI**

Mamadaliev Sh.

Namangan davlat universiteti Tarix kafedrası doktoranti

“Ulug‘ Turkiston” mahalliy gazetasi Toshkent shahrida tashkil topgan ziyolilarning «Ittifoq» jamiyatining nashr organi hisoblangan. Gazetaning shiori “Yashasin millatlarning muxtoriyati!” bo‘lgan. 1917 yil 25 apreldan Toshkent shahrida nashr etila boshlagan. Gazetaga Sodiq Abdusattorov, Kabir Bakirov, P. Domogatskiy muharrirlik qilgan. «Ulug‘ Turkiston» gazetasi dastlab 41-soniga qadar «Turkestanskіe vedomosti» matbaasida, keyinchalik «Umid» matbaasida chop etilgan. Gazetaning jami 155 soni nashrdan chiqqan.

“Ulug‘ Turkiston”ning tahririyatida asosan ichki Rossiyadan kelgan jurnalistlar ishlagani uchun materiallari qamrovi va saviyasi jihatidan boshqa mahalliy gazetalarga qaraganda yuksakroq edi. Unda Rossiyaning markaziy shaharlaridan, urush jabhalaridan, turli o‘lkalar (Ukraina, Finlandiya, Kavkaz kabilar)dan, Turkistonning turli viloyatlaridagi muhbirlari orqali tezkor xabarlar berib borilgan.

Turkistonda 1917 yilda boshlangan ocharchilik sabab va oqibatlari, muammo va yechimlari gazetaning har bir nashrida o‘z aksini topgan. Muharirlar tomonidan xalqning bu masalalarni xal qilishdagi chora tadbirlarni tashkil etishga doir, ochlarga yordam ko‘rsatish komitetlarini faoliyati, eski shahar qismlarida ocharchilikka oid masalalar muntazam yoritilganligi tahsinga sazovordir.

“Toshkandin xabarlar” rukuni ostida oziq masalasiga to‘htab o‘tilgan: “Turkistonda oziq masalasini yuqori darajada muhim ekanligi haqida so‘ylab turorg‘a hojat yo‘q. Tilak shu masalani tezroq yakunlab va matlubg‘a muvofiq dilda xol to‘g‘rusida suylarg‘a kerak. Toshkentga kelgan kishilarni so‘ylovlarina ko‘ra, ul taraflarda un va bug‘doy ko‘p. Oshliq bilan savdo etuvchi kishilar qo‘llaridagi oshliqlarni tikka etub sotarg‘a obdor-ob turorlar ekan. Bug‘doyni 2 so‘mga qaror sotarg‘a hozir turarlar deydi. Demak Toshkent bozorlarida don mahsulotlarini borligi haqida aytilmoqda, yashasha uchun imkoniyat boshqa shaharlarga qaraganda yaxshi ekanligi ko‘p o‘rinlarda eslatib o‘tiladi.

Gazetaning 74-sonida “Ochliq”nomli maqola e‘lon qilinadi bunda Toshkent shahrida ocharchilikni yanada kuchayib ketishi va Farg‘ona vodiysi va Qozog‘istondan och aholining kelishi masalalari tahlil qilingan.

Jumaladan shunday deyiladi: “Turkiston o‘lkasida ochliqning boshlanganligi ko‘pdan beri so‘zlanadi. So‘ngi kunlarda Toshkentning eski va yangi shaharlarida o‘ramlarida ochliqdan yig‘ilub yotguvchilarining soni kundan kun ortmoqda. Ochdin o‘lguvchilarining ko‘bisi atrofdin- Farg‘ona va Qozog‘istondan kelguvchilar bo‘lib Toshkentning o‘z xalqi orasida yo‘q tugal. Toshkentning eski qisminda yerli xalq tarafindin ochlar uchun to‘ydirilg‘on o‘rinlar xozirlangan.

Shaharning yangi qisminda ruslar va tatarlar tarafidan oshxonalar ochildi. Bu ochilagan oshxonalarga kelayotgan odamlarning keti uzilmasdi.

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

Hozirgi kunda ocharchilik tufayli Turkistonning turli yerlarida tarqalgan “tif”(ich terlama) yuquvchi kasalligining kundan kun ko‘payib bormoqda. Bu katta dalildir deyiladi.

Nuriddin Sayful Malik: “Ey Buyuk shonli Turkiston sen o‘zingni xarobaga aylan derurlari oz bo‘lg‘on qizg‘onchiq xalqingda dahshatli ochliq balosiga uchraydilar” shunday so‘zlar bilan tugatadi[2].

Mulla Ziyovuddin tomonidan “Izhor tashakkur” rukuni ostida berilgan xabarda: Eski Toshkentning Sebzor dahasiga tobe “Xon ko‘cha” mahallasining og‘alari ittifoq qilib mazkur mahalladagi faqirlarni Har xaftada to‘ydirmoq uchun o‘zaro ehson qildilar.Ular quyidagilar: 1. Abdulmavlonboy hoji, Abdualilboy hoji o‘g‘li o‘zining og‘a inilari bilan-9000 ming so‘m. 2. Akramboy hoji, Mahmudxo‘ja-1500 so‘m. 3. Mulla Shomil qori-1400 so‘m. 4. Inoyatxo‘ja Inomxo‘ja o‘g‘li -1000 so‘m. ma‘lumot beriladi.[3].

Gazeta sahifalarining birida “Marg‘ilon” nomli maqola e‘lon qilinadi. Bunda: “Bu tarafd(Marg‘ilonda) ochliq shul darajaga yetdi. Har kuni 100 dan ortiq islom bolalari ochliq balosi orqasida qabrga ko‘mildilar. Ko‘chalarda, bozorlarda, ochliq balosina giriftor bo‘lib, yuzlari sarg‘aygan, jasadi faqat suyakdan iborat bo‘lib qolg‘on va xatto ochlikdan shishib yotgan kishilarning sanog‘i yo‘q” deyiladi. Bundan bilish mumkinki ocharchilikdan yosh bolalar o‘limi yuqori darajada bo‘laganligi buni isbotidir.

...Qo‘lida 2-3 bolasi bo‘lg‘on xolda bularga uchragan xotunlarning chekkan azobidan ko‘rib turib eshturda xudo nasib etmasun. Albatta bu ishlarning chorasi boylarimiz va olimlarimiz kirishuviga qarab edi. Shu xollarni ko‘rib turib, yordamga qo‘l cho‘zmog‘onligimiz, bizlarning cheksiz cheksiz darajada nodon ekanligimizni ko‘rsatdi. Shahrimizda дума qurulg‘oniga 20 kun bo‘ldi. Ammo shul kunga andin ochlarga yordam xaqida bir so‘z bo‘lgani yo‘q deb afsus bilan Xoji Abdulloh shunday yozadi[4].

Mirmulla shoir Maxmudov tomonidan berilgan xabarda mahalliy havaskorlar tomonidan teatrlar qo‘yilib, Turkiston ochlariga yordam berishga harakat qilinganligini anglashimiz mumkin. Jumladan....Ushbu xayrli ishni qo‘llab quvvatlash yo‘lida mundog‘i xavaskorlar tomonidan teatrlar qo‘yilg‘on. Tomoshag‘a “Baxtsiz kuyov” va “Tursunali bolam bo‘ldi” nomli pesalar qo‘yilib natijasida ochlar foydasina 992 so‘m 238 tiyin aqcha qildi va ochlarga shul tariqa yordam qilindi” deb muallif yozadi[5].

Gazetaning 20-aprel 85-sonida “Namangan” nomli xabarda: “Namangan shahrida ochliqning darajasi qo‘rqinchli bo‘lgani gazet o‘qiydiganlarga ma‘lum bo‘lsa kerak . Shahrimizda 100 ga yaqin boylarimiz bo‘lsa ochliqqa qarshi yordam qshlin cho‘zgan kishilar yo‘q. Shular orasida boyliqda ikki kechuvni bo‘lgan Mulla Maxmud Aliboev shu xollarni e‘tiborga olib har kishiga 4 so‘mdan 5 so‘mga qadar aqcha zakot hisobiga o‘tadi. Shul kunga qadar shahrimizda boylarning o‘z manfaati uchun zavod, fabrika kabi foydali o‘rinlarni, qimmatli ot-arobalar unlarda saqlag‘on foxishalar borlig‘i haqida xabrar eshtulib tursada Islomiy insoniylik yuzasiddin xech bir xamiyat yo‘q edi endi boshqa boylarmizga Mulla Maxmud afandidan ibrat olurg‘a vaqt topsunlar deb eng og‘ir ocharchilik damlarida mahalliy boylarning yordam qo‘lini cho‘zmay kelayotganlarini afsus bilan Mirg‘iyos Sodiqov yozadi[6].

“Ko‘p kishi to‘ydirilg‘on” sarlavhali xabarda Toshkentda “Jamiyati xayriya” tomonidan Shayx Xovandi Tohurda ochlar uchun ochilg‘on oshxonasida 29 martdan-12 aprelgacha 54 qozon osh tayyorlanib 4911 kishi to‘ydirilgan[7].

Bu esa mahalliy aholining ochlarga yordam berish uchun o‘z mablag‘laridan imkoniyat darajasida yordam berish uchun harkatlar to‘htamaganligini ko‘rishimiz mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki Turkistondagi ocharchilik masalasi, ochlikka qarshi kurash komitetlari faoliyati mahalliy matbuot nazaridan chetda qolmadi. Jumladan “Ulug‘ Turkiston” gazetasi sahifalarida bu masalalar doimo xolsona yoritib borildi. Bu gazeta millat dardini yoritgan gazetalardan biri bo‘lganligi shubhasiz.

Turkistondagi ocharchilik va Rossiya xududlaridan ko‘chirilgan och bolalar masalasiga oid ma‘lumotlar Turkistonda XX asr boshlarida nashr etilgan mahalliy matbuot sahifalarida o‘z aks

topgan. Bu mahalliy matbuot sahifalarida berilagan ma'lumotlar o'z tariximizni xolisona yoritishimizda muhim manbalardan biridir.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Toshkandin xabarlar // Ulug' Turkiston.1917 yil 29 may №7
2. Ochliq // Ulug' Turkiston.1918 yil. № 74
3. Izhor tashakkur // Ulug' Turkiston.1918 yil. № 74
4. Marg'ilon // Ulug' Turkiston.1918 yil. № 82
5. Namanganda vabo // Ulug' Turkiston.1918 yil. № 84
6. Namangan"// Ulug' Turkiston.1918 yil. № 85
7. Ko'p kishi to'ydirilg'on // Ulug' Turkiston.1918 yil. № 87

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ, МАДАНИЙ–МАИШИЙ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
(Андижон вилояти мисолида)**

Ганиева Д.

ҚарДУ мустақил изланувчиси.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида “Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун”принципи асосида иш олиб борилди. Ана шундай эзгулик ишларни Андижон мисолида ҳам кўрамиз. Истиқлол йилларида андижонликларга тиббий, маданий–маиший хизмат кўрсатишнинг мазмун ва шакли ўзгарди. Вилоятнинг қарийб 3 млн. аҳолисига 46 та шифохона, 390 та амбулатория поликлиника муассасалари хизмат кўрсатди.

Давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Республикада болаларнинг наслий ва туғма касалликларини олдини олиш мақсадида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлар фаолияти натижасида охириги 10 йил давомида туғма касалликлар билан дунёга келувчи болалар сони 40%га камайди. Хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида туғруқ муассасалари 2 млн. доллари қийматида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш муҳим йўналишлардан биридир. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурларига мувофиқ 2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимига қурилиш-реконструкция ишларини амалга ошириш учун 136 млрд. сўм ажратилди. 2012 йил Инвестиция дастурига кўра эса соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 256 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида 1990 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73,1 ёшгача, жумладан аёллар орасида 70 ёшдан 75,4 ёшгача узайди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими 3 маротабага қисқарди[1:67].

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар Халқаро ташкилотлар томонидан юқори даражада баҳолашиб келинмоқда. 2007 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна деб тавсия этилди. Бунда андижонлик тиббиёт ходимларининг ҳам хизмати каттадир.

Бунинг яна бир исботи Республикамизда “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она–соғлом бола” Халқаро симпозиумини ўтказилганлигидир. Мазкур симпозиумда 37 та мамлакатдан 207 нафар хорижий меҳмонлар, хорижий мамлакатларнинг 19 та соғлиқни сақлаш вазирлари ва вазир ўринбосарлари, қатор етук клиникалар ва марказлар директорлари ва мутахассислари, жумладан 14 та академик, 147 та профессор қатнашдилар.

Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлигини инобатга олиниб, мазкур масалалар ечими бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида Президентнинг 2011 йил 18 июлдаги Ф-3676-сон фармойиши, 2011 йил 28 ноябрдаги Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1652-сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Фармойиш ва қарор асосида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди, тегишли таклифлар киритилди.

Республикада даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баравар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил этди[2:37].

Аҳолининг, айниқса сил, гепатит, турли юқумли хасталиклар билан умумий касалланиш даражаси сезиларли равишда пасайди.

Болалар ўртасида касалликларни олдини олиш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш мақсадида “Соғлом бола ҳафталиги” мунтазам ўтказилиб борилади.

Мазкур ҳафталик доирасида ЮНИСЕФ томонидан 2,6 миллиондан зиёд 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар учун етказиб берилган А витамини саплементацияси олиб бориляпти. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги етук мутахассисларнинг вилоятларга ташрифини ташкиллаштириш орқали туғриқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш бўйича тадбирлар комплексини амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган барча тадбирлар паст бўйлилик, туғма аномалиялар, микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалланиш ҳолатларининг камайишига олиб келади ва бу ўз навбатида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг тушишини таъминлайди.

Давлатимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ҳамда ақлан етук бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Мазкур жараёнларни узлуксиз давом эттириш мақсадида Ўзбекистон бозор иқтисодиётининг барча босқичларида эзгу мақсад ва режалар, кучли ижтимоий сиёсат ўзининг тараққиёт дастурига асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Ушбу сиёсатнинг ёрқин намунаси сифатида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унинг асосий йўналишларидан бири оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларида янги концептуал ёндошувлар бўлиб, улар соғлом авлоднинг дунёга келиши ва тарбияланишига доир барча шароитларнинг яратилишига йўналтирилгандир.

Бугунги кунда, Ўзбекистондаги каби Андижон вилоятида ҳам кенг миқёсда соғломлаштириш тадбирлари олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – “Соғлом она–соғлом бола” мақсадига эришишдир. Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли ўртасида тиббий саводхонликни ошириш, соғлом турмуш тарзи тамойиллари ва соғлом оилани шакллантириш борасида қатор тадбирларни амалга оширилиб келмоқда. Вилоятда 7-апрель “Бутунжаҳон саломатлик куни” оммавий тадбир сифатида нишонланади. Ушбу тадбирда бошқарма тизимидаги тиббиёт муассасаларида Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари (Республика акушерлик ва гинекология, педиатрия, онкология, физиатрия ва пульмонология, травматология ва ортопедия илмий амалий марказлари, Республика перинатал маркази, Республика ОИТСга қарши кураш маркази), Андижон Давлат тиббиёт институти, вилоят муассасаларининг мутахассислари иштирокида 13 та соҳа ходимлари учун мастер класслар ўтказилди.

9 май “Хотира ва қадрлаш куни”ни тиббий соҳасида узоқ йиллар намунали фаолият кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлган марҳум ва мархума тиббиёт ходимлари ҳаётини эслаш, хотирлаш, ёш ходимларга ўрнак қилиб кўрсатиш ҳамда ҳозирда нафақада бўлган нуроний фахрий тиббиёт ходимларини босиб ўтган йўлини ибрат мактаби эканлигини шогирдларига қадрлаш анъана тусига айланди. Ўтган давр мобайнида 21 нафар марҳумлар ва 27 нафар меҳнат фахрийлари учун “Инсон кадри улуг–хотираси муқаддас” номи билан театрлаштирилган байрам тадбири ўтказиб келинмоқда.

1 июнь халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишлаб, “Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!” шиори остида тиббиёт ярмаркаси ташкил этилади. Ушбу тадбирларда нафақат болалар балки, уларнинг оила аъзоларининг ҳам саломатлиги юзасидан тиббий текширувлар ўтказилиб, керакли маслаҳатлар бериб келинмоқда.

Ўқувчи ва ёш спортчиларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати таҳлил қилинганда шаҳар бўйича 56586 нафар ўқувчилар бўлиб, шуларнинг 56473 нафари (99.8%) тиббий кўриқдан ўтказилиб, I-саломатлик гуруҳига 93653 нафари (60.3%), II-саломатлик гуруҳига 19596 нафари (34.7%), III-саломатлик гуруҳига 2767 нафари (4.9%) ажратилди. Шулардан мунтазам равишда спорт билан шуғулланган болаларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўрганилганда оғирлик индекси 26.7 фоизни ташкил қилиб, аввалги йилларга нисбатан 3.3 фоизга, бўйи 138.6 см ни ташкил қилиб ўтган йилларга нисбатан 2.5 смга, кўкрак айланаси 68.8 смни ташкил қилиб ўтган йилларга нисбатан 2.3 смга ортганлиги аниқланди. I-саломатлик гуруҳидаги болалар сони 60.3 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 4.4 фоизга ошган ҳолда II-саломатлик гуруҳидаги болалар сони 34.7 фоизни ташкил қилиб ўтган йилларга нисбатан 3.4 фоизга камайди, III-саломатлик гуруҳидаги болалар сони 4.9 фоизни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 1.1 фоизга камайди.[3:43].

Болаларни спортга жалб қилиниши натижасида 2011 йил якунлари билан саломатлик гуруҳларидан I-мутлоқ соғлом болалар 2011 йил 3 ойлик билан 60,3% ни ташкил этиб, 4,4% га ортиш кузатилди, 2-саломатлик гуруҳидаги болалар 2011 йил 3 ойлик билан 34,7% ни ташкил этиб, 3,4% га, 3-саломатлик гуруҳига 2011 йил 3 ойда 4,9% ни ташкил этиб, 1,1% га камайиш кузатилган. Касалликлар динамикаси бўйича 2011 йил 3 ойга нисбатан ЎРВИ 19,8% га, пневмония 24,5% га, бронхит 32,6%, скалиоз 12,1% га камайиш кузатилди. Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2011 йилда тасдиқланган “Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари” услубий қўлланмаси шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимига 9 дона келтирилиб, улардан 2 донаси ўзбек тилида, 7 донаси рус тилида чоп этилиб, барча даволаш профилактикаларига тақсимот қилинди. [4:48].

Болаларни спортга бўйича олиб борилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида, яъни Андижон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон спорт каналида ёритиб борилди.

Умуман олганда Ўзбекистон минтақаларида, жумладан Андижон вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами ва мазмуни шу қадар кенги янгиланиш миқёси ҳоҳ у катта ҳоҳ у кичик бўлсин, ўзига хос қадр қимматга эга, ўзига муносиб талқин талаб этади. Албатта иқтисодчи, сиёсатшунос, жамиятшунос олимларимиз тегишли, назарий-амалий якунлар чиқарадилар. Ҳозирча бунёдкорлик манзилларига бир-бир ташриф буюрамиз. “УзДЭУ авто” қўшма корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлагач йилига икки юз минг дона енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади[5:18].

Хуллас, Ўзбекистон мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида кенг қамровли туб ислохатларни амалга оширди, янги ва улкан ютуқларни қўлга киритди. Яқинда жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот–“Save the children” (“Болаларни асрайлик”) ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болаларни саломатлигини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси тўплами. 1991-2011 йиллар. Тошкент.,2012. Б.6
2. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Тошкент.,2019. Б.37.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг идоравий архиви. М.-233, 1-рўйхат, 252-иш, 43-варақ.
4. ЎзМА фонд-233, 1-рўйхат, 3472-иш, 48-варақ.
5. Ўзбекистон ҳудуди мустақиллик йилларида. Т.: “Шарқ” 1996 й. 18-бет

MUSTAQILLIK YILLARIDA NISHON TUMANIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTGA BO‘LGAN E‘TIBORNING KUCHAYISHI.

Karimov B.

QDU tayanch doktoranti.

Nishon tumani Qashqadaryo viloyatining ko‘zga ko‘ringan tumanlaridan biri bo‘lib, 1975-yil 6-martda tashkil etilgan. Nishon tumani Tallimarjon va Yangi Nishon shaharlari hamda Nuriston shaharchalaridan iborat.

Tumanda jismoniy tarbiya va sport sohasiga doir bir qator ishlar amalga oshirila boshlandi. Xususan, 1999-yil 1-fevral kuni O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A. Karimovning “Xalqaro kurash assosatsiyasini qo‘llab-quvvatlash to‘g‘risida”gi farmoniga asosan Nishon tumanida ham milliy kurash federatsiyasi tuzish munosabati bilan konferensiya bo‘lib o‘tdi. Konferensiyada tashkiliy masala ko‘rildi va tuman milliy kurash federatsiyasining raisi etib Nishon tuman soliq inpeksiyasi boshlig‘i R.Andayev, Talimarjon GRES qurilishi boshqarmasi boshlig‘i A. Bozorov ijrochi direktori, tuman sport qo‘mitasi raisi etib esa A. Husanovlar saylandi.

2002-yil O‘zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 10 yilligiga bag‘ishlab “Farzandlari sog‘lom yurt qudratli bo‘lur” shiori ostida Xalq ta’limi vazirligi, Oliy Majlis, Yoshlar ishlari qo‘mitasi, Davlat jismoniy tarbiya va sport qo‘mitasi, “Fidokorlar” milliy demokratik partiyasi, Paxta bank, O‘zbek turizm milliy kompaniyasi, “Kamolot” yoshlar jamg‘armasi, “Yoshlar” telekanali, “Sog‘lom avlod” xalqaro xayriya jamg‘armasi, “Navro‘z” xalqaro jamg‘armasining qo‘shma qaroriga asosan “Umid nihollari-2002” sport musobaqalari ommaviy tarzda o‘tkazilib berildi. Natijada, Nishon tumani yosh sportchilari ushbu musobaqaning viloyat bosqichida muvaffaqiyatli ishtirok etib, sportning qo‘l to‘pi turi bo‘yicha o‘g‘il bolalar jamoasi, voleybol turi bo‘yicha qiz bolalar jamoasi g‘alaba qozondi. A.Yassaviy nomli maktab jamoasi suzish bo‘yicha birinchi o‘rinni qo‘lga kiritishib, respublika bosqichida ishtirok etishdi.[1-4]

2005-yil “Navro‘z” bayramiga bag‘ishlab o‘tkazilgan respublika marafonida viloyat terma jamoasi tarkibida Nishon tumani kollejining 8 nafar talabasi ishtirok etib, jamoa hisobida 5-o‘rinni egallashdi. Kollej talabalaridan kikkoksing bo‘yicha O‘zbekiston birinchiligida ishtirok etgan jismoniy tarbiya bo‘limi 1-“A” guruhi talabasi Nurboyeva Lola birinchi o‘rinni egallab, O‘zbekiston chempioni bo‘ldi. Jismoniy tarbiya bo‘limi 3-“A” guruhi talabasi Xurramov Furqat talabalar kuniga bag‘ishlab o‘tkazilgan Qarshi davlat universiteti ochiq birinchiligida kurash bo‘yicha birinchi o‘rinni egalladi. Kollejda sportning 17 turi bo‘yicha “Barkamol avlod” sport musobaqalari bo‘lib o‘tdi. Unda barcha guruhlardan 1829 nafar talaba ishtirok etib, ularning 746 nafari qiz bolalardir. Kollej jismoniy tarbiya o‘qituvchisi To‘rayeva Gulnora futbol bo‘yicha Qarshining “Sevinch” jamoasi tarkibida O‘zbekiston chempionatida ishtirok etib, faxrli 1-o‘rinni egalladi. Jismoniy tarbiya o‘qituvchisi Erali Yusupov o‘zbek milliy kurashi bo‘yicha milliy toifadagi hakam sifatida respublika miqyosidagi musobaqalarda hakamlilik qilib keldi. Jismoniy tarbiya o‘qituvchisi B.Boymurodov faxriylar o‘rtasida bo‘lib o‘tgan jahon chempionatida ishtirok etib, 73 kg vaznda kumush medal sohibi bo‘ldi. Kollejda jismoniy tarbiya va sport ishlarini rivojlantirish, shu sohada mutaxassislar tarbiyalashga alohida e‘tibor berilgani tufayli F.Xurramov, E.Soatov, M.Soatov, I.Jo‘rayev, B.Bobomurodova, A.Bo‘riyevlar ko‘rash, B.Raximov, L.Rahmonov, R.Rahmonov, F.Oltiyev, A.Jo‘rayev, I.Quvvatova, R.Tilovova, N.Ko‘chimova, M.Boymurodovalar yengil atletika musobaqalarida respublika miqyosida muvaffaqiyatli qatnashdilar.[2-3]

2011-yil 17-21-avgust kunlari “Nasaf”, “Dinamo”, “Markaziy” o‘yingohlarida O‘zbekiston mustaqilligining 20 yilligi munosabati bilan tarmoq ishchi va xizmatchilar o‘rtasida futbol bo‘yicha

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

“Mustaqillik kubogi” musobaqasi bo‘lib o‘tdi. Bunda 15 ta jamoa bosh sovrin uchun to‘p tepishdi va yakunda Nishon tumanining “Tallimarjon issiqlik elektr stansiyasi” vakillari g‘olib bo‘lishdi. [3-3]

Nishon tumani bolalar-o‘smirlar sport maktabi jamaosining bosh maqsadlaridan biri sportni ommaviylashtirish, maktab yoshidagi o‘quvchilarni sport turlariga jalb etib, iste’dodlarni shakllantirish. Viloyat jismoniy tarbiya va sport boshqarmasi tasarrufidagi mazkur sport maktabida bugun taekvondo (VTF), boks, dzyudo, badiiy gimnastika, sport gimnastikasi, stol tennisi, futbol, voleybol, shaxmat, o‘zbek jang sanati, badminton, kurash, yengil atletika, qo‘l to‘pi sport turlari bo‘yicha 1074 nafar o‘g‘il-qizlar 27 nafar murabbiylar qo‘l ostida mashg‘ulotlarga kirishishdi. O‘quvchilarning mashg‘ulotlarda emin-erkin ishtirok etishlari uchun yetarlicha qulayliklar yaratib berildi. Xususan, 2018-yilda 18/42 o‘lchamdagi zamon talabiga mos yorug‘ va keng, shinam sport zali, tashqi futbol, basketbol, voleybol maydonlari, yugurish yo‘lakchalari barpo etilib, yoshlar ixtiyoriga berilgan. Yetarli shart-sharoitlardan unumli foydalanib, mashg‘ulotlarga zo‘r berayotgan o‘quvchilar hatto viloyat va respublika miqyosidagi bellashuvlarda kuchli uchlikdan joy olib, ustozlari ishonchini oqlashmoqda. Jumladan, 2019-yilda qo‘l jangi, o‘zbek jang sanati, stol tennisi, boks, taekvondo (vtf), kurash, yengil atletika singari turlar bo‘yicha mamlakat miqyosidagi musobaqlarda bir qator medallar qo‘lga kiritishdi. Adham Shaymanov (boks), aka-uka Sardor va Bobur Rizvonovlar (boks), Shaxriyor Shodmonov (taekvondo VTF), Behruz Nuraliyev (taekvondo VTF), Jasur Tolipov (o‘zbek jang sanati), Burgutbek Alimardonov (o‘zbek jang sanati), Bekzod Xolmurodov (kurash), Sultonali Mavlonberdiev (kurash), Abdumannon Tolmasov (kurash), Muzrof Omonov (kurash), Shahzoda Toshboeva (badiiy gimnastika), Robiya Abdusattorova (badiiy gimnastika), Ruslan Nurboyev (sport gimnastikasi), Daler Nizomiddinov (stol tennisi), Durdona Tulapova (shaxmat) kabi istedadli sportchi-o‘quvchilarning qo‘lga kiritayotgan natijalari tahsinga loyiq. Maktabda 2019-2020-o‘quv yilida 20 nafar murabbiy faoliyat ko‘rsatgan bo‘lsa, ayni paytga kelib, bu ko‘rsatgich 27 nafarga yetgani, o‘quvchilar soni esa 900 nafardan 1074 nafarga oshgani quvonarli hol.

BO‘SMda birgina 2021-yilda 60 nafardan ortiq viloyat chempionlari, 40 nafarga yaqin respublika chempionlari tayyorlangan. 2021-yil 1-2-may kunlari Toshkent shahrida bo‘lib o‘tgan ashixara-karate bo‘yicha Osiyo chempionatida Nafisa Norbekova oltin, Marjona Baratova oltin va kumush medal, Zilola Gaparova, Sevinch To‘raqo‘lova, Bexruz To‘raqo‘lov hamda Barzoniylar Xusainovlar kumush medallarni qo‘lga kiritishgan.

Yosh sportchilarning yuqori natijalarga erishishida BO‘SM direktori Obidjon Sayfiev boshchiligida Xudoyor Iskandarov, (o‘zbek jang san‘ati), Sanjar Qo‘yliye (ashixara- karate), Fozil Qodirov (ashixara-karate), Azam Xolyorov (yengil atletika), Eldor Quvatov (boks), Rustam Yangiev (taekvondo (VT), Guliruxsora Saydalimova (taekvondo VT) kabi tajribali ustoz-murabbiylarning o‘rni beqiyosdir.

2021-yilning 5-7-may kunlari besh muhim tashabbus doirasida uyushmagan yoshlarning sportga bo‘lgan qiziqishlarini orttirish maqsadida sportning ko‘pgina turlari bo‘yicha Qashqadaryo bo‘ylab “Qashqadaryo kichik olimpiya o‘yinlari” o‘tkazildi. Unga ko‘ra, Nishon tumanida boks, stol tennisi va kurash bo‘yicha musobaqalar bo‘lib o‘tdi. Tuman yoshlari esa mazkur sport musobaqalarida munosib qatnashib, sovrinli o‘rinlarni qo‘lga kiritishdi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, mustaqillik yillarida aholining barcha qatlamlari o‘rtasida jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish maqsadida qator tadbirlar ishlab chiqildi. Ushbu tadbirlar asosida aholi orasida sog‘lom turmush tarzini qo‘yish tajribasi to‘planib bordi, jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Natijada respublikada sohaning moddiy-texnik ta‘minoti ancha mustahkamlandi. Shunday sharoitda Qashqadaryoda ham ko‘plab sport inshootlari barpo etildi, qashqadaryolik sportchilar va murabbiylar esa jahon arenalarida yurt bayrog‘ini baland ko‘tarmoqda.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. “Nishon tongi” gazetasi, 2002-yil 9-avgust soni
2. “Nishon tongi” gazetasi, 2005-yil 14-mart soni
3. Inobat Abdullayeva. “Tallimarjon issiqlik elektr stansiyasi – kubok sohibi. // Qashqadaryo yoshlar sporti, 2011-yil 9-sentyabr soni

**QASHQADARYO XOTIN-QIZLARINING IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDA
QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHGA QO‘SHGAN HISSASI**

**Temirova F.
QarDU magistranti**

Ikkinchi jahon urushi butun insoniyat tarixida misli ko‘rilmagan darajada azob-uqubatlari, yo‘qotishlar va vayronagarchiliklar keltirdi. O‘zbekiston xotin-qizlarining metin irodalari ikkinchi jahon urushi yillarida juda katta sinovdan o‘tdi. O‘zbekiston ayollari ayriliq yuklarini yelkalarida ko‘tarib, qo‘llari bilan tiriklik uchun, fashizm ustidan g‘alaba qozonish uchun tinmay, kechayu kunduz mehnat qildilar. O‘zbek xalqi o‘z farzandlariga ko‘zda yosh, qalbdan armon va dard bilan nasihat qilib faqat g‘alaba bilan qayt, qahramon bo‘lib qayt, avlod-ajdodlarining jasoratlariga munosib bo‘l deb frontga jo‘natar edi.

Mehnatga yaroqli erkaklarning armiyaga safarbar qilinganligi tufayli ishlab chiqarish tarmoqlarida ishchilar va injener texnik kadrlar tanqisligi paydo bo‘ldi. Shu bois kadrlar tayyorlash muammosi avvalo fabrika-zavod ta‘limi maktablarida, hunar-bilim yurtlari, qisqa muddatli turli kurslarda, oliy va o‘rta maxsus o‘quv yurtlarida hal qilindi. So‘ngra respublikada yakka tartibda va brigada tariqasida hunar o‘rganish va ikkinchi ixtisoslikni egallash yo‘lga qo‘yildi. O‘zbekiston mehnatkashlari, avvalo xotin-qizlar mamlakat boshiga tushgan kulfat-fojeani o‘z kulfatlari va fojealari deb bildilar. 1941 yil iyul oyining o‘zida xotin-qizlar frontga ketgan o‘z otalari, akalari va yerlarining o‘rniga ishga kirib mardonavor mehnat qildilar. Bunday “Vatanparvarlik” harakati butun O‘zbekistonda, shu jumladan qishloqlarimizda ham keng quloch yoydi. [1:126]

Urush O‘zbekiston qishloq xo‘jaligining muhim tarmoqlaridan biri bo‘lgan ipakchilikni rivojlantirishni ham taqozo qildi. 1940 yilgacha respublikada asosan individual asosda amalga oshirilgan edi. Mamlakatda ipak mahsulotlarini ishlab chiqarishni ko‘paytirish, malakali ipakchi mutaxassislarni tayyorlash maqsadida BKP (b) Markaziy Komiteti 1941 yilning 13 martida “O‘zbekistonda ipakchilikni yanada rivojlantirishni tadbirlari to‘g‘risida” qaror qabul qildi. Bu qarorda respublikada ipakchilik mahsulotlarini ko‘paytirish, pilla hosildorligini oshirishning aniq vazifalari ko‘rsatib o‘tildi. Ana shu qarorlarga ko‘ra, O‘zbekiston pillachilari yaqin 6-7 yil ichida pilla yig‘ishni 20 ming tonnagacha yetkazish, har bir quti pilla urug‘idan 50 kilogrammdan pilla olishga erishish ko‘zda tutilgan edi.

Respublikada ipakchilikni yuksaltirish uchun avvalo, yetarli darajadagi ipakchi mutaxassislar tayyorlash zarur edi. Chunki sanoat korxonalari uchun ipak eng kerakli xom-ashyo resurslaridan hisoblanardi. O‘zbekiston pillachi xotin-qizlari respublikada ipakchilikni rivojlantirishga, frontni, armiyani qimmatbaho xom-ashyo bilan ta‘minlash maqsadida fidokorlik bilan ish qildilar. Natijada ipakchilikda yaxshi natijalarga erishildi.

1942 yilda ham O‘zbekiston pillachi ayollari samarali mehnat qildilar. Mazkur yilda xotin-qizlarning fidokorona mehnat qilganliklari tufayli davlatga 12190 tonna pilla tayyorlandi. Pilla tayyorlash davlat plani 103,5 prosent qilib bajarildi.[2:234] Ushbu jarayonda Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani 58,7, Chiroqchi tumani pillachilari 51,1 kilogrammdan pilla olishdi. 1943 yilda ham davlatga pilla topshirish plani ortig‘i bilan bajarildi. Mazkur yilda davlatga 9556 tonna pilla topshirildi. Shuningdek, ushbu yutuqlarning oqibatida 210 nafar xotin-qiz orden va medullar bilan mukofotlandi.

Dehqonchiligi sun‘iy sug‘orishga asoslangan O‘zbekistonda ekin maydonlarini kengaytirish irrigatsiya mahsulotlarini amalga oshirishni taqozo etardi. 1941 yilning oxiri va 1942 yil boshlarida Shimoliy Toshkent (Toshkent viloyati) Chustva Yuqori Uchqo‘rg‘on (Namagan viloyati), So‘x-Shohimardon (Farg‘ona viloyati), Nazarxon-Tozayorlish, Yunusobod, Sho‘ro, Shumanoy (QQASSR) kabi kanallarning loyiha-smeta ishlari tayyorlandi. Ushbu sug‘orish tarmoqlarini bunyod etishda xotin-qizlar ham ishtirok etdilar. Ko‘klamning yaqinlashib qolayotganligi sababli hasharchilar o‘z tashabbuslari bilan kechasi ham ishladilar. Masalan, Kattaqo‘rg‘on suv ombori qurilishi uchun Beshkent tumani qishloq sovetlaridan xotin-qizlar ham yuborildi.[3:15]

1945 yilda don xo‘jaligi respublika xalq xo‘jaligining mas‘uliyatli tarmoqlaridan biriga aylandi. G‘alla o‘rim-yig‘imi davrida ko‘plab g‘allakor ayollarimiz zo‘r g‘ayrat bilan mehnat qildilar. Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumanidagi Kuybishev nomli kolxozning T. Subanova boshliq xotin-qizlar brigadasi g‘alla o‘rim-yig‘im terimida yaxshi natijalarga erishishdi. T.Subanovanning o‘zi kunda 3 normadan ish bajardi. Beshkent tumanidagi “Yordamkom” kolxozining a‘zolari Norxol Shodiyeva, Zaynab Sharipova, Mastura Odilova va boshqalar g‘alla o‘rim-yig‘imi vaqtida 3-3,5 normadan ishlashdi. Shu sababdan ham urush yillarida yalpi don mahsuloti ishlab chiqarish 104 million pudga yetkazildi. Ikkinchi jahon urushi yillarida xotin-qizlar mamlakat iqtisodiy salohiyatini ta‘minlashning asosiy omili hisoblanganligi bois ham, ularning “favqulodda urush sharoitida inson, ishchi-xizmatchi, rahbar sifatidagi obro‘si qaror topdi”. Urushdan oldingi yillarda rahbarlik lavozimida band xotin-qizlar salmog‘i respublika bo‘yicha atigi 280 nafar ayolni, ya‘ni jami rahbar xodimlar tarkibining 1,2 %ini tashkil etgan bo‘lsa, 1944-1945 yillar davomida partiya va sovet tashkilotlarida 940 nafar xotin-qizlar rahbarlik lavozimlarida ishlagan. Faqat 1941 yilda viloyatda turli mutaxassisliklar bo‘yicha 2200 nafar xotin-qizlar rahbarlik lavozimlariga tayyorlangan. Urush yillarida xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish, ularning xalq xo‘jaligida hal qiluvchi ijtimoiy kuch sifatidagi rolining o‘ssishi davr talabiga aylanganligi bois, xotin-qizlar bo‘limlari 1943 yil may oyida VKP(b) M Qning qarori bilan qisqa muddatga qayta tashkil etilib, ular faoliyatida ishning yo‘nalish, shakl va usullari ancha rivojlantirilib, murakkablashtirib borildi. Xususan, VKP(b) M Qning 1943 yil 22 yanvardagi qaroriga muvofiq hamda 18 maydagi O‘zKP(b)MQ byurosi qarori asosida Markaziy qo‘mita apparatida xotin-qizlar o‘rtasida ishlar bo‘yicha bo‘lim va bo‘lim mudiri, respublika partiya qo‘mitalari qoshida xotin-qizlar sovetlari tashkil etilib, ularga viloyat partiya qo‘mitalarida viloyat kotiblarining o‘rinbosarlari, shahar va rayon partiya qo‘mitalarida xotin-qizlar ishlari bo‘yicha sekretarlar rahbarlik qilgan. Butun respublikada bu sohaga mas‘ul sifatida viloyat partiya qumitalarida 10 ta sekretar yordamchisi. shahar partiya qo‘mitalarida 13, shahar tarkibidagi rayon partiya qo‘mitalarida 11, qishloq rayon partiya qo‘mitalarida 133 sekretar tayinlangan edi.

Urush yillarida O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi uchun yangi tarmoq – qand lavlagi yetishtirish ham yo‘lga qo‘yildi. Samarqand, Farg‘ona, Toshkent, Qashqadaryo viloyatlari lavlagi yetishtirish bo‘yicha ixtisoslashtirilib, 1942 yildayoq 65 ming gektarga, keying yillarda 70 ming gektardan ortiqroq hosildor yerlarga qandlavlagi ekildi.[4:151] Urush yillarida O‘zbekiston butun ittifoqda ishlab chiqarilgan qandning to‘rtidan bir qismini berdi.

Urush yillarida chorvachilikni rivojlantirish jarayonida ham fidokorona mehnat qilindi. Chunki chorvachilikni rivojlantirish respublika qishloq xo‘jaligining muhim vazifalaridan biri edi. Bu vazifani bajarishda ham xotin-qizlar mehnatidan foydalanildi. Respublikamizda chorvachilik mahsulotlarini ko‘plab tayyorlash va chorvachilikni rivojlantirishda O‘zK (b)P va O‘zSSR Xalq Komissarlari Soveti tomonidan 1942 yil 12 martda chorvachilikni rivojlantirish davlat plani haqida qabul qilgan qarori muhim rol o‘ynadi. Qarorda ta‘kidlanishicha, 1943 yilda O‘zbekiston kolxoz va sovxozlarida qoramollar sonini 650, qorako‘l qo‘ylarini 2385, echkilar sonini 623,6, otlar soni 402 ming boshga yetkazilishi kerak edi. Chorva mahsulotlarini ko‘paytirish va qoramollarni parvarish qilishda xotin-qizlar aktiv ishtirok etdilar. Qashqadaryo viloyati Beshkent tumani chorvadorlari ham yaxshi natijalarga erishdilar. Ular otchilik bo‘yicha rejani 104 foizga, qoramollar 127 foizga, mayda mollar 101,4 foizga, tuyachilikni 116 foizga bajardilar. Bu yutuqlarni qo‘lga kiritishda xotin-qizlar munosib hissa qo‘shdilar.

Umuman aytganda O‘zbekiston qishloq mehnatkashlari g‘oyatda og‘ir va qiyin sharoitlarda mehnat qilib Germaniya fashizmi ustidan qozonilgan g‘alabani tezlashtirishda o‘zlarining munosib hissalarini qo‘shdilar. Respublika dehqonlari urush yillarida front va g‘alaba uchun havo va suv kabi zarur bo‘lgan 4 million 148 ming tonna paxta, 82 mln, pud g‘alla, 57 ming 444 tonna meva va uzum, 36 ming tonna qoqi 159 ming, 300 tonna go’sht, 22,3 ming tonna jun va boshqa ko‘pgina mahsulot yetkazib berdilar.[5:20] Bu ulkan va mislsiz jasoratdir. Biz bu bilan haqli va qonuniy suratda faxrlanamiz.

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

Urushning boshlarida O‘zbekistonlik ayollar urushga ketgan otalari , aka-ukalari va turmush o‘rtog‘lari o‘rniga dala ishlarida, jumladan, traktor haydash, paxta terimi umuman olganda ayollarga munosib ishlar bilan emas, balki og‘ir yumushlarni ham bajardi. 1941-yilning 15-oktabriga qadar bo‘lgan vaqt mobaynida 800 nafar xotin-qiz “frontga ketgan yigitlarning o‘rnini olishi kerak”, degan chaqiriq bilan chiqdi.

Xullas O‘zbekiston mehnatkashlari ikkinchi jahon urushi yillarida qahramonlik va jasorat namunalarini ko‘rsatdi, ular kechani kecha, kunduzni kunduz demasdan och-yalong‘och holda juda og‘ir va qiyin sharoitlarda xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarida sidqidildan va astoydil mehnat qilib urushni g‘alaba bilan yakunlash maqsadida front manfaatlari uchun turli-turli mahsulotlar ishlab chiqardilar. Urush yillarida O‘zbekiston xotin-qizlari faqat paxtachilikda emas, ipakchilik, g‘allachilik, chorvachilik, polizchilik, bog‘dorchilik sohalarini rivojlantirishga ham o‘z hissalarini qo‘shdilar. Ushbu fidokorona mehnatlari bilan front orqasida turib, g‘alaba uchun astoydil mehnat qildilar.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. — Toshkent, Sharq. 2000. -B 126.
2. O‘zbekiston tarixi, T., O‘qituvchi, 1994, B-234
3. Qosimov Y. Ulug‘ Vatan urushi yillarida O‘zbekiston xalqlarining suvuchunkurash tarixidan. T–Fan, 1983, B-15
4. Usmonov Q., Sodiqov M., O‘zbekiston tarixi, T., Sharq, 2001, B-152
5. Karimov Sh. G‘alabaga qo‘shilgan hissa, -T.: O‘zbekiston, 1990, 20-bet.
6. Shamsiddinov R. Vatan tarixi (O‘zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida) Uchinchi kitob - Toshkent: . 2009
7. O‘zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). Toshkent “O‘zbekiston”, 2019.
8. Jo‘rayeva N. O‘zbekistonda xotin-qizlarga munosabat (XX asrning 20-80 yillari misolida) o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: 2013, 147-bet.

QASHQADARYO VOHASIDA DOSTONCHILIK VA BAXSHICHILIK SAN‘ATINING AHVOLI

Axmatov A.

Qarshi DU doktranti

Baxshichilik, xalq dostonchiligi o‘zbek xalqining qadim madaniyati, milliy qadriyatlarining ilk ko‘rinishlaridan biri sifatida ardoqlanib kelinayotgan san‘at turidir. Baxshilar deb azaldan terma, qo‘shiq va dostonlarni yoddan kuylovchi, avloddan-avlodga yetkazuvchi xalq dostonchilari aytilgan, o‘zbek xalqining to‘yu bayramlari, yaxshi kunlari, ularning ishtirokisiz o‘tmagan. Bugun yurtimizda baxshichilik san‘atiga alohida e‘tibor berilmoqda. 2018 yil 1 noyabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Xalqaro baxshichilik san‘ati festivalini o‘tkazish to‘g‘risida”gi Qarori qabul qilindi. Qaror ijrosini amalga oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, Fanlar Akademiyasi va Surxondaryo viloyati hokimligi tomonidan shu yilning 5-10 aprel kunlari Xalqaro baxshichilik festivali bo‘lib o‘tkazildi. Mazkur tadbirda 200 nafardan ortiq baxshilar, hay‘at a‘zolari va boshqa mehmonlar ishtirok etdilar.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning mazkur muhim tadbir o‘tkazilishining asosiy tashabbuskori bo‘lishi ham diqqatga sazovordir. O‘zbekiston-atoqli baxshilar yurti. Ular orqali yurtimizning boy qadriyatlari, o‘tmishi, orzu va umidlari ifoda etiladi.

Baxshilarimiz ijro etgan doston va termalarda xalqimizga xos yuksak vatanparvarlik, olijanoblik, insonparvarlik, ona yurtimizga muhabbat va sadoqat o‘z ifodasini topgan. Shu sababli Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev e‘tirof etganidek, “Ayni vaqtda hozirgi globallashuv davrida, tijorat vositasiga aylangan “ommaviy madaniyat”, shou-biznesning salbiy ta‘siri tobora kuchayib borayotgan murakkab zamonda har qanday milliy madaniyatning bulog‘i bo‘lgan folklor san‘atiga

e’tibor va qiziqish, afsuski, susayib borayotgani ham sir emas. Holbuki, folklor san’ati, ta’bir joiz bo’lsa, bu-insoniyatning bolalik qo’shig’idir”[1].

Xalq baxshilarini yig’ish ularga har tomonlama g’amxo’rlik ko’rsatish, ijodiy tajribalarini keng targ’ibot qilish ishlari yaxshi yo’lga qo’yildi. Xalq yig’inlarida, bayramlarda, maktab va oliy o’quv yurtlarida xalq baxshilari bilan uchrashuvlar, baxshilarning badiiy kechalari, mushoiralar, aytishuvlar, mashhur doston aytuvchilar uyushtirish an’ana tusini olmoqda. O‘zbekiston zamini Ergash Jumanbulbul og’li, Fozil baxshi, Islom shoir, Bola baxshi Abdullayev, Shoberdi Boltayev, Boborayim Mamatmurodov, Abdunazar Poyonov, Qora baxshi Umirov, Shomurod Tog’ayev, Qodir baxshi Rahimov, Ziyodulla Islomov, Norbek baxshi Abdullayev, Qalandar baxshi Normetov, Abduqahhor va Abdumurod Rahimovlar kabi o’nlab betakror istedod sohiblarini yetishtirdi va bu an’ana izchil davom etmoqda so’ngi yillarda respublikamizda xalq og’zaki ijodiga etibor kuchaydi.

Mamlakatimizda ushbu qadimiy san’at turini asrab-avaylash, rivojlantirish va ommalashtirish maqsadida so’ngi paytda qabul qilingan Prezident farmonlari va Hukumat qarorlari soha rivojiga yangi hayot bag’ishlaganini takidlash o’rinlidir. Jumladan, yurtimizda YUNESKO shafeligida har ikki yilda Xalqaro baxshichilik san’ati festivalini o’tkazish yaxshi an’ana tusiga kirdi. 2019 yil aprel oyida Termiz shahrida o’tkazilgan birinchi va joriy yil sentabr oyida Nukus shahrida tashkil etilgan ikkinchi festival mintqa va xalqaro hamjamiyat madaniy doiralarida katta qiziqish uyg’otdi. Shuningdek, 2021 yil 16 dekabrda YUNESKOning Nomoddiy madaniy merosi asrash hukumatlararo qo’mitasi tomonidan Baxshichilik san’ati insoniyatning nomoddiy madaniy merosi representativ ro’yxatiga kiritildi[2].

Dostonlarni ijro etadigan baxshilar va ularning hayoti va turmush tarzi bilan shug’ullanish jarayonidagi tahlillardan kelib chiqib, baxshi so’zining ma’nosi mo’g’ulcha va buryatcha baxsha, bag’sha – ustod, ma’rifatchi; sanskritcha bhikshu – qalandar, darvesh degan ma’noni beradi deb izohlanadi. O‘zbekistonda qo’shiq va dostonlarni yoddan kuylovchi, aytuvchi, avloddan-avlodga yetkazuvchi san’atkor. Baxshi so’zi ba’zan shaman ma’nosida ham qo’llanadi, umuman, dostonchilar, doston aytuvchilarni esa yuzboshi, soqi, sannovchi, jirov deb ataydilar. Baxshilar, asosan, ikki toifaga –ijrochi va ijodkor baxshilarga bo’linadi. Ijrochi baxshilar, asosan, ustozdan o’rgangan dostonlarni juz’iy o’zgarishlar bilan aynan kuylasalar, ijodkor baxshilar og’zaki epik an’ana asosida yangi dostonlar ham yaratadilar. Bunday baxshilar shoir baxshilar deb ham yuritiladi, masalan Ergash shoir, Fozil shoir, Po’lkan shoir, Abdulla shoir, Xidir shoir va boshqalar. Baxshilar doston va qo’shiqlarni qo’biz, do’mbira, dutor kabi sozlar jo’rligida kuylaydi.

«Baxshi» mo’g’ulcha so’z bo’lib, ustod, ma’rifatchi degan ma’noni anglatadi. O‘zbeklar orasida baxshi yana bir qancha nomlar bilan ataladi. O’rta Osiyoning janubiy hududlarida yuzboshi, sozanda, Tojikistonning o‘zbek-laqaylari orasida soqi, Farg’ona vodiysida sanovchi, shuningdek, jirov, jirchi, oqin kabi nomlar bilan yuritiladi. Bunday xalq ijodkorlari boshqa turkiy xalqlar orasida ham mavjud bo’lib, qozoqlarda oqin va jirov, qirg’izlarda manaschi, mo’g’ullarda to’lchi, o’g’uzlarda uzan, deyiladi. Tojik folklorshunosligida halq eposi ijrochilari go’yanda, hofiz va shoir deyiladi. Biroq «Go’ro’g’li» turkumidagi dostonlar ijrochisini dostonga qiyosan go’ro’g’lisaro, deb ham atashadi. Yirik o‘zbek baxshilarining nomiga «shoir» so’zini qo’shib ishlatish hollari mavjud[3].

Baxshilik san’ati markazi O‘zbek folklorshunosligida Boysun, Bulung’ur, Nurota, Narpay, Qo’rg’on, Xorazm, Shahrisabz, Sherobod, Chiroqchi kabi yirik dostonchilik maktablaridan tashqari, Qamay, Piskent, Qulbuqon, o‘zbek-laqay va boshqa shunday markazlar ham ma’lum. Ular repertuarlari, uslubi, ma’lum ijod tamoyili va ijro usullariga ko’ra bir-biridan ajralib turadi.

Samarqand, Qashqadaryo, Surxondaryo baxshilarining ko’pchiligi doston kuylayotganda odatdagi ovozini musiqa asbobi navosiga moslab o’zgartirishadi. Ovozni sozga jo’rlash baxshilar orasida «Tillo tarozi», deb ataladi. Baxshilar orasida yana bir qancha turkum ijodkorlar bor. Ularning ayrimlari dostonlarni do’mbira chertib, biroq tovushini o’zgartirmasdan, odatiy bir tarzda aysalar, boshqa bir ijrochilar dostonlarni hech bir sozsiz, faqat og’zaki aytishgan. Baxshichilik

san’atida o‘zbek dostonchiligi mif – afsona – rivoyat – naql – ertak – doston bosqichlarida shakllanadi:

“Doston” so‘zi fors tilidan olingan bo‘lib, “qissa”, “hikoya”, “tarix” ma’nolarini ifodalaydi. O‘zbek badiiy adabiyotida dostonlar yaratilish usuliga ko‘ra ikki xil bo‘ladi. Birinchi turi yozma adabiyot vakillari tomonidan har bir bandi masnaviy – ikki misradan iborat, faqat she’riy shaklda yaratiladi. Ikkinchi tur dostonlar og‘zaki ijod mahsuli sifatida folklor an‘analarga bo‘ysungan holda yaratiladi. Filologiya fanlari doktori, professor M. Saidov ta’rificha, og‘zaki ijoddagi dostonlarda she’riy va nasriy parchalardan iborat badiiy manba – matn bo‘lishi kerak.. Ikkinchidan, dostonning muzikasi bo‘lishi lozim (Bu o‘rinda shuni aniqlab olish kerakki, har bir alohida olingan doston uchun alohida yirik muzika asari bo‘lishi shart emas). Uchinchidan, dostonni bir kishi ijro etganligi tufayli kuylovchi do‘mbira cherta bilishi yoki qo‘biz chala bilishi zarur. To‘rtinchidan, dostonni kuylayotgan baxshi yaxshi ovozga ega bo‘lishi va qo‘shiq aytish mahoratini egallagan bo‘lishi zarur[4].

“Qamay” dostonchilik maktabining vakillaridan biri Hazratqul baxshi Xudoyberdi o‘g‘li ham shu sohaning ijod qilgan ijodkorlardan hisoblanadi. Hazratqul baxshi Xudoyberdi o‘g‘li 1920-yil Qashqadaryo viloyati Qamashi tumani Qoraqo‘ton qishlog‘ida to‘g‘ilgan. 1927-yil Aleksandr Sergeevich Pushkin nomidagi hozirgi (82-maktabga) o‘qishga borib 1937-yilda a‘lo baholar bilan to‘gatgan. 1937-yilda Tojikiston Davlat Pedagogika institutiga tarix faniga o‘qishga topshirib, sirtidan o‘qib 1942-yilda tamomlagan. Mehnat faoliyatini Dehqonobod xalq sudida kotib lavozimi bilan boshlagan keyinchalik Qamashi tumani Chim qishlog‘idagi 4-sonli maktabda o‘qituvchi, Uchtut qishlog‘idagi Karim Musulmonov nomidagi hozirgi (21-sonli maktabda) o‘quv ishlari buyicha direktor o‘rinbosari lavozimlarida ishlagan. 1973-yildan Qoraquton qishlog‘idagi Dobrolyubov hozirgi (32-sonli) maktabda direktor lavozimida faoliyat yuritgan. Hazratqul baxshi Xudoyberdi o‘g‘lining asl kasbi – murabbiylikdir. Ammo Hazratqul baxshi boshqa hamkasblaridan farqli o‘laroq ana shu olijanob kasb–o‘qituvchilikni baxshichilik sanati bilan qo‘shib olib borgan. Hazratqulda dostonchilikka havas juda erta uyg‘ongan. Buning ma‘lum sabablari bor, albatta. Shoir tug‘ilib usgan qishloqning o‘zida yigirmadan ortiq xalq baxshilari istiqomat qilishib, bir necha xil ohanglarda doston hamda termalar ko‘ylashib, mehnatkash ommani xushnud etishardi. Jumladan Boynazar baxshi, Xidir baxshi, Abdukarim baxshi, Xolnazar baxshi, Sherqul baxshi, Mamatqul baxshi, Bozor baxshi Omon o‘g‘li shular jumlasidandir[5].

Betanim izlanishlar natijasida Hazratqul baxshichilik sanatini o‘rganib oladi. Hazratqul baxshi ananaviy dostonlar bo‘lgan “Alpomish”, “Go‘ro‘g‘li”, “Avazxon”, “Nurali”, “Yusuf Ahmad” kabi xalq asarlarini mohirlik bilan kuylagan. Bu dostonlarda yurtsevarligi, do‘stligi, mehnatsevarligi, sevgi va vafo, odamiylik tarannum etiladi. Hazratqul baxshining repertuarida 20 ga yaqin an‘anaviy dostonlar bor.”Alpomish”, «Guro‘g‘li» , «Avazxon» , «Nurali» , “Yusuf Ahmad” kabi xalq asarlarining variantlari shular jumlasidandir. Bu dostonlarda yurtsevarlik, do‘stlik, mehnatsevarlik, sevgi va vafo, odamiylik tarannum etiladi. Tug‘ilib ota onadan yosh yetim qolib ko‘plab xalq dostonlarini yaratdi shulardan biri “Avazxonning keltirilishi” 1979 yilda gram plastinkada chop etilgan. “Og‘a Yunusning olib qochilishi” kabi asarlari «Madhiya», «Qamay», “Qamashiliklar” kabi yirik asarlari shuningdek paxtakorlar, Qarshi dashtini o‘zlashtirib, bog‘u-ro‘g‘lar yaratayotgan azamat cho‘lquvarlar, chorvadorlar mehnatini ulug‘lovchi, kishilarimiz ma‘naviy dunyosidagi ibratli tomonlarni tarannum etuvchi o‘nlab termalar ijod qilgan. 1976 yilda Samarqand shahrida bo‘lib o‘tgan xalq baxshilar anjumanida ishtirok etib sovrindor bo‘lgan. 1980 yil Sirdaryo viloyatidagi G‘afur G‘ulom nomidagi Sirdaryo davlat pedagogika institutida Qashqadaryolik taniqli xalq baxshilari Xazratqul Xudoyberdi o‘g‘li va Abduraxmon ota Ostonovlar bilan talabalar o‘rtasida uchrashuv bo‘lib o‘tadi. Baxshi tomonidan xalq dostonlarini yoddan aytish bilan birga o‘zi xam zamonaviy mavzuda “Abl Botir”, “Pardaxol”, “Qamay yerlari va erlari” kabi dostonlar juda ko‘plab termalar yaratilgan. Uchrashuvda u o‘zinig “Suyla do‘mbiram”, “Bo‘lmasa”, “Suring davron” deb atalgan zamonaviy she‘rlarini xamda “Alpomish” dostonidan ayrim parchalarni kuyga solib aytib beradi. Xazratqul Xudoyberdi o‘g‘li har 2 yilda o‘tkazilayotgan baxshichilik Respublika

ko‘rik tanlovlarda yuqori sovrinlarni olib kelgan. U 1980 yilda O‘zbekiston Respublikasi “xalq maorifi a’lochisi” ko‘krak nishoni bilan taqdirlangan. 1986 yilda nafaqaga chiqqan. Olti nafar farzandi bor Hazratqul baxshi Xudayberdi o‘g‘li 1996 yilda vafot etgan[6].

Xulosa qilib aytganda, Qashqadaryo hohasida dostonchilik va baxshichilik san’atida vatandoshlarimizning baxshichilik an’analarini davom ettirib, halq dostonlari bilan birga termalar ham yaratib qisqa vaqt ichida odamlarning mehrini qozondi. Shu bilan birga maktabda tarix fanidan dars berib, rahbarlik lavozimlarida faoliyat olib bordi. Ijodkorning fazilatlaridan yana biri uning hozir javob dostonchi sifatida hayotimizda ruy berayotgan voqealar, halqning buyuk mehnati shijoatiga atab ham asarlar yaratgan.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xalqaro baxshichilik san’ati festivali ochilishiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi nutqi // “O‘zbekiston ovozi” gazetasi, 2019 yil, 8 aprel.
2. <https://president.uz/uz/lists/view/>.
3. O‘zbek folklorining epik janrlari / O‘zbek xalq ijodi bo‘yicha tadqiqotlar. 7-kitob. - T.: Fan, 1981.
4. Saidov M. O‘zbek dostonchiligida badiiy mahorat. – T.: Fan, 1969.B 6.
5. Boymirov T. Boyqobilov O‘. Qamashi va qamashiliklar. T. 2016.-47.b.
6. Kommunizm uchun . 1980 yil, 5 sentabr

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ТАРБИЯВИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ.

Жўраев И.

ҚарДУ тадқиқотчиси.

Маҳалла аҳолисининг маънавий-ҳуқуқий, тарбиявий ва маданий турмуш тарзини ташкил этиш, соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора- тадбирлар борасида оила институтини мустаҳкамлаш, кам таъминланган ва ёш оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб қувватлаш ва уй-жой шароитини яхшилаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар барқарор ривожланишни таъминлаш имконини бермоқда. Натижада олиб борилган тарбиявий чора-тадбирлар натижасида 1990-2010 йилларда ёш оилалар ўртасида ажралишлар коэффиценти 2 баробардан кўпроқ пасайди, оила қуришнинг ўртача ёши ошган ва болалар сони ўртача бўлишига эътибор қаратадиган оилалар улуши ортган. Оила-маҳалла ҳамкорлиги йўналишида айниқса 2008 йилда республика маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида тузилган комиссиялар иш самарадорлигини оширишга қаратилган эътибор туфайли Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қўшма қарорига асосан “Фуқаролар йиғинлари ҳузурида Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти тўғрисида” ги Низом тасдиқланган эди[1:42].

Маҳаллада маънавий-ҳуқуқий, тарбиявий ва маданий ўзгаришлар юзасидан маҳалла фуқаролари билан доимий ишлаш, айниқса оилалар билан ҳамкорликда фаолият юритиш тизими муҳим аҳамият касб этади. Бунда уларнинг билим савиясини ошириш, маънавий-маданий тарбиясига эътибор бериш, уларни китоб ўқишга жалб қилиш ҳамда ҳуқуқий билимларини юксалтириш зарур эди. Бунда маданий-маърифий муассасалар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қашқадарё вилояти бўйича 1993 йилда 156 та маданий-маърифий муассасалар мавжуд бўлган. Маданий-маърифий муассасалар зиммасига аҳолига турли маданий дам олиш тадбирларини уюштириш, бадий-ҳаваскорлик тўғаракларининг чиқишларини ташкиллаштириш каби вазифалар юклатилган эди. Соҳа ишини яхшилашнинг асосий шартларидан бири унинг моддий таъминотини яхшилаш ҳисобланди. Шу сабаб фақатгина 2009 йил республикада маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва улар фаолиятини яхшилаш бўйича 2010–2015 йилларга мўлжалланган Миллий дастур

лойиҳасига кўра, клуб муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида чоратадбирлар ишлаб чиқишга киришилди, соҳада маълум ўзгаришлар динамикаси кузатилди. Бундан кўзланган мақсад ушбу соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган эди[1:42].

Аммо бу борада ўзига хос муаммолар ҳам вужудга келиб, 1995 йилга келиб бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Маданий оқартув масканларига маблағ ажратиш муаммолигича қолди. Натижада ёшлар маданий тадбирларни қаерда ва кимнинг ҳисобидан ўтказишни билмадилар. Илгари ўтказилган “Ёшлар таланти” кўрик-танловлари, “Марҳабо талантлар”, “Талантли ёшлар” фестивали каби тадбирлар ўтказиш унутилиб борди[2:184-185].

Қишлоқ маҳаллаларида халқ анъаналарини ривожлантиришда клуб муассасаларининг алоҳида ўрни бўлиб, унда турли хил учрашувлар, суҳбатлар ва кўнгилочар тадбирлар ўтказиб борилган. Қашқадарё вилоятида 143 та клуб муассасаси фаолият олиб борган бўлса, 2008 йилда республика қишлоқлари бўйича улар сони 89 тага тушиб қолган эди[2:184-185].

Бу даврда “Фуқаролар йиғинлари ҳузурида Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти тўғрисида” ги Низомга асосан Фуқаролар йиғинлари ҳузурида “Ёшлар билан ишлаш комиссиялари ташкил этилди” Республикамиздаги барча фуқаролар йиғинлари ҳузурида «Ёшлар билан ишлаш комиссиялари» таркибига асосан 60 ёшдан ошган катта ҳаётий тажрибага эга бўлган фуқаролар жалб этилди натижада, бу комиссиялар фаолияти тўғри йўлга қўйилишга эришилди.

Қашқадарё вилояти маҳалла кенгашларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти кучайиб бориши натижасида профилактик тадбирлар ўтказиш кенгая бошлайди. Бунга, шубҳасиз, асослар мавжуд эди. Масалан, 2002 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Хўжаназар маҳалласида 9 та жиноятчилик, 209 та ҳуқуқбузарлик, Қурбонов номидаги маҳаллада 15 та жиноятчилик, 204 та ҳуқуқбузарлик, Миришкор туманидаги Янги Миришкор маҳалласида 21 та жиноятчилик, 97 та ҳуқуқбузарлик, Обод қишлоқ фуқаролар йиғинида 6 та жиноятчилик, 142 та ҳуқуқбузарлик, Китоб туманидаги Севаз қишлоқ фуқаролар йиғинида 13 та жиноятчилик, 20 та ҳуқуқбузарлик, Боғбон қишлоқ фуқаролар йиғинида 4 та жиноятчилик, 25 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган[3:4].

Масаланинг бундай ҳолатда мавжуд бўлишининг сабабларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводсизлиги, сиёсий маданият даражасининг етишмаслиги бўлса, бошқа томондан, маҳалла қўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорликдаги ишлари самарасизлиги эди.

2000 йилда мамлакатда хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, заҳарлаш, ўзини-ўзи осиш, ёқиш каби нохуш ҳолатлар вилоят бўйича ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолат ортиб борган. Масалан, жиноятчилик, жумладан, ўзига ўт қўйиш ҳолати 1999 йилга нисбатан 162 тага ортиб, бу республика бўйича камайган бўлсада, жами ҳолатнинг 25 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келади[4:44].

Ёшлар орасида соғлом турмуш, навқиронлик ва гўзалликни тараннум этиш доимо спорт билан шуғулланишни тақазо этади. Бугун қизларимиз мана шу ҳақиқатни спортнинг жисмоний ва руҳий баркамолликда муҳим ўрин тутишини тобора теран англаб етмоқдалар. Халқимизнинг спортга нисбатан қарашлари ижобий томонга ўзгариб, қизларимизни спортнинг барча турлари билан шуғулланишларини тўғри қабул қилмоқда. Спортнинг қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга, ўз навбатида уларнинг репродуктив саломатлигига ижобий таъсир этишини аҳолимиз тушуниб етмоқда. Жисмоний машқлар, айниқса спорт турлари қизларнинг жисмоний баркамол бўлиши, соғлом она бўлиб, соғлом фарзандни тарбиялаб етказишларида энг муҳим омиллардан биридир. Шу билан бирга эришилаётган ютуқлар қаторида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳам анчагина. Муаммоларни келтириб чиқарган омилларни атрофлича ўрганган ҳолда, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини

янада юксалтириш чоралари кўрилиши лозим. Ўқув муассасаларида бу ишларни янада жонлантириш, маҳаллалар ҳамда тегишли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалалари ҳам доимий эътиборда бўлиши керак. Маълумки, саломатликни асраш ва мустаҳкамлашнинг энг яхши йўли - спорт билан шуғулланишдир. Қашқадарё вилоятида ҳам бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Марказда эмас, балки чекка туманларда ҳам энг замонавий спорт мажмуалари барпо этиш, уларда қизлар ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин. Айниқса, қизлар бўлғуси оналарнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиши ниҳоятда аҳамиятлидир.

Хуллас Қашқадарё вилоятида маҳалланинг оила билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти натижасида, ушбу тузилмаларнинг ўзаро муштараклиги туфайли улар асосий тарбия ўчоғи бўлиб қолаётганлигини тасдиқлади. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакиллари кенг иштирок этишига, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан маҳалланинг нуфузи ва ролини оширишдаги ўрни муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Фуқаролар йиғини ҳузурида Ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолияти тўғрисидаги Низом.- Тошкент., 2008 Б 42.
2. Темирова Ч. Ўзбекистон марказий ва жанубий вилоятлари қишлоқларининг ижтимоий-маданий ҳаёти (1991–2016 йй.) Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2023.-Б. 184-185.
3. Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жамғармасининг жорий архиви. Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жамғармасининг 2002 йилдаги иш ҳисоботи. 2002.-Б.4.
4. Тоштуров Ш. «Ўзбекистон Республикасининг БМТ глобал дастурларидаги иштироки тарихи» мавзuidaги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. - Тошкент. 2022..

O‘ZBEKISTON VA TURKMANISTON O‘RTASIDA TA’LIM HAMKORLIGINING O‘RNATILISHI

**Oromov Sh
QarDU doktoranti**

Mustaqillikning dastlabki yillaridan O‘zbekiston Respublikasi qo‘shni davlatlar bilan ta’lim sohasida hukumatlararo bitimlar imzolash jarayonlarini amalga oshirdi. O‘zbekiston, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston va Turkmaniston davlatlari o‘rtasida fan va texnologiyalar sohasini boshqarish davlat tashkilotlari rahbarlarining Maslahat kengashi tashkil etildi. Mazkur kengashni tashkil etishdan ko‘zlangan asosiy maqsad davlatlar o‘rtasida ta’lim sohasida amalga oshirilayotgan hamkorlik aloqalarining uzviyligini ta’minlashdan iborat edi.

Turkmaniston oliy ta’lim tizimidagi xalqaro hamkorlik quyidagi turlarni o‘zi ichiga oladi: xalqaro talabalar va o‘qituvchilar mobilligi, OTMlarning moddiy-texnik qo‘llab-quvvatlash, o‘quv-metodik yordam, islohotlar bo‘yicha xorijiy tajriba. Ayniqsa, Turkmaniston oliy maktabi islohotlarini tayyorlashda xorijiy tajriba muhim rol o‘ynaydi. Turkmaniston elitasi vakillarining 7% ga yaqini xalqaro mobillik dasturlarida ishtirok etgan. Turkmaniston universitetlarining rivojlanişida moddiy-texnika va kadrlar masalasida xorijiy davlatlar yordamining o‘rnini alohida aytish kerak. O‘zbekiston va Turkmaniston o‘rtasidagi ta’lim, fan va kadrlar tayyorlash masalasidagi hamkorlikda “O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi va Turkmaniston madaniyat va sayyohlik vazirligining 1992-1995 yillarga mo‘ljallangan bitimi (1992 yil) va “O‘zbekiston Respublikasi va Turkmaniston o‘rtasida madaniyat sohasida hamkorlik bitimi” (1996 yil) asos bo‘lib xizmat qiladi.[1:10] Bunday hamkorlik ikkala davlat xalqlarining tub manfaatlariga javob berishiga, davlatlararo aloqani kengaytirish va mustahkamlashga, umuminsoniy qadriyatlarni qaror toptirishga, ikkala mamlakatlar madaniyatini boyitishga yordam beradi.

1992 yil O‘zbekiston va Turkmaniston o‘rtasidagi ta‘lim, fan va kadrlar tayyorlash masalasidagi hamkorlikda “O‘zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi va Turkmaniston madaniyat va sayyohlik vazirligining 1992 – 1995 yillarga mo‘ljallangan bitim muhim o‘rin tutdi. Ushbu hujjatda asosan ikki davlat o‘rtasida ta‘lim sohasidagi hamkorlik aloqalarini yo‘lga qo‘yish uni amalga oshirish jarayonlari ko‘rsatib o‘tilgan edi. Aynan ana shu hujjat asosida O‘zbekiston va Turkmaniston davlatlarida faoliyat yuritib kelayotgan oliy ta‘lim muassasalari hamkorlik aloqalarini o‘rnatildi.

1993 yili Qarshi davlat universiteti Qashqadaryo viloyati agrosanoat birlashmasining “Qarshi tolasi” assotsiatsiyasi bilan hamkorlikda universitetning “Muhit” va “Zarin nur” ilmiy ishlab chiqarish markazlari O‘zbekiston Fanlar akademiyasining “Kibernetika” ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi, Turkmaniston Fanlar akademiyasining “Quyosh” ilmiy – ishlab chiqarish markazi olimlari bilan Qashqadaryo viloyatida sug‘oriladigan erlarning strukturasi analiz qilish va har xil konfiguratsiyali trubalarida, kanallarda suv harakati tezligi parametrlarini va gidrodinamik xossalarini o‘rganishga doir ilmiy izlanishlar olib borildi. 1993 yilda ushbu ilmiy – ishlab chiqarish birlashmasining ilmiy laboratoriyasi mudiri, katta ilmiy xodimi texnika fanlari doktorlari K.D.Turdiyev va K.A.Mezilovlar universitetning umumtexnika fanlari kafedrasida ilmiy seminarida o‘z ma‘ruzalari bilan qatnashdi. Ushbu hamkorlik asosida ikki davlat olimlari o‘rtasida 10 dan ortiq ilmiy maqolalar chop etildi.[2:17]

1996 yilda O‘zbekiston Respublikasi va Turkmaniston Respublikasi o‘rtasida “O‘zbekiston va Turkmaniston o‘rtasida madaniyat sohasida hamkorlik bitimi” imzolandi. Mazkur bitimda madaniy sohaning barcha yo‘nalishlarida jumladan ilm-fan ta‘lim sohasidagi hamkorlik aloqalariga oid bandlar ham mavjud edi. Ikki davlat o‘rtasida talabalar almashuvini yo‘lga qo‘yish, oliy ta‘lim muassasalari o‘rtasida ilmiy konferensiyalar tashkil etish borasidagi kelishuvlar shular jumlasidandir. 1997-1998 o‘quv yilida Turkmaniston davlat pedagogika universitetida chet ellik fuqarolar uchun ajratilgan 40 ta o‘rindan 13 tasiga o‘zbekistonlik yoshlar o‘qishga kirdi. Mazkur yilda O‘zbekiston hududidagi 5 ta oliy ta‘lim muassasalariga 19 nafar turkmanistonlik talabalar qabul qilindi. Talabalarning yaxshi bilim olishlari uchun barcha sharoit va imkoniyatlar yaratib berildi.

1998 yilda Turkmaniston QXFAning Quyosh energiyasidan foydalanish ilmiy – tadqiqot instituti Qoraqalpog‘ davlat universiteti bilan ilmiy hamkorlikni yo‘lga qo‘ygan holda ilmiy – tadqiqot ishlarini olib bordi.[3:143]. Quyosh energiyasidan foydalanish bo‘yicha olimlar o‘rtasida fikrlar almashinuvi asosida bir nechta loyihalarni amalga oshirishga kelishib olindi. Matbuot sahifalarida quyosh energiyasidan foydalanish borasida maqolalar chop etildi. Ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirish bo‘yicha yo‘-yo‘riqlar ishlab chiqildi.

O‘zR FA Til va adabiyot institutida Turkmanistonning O‘zbekistondagi elchixonasi bilan birgalikda 2010 yil 31 mart kuni mashhur turkman shoiri Mullanafasning 200 yilligi munosabati bilan ilmiy konferensiya o‘tkazildi. Yetakchi mutaxassislar O‘zbekiston va Turkmanistonda o‘tkazilgan ko‘plab xalqaro konferensiya, simpozium va seminarlarda qatnashdi.

2012 yil oktabrda O‘zbekiston va Turkmaniston o‘rtasida imzolangan “O‘zbekiston Respublikasi bilan Turkmaniston Respublikasi o‘rtasida 2013 – 2017 yillarga mo‘ljallangan iqtisodiy hamkorlik” dasturi bo‘yicha yana bitta bitim imzolandi. [4:42] Ushbu bitimda asosan davlatlar o‘rtasidagi iqtisodiy hamkorlik masalalari to‘g‘risidagi masalalar to‘g‘risida kelishuvlar amalga oshirilgan bo‘lsada, ammo ta‘lim tizimi bilan bo‘g‘liq masalalar ham mavjud edi. Jumladan, davlatlar o‘rtasida oliy ta‘lim muassasalarining o‘zaro aloqalarni yanada mustahkamlash va rivojlantirish, ta‘lim sohasida professor – o‘qituvchilar ishtirokida akademik almashish jarayonlarini amalga oshirish, hamkorlikda ilmiy – tadqiqot ishlari olib borish masalalari bo‘yicha hamkorlik aloqalarini kengaytirish kabi masalalar ham o‘rin olgan edi.

2014 yilga kelib birgina Qashqadaryo viloyati oliy ta‘lim muassasalarida 59 nafar turkmanistonlik talabalar ta‘lim oldi. Jumladan, Qarshi davlat universitetida 45 nafar talaba, Qarshi muhandislik – iqtisodiyot institutida 1 nafar talaba, TATU Qarshi filialida 13 nafar talaba tahsil oldi

[5:10]. Turkmanistonlik talabalar uchun talabalar turar joylaridan qulay sharoit va imkoniyatlarga ega bo‘lgan xonalar ajratildi. Ular uchun oliy ta‘lim muassasalaridagi axborot resurs markazlari turkman tilidagi adabiyotlar bilan ta‘minlandi. Keyingi yillarda O‘zbekiston oliy ta‘lim muassasalarida tahsil olayotgan talabalar soni kengayib bordi.

Turkmanistonning Turkmanboshi shahrida 2017 yil 20 mayda Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti va Seyitnazar Seydi nomidagi Turkmaniston davlat pedagogika instituti o‘rtasida oliy ta‘lim yo‘nalishida hamkorlik qilish doirasida kelishuv bitimi imzolandi. Ushbu bitimga asosan universitetlar o‘rtasida professor – o‘qituvchilar va talabalar akademik almashinuvi hamda ilmiy, o‘quv – uslubiy yo‘nalishda hamkorlik qilishga kelishib olindi [6:16].

2017 yil 6 mart kuni Ashxobodda O‘zbekiston Respublikasi bilan Turkmaniston o‘rtasida “2018 – 2020 yillarga mo‘ljallangan iqtisodiy hamkorlik to‘g‘risida” shartnoma imzolandi. Ushbu shartnomada nafaqat savdo – iqtisodiy, transport kommunikatsiyalari, atrof – muhitni himoya qilish va tabiatdan oqilona foydalanish, sog‘liqni saqlash hamda turizmni rivojlantirish sohalarida ikki mamlakat o‘rtasidagi hamkorlikni, balki ta‘lim va fan sohasida ham uzviy aloqalarni yo‘lga qo‘yish ko‘zda tutildi. Xususan, ikki davlatning oliy o‘quv yurtlari o‘rtasida aloqalarni rivojlantirish, Toshkent shahrida faoliyat ko‘rsatayotgan Rossiya, Buyuk Britaniya, Italiya kabi davlatlarning xalqaro oliy o‘quv yurtlari hamda O‘zbekistonning institutlari va universitetlariga turkmanistonlik talabalarni ham jalb etish, professor – o‘qituvchilar va ilmiy xodimlar almashinuvini yo‘lga qo‘yish, xalqaro konferensiyalar tashkil etish hamda ularda qatnashish kabi masalalar ilgari surildi. Jumladan, 2018 yilga kelib, O‘zbekiston oliy ta‘lim muassasalarida Turkmaniston Respublikasidan kelib ta‘lim olayotgan talabalar soni 720 nafarni tashkil etdi[7:1].

Xullas, O‘zbekiston mustaqillikka erishgan dastlabki yillardan Turkmaniston respublikasi bilan har tomonlama hamkorlik aloqalarini yo‘lga qo‘ydi. Ikki davlat o‘rtasidagi ta‘lim ilm-fan sohasida bitimlar imzolandi. Oliy ta‘lim muassasalari o‘rtasida ikki tomonlama kelishuvlar yo‘lga qo‘yildi. Talabalar almashinuvi bo‘yicha hamkorlik o‘rnatildi. Ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirish bo‘yicha loyihalar imzolandi va bu borada samarali ishlar amalga oshirildi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. ЎзР МА. М-7-жамғарма, 1-рўйхат 348-йиғма жилд, 10 варақ.
2. Халикова Р.Э., Мачин Г.В. Культурное и научно-техническое сотрудничество Узбекистана и Казахстана на этапе независимости (1990-1995). Методическое указание в помощь студентам. – Ташкент, 1996. – С. 17.
3. Зиямов Н. Роль Узбекистана в межгосударственном экономическом и культурном сотрудничестве стран Центральной Азии (1991 – 2001гг.) Автореф. дисс... канд. ист. наук. –Ташкент, 2002. – С. 143.
4. O‘zbekiston Respublikasi xalqaro shartnomalari to‘plami. – Toshkent, 2012. № 3 – 4. – B. 42.
5. QarDU, QarMII va TATU Qarshi filyali joriy arxivi materiallari. 2014 yil. 10-varaq.
6. Mirzaev G‘.R. O‘zbekiston Respublikasi va Turkmaniston hamkorlik aloqalarining shakllanish va rivojlanish tarixi: Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. - Toshkent, 2018. – B. 16.
7. 2018–2020 yillarga mo‘ljallangan iqtisodiy hamkorlik to‘g‘risida// <https://lex.uz/docs/>. 1-varaq.

MILLATLARARO MUNOSABATLAR TARAQQIYOTIDA MILLIY-MADANIY MARKAZLARNING O‘RNI

Axmadova S.A.

QarDU Tarix fakulteti 2-kurs magistranti

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan keyin davlatga nomi berilgan o‘zbek xalqi bilan yonma-yon yashayotgan barcha millat vakillariga ham millat sifatida saqlanib qolishlari va rivojlanishlari uchun barcha sharoitlar yaratib berildi. Ko‘p millat va elatli davlatlarda doim o‘z hududida istiqomat qilayotgan turli xalq va millatlarning hamjihatligidan bevosita manfaatdor

bo‘ladilar. Chunonchi, bu ko‘p millatli davlatning beqaror rivojlanishini ta’minlovchi muhim omildir. Millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglik tinch va totuv jamiyatning muhim tarkibiy qismidir. Turli etnik va diniy e’tiqodga ega bo‘lgan odamlar o‘zaro hurmat va tushunish ruhida birlashsa, bu birdamlik va hamkorlik tuyg‘usini kuchaytiradi.

O‘zbek xalqi azaldan mehribon, mehmondo‘st va bag‘rikeng xalq bo‘lgan. Yurtimizda turli millat vakillarining ahlikda yashab kelayotganligi ham xalqimizning olijanobligiga misol bo‘la oladi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “O‘zbekistonning eng yaxshi yangi tarixi va biz erishgan olamshumul yutuqlar mard va matonatli xalqimiz har qanday qiyinchilik, to‘siq va sinovlarni o‘z kuchi va irodasi bilan yengib o‘tishga qodir, deb baralla aytishga to‘la asos beradi” Yurtimizda millatlararo munosabatning shakllanishi va rivojlanishiga 1992-yil 24-yanvarda Vazirlar mahkamasi qarori bilan “Baynalmilal Madaniyati Markazi”ning tashkil etilishi juda katta imkoniyatlar yaratdi. Ayni paytda milliy madaniy markazlarga amaliy hamda metodik yordam ko‘rsatib, ularning tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlab, millati, irqi va diniy e’tiqodidan qat’i nazar, fuqarolar ongida ko‘p millatli yagona oila tuyg‘usini mustahkamlash, “O‘zbekiston — umumiy uyimiz” tamoyilini amalga oshirish bo‘yicha joylarda turli anjumanlar, uchrashuvlar, festivallar o‘tkazilmoqda. Ularda milliy-madaniy markazlar vakillari faol qatnashayotir. O‘z navbatida, muqaddas zaminimizda turli millat hamda elatlar vakillarining an’ana va urf-odatlarini rivojlantirishi, milliy hamda diniy bayramlarini emin-erkin nishonlashi uchun ham zarur shart-sharoitlar yaratilgan. Bularning barchasi o‘zaro hamjihatlikni yanada ta’minlashga xizmat qilmoqda.

Respublikada aholining ko‘p millatli ekanligini hisobga olgan holda tinchlik va osoyishtalikni saqlash va yanada mustahkamlashning muhim omili bo‘lgan millatlararo totuvlik va hamjihatlikni ta’minlash, barcha millatga mansub aholining ma’naviy-madaniy ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltirilgan milliy-madaniy markazlar faoliyati qo‘llab-quvvatlanib, millatlararo munosabatlar tizimi takomillashtirildi.

Shu nuqtai nazardan, Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevning tashabbusi bilan ishlab chiqilgan, keng jamoatchilik muhokamasidan o‘tkazilgan va 2017-yil 7-fevralda tasdiqlangan 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida ushbu masalaga alohida e’tibor qaratildi. Bu dasturilamal hujjatning beshinchi ustuvor yo‘nalishi «Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash, chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritish» deb nomlangani bu harakatlar zaminidagi yorqin namunalardan deb misol keltirish mumkin.

O‘zbekiston Respublikasida o‘zbek xalqi bilan yonma-yon yashayotgan barcha millat vakillariga ham millat sifatida saqlanib qolishlari va rivojlanishlari uchun barcha sharoitlar yaratib berildigan. Respublikada aholining ko‘p millatli ekanligini hisobga olgan holda tinchlik va osoyishtalikni saqlash va yanada mustahkamlashning muhim omili bo‘lgan millatlararo totuvlik va hamjihatlikni ta’minlash, barcha millatga mansub aholining ma’naviy-madaniy ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltirilgan milliy-madaniy markazlar faoliyati qo‘llab-quvvatlanib, millatlararo munosabatlar tizimi takomillashtirilib borilmoqda.

Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qoidalari turmushga faol tatbiq etilmoqda, bu qoidalar O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari millatidan qat’i nazar O‘zbekiston xalqini tashkil etishini, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi o‘zining hududida yashovchi millat va elatlarning tili, urf-odati va an’analariga hurmat bilan munosabatda bo‘lishini, ularni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratilishini e’lon qiladi va kafolatlaydi”.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2019-yil 15-noyabrda “Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmoni qabul qilingani ayni muddao bo‘ldi. Millatlararo totuvlikni qo‘llab-quvvatlash har bir shaxs jamiyatga olib keladigan qadriyatni tan olishni o‘z ichiga oladi. Shuningdek, u turli etnik guruhlar o‘rtasida bo‘linishni keltirib chiqarishi mumkin bo‘lgan kamsitish, noto‘g‘ri qarash va

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

tengsizlik muammolarini hal qilishni o'z ichiga oladi. Muloqot, ta'lim va madaniy almashinuvni rag'batlantirish orqali jamoalar turli etnik guruhlar o'rtasida ko'prik o'rnatish va umumiy o'ziga xoslik tuyg'usini rivojlantirishga harakat qilishlari mumkin.

Qashqadaryo viloyatida 2020-yil 27-dekabrida viloyat hokimligi milliy-madaniy markazlarni qo'llab-quvvatlash va millatlararo totuvlikni yanada rivojlantirish maqsadida mahalliy budjetdan 300 million so'm qo'shimcha mablag' ajratdi. Viloyatimizda mavjud bo'lgan milliy-madaniy markazlarning har biriga 2021-yil boshida 50 million so'mdan o'tkazib berildi. Shuningdek, milliy markaz rahbarlari bilan bo'lib o'tgan uchrashuvda yangi yil bayrami munosabati bilan viloyat hokimining faxriy yorlig'i va estalik sovg'alari topshirildi.

2021-yil 12-aprelida viloyat hokimligi rahbarlari nodavlat notijorat tashkilotlar shu jumladan, viloyatimizdagi milliy-madaniy markazlar rahbarlari bilan uchrashuv o'tkazdi. 2006-yilda Qarshi shahri markazida qurilgan “Do'stlik uyi” binosida bo'lib o'tgan uchrashuvda viloyat hokimi mazkur binoni zamon talabiga mos ko'rinishda qayta jihozlab, har bir milliy-madaniy markaz uchun alohida o'ziga xos dizaynda jihozlangan xonalar tashkil etish haqida ko'rsatma berdi. Xulosa qilib aytganda, mamlakatimiz Prezidentining oqilona siyosati va viloyatimiz hokimligining qo'llab-quvvatlashi bilan milliy-madaniy markazlar faoliyati yangicha ko'rinishda rivojlanib bormoqda.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, jamiyatdagi do'stlik, tinchlik va barqarorlik muhitini mustahkamlash, hech shubhasiz, ijtimoiy, siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, gumanitar va ma'naviy sohalarda islohotlarni izchil amalga oshirish hamda xalqaro maydonda mamlakat nufuzini yanada yuksaltirishning muhim omili va zarur sharti hisoblanadi. Millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni targ'ib qilish orqali biz jamiyatning barcha qatlamlari vakillari tinchlik va hamjihatlikda birlasha oladigan yanada barkamol jamiyat yaratishimiz mumkin.

Eng asosiysi, Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyev tashabbusi bilan millatlararo munosabatlar, mamlakatimizda yashab kelayotgan turli millat va elat vakillarining tili, madaniyati, an'analari va urf-odatlarini saqlash va rivojlantirish sohasida amalga oshirilayotgan tizimli islohotlar samaralari xalqaro tashkilotlar, hamda, keng jamoatchilik tomonidan e'tirof etilmoqda. O'zbekistonning bu boradagi sa'y-harakatlari, bir tomondan, Konstitutsiya va Harakatlar strategiyasi, ikkinchi tomondan, mamlakatimiz qo'shilgan xalqaro shartnomalar, jumladan, BMTning Barqaror taraqqiyot maqsadlariga to'la hamohangdir.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Mirziyoyev Sh.M. "Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birga quramiz" – T.: O'zbekiston, 2017-yil.-B. 488
2. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda, 20-son, 354-modda, 23-son, 448-modda, 37-son, 982-modda.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 15-noyabrda qabul qilingan “Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi Farmoni // <https://xs.uz/uzkr/post/> millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston-Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida
4. <https://xs.uz/uzkr/post/> millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida

O'ZBEKISTON VA MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI O'RTASIDAGI SAVDO-IQTISODIY MUNOSABATLAR TARIXI

Bozorov Sh. A

ShDPI ijtimoiy fanlar yunalishi (tarix) 2 kurs magistranti

1991-yilda Sovet Ittifoqi parchalanib, mustaqillikka erishgach, O'zbekiston Markaziy Osiyodagi qo'shnilar bilan faol iqtisodiy aloqalarni yo'lga qo'ydi. Mamlakat mintaqa ichidagi savdo va sarmoya oqimini oshirishga qaratilgan turli tashabbus va kelishuvlar orqali mintaqaviy hamkorlikni mustahkamlashga intildi. Markaziy Osiyoda iqtisodiy integratsiyani rivojlantirishning asosiy mexanizmlaridan biri Markaziy Osiyo mintaqaviy iqtisodiy hamkorligi (CAREC) dasturidir.

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

O‘zbekiston CAREC a‘zosi bo‘lib, u infratuzilmani rivojlantirish, savdoga ko‘maklashish va siyosiy muloqot orqali mintaqaviy iqtisodiy hamkorlik va aloqalarni yaxshilashni maqsad qilgan. [1:64]

O‘zbekiston so‘nggi yillarda Markaziy Osiyodagi qo‘shnilari bilan savdo aloqalarini kengaytirish borasida katta sa'y-harakatlarni amalga oshirdi. Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston, Turkmaniston kabi davlatlar bilan savdo to‘siqlarini kamaytirish va iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirishga qaratilgan ikki tomonlama savdo shartnomalari imzolangan. O‘zbekiston va Markaziy Osiyo mamlakatlari o‘rtasidagi tovar ayirboshlash so‘nggi yillarda barqaror o‘shishda davom etmoqda. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi, energetika va ishlab chiqarish kabi sohalarda savdo hajmi ortib borayotgan ko‘plab Markaziy Osiyo mamlakatlari uchun eng yirik savdo sheriklaridan biri hisoblanadi. O‘zbekiston ikki tomonlama savdo kelishuvlaridan tashqari Yevroosiyo iqtisodiy ittifoqi (YEOI) va Shanxay hamkorlik tashkiloti (SHHT) kabi mintaqaviy iqtisodiy tashabbuslarda ham faol ishtirok etib kelmoqda.

O‘zbekiston turli ikki va ko‘p tomonlama tashabbuslar orqali Markaziy Osiyo davlatlari bilan mustahkam iqtisodiy aloqalar o‘rnatishga e‘tibor qaratib kelmoqda. Mamlakat mintaqada savdoni liberallashtirish va investitsiya imkoniyatlarini rivojlantirish maqsadida Markaziy Osiyo mintaqaviy iqtisodiy hamkorlik dasturi (CAREC) va Yevroosiyo iqtisodiy ittifoqi (YEOI) kabi mintaqaviy tashkilotlarda faol ishtirok etib kelmoqda. Bundan tashqari, O‘zbekiston o‘z qo‘shnilari bilan aloqalarni yaxshilash va savdoni osonlashtirish maqsadida infratuzilmani rivojlantirish loyihalarida ishtirok etmoqda. O‘zbekiston-Tojikiston-Xitoy temir yo‘li va O‘zbekiston-Qirg‘iziston-O‘zbekiston temir yo‘li kabi transport yo‘laklarining qurilishi mintaqada savdo aloqalarini kengaytirish va transchegaraviy hamkorlikni rivojlantirishda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘ldi. Bundan tashqari, O‘zbekiston Markaziy Osiyo davlatlari bilan energetika sohasida hamkorlikni kengaytirish muhimligini ta‘kidlab keladi. Mamlakat mintaqada energiya xavfsizligi va barqarorligini ta‘minlash maqsadida elektr uzatish liniyalarini qurish va qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirish kabi qo‘shma energetika loyihalarida faol ishtirok etmoqda. [2:18]

O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi savdo-iqtisodiy munosabatlarning chuqurlashishi barcha manfaatdor tomonlar uchun katta iqtisodiy foyda keltirdi. Savdo oqimining ortishi, investitsiya imkoniyatlari va texnologiyalar transferi mintaqada iqtisodiy o‘shishni rag‘batlantirish va yangi ish o‘rinlari yaratishga yordam berdi. Kelajakda O‘zbekiston va uning Markaziy Osiyodagi qo‘shnilari o‘rtasida savdo-iqtisodiy hamkorlikni yanada kengaytirish uchun katta imkoniyatlar mavjud. Mintaqaviy integratsiyani mustahkamlash, transchegaraviy sarmoyalarni rag‘batlantirish va iqtisodiyotni diversifikatsiya qilishni kuchaytirish mintaqada barqaror rivojlanish va farovonlikni ta‘minlashning asosiy ustuvor yo‘nalishlaridan bo‘ladi. O‘zbekiston va Markaziy Osiyo mamlakatlari o‘rtasidagi savdo aloqalari. Savdo munosabatlari mamlakatlar o‘rtasidagi iqtisodiy o‘shish va hamkorlikni rag‘batlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Markaziy Osiyo sharoitida O‘zbekiston va qo‘shni davlatlar o‘rtasidagi savdo aloqalari mintaqaning geografik jihatdan yaqinligi va umumiy tarixiy aloqalari tufayli alohida ahamiyatga ega. O‘zbekiston geografik va iqtisodiy jihatdan Markaziy Osiyoning eng yirik davlatlaridan biri sifatida mintaqada ichidagi savdo dinamikasini shakllantirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. O‘zbekiston Markaziy Osiyoning bir qancha davlatlari, jumladan Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston va Turkmaniston bilan chegaradosh. Bu qo‘shni davlatlar O‘zbekiston savdo tarmog‘ining asosiy qismini tashkil etadi, savdo aloqalari iqtisodiy taraqqiyot va mintaqaviy barqarorlik uchun muhim ahamiyatga ega. O‘tgan yillar davomida O‘zbekiston Markaziy Osiyodagi qo‘shnilari bilan o‘zaro hamkorlik va iqtisodiy o‘shishga ko‘maklashish maqsadida ikki tomonlama va ko‘p tomonlama savdo shartnomalarini faol ravishda amalga oshirdi. O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi savdo aloqalarining muhim jihatlaridan biri mintaqaviy integratsiya va hamkorlikka alohida e‘tibor qaratishdir. Markaziy Osiyo davlatlari o‘zlarining umumiy resurslaridan foydalanish va barqaror rivojlanishga ko‘maklashish uchun iqtisodiy aloqalarni mustahkamlash muhimligini tan oldilar. [3:14]

O‘zbekiston va Markaziy Osiyoning boshqa davlatlari o‘rtasidagi iqtisodiy aloqalar mintaqaviy hamkorlikni rivojlantirish, savdo-sotiqni rivojlantirish va mintaqada iqtisodiy o‘rtni ta’minlashda muhim ahamiyatga ega. O‘zbekiston Markaziy Osiyodagi eng yirik iqtisodiyotlardan biri sifatida qo‘shni davlatlar, jumladan Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston va Turkmaniston bilan iqtisodiy dinamikani va munosabatlarni shakllantirishda muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekiston so‘nggi yillarda turli ikki tomonlama kelishuvlar, savdo sheriklik va mintaqaviy tashabbuslar orqali Markaziy Osiyodagi qo‘shnilari bilan iqtisodiy aloqalarni mustahkamlashda sezilarli muvaffaqiyatlarga erishdi.

Markaziy Osiyo davlatlari o‘zlarining jamoaviy resurslaridan foydalanish, savdoni ko‘paytirish va mintaq bo‘ylab barqaror rivojlanishga ko‘maklashish uchun iqtisodiy hamkorlikni kengaytirish muhimligini tan oldilar. O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlarning muhim jihatlaridan biri savdo, sarmoya va iqtisodiy hamkorlikni diversifikatsiya qilishga qaratilayotgan e’tibordir. O‘zbekiston mintaqada kengroq iqtisodiy integratsiyani ta’minlash maqsadida savdoni erkinlashtirish, savdo to‘siqlarini kamaytirish va bozorga kirishni kengaytirishda faol ishtirok etib kelmoqda. O‘zbekiston va Markaziy Osiyo mamlakatlari o‘rtasidagi iqtisodiy aloqalar barqaror va jonli mintaqaviy iqtisodiyotni barpo etishda muhim ahamiyatga ega. Doimiy hamkorlik, savdo integratsiyasi va sarmoyaviy sheriklik orqali O‘zbekiston va uning qo‘shnilari kelgusi yillarda iqtisodiy rivojlanish, bandlik imkoniyatlarini yaratish va aholining umumiy farovonligini oshirishga tayyor.[5:52]

Oliy nasab ulamolarning nasliy ijtimoiy mavqeyiga ega bo‘lishi, ularning davlat boshqaruvi ishlarida eng yuqori amal pog‘onalarini egallashi barobarida, davlat hokimiyatiga siyosiy ta’siri ham sezilari bo‘lgan. Bunday toifa ulamolar qatoriga Mahmudi A’zam Kosoniy, Sayid Ota, Jo‘ybor xo‘jalari va Xo‘ja Ahror xonadoni vakillarini misol keltirish mumkin.[4:188]

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi savdo-iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish bo‘yicha olib borilayotgan sa’y-harakatlar mintaqaviy hamkorlik va integratsiyani rivojlantirishga qat’iy intilishdan dalolat beradi. O‘zbekiston va uning qo‘shnilari o‘zaro manfaatlar va umumiy maqsadlardan foydalangan holda, kelajakdagi imkoniyatlar boyligidan foydalanib, yanada gullab-yashnagan va o‘zaro bog‘langan Markaziy Osiyoni yaratishga tayyor.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Qamariddin Usmonov. O'zbekiston tarixi: milliy istiqlol davri. -T.: O'qituvchi, 2007.[1:64]
2. N.To'xliyev, Q.Haqberdiyev "O'zbekiston iqtisodiyoti asoslari". -T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi asoslari" nashriyoti, 2006.[2:18]
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Markaziy Osiyo davlatlari rahbarlarining maslahat uchrashuvidagi nutqi. // "Xalq so'zi" gazetasi, 2018 yil 16 mart, № 52 (7010).[3:14]
4. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(3), [4:188]
5. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. The Advance Science Journal of International Relations, 1(1),[5:52]

QASHQADARYO VILOYATIDA EKOLOGIK HOLATNI BUZILISHIGA SABAB OMILLAR

**Ismoilov E.
QarDu magistri.**

Mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishining istiqbollarini, uning atrof-muhitga ta’sirini hisobga olgan holda ko‘rib chiqish zarur. Shuning uchun bu davrda iqtisodiy va ekologik siyosatning uyg‘unlashuviga katta ahamiyatni qaratish lozim. Mustaqillikka erishgach, O‘zbekiston tabiiy resurslarning nobarqaror boshqaruvi bilan bog‘liq murakkab ekologik muammolar, shuningdek, kommunal, sanoat manbalari va sug‘oriladigan maydonlardan qaytgan oqova suvlar natijasida

vujudga kelgan yuqori ifloslanish darajasini meros qilib oldi. Bu esa qishloqxo‘jaligi, energetika va sanoat tarmoqlaridagi jiddiy tuzilmaviy muammolar tufayliro‘y berdi hamda mamlakat atrof-muhiti va tabiiy resurslarini boshqarish sohasidagi ko‘plab jiddiy muammolarning ilk sababchisi bo‘lib qolmoqda.

O‘zbekiston iqtisodiyotida ro‘y berayotgan tarmoq o‘zgarishlari tabiiy resurslardan foydalanish darajasi va atrof tabiiy muhit ifloslanishi darajasiga shubhasiz ta’sir etmoqda. Shuning uchun, bu davrda ekologik qarorlar qabul qilishning iqtisodiy omillari, ya’ni ekologik va iqtisodiy siyosatni uyg‘unlashtirish katta ahamiyatga ega bo‘ladi. Bunday sharoitlarda O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi iqtisodiy vositalarni keng qo‘llagan holda resurslarni tejaydigan va kam chiqitli (toza) texnologiyalarni, yangi xizmat turlari, tadbirkorlik va boshqalarni joriy qilishga yo‘naltirilgan siyosatni amalga oshirishga katta e’tibor qaratmoqda[4].

Atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va atrof-muhitga salbiy ta’sirning oldini olish muammolarini muvaffaqiyatli hal qilishmaqsadida, Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi tabiatni muhofaza qilish faoliyatining iqtisodiy uslublarini joriy etish hamda tabiatdan haq to‘lab foydalanishni «ifloslantiruvchi-to‘laydi» va «foydalanuvchi-to‘laydi» tamoyillari asosida joriy qilish va boshqarishni amalga oshirmoqda.

Atrof-muhitning samarali muhofazasini tashkil etish, tabiat zahiralardan oqilona foydalanish omillaridan foydalanishni yo‘lga qo‘yish hozirgi kunning eng dolzarb masalalaridan biridir.

Qashqadaryo viloyatining umumiy yer maydoni 28,6 ming kvadrat kilometrni tashkil etib, aholisi 2537,6 ming kishidan iborat. Viloyatda viloyatmarkazi Qarshi shahri va 13 ta tuman mavjud bo‘lib, ular asosan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish bilan shug‘ullanadi[1].

Respublikamiz mustaqilikka erishgach har bir tadbir eng avvalo atmosfera havosini ifloslamasligi kishilar sog‘ligiga putur yetkazmasligi nazarda tutilmoqda. Respublikasining qonuni qabul qilindi.

Atmosfera havosi ifloslanishining 60-65 foizi avtotransport vositalari hissasiga to‘g‘ri keladi. 2009-yilgi ma’lumotlarga ko‘ra Qashqadaryo viloyatida ekologik nazoratga olingan korxona va tashkilotlar soni 704 tani tashkil etgan. Ushbu korxonalaridan «Muborak neftgaz», «Sho‘rtangaz» kimyo kombinati, Dehqonobod kaliylik o‘g‘itlar zavodi, Muborak gazni qayta ishlash zavodi, 10 ta paxta tozalash zavodi, 2 ta yog‘-ekstraksiya zavodi atmosferaga katta miqdordagi chiqindilarni chiqaradi. Shu davrda viloyat hududida atmosfera havosiga ifloslantiruvchi zararli moddalar chiqaradigan ekologik nazoratdagi obyektlar soni 332 ta bo‘lib, shundan atrof-muhitga ta’sir ko‘rsatishning 1-toifasiga kiradigan obyektlar soni 14 ta, 2-toifasiga kiradigan obyektlar soni 27 ta, 3-toifasiga kiradigan obyektlar soni 286 ta, 4-toifaga kiradigan obyektlar soni esa 5 tani tashkil etgan[1].

Viloyat sanoat korxonalarining 2007-yildagi chiqindilari 96 ming 365 tonnani tashkil etgan. 2008-yilda esa 109 ming 201 tonna chiqindi chiqarilgan:

«O‘zbekneftgaz» milliy xolding kompaniyasiga qarashli Muborak gazni qayta ishlash zavodi 2008-yilda atmosferaga 60 ming 527 tonna zararli modda chiqargan. Bu ko‘rsatkich 2007-yildagiga nisbatan 13 ming 434 tonnaga ko‘p edi. 2008-yilda 2007-yildagiga nisbatan yuqori oltingugurtli gazlarni qayta ishlashga qabul qilish 2107260 ming kubga ko‘paygan. Natijada atmosferaga 13 ming 434 tonna sulfat angidridi ko‘p chiqarilgan. Bu ko‘rsatkich korxonada chiqarilayotgan zaharli moddalarning 2007-yilga nisbatan 3 ming 420 tonnaga ko‘payganidan dalolat beradi. «Muborakneftgaz» korxonasida texnologik qurilmalarga ishlatiladigan gazning sarfi oshganligi sababli 2008-yilda, 2007-yilga nisbatan atmosfera havosiga chiqarilgan zararli moddalar miqdori 2 ming 261 tonnaga ko‘paygan.

«Qashqadaryoneftmahsulot» boshqarmasining atmosferaga chiqargan zararli moddalar miqdori 2008-yilda 2007-yilga nisbatan 45 ming 74 tonnaga oshgan[2:48]. Qashqadaryo viloyatida atrof-muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan unumli foydalanish, ularni qayta ishlash maqsadida «2008-2012 yillarda atrof-muhitni muhofaza qilish ishlarini amalga oshirish dasturi» bo‘yicha 38 ta tadbir ishlab chiqilib amaliyotga tadbiiq etilgan. Hisobot davrida tadbirlarni

bajarishda 3 ta chiqindilarni vaqtinchalik joylashtirish joylari tashkil etilgan va 3126 tonna maishiy chiqindi zararsizlantirilgan[3:38-42].

Xulosa sifatida qayd etish joizki, o‘rganilayotgan davrda Qashqadaryo viloyati hududlarida ekologik vaziyat jiddiy tarzda yomonlashdi. Buning asosiy sababi mustabid tuzumning o‘ylamasdan chiqargan qarorlari hamda milliy manfaatlarni mensimasligi bo‘lsa, ikkinchi sababi esa texnika va texnologiyalarning jiddiy tarzda ko‘payishi oqibatida yuzaga kelgan. Paxta yakkahokimligining izidan quvish, zaharli preparatlardan ko‘p miqdorda foydalanish oqibatida O‘zbekistonda onalar va bolalar o‘limining ittifoq miqyosida oldingi o‘rinlarda turishga sabab bo‘lgan. Aholi orasida endokrin, allergik, qon aylanish, oshqozon ichak tizimi bilan bog‘liq kasalliklar keskin darajada ko‘payishiga sabab bo‘ldi. Sayyoramizda kishilarning salomat bo‘lishlari uchun texnikaning mo‘jizalari emas, balki toza suv, toza havo va toza tuproq yetarli bo‘lishi kerak. Bu esa odamlardan tabiatga nisbatan ehtiyotkor bo‘lib munosabatdabo‘lishi talab qiladi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2001.
2. «O‘zbekiston ekologiyasi» jurnali, .2009-yil №7. – B 48.
3. Qashqadaryo viloyat tabiatni muhofaza qilish qo‘mitasining 2008-yil yakunlariga doir hisoboti. – Qarshi, 2008. –B 38-42.
4. «O‘zbekiston ekologiyasi» jurnali, .2009-yil №8.

**SOVET HOKIMIYATINING O‘ZBEKISTONDA AMALGA OSHIRGAN
JAMOALASHTIRISH VA QULOQLARNI SINIF SIFATIDA TUGATISH SIYOSATI
(KOSON TUMANI MISOLIDA)**

Choriyev B.G.

QarDU 1-bosqich magistranti

O‘zbek xalqi tarixida asoratli voqealarni qoldirgan ommaviy jamoalashtirish davri ittifoq tasarrufidagi respublikalar qatori O‘zbekiston xalqi tarixiy taqdirida ayanchli va sezilarli asoratlarni qoldirgan davr sanaladi. Chunki xalqimizning qariyb chorak kam bir asrlik siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayoti mazkur tarixiy jarayon bilan mustahkam bog‘liq bo‘lgan davrdir.[1;5] Bugungi kunda yurtimizda sovet davri tarixini har taraflama, haqqoniy o‘rganish natijasida qishloq xo‘jaligini kollektivlashtirish siyosati va amaliyoti tarifiyning bizga qorong‘u bo‘lib kelgan qator muammo va masalalari namoyon bo‘lmoqdaki, ularni bugungi kun talablari bo‘yicha har taraflama ham ijobiy, ham salbiy xususiyatlari bo‘yicha o‘rganish, tahlil qilish, nazariy xulosalar chiqarishga e‘tibor qaratilgan.

XX asrning 20-30-yillarida sovet hokimiyati tomonidan amalga oshirilgan kollektivlashtirish siyosati hamda uning oqibatlari va quloqlashtirish jarayonlarini birgina Koson tumani misolida olsak ham ko‘pgina narsalarga guvoh bo‘lishimiz mumkin.

O‘zbekistonda jamoalashtirish va quloqlashtirish tarixiga yangicha metodologiya, yangicha ruhda yoritishni marhuma akademik R.H.Aminova birinchilardan bo‘lib boshlab berdi.[2;12] Taniqli olimaning 1990-yillarda e‘lon qilgan asarlari mustaqillik yillaridagi o‘zbek tarixshunosligiga katta hissa bo‘lib qo‘shildi. Jumladan, "Из истории коллективизации в Узбекистане" - "История СССР" М.1991, "Kollektivlashtirish - qashshoqlashtirish demak" T."Fan" 1995 kabi ilmiy adabiyotlarda muhim ma‘lumotlar beriladi. R.Shamsutdinovning "O‘zbekistonda sovetlarning quloqlashtirish siyosati va uning fojeali oqibatlari" (T."Sharq" 2001) asari nashr etilganligini alohida ta‘kidlash kerak.

1920-yillar oxiriga kelib butun Qashqadaryo viloyatida bo‘lganidek, Koson tumanida hududida ham yoppasiga jamoalashtirish avj oldi. Kolxozlashtirish harakati keng doiraga ko‘chdi. Tuman partiya qo‘mitasi qaroriga muvofiq Koson, Po‘lati, Jenov qishloqlarida birinchilar qatorida jamoa xo‘jaligini tuzishga kirishildi.

Koson qishloq sovetiga kolxoz tuzish ishlariga vakil etib Hazratqul Turdiyev, Jo'ra Umarov, Qodir Niyozovlar, Jenov qishloq sovetiga Xidiraliyev, Po'lati qishloq sovetiga Hamro Qurbonov vakil etib tayinlandi. Ushbu vakillar yordamida mazkur joylarda kolxozga ixtiyoriy ish printsiplari qo'pol ravishda buzilib, ommaviy, majburiy ravishda kolxozlarga kirish holatlari qayd etildi.

Koson tumanida Quyiturkon, Nartibaland mahallalarini o'z ichiga olgan Stalin nomidagi kolxoz tuziladi. Kolxoz raisi etib Hamro Badalov saylandi. Po'lati qishlog'i hududida Pirmat Boboqulov raisligida "Qizil O'zbekiston" kolxozi, Jeynov qishlog'ida "Baynalmilal" nomidagi dastlabki kolxozlar tashkil topdi. Shunday qilib, 1929-yilning kuzigacha Koson tumanida 30 ta jamoa xo'jaligi tuzildi. Qishloq sovetlarining soni 14 taga yetdi.[3;37]

Kolxozlashtirish paytida ko'plab kishilar qamab qo'yildi. Ularga "odob" o'rgatilgach, 10-15 kunda ochiqqa chiqarildi. Hokimiyat xo'jaliklarni har tomonlama qo'llab-quvvat edi. Kolxoz xo'jaligining afzalligini ko'rsatish va ko'plab kishilarni kolxozga qiziqtirish maqsadida moddiy yordam ko'rsatildi. Yakka xo'jaliklar esa davlat tomonidan beriladigan yordamdan mahrum edilar. Bu esa yerdan olinadigan hosilga o'z ta'sirini ko'rsatdi. Agar kollektiv xo'jalik belgilangan hosilni hisob-kitob bilan to'la olgan bo'lsa, yakka xo'jalik esa o'sha hosilning yarmini olar edi.

Tumanda jamoalashtirishni yoppasiga avj oldirish maqsadida tuman kolxoz soyuzi tuziladi. Bu tashkilotga rais etib namanganlik H.Shokirova saylanadi. 1931-yil 11-yanvarda Koson tumani ijroiya qo'mitasining navbatdagi yig'ilishida bu tashkilot rahbarining hisoboti eshutiladi. Mazkur hisobotda Koson qishloq sovetiga qarashli "Stalin", "Dehqon", "Ohunboboyev", "A.Ikromov" nomidagi kolxozlar tuzilgani, Po'lati qishloq sovetiga qarashli Bo'lmas, Guvalak, Po'lati, Mullali Qo'zi-Qo'chqor qishloqlarida "Qizil Oktabr", "Lenin", "F.Xodjayev" nomidagi kolxozlar, Maymanoqda, Komilon, Qatag'on, Sariq qishloqlarida "Qizil Bayroq", "Voroshilov", "Qizil Oktabr", "Ikromov" nomidagi kolxozlar tashkil topganligi qayd etilib, 1931-yilgi bahorgi ekin mavsumida bu kolxozlar o'rtasida ekin kompaniyasini muvaffaqiyatli yakunlash, kolxozdagi yot qatlam, unsurlarni tezroq tozalash, hosil ko'rsatkichi uchun kolxozlar o'rtasida sotsialistik musobaqa tashkil etish, rayon kolxoz soyuzi tomonidan kolxozlardagi mavjud partiya apparatini qaytadan ko'zdan kechirish haqida to'xtaldi.

Mazkur kolxozlar soyuzining tashabbusi bilan boylarning chorva va boshqa mol-mulkini umumlashtirish boshlandi. 1931-yilda O'zbekistonda kollektivlashtirish jarayonining o'ziga xos xususiyatlaridan biri kolxoz qurilishi nafaqat paxtachilik rayonlarida, balki chorvador rayonlarda ham keng quloch yoyganligi bo'ldi.[4;520] 1932-yilning aprelida respublika dehqon xo'jaliklarining umumiy miqdorida ijtimoiy sektor 74,9 %ni tashkil etdi.[5;48] Tuman partiya qo'mitasining byurosi qarori bilan yoppasiga amaliy ish boshlanib ketadi. Sovet apparatining butun qudrati qishloqlardagi boylarga qaratildi.

1931-yil 25-martda Xo'janazar Jumanazarov, Aliqul Sharipov, Hilola Saidmurodova, Hadicha Shokirovalardan tuzilgan ishchi guruhi mahalliy boylardan Azimboy, Qoraboy, Rahmonboylarning Maydayobuda yashirgan katta sonli chorva mollarini umumlashtirishga yuborgan. Po'lati qishlog'iga quloqlarni sinf sifatida tugatish uchun yuborilgan ishchi guruhlariga qishloq faollaridan Nazar Xolmonov, Melissa Xolmonovlar yordam berishib, qishloqlardagi 10 nafar boyning mol-mulki musodara qilinib Po'lati qishloq kengashi qarashli "Qizil O'zbekiston" kolxoziga, Qoraqum davlat xo'jaligiga topshirishgan.

1931-yil 5-iyuniga qadar Koson tumanida 34 ta "quloq" xo'jaligi tugatilib ularga tegishli 1884 bosh qo'y, 560 bosh tuya, 46 ot tortib olindi. Shu bilan birga bu xo'jaliklarga tegishli qimmatbaho buyumlar, uy-ro'zg'or buyumlari ham musodara qilinib o'zlari hibsga olingan. Iyun oyining o'rtalarida qamoqqa olinganlar soni tuman bo'yicha 44 taga yetdi. Quloq qilishda ma'lum bir mezon o'lchovlariga rioya qilinmagan. Tadbir davomida tumanda barcha chorvador xo'jaliklar 7811 ta bo'lgan. Bu xo'jaliklardan 91 tasi "quloq" xo'jaligi sifatida tugatilib ulardan 10504 bosh chorva hayvoni musodara qilib olingan.

1932-yil fevral oyida Koson qishloq sho'rosiga qarashli Ohunboboyev nomli, F.Xo'jayev nomli, Stalin nomli kolxozlarda tozalash ishlarini olib borish uchun Hazratqul Turdiyev, Jo'raqul

Umarov, Umir Toshboyevlar yuborilib, ular tomonidan 45 nafar oqsoqollar topilib quloq qilindi, mol-mulki esa musodar etildi. Yangi tuzilgan kolxozlarni "tozalash" tuman bo'ylab keng jabhada olib borildi. Elga tanilgan malakali kadrlar badarg'a etildi. Sovetlar olib borgan siyosatga ozgina bo'lsada, norozilik bildirgan shaxslar esa o'z qishloqlarida surgun qilindi.

Sovet hokimiyatining butun Qashqadaryo viloyatida bo'lganidek, Koson tumanida o'tkazgan millatchilik siyosatining fojealaridan biri shu bo'ldiki, ular 1925-1929-yillarda yer-suv islohoti o'tkazish bahonasida tumandagi barcha qishloqlarda yangi ijtimoiy ziddiyatlar keltirib chiqarishga intildilar. Bu islohot tufayli yer-suv, ishlab chiqarishning boshqa vositalari, mahalliy boy qatlam-larga qarashli yerlar, mol-mulklar musodara qilindi. Sovet tuzumi amalga oshirgan ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy tadbirlar Koson xalqining ma'naviy turmush tarzini tubdan o'zgartirib yubordi.[6;37]

Tuman partiya tashkiloti rahbarlari tumanda kolxoz qurilishi sur'atlarini sun'iy ravishda avj oldirishga, tuzilgan kolxozlarni esa "sotsialistik asosda mustahkamlash"ga harakat qildilar. Bu yo'lda qishloq faollaridan unumli foydalanishdi. Yuqoridan tazyiq o'tkazishning kuchayishi, tumandagi o'ziga to'q oilalarni quloq qilishning faol tus olishi, mehnatkash dehqonlarga ma'muriy iqtisodiy siquvning qattiqlashuvi Koson tumani tarixining 1920-1930-yillardagi holatida to'liq aksini topdi.

Kollektivlashtirish siyosatini amalga oshirish natijasida qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishga davlat monopoliyasi o'rnatildi, dehqonlarning yerga bo'lgan xususiy mulkchiligi tugatildi. Zo'ravonlik bilan o'tkazilgan jamoalashtirish siyosati oqibatida ko'plab ishbilarmon, tadbirkor odamlarning ishga, yerga bo'lgan munosabati sovib ketdi. Jamoalashtirish siyosatining qishloqlarda amalga oshirilishi natijasida insonlarning barcha huquqlari oyoqosti qilindi. Ota-bobolarimiz dindorligi uchun ham, ma'muriy talablarga e'tiroz bildirganligi uchun ham, shaxsiy adovati uchun ham quloq qilindilar.[7;186]

Davlatning qishloqdagi azaliy an'anaviy xo'jalik aloqalari tizimiga yoppasiga aralashuvi, qishloq xo'jaligi uchun mutlaqo zararli bo'lgan sotsialistik munosabatlarning majburan tiqishtirilishi mustaqil rivojlanishning ichki imkoniyatlarini barbod qildi, qishloq mehnatkashlarining ongi buzilib bordi.[8;359]

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki jamoalashtirish va quloqlashtirish siyosati o'zbek qishlog'ining tarixiy rivojlanish qonuniyatiga, uning ijtimoiy tuzilmasiga jiddiy zarba berdi. Asrlar davomida o'zbek qishloqlarida shakllangan milliy va diniy qadriyatlarga, dehqonchilik madaniyati va ma'naviy hayotiga muayyan darajada putur yetkazildi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Nazarov.O. O'zbekistonda ommaviy jamoalashtirishning o'tkazilishi va uning oqibatlari (jarayon va ziddiyat).Monografiya. Guliston-2022. 5-bet.
2. Shamsutdinov.R. O'zbekistonda quloqlashtirish siyosati va uning fojeali oqibatlari. T-:"Sharq"-2000, 12-bet.
3. Muhamedov. N. Koson tarix sahifalarida. Qarshi: "Nasaf" 1997.
4. O'zbekiston tarixi (1917-1991-yillar). Birinchi kitob 1917-1939-yillar. T-:"O'zbekiston" 2019, 520-521-betlar.
5. Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане."История СССР" М-1991,48-б.
6. Muhamedov. N. Koson tarix sahifalarida. Qarshi: "Nasaf" 1997.
7. Aminova. R.X. Kollektivlashtirish - qashshoqlashtirish demak. T-:"Sharq yulduzi", 1992, 12-son, 185-186-betlar.
8. Jo'rayev.M, Nurullin.R, Kamolov.S va b. O'zbekistonning yangi tarixi.2-kitob. O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. T-:"Sharq" 2000, 359-bet.

5-ШЎБА

ТУРИЗМ ҲАМДА МУЗЕЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.

Бабажанова Д.

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Ўзбекистон иқтисодиётида қўлга киритилган ютуқларни тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилиш натижасида, унинг заминидан нима турганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Зеро, туризм соҳаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳатто, сиёсий соҳадаги масалаларни ҳам самарали ҳал этиш билан бирга, жамият ҳаётидаги муаммоли масалалар ечимига ҳам сезиларли таъсирини ўтказадиган янги, жозибали томонларини янада яққолроқ намоён эта бошлади.

Бугунги кунда дунё миқёсида мамлакат тараққиёти, иқтисодий ривожланиш учун катта даромад келтирадиган энг муҳим тармоқлардан бири –туризм ҳисобланади. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили ўртача 1,2 млрд. нафар киши саёҳатга чиқади, жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi улуши 10 фоиз, хизматлар экспортида 30 фоиз, савдо ҳажмида 6 фоизга етган[1.]. Туризм соҳасини ривожлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий механизмлар Жаҳон сайёҳлик ва Халқаро туризм ташкилотлари томонидан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, барқарор тараққиёт учун илмий жиҳатдан ўрганилмоқда ва соҳада учрайдиган муаммолар бартараф этилиб, янада такомиллаштирилмоқда.

Халқаро майдонда тобора катта қизиқиш уйғотаётган, ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат бўлган Ўзбекистон катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 8,2 минг маданий мерос объектлари мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар – Хива шаҳридаги Ичан қалъа, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази ҳамда Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган[2:173].

Тарихий ва маданий ёдгорликларга бой, бетакрор маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига туризмни ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш кераклиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади”[3]. Боиси, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришнинг асосий драйверидан ҳисобланган туризмни ривожлантириш устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш мумкинки, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2024 йил 1 март куни Хоразм вилоятида бўлиб ўтган йиғилишда “Сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразмга кириш учун “Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади”[4], деб таъкидлагани бежиз эмас. Айниқса, бу ҳудудда туризмни ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур қабул қилиниши, унга кўра, Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тушуми 3 йил давомида Хоразмнинг ўзида қолдирилиши тўғрисида фикрлар қайд этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида, “86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 3,3 баробар кўп демакдир. ...Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири–жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат”[5], деб таъкидланди.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарор ва Президентнинг ўнлаб фармонлари чиққан.

Ўнлаб мамлакатлар билан туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланган бўлиб, вилоятларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Жаҳонда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган энг муҳим тармоқлардан бири – туризм ҳисобланар экан, мазкур тармоқни янада такомиллаштириш зарурлигини бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Тарихан зиёрат учун қулай мамлакат бўлган Ўзбекистон, деб аталган она заминда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк алломалар яшаб, ижод қилганлар. Улар қолдирган бой илмий-маънавий мерос халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотган. “Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш”[6], кераклиги Президент Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланган. Зеро, бугунги кунда туризм барча мамлакатларда миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири ҳисобланган асосий манбадир.

Ўзбекистонда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, унинг ноанъанавий турлари-экотуризм, агротуризм, археологик, этнографик, зиёрат туризми ва бошқалар шакллана бошлади.

Президентнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида келтирилган 35-мақсадда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш”, шунингдек, “Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш” каби муҳим долзарб масалалар[7:20] мамлакатимизда туризмни янада ривожлантиришда катта ўрин эгаллайди.

Самарқандни “Туризм дарвозаси”га айлантириш орқали 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматлар сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш[8]га қаратилган вазифалар жадаллик билан амалга ошириш учун барча имкониятлар ишга солинди.

Жаҳонда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган энг муҳим соҳалардан бири – туризм ҳисобланади. Яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, мазкур соҳани янада такомиллаштириш зарурлигини бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилмоқда[9:3]. Дунёда туризмнинг 200 дан ортиқ тури бўлиб, улар орасида зиёрат туризми тез ривожланаётган, оммалашаётган ва истиқболли йўналишлардан ҳисобланади[10]. Туризм мамлакат иқтисодиётига фаол инвестиция жалб этиш имконини берадиган энг жозибали тармоқлардан бирига айланган. Зеро, ҳар бир инсон сайру саёҳат қилиш, дунёнинг гўзал масканларини кезиш, муқаддас қадамжоларда бўлиш, табиатнинг ноёб обидаларини кўриш орзусида юради. Кейинги пайтда бунинг учун зарур инфратузилма яратилиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланаётгани, энг асосийси, дунё аҳолиси даромади кўпайиб, иқтисодий имконияти ортиб бораётгани туфайли сайёҳлар оқими тобора кўпаймоқда. Зиёрат туризмига туризм индустриясининг энг истиқболли йўналиши сифатида қаралмоқда[11].

Бугунги кунга келиб, Бутунжаҳон туризм ташкилоти эътирофига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси энг тез ривожланаётган 20 мамлакат ичида 4-ўринга чиқди ҳамда “Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси” рейтингида 32-ўриндан 22-ўринга кўтарилиб, “энг жозибадор” ҳамда “хавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори” бўлган 10 мамлакат қаторига кирди[12].

Ўзбекистон илгари тарихий, маданий туризм билан чекланиб келган бўлса, бугунги кунда янги йўналишлар қаторида этнографик, гастрономик, зиёрат туризмига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инсоннинг кўп саёҳат ва зиёратлар қилиб туриши унинг жисмонан соғлом, руҳан тетик ва маънавий олами бой бўлишига олиб келади.

Туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, туризм жозибадорлигини ошириш, соҳадаги муаммоларни ўрганиш, инновацион бошқарув усуллари кўллаш, бизнес фаолиятини тезлаштириш ва ундаги тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тизимдаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, уларнинг туризм бозоридаги динамикасини тенг бўлишига эришиш, уларнинг ечимини топиш каби масалалар долзарб ҳисобланади. Келгусида мамлакатда туризмни ривожлантиришда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятининг ўрни ниҳоятда катта, ана шуларни тарғиб қилиш мақсадида фаолият кўрсатаётган музейлардаги экспонатларни сақлаш ва улар устидан замонавий назорат тизимини ўрнатиш, музей ходимлари ва гидэкспурсаводлар малакасини ошириш бора-сида изчил равишда фаолият олиб борилмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиётининг бугунги аҳволи қандай?// <https://m.kun.uz/news>.
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – Б.173.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech>.
4. Хоразмга кириш учун янги виза жорий қилинади// <https://qalampir.uz/news/khorazmga-kirish-uchun-yangi-viza-zhoriy-k-ilinadi-98160>.
5. Ўзбекистон Республикаси Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2018 йил 8 февраль.
7. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, 35-мақсад// Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони. – Б.20.
8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони// www.lex.uz/docs/3107036.
9. Бобожонова Д. Ўзбекистон тарихи. Мустақил Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида туризм-нинг тутган ўрни. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ЎзДЖТУ. 2019. – Б.3.
10. Бобожонов Ш. Зиёрат туризми – Ўзбекистоннинг “ташриф қоғози” // Халқ сўзи, 2022 йил 22 сентябрь, № 207 (8269).
11. Раҳмонов С. Ўзбекистонни мусулмон олами қайта кашф қилмоқда // Халқ сўзи, 2019 йил 26 февраль, № 39 (7269).
12. Шаҳриёров Б. Туризм – миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим драйвери. Сайёҳлар оқимини кўпайтириш эса соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг маъсуляти, ижро интизомига боғлиқ. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил 21 август. № 170 (692).

РОЛЬ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ УЗБЕКИСТАНА В РАЗВИТИИ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА

Турсунова Р

доктор исторических наук, доцент кафедры Политология УМЭД

Туризм становится ведущей отраслью экономики во многих странах мира, принося высокий доход в государственный бюджет. До такого уровня туристическую индустрию доводят многие факторы: благоприятный или экстремальный климат, водные ресурсы, зоны отдыха, уровень медицинского обслуживания. Туризм не только пополняет бюджет, но и

приносит политические дивиденды, поскольку формирует положительный имидж страны, привлекает инвесторов, расширяет международные связи.

Современный туризм как доходная отрасль в условиях глобализации требует к себе особого отношения, взвешенного подхода, продуманной стратегии. Анализ позволяет выявить диспропорцию между странами, готовыми предложить туристические услуги, и теми, которые готовы поставлять туристов. Такая диспропорция обуславливает высокий уровень конкуренции на рынке международного туризма.

Чтобы войти в число конкурентоспособных стран, нашей стране предстоит выстроить современную систему туристической отрасли, имеющей несколько аспектов: гастрономический, релаксационный, экстремальный, историко-познавательный, в том числе с религиозными целями.

Историко-культурный потенциал нашей республики интересно рассмотреть через призму развития туристической индустрии в международном формате.

В XXI в. туризм интегрировал в мировую экономику более 10% доли мирового ВВП; в таких странах, как Испания, США, Франция, Египет, Малайзия, ОАЭ, доходы от туризма варьируют от 10 до 45% ВВП, что указывает на ее значимость. За последние 40 лет число туристов, выехавших в другие государства, возросло почти в 20 раз, а доход от туризма — в 60 раз, поступления от международного туризма иногда составляют более 400 млрд долл. США. Индустрия туризма обеспечивает работой 192 млн человек, что составляет 8% населения в мире.

Международный туризм способствует диверсификации экономики, создавая отрасли, обслуживающие сферу туризма.[5] Эксперты прогнозируют, что число туристов, которые хотят не просто отдохнуть, а иметь возможность провести запоминающийся отдых за границей, с каждым годом будет расти.

Развитие туризма в Узбекистане началось после обретения независимости.[1] С 1999 г. Закон «О туризме» служил основой для развития туристической отрасли в Узбекистане. Он был направлен на либерализацию в деле создания рынка туристических услуг, частного сектора, конкуренции. Дальнейшее развитие туризма и превращение его в развитую туристическую индустрию потребовало выполнения международных стандартов, определяемых Всемирной туристической организацией, и их имплементации в национальное законодательство.[5]

Международно-правовое регулирование туристических услуг осуществляется на основе 10 международных Конвенций, а также Устава Всемирной туристической организации ООН (ЮН ВТО), других документов, к которым присоединилась Республика Узбекистан, ряда двусторонних договоров, подписанных Узбекистаном в целях сотрудничества в сфере туризма.

ЮН ВТО руководствуется 20 документами, которые, хотя и носят рекомендательный характер, все же способствуют совершенствованию и унификации документов в сфере туристического бизнеса и развития туристической индустрии.[8]

Вступление Узбекистана в ЮН ВТО стало важным событием в развитии отечественного туризма. В рамках сотрудничества с указанной организацией в 1994 г. 19 странами мира была принята Самаркандская декларация о туризме вдоль Великого Шелкового пути; в 1999 г. хивинская декларация по туризму и сохранению культурного наследия, поддержанная ЮН ВТО, ЮНЕСКО и Советом Европы; в 2002 г. – Бухарская декларация по туризму вдоль Великого Шелкового пути. В них определяются преимущества устойчивого туризма и конкретные шаги по стимулированию культурного и экологического туризма на этом направлении.[6]

В подтверждение признания особого места республики в мировой туристической индустрии в 2004 г. в Самарканде был открыт региональный офис ЮН ВТО по координации развития туризма на Великом Шелковом пути. Следует отметить, что такой офис был открыт

лишь в двух странах — в Японии и Узбекистане. Его основная функция — обозначение направлений в развитии не только регионального, но и международного туризма.[6]

Чтобы совершенствовать туристическую инфраструктуру, нашему государству предстоит решить ряд задач, в том числе по увеличению количества туристов и стран, желающих посетить Узбекистан, по привлечению иностранных инвесторов, готовых вкладывать средства в разные виды туризма, по активизации рекламных акций, позиционирующих историко-культурный потенциал страны. Вместе с тем самой приоритетной из задач остается подготовка высококвалифицированных кадров, отвечающих международным стандартам.

Подготовкой кадров для туристической отрасли занимаются пять вузов страны, в том числе Ташкентский государственный экономический университет, Бухарский и Ургенчский государственные университеты, Сингапурский институт развития менеджмента в Ташкенте и открытый в 2018 г. Международный университет туризма в Самарканде, в котором бакалавры изучают языки стран-членов ШОС. Все они входят в организационную структуру Госкомтуризма.

По международной квалификации туристическую отрасль условно разделяют на следующие виды: курортный туризм, историко-культурный, экологический туризм, геотуризм, гастрономический туризм, шопинг-туризм, лечебно-оздоровительный туризм, учебно-образовательный туризм, религиозный, экзотический, событийный, сельский, горный, экстремальный, спортивный и др.

Потенциал Узбекистана по данной классификации весьма высок, чему способствует 290 дней в году благоприятной погоды, но прежде всего неповторимый колорит историко-культурных объектов. По официальным источникам, таких объектов насчитывается более 7000, из которых более 4000 памятников культуры, официально вошедших в Список всемирного культурного наследия ЮНЕСКО [2], относящихся к различным историческим эпохам и цивилизациям.

«Для нас туризм, - указывает Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев, - ассоциируется прежде всего с нашими древними городами, историко-культурными памятниками. А ведь в стране есть большой потенциал для развития туризма – наша неповторимая природа, национальные заповедники, рекреационные зоны в горных районах. Развитие разных видов туризма, особенно медицинского, паломнического, экологического, даст мощный импульс укреплению не только экономики, но и социальной сферы». [4]

Безусловно, преобладает историко-культурный вид туризма, однако уже зафиксировано появление новых видов, которые привлекают иностранных гостей: экотуризм, геотуризм, медицинский, религиозный, гастрономический и др.

Результатом целенаправленной работы в туристическом секторе стало увеличение числа туристов, прибывающих в Узбекистан из разных даже географически удаленных стран. По официальным данным, ежегодно Узбекистан посещают более 2 млн человек из разных уголков мира. Особенной популярностью наша страна пользуется у граждан Германии, Франции, Италии, Республики Корея, Японии, КНР, Малайзии, России, Индии.[6]

Быстрыми темпами развивается туристическая инфраструктура, которая насчитывает 877 туристических фирм и организаций, имеющих лицензию на туристическую деятельность. В числе субъектов туристической деятельности насчитывается 359 гостиниц, 371 — туристская фирма (турагенты и туроператоры), причем около 90% из них относится к частному сектору, что влияет на формирование конкурентной среды в системе туризма по оказанию туристских услуг.[5]

С началом президентства Ш.М.Мирзиёева туристическая индустрия получила новый импульс развития. В целях комфортного пребывания иностранцев в Узбекистане 2 ноября 2017 г. была принята Концепция обеспечения безопасного туризма. Она разработана в соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Респуб-

лики Узбекистан в 2017-2021 гг. и действует в самых крупных туристических центрах – Бухаре, Самарканде, Хиве, Шахрисабзе.

Для обеспечения облегченного въезда в нашу страну с 10 февраля 2018 г. был установлен безвизовый режим для граждан семи государств — Израиля, Индонезии, Южной Кореи, Малайзии, Сингапура, Турции и Японии сроком на 30 дней, так как именно с Южной Кореей, Японией и Турцией установлено взаимовыгодное экономическое сотрудничество, а туристов из Индонезии, Малайзии и Сингапура привлекает религиозный вид туризма (паломничество).

С 2018 г. в Узбекистане упрощен также порядок оформления туристских виз для граждан 39 стран, среди которых США, Китай, Индия, Австралия и др. Предусматривается оформление визы в течение двух рабочих дней, не считая день приема документов, а также отмену требований о предоставлении в МИД туристского ваучера или обращения приглашающего юридического или физического лица.[3]

С 1 мая 2018 г. в Узбекистане началась выдача краткосрочных виз иностранцам сроком на 72 часа. Для ускорения всех процедур досмотра узбекистанская сторона внедрила порядок краткосрочного контролируемого выхода иностранцев с такими визами за пределы пограничной зоны аэропорта для ознакомительного тура по утвержденным туристским программам.[3]

Ярким показателем быстрорастущего интереса к нашей стране стало то, что по данным Агентства статистики, с января по декабрь 2023 года Узбекистан посетили 6,6 миллиона иностранных граждан в туристических целях. Эта цифра на 1,4 миллиона или 26,6% больше по сравнению с соответствующим периодом 2022 г. [7]

Таким образом, можно прийти к выводу, что туризм в Узбекистане претерпевает качественные изменения. Вместе с тем важно подчеркнуть, что он имеет большие перспективы для развития в обозримом будущем. Об этом свидетельствует статистика приезжающих туристов, поток которых растет из года в год, отзывы иностранных гостей, участие отечественных экспертов в международных туристических выставках и конференциях.

Туризм признан индустрией, способной приносить немалые дивиденды бюджету страны, создавать новые рабочие места, осваивать пассивные туристические зоны, формировать имидж страны и т.д.

Литература:

1. В 1992 г. был принят Указ Первого Президента Ислама Каримова, в соответствии с которым была учреждена Национальная компания «Узбектуризм». Институциональной основой формирующейся отрасли стали Закон «О туризме» принятый 20 августа 1999 г., а также Указ Первого Президента страны «О подготовке квалифицированных кадров для сферы туризма в Узбекистане» (30 июня 1999 г.) и Постановление Кабинета Министров «О мерах по дальнейшей поддержке и развитию сферы туризма в Республике Узбекистан» (10 октября 2012 г.). Нормативно-правовая база в сфере туризма продолжает совершенствоваться с учетом международного опыта.

2. Городами, вошедшими в Список всемирного наследия ЮНЕСКО, являются Хива, Самарканд, Бухара, Термез.

3. Кусочек рая: Узбекистан готовится стать азиатской Меккой для туристов. <https://ru.sputniknews-uz.com/tourism/20180211/7481457/uzbkistan-razvitiye-turizma.html>

4. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису //Народное слово от 29 декабря 2018.

5. Развитие туризма в Узбекистане: состояние и перспективы. <http://traveluzbekistan.uz/mice/index.php/ru/2016-08-17-12-28-13/167-poleznaya-informatsiya-2>

6. Развитие туризма в Узбекистане. <https://www.trend.az/casia/uzbekistan/2651045.html>

7. Сколько туристов посетило Узбекистан в 2023 году? <https://kun.uz/ru/26002500>

8. <https://ru.sputniknews-uz.com/tourism/20180211/7481457/uzbkistan-razvitiye-turizma.html>

ДОР УТ-ТИЛОВАТ МАЖМУАСИ: ТАРИХИ ВА БИНОЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

Аминов Б.Б.

Тошкент Кимё халқаро университети тарих кафедраси проф. в.б.

Мажмуанинг умумий тавсифи

Шаҳрисабз шаҳридаги Дор ут-тиловат мажмуаси марказий майдондан жанубда, марказий бозор ва Чорсу тижорат савдо марказидан узоқ бўлмаган жойда ўрнашган. Ҳозирги вақтда, шартли равишда Дор ут-тиловат мажмуаси деб номланган бу тўплам, режага кўра йирик квадратдан таркиб топган ва 500 м² майдонни эгаллайди. Комплекс ўрнашган жой, шаҳар умумий сатҳидан 2,25 м баланд. Бу Амир Темур ва унинг авлодлари даврининг ўзига хос ёдгорлик-меъморий ёдгорликларидир. Мажмуанинг алоҳида обидалари ўзининг меъморий-режавий композициясига кўра Самарқанддаги Шоҳи-Зинда иморатларининг эсга солади.

Мажмуанинг Шамсиддин Кулол мақбарасини ўз ичига олган асосий муқаддас қадам-жоси, комплекснинг анча кўҳна қисми саналади. Унга жануб тарафдан гумбазли Гумбаз-и саййидон мақбараси туташган. Илгари ғарб тарафдан мақбара ташқи деворларига пишиқ ғиштдан иншоот этилган куббали сағаналар туташган бўлган. Ўзозли шайх, унинг шогирдлари ва Термиз саййидларининг мақбараси ўз-ўзидан сағана иншоотларини ташкил қиларди. Афсуски, мазкур сағаналардан бизнинг кунимизга қадар фотосуратлардан ташқари бирор бир нарса сақланиб қолмаган.

Гумбаз-и саййидон ва Шамсиддин Кулол мақбаралари Шаҳрисабз некрополининг асосий идеологик негизлари деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда, тақрибан шайх Шамс ад-дин Кулол ал-Фахури (ум.772/1370 г.)нинг қабри яқинида, унинг муриди ва шогирди амир Тарағай (Амир Темурнинг отаси)нинг дафн жойи бўлганлиги эҳтимол қилинади. Манбалардаги маълумотларга қараганда Шамсиддин Кулолнинг мазори Кеш жомеъ масжиди яъни Кўк Гумбаз яқинида жойлашган бўлган. 1374 йили шайхнинг мақбарасидан қибла тарафда (Макка томонда) буюк ҳукмдорнинг фармони билан амир Тарағайнинг жасадини кўчириб жойлаштириш мақсадида гумбазли иморат (мақбара) барпо этилди. Амир Тарағай жасади Шаҳрисабздаги бизга номаълум бўлган қабристондан олинган бўлиб, мазкур оромгоҳда Тарағайнинг қабри ёнида отаси амир Барқал, унинг бошқа фарзандлари ва яқин қариндошлари гўрлари мавжуд бўлган. Сўнгра, Темур амир Тарағайнинг қабридан ўнг ва сўл тарафда алоҳида хилхоналар иншоот эттирган бўлиб, уларга тўсатдан вафот этган тўнғич фарзанди – Жаҳонгирни, шунингдек бошқа қариндошлари ҳамда давлатнинг номдор шахслари жасадлари учун амалга ошириб, жонажон Кешни диний-эътиқод марказига айлантирган. Шараф ад-дина Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига кўра, Амир Темур ҳар гал узоқ юришдан ўз жонажон уйига қайтганида шайх, отаси ва ўғли, ҳамда қариндошларининг қабрини зиёрат қилган.

XX асрнинг 70-80 йилларида амалга оширилган археологик ва тарихий тадқиқотлар негизда, Дор ут-тиловат мажмуасидан ғарбда жойлашган Дор ус-сиодат мажмуасидаги конусли куббага эга баланд иморат Жаҳонгир мақбараси эканлиги тахмин қилинади.

Мақбараларнинг рўпарасида эса мажмуанинг асосий ва муҳим ёдгорлиги - анча баланд ва катта бўлган Кўк Гумбаз жомеъ масжиди Мирзо Улуғбек томонидан отаси Хуросон ҳокими Шоҳрух шарафига барпо этилган. Масжиднинг ташқи деворлари, баланд гумбазнинг айланаси ва бино интерьерлари сулс ва кўфи хатларида битилган битиклардан иборат.

Кўк Гумбаз жомеъ масжиди ва ундаги битиклар

Кўк Гумбаз жомеъ масжиди Дор ут-тиловат мажмуасининг асосий ёдгорлиги саналади. Бино Мирзо Улуғбек курагон фармони билан 839/1434 йили бунёд этилган. Масжид тарҳига кўра квадрат шаклда (12,52x12,61 м). Томи гумбазли бўлиб меъморий елканлар устида туради. Унинг тўрт тарафида ўлчами 4,48-4,63 м.дан иборат чуқур токчалар мавжуд. Меҳроби ғарбий тоқида жойлашган. Эпиграфик битиклар асосан мозаикадан ишланган бўлиб, масжид ташқи барабани бош пештоқи ва иморатнинг ичкарасида қилинган. Араб ёзувининг турли услубида амалга битилган китобалар анъанавий нақшу-нигорлар билан бинога дабдабалик ва муҳташамлик мужассам этган.

Бинонинг бош пештоқидаги катибалар.

Битиклар асосан Қуръондан (Бақара сураси, 2: 127-128) олинган ва сулс ёзув услубида битилган.

Матн

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ {127} رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمَيْنِ لَكَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِنَا أُمَّةً مُسْلِمَةً لَكَ وَأَرِنَا مَنَاسِكَنَا وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ

Таржима

127. Иброҳим билан Исмоил “Эй Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сенинг Ўзинг эшитгувчи, билувчи Зотсан”, деб байтнинг пойдеворларини кўтараётганини эсла. 128. “Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг, тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳмли Зотсан.”

Масжид устувонасида ғиштлар билан кўфий услубида битиклар терилган. Ал-Фатҳ (48) сурасининг 1-2 оятлари оқ рангли ҳарфларда кўфий ёзувида сарғиш манзарада битилган.

Матн

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُبِينًا {1} لِيُغْفِرَ لَكَ اللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ وَيَهْدِيَكَ صِرَاطًا مُسْتَقِيمًا {2} وَيَنْصُرَكَ اللَّهُ نَصْرًا عَظِيمًا

Таржима

1. Албатта Биз сенга равшан фатҳни бердик 2. Аллоҳ сенинг аввал ўтган гуноҳларингни ва кейингиларини мағфират этиш, неъматини батамом қилиш ва сени тўғри йўлга бошлаш учун...

Масжид гумбази устувонасида оқ ҳарфлар билан мовий манзарада сулс ёзувида ал-Жум‘а (62) сураси битилган.

Масжид биносининг ичкарасида муқаддас сўзларнинг такрорланишидан композиция ишланган. Бу мовий манзарада кўфи банно услубида сарғиш ҳарфларда қуйидагилар битилган: **الله (Мулк Аллоҳникидир).**

Масжид пештоқида рангли ғиштлар билан араб ёзувининг хатти банно услубида **الله اكبر** муқаддас калимаси битилган.

Масжид пештоқидаги битиклар ва унда иморат ким томонидан ва қачон барпо этилганлиги ёзилган. Ёзувнинг сақланиши қониқарли. Уни қайта таъмирлаш пайтида айрим ҳарфлар нотўғри жойлаштирилганлиги кўзга ташланади. Ҳарфлар асосан сулси хатида ва оқ ранг билан ҳаворанг манзарда ислимий нақшлар билан мутаносиблик касб этган.

Матн

هذا الجامعالرسوماتها و صفاتها نفع ارد فيه الى قبة فى البلد الاحضر الفبة الحضر

Таржима

Бу жомеъ масжиди ўзининг нишонлари ва сифатлари билан фойдаланиш учун яшил шаҳар учун қурилди. Унда мовий гумбаз.

Масжид биносининг ичкарасида, унинг юқори қисми бўйлаб банд ва бу банднинг ичида сулси ёзувидаги битиклар. Улар ҳар бир деворда такрорланган. Сулси ёзуви ҳарфлари оқ ранг билан берилган бўлиб, у кўкимтир манзарада ислимий нақшлар билан мутаносиблик касб этган. Буларни қиёслаганда Гумбази саййидон деворидаги услубни кўриш мумкин. Мазкур битикларнинг матни Ҳадис-и шарифдан олинган:

Наби алайҳи с-салом айтди: Зулматли кечаларда масжидларга борувчилар учун қиёмат кунда уларга комил нур тушади.

Гумбаз-и саййидон гумбаз поясидаги рангли ғиштлар билан териб чиқилган кўфий ва сулси ёзув услуби элементларини ўзида мужасам этган матнлар. Улар оқ ранглар билан берилган. Гумбаз поясининг умумий манзараси пишиқ ғишт ранги ва кўфий ёзувдан иборат кўкимтир ранглардан ташкил топган. Матнда Қуръони каримнинг Фатҳ сураси (48) берилган:

1. Албатта Биз сенга равшан фатҳни бердик 2. Аллоҳ сенинг аввал ўтган гуноҳларингни ва кейингиларини мағфират этиш, неъматини батамом қилиш ва сени тўғри йўлга бошлаш учун...

**НЕКОТОРЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЕЕВ КЫРГЫЗСТАНА.**

Ибайдуллаев Хайрулло Хабибуллаевич,

кандидат социологических наук, заместитель генерального директора по науке Национального
историко-археологического музейного комплекса “Сулайман-Тоо”,

Анарбаев Алмазбек Шадыбекович

заместитель директора Государственный историко-культурный музей заповедник “Өзгөн”

Наш народ с древнейших времён продолжает жить, своими богатыми культурными ценностями. Наши мудрые предки оставили за собой культурные наследие: через устное творчество (эпосов), обычаи, обряды, санжыра (родословие) и т.д. Но с развитием технологии, глобализации мира у отдельных народов появилось проблемы сохранить свои культурные особенности.

В современном быстротечном процессе глобализации стремительно распространяются идеологии различных направлений, появились поколения, забывающие собственную культуру. В решении этой задачи необходимо, чтобы музейное учреждение играло ключевую роль и распространяло (пропагандировало) в народе историко-культурное наследие, хранящееся в его хранилище. Во все времена музей обладал высоким духовным потенциалом формирования нации, и сегодня его роль снова актуализируется. Это обусловлено возросшей потребностью общества в развитии национальной и культурной идентичности, стремлению каждого народа передать, сохранить и приумножить тот духовный и материальный культурный опыт, который был накоплен поколениями. Основными задачами музеев являются организация выставок культурных событий и праздников на государственном уровне, обеспечение особого освещения в средствах массовой информации, повышение культуры народа путем публикации статей, передача традиций предков будущим поколениям, пробуждение патриотизма. В настоящее время, несмотря на возникающие все новые формы музейной деятельности, в международной практике чаще всего используется определение, предложенное Международным советом музеев (ИКОМ) и включенное в его Устав в 1974 г. [1,16]. Определение, что такое музей, существенно изменилось впервые за полвека. Это произошло после открытого голосования членов Международного совета музеев (ICOM — ИКОМ) в Праге 24 августа. Во внеочередной генеральной ассамблее ИКОМ участвовали представители более 500 музеев со всего мира (русская делегация принимала участие онлайн); 92% из них проголосовали за новые признаки, описывающие музей, среди которых впервые появились слова «инклюзивность», «доступность», «устойчивость» и «этика». Новая формулировка звучит так: «Музей — это некоммерческая, постоянно действующая организация на службе обществу, которая исследует, собирает, сохраняет, интерпретирует и демонстрирует материальное и нематериальное наследие. Открытые для публики, доступные и инклюзивные, музеи способствуют разнообразию и устойчивости. [2].

В октябре-ноябре 2020 года мы провели социологическое исследование музеев на предмет уровня культурно-просветительских услуг, оказываемых музеями южного региона Кыргызстана. Его основная цель - определить уровень принятия общественностью культурных мероприятий, проводимых в музеях, и их запросов. Когда мы спросили музейных посетителей: «Вы когда-нибудь участвовали в культурном мероприятии в музее?» На вопрос 63,0% ответили, что никогда не участвовали. Это свидетельствует о низком уровне культурно-просветительской активности музеев в обществе и о необходимости изучения и разработки мер по ее возрождению. Если сравнивать музеи с другими учреждениями культуры страны в целом, то в 2021 году количество посетителей кинопоказов составило 2065,2 читателей библиотеки - 1,5 миллиона, а количество любителей театра - 174,9. А музеев посетили всего 668,2. [3]. Статистика показывает, что количество кинозрителей увеличилось более чем вдвое, и большинство этих кинотеатров были сданы в аренду и модернизированы предпринимателями.

А остальные 37,0% респондентов заявили, что когда-то участвовали в культурных мероприятиях, проводимых в музее. 49,3% посетили открытие выставок. Стало ясно, что организация выставок преобладает среди культурных и образовательных мероприятий в этих музеях. Так было с советских времен, когда государственным музеям было предписано организовывать выставки сверху, независимо от их профиля или типа экспонатов в их сокровищнице. Например, День независимости нашей страны, День государственного языка, 7 апреля, День народной революции, День эпоса «Манас», выставки, посвященные юбилеям известных людей и т.д. Поэтому для выполнения государственного заказа 90% воспитательной работы в музеях необходимо организовать в одном направлении.

Наш опрос также показал, что акция «Ночь в музее» вызвала интерес жителей южного Кыргызстана. На вопрос, какие культурные мероприятия они посещали в музее, 28,7% респондентов ответили, что они приняли участие в «Ночи в музее». Таким образом, можно сказать, что влияние новых социальных проектов на повышение роли музея в обществе велико.

К сожалению, наименьшее количество респондентов (6,7%) приняли участие в мероприятиях, посвященных Дню Независимости 31 августа, который является самым важным праздником в стране. Хотя празднование Дня Независимости проводится с большим размахом на центральных площадях, преобладают развлекательные программы. Мы понимаем достоинство независимости, зная историю до того, как она была достигнута. Мы знаем, что величайшая борьба в истории человечества велась за свободу. Мы увидели необходимость повысить роль музеев в этой области.

Также мы по этому вопросу провели опрос местных жителей южной части Кыргызстана. Когда мы спросили респондентов, проводят ли они культурные мероприятия в музеях вашего региона, они ответили, что большинство из них (42,5%) проводятся лишь периодически. В том же смысле большинство респондентов заявили, что в музеях в их районе регулярно проводятся культурные мероприятия (24,5%). Таким образом, в глазах народа тот факт, что музеи дали положительную оценку культурно-просветительской работе в обществе, говорит о том, что она находит свое место. На самом деле выставки, тематические экскурсии и специальные телевизионные программы, основанные на историческом и культурном наследии, имеют огромное влияние на духовную жизнь людей.

Большинство респондентов (22,2%) также заявили, что никаких культурных мероприятий в музеях их местности не проводилось. Правда, некоторые местные музеи устарели и не имеют возможности принимать или обслуживать посетителей. Например, исторический музей в сельском округе Т.Зулпуева Ноокатского района был закрыт на реконструкцию в 2016 году из-за отсутствия средств [6]. Однако в некоторых сельских музеях есть только один сотрудник, что ограничивает их возможности и угрожает будущей утратой нашего исторического и культурного наследия. В сегодняшнем глобализированном мире образовательная работа, основанная на наследии, хранящемся в музеях, играет важную роль в поддержании позиции и идеологии каждого государства.

В таблице №1 составлена на основе ответов респондентов о проведении культурных мероприятий в музеях на территории постоянного проживания.

Таблица 1

«В музеях в вашем регионе проводятся ли культурные мероприятия»

	Количество	%
Да, проводятся	98	24,5
Да, иногда	170	42,5
Не проводятся	89	22,2
Другое ____	43	10,8
Итого	400	100,0

На вопрос об уровне посещения музеев для культурного отдыха в свободное время большинство респондентов (57,5%) ответили, что посещают их лишь от случая к случаю. Таким образом, культура посещения музеев с целью отдыха еще не сформировалась в жизни большинства людей. Если мы посмотрим на их возраст, то большинство из них - 18–39 лет (62,4%), за ними следуют старше 60 лет (54,5%) и 40–59 лет (48,2%). Нечастые посещения музеев многими молодыми людьми, которые будут строить нашу будущую историю, требуют нового подхода к этому вопросу. Например, учитывая, что большинство молодых людей проводят свободное время в Интернете, в кафе, необходимо внедрять такие инновации, как установка устройств Wi-Fi в музеях, открытие музейных магазинов и кафе. В западных музеях подобные новшества стали обычным явлением. Что касается этнической принадлежности, узбеки (57,4%) и другие национальности (86,7%) сообщили, что они редко посещают музеи в своем районе для культурных мероприятий. Как упоминалось выше, музеи также играют важную роль как институт, продвигающий межкультурную терпимость. Одно из преимуществ музеев - проводить мероприятия, связанные с другими народами, которые вместе в прошлом добились больших побед.

Хорошо, что некоторые респонденты (9,5%) говорят, что регулярно посещают музеи для культурного отдыха в свободное время. Это означает, что у музеев есть ценности, которые могут расслабить и накормить душу. Если мы посмотрим на их возраст, то наибольшее количество посетителей было 40-59 (12,3%), старше 60 (9,1%) и 18-39 (8,3%). Причина, по которой музеи посещают старшее поколение, заключается в том, что большая часть сотрудников - пенсионного возраста. По данным Министерства культуры, средний возраст музейных сотрудников Кыргызстана - 50 лет. Поэтому необходимо создавать условия для прихода молодых специалистов в музейную отрасль, реализовывать новые проекты в соответствии с современными требованиями.

Большинство респондентов (30,8%) заявили, что не имеют возможности посещать музеи для культурного отдыха в свободное время. Это свидетельствует о том, что посещение музеев с целью культурного отдыха мало распространено среди населения и для них не созданы условия. Если мы посмотрим на их этническую принадлежность, то большинство кыргызов (27,7%) и узбеков (34,8%) заявили, что не могут посетить музеи. Особенно в регионах, где киргизы и узбеки проживают в большом количестве, многие из них могут заниматься полевыми работами, животноводством и не имеют возможности для культурного отдыха.

Общие результаты ответов респондентов на вопрос о посещении музеев для культурного досуга в свободное время показаны на таблице №2

Таблица 2

«В свободное время для культурного отдыха Вы ходите в музеи?»

	число	%
Всегда хожу	38	9,5
Иногда	230	57,5
Нет возможности	123	30,8
Другое	9	2,2
Итого	400	100,0

Почти половина респондентов ответили, что культурные мероприятия, проводимые в музее, не соответствуют требованиям и не удовлетворены им (40,0%) или вообще не соответствуют требованиям (4,0%). Поэтому необходимо повышать уровень культурных мероприятий, а также актуальность разработки новых научных концепций музейных залов.

Вместе с «перестройкой» и сменой идеологических парадигм из музейной лексики, касающейся научно-просветительной работы, постепенно исчезли такие термины, как «пропаганда», «массовость», «идейное воспитание». Музей стал рассматриваться как средство уже не «эстетической пропаганды», а развития эстетического вкуса и творческого

воображения, как средство формирования не «коммунистического мировоззрения», а ценностного отношения к историко-культурному наследию. [7, 121].

Если посмотреть на возраст респондентов, комментирующих уровень организации культурных мероприятий, то наиболее положительные отзывы дали 40-59 (41,4%) и старше 60 (60,0%), а в возрасте 18-39 лет (45,5 %) Было высказано большинство негативных комментариев. Это означает, что в музеях региона проводятся более традиционные культурные мероприятия. Было решено организовать культурные мероприятия с новой точки зрения, чтобы привлечь молодую аудиторию. В качестве примера мы уже упоминали, что акция «Ночь в музее», которая проводится в нашей стране последние 5-6 лет в честь Международного дня музеев, собрала много людей. Что касается этнической принадлежности, то кыргызы (47,4%) были более удовлетворены культурной деятельностью музея, тогда как узбеки (55,6%) и представители других национальностей (33,3%) были более негативными. Музеи, как место, обогащающее духовную жизнь народов и возвращающее патриотические чувства, должны привлекать к участию в культурных мероприятиях представителей других национальностей, проживающих в нашей стране. Необходимость активизации работы в этом направлении была очевидна из нашего исследования. В экспозиционном зале музея в Алматы, Казахстан, представителям других национальностей, проживающим в стране, было предоставлено равное пространство, а диаспоре было поручено заполнить пространство экспонатами. В результате удалось познакомиться с культурой разных национальностей и собрать множество ценных экспонатов. Таким образом, стало ясно, что музеи призваны сыграть огромную роль в формировании межэтнической толерантности в обществе, улучшении отношений друг с другом и внесении вклада в совместное развитие будущего государства.

В целом необходимо повышать уровень культурных мероприятий в музеях, развивать более тесные связи с общественностью за счет внедрения нововведений. Считаем, что инициативы в этом направлении должны быть предприняты и реализованы в первую очередь музейными профессионалами.

Каждый музей должен ориентироваться на свой профиль и исторические особенности народов, в которых он находится. Это связано с тем, что, если музеи хотят иметь постоянную аудиторию, им необходимо проводить больше исследований соответствующих событий из жизни местных жителей, исторических личностей и проводить регулярные культурные и образовательные мероприятия.

Исследователи видят музей будущего как открытое интегрированное культурно-образовательное пространство, тем не менее, механизмы взаимодействия музея с другими культурными учреждениями выработаны слабо. Тем не менее, основная модель современного музея должна основываться на идее сохранения и передачи культурного и природного наследия регионов и страны. Поэтому сегодня нужно понимать, что невозможно противостоять течениям времени, не модернизируя состояние музеев в соответствии с требованиями сегодняшнего дня. Несмотря на то, что музей как социокультурный институт и культурное учреждение на постсоветском пространстве оказался в достаточно непростых финансовых условиях, он не утратил, а, наоборот, укрепил свои социальные функции, стал еще более полифункциональным, в русле глобальных тенденций.

В современном обществе роль и значение музея значительно меняется. В глобальном масштабе формируется новая – переходная модель музея, ориентированного на установление диалога между различными субъектами общества и региона. Развитие музея прошло несколько этапов, и сущностная роль музея на протяжении долгого времени оставалась стабильной: сохранение и трансляция духовного опыта и культурного наследия от поколения к поколению. Современный музей становится полифункциональным институтом, консолидирующим в себе функции различных культурных учреждений. Он стал открытым, подвижным культурным образованием. Модернизация регионального музея в соответствии с совре-

менными тенденциями их развития во всем мире становится насущной потребностью. Данная модернизация должна осуществляться на различных уровнях: методологическом и концептуальном, технико-технологическом, социокультурном и организационном.

Литература:

1. Кодекс музейной этике ИКОМ. ИКОМ России. М., 2007. С. 16.
2. <https://www.theartnewspaper.ru/posts/20220826-jord/#>
3. <http://www.stat.kg/kg/statistics/obrazovanie/>
4. «Ночь в музее» прошла в Бишкеке. [Электрондук ресурс]. – Маалымат алуу убактысы: 18.07.2020 <http://www.news-asia.ru/view/6015/8284>
5. Итоги Event Awards Central Asia 2017 – названы лучшие ивент-компании [Электрондук ресурс]. – Маалымат алуу убактысы: 18.07.2020 <https://ru.sputnik.kg/culture/20171029/1036065983/v-bishkeke-nazvany-luchshiy-ivent-proyekty.html>
6. Отчет музейного комплекса Сулайман-Тоо за 2019 г. 28.01.2020 чыгыш №01-9/10 сандуу кат.
7. Н.И. Рубан. Музеология. Хабаровск 2007. С. 121.

XIVA XONLIGI TARIXINING O‘RGANILISHI.

Vohidov.SH.X

Panjikent davlat pedagogika instituti professori, t.f.d

Xamrayeva.N.SH

OTU katta o‘qituvchisi

Xiva xonligi – O‘rta Osiyo tarixi, uning ijtimoiy, iqtisodiy, siysiy, madaniy hayoti hamda xalqaro munosabatlarida ulkan iz qoldirgan davlat bo‘lib, Xiva xonligi tarixida bo‘lib o‘tgan siyosiy jarayonlar besh asrga yaqin davrni o‘z ichiga oladi. Xiva xonligi tarixini o‘rganishga birinchi navbatda mahalliy tarixchilar jiddiy e‘tibor qaratishgan. Ular orasida Xivada yashagan va xonlikda amalga oshirilgan iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy jarayonlarning shaxsan guvohi bo‘lgan, O‘temish Hoji, Abulg‘ozi Bahodirxon, Munis, Ogahiy, Bayoniy, Komyob va ulardan keyingi tarixchilarning ilmiy meroslari muhim o‘rin egallaydi.

Bundan tashqari “Xonlar tarixi”, “Sayyid Muhammadxon tarixi”, “O‘rta Osiyo”, “Xivada osori-atiqalar tarixi”, “Xorazmning ta‘rifi”, “Xiva shahri va uning atrofining ma‘muriy bo‘linishi”, “Tarix bo‘yicha Risola” (Jumaniyoz Hoji Xorazmiy al-Xivaqiy ibn Boboniyoz qalamiga mansub); “Xiva xonligi bo‘yicha tarixiy ma‘lumot”, “Xorazmni o‘rganishga oid hujjatlar” (Matkarim Otajonov tomonidan yozilgan); “Xorazm tarixi”, “Xorazm xonligi haqida tarixiy hujjatlar”, “Xorazmni boshqargan xonlarning avlodlari, kelib chiqishi, shajarasi, mol-mulki, o‘zbek podsholarining yurish-turishlari va urf-odatlar”, “Xorazmdagi quldorchilik voqealariga oid”, “Asfandiyorxon hukmronlik qilgan davrlarda bo‘lib o‘tgan ba‘zi bir voqealar haqida” /muallifi Bobojon Safarov /, “Saodat gulshani” asarlarining materiallari katta ahamiyatga egadir. Bu asarlarda Xorazmdagi siyosiy, ijtimoiy va xo‘jalik hayoti, madaniyati tilga olingan.

Xiva xonligi tarixini o‘rganish va yoritishda rus va ingliz tadqiqotchilari katta hissa qo‘shganlar. Ularning ayrimlari sayyoh va diplomat sifatida xonlik xududlariga kelgan vaqtda yo‘llar, quduqlar, manzil-makonlar, istehkomlarni sinchkovlik bilan kuzatib, barcha belgilarni eslab qolishga harakat qilganlar. Natijada Xiva xonligi haqidagi josuslik ma‘lumotlari to‘plana boshlangan va ulardan kelgusida amalga oshiriladigan harbiy maqsadlarda keng foydalanilgan. Bunday manbalar qatoriga Rossiyadagi ingliz savdo josusi Antoniy Jenkinsonning xotiralari, Aleksandr Bekovich–Cherkasskiy harbiy ekspeditsiyasi haqidagi ma‘lumot, harbiy vrach Blankennagel va kapitan Nikolay Muravevning elchiligi tafsilotlar hamda polkovnik G.I.Danilevskiy va polkovnik N.P.Ignatevning hisobotlari kiradi.

Xiva xonligi tarixini o‘rganishni yangi sahifasi Chor Rossiyasi bosqinidan keyin boshlandi. Ruslar bilan Xivaga kelgan sharqshunos A.L.Kun, Ye.Jelyabujskiy, general-leytenantlar V.N.Trotskiy va M.A.Terentev, polkovniklar L.F.Kostenko va F.I.Lobisevich, amerikalik jurnalist

A.Ya.Mak-Gaxan o‘zlarining taassurotlari asosida qiziqarli asarlar yozdilar.

Xiva xonligi tarixini haqqoniy yoritish ishiga taniqli rus olimlaridan akademik V.V.Bartold katta hissa qo‘shdi. Uning qalamiga mansub asarlarda Xorazm tarixining ko‘plab sahifalari yoritilgan. Bundan tashqari V.V.Bartoldning shaxsiy fondidagi (68–fond) hujjatlar orasida Xiva shahri tarixi va xonlikning hayotiga oid 200 varaqdan ko‘proq noyob materiallar saqlanmoqda.

Biroq, V.V.Bartoldning xulosalari uzoq yillar davomida xonlik tarixini o‘rganilmay kelishiga sabab bo‘lgani, jahon tarixida harbiy yurishlar oddiy holat bo‘lgan davrda Xiva xonlarining siyosatini qoralab, ularni varvar va qoloqlikda ayblashi biryozlama yondashuv ekanligi, qolaversa Abulg‘ozixonning o‘z tarixini o‘zi bitishga majbur bo‘lganligi borasida V.V.Bartoldning bildirgan mulohazalariga to‘la qo‘shilib bo‘lmashligini ta’kidlash lozim.

Xiva xonligi tarixini yoritishda 1914 yildan Rossiya Fanlar akademiyasi muxbir a’zosi Nikolay Ivanovich Veselovskiy (1848–1918)ning xizmatlari alohida tahsinga sazovordir. 1873 yilda Peterburg universitetini tugatgan tadqiqotchi uzoq yillar olib borgan izlanishlaridan keyin, magistrlik dissertatsiyasi matni asosida “Xiva xonligi haqida qadim zamonlardan hozirgacha tarixiy-geografik ma’lumotlar” (SPb., 1877) nomli kitobini nashr qildirdi. Shu bilan bir qatorda o‘z asarida Xorazm vohasi va Xiva xonligi tarixiga oid to‘plangan ma’lumotlarning yetarli darajada emasligini ta’kidlagan. Keyingi yillarda Turkiston hayoti bilan bevosita tanishgan prof. N.I.Veselovskiy o‘zining bir qator chuqur tadqiqotlari natijalarini nashr qildirishga erishdi.

Xiva xonligining Rossiya bilan olib borgan 300 yillik savdo-sotiq va diplomatik munosabatlarini yorituvchi sahifalari prof. S.V.Jukovskiyning 1915 yilda nashr qilingan asaridan o‘rin egalladi. Mazkur rus olimining ushbu asari biroz shovinistik qarashlardan xolis bo‘lmasa-da, Xiva xonligi tarixini yoritishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Harbiylardan V.N.Trotskiy va M.A.Terentev, polkovniklar A.Kostenko, A.Shepelev, K.Abaza, V.Lobachevskiy va boshqa rus zobitlarining asarlarida qiziqarli tarixiy ma’lumotlar ham uchraydi.

Sho‘rolar davrida Xiva xonligi tarixini o‘rganish ishiga Ya.G‘.G‘ulomov, P.P.Ivanov, M.Yo‘ldoshev, O.Sodiqov, I.V.Pogorelskiy, G‘.Napesov, M. Muhammadberdiyev, N. Qalandarov, T.G. To‘xtametov, D.Yu. Yusupova kabi olimlar ham katta hissa qo‘shdilar. O‘z davrida arxivlarda saqlangan hujjatlarni o‘rganganlar va ularni tahlil qilish asosida ilmiy asarlar yozgan mazkur olimlar obyektiv voqelikni yoritishga erishganlar.

Manbalar va ilmiy adabiyotning bir turkumi Xiva xonligida qo‘shni mamlakatlar bilan olib borilgan munosabatlar va aloqalariga bag‘ishlangan. Xivaning xalqaro miqyosdagi faoliyati va o‘rnini ko‘rsatish uchun ulardan keng foydalanildi. Xiva xonligini qo‘shni davlatlar, jumladan, Eron, Rossiya, Buxoro va Qo‘qon xonligi o‘rtasidagi o‘zaro aloqalarning ayrim jihatlarini aks ettirgan ilmiy adabiyotlarda Xiva xonligi va Eronning ichki siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy hayoti; ikki davlatning o‘zaro siyosiy aloqalari; iqtisodiy aloqalar; ikki davlatning etnomadaniy hayotida yuz bergan jarayonlar hamda o‘zaro turli munosabatlariga xizmat qilgan karvon yo‘llari tarixi yoritiladi.

Shulardan N.I.Veselovskiy, V.V.Bartold, I.P.Petrushevskiy, M.S.Ivanov, Ya.G‘.G‘ulomov, P.P.Ivanov, M.R.Arunova va K.Z.Ashrafyan, K.M.Munirov, O.E.Efendiyev, G.A.Agzamova, A.F.Fayziyev, N.D.Mikluxe-Maklay, B.S.Mannonov, P.P.Bushev, O.E.Ekayev va I.K.Pavlova, zamonaviy Eron tarixshunoslari hamda D.V.Valiyeva, N.B.Baykova, M.Y.Yo‘ldoshev va Yu.N. Abdullayev, O.A.Amantiyev, M.A.Annanepesov, R.G.Mukminova, G.A.Mixaleva, O.Bertonlarning tadqiqotlari Xiva xonligining qo‘shni mamlakatlar bilan o‘zaro savdo-iqtisodiy aloqalarni yoritishga yordam bergan adabiyotlar sifatida qayd etilsa bo‘ladi.

A.Xoroshxin, G.A.Pugachenkova, A.M.Matveyev, A.A.Madayev, E.Mamedova, N.G.G‘oyibov, I.G.Nizomutdinov, X.G.Ko‘ro‘g‘li, L.M.Yepifanova, G.Eshchonova, A.Jumayev tadqiqotlari Xiva – Eron o‘zaro munosabatlarining ikki davlat etnomadaniy hayotida aks etishi va mintaqadagi etnodemografik, etnointegratsion jarayonlarning o‘zaro ta’sir holatlari haqida tushuncha beruvchi ilmiy adabiyotlar sifatida tahlil qilindi.

O‘rta asrlarda Xorazmning g‘arbiy va shimoliy yo‘nalishidagi karvon yo‘llari va ularning yo‘nalishlari haqidagi ma’lumotlar A.V.Pankov, N.L.Rjnevskiy, P.P.Bushev, O‘.Mavlonovlarning tadqiqotlarida ham mavjud bo‘lib, ulardan samarali foydalanildi.

Xiva xonligi tarixini o‘rganish va targ‘ib qilishda san‘atshunos olimlarning xizmatlari borligini ham e‘tirof qilish lozim. Jumladan, I.I.Notkin, L.Yu.Mankovskaya, V.A.Bulatova kabi san‘atshunoslar Xiva shahri arxitektura yodgorliklarini o‘rganish asosida bir qator rangli albomlarni nashr qildirdilar.

Xiva xonligi va Xiva shahri tarixi chel el tarixshunosligida ham katta o‘rin egallaydi. Akademik E.V. Rtveladzening tadqiqotlariga qaraganda ushbu mavzuga ozmi-ko‘pmi e‘tibor bergan g‘arb olimlari orasida J.Xenvey, G.Gens (Graf. Xelmerson nashri), R.Shekspir, A.Vamberi, Mishel, F.Barnabi, J.Abbot, X.Landedel, X.Mozer, X.Kollet, E.Zaxau, F.Shvars, R.Gink i K.Kombas, Yu.Goldshteyn, K.Pander yana Mak-Gaxan, Y.Bregel, M.Olvort, S.Bekker, J.Uiler kabi mutaxassislar borligi diqqatga sazovordir.

Ularning rang-barang albomlari va qiziqarli kitoblari dunyodagi ko‘pgina mamlakatlar kitobxonlarida Xorazm vohasi tarixi haqidagi dastlabki tasavvurlarni shakllantirishga yordam berdi.

Chor Rossiyasi qaramligi davrida Xiva xonligida yashagan turkmanlar va qoraqalpoq xalqlari tarixini chuqur o‘rgangan taniqli tadqiqotchi Yu.E.Bregel keyingi yillarda, yuqorida ta‘kidlanganidek, AQSHdagi Blumington universiteti qoshidagi Ichki Osiyo instituti direktori lavozimida faoliyat yuritdi. Shu davrda uning sa‘y-harakatlari bilan Munis va Ogahiyning “Firdavs ul-iqbol” (1988) nomli asari to‘laqonli ravishda nashr etildi hamda “Musulmon Markaziy Osiyosi” nomli fundamental bibliografik ma‘lumotnoma va bir qator maqolalar chop qilindi.

Professor A.Sodiqov va T.G.To‘xtametov Xiva xonligi bilan Rossiya o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlar tarixini o‘rganishga yetarli hissa qo‘shganlar.

Mustaqillik sharoitida o‘zbek tarixchilari chorizm va sho‘rolar davridagi tushuncha va tasavvurlarni qayta tahlil etib chiqdilar. O‘zbekiston istiqloli ta‘minlangan bir davrda xalqimiz tarixini yoritishdagi ayrim xato va kamchiliklarni tuzatishga imkoniyat yaratildi. Xiva xonligi tarixi va madaniyatiga doir ilmiy izlanishlar, dissertatsiyalar va boshqa tadqiqotlar amalga oshirildi. Bulardan M.Matniyozov, M.Matkarimov, A.Abdurasulov, M.Abdurahmonov, E.Axundjonov, M.Ismailova, G.Ismoilova, M.Madaminov, M.Mamajonov, O.Masaliyeva, O.Mutalov, S.Saburova, N.Polvonov, M.Qayumov, K.Xudoyberganov, F.Ernazarov, N.Allayevalarning dissertatsiyalari va avtoreferatlarini tilga olish mumkin.

Bundan tashqari oxirgi yillarda “O‘zbekistonning yangi tarixi” nashrining “Turkiston chor Rossiyasi mustamlakachiligi davrida” nomli birinchi kitobida, O‘zbekiston Respublikasi FA Tarix instituti tomonidan “Mustabid tuzumning O‘zbekiston milliy boyliklarini talash siyosati: tarix shohidligi va saboqlari” nomli kitobning yozilishi alohida ahamiyat kasb etadi.

Xiva xonligining oxirgi yarim asrlik tarixi O.Qo‘shjonov va N.Polvonovning “Xorazmdagi ijtimoiy–siyosiy jarayonlar va harakatlar” nomli monografiyasida o‘z aksini topgan.

Ushbu bo‘limga xulosa qilib aytish mumkinki, Xiva xonligi tarixida bo‘lib o‘tgan siyosiy jarayonlar xonlik paydo bo‘lgan davrdan boshlab besh asrdan ko‘plab davrni qamrab oladi. O‘tgan ushbu davr mobaynida xonlik tarixi va madaniyati bilan bog‘liq masalalar tarixshunosligi hamda manbashunosligi alohida tadqiqotlarni talab etadi. Ayniqsa, mahalliy tarixchilarning, xususan Abulg‘ozi Bahodirxonning ilmiy merosi ma‘naviyat uchun ulkan ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
2. Дженкинсон А. Путешествие в Средню Азию 1558-1560 гг. // В кн.: Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Перевод с английского Л.Готье. – Ленинград, 1932. - Б. 167-215.
3. Веселовский Н.И. Посольства И.Ф.Федотова в Хиву в 1669-1670 гг. и подробности его пребывания в ханстве. – СПб., 1882; Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII–XVIII столетие. – СПб., 1884.; Русские невольники в Средней Азии. – СПб., 1886.
4. Yo‘ldoshev M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. – Toshkent: O‘zdavnashr, 1959. – 69 b.

РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В ЦЕНТАЛЬНОЙ АЗИИ

Атаджанова С.М.

К. и.н., доцент Национального университета Узбекистана имени М.Улугбека

На современном этапе в национальной экономике одной из областей доходов населения является туризм, который создаёт рабочие места и развивает инфраструктуру туризма в Узбекистане. Таким образом расширяется инфраструктура “безбарьерного туризма”. В настоящее время Узбекистан отменил въездные визы для 93 стран мира, что значительно облегчило поток иностранных туристов в нашу страну. По электронной визе нашу страну могут посетить жители 53 стран, а граждане 47 стран могут находиться на территории Узбекистана без транзитной визы до 5 дней. Для граждан 76 стран мира действует упрощенная процедура оформления въездной туристической визы[1].

Для внутреннего внешнего туризма открылись новые туристические объекты современного типа, такие как “Ташкент сити”, “Самарканд туризм маркази”, новые виды, такие как, “Туризм Кишлоги”, “Туризм овули”, “Туризм махалласи”, а также, “Афсоналар водийси”, “Табарук зиёрат”, популярность которых растет день ото дня. Проводятся акции, такие как, для всех туристов и туристов-паломников в меню введены стандарты –халаль, кошер, веган. Для учёта всех вкусов туристов в заведениях общественного питания, кафе, ресторанов.

Туризм в Узбекистане набирает темпы роста, и соответственно из года в год увеличивается спектр туристских услуг, предоставляемых местными туроператорами. Основная масса путешественников в Узбекистане это граждане Европейского Содружества и государств Азиатско-Тихоокеанского региона.

Для развития туристической отрасли в Узбекистане, которому со стороны правительства уделялось огромное внимание, знаковым событием послужило принятие в 1993 году Национальной компании «Узбектуризм» в качестве полноправного члена во Всемирную Туристическую Организацию[2,23]. Это открыло широкие возможности для установления тесных контактов с туристическими компаниями многих стран мира, и вывело их взаимодействие на качественно новый уровень. При этом, Узбекистан, как и многие другие страны мира, стал постоянным участником Международной туристической ярмарки (ITB) ежегодно организуемой Всемирной Туристической Организацией.

Итак, создав необходимую инфраструктуру туризма в стране и войдя в орбиту международного туризма, Узбекистан начало осуществлять широкую сеть сотрудничества с туристическими компаниями и фирмами зарубежных стран. При этом, не является исключением тесное взаимосотрудничество туристической отрасли Узбекистана, осуществляемая со странами Центральной Азии, и в частности, с Казахстаном.

Примечательно то, что Центральноазиатский регион отличается своей уникальностью, как по географическому расположению с контрастными природно-климатическими особенностями, её флорой и фауной, так и неповторимыми историко-культурными памятниками старины и современными достижениями социально-экономической и культурно-духовной жизни народов. В связи с этим, за годы независимости между республиками Центральной Азии на качественно новом уровне, установилась активная связь в сфере туризма, что дает возможность сохранить и дальше развивать существовавшие на протяжении веков тесное взаимодействие между их народами. Такая форма взаимодействия и культурно-духовного взаимообогащения народов Центральной Азии, находит наиболее ярко свое проявление между республиками Узбекистан, Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Туркменистан.

Международный туризм продолжает демонстрировать устойчивый и неослабевающий рост, превышающий темпы роста глобальной экономики, и не имеет сколько-нибудь значительных признаков ослабления с учетом того, что количество прибытий по всему миру, как ожидается, будет расти на 3.3% с 2010 по 2030 год, и достигнет 1.8 миллиардов к 2030 году, согласно долгосрочному прогнозному отчету ЮНВТО Туризм на пути к 2030 г. В

период с 2010 по 2030 год туристские прибытия в развивающихся странах (+4.4% в год), как ожидается, будут расти удвоенными темпами по сравнению с развитыми экономиками (+2.2% в год). За исключением Афганистана, китайских автономных регионов Внутренняя Монголия и Синьцзян-Уйгурский автономный район, и Туркменистана, совокупный объем международных туристских прибытий в регионе ЦАРЭС в 2018 году оценивается Всемирным советом по туризму и путешествиям (ВСТП) на уровне немногим менее 20 миллионов, с прогнозом роста за десять лет до 2028 года почти в 5%. Несмотря на это, рассматриваемая в глобальном контексте совокупная доля стран ЦАРЭС (исключая Китайскую Народную Республику) составляет менее 2% мирового туризма. Доля рынка, принадлежащая развивающимся странам, выросла с 30% в 1980 году до 45% в 2016, и, как ожидается, к 2030 году достигнет 57%, или более 1 миллиарда туристских прибытий [3, 5-6].

Придавая немаловажное значение развитию туристических связей между республиками Центральной Азии, руководство Узбекистана инициировало необходимость формирования ее законодательной базы. Эта инициатива нашла взаимную поддержку со стороны правительства Казахстана и Кыргызстана. В результате единого подхода и взглядов по развитию и укреплению туристических связей, в январе 1994 года было подписано Соглашение между представителями правительств Республики Узбекистан и Республики Казахстан [4,17]. Она предусматривала широкий спектр культурно-духовного взаимодействия народов двух стран, включая углубление сотрудничества в области культуры, здравоохранения, науки, образования, туризма и спорта. Аналогичный документ был подписан также в январе 1994 года между правительствами Республик Узбекистана и Кыргызстана [4,21].

Кроме того, исходя из высокой заинтересованности сторон в развитии взаимовыгодного сотрудничества в сфере туризма, в декабре 1997 года в городе Ташкенте было подписано Соглашение между Правительством Республики Казахстан, Правительством Кыргызской Республики и Правительством Республики Узбекистан о сотрудничестве в области туризма[5,33].

В целях дальнейшего углубления и расширения туристического сотрудничества, а также для активизации данной области, дополнительные сферы услуг, в 8 июне 2000 года в городе Астана было подписано еще одно Соглашение. Оно было достигнуто между правительствами Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Республики Таджикистан и Республики Узбекистан, которое концентрировало основное внимание на сотрудничестве в области развития санаторно-курортных, оздоровительных и туристических учреждений и организаций, сроком на 5 лет [6,27]. Особенность этого Соглашения заключалось в том, что оно положило начало расширению сотрудничества в области развития санаторно-курортных, оздоровительных и туристических учреждений и организаций в целях создания в них наиболее благоприятных условий для укрепления здоровья граждан своих государств, более глубокого ознакомления с культурой, природой и достопримечательностями, а также с историческими памятниками и национальными традициями народов соседних стран. К тому же, данный документ способствовал организациям в создании совместных предприятий и в реализации инвестиционных проектов в сфере организации санаторно-курортного лечения, оздоровления и отдыха граждан.

Согласно межгосударственным Соглашениям сотрудничества в области туризма, большая ответственность для ее реализации была возложена на деятельность культурно-туристических учреждений. В частности, на основе достигнутых Соглашений Национальная компания «Узбектуризм» совместно с Министерством туризма и спорта Республики Казахстан приступили к выработке плана мероприятий и реализации совместного туристического бизнеса. Оно включала в себя несколько направлений туристических мероприятий, каждая из которых отличалась своеобразием и неповторимостью маршрутов. Так, например, первая из направлений предусматривало широкое ознакомление граждан обоих государств с достижениями в области экономики, социального развития, культуры, с природой, достопри-

мечательными историческими памятниками, а также с традициями народов обеих стран. Второе направление предусматривало организацию совместных туристских маршрутов: по Великому Шелковому пути. Третье направление - организацию авиамаршрутов по столицам республик Центральной Азии. Четвертое направление – межреспубликанские автобусные маршруты по городам Узбекистана и Казахстана. И наконец пятое направление – взаимное туристско-экскурсионное обслуживание - маршруты на туристических поездах. [6,29].

Встречи, где обсуждался широкий круг вопросов международного туристического обмена, неоднократно проводились и в самих странах Центральной Азии. Так, например, в октябре 2004 года в городе Ташкенте проводилась юбилейная 10-ая Международная Туристическая ярмарка. В ее работе, наряду с компаниями многих стран мира приняли участие и представители туристических агентств Казахстана. В ходе работы ярмарки, каждая страна-участница представила выставку, отражающую ее туристический потенциал. Это несет в себе много информации, открывая новые аспекты для сотрудничества. Об этом свидетельствуют многочисленные договоренности, достигнутые между туристическими компаниями и фирмами Узбекистаном и Казахстаном [7,4].

Так, например, такие туристские фирмы Узбекистана, как «Узинтур», «Осиеинтурбизнес», активно сотрудничают с туристическими компаниями Казахстана в области обмена туристами и организации комбинированных туров по маршруту Великого Шелкового пути. Среди крупных казахских туристических организаций, принимающих активное участие в обмене туристами можно назвать такие, как «Номад Травэл», «Макус Силк Рoad Адвенчерс» и других[8,5-6].

В целях ускоренного развития туризма в Узбекистане Указом Президента Республики Узбекистан от 2 декабря 2016 года был образован уполномоченный государственный орган-Государственный комитет по развитию туризма, для более эффективного продвижения национального туристского потенциала на внутреннем и внешних рынках. Сегодня в Узбекистане насчитывается 795 Туристических компаний и по состоянию на 2018 год туристический поток составляет -5 млн. туристов [9].

В 2017 году количество местных и иностранных туристов составило 10,6 млн. человек. По данным 2022 года, по стране путешествовало 11,4 млн. местных жителей (внутренний туризм). В 2022 году Узбекистан посетили более 5,2 млн. иностранных туристов. Это в 2,5 раза больше чем в 2017 году. Всего за 2017-2022гг. общий объем экспорта туристских услуг составил \$5,13 млрд.

В 2022 году в Узбекистане функционировало 1838 туристских компаний-туроператоров. За период с 2017 по 2022 годы количество мест в гостиницах увеличилось в 2,6 раза и достигло 124 тысяч (в 2017 году-37 тыс.)[10].

В июне 2017 года в городе Астане Национальная палата Казахстана “Атамекен” и Ассоциация частных туристических организаций Узбекистана заключили договор о сотрудничестве в сфере туризма.

Центр продвижения национального туристского продукта при Госкомтуризме Узбекистана и Национальная Компания “Казах туризм”, а также туристский информационный центр Ontustik Tourism Center подписали меморандумы о сотрудничестве[11].

Открытие между странами железнодорожного и автомобильного сообщения положительно способствует росту туристского потока в обе страны, которые мы сегодня можем наблюдать. Скоростной пассажирский поезд Алматы-Ташкент, Ташкент-Алматы, дополнительные рейсы Астана-Ташкент являются показателями сотрудничества в данной области, такой позитивной динамике способствует безвизовый режим, установленный двумя республиками. Тесное и согласованное взаимодействие между туристическими компаниями и фирмами республик играет немаловажную роль в осуществлении регулярного обмена туристами.

В условиях независимости взаимный интерес народов Узбекистана и Казахстана к культурно-историческим памятникам старины, а так же современным достопримечательностям и достижениям социально-экономических преобразований не ослабевает и растет. Это способствует укреплению уз дружбы и сотрудничества между народами наших республик. К тому же такая форма культурно-духовного взаимодействия между народами, служит одной из наиболее устойчивых форм народной дипломатии в деле укрепления межгосударственного сотрудничества.

Литература:

1. Центр экономических исследований и реформ/<https://yuz.uz/ru/news/infografika-razvitie-turizma-v-uzbekistane>
2. Текущий архив Национальной компании «Узбектуризм». (Далее – ТА НК «Узбектуризм»). Папка отчетов за 1993 год.
3. Содействие региональному сотрудничеству в области туризма в рамках ЦАРЭС 2030 предварительное исследование, Азиатский Банк Развития, март 2019. <https://www.adb.org/sites/>
4. ТА НК «Узбектуризм» Папка Казахстан. 1994г.
5. ТА НК «Узбектуризм» Папка Казахстан. 1997г.
6. ТА НК «Узбектуризм» Папка Казахстан. 2000г.
7. ТА НК «Узбектуризм». Папка отчета о международных мероприятиях.
8. ТА НК «Узбектуризм» Папка Казахстан. 2005г.
9. <https://uzbektourism.uz>
10. Центр экономических исследований и реформ/ <https://yuz.uz/ru/news/infografika-razvitie-turizma-v-uzbekistane-v-2017-2022-godax>
11. <https://uz.sputniknews.ru/tourism>

**СУРХОН ВОҲАСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАҚИНЧОҚЛАРИДА
ЭТНОМАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

(xix аср охири-xx аср бошлари)

Ибрагимова М.Ю

Тарих фанлари номзоди, доцент

Мустақиллик шарофати халқимиз тақдирини юксалтирди, маданиятимизнинг миллий-лиги мустаҳкамланди, асрий қадриятларимиз қайтадан тикланиб маданиятимиз ўзининг табиий тарихий-миллий, этник, диний ва фалсафий негизларини мустаҳкамлади. Юртимизда миллий маданиятимизни ўрганиш, юксалтириш, миллий-маънавий меросимизни ўрганиш фахр-ифтихор ишига айланганлиги, буюк алломаларимиз ва тарихий шахсларимиз номлари, миллий-маданий мероснинг қайта тикланаётганлиги, она тилимизга, динимизга муносабат ўзгарганлиги маънавиятимизнинг юксалишига куч-қувват бахш этиб, жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун замин бўлди. Миллий маданиятнинг шаклланишида этномаданий омиллар қаторида этноснинг моддий маданияти, этник жараёнлар муҳим аҳамиятга эга. Моддий маданият ва унинг ажралмас қисми бўлган анъанавий тақинчоқлар, ўзбек халқи этномаданиятининг муҳим фенонимидир. Анъанавий халқ тақинчоқлари моддий маданиятнинг асосий қисмларидан бўлиб, уларда маълум бир халқнинг миллий хусусиятлари ва маданий қадриятлари номоён бўлади. Анъанавий тақинчоқлар халқ миллий маданиятининг бошқа кўринишлари сингари унинг турмуш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзлигининг кўзгуси бўлиши билан бирга, этногенез, этник тарих ва маданият тарихини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. Маълумки халқимизнинг моддий маданияти, турмуш тарзи, турли тарихий босқичлар давомида ўзгариб, такомиллашиб борган. Анъанавий кийимлар ва тақинчоқлар ўзида миллий, этник хусусиятлар, ўзига хосликларни сақлаб қолган. Шу билан бирга узоқ асрлар давомида турли этник гуруҳлар ва элатларнинг ўзаро маданий, иқтисодий-савдо алоқалари таъсирида Ўрта Осиё халқлари маданиятида хусусан анъанавий тақинчоқларда умумий белгилар, этник хусусиятлар ҳам вужудга келган. Сурхон воҳаси халқи-

мизнинг ўзига хос бой моддий ва маънавий маданияти, қадимий миллий урф-одатларини ўзида сақлаб қолган минтақалардан биридир. Воҳа аҳолисининг моддий маданиятида, хусусан анъанавий тақинчоқларида XX аср охири- XX аср бошларига оид миллий анъаналаримизнинг ўзига хос жиҳатлари ва қадриятларимизнинг миллийлиги, этник хусусиятлари мужассамлашган эди.

Сурхон воҳаси аёлларининг анъанавий тақинчоқлари жуда хилма-хил бўлиб, улар маъдани, шакли, умумий кўриниши билан бир-биридан фарқ қилган. Тақинчоқлар кийимлар билан ўзаро уйғунликда аёлга янада гўзаллик улуғворлик бахш этган. Анъанавий тақинчоқлар тақилишига кўра қуйидаги турларга бўлинган:

- Бош тақинчоқлари: пешона, соч, кулоқ, чаккага тақиладиган тақинчоқлар;
- Кўкрак, бўйин, кифтга тақиладиган тақинчоқлар;
- Тананинг бел қисмига ўраладиган ёки тақиладиган тақинчоқлар;
- Қўл тақинчоқлари.

Аёлларнинг анъанавий пешона тақинчоқларидан кенг тарқалган анъанавий тақинчоқлардан-бу тиллақошдир. Бу тақинчоқ асосан турмушга чиққан келинчақлар томонидан тақилган. Тиллақошларнинг уч хил, яъни бухороча, хивача, тошкентча турлари маълум бўлган. Воҳада ўзига тўқ оилалар қизларининг сеплари учун савдогарлардан тиллақош сотиб олишган ва туй куни ва туйдан кейин ўтказиладиган “келин салом”, “юз очар” маросимларида келинга тақишган. Тиллақош келинликнинг ўзига хос кўрки ҳисобланган. Самарқанд ва Бухорода ҳам тиллақош асосан келинларнинг тўй тантаналарда тақиладиган пешона тақинчоғи ҳисобланади. Тиллақошлар XIX аср охири-XX аср бошларидан чўққисимон, баланд кўринишда ясала бошланган. Қадимда бу тақинчоқ фақат қош кўринишида, яъни қошнинг пастки қисмида соч толаларига ўхшаб осилиб турувчи осилчоқлар туширилган ингичка ва паст кўринишда бўлган. Тиллақошнинг дастлабки, яъни нисбатан қадимий кўриниши Бухорода кенг тарқалиб, фақат қошлар тасвири туширилган пастки қисмига осилчоқлар тушиб турувчи “болообрў” тақинчоғи билан айнан бир хил кўринишда бўлган.

Воҳада аёлларнинг кенг тарқалган анъанавий тақинчоқ турларидан яна бири пешонага айлантириб тақиладиган “силсила” бўлиб, аёлларнинг бош ўровлари “саллабош”, “шоҳбош”, “пешонабанд”нинг пешона қисмига каштали жияклар устидан тақилган. Силсила кўринишидаги пешона тақинчоқлари туркман ва қозоқларда ҳам учрайди. Туркманларда “илдиргич” номи билан учрайди. Пешона тақинчоқларидан яна бири “баргак”нинг эни 30х35 см узунликдаги тўғри шаклда бўлиб, унга айлана шаклда нақшлар туширилган.

Шунингдек, унинг юқори қисмига ҳам алоҳида бўртиб турувчи бежирим нақшлар туширилган. У қизлар турмушга чиққач бахмал ёки баркут матоларга бириктириб, рўмол ёки салла устидан пешонадан айлантириб боғлаб қўйилган. Самарқанд ва Бухорода баргакни тиллақош билан тақиш расм бўлган. Этнограф олима О.А.Сухареванинг таъкидлашича, “баргак” жуда қадимий пешона тақинчоғи ҳисобланади. Пешонадан бошга томон қистириб қўйиладиган тақинчоқлардан “моҳитилло” Самарқанд ва Бухорода кенг тарқалган. Бу тақинчоқ воҳада “бибишак” деб номланган. “Бибишак” ярим ой шаклида бўлиб, узун занжирчаларнинг юқори доирасимон қисми тўғноғич орқали ёки ип билан бошга қистиргич илмоқлардан бир текис, баъзан узун, калта шаклда мунчок, рангли тошлар занжирга териблиб, ўзига хос кўриниш олган. Воҳанинг кўнғирот аёллари “бушак” номи билан аталувчи моҳитилло кўринишидаги тақинчоқ тақишган. Термиз музей қўриқхонасида “синсила”, “тиллақош”, “зулфи тилло” каби анъанавий пешона тақинчоқлари халқимиз моддий маданиятининг қимматбаҳо намуналари сифатида сақланмоқда.

Чакка тақинчоқларидан “гажак” жуфт холда ипак иплар, яни дўғоча билан чаккага қистирилган. Тожик аёллари ҳам икки хил, ярим ой ва япроқсимон шаклдаги “гажак”, “зулфитилло” тақинчоғини тақишган. Ўзбекистонда гажакларнинг икки хил кўриниши маълум бўлган. Булардан бири Бухорода гажаклари қалампирсимон шаклда ясалган бўлса, иккинчиси Тошкент аёлларинг гажаклари бодомсимон кўринишда бўлган.

Чаккага тақиладиган тақинчоқлар асосан кумуш, мис, баъзан олтиндан ясаиб, хилма-хил тошлар, катта кичик ўйма нақшлар билан безатилган. Воҳада чаккага тақиладиган тақинчоқларни келинлар, қизлар асосан сайллар ва тўйларда тақишган. Республикамизнинг бошқа ҳудудларида қушлар, ҳайвон шохлари тасвири туширилган қулоқ-чакка тақинчоқлари ҳам маълум бўлган, жумладан, Бухорода “қуш дуо”, “қуш кокили”, Хоразмда “бутун тирноқ”, “ярим тирноқ” ва “хўккиз шохи” номлари билан чакка-қулоқ тақинчоқлари кенг тарқалган.

Воҳа аёлларининг тақинчоқлари ичида сирғалар алоҳида ажралиб турган. Сирғалар турли ёшдаги барча аёлларнинг нафақат байрамона балки кундалик тақинчоқларидан ҳам бири ҳисобланган. Маҳаллий аҳоли қулоққа тақиладиган тақинчоқларни “сирға”, “исирға”, “ҳалқа”, “балдоқ”, “зирак” каби атамалар билан номлаган. Тожикларда “балдоқ”, “ҳалқа”, ўзбекларда-сирға, зирак деб аталган. Ўзбекистонда ҳудудий белгиларига кўра сирғалар Бухорода “шибирма”, Тошкентда “зирак”, Самарқандда “баргак”, Фарғонада “балдоқ”, деб аталган.

Сирғалар шакли ва кўриниши билан бир биридан кескин фарқланган. Шерабод туманинг Пашхурт, Майдон, Ғоз қишлоқларида аёллар доира шаклидаги осилчоқларсиз турли хил ақиқ, ёкут, зумрад, гавҳар кўзлар қўйиб ясалган сирғалар тақишган. Бу “муҳаммади сирға” деб аталган. “Муҳаммади” сирға жаннатдан ҳурлар томонидан келтирилган деб тасаввур қилинган боис шу ном билан аталган. Кекса ёшли аёллар умрининг охиригача бундай сирғаларни таққанлар ва улар вафот этганидан кейингина сирғани ечиб олишган. Илмий адабиётларда ҳам ушбу фикр учрайди.

Қулоққа тақиладиган тақинчоқлар воҳанинг тожик аҳолиси орасида “балдоқ”, “малак”, “қашғари” ўзбекларнинг тоқчи, қўнғирот, уруғларида “ҳалқа”, “исирға” деб юритилган. Осилчоқлари бўлган сирғалар осилчоқларининг сонига қараб уч оёқли, беш оёқли, ўн оёқли, ўн бир оёқли сирға деб номланган. Воҳада ўн, ўн бир оёқли исирғаларни ўзига тўқ аёллар қулоқларининг тешиги катталашиб йиртилиб кетмаслиги учун иплар билан қулоқ устидан бошга қистириб қўйишган. Аёллар сирғалари ичида бир-бирига туташиб кетган, нақшлар билан безатилаган сирғалар кенг тарқалган бўлиб, аҳоли орасида яқка сирға “ҳалқаи яқкадур”, ойнали сирға-“ҳалқи ойнадур” деб юритилган. Санъатшунос олима А.Д.Фахретдинованинг фикрига кўра воҳада кенг тарқалган “уй исирға” ярим кўчманчи ҳаёт кечирган ва асосан ўтовларда яшаган аҳолининг анъанавий уйлари- ўтов, қора уй ва унинг керагалари кўринишига монанд рамзий шаклда ясалган. Воҳада XIX асрнинг охирида ўрта ёшдаги аёллар орасида “қозиқ исирға”, “ой балдоқ” каби сирғалар тақиш расм бўлган. Қозиқ сирға кумушдан ясалган ва узун тик кўринишда бўлиб, қулоқларга ўтказиладиган қисми катта илгаксимон ёки қозиқ кўринишида бўлган ҳамда турли хил мунчоқлар ва тошлар билан безатилган. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қозиқ шаклидаги сирғалар бошқа халқларда ҳам учрайди. Қозиқ сирғалар мордваларда “сўроқ белгиси” кўринишида ясалган. Шарқий Европа халқларида ҳам қозиқ сирғалар учрайди.

Аёлларнинг бурунга тақиладиган тақинчоқлари ҳам жуда қадимий бўлиб, уларнинг тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Ўрта Осиё миниатюраларида (XV-XVI асрлар) тасвирланган аёллар бурнида халқасимон тақинчоқлар учрайди. Республикамизда бурунга тақиладиган тақинчоқлар “арабак”, “латиба”, “холбини”, “холчўп”, тожикларда “натибини”, “холчўп”, деб аталган. Бурунга тақиладиган сирғалар асосан буруннинг икки четига, буруннинг паррақларига ва буруннинг ўрта деворига тақилган. Буруннинг ўрта деворига тақилганлари “булови”, “ўрта натти”, буруннинг четига тақилса “чет натти”, “аварак” деб аталган. Термиз музей қўриқхонасида мисдан ва кумушдан ясалган “латиба” сақланмоқда.

Воҳада “латиба”, “натти”, “латбинни” атамалари билан маълум бўлган бурун тақинчоқлари асосан магик тасаввурлар, яъни шайтон инсон танасига унинг бурни орқали кириши ҳақидаги фикрлар, ёмон кишилар назаридан, қарашларидан сақловчи, ҳимояловчи восита сифатида тақилган. Ўрганилаётган даврда олиб борилган дала тадқиқотлари ва илмий адабиётлардаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки бурунга тақиладиган тақин-

чоғлар асосан турмушга чиққан аёллар томонидан тақилган. Бундан ташқари, бурун тақинчоғининг айнан қайси мақсад билан тақилганлиги ҳақида илмий адабиётларда маълум бир ҳулосалар мавжуд бўлсада, бу ўринда шуни айтиш мумкинки, заргарлар томонидан яратилган ушбу тақинчоқ безак сифатида эмас, балки кўпроқ халқимизнинг магик қарашларини ўзида ифода этувчи ашё сифатида тақилган.

Соч тақинчоқлари. Ўзбек аёллари қадимда ялангбош юрмаганлар улар доимо бош кийимда юришган, рўмол ўрашган ва сочлари кийгичлар остида йиғилиб ихчам бўлиб туриши учун турли хил кўринишдаги сочга тақиладиган тақинчоқлар тақишган. Турмушга чиққан қизлар ипак ва пахтали иплардан қўлда тўқилиб, учлари турли хил темир найчалар феруза тошлар билан безатилган қора рангли соч пўпағни безак сифатида ва ёмон кишилар назаридан сақланиш мақсадида тақишган. Соч ўримларига тақиладиган тақинчоқлар “асик”, “сачлик”, “сачйўзи” номлари билан туркманларда ҳам бўлган. Соч попук ҳар бир соч ўрими учига соч билан бирга ўрилиб узун ҳолатда юрганда сочпопукнинг найчалари бир-бирига урилиб ўзига хос қўнғироқдек овоз чиқарган. Сочпопукнинг “зар кокил”, “туф” деб аталган махсус найчаларидан соч ўтказилиб соч ўримларига тақилган. Ясалиши жиҳатидан анча мураккаб бўлган соч попути мис тангалар, кумуш тангалар билан безатилган. Воҳада ўрта ёш аёллар “садаф”, “ситора” деб аталган соч безаклари тақишган. “Садаф”-матого оқ тугмачалар қадаб пастида қора ипакдан тикиб чиқилган ва қатор-қатор осилчоқлар туширилган. Ситорада тугмалар ўрнида тангалар ва металллардан турли хил шаклдаги тўғноғичлар матого кистириб чиқилган соч ўримлари устидан елка бўйлаб боғлаб қойилган. Ушбу кўринишдаги тақинчоқлар татар аёлларида “чэч тангасе”, “тэзмэ”, “тангали чўлпи” номлари билан учрайди, Воҳада кенг тарқалган соч тақинчоқларидан “жамалак”, “жўмалак”, “кокул” соч ўримларининг ҳар бирига тақиладиган ипакли, пахтали иплардан тўқилган қора чилвир иплар шаклида бўлиб, учларига майда-майда мунчоқлар, пўпакчалар тақилган. Жамалак кўринишидаги соч тақинчоғлари юқори Зарафшон бўйларида “ҳайдари” деб номланган, Жанубий Тожикистон аёлларида “тўпадор”, “хушбанд” номлари билан учраганлиги ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар бор. Ярим кўчманчи ҳаёт кечирган қўнғирот, юз аёлларида ушбу соч тақинчоғи “чолбанд” номи билан кенг тарқалган. Ушбу атамада халқимизнинг чолу кампир бир-бирига доимо яқин, ҳамдард бўлиб юрсин деган қарашлари асосида, икки ўрим сочга тақилган тақинчоқ учлари бир-бирига боғлаб қўйилган.

Умуман олганда ўрганилаётган даврда тақинчоқларнинг ҳилма- хил турлари маълум бўлиб, улар кўрк, безак, магик, химоя ҳалоскорлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган эди. Тақинчоқлардаги шакллар нақш безаклари рамзий белгилар кишиларнинг эътиқоди, атроф-муҳит, олам ҳақидаги қарашлари, табиат ва моддий олам билан узвий боғлиқликни ўзида мужассамлаштирган эди. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Сурхон воҳасида кенг тарқалган тақинчоқлар халқимизнинг турмуш тарзи, ҳўжалик машғулоти иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти диний қарашлари билан боғлиқ ҳолда ўзида маҳаллий ҳудудий белгиларни ҳам тўла сақлаб қолган эди. Ўзбек халқи этномаданиятининг шаклланиши ва ривожланишида моддий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган анъанавий тақинчоқлар улар билан боғлиқ этномаданий омиллар, этник жараёнлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўрганиш, ҳозирда этник жараёнлар тронсфармацияси ва моддий маданиятда замонавийлик жиҳатларнинг тобора жадаллашуви, бу омил анъанавийликни унутилиб унинг ўрнини янги замонавий кўринишдаги моддий маданият намуналари эгаллаши билан боғлиқ жараёнларни илмий таҳлил қилишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Борозна Н.Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана // Советская этнография, - № 1.
2. Белицер В.Н. Народная одежда мордвы, - Москва. 1973.
3. Васильева Г.П. Головные и наkosные украшения туркмен XIX-первой половины XX в. // Костюм народов Средней Азии и Казахстана. Москва 1979.
4. Дьяконова Н.В. Среднеазатские минатюры XVI-XVIII вв. - Москва, 1964. табл. 39

5. Захарова И.В..Ходжаева И.Р.Казахская национальная одежда.-Алма-ата.1964
6. Кармышева Б.Х.Узбеки-локайцы южного Таджикистана // ТИИАЭ АН Тадж.ССР,- Сталинабод,.1954.Т.286
7. Люшкевич Ф.О.Традиционные женские украшения населения Бухарской области(первая половина XX в.).-Ленинград,1989.
8. Рассудова Р.Я Материалы по одежде таджиков верховьев Зерафшана // Сборник музея антропологии и этнографии (МАЭ),-Москва,1970.Вып.25
9. Сухарева О.А История среднеазиатского костюма. Самарканд (вторая половина XX-начало XX в.).Москва: Наука.1982,.
10. Сухарева О.А Познефеодальный город Бухары.-Ташкент.1962.
11. Фахретдинова Д.А Ювелирное искусство Узбекистана.-Ташкент.1988.
12. Фёдоров-давыдов Д.А.Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов.Москва,1966.
13. Широкова.З.А.Традиционная и современная одежда горного Таджикистана.-Душанбе,1975.
14. Шаниязов К. Узбеки-карлуки.-Ташкент,1964.
15. Чвыр Л.А. Таджикские ювелирные украшения.-Москва Наука.1977.

ЎЗБЕКИСТОН УРБАНИЗАЦИЯСИГА ТАРИХИЙ НАЗАР

Тўхтабоева Д.Э.

ЎзМУ Тарих факультети Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси доцент в.б.

Жамият тараққиётида шаҳарлар шаклланиш ва ривожланишнинг узоқ ҳамда босқичма–босқич тарихий даврларини босиб ўтди. Мазкур ҳудудлардан ўтган савдо йўллари, уларнинг тараққиётига хизмат қилди ва аҳоли гавжумлашиб борди. “Антик даврда Искандарияда 500 минг, Римда 2 миллион аҳоли яшаган”. Ўрта Осиёда Юнон–Бақтрия давлати таназзулга юз тутиши билан ҳудудда бир неча давлатлар ташкил топган. Улардан бири эса Фарғона водийси ҳудудида жойлашган Даван давлати бўлиб, унинг 70 дан ортиқ шаҳарлари мавжудлиги манбаларда келтирилганлиги маълум. “Андижон, Қува мил.ав. VI–III асрларда, Ахсикет, Поп, Ўш, Ўзган, Косон антик давр бошларида пайдо бўлиб, илк ўрта асрларда ривожланиши давом этган. Бу даврда уларнинг майдони кичрайиб, 12 га ва ундан бир оз зиёдроқ бўлган. Фарғона водийсида антик даврда 16 та шаҳар бўлса, илк ўрта асрларга келиб уларнинг сони 22 тага етди. Шаҳарлардаги жами аҳоли сони 65–70 минг ёки 23–25% ни ташкил этди”. Бундан шаҳарларда аҳоли сони ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Ўрта асрларга келиб шаҳарларда кишилар янада гавжумлашиб борди. XI – XII асрларда турли минтақаларда ўзига хос бўлган тарихий иншоотлар юзага келиб, шарқда саройлар, масжид, мадраса, минора ва ҳаммом каби кўплаб жамоат бинолари қад кўтарди ва уларда савдо–сотик ривожланди. Мамлакатимиз шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент ички ва ташқи савдо марказларига айланди.

Тарихнинг суронли давларида шаҳарлар доимо бирдек мавкеда турмаган. Ўзаро урушлар ва бошқа сабабларга кўра, улар таназзулга учраган. XIII асрда мўғулларнинг ўлкага босқинчилик юришлари, кўплаб шаҳарларни вайронага айлантирди. Бу эса уларнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатди.

Амир Темур ва темурийлар даврига келиб, Ватанимиз тарихида яна шаҳар маданияти қайта тикланди. Бу борада Самарқанд ва бошқа шаҳарларда олиб борилган бунёдкорлик қурилиш ишлари тақсинга сазавор бўлиб, уларнинг архитектураси мукамал даражага етди. Мирзо Улуғбек бобосининг бунёдкорлик ишларини давом эттирган ҳолда, мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият берди. Унинг даврида Самарқандда Регистон майдони шаклланди ва Бухоро, Самарқанд шаҳарларини илму-маърифат даргоҳига айлантиришга ҳаракат қилди. Кейинги асрларда ҳам шаҳарлар тараққий этиб борди. Ўрта Осиё хонликлари (Хива, Бухоро, Қўқон) даврига келиб, шаҳарларнинг ҳимоя деворлари баланд ва маҳобатли кўринишда, дарвозалари янада мустаҳкам қурилган. Аҳолининг кириб–чиқиш тартиби

каттиқ назоратга олиниб, улар тонг саҳарда очилган ва шомда ёпилган. Бу эса ҳукмдор сиёсатининг қанчалик қатъийлигини кўрсатиб турган. Тарихий даврларда юзага келган мамлакат шаҳарлари маркази чорсу деб номланиб, бу ерда бозор жойлашган. Айнан шу жойдан шаҳарнинг турли томонларига олиб боровчи кўчалар кесишган. Кўчаларда кўплаб маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти аҳолининг машғул бўладиган касбига қараб аталган. Ўйиборли томони, маҳаллаларни ташкил этишда ҳунармандлар шаҳар экологиясига катта аҳамият берган. Масалан, заргарлар шаҳар марказида, қоғоз, тери билан ишловчилар шаҳар ташқарисига жойлаштирилган. Шаҳарни ифлослантириш катта гуноҳ ҳисобланган.

Туркистон Россия томонидан 1865 йил забот этилганидан сўнг, шаҳарлар “вилоят шаҳарлари”, “уезд шаҳарлари” деб номланиб, улар Чор ҳукуматининг таянч нуқталарига айлантирилди ва неча асрлардан буён халқнинг маданий мероси ҳисобланган тарихий шаҳарлар ўз аҳамиятини йўқотди. Кейинчалик шаҳарлар икки қисмга “янги” ва “эски” га бўлинди. “Янги” шаҳарларга европа миллатига мансуб аҳоли, “эски”сига маҳаллий аҳоли жойлаштирилди. Шаҳарларга жойлаштирилган саноат корхоналари ҳам асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари эди. “1913 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат 86 % ни, оғир саноат 2 % ни қамраб олиб, пахта ва ипакдан маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрикалар умуман йўқ эди”. Натижада, бирорта ҳам шаҳар йирик маданий марказ ёки саноат шаҳрига айланмади.

Ўзбекистон Иттифоқ таркибида бўлган пайтда маъмурий-ҳудудий тузилиш тартибқоидаларига маълум ўзгартиришлар киритиш ва аҳоли пунктларига ном қўйиш, эски номларни ўзгартиришга доир бир қатор йилларда (1961, 1964, 1972 ва бошқа йилларда) қонунқоидалар қабул қилинди. Масалан, 1929 йил 2 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон ССРнинг шаҳар ва шаҳар пунктлари рўйхатини тузиш тўғрисида”ги қарорига асосан шаҳарлар рўйхати тузилиб, унга республикада 17 та шаҳар, 8 та шаҳар типидagi посёлка киритилган.

Республика шаҳарлари сони уруш даврида ортиб борди. Бунга Иттифоқдан йирик саноат корхоналарининг кўчириб келтирилиши ва ушбу ҳудудларга шаҳар мақомини берилиши сабаб бўлди. Урушдан кейин фойдали қазилмалар топилган туман марказлари шаҳар типидagi посёлкаларга айлантирилиши натижасида уларнинг миқдори кўпайди.

Республикада шаҳарлар энг кўпайган давр ўтган асрнинг 70-80-йилларига тўғри келади ва бу пайтда урбанизациянинг умумий кўрсаткичи 40,9 фоизга етди. Бунга шаҳар статусини белгилаб берувчи аҳоли сонининг 10 мингдан 7 минг кишига қисқартирилиши ҳам сабаб бўлди.

Мамлакат шаҳарларининг энг кўп бўлган даври ўтган асрнинг иккинчи ярмига тўғри келсада, уларнинг сифат даражаси ачинарли аҳволда эди. Аксарият кўпчилик шаҳарларда канализация, водопровод, мактаб, болалар боғчаси, кинотеатр, клуб, маданият уйи, аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотлар етишмас эди. Қатор шаҳарларда эса экологик муаммолар йиғилиб бораётган эди. Манбаларда таъкидланишича, 1980-1989 йилларда турли хил касаллик 4.8 баробар, болалар касалликлари 2.8 баробар, катталар 2.2 баробар, гўдакларни сут тиши чириши касалликлари 2 мартага ортган. Саноат корхоналарининг зарур жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, шаҳарлар экологиясига салбий таъсир кўрсатди. “Қувасой цемент комбинатининг зарур қурилмалар билан жиҳозланмаганлиги, борлари ҳам эскирганлиги туфайли сув ва ҳаво ифлосланган. Йилига 30 минг тоннадан зиёд цемент, оҳак, гипс чангини атмосферага чиқарган комбинат аҳоли саломатлиги ва атроф муҳитга катта зарар етказдирган”.

Шаҳарлардаги аҳвол танглиги етмаганидек, улардаги мавжуд тарихий ёдгорликлар, асрлар давомида халққа хизмат қилиши учун мўлжаллаб қурилган ноёб обидалар оёқ-ости қилинди. Давр силсиласидан омон қолганлари турли маиший хизмат ва бошқа мақсадларда фойдаланилди. Масалан, “Бухоро шаҳридаги Болоҳовуз хонақосида ошхона жойлаштирилди.

Ситораи Мохи Хоса саройининг янги қисмида Бухоро шаҳар музейининг бўлими, эски қисмида шаҳар ижроия кўмитаси соғлиқни сақлаш бўлимининг дам олиш уйи жойлаштирилди. Масжиди Калондан ғалла омбори сифатида фойдаланилган бўлса, Қўшмадрасада пахта сақланди”. “Қарши шаҳридаги Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари, Одина масжиди камокхонага айлантирилиб, “Ардом” ва “Домзак” деган мудҳиш номлар билан аталди”. “Қўқон хонларининг саройи ҳисобланган Худоёрхон Ўрдасидаги буюмлар, санъат асарлари, девонхона хужжатлари талон-тарож этилди. Ташқи ва Ўрта сарой бутунлай бузиб ташланиб, Саломхона черковга айлантирилди. Натижада, Саройнинг бир юз ўн тўрт хонасидан ўн тўққиз хонасигина бизнинг кунларгача етиб келди”. “Чуст туманидаги Буонамозор археологик ёдгорлиги 1970 йилда колхознинг ички йўлини қуриш баҳонасида вайрон қилиб юборилди”. “Андижон вилоятидаги Мингтепа қўрғонидаги 16 та ёдгорликдан 15 таси қишлоқ хўжалиги экинлари экиш мақсадида йўқ қилинди”. Шундай қилиб, асрлар давомида халқнинг моддий ва маънавий ёдгорлигига айланган кўҳна обидалар очик тарзда вайрон этилди. Бу эса Иттифок даврида шаҳарларга, улардаги тарихий ёдгорликларга бўлган “этибор”нинг бир кўриниши эди холос.

Дунёда кўплаб катта-кичик шаҳарлар мавжуд. Шунга монанд шаҳар ҳақидаги тушунчалар ҳам турличадир. Масалан, Қўқон шаҳри атрофидаги қишлоқлар учун у катта шаҳар, пойтахт эса энг катта шаҳар ҳисобланади. Лекин жаҳондаги Париж, Лондон, Токио олдида Тошкент кичик шаҳар ҳисобланади. “Социологларнинг фикрича, шаҳарлик мақомини олгунча кишиларнинг бир неча авлоди шаҳарда яшаб туриши ва унинг турмуш-тарзини сингдириши керак экан”. Шаҳар деганда нимани тушуниш лозим, деган савол билан махсус шуғулланган америкалик тадқиқотчи Р.Сомплинсон шаҳарларни аниқлашдаги 15 та белгини таклиф этган. Уларнинг асосийлари қуйидагилар: шаҳар–аҳоли зич жойлашуви билан фарқланади, шаҳарнинг асосий вазифаси–маҳсулот тарқатиш, шаҳар–алоқа йўллар маркази, шаҳар–истеъмол маркази ва бошқалар. Бугунги кунда давлатларда шаҳарларга мақом бериш икки хил йўл билан, биринчиси аҳоли сони, иккинчиси аҳолининг бандлиги ҳисобга олинган тарзда қонуний йўл билан берилади.

XXI асрнинг чорак қисми ўтиб бораётган айни пайтда, инсоният тарихида илк бора жаҳон аҳолисининг катта қисми шаҳарларда истиқомат қилиши билан боғлиқ ҳодиса қайд қилинмоқда. Бу эса кўплаб ижобий томонлари билан бирга, уй-жой, иш-сизлик, экологияни бузилиши каби салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда-ки, улардан бири ер танқислиги билан боғлиқ муаммолардир. Ҳозирда кўпгина ривожланган давлатларда уни бартараф этиш мақсадида “Ер ости шаҳарлари”ни қуриш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида бундай шаҳарлар қурилиб, у ерга турли хил офислар, дўконлар жойлаштирилган бўлса, Сингапурда лойиҳа тайёрланмоқда ва мазкур ерга илмий тадқиқот билан шуғулланадиган объектларни жойлаштириш кўзда тутилган. Умуман олганда, мазкур шаҳарларга асосан дўконлар, офислар, клублар яъни, кишилар маълум бир вақт бўлиши мумкин бўлган объектлар ташкил этиш учун лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунга сабаб, барча ҳам мазкур ҳудудда доимий яшашга кўника олмайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда урбанизация даражаси тушиб борган бўлсада, бугунги кунда республика аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда истиқомат қилмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз шаҳарларининг ҳам қиёфаси ўзгариб замонавий-миллий услубни уйғунлаштирган янги кўринишни касб этмоқда. Улар дунёнинг нуфузли шаҳарлари билан ёнма-ён туриб турли муаммоларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Эгамбердиева У.Т. Замонавий урбанизация жараёни хусусиятлари // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон (халқаро амалий анжуман материаллари), 2007. – Б. 137.

2. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида). Дисс...тарих фанлари доктори. – Самарқанд, 2009. – Б. 141-287.
3. Мирзахмедов А. Ўзбекистон ССРда урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. – Тошкент: Билим, 1991. – Б. 11.
4. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002. – Б. 93.
5. Турсунов Ж. Ўзбекистон шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихи (Бойсун, Шарғун ва Шўрчи шаҳарлари мисолида) (1971-1990 йй). Дисс...тарих фанлари номзоди. – Самарқанд, 1995. – Б. 30.
6. Д.Х.Зияева. Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти (1991-2016 йиллар).-Тошкент:Yangi nashr. 2017. – Б. 34.
7. Мирзаев М. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917-1941йй). Дисс...тарих фанлари доктори. – Тошкент, 1994. – Б. 123.
8. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 73.
9. Дадабоев Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиши тарихи. – Фарғона: Фарғона, 2007. – Б. 92.
10. Ҳайдаров З. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи:қиёсий таҳлил. Дисс...тарих фанлари номзоди. – Тошкент, 2007. – Б. 77.
11. Эшов.Б.Ж. Давлатчилик ва урбанизация // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари : тарих ва ҳозирги замон(халқаро амалий анжуман материаллари). – Тошкент, 2007. – Б. 138.
12. Комилова Н.Қ. Ўзбекистон тиббий географик шароитининг ҳудудий таҳлили ва аҳоли саломатлиги муаммолари. Дисс... география фанлари доктори. - Тошкент, 2011. - 63 б.

MODDIY MADANIY MEROS OBYEKTLARINI MUHOFAZA QILISH TO‘G‘RISIDA AYRIM MULOHAZALAR

Yarkulov A.

**O‘zbekiston Respublikasi Madaniy meros agentligi,
Madaniy meros va arxeologiya obyektlari bo‘limi boshlig‘i, PhD.**

Moddiy madaniy meros obyektlarining ko‘pligi jihatidan O‘zbekiston hududi dunyoda yuqori o‘rinlardan birini egallaydi. To‘g‘ri bu, ularning saqlanishi jihatidan maqtana olmasakda, son jihatidan maqtansa arzugulik holat.

Ularning saqlanish holatining yomonligiga bir qancha sabablar mavjud bo‘lib, albatta bu muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Shulardan ayrimlarini sanab o‘tmoqchimiz. Birinchidan, moddiy madaniy meros sohasida ishlaydigan mutaxassislarning kamligi, ko‘pchilik hollarda nomutaxassislarning faoliyat olib borayotganligi. Bu esa o‘z navbatida to‘g‘ri qarorlar qabul qilinishida juda katta ahamiyat kasb etadi.

Ikkinchidan, mavjud resurslardan to‘g‘ri foydalanmaslik. Bu bor imkoniyatdan foydalanmaslik yoki sohaning oqsoqlanishiga olib keluvchi omil hisoblanadi.

Uchinchidan, uzoq muddatli va tezkor rejalarning yo‘qligi yoki borlaridan ham samarali foydalanmaslik. Hozirgi payt va umuman rejalashtirish juda muhim hisoblanadi. Lekin, ayni paytda bu ko‘zga ko‘rinadigan darajada emas.

Shu o‘rinda madaniy meros tushunchasiga to‘xtalib o‘tmoqchimiz. **Madaniy meros** - bu hayotning uzluksizligi doirasida bugungi kungacha saqlanib qolgan jamiyat tarixi haqida mahalliy va global ahamiyatga ega bo‘lgan har bir moddiy va nomoddiy mulkdir. Shu nuqtai nazardan qaraganda, Madaniy meros - bu hech kim egallamasdan, uzluksiz o‘zgarish sxemasiga rioya qilish orqali bugungi kungacha etib kelgan insoniyat qadriyatlari, e’tiqodlari va an’alarining aksi sifatida

tavsiflangan manbalar guruhidir. Unda odamlar va joylarning o'zaro ta'siridan kelib chiqadigan atrof-muhitning barcha xususiyatlari mavjud.

Yuqoridagi ta'rifdan ko'rinib turibdiki, ularning saqlanishini ta'minlash uchun birinchi navbatda me'mor, restavrator, tarixchi, arxeolog, san'atshunos kabi mutaxassislarni jalb etish shart hisoblanadi. Busiz amalga oshirilishi rejalashtirilgan ishlar ham, sohaga oid tashkilotlarning ishlari ham samarasiz kechadi.

Moddiy madaniy meros obyektlarining turlari milliy qonunchilikda ham, shuningdek, Umumjahon merosi konventsiyasida ham madaniy merosning turli shakllarini ajratish uchun foydali bo'lgan madaniy meros ta'rifi ko'rsatib o'tilgan:

- yodgorliklar: me'moriy asarlar, monumental haykaltaroshlik va rangtasvir asarlari, arxeologik xarakterdagi inshootlarning elementlari, yozuvlar, g'orlar turar joylari va tarix, san'at yoki fan nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega bo'lgan xususiyatlarning kombinatsiyasi.

- binolar guruhlar: arxitekturasi, bir xilligi yoki landshaftdagi o'rni tufayli tarix, san'at yoki fan nuqtai nazaridan ajoyib umuminsoniy ahamiyatga ega bo'lgan alohida yoki bir-biriga bog'langan binolar guruhlar.

- obyektlar: inson asarlari yoki tabiat va insonning qo'shma asarlari, shuningdek, tarixiy, estetik, etnologik yoki antropologik nuqtai nazardan ajoyib umuminsoniy ahamiyatga ega bo'lgan arxeologik yodgorliklar [4, 172].

Shundan kelib chiqib, moddiy madaniy meros obyektlarining har bir turi uchun o'z mutaxassislarini jalb qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Milliy qonunchiligimizda va O'zbekiston tomonidan ratifikatsiya qilingan xalqaro huquqiy-normativ hujjatlarda ham moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish maqsadida ayrim chegaralar belgilangan. Quyida ularning ayrimlarini ko'rib o'tamiz.

Muhofaza qilinadigan hudud. Ushbu nom ko'chmas madaniy va tabiiy boyliklarni saqlashda yoki ularni tarixiy muhitda muhofaza qilishda muhim rol o'ynaganligi sababli muhofaza qilinishi majburiy bo'lgan hududlarni anglatadi [1, 12].

Bufer zonasi - madaniy boyliklarga bevosita ta'sir ko'rsatadigan va muhofaza qilinishi kerak bo'lgan ob'ektlar; ular ilgari ular ichida bo'lganlarida ham sayt chegaralaridan tashqariga chiqarilgan; ko'chalar, maydonlar, inshootlar guruhlar yoki shunga o'xshash ob'ekt hududidan tashqarida muhofaza qilinishi kerak; yoki to'g'ridan-to'g'ri sayt hududiga ta'sir qiladigan yoki himoya qilish uchun rekonstruksiya rejasini tayyorlashda alohida e'tiborga olinishi kerak bo'lgan hududlar. Muhofaza qilinadigan hududni o'rab turgan bufer zonasi ikkinchi darajali qo'riqlanadigan hudud hisoblanadi. Bu himoyalangan hududga ham ta'sir qiladigan, ham unga ta'sir qiladigan hudud. Himoya qilinadigan hududdan tashqarida bufer zonasi bu hudud tomonidan jismoniy, ijtimoiy va vizual ta'sir ko'rsatadigan yaxshi tasvirlangan joydir [1, 13].

Muhofaza tegrasi – ob'ektlarni asrashni ta'minlash maqsadida hududning tarixiy, shaharsozlik yoki tabiiy atrof-muhitni asrash va tiklashga qaratilgan maxsus tadbirlarni qo'llashdan tashqari xo'jalik faoliyatini cheklaydigan va qurilishni taqiqlovchi, yerdan foydalanish uchun maxsus tartib o'rnatilgan hudud;

qo'riqlanadigan tegrallar — muhofaza tegralari, imoratlar qurish va xo'jalik faoliyatini tartibga solish tegralari hamda qo'riqlanadigan tabiiy landshaft tegralarini o'zi ichiga oladi [3].

Muhofaza qilish rejasi bu joy nima uchun muhimligini va har qanday yangi foydalanish, o'zgartirish, ta'mirlash yoki boshqarishda bu ahamiyatni qanday saqlab qolishingizni tushuntiruvchi hujjatdir. Bu juda oddiy fikrlash jarayoniga asoslangan bo'lib, u yerda nima borligini, nima uchun muhimligini, u bilan nima sodir bo'layotganini va uni boshqarish tamoyillarini tasvirlashdan boshlanadi va keyin texnik xizmat ko'rsatish, boshqarish, kirish, foydalanish uchun batafsilroq ish dasturlarini belgilaydi. yoki boshqa masalalar. Reja muhim qarorlar qabul qilishdan oldin nima muhimligini va nima uchun ekanligini tushunishingizga ishonch hosil qilib, saytga g'amxo'rlik qilishga yordam beradi.

Merosni muhofaza qilishni rejalashtirish an'anaviy boshqaruvni rejalashtirishdan farq qiladi, chunki u meros qiymatini saqlash uchun maxsus ishlab chiqilgan. Yodgorliklarni muhofaza qilishni

rejalashtirish foydalanish va ahamiyati o'rtasidagi muvozanatni saqlaydigan va tarixiy joy haqida qaror qabul qilishda foydali asosni ta'minlaydigan siyosatlarni belgilaydi. Yodgorlikni muhofaza qilishni rejalashtirish jarayoni har doim tarixiy resursning barqarorligi va uzoq umr ko'rishini rejalashtirishning asosini tashkil qilishi kerak.

Moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilishdan quyidagi maqsadlar ko'zda tutiladi:

- ◆ Merosni muhofaza qilish rejasi tarixiy joyning ahamiyati, uning zamonaviy konteksti va samarali tadbirlar orqali meros qadriyatlarini saqlashga qaratilgan siyosatning qisqacha sintezidir.

- ◆ U oddiy fikrlash jarayoniga asoslanadi, unda nima borligi, nima uchun muhimligi, u bilan nima sodir bo'layotgani (yoki ko'rib chiqilayotgani) va jismoniy o'zgarishlar va ahamiyat (meros qadriyatlari) o'rtasidagi ziddiyatlarni yumshatish tamoyillari ko'rib chiqiladi.

- ◆ Merosni muhofaza qilish rejasi muhim qarorlar qabul qilinishidan oldin nima muhimligini va nima uchun ekanligini tushunishni talab qilib, barqaror boshqaruv qarorlarini qabul qilishga yordam beradi.

Merosni muhofaza qilish rejalari tarixiy joylarga turli turdagi loyihalar yoki aralashuvlarni boshqarishda foydalidir [2].

Madaniy meros uchun xavf-xatarga tayyorlikni yaxshilashga qaratilgan umumiy rejalashtirish masalalari, avvalo, yodgorliklar, arxeologik joylar, tarixiy aholi punktlari va madaniy landshaftlarga taalluqli alohida rejalashtirish masalalari quyida qayd etilgan.

Binolar toifalari, binolar guruhlar va saytlar quyida ko'rib chiqilgan toifalarga, ya'ni yodgorliklar (yagona inshootlar, binolar yoki majmualar), tarixiy aholi punktlari va madaniy landshaftlarga mos kelishini tushunish mumkin. Shuningdek, arxeologik obyektlarni (yodgorlikning alohida holati) alohida e'tiborga loyiq deb ajratadi.

Madaniy meros uchun xavf-xatarga tayyorlikni yaxshilashga qaratilgan umumiy rejalashtirish masalalari, avvalo, yodgorliklar, arxeologik joylar, tarixiy aholi punktlari va madaniy landshaftlarga taalluqli alohida rejalashtirish masalalari quyida qayd etilgan.

Arxeologik joylarni o'tmishdagi ofatlar yoki e'tiborsizlik natijasida hozirgi holatiga kelib qolgan deb tushunish mumkin, shuning uchun ularga g'amxo'rlik uzoq muddatli istiqbolga mo'ljallangan rejalarda ko'rib chiqilishi kerak.

Rejalashtirish, ayniqsa, yodgorlik xavfsizligi bilan bog'liq bo'lishi kerak, ya'ni vandalizm, yong'in, meros obyektlarini yoki parchalarini talon-taroj qilish va noqonuniy buzish potentsiali, tashrif buyuruvchilar hamda aholi xavfsizligi.

- rejalashtirish ob'ektning meros qadriyatlariga va uning turli tarkibiy elementlariga hurmat bilan yo'naltirilgan bo'lishi kerak, bu yo'llar bilan falokat paytida javob choralari ko'rish mumkin. Misol uchun, tahlil va taqdimot qiymatlari o'rtasidagi farqni ko'rsatishi kerak; bunda mavjud obyekt yaxlitligini aniqlashtirishi va kerakli yaxlitlik va haqiqiylikni saqlab qolish uchun tegishli usullar bilan tuzatuvchi harakatlarga e'tibor qaratishi kerak [5, 14].

Shunday qilib, moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilishda asosiy omillar deb resurslardan to'g'ri foydalanish, rejalashtirish va muhofaza qoidalariga rioya qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Protection of Cultural Heritage. June 2014, Istanbul.
2. www.for.gov.bc.ca/heritage Conservation Planning Methodology Developing policies for the conservation of historic places.
3. Моддий маданий мерос объекtlарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 265-сонли қарори. Lex.uz.
4. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Конвенциялар, битимлар, протоколлар, тавсияно-малар, декларациялар. Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция. Тошкент “Адолат”, 2004.
5. Jean Pierre MASSUE, Max SCHVOERER. Protection of cultural heritage. Council of Europe. Handbook. Page.14.

AXSIKENT OCHIQ OSMON OSTIDAGI MUZEYINING TASHKIL ETILISHI

Norinov M.

Namangan muhandislik – texnologiya instituti “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi o‘qituvchisi.

Axsikent manzilgohi Namangan viloyati, umuman, Farg‘ona vodiysidagi eng katta arxeologik bo‘lib, uning paydo bo‘lish sanasi miloddan avvalgi III asrning ikkinchi yarmiga to‘g‘ri keladi[4:506].

Tarixiy asarlarda shahar haqidagi qimmatli ma‘lumotlarning berilishi, ushbu manzilgohni asosli ravishda tarixiy-madaniy obyekt sifatida turizm makoniga aylantirish imkoniyatlaridan dalolat beradi. Masalan, X asrda yozilgan tarixiy asarlardan biri “Hudud ul olam”da Axsikatni Farg‘ona muzofotining qasabasi (ya‘ni, qadimgi poytaxti-M.N.), shuningdek, amir hamda mas‘ul amaldorlarning qarorgohi sifatida, uni katta shahar, deya ta‘riflanishi unig tarixiy mavqeidan dalolat beradi[5:15-16].

XVI asrning mashhur tarixchi olimi Mirzo Muhammad Haydar Ayoziy esa, Axxi Farg‘ona shaharlarining ichidagi eng qadimiysi hisoblanishini yozib qoldirgan edi[6:53].

Vazirlar Mahkamasining yuqoridagi qarorida majmuada Zahiriddin Muhammad Boburning muhtasham haykalini o‘rnatish, tarixiy-ma‘rifiy ahamiyatdagi turli tadbirlarni o‘tkazadigan arxitektura ansamblini tashkil etish haqidagi takliflar ham ma‘qullangan. Shu bilan birga, tarixiy va ilmiy manbalar asosida qadimgi Axsikentning maketini tayyorlash, topilgan arxeologik ashyolar, qadimgi qo‘lyozma hamda toshbosma asarlar, tarixiy dalillar, hujjatlar, topilmalar, innovatsion ilmiy-tadqiqotlar, kitob hamda to‘plamlar, video, foto hujjatlar kabi boshqa ma‘lumotlar hisobidan muzey ekspozitsiya ko‘rgazmasini yaratish, sifatli texnologiyalar asosida axborot - resurs markazini samarali ishga tushirish, turistlar, tadqiqotchi va tashrif buyuruvchilar uchun qulay bo‘lgan shart-sharoitlarni yaratish, majmuada tarixiy ko‘rinishni saqlab qolgan holdagiuning muhofaza hududidan chetda zamonaviy dam olish komplekslarini bunyod etish hamda majmuani turistik imkoniyatini yuksaltirish yuzasidan kerakli zarur chora - tadbirlarni olib borishdek vazifalar belgilab berildi[7].

Shulardan kelib chiqqan holda majmuada ommaviy tadbirlarni tashkil qilish, sayllar uyushtirish, milliy-tarixiy bayramlarni o‘tkazish o‘ziga xos ahamiyatga ega bo‘ladi. Mazkur tadbirlarni o‘tkazish, yodgorlikning tarixiy ekanligini inobatga olib, shahar to‘g‘risidagi kerakli ma‘lumotlarni ham bilish lozim jihatlardan hisoblanadi.

Axsikentni turizm makoniga aylantirish ishlariga viloyatdagi barcha soha vakillari, ziyolilar o‘z hissalarini qo‘shdilar. Masalan, san‘atshunos olim va rassom A.Turdaliyev “Axsikent qal‘asi”, “Axsikent Farg‘ona shaharlarining onasi”, “Umarshayx Mirzo” kabi tarixiy rangtasvir asarlari yaratildi. Uning bevosita tashabbusi va rahbarligi ostida “Axsikent yodgorligi tarixini o‘rganish va uni turizm manzilgohiga aylantirish istiqbollari” mavzuida ilmiy-amaliy anjuman o‘tkazildi[8:7].

Tashkil topgan ilk tashkilot Axsikent direksiyasi tarkibiga malakali va sohani yaxshi tushunadigan mutaxassislar jalb etildi. Qisqa davr ichida manzilgohda respublikada birinchi ochiq osmon ostidagi muzey barpo etildi.

Direksiya ma‘muriyati 2018 yil viloyatda turizmni rivojlantirish konsepsiyasini, tumanlar kesimidagi turpakatlarni, vodi y hududi bo‘ylab turistik yo‘nalishlar yo‘l xaritalarini ishlab chiqdi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019 yilning 28 fevralida Axsikentga tashrifi, ushbu tarixiy yodgorlikni ichki hamda xalqaro turizm maskaniga aylanishi uchun turtki bo‘ldi.

Prezident Axsikentni “buyuk tariximiz ko‘zgusi”, deb ta‘riflagan holda, vodiydagi ta‘lim muassasalari o‘quvchilarini o‘tmishga bo‘lgan qiziqishni kuchaytirish uchun “Yosh qadimshunoslar maktabi”ni shu yerda tashkil etish haqida takliflarini olg‘a surgan edi.

Prezident tashrifidan so‘ng, Axsikentning haqqoniy tarixini yoritish borasida ham samarali ishlar qilindi. Chunonchi, sovet davridagi sobiq ittifoq markazidan kelgan arxeologlarning taxmin bilan yozilgan shahar tarixi asossiz ekanligi isbotlandi. Ya‘ni, Axsikentni mo‘g‘ullar bosqini davrida emas, 1621 yilgi dahshatli zilzilada vayron bo‘lganligi olimlar tomonidan isbotlandi[9].

Axsikent vodiyning qadimiy poytaxti, madaniy, siyosiy, iqtisodiy markazi va Buyuk ipak yo‘lidagi asosiy manzillardan biri bo‘lgan.

Manzilgohning arxeologik turizm uchun salohiyati yetarli darajada. Yerosti suv yo‘lining mavjudligi hamda mudofaa uchun qulay joyda joylashganligi shaharsozlikdagi o‘ziga xos tomonlar hisoblanadi. Shaharda hunarmandchilikning keramika, shishasozlik, temirchilik hamda qurolsozlik sohalarini keng rivojlantirgan [10:29].

Shuningdek, bu yerdan olamga dovrug‘i ketgan olimlar yetishib chiqqan. Masalan, Asiruddin Axsikatiy, Abul Qosim Mahmud ibn Muhammad as-So‘fiy Axsikatiy, Abu Rashod Axsikatiy, Sayfiddin Axsikatiy, Husomuddin Axsikatiy, Mavlono Poyanda Oxun Axsikatiy va boshqalar[11:17-21]. Bu qadimiy poytaxt haqida o‘rta asr olimlari asarlarida ham ko‘plab ma‘lumotlar yetib kelgan [12:6].

Turizmning global ahamiyatini hamda uning iqtisodiy samaradorligini hisobga olgan holda mahalliy hamda xalqaro turizmni rivojlantirish O‘zbekiston Respublikasida davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Xususan, O‘zbekiston Prezidenti tashabbusi bilan qabul qilingan normativ hujjatlarda turizmni rivojlantirish yuzasidan olib borilayotgan islohotlarni izchil davom ettirish, shuningdek, ziyorat turizmi hamda ichki turizmning boshqa sohalarini ham rivojlantirishga alohida e‘tibor qaratilishini ko‘rsatib o‘tildi[13].

Bu yerda “Navro‘z”, “Mustaqillik”, “Yangi yil”, Ramazon va Qurbon hayiti kabi bayramlarni o‘tkazish, “Qovun sayli”, “Shirinlik bayrami”, “Anor sayli” kabi milliy bayramlarni, turli darajadagi yubiley larni ham o‘tkazish rejalashtirildi.

2019 yilning dastlabki oylarida majmuada turizm sohasini rivojlantirish maqsadida ikki nafar xalqaro toifadagi turizm mutaxassislari jalb qilindi. Shu bilan birga bu yerda 20 ga yaqin turizmning turli tarmoqlarini rivojlantirish mumkinligi isbotlandi. Mazkur vaqtda direksiya tarkibida “Turizm bo‘limi” tashkil etildi. “Gid va ekskursovodlar kursi”i ochildi. Ushbu kursda 2019 yilning dastlabki 2 oyida o‘ttiz besh nafar uyushmagan yoshlar tinglovchi sifatida jalb qilinib, ulardan o‘n bir nafari majmuada ish bilan ta‘minlandi. 2018 yilning 3-5 oktyabr kunlari esa, direksiyaning xalqaro sertifikatga ega bo‘lgan turoperatorlari Toshkent shahrida “Buyuk Ipak Yo‘lida Turizm: Toshkent – 24”, deb nomlangan xalqaro turizm yarmarkasida ishtirok etib qaytdilar. Festivalda yetmish besh nafar mahalliy va o‘ttiz besh nafar xorijiy turistik firmalar bilan shartnomalar imzolandi [14].

Dunyo miqyosida turizmga nafaqat madaniy-ma‘rifiy tarmoq sifatida, balki iqtisodiyotni rivojlantirish omili sifatida qaradi. Masalan, turizmni mamlakatlar Yalpi ichiki mehnat mahsulotiga qo‘shadigan salmog‘ini quyidagilardan ham bilish mumkin. Fransiya YAMM 7 foizi turizmga to‘g‘ri kelib, 1 mln.dan ortiq fuqaro ushbu sohaga jalb qilingan. Mamlakat chet elliklar tashrifidan 40 mld. Dollor atrofida daromad oladi. Quyidagi mamlakatlar daromadlarining 50 foizidan ortig‘i turizm hissasiga to‘g‘ri keladi: Bagam orollari (53,6), Seyshel (54,5), Maldivi (61,3), Aruba (70), Angilya (71), Antigua i Barbuda (75,8) va Makao (89,5). Ba‘zi davlatlarda ushbu sohadan keladigan daromad katta miqdorni tashkil etadi. Misol uchun, Gretsiyada turizmdan keladigan daromadning qiymati 37,5 mlrd yevroga teng bo‘lib, bu YAImmning 20 foizini tashkil etadi[18].

Hozirda mamlakatimizda ichki turizm tarmog‘ini rivojlantirish dolzarb masalaga aylanmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining bu borada qator farmon va qarorlari e‘lon qilindi. Ayniqsa, 2018 yilning 7 fevralida qabul qilingan “Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorga ko‘ra, “O‘zbekiston bo‘ylab sayohat qil!” turizmning rivojlantirish dasturi e‘lon qilindi[19].

Axsikentda ichki va xalqaro turizmni rivojlantirilishi, ayni damda bu yerda olib boriladigan ma‘rifiy-madaniy anjuman va tadbirlarni tashkillashtirish ishlari bilan ham bevosita bog‘liqdir.

Ziyoratchi va turistlarning mazmunli dam olishlari, ularga yuqori sifatli servis xizmatlarini ko‘rsatish tabiiyki, ijtimoiy va madaniy jabhadagi ishlarning sifat jihatidan yangi yuqori bosqichga ko‘tarilishi bilan chambarchas bog‘liqdir.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Рўзинов Б., Ражабова С., Қосимов А., Исмоилов Ю. Наманган вилояти маданий мероси.- Наманган: Наманган нашриёти, 2013.-Б.4.

2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-71-75 бетлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 831-сонли Қарори //Халқ сўзи, 2017 йил, 17 октябрь.
4. Анарбаев А. Ахсикент- столица древней Ферганы.-Ташкент: Тафаккур, 2013.-С.506.
5. Худуд ул олам.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-Б.15-16.
6. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди.-Ташкент: ФАН, 1996.-С.53.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 831-сонли Қарори //Халқ сўзи, 2017 йил, 17 октябрь.
8. Анарбаев А. Ахсикент ижодкори. //Тамаддун журнали, 2023.-№5.-Б.7.
9. Отажонов Н., Қозоқов Т., Рустамов А. Маданий мерос Президент нигоҳида //Наманган ҳақиқати, 2021 йил 27 ноябрь.
10. Анарбаев А. Ахсикент- столица древней Ферганы.-Ташкент: Тафаккур, 2013.-С.29.
11. Абдулаҳатов Н. Поянда Муҳаммад Ахсикатий. “Ўзбек давлатчилиги тарихида Ахсикент шаҳрининг ўрни” мавзусидаги I халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Наманган, 2018 йил 12 июнь.-Б.17-21.
12. Қозоқов Т. Аҳси Фарғона шаҳарларининг онаси.-Тошкент: Наврўз, 2018.-Б. 6.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.
14. Отажонов Н., Қозоқов Т., Рустамов А. Маданий мерос Президент нигоҳида //Наманган ҳақиқати, 2021 йил 27 ноябрь.
15. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. Асарлар IV жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2020.-Б.29,267.
16. Омонов И. Ахсикентда туризм ва маърифий тадбирларни ташкил қилиш истиқболлари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2020.-№ 2.-Б.31-34.
17. Туризм в Узбекистане 2018 (Сборник).- ООО «MITRA TRAVEL» по заказу Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма Номер регистрационного свидетельства № 10-4152 of 07.05.2018, зарегистрировано в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан.-Ташкент, 2018.-С.5.
18. <https://ria.ru/20190506/1553304200.html>
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3514-Қарори “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” //Халқ сўзи, 2018 йил 7 феврал.
20. ПҚ-3509-сон 06.02.2018. Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

ШАҲРИСАБЗДАГИ ҲАЗРАТИ МАЛИК АЖДАР МАСЖИДИ ТАЪМИРЛАНИШИ ТАРИХИ

Қўйлиев Р.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси

Шаҳрисабз шаҳри Қапқадарё вилоятида Қарши шаҳридан кейин иккинчи йирик шаҳар ва ўзининг тарихи, маданияти билан нафақат Ўзбекистонда, балки мусулмон шарқида ҳам донг таратган марказлардан биридир. Шаҳар худудида турли даврларга оид меъморий мажмулар, тарихий бинолар жойлашган. Шулар орасида Ҳазрати Малик Аждар масжиди алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур саждагоҳ шаҳарнинг маҳалла масжидларидан бири сифатида танилган. У сейсмик жиҳатдан зилзилага чидамли синчли, чўбкори иморат. Бино қуйидаги ўлчамларга эга: 8x8 ва 8,5x8,5 м. Масжиднинг катта ҳажмга эга толори чиройли гумбаз билан ёпилган. Бинонинг гумбази равоқли елканлар шаклидаги саккиз қиррали асосга таянади. Зал ҳамма томондан айвон билан ўралган. Бош кириш қисми пештоқли. Пештоқининг равоқи ичида

битиклар мавжуд ва улар яхши сақланмаган. Улар сулс ва кўфий хатларида кўк рангли харфлар билан битилган.

Малик Аждар мажмуасини илмий тадқиқ қилиш, ўрганиш ҳамда таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш маданият ёдгорликлари ишлаб чиқариш бош бошқармаси буюртмасига биноан амалга оширилган. Комплекснинг асл қиёфаси 1977-1978 йиллари ёдгорликда олиб борилган тадқиқот натижаларида қайта тикланган. Шу асосда реставрация лойиҳаси 1982 йили УзНИПИ реставрация институти ходимлари томонидан амалга тузилган.

Мажмуанинг кўп йиллик муддат давомида сув ва нам остида қолиши ва шунинг таъсирида авариявий ҳолатга келиши сабабли уни қайта тиклаш ва реставрация қилиш мақсадида конструкциялар тадқиқоти ўтказилди ва ёдгорликни авариявий ҳолатга келиши сабаблари аниқланди. Бу ерда усти ёпилиб маҳкамланган қудуқнинг кўтарилиши ва очилиб кетиши шу аҳволга олиб келган. Тадқиқот жараёнида горизонтал ва вертикал ўлчамлари амалга оширилди, йўқотишлар аниқланди, деворнинг вертикал қиялиги текширилди.

Барча олинган маълумотлар бузлишлар, йўқотишларни юзага чиқариш мақсадида 1982 йилги реставрация лойиҳа смета ҳужжатларига киритилди.

Комплекснинг барча мажмуалар учун хос бўлган ажралмас қисми ҳисобланган йўқотилган қисмларини тўлиқ тиклаш мақсадида уни узил кесил реставрация қилиш режалаштирилди. Бу режага мувофиқ Малик Аждар комплексида тарихий-архив ва библиографик тадқиқотлар амалга оширилди, шурфлар ўрганилди, маҳалладаги ёши улуғ инсонлар саволлар билан мурожат қилиниб жавоблар олинди. Мана шу тадқиқотлар натижасида комплекснинг реставрация лойиҳаси бажарилди.

Реставрацион-тиклаш ишлари юзасидан илгари амалга оширилган илмий-лойиҳа ҳужжатлари 1999 йили “Таъмиршунослик” институти ходимлари томонидан бажарилган. Мазкур гуруҳ таркибида асосан М.Мўъмин Охунов, З.Саидов, архитектор С.Аҳмадов ва Шаҳрисабз ёдгорликларни муҳофаза қилиш инспекцияси инспектори Р.Қодиров иштирок этган.

Малик Аждар мажмуасининг мавжуд бинолари асосан: икки томонлама айвон, хужра ва мактабдан ташкил топган бўлиб унинг таркибида дарвозахона, қорихона, хужра дарсхона киради. 1982 йили УзНИПИ реставрация ходимларига берилган реставрация лойиҳаси коррективировка қилинган. Ўа вақтда бу иншоотлар, асосан хужралар, авариявий ҳолатда. Бунинг сабабаи шу атрофдаги чашманинг бекитиб қўйилишидир.

Комплекс ҳудудидининг кўп йиллар давомида сув остида қолиб кетиши бино асосининг нотекис чўкишига олиб келган. Бундан ташқари бино деворларида ёриқлар ва уларнинг асоратлари сезилади. Девор конструкцияларида ажралиш кузатилади. Томдаги гумбаз ҳам бир оз хароб бўлган. Масжид томини ремонт ишлари бир неча маротаба амалаг оширилган бўлиб бу ишлар маҳалла аҳли ташаббуси билан ўтказилган. Аммо ҳашар ишлари илмий услубий асосли лойиҳаларсиз ўтказилганлиги сабабли том устини ёпишда жиддий хатоларга йўқ қўйилганлиги кузатилади. Шу сабабдан ҳам том устида кўп сонли йирик ва кичик ёриқлар борлиги аниқланган. Оқибатда юқоридан атмосферадан нам ҳаво таъсири бино деворларига ҳам урган. У авариявий ҳолатга тушиб қолади.

Такрорий реставрация лойиҳасини бажариш учун комплекс биноларини тадқиқот қилиш, ёдгорликни археологик-меъморий жиҳатдан ўлчаш ишларини амалга оширишда смета қилинган ва бунда вайрон бўлишлар, дефектлар, оғишлар кузатилган. Ёдгорлик бўйича тўлиқ маълумотлар олиш учун шурф ва зондажлар ўтказиш, иморатнинг инженерлик тадқиқотини амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Чизмаларга изоҳлар киритганда реставрация жараёнларида муаллифлик назорати остида нуқталар ва ўлчамлар аниқланиши ёзилган. Аммо ўлчамлар ва чизмалар киритилмаган.

Шу сабабдан ҳам ёдгорликни барча параметрлари бўйлаб ўлчаш, чунки реставрация ва тиклаш ишларини амалга ошириш ҳажмини аниқлаш учун ўлчамлар зарур бўлган.

Вазифаларга асосан сметада кўрсатилган 70 % ишларни бажариш ва бу ишларни комплекснинг барча иншоотларига нисбатан қўллаш реставрация лойиҳасига мувофик келиши таъкидланган. Бу иш жараёنлари 1982 йилга тўғри келади.

Малик Аждар комплекси Ўрта Осий меъморчилигининг меъморий ёдгорлик обидалари орасида йирик намунаси сифатида намоён бўлади. У ҳозирги вақтда ҳам ўзининг зиёратгоҳ сифатидаги аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки бу ер авлиё Малик Аждарнинг қадамжоси деб қабул қилинган. Қачонлардир унинг бу ерда ҳар эҳтимолга қарши рамзий қабри бўлган. Ҳозир тошлар уюми мавжуд ер кейинроқ бузилган қабр жойи деб ҳисобланади. Авлиёнинг қабри 1920 йиллари бузилган.

1980 йилга қадар комплекс биноси асосан турар жой учун фойдаланишга берилган. Масжиднинг минораси ҳам субъектив сабаблар туфайли бузиб юборилган. Вайрон этилган иншоотлар орасида айвонли, сағонали хужра чиллахона, ҳовуз ҳам бор. Реставрация лойиҳасида айнан юқорида таъкидланган ва қайд этилган қурилмалар тикланиши режалаштирилган. Бу иншоотлар ва қурилмалар мажмуанинг муҳим таркибий саналади. Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш қайд қилинган ва бунда тарихий архив ва библиографик тадқиқотлар ўтказиб шу йўқотилган мажмуа қисмлари бўйича маълумотлар олиш режаси олдинга сурилган. Айниқса ёши катта инсонлар билан савол жавоблар ўтказиб улардан маълумотлар йиғишга эътибор қаратилган.

Малик Аждар собиқ шўро давридаги “Интурист” меҳмонхонаси яқинида жойлашган-лиги сабабли чет эллик туристлар ва зиёратчиларнинг доимий томоша қиладиган объектлари жумласига кирган. Яъни туристик маршрутга кирган ҳисобланади.

Малик Аждар меъморий ёдгорлик мажмуасининг йўқотилган қисмлари ёдгорликнинг XVIII-XIX асрларга мансуб меъморий ёдгорлик намунаси сифатида назарга олинганлигини кўрсатади.

Малик Аждар ҳозирги вақтда ҳам намозхонлар фойдаланиб келинадиган масжидлардан ва бошқа томондан тарихий ёдгорлик сифатида зиёратчилар объектидир. Мазкур бинони келажак авлодлар учун сақлаш мақсадида уни доимий назоратга олиш, таъмирлаб туриш келажакда қилинадиган муҳим вазифалар қаторига киради.

Адабиётлар рўйхати

1. Комплекс Малик Аждар в г. Шахрисабзе Кашкадарьинской области. Научно-исследовательская работа. Кн.1. Ташкент, 2000. С.3-4.

O‘ZBEKISTON VA JAHON MUZEYLARI TARIXIY GEOGRAFIYASI

Xudoyorov L

ShDPI Geografiya kafedrası o‘qituvchisi

Avvalo, insoniyat hayotida muzeylar paydo bo‘lish tarixiga qisqacha to‘xtalib o‘tamiz. Muzey-yunoncha so‘z bo‘lib, muza, muzeun so‘zidan kelib chiqqan. Muzeun – bu go‘zal buyumlar saqlanadigan joy degan ma‘noni anglatadi. Dastlabki muzeylar ham aynan funksional jihatdan hozirgi muzeylardan unchalik farq qilmagan. Ular ham noyob buyumlarni saqlash va namoyish qilish vazifasini bajargan. Ammo qadimda muzeylar alohida muassasa sifatida faoliyat ko‘rsatmasdan, ma‘lum vaqtlarda yoki birorta tadbir tarkibida o‘tkazilgan. Shuningdek, buyumlarga eksponat sifatida qaralmagan, balki kolleksiya namunasi sifatida e‘tibor berilgan. Chunki turli mavzulardagi noyob buyumlar aholining o‘ziga to‘q tabaqasi hisoblangan amaldorlardan iborat kolleksioner (qimmatbaho baho buyum)lar tomonidan yig‘ilgan va xalqqa namoyish etilgan

Ma‘lumotlarga ko‘ra, muzeylar dastlab antik (qadimgi) davrda Yunoniston va Rimda vujudga kelgan. Ayni shu davrda kolleksiyalar to‘plash an‘anasi shakllangan. Yunonistondagi Gelikon tog‘i yonida turli tasvirdagi yodgorliklar saqlanadigan joy muzeylarning ilk ko‘rinishlaridan biri hisoblangan. San‘at, madaniyat va fanda erishilgan yutuqlarning namunalaridan iborat kolleksiya (qimmatbaho baho buyum)lar to‘plash Yevropada Uyg‘onish davrida dastlab Italiyada, so‘ng esa

“JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI”

Angliya, Fransiya, Germaniya va boshqa mamlakatlarda an’anaga aylandi. Italiyada XV asrda moddiy-madaniy buyumlarni yig’ish va namoyish etish ishlari aniq tizim asosida tashkil etilgan bo’lsa, XVI-XVII asrlarga kelib, Fransiya, Angliya, Germaniyada ham muzeylar tashkil etish odat tusiga kirgan. 1753-yil ochilgan Londondagi “Britaniya muzeyi”, 1793-yil tashkil etilgan Parijdagi “Luvr” muzeyi” G’arbiy Yevropadagi ilk ommaviy muzeylar sanaladi.

XIX asrga kelib dunyo miqiyosida ko’plab yirik muzeylar vujudga keldi. 1819-yilda Madriddagi “Prado muzeyi”, 1873-yilda Moskvadagi “Tarix muzeyi”, 1852-yilda Sankt-Peterburgdagi “Ermitaj”, 1870-yilda Nyu-Yorkdagi “Metropoliten” muzeylarini misol qilib keltirish mumkin.

Yevropada bo’lgani kabi XIX-asrning ikkinchi choragidan boshlab O’rta Osiyoda ham katta muzeylar barpo etilgan. Toshkentda ilk muzey 1876-yilda ochilgan bo’lib, u hozirgi “O’zbekiston tarixi davlat muzeyi” dir. Yurtimizdagi dastlabki muzeyning faoliyati A.P.Fedchenko, N.A. Mayev, V.F.Oshanin, I.V.Mushketov, V.V.Bartold kabi olimlarning say-harakatlari va tashabbuslari bilan shakllanib borgan.

XX-asrda O’zbekiston hududida ko’plab muzeylar, shunindek, sohalarini qamrab olgan muzeylar bilan birga, badiiy va uy muzeylari ham tashkil etildi.

1991-yilda O’zbekiston davlat mustaqilligiga erishgandan so’ng yurtimizda muzeylar faoliyatida keng o’zgarishlar ro’y berdi. 1994-yil 23-dekabr kunidagi O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Respublika muzeylari faoliyatini yaxshilash chora-tadbirlari to’g’risida” qaror qabul qilindi. Ayni shu qaror asosida o’rganilayotgan “O’zbekiston Davlat san’at muzeyi” yangidan ta’mirdan chiqarilib foydalanishga topshirildi.

2008-yilda O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan “Muzeylar to’g’risida”gi Qonun qabul qilindi. Bu qonun hujjatining parlament tomonidan qabul qilinishi yurtimizda bu sohaning keng ko’lamda rivojlanishi uchun asosiy me’yor vazifasini o’tash bilan birga muzeylar faoliyatiga davlat va jamiyat miqiyosida yuqori darajada e’tibor berilishini ko’rsatib berdi.

Shuningdek, yurtimizda bir qancha yangi muzeylar tashkil etilishi mustaqillik yillarida muzey sohasiga bo’lgan e’tiborning naqadar rivojlanib borganligini ko’rsatadi. Jumladan, 1996-yil 14-avgust kuni “Olimpiya shon-shuhrati muzeyini tashkil etish to’g’risida”, 1997- yil 24-yanvarda “Temuriylar tarixi Davlat muzeyini tashkil etish to’g’risida”, 2002- yil 8-noyabr kuni “Qatag’on qurbonlari xotirasi” muzeyi faoliyatini tashkil etish to’g’risida Vazirlar Mahkamasi qarorlari qabul qilindi.

Mamlakatimiz muzey sohasini rivojlantirish bugungi kunda olib borilayotgan islohotlar va taraqqiyot rejamizning dolzarb masalalaridan biriga aylanib bormoqda. Buning uchun muzeylardagi ashyo, buyum va kolleksiyalarni chuqur o’rganib, ularning bebaho qadr-qimmatini xalqimizga ochib berish, muzeylarda saqlanayotgan eksponatlar to’g’risida yoshlar ongida nazariy bilimlarini boyitish lozimdir. Hukumatimiz tomonidan bu sohani rivojlantirish bo’yicha 2017-2027 yillarga mo’ljallangan davlat dasturi ishlab chiqilishininng belgilanishi, yurtimizning taraqqiyot dasturi bo’lmish “Harakatlar strategiyasi”da muzey sohasini rivojlantirishning ko’rsatib o’tilganligi bejiz emas. Muzeylar orqali ona Vatanimizning ko’hna tarixi naqadar moddiy va madaniy yutuqlarga boy ekanligini, ajdodlarimizning bilim va tafakkuri, dunyoqarashi, san’ati, mahorati, iqtidori yuqori darajada ekanligini bugun dunyoga namoyish etib berishi mumkin. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 15-mart kuni “O’zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi to’g’risidagi hamda O’zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari madaniyat va san’atni rivojlantirish jamg’armasi mablag’larini shakllantirish va ulardan foydalanish tartibi to’g’risidagi nizomlarni tasdiqlash haqida“ Qarori e’lon qilindi. Bu hujjat madaniyat va san’at tizimini takomillashtirish maqsadida qabul qilinganligini so’nggi yillarda madaniyat sohasida, xususan, muzey sohasidagi islohatlardan anglash mumkin.

Dunyoning eng mashhur va qadimiy besh muzeyi: Muzeylar tabiiyki, madaniy merosning ajralmas qismidir. Sayohatchilar qay o’lkaga borar ekan, eng avvalo ularning muzeylarini tomosha qiladilar va shu orqali mamlakat tarixi, madaniyati, san’ati va adabiyoti, turmush-tarzi bilan yaqindan tanishishadi. Quyida dunyo tan olgan eng ko’hna besh muzey haqida qisqacha ma’lumot beramiz.

Uffitsi muzeyi. Italiya (1575-yil)

Ushbu muzey Yevropa san’atini o‘zida aks ettiruvchi eng muhim va yirik inshootlardan biri sanaladi. Muzey Florensiyadagi saroyda joylashgan bo‘lib, u 1560-1581 yillarda qurilgan. Uffitsi tarixi 1559-yillarga borib taqaladi. Florensiya qiroli Kozimo I qasrda shaharning ko‘zga ko‘ringan ustalarini yiqqan. Kelasi yildan boshlab Jorjio Vazari ismli hunarmand ishga kirishgan. Biroq 1574 yilda Vazari vafot etadi. Ishini uning jiyani Bernardo Buontalenti davom ettiradi. Yillar o‘tib galariya bitkaziladi va unda oilaviy yig‘ilishlar o‘tkaziladi. Keyinchalik muzeyga aylantiriladi.

Britan muzeyi. Buyuk Britaniya (1753-yil)

O‘z davrida bu tarixiy-arxeologik bino jahonning eng katta muzeyi hisoblangan. Avvaliga muzeyda faqat Qadimgi Rim va Qadimgi Yunonistonga oid tarixiy ashyolar joylashtirilishi ko‘zda tutilgandi. Lekin ular qatoriga turli san’at buyumlari va arxeologik topilmalar ham qo‘shiladi. Ular Londonga Britaniya imperiyasining turli kolonnalaridan olib kelingan. Shu tariqa muzey noyob sur’at, medal, kitob, tanga kabi buyumlarga to‘lib borgan.

Ermitaj. Rossiya (1764-yil)

Rossiyaning yirik madaniy-tarixiy obyekti bo‘lmish ushbu muzeyda san’at namunalari talaygina. Muzey beshta binodan iborat bo‘lib, bir-biriga eshiklar orqali ulanib ketgan. Ermitajni yaratish g‘oyasi Yekaterina II tomonidan taklif qilingan. Imperator xonim savdogardan Gorsovskiy kolleksiyasini sotib olgach, ushbu 220 ta kartinani joylashtirish uchun muzey tashkil qilgan. Bir muddat bino Kichik Ermitaj nomi bilan atalgan. Hozir esa Rossiyaning eng ko‘zga ko‘ringan maskanlaridan biri.

Vatikan muzeyi. Vatikan (1769-yil)

Ayni vaqtda muzey Papa saroyi va shaharning qimmatli kolleksiyalarini o‘zida jamlagan yirik inshoot sanaladi. Vatikan muzeyini noyob buyumlari 1769-yildan boshlab yig‘ila boshlagan. U yerda 50 mingga yaqin eksponatlar, shuningdek 1400 ta zal mavjud. Ushbu kichik mamlakat aynan shu muzey tufayli har yili minglab sayyohlarga to‘ladi.

Luvr muzeyi. Fransiya (1793-yil)

Bu muzey nomini eshitmagan odam kam topiladi. Luvr – qadimiy va boy shuningdek, qiziqarli tarixiy kolleksiyalarni o‘zida jamlagan va nozik did sohiblarini san’at asarlari bilan bag‘riga chorlovchi g‘aroyib binodir. Uni qurish ishlari ming yillar davom etgan va Parijning dovrug‘ini oshirishda katta xizmati bor. Aytish lozimki, u aholi uchun 1793-yildan boshlab eshiklarini ochgan. 2018-yilda muzeyga 10 mln sayohatchi tashrif buyurgan va bu rekord natija hisoblanadi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Обид Тангиров, Тамара Нуридинова ва бошқалар. Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондидаги ноёб меъморчилик ҳамда археологик ашёлар тарихига доир. Тошкент: Musiqa, 2019. 5-7 бетлар.
2. <https://oyna.uz>
3. <https://Wekipediya.uz>

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ҚИРҚҚИЗ ЁДГОРЛИГИНИНГ
ТАРИХИ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ БОРАСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

Самаров Ф.У.

ҚарДУ докторанти

Ўзининг 2500 йилдан узоқроқ тарихига эга бўлган Термиз шаҳри ва унинг ён атрофидаги ҳудудларда сақланиб қолган маҳобатли ёдгорликлар Сурхон воҳаси тарихини нақадар олисга бориб тақалиши ва унинг буюк эканлигини кўрсатиб туради. Ҳозирги вақтда ушбу вилоятда 600 га яқин маданий мерос объектлари мавжуд бўлса, уларнинг маълум қисмини тарихий-меъморий иншоотлар ташкил этади. Бу борада Термиз тумани ҳам алоҳида ўрин касб этиб, ушбу ҳудудда бугунги кунда 44 тарихий объектлар давлат муҳофазасига олинган бўлса, улардан 14 таси айнан меъморий ёдгорликлар ҳисобланади[1].

Мазкур вилоят ҳудудидаги қадимий обидалардан бири Қирққиз қалъаси бўлиб, ушбу кўҳна иморатнинг барпо этилиши борасида тарихий манбаларда турлича маълумотлар мавжуд. Термиз шаҳридан шимолда, “Намуна” МФЙ ҳудудида жойлашган ушбу қадимий иншоотнинг ўлчами (54х54 м.)ни ташкил этиб, қалъанинг марказий залга кириш қисмидан тўртта гумбазли ўтиш йўлаклар жойлашган[2.2]. Ушбу бинони янада мустаҳкамлаш мақсадида тўрт бурчагида шакли думалоқ бўлган миноралар барпо этилган бўлса, обида хоналарини шамоллатиш ҳамда ёруғлик ўтиши учун кичик ҳажмда тешикчалар ҳам қолдирилган.

Ушбу тарихий ёдгорликни барпо этилиш тарихи борасида соҳа олимлари ўртасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, таникли тарихшунос олим С.Турсунов ўзининг “Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун” номли китобида бу ҳақда қуйидагича тўхталиб ўтган: “Ушбу ёдгорлик милодий IX-XI асрларга оид бўлиб, нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, сарой, ҳонақоҳ, карвонсарой) ҳақида манбаларда аниқ маълумот учрамайди. Ўрта асрларда Термиз шаҳрининг ташқарисида жойлашганлиги қалъа шаҳар ташқарисидаги кўргон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. Қалъанинг ўзига ҳослиги шундаки, у дунё томонларига қатъий мутаносиб ҳолда бунёд этилган бўлиб, ҳом ғиштлардан (30х30х5 - 5,5 см) қурилган, тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлардан ҳам ишлатилиб, қалин девор билан ўралган (ташқи девор қалинлиги 2-2,5) метрни ташкил этади” [3.60].

Шунингдек, Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель ҳам ушбу қадимий ёдгорликни бунёд этилиш тарихини илк ўрта асрларга бориб тақалишини таъкидлаганлар. Хусусан, IX аср бизга эски Термиз ҳудудидаги ҳайратланарли даражада сақланиб қолган Қирққиз иншоотини намаён этиб, у илк ўрта аср меъморчилиги ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганлигини кўрсатади. [4.123]. Асосий йўлаклар шаҳристон магистрал йўллари сингари режадаги квадратни тўрт қисмга бўлган бўлиб, П-шаклли айланма йўлаклар марказий залдан ҳар бир қисмга олиб борилган, уларнинг учлари шимол ва жанубга қараган[5.123-124]. Шу билан бирга, ҳомашё имкониятлари чекланган бўлсада, ўша давр меъморларининг нақадар зукко бўлганликларини ўзида кўрсатиб туради[6.123-124].

Мазкур қадимий иншоотни барпо этилиш тарихи тўғрисида бошқа маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий обиданинг барпо этилган даврини XIV-XV асрлар эканлиги таъкидланади. Бу ҳақда археолог Т.Аннаев қуйидагича тўхталиб ўтган: “Икки қаватдан иборат бўлган ушбу қалъада олиб борилган сўнгги тадқиқот натижаларида кўҳна ёдгорлик ҳудудидан темурийлар даврига тегишли бўлган танга пуллар ва бошқа қўплаб ашёвий манбаларнинг топи-лиши, иншоотнинг қурилиш услуби ва унга ишлатилган қурилиш ашёларига асосланган ҳолда бу ёдгорликни темурийлар даврида барпо этилган деган хулосага келинди”[7]. Шунингдек, бу тарихий иморат Термиз ҳокимларининг маъмурий биноси вазифасини бажарганли тўғрисида қарашлар ҳам мавжуд[8].

Шунингдек, XX асрнинг 70 йилларида Қирққиз ёдгорлигини таъмирлаш лойиҳасини яратиш мақсадида археолог Е.Г.Некрасова бошчилигида мазкур қадимий манзилгоҳда қазилма ишлари олиб борилиб, изланишлар натижасида буюк давлат арбоби Улуғбек мирзо даврида (1409-1449 йиллар ёки XV асрнинг иккинчи ярми) зарб қилинган бир нечта мис тангалар топилган[9.3]. Юқорида қайд этилган икки тарихий манба ушбу ёдгорликнинг темурийлар даврида барпо этилган деган қарашларни янада аниқ асослаб беради.

Қирққиз қалъасида дастлабки ўрганиш ишлари XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб олиб борила бошланган бўлса, шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, бу ишлар фақатгина, ёдгорлик ҳудудини кузатиш, қисман ўрганиш ва ўлчашдан иборат бўлган. Ана шундай тадқиқотлардан бири 1926 йилда профессор Б.П.Денике раҳбарлигида Шарқ маданияти музейининг Марказий Осиёга экспедицияси амалга оширилган бўлиб, олиб борилган изланишлар натижасида экспедицияси аъзолари томонидан қадимий ёдгорлик ҳақида бир қатор қимматли маълумотлар тўпланиб, оби-данинг тузилиши тўғрисида чизмалар ҳам тайёрланган[10.12]. 1927 йилда Б.Н.Засипкин иккинчи Ўрта Осиё экспедициясида профессор

Б.П.Денике ва С.Н.Полупановнинг маълумотлари асосида мазкур қадимий ёдгорлик худудида тадқиқот ишларини амалга ошириб, Қирққиз қалъасини қўшимча чизмаларини яратган[11.12-13].

Ушбу қадимий ёдгорликнинг барпо этилиш услубига эътибор берадиган бўлсак, обида қуёш чиқиш томонга қаратиб барпо этилган бўлиб, кириш жойидаги айвонларида ажойиб деразалар ишланганлиги, бу ердан эса узун айвон оркали ичкари қисмга кирилганда иншоотни тўрт қисмга бўлинганлигини кўриш мумкин бўлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари сўзларига кўра, икки қаватдан иборат бўлган мазкур иншоотда, мозийда биринчи ва иккинчи қаватларида шарқона меъморчилик услубида бунёд этилган 80 тадан ортиқ хоналар мавжуд бўлган.

Обиданинг қубба ва гумбаз қисмлари ҳилма-ҳил бўлиб, бу ерда учбурчак айлана устунли, овал қиррали тоқ равоқлар жойлашган бўлса, шимол томондан кираверишда айвон ва шимоли-ғарбий, шимоли-шарқий бўлинмалардаги хоналар қияли ва қиррали равоқ билан қопланган бўлиб, улар уймакордир[12.61]. Қолган учта айвон ва бино ҳамда жанубий қисмидаги биноларнинг 0,9 метр оралиғига архитектура усули билан ишлов берилган[13].

Термиз архелогия музейининг катта илмий ходими Т.Аннаев бошчилигида 2014 йилда бир неча ой давомида тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу изланишлар натижасида қадимий ёдгорликнинг ўрта қисми очик шаклда бўлганлиги, иншоот 80 см қалинликдаги паҳса саҳн устига барпо этилганлиги, XVII асрга келиб обида тўлиқ хароба ҳолатга келиб қолганлиги аниқлан-ган[14]. Олимга кўра, тарихий объектнинг қалъа кўринишига эга бўлишининг сабаби шаҳарнинг мудофаа девори бўлмаганлиги учун ушбу маъмурий бино ниҳоятда мустаҳкам этиб барпо этилган[15].

Бу борада шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Қирққиз обидаси тўғрисида илмий асосга эга бўлмаган бир нечта ривоятлар ҳам тарқалган. Жумладан улардар бирида нақл қилинишича душманлар ҳужумини қайтаролган қаҳрамон қиз Гулойим (малика ҳам деб аталган) ва унинг 40 нафар дугонаси (канизаклари) айнан шу қалъада яшаганлиги айтилади[16.107]. Яна бир ривоятга кўра, Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг қизлари Гулсумаи Даврон бошчилигида қизлар илм оладиган даргоҳ яъни “Қирққиз дорул-ҳикмаси” бўлганлиги тўғрисида ҳам афсоналар бор[17]. Аммо бу ривоят ҳамда афсоналарнинг бирортасининг илмий исботи мавжуд эмас.

2018 йилда Қирққиз ёдгорлигини таъмирлаш, қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш ишлари учун Республика бюджет маблағлари ҳисобидан жами 294 миллион сўмлик амалий ишлар бажа-рилди[18]. Шунингдек, Сурхондарё вилоят Маданий мерос бошқармасининг 2022-2023 йиллар давомида таъмирланиши лозим бўлган тарихий-меъморий ёдгорликларнинг рўйхати (Зўрмола минораси I-II асрлар, Оқ Остона бобо мақбараси X-XI асрлар, Қирққиз қалъаси X–XIV-XV асрлар, Қайрағоч ота ёдгорлиги XVI-XVIII асрлар) шакллантирилиб, Республика Маданий мерос Агент-лигига таклиф сифатида тақдим этилган бўлиб, бугунги кунда ушбу қадимий обидаларни таъмир-лаш учун маблағ ажратилиши кутилмоқда[19].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимиздаги узоқ минг йилликлар тарихига эга бўлган ўтмиш мерос ёдгорликлари саналган бу каби обидалар мустақиллик йиллари давомида давлат муҳофазасига олиниб, уларни сақлаш ва асраб-авайлаш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Мамлакатимизда ҳозирги вақтда тобора ривожланиб бораётган зиёрат туризмни янада ривож топтириш учун қўхна меъморий обидаларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади десак айни ҳақиқат бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси жорий архиви. 2024 йил арпель ойидаги ҳисобот.
2. Маданий Мерос Агентлигининг архиви. СД-4633 Фонд, Н-рўйхат, 48-иш. 2-бет.
3. Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: “Yangi nashr”, 2014.-188 б.
4. Г.А.Пугаченкова, Л.И. Ремпель. История искусств Узбекистана. Москва. “Искусство”, 1965 г, стр 688.

5. https://www.youtube.com/watch?v=zs9vb_oeqvQ //Сурхоннинг ноёб Қирққиз меъморий ёдгорлиги тарихи | Moziyga sayohat
6. Кўрсатилган манба.
7. Норматов У. Қирққизни авайлайлик. Сурхон тонги. 2014 йил, 17 апрель, 15 (17183)-сон. 4-б.
8. Маданий Мерос Агентлигининг архиви. СД-9744 Фонд, О-рўйхат, 50-иш. 12-бет.
9. Кўрсатилган манба.
10. Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: “Yangi nashr”, 2014.-188 б.
11. Турсунов С. Сурхон воҳаси архитектураси: ўтмиш ва бугун. – Т.: “Yangi nashr”, 2014.-188 б.
12. https://www.youtube.com/watch?v=zs9vb_oeqvQ //Сурхоннинг ноёб Қирққиз меъморий ёдгорлиги тарихи | Moziyga sayohat
13. Кўрсатилган манба.
14. Турсунов С, ва бошқ. Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. –Термиз, “Сурхон-нашр”, 2017. -288 б.
15. https://uzpedia.uz/pedia/gulsumayi_davrona
16. Жўраева С. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни. Монография. – Т.: “O‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi”, 2021. -352 б.
17. Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси жорий архиви. 2023 йилги ҳисобот.

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ \СОҲАДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ.

Жўраев А.

Қар ДУ тадқиқотчиси

Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга тўлиқ жорий этиш порлоқ келажакка қўйилган қадамдир. Талаба-ёшларнинг билим олишлари, дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида яратилган шарт-шароитлар давлатимиз раҳбарининг юртимизда ёшларга кўрсатаётган алоҳида ғамхўрликлари ифодаси ҳисобланади.

Қарши давлат университетида ҳам талаба-ёшларни маънавий баркамол инсон этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилаётганлиги, қўлга киритилаётган юксак натижалар албатта эътирофга арзийди.

2020 йилда Қарши давлат университети талабалар турар жойларида университет раҳбарияти ва талаба-ёшлар ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. “Талабалар билан очик мулоқот - раҳбар ходимларнинг кундалик фаолият мезонидир” шиори остида ташкил этилган мазкур давра суҳбатларида муаммолар, ютуқлар ва келажак режалар хусусида сўз юритилди. 2020 йилнинг 20-21-22-23 январь кунлари Қарши давлат университети Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Ж.Шоназаров 1-2-3-4-7 сонли талабалар турар жойларида истикомат қилаётган ёшлар билан учрашди. Дўстона руҳда кечган учрашувларда университет проректори билан биргаликда Ёшлар билан ишлаш Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи М.Каримов, Талабалар шаҳарчаси директори Н.Пардакулов, университет психологи А.Ҳусанов, университет Ёшлар иттифоқи Кенгаши бошланғич ташкилоти етакчиси Х.Хидиров ва талабалар турар жойлари тарбиячи-педагоглари иштирок этди. Ж.Шоназаров талабалар турар жойларида яшаш шароитлари, тегишли меъёрлар асосида жиҳозлар билан таъминланганлиги, санитария ҳолатлари, талабаларнинг яшashi, дарс тайёрлаши ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, талабалар турар жойига кириб-чиқиш қоидаларининг қатъий бажарилаётганлиги, тарбиячи-педагог фаолияти ҳамда доимий навбатчилик узлуксиз таъминланаётганлигини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5та муҳим ташаббусларида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини ташкил қилиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ташаббуснинг барчаси ҳалқимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий ҳамда маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Қарши давлат университетида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирларда эзгу ташаббуслар бўй кўрсатди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ана шундай ислохотлардан бири Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 27 май санасида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши бўлди.

2020 йил 9 январь куни университет фаоллар залида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” деб номланган маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

Физика-математика факультетида ҳам талабалар билан кенг қамровли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинди. 2020 йил 11 январь куни факультет декани А.Холмуродов очик мулоқот тарзида учрашув ўтказиб, А.Холмуродов Ўзбекистон Республикасининг “Коррупция қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва давлатимиз раҳбари томонидан 27 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон асосида коррупцияга қарши кураш борасидаги ишлар мутлақо янги босқичга кўтарилганлигини, шу сабабли бу каби иллатнинг содир этилишига қарши курашда барчанинг фаол бўлиш, ҳар бир инсон, ёшу қари бирдек масъул эканлигини таъкидлаб ўтди.

2020 йил 16 январь куни Физика-математика факультети талаба-ёшлари иштирокида “Коррупция – тараққиётга таҳдид” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда коррупциянинг тарихи, илдизи, унга қарши қўлланилган жазо турлари, шу билан биргаликда ҳозирги замонда дунё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Мазкур фармонда белгилаб қўйилганидек, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилиши бошлангани, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилиши ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда Қарши шаҳар прокуратураси терговчиси Ж.Раҳматов, Миллий ғоя, маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси Э.Баратов, факультет декани А.Холмуродов, декан ўринбосари А.Жўраев, ўқитувчи Б.Турсунов ва гуруҳ талабалари томонидан мавзуга доир тайёрланган чиқишлари ҳам тингланди.

Ижтимоий фанлар факультетида Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирокида “Навоийга эҳтиром” мавзусида маънавий-

маърифий тадбир ўтказилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари доцент Ф.Қаноатова, ўқитувчилар З.Боймуродов, Д.Сунатов, Ж.Бойсуновлар Алишер Навоийнинг бой маънавий меъроси ва асарларида ифодаланган ғоялар ҳамда уларнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти ҳақида маърузалар қилдилар.

Биринчи босқич талабалари томонидан тайёрланган бадий чиқишлар намоиш этилди. Ўқилган ғазаллар, рубоий ва ҳикматлар тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

2020 йилнинг 13 февраль куни Қарши давлат университети Физика-математика факультети физика йўналиши профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирокида Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан “Аждодларга муносиб ворис” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ёшлар билан ишлар бўйича декан ўринбосари А.Жўраев, Адабиётшунослик кафедраси доценти Ш.Каромова, физика кафедраси аъзолари доцент А.Ажабов, М.Рахмонова, Ж.Хўжамбердиева ва талаба-ёшлар иштирок этишди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарих саҳнасида чиқиши, Бобурийларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва унинг буюк хизматлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Алишер Навоий миллий маънавиятимиз, она тилимиз, адабиётимиз равнақида улкан ҳисса қўшган даҳо шоирдир. Одамийлик, эзгулик, поклик, ҳалолликни, юртпарварликни, тинчликни тараннум этган буюк шоирнинг асарлари жаҳон миқёсида ҳам адабиёт мухлисларининг меҳри ва ардоғида бўлиб келмоқда. Тадбирда “Бобурнома” асари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Бобур ижодидан рубоийлари ўқилди, унинг мазмун-моҳияти талабаларга батафсил тушунтирилди.

Қарши давлат университети талабала-ёшлари ўртасида масофадан онлайн тарзда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик танловлар ва онлайн ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича университет ректори томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш, шунингдек, жорий этилган карантин даврида талабаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиши учун университет телеграм каналларида онлайн тарзда “Ёш китобхон” шиори остида “Энг фаол билимдон китобхонлар” кўрик танлови ўтказилди. Шунини айтиб ўтиш жоизки ушбу танловлар “TalabaVUZ”, “QDU Ma’naviyat va ma’rifat bo’limi”, “Tashabbuskor yoshlar”, “QarDU Yoshlar ittifoqi”, “Oliy ta’limda 5 tashabbus” телеграм ижтимоий тармоғидаги гуруҳ ва каналларда ўтказилиб, ёритиб борилди.

2020 йилнинг 10-15 июл кунлари университетнинг барча факультет талаба-ёшлари ўртасида масофадан онлайн тарзда танлов ўтказилди бу танловда 600 дан зиёд талабалар иштирок этишди. #Uyda_qolib “Энг фаол билимдон китобхонлар” кўрик танловига тавсия этилган адабиётлардаги асарлар юзасидан ўзларининг шахсий фикр-мулоҳазалари, асарлардан олган хулосалари бўйича материалларни эълон қилиб боришди.

“Энг фаол билимдон китобхонлар” кўрик-танловининг университет босқичи иштирокчиларининг ижодий ишлари тўплаган овозларидан ташқари махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиб, мутлақ ғолиблар аниқланди.

Танлов натижаларига кўра фаол қатнашган талабалар саралаб олиниб, уларга университет раҳбарияти томонидан диплом ҳамда ташакурномалар онлайн тарзда тарқатилди.

Хуллас Қарши давлат университетида маънавий- маънавий тадбирлар жадал суръатларда ташкил этилиб келинмоқда. Юбилейлар шунчаки тантанали нишонлаш тадбири бўлиб қолгани йўқ. Уларга тайёргарлик жараёнида улкан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарғибий-ташвиқий ишлари ҳам амалга ошириб боришмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. 2020 йилнинг 20-21-22-23 январь кунлари Қарши давлат университети Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор ҳисоботи.

2. 2020 йил 9 январь Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” деб номланган маънавий-маданий тадбир ҳисоботи.

3. 2020 йил февралда Қарши давлат университети Ижтимоий фанлар факультети ҳисоботи.
4. Қарши давлат университети жорий архиви. 2020-2024 йиллар.
5. Қарши давлат университети ректорининг 2024 йил 16-январдаги буйруғи
6. <https://t.me/qarduuz/20335>

СИЙПАНТОШ ЁДГОРЛИГИ, УНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ВА 3 D УЛЧАМЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Ойназаров Х. Ғ.

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий Археология маркази тадқиқотчиси.

Олимов У.Н.

“Шаҳрисабз” давлат музей-қўриқхонаси, катта илмий ходими.

Қашқадарё вилоятидаги Сийпантош қоятош расмлари Ўзбекистон тарихи ва маданияти мавзусини ёритишда ёзма тарихгача бўлган даврини ўрганишда асосий манбалардан биридир. Бугунгача Ўзбекистон ҳудудида 250 га қоятош расмлари аниқланган ва уларни орасида энг қадимги расмлар Зараутсой ва Сийпантош ёдгорликларида акс этган [Ойназаров 1]. Дунёнинг илғор мамлакатларидаги нуфузли илмий муассасалари томонидан қоятош расмларини сақлаш, даврини аниқлаш, тасниф қилиш ҳамда жаҳон цивилизацияси ривожига тутган ўрнини белгилашда замонавий тадқиқот услублари кенг қўлланилмоқда. Қоятош расмларини ўрганиш орқали инсоният қадимги аجدодларининг нафақат эстетик диди, балки диний дунёқараши, ҳўжалик машғулоти ва кундалик турмуш тарзи ҳақида ҳам маълум тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Сийпантош Қашқадарё вилояти ҳудудини толмас тадқиқотчиларидан бири Р. Сулаймонов томонидан ХХI-асрнинг бошларида палеолит даврига оид ёдгорликларни излаш ва тадқиқ этиш жараёнида топилиб илмий муомилага киритилган [Р.Сулаймонов:2]. Қадимги ибтидоий санъат ёдгорлиги Сийпантош қоятош расмлари Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги тоғли Қуруқсой қишлоғининг ўнг томонида жойлашган. Мазкур ҳудуддаги Қоратепа сойи тоғдан бошланиб, шимолдан жанубга оқади. Қиш-баҳор ойларида бу сойга тез тез сув тошқинлари ҳосил бўлади. Ушбу сойни шарқий тарафи кенг адирлик, яйлов ва лалми ерлар мавжуд. Қуруқсойнинг ўнг ғарбий томони эса қиялик бўйлаб зич жойлашган катта айвонли камар (грата) тошлар мавжуд. Кўринишидан нишаблик бўйлаб жойлашган камарлар массиви юз минг йиллар олдин зилзилалар, намлик ва тупроқ эрозияси натижасида тепадан пастга силжиган эҳтимол. Бу ҳудудда камар тошлар жуда кўп ва уларнинг жинси қумтош (Галька) дан иборат. Камар тошлари жинсий хусусиятидан келиб чиққан холда, ёмғир, сув ва шамоли эрозияси натижасида ковакли айвонлар тариздаги шаклга кирган. Мазкур камарлар шифтидаги “палатноларда қадимги рассомлар” моҳироналик билан тасвирлар чизишган.

Сийпантош қоятошларидаги расмларни Р.Сулаймоновдан ташқари М.Хужаназаров [Хужаназаров 3], А. Рогозинский [Рогозинский: 4] Н.О.Хушвақов [Хушвақов: 5], Е.А.Гордеева [Гордеева: 6] ва Б.Мамадиев [Мамадиев: 7] ларни илмий мақолаларини келтириш мумкин. Ноёб ёдгорлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон қарори ижроси юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443-сонли қарори билан “Шаҳрисабз” давлат музей-қўриқхонаси таркибига киритилган.

Р.Сулеймонов томонидан 2001 йилда Сийпантош қоятош расмлари орасидаги 6 та камар аниқланган бўлса, Х.Ойназаров ва Б.Мамадиевлар 2021-2022 йилларда бир-биридан беҳабар холда яна 2 та расмлар чизилган қоятош жойларини топишган. Мазкур тадқиқотлар натижасида, Сийпантош ёдгорлиги атрофидан олдин аниқланмаган еттинчи ва саккизинчи камарлар шифтида оҳра билан чизилган расмлар топилди. Умуман олганда, Сийпантош

қоятош расмларида жами 8 та камарларнинг шифтига оҳра ва чукичлаш ёки чақалаш усули билан чизилган расмлар мавжуд.

Мақола Муаллиф Х.Ойназаров Қуруқсойдаги барча қоятош объектларни умумлаштирган ҳолда, 2024 йилда “Жанубий Ўзбекистон қоятош расмлари техника-типологияси ва қиёсий таҳлили” мавзусида тарих фанлари бўйича фалсафа докторлиги (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Эндиликда Сийпантош ягона ноёб ёдгорлик эмас, балки йирик мажмуа- “қоятошлардаги расмлар галерияси” экани аниқланди [Ойназаров: 8].

Қоятош расмлари сюжети, композицияси жуда қизиқарли ва ўзига хос. Бундай сюжетлар Лакско(Франция), Алтамир(Испания), Шаман-ғори(Забайкальский карай), Саримбет (Қозоқистон), Зараутсой(Ўзбекистон) ва бошқа мамлакатлардаги ғор ва қоятошларда ифодаланган.

Сийпантош қоятош расмлари орасида қўл панжа излари 1-камар, 2- камар, 3- камар ва 7- камарларнинг шифтида учрайди. Жами 66 та қўл панжалари аниқланган. Шундан, битта қўл тирсагигача, қолганларида эса қўл панжалари ифодаланган. Иккитаси ёш болалар қўл панжалари ва 4 та чала, тугалланмаган қўл панжалари мавжуд. Фақат 7- камарда жуфт қўл панжалари акс этган, уларнинг умумий сони 36 тани ташкил қилади.

Сийпантошнинг асосий расмлар галериясининг ўнг томонидаги қоятошдаги панжа изларини чапдан ўнг томонга қараб санаб чиқилганида 17 та панжа излари сақланганини аниқланган. Чап панжа ихлари 15 та, ўнг панжа излари 2 тани ташкил қилади. Барча панжаларда 4 та бармоқ излари ифодаланган бўлиб бош бармоқ излари сақланмаган.

Ўлчовлари куйидагича:

1. 1, 4, 5, 11 панжалар энг узун бармоқларга эга, узунлиги 19 см. ни ташкил этади. Уларни кафт эни 4,5-6 см. атрофида.

2. 2, 6, 9, 10 панжа изларини узунлиги 18 см. кафт эни 6-8 см.

3. 7, 8 панжа изларини узунлиги 17.5 дан 17 см. гача. Кафт эни эса 5 см.

4. 12, 13 панжа излари 16 см.кафт эни 4,5-6 см. гача.

5. 15, 16 панжа излари 15. см. эни 4, 5-5, 5 см.гача.

6. 3, 14 панжа излари 14 см.эни 4,5 см. дан 6 см.гача.

Панжа излари 2 хил оҳра фонида тўқ ва оч жигарранг оҳрада акс этган. Шунингдек айрим панжа излари кўринар-қуринмас даражага етиб келган.

Қўл тасвири юқори палеолит даврига оид жаҳон санъатидаги энг қадимги мавзуларидан биридир. Қўл тасвирлари бутун дунёда қоятош санъатида учрайди [Anati, Bahn P: 9]. Илк бор Альтамирда (1902), Гаргас (1906), Кастилло (1907) ва Франциядаги Вон де Гоме, Комбарелл ва бошқа ғорлардан топилган [Столяр: 10]. Бугунги кунда келиб, Алтамир, Сантиане, Ла Пасьеге ва Фуэнте-дель-Салин ғорларини бўёқ билан чизилган, қўл панжаларини радикарбон таҳлили қилинганда, (энг қадимги санаси мил.авв 18 200±70) ёшини берган [Дэвлет, Е. Г. Острирова (Леванова) Е. С, Фахри А. И: 11]. Индонезиянинг Сулавеси оролларида Леан Тимпу-сенг ғорида Марош қоятош ёдгорлигида бўёқ билан чизилган қўллар тасвирларни уран-торий усули билан таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, унинг ёши милоддан аввалги 39900 йилликларга оид [Aubert M., Brumm A., Ramli M., Sutikna T., Saptomo E.W., Hakim B., Morwood M. J., van den Bergh G. D., Kinsley L ., Dosseto A: 12]. Бу дунёдаги энг қадимги қўллар тасвиридир.

Табиий бўёқ билан чизилган расмларни чизиш услуби ва ишлаш техникаси мураккабдир. Сийпантош “қадимги рассомлар” оддий усулда, қўл кафтини бўёш ва қўлни тош юзасига босиш орқали кафт ва бармоқ изларини қолдириш усулини қўллашган. Бу услубда қўл тасвирларини чизишда бармоқлар узунлигида бўшлиқлар қолади, қадимги “рассом” бўшлиқларни тўлдириш, расмни давомийлигин таъминлаш мақсадида бўшлиқларни оҳра билан бўяб тўлдирган ҳам бўлиши мумкин. Тадқиқотлар натижасида, жами 8 камарда оҳра билан чизилган расмлар аниқланди. Ушбу қоятош расмлари орасидан 1 камарда ҳайвонлардан иккита ёввойи букани овлаш жараёни расмлари тасвирланган. Шунингдек, овчи

эркаклар ва аёллар тасвирлари, турли хил геометрик ва космогоник белгилар ҳам акс этган. Сийпантош қоятош расмлари орасида геометрик белгилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Қоятош расмлари ишланиш техникаси. Қоятош расмларининг чизиш услуби ва ишлаш техникаси мазмун моҳияти орқали уларнинг ёшини ва хронологиясини тўғри илмий таҳлил этиш, хулосаларга келиш имкониятини беради [Дэвлет: 13]. Қадимда рассомлар оҳра билан чизилган расмларда табиий бўёқдан яни таркибида Fe_2O_3 (темир оксиди) мавжуд табиий мирераллардан фойдаланишган, бўяш техникаси эса бир қанча. Масалан, бармоқлар ёрдамида, чўтка, поя, таёқ, қамиш парчаси, қушлар патидан ва бошқа предметлар орқали ижод қилишган.

Соҳа мутахассисларнинг фикрига кўра, Ибтидоий одамлар оҳрани муқаддас деб билишган. Сабаби, ов жараёнида ҳайвонни ҳид билиш аъзоси ниҳоятда сезувчан бўлиб, уларни чўчитмаслик мақсадида баданларига оҳралар билан бўяб овга чиқишган [Хушвақов:15]. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қадимги рассом оҳрани тайёрлашда асосан сув ва тупроққа турли хил ўсимликлар, ҳайвонларнинг ёғидан аралаштириб, шунингдек, кул ҳамда кўмрдан ҳам фойдаланган.

Сийпантошдаги расмларнинг 1 камар марказида бир қанча овчилар ҳайвонларни аввалдан қазилган Ўрага қувлаб бораётгани акс этган. Турлар сони учта бўлса керак, негаки, олдинда югириб бораётган йирик Тур аниқ билинади. Орада қоятошни юзаси кўпорилиб тушган ва бушлиқ мавжуд, бушлиқдан сунг яна бир кичик ўлчамдаги ҳайвон (турнинг боласи-?) катта ҳайвонни ортидан югириб кетмоқда. Пастда ва Ўра олдида эса қўлида камон ушлаган овчилар тимсоли акс этган. Йирик турни олдида думолоқ шаклда Ўра чизилган. Ўрани усти шох-шаббалар билан беркитилгани нўқталар билан ифодаланган. Балки, “рассом” Ўра устига нўқталарни найза учлари сифатида ҳам ифодалаган бўлиши мумкин? Турнинг атрофидаги қадимий овчилар аввалдан режалаштирилган йўналиш асосида Ўрага қараб қўвлаётгани аниқ билинади. Йирик Турни биқинида санчилган найза сал-пал билинади. Икки қатор чизиклар эса панжара бўлиб, улар ҳайвонларни Ўрага йўналтиришга мўлжалланган.

Мазкур композицияда уч қатор панжара мавжуд, унинг орасида ҳеч қандай тузоқ ёки овчи ифодаланмаган. Лекин панжарани ифодаловчи таёқчаларнинг айрим жойларида бир-бирини такрорловчи орнаментлар берилган, мазкур орнаментлар аниқ бир ифодага эга. Масалан худуднинг географик жойлашуви дарёга яқинлигини ҳисобга олиб мазкур орнаментларнинг айримларини сувли хавзани ифодалаши мумкин дея оламиз. Айниқса бир қарашда қандайдир ҳашоратни эслатувчи орнамент баъзи жойларда қисқа, баъзи жойларда эса анча узун ва зигзаг шаклда ифодаланган. Агар мазкур қарашни ривожлантирсак, биз панжара деб таъкидлаётган 28,17,21 донали уч қатор таёқчалар худуднинг географик картасини ҳам ифодалаши мумкин. Яна бунга қушимча мисол сифатида атрофида 4 таёқчани ўзида бирлаштирган доира шакли (бу қуёш тасвири булиши мумкин) композиция марказидан анча узоқда тасвирланган. Таёқчалар дарадаги баландлик сифатида берилган деб ҳисобласак доира шакли(қуёш)нинг узоқроқда жойлаштирилиши қуёш ботиб, кун қоронғу тусга киришини ифодалаган дейиш мумкин.

Кун ботган вақтда ов қилиш ҳайвонларни осонлик билан Ўрага олиб келиш учун шароит яратади ва ов жараёнини осонлаштиради. Тўқ оҳра рангда берилган қўл изларига келсак, диний қарашларни ифодаловчи символ сифатида қараш мумкин. Яни ови ижобий яқунланиши учун мадад сураётган овчилар ёки мазкур маросимга алоқадор кишиларнинг кафтни босиш орқали анимистик мулоқот қилиш усули дея тарифлаш мумкин.

Сийпантош қоятош расмларидаги инсон қўли тасвирлари асосан аёлларнинг қўл панжаси экани аниқланди. Қўл ва панжаларни қоятошларга чизиш мавзуси палеолит давридан бошланган, тарихий даврларда ҳам мавжуд ва кўплаб талқинларга эга. Қўллар билан боғлиқ бўлган тасвирларни энг қадимийси Франциянинг Коска ғоридан топилган [Давлет: 8]. Тахминан 27000 йил олдин чизилган ушбу суратда ҳам қўл изи тасвирланган, Морриснинг фикрига кўра, бу тасвирлар имо-ишора бўлиши мумкин [Моррис: 9].

Ўзбекистон республикасида устивор тармоқ бўлиб бораётган Халқаро ва маҳаллий туризмни оқилона ташкил этиш, шунингдек Тарихий артефактларни рақамли-виртуал кўринишга келтириш орқали оммабоблигини ошириш мақсадида Сийпантош қоятошларида чизилган расмларни абадий сақлаб қолиш илмий стратегияси зарур. Бугунги кунларда Сийпантошда ташкил этилаётган маҳаллий сайёҳлар ташрифи ёдгорликни абадий сақлаб қолиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Махсус мутахассислар жамосини шакллантирган ҳолда ҳудудда туризмни шакллантириш ва маданий мерос ёдгорлигини бешикаст ҳолда асраш масаласи доимий долзарб масалалардан ҳисобланади. Ушбу ноёб мажмуаларни музейлаштириш ва илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда муҳофазалашни амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш кун тартибидаги долзарб муаммога айланмоқда.

Жаҳоннинг илғор давлатларида Археология ва музейшунослик йўналишидаги тадқиқотларни самарали амалий аҳамияти кўрсатишда ёдгорликлардаги расмларни 3Д форматда ўтказиш етакчи услуб ҳисобланади. Масалан, Франциянинг Дордонь департаменти Монтиньяк туманида жойлашган Ласко ёдгорлигидан археолог Андре Глори 1900 дан зиёд расмлар топган. У солютрей маданиятига мансуб, хронологик жihatдан тахминан 15—18 минг йилликларга оид. Ласко тажрибаси Ўзбекистондаги қоятош расмларини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб этишда ғоят мос келади. Консервация мақсадида асосий объект Ласко-1 фақат мутахассислар учун очик бўлиб, оригинал расмларни абадий сақлаш муҳити яратилган. Унинг биқинида янги Ласко-2 ғор музейи ташкил этилган бўлиб, у асил қоятош суратларни кўчирма нусхалари орқали тикланган манзилгоҳдир, музей сайёҳатчилар учун доим очик ва унда Ласко-1 нинг нусхаси деярли бир хил тарзда яратилган.

Кейинги йилларда Ласко-3, яъни кўчма ғор музей яратилган ва Ласко-1 ғорини макети қисмларга булинган ҳолда яратилиниб, макетни оғирлиги 60 тоннани ташкил этади. Ҳозирда АҚШ штатларида кўчма кўргазма сифатида фаолият юритмоқда. Ласко-1нинг сўнгги палеолит даврига мансуб расмлари 3 Д форматда дастурланиб, қадимда санъатнинг пайдо бўлиши, рассомлар фаолияти, чизилган расмларнинг мақсад моҳияти ва қадимий ҳужалик маданияти экранларда намоиш этилмоқда.

Мамлакатимиздаги музей экспозицияларида қоятош расмларини илмий асосланган 3Д форматда намоиш этиш ишлари ҳали оммалашмаган. Масалани долзарблигини ҳисобга олиб Сийпантошдаги 820 дан зиёд расмларни жонли тарзда намоиш этиш ва қадимги қабилаларни ҳужалик маданиятини жонли тарзда тиклаш борасида “Шаҳрисабз” давлат музей-кўрикхонаси Франциянинг “Археология Солсбери” ва “Dualect” фирмаларининг тажрибали компьютер дастурчилари билан халқаро ҳамкорликда йирик лойиҳа тайёрлашда дастлабки ишлар йўлга қуйилмоқда. 2024 йилдан бошлаб Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига қарашли Қуруқсой қишлоғи атрофида жойлашган Сийпантош мажмуасидаги 820 дан зиёд тасвирларни 3Д форматга ўтказиш учун амалий ишлар бошланиш арафасида.

3Д формат ҳақидаги қисқача таъриф қуйидагича; баландлиги, чуқурлиги(узунлиги) мавжуд булган шаклнинг 3 ўлчамли тасвирининг виртуал кўринишидир. Бугунги кунда рақамли тарихни шакллантиришда мазкур усул кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Қадимги давр тасвирий санъатини тиклаш борасида нафақат маълум бир суратни, балки бутун бошли қояни тасвирий шакллари билан бирга 3Д ўлчамга ўтказиш имкониятлари аллақачон шаклланган. Бунда ҳозирда илғор ҳисобланувчи дастур сифатида Autodesk 3ds, Autodesk Maya, Max Zbrush, Blender, Cinema 4D, Adobe Substance 3D Painter, Marmoset Toolbag, Houdini каби дастурлар мутахассислар томонидан қўлланиб келинмоқда. Бу жараён асосан 2 босқичда; 1. Махсус лазерни сканер ускуналарида қоятош ва ундаги суратларни сканерлаш ҳамда дастурий таминот орқали виртуал ҳолатга келтириш босқичларида амалга оширилади.

Шу тариқа мазкур ёдгорликни кенг қўламли жамоатчиликга намоиш қилиш ва дунёнинг исталган бурчагидан туриб кўриш имконияти вужудга келади.

Адабиётлар руйхати.

1. Сулаймонов Р.Х. Кешнинг ибтидоий расмлари. Шаҳрисабз минг йиллар мероси. “Шарқ. 2002
2. Khujanazarov. M. Rock Art Sites in Uzbekistan Rock Art in Central Asia .A Thematic Study page 3, ©ICOMOS, November 2011.
3. Рогозинский А. Е. О современных задачах археология наскального искусства Казахстана и Средней Азии. Археология, этнография и антропология Евразии 4(36) 2008
4. Мамадиев Б. Тош давридан дараклар ёхуд Хўжа овул минг барака ёдгорлиги битиклари. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда тарихий музейларнинг ўрни. Халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами. Шаҳрисабз 2021.
5. Ойназаров Х.Ғ Жанубий Ўзбекистон қоятош расмлари техника-типология ва қиёсий таҳлили. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясининг автореферати. Т. 2024 й.

**QARSHI SHAHRI KO‘K GUMBAZ JOME MASJIDINING
MAHALLIY AHOLI HAYOTIDA TUTGAN O‘RNI**

O‘ralov G‘.A

QarDU O‘zbekiston tarixi kafedrasi o‘qituvchisi

O‘zbek davlatchiligi tarixida munosib o‘ringa ega bo‘lgan Shayboniylar sulolasining tarixda bunyodkor hukmdor sifatida nom qozongan, mashhur Abdulloxon II Qashqadaryo zaminida bir nechta diniy va jamoat binolari barpo etgan holda, Qarshi shahrida musulmon aholi uchun mahobatli masjidni qurdiradi. Ushbu masjit Qarshi qo‘rg‘onining markazida hijriy yil hisobi bo‘yicha 999 yil milodiy yil bo‘yicha esa 1590-1591-yillarda qurib bitkazilib aholi foydalanishi uchun topshiriladi. Uning gumbazi moviy koshinlar bilan qoplangani uchun xalq og‘zida bu dargoh “Ko‘k–gumbaz” nomini oldi. Inshootning ayrim saqlanib, bizgacha yetib kelgan peshtoqidagi sirlangan koshinlarga yozilgan yozuvda bu inshoot Abdullaxon II ning farmoni bilan 1590–1591 yillarda qurilgani qayd etilgan.

“Ko‘k–gumbaz” namozgohida Islom dinining besh mahal namozi va juma namozi o‘qiladigan masjidlardan farqli tomoni sifatida bu joyda Ramazon va Qurbon hayiti namozlari o‘qilganligini takitlash o‘rinlidir. Qolaversa bu kabi kabi masjidlarning alohida nomlari mavjud bo‘lib ular “Namozgoh” yoki “Musallo” degan nomlar bilan e‘tirof etib kelingan.

Odatga ko‘ra namozgohlar shaharlarning, ba‘zan aholisi zich yashaydigan yirik qishloqlarida bunyod etilgan, bayram ibodatlarida bu joylarga ko‘p miqdorda xalq jam bo‘lgan. Shu asosdan ular shaharning ichida emas, balki shahar atrofidagi keng maydonlarda barpo etilgan.

Aynan bir ma‘lumotga to‘xtalish kerakki, O‘rta Osiyoda XII–XVI asrlarda qurilib bizning davrimizgacha saqlangan namozgohlar soni juda oz. Shu nuqtai nazardan biz uchun Qarshidagi namozgoh O‘rta Osiyo me‘morchiligida bizgacha yetib kelgan noyob yodgorlik va inshoot sifatida ham qadrlidir.

O‘tgan asrning oltmishinchi yillariga qadar “Ko‘k–gumbaz” masjidi o‘sha davrdagi siyosiy tuzum sabab yopib qo‘yilgan va aholi foydalanishi uchun taqiqlab qo‘yilgan. 1953 yildan boshlab esa ushbu “Ko‘k–gumbaz”da faqat juma namozlarini o‘qish uchun jome masjid sifatida yana faoliyat ko‘rsata boshladi. Bundan tashqari ma‘lumot uchun Qarshi shahrida 1924 yilgacha O‘rta masjidda, 1928 yilgacha “Charmgar” masjidida, 1930 yilgacha “Odina” masjidida va “Qizil” masjidlarda ham juma va besh vaqt namozlar o‘qib kelingan.

Tabiiyki yillar davomida tabiat hodisalari va qarovsizlik inshootning strukturaviy holatiga jiddiy tasir ko‘rsatib uning tabiiy holatini ancha yomon ahvolga olib keladi. Biroq 1860, 1889 va 1921 yillarda ta‘mirlash va qayta qurish ishlari olib borilgan. Bu ishlar keyin ham davom ettirildi. Xususan, 1967 yilda masjid gumbazi shahrisabzlik mohir usta Hamdam tomonidan tiklanadi. 1982 yilda samarqandlik usta–naqqosh hisoblangan Nusratillo Asadov tomonidan ko‘k sirli koshin bilan Qur‘onning “Mulk” surasidan oyatlar nozik did bilan yozildi va gumbaz yuqori qismiga oltin rangli qubba o‘rnatiladi va imorat mahobatli bir ko‘rinishga keladi. 1995-1996 yillarda yodgorlikning

atroflari obodonlashtirildi. Asosan, inshootning tashqi qismi koshinlari qayta tiklandi, ichki qismida ham bezak ishlari amalga oshirildi. Bunda Olim Ro‘ziyev, Ismoil Ismoilov kabi mohir ustalarning xizmatlari beqiyos bo‘ldi.

Inshootning qurilish arxitekturasiga qaraydigan bo‘lsak Ko‘k Gumbaz masjidi jome’si o‘rtada murabba shaklida qurilgan baland gumbazli zal va ikki yonidagi qator tushgan binolar majmuasidan iborat bo‘lib binolarning umumiy uzunligi 25 metrdan 38 metrgacha bo‘lgan o‘lchamni tashkil qiladi. O‘ng va chap tomondagi imoratlarning eni ikki xil o‘lchamni beradi. Shimoli g‘arbiy tarafdagi 14 metr, janubi sharqiy tomondagi esa 14,6 metr bo‘lgan. Bino asosan, 26x26x5 va 28x28x6 santimetrli chor g‘ishtlar bilan qad ko‘targan. Keyingi tamirlash jarayonlarida yuzasi silliqlangan pishiq g‘ishtlardan foydalanilgan.

Masjid hovlisining markazida rejaga muvofiq asosiy xonaqoh tarhi joylashgan bo‘lib u 8 metr kvadrat shaklda bo‘lgan, balandligi 14 metrni tashkil etgan. Qanot qismlarining har biri ikki qator bo‘lib tushgan to‘rt xonadan tashkil topgan. Xonalar tom qismi gumbazlar bilan yopilgan. Binoning yuza va yon tomonlaridagi xonalarning oldi o‘z vaqtida ayvon singari ochiq bo‘lgan. Xonalar o‘z navbatida, bir-biriga ravoqli bo‘shliqlar orqali ochiladigan qilib qurilgan. Asosiy xonaning qibla tomonidagi devorida mehrob, yonida esa pog‘onali minbar mavjud bo‘lgan. Mehrob eniga ancha chuqur ishlangani uchun bino orqasidagi devor bir oz kengaygan[1:19].

Mustaqillikdan keyin davlatimiz tomonidan Vatanimiz tarixni qayta tiklash bo‘yicha keng qamrovli ishlar amalga oshiriladi. Jumladan tarixiy madaniy meros hisoblanmish tarixiy obidalarini 1996 yilda Amir Temurning 660 yilligi nishonlanishi munosabati bilan Qarshi shahridagi boshqa tarixiy obidalar qatorida Ko‘kgumbaz masjidida ham qurilish va ta‘mirlash ishlari o‘tkazildi. Shu yili qator qo‘shimcha binolar, jamoatxona, darvozaxona va darvoza qurilib, masjid atrofi obodonlashtirildi. “Ko‘k Gumbaz” masjidining oldi va yon atroflaridan 10000 metr kvadrat maydondan 4500 metr kvadrat xajmdagi tuproq ishlari bajarilib, 1,2 m. chuqurlikda miqdorida tuproq qazib olindi. Masjidning 8 ta kichik gumbazlari qayta tiklanib, bino kurinish fasadlari qayta ta‘mirlandi, binoni mustahkamlik darajasi oshirildi. Masjid atrofidagi uylar ko‘chirilib, majmua yanada kengaytirildi, asil holatiga qaytarish uchun xarakat qilindi. Ko‘kgumbaz jome’ masjidi ta‘miri uchun davlat tomonidan 2 mlrd. 900 mln. so‘m ajratildi. Inshootning kunchiqar tomonida kata maydonga turli navdagi manzarali va mevali daraxt ko‘chatlari ekildi. E‘tiborli jihati shundaki, masjidning qadimiy qismi uning asl ko‘rinishi qadimda qanday bo‘lgan bo‘lsa, imkon qadar shundayligicha ta‘mirlandi, qo‘shimcha binolar qurishda esa milliylik bilan uyg‘unlashgan zamonaviy uslub qo‘llandi.

Keyingi o‘n yillikda imoratga yetkazilgan tabiiy va texnogen tasirlar natijasi umumiy holatini qisman yo‘qotganligi inobatga olinib 2006 yilga “Kuk–gumbaz” me‘moriy majmuasi keng ko‘lamli qayta ta‘mirlandi va hozirgi ko‘rinishdagi asl qiyofasiga ega bo‘ldi. Ushbu xayrli ishlarni Samarqand, Toshkent, Sirdaryo, Buxoro, Xorazm va Namangandan kelgan 155 nafar tajribali quruvchi va mohir hunarmand-ustalar bajarishdi. Natijada bu yerda balandligi besh metr bo‘lgan va butun hovli atrofini egallagan ulkan ayvon qurilishi tugallandi. Ko‘kgumbaz masjidi va yangi ayvonni namanganlik taniqli quruvchi Tohirjon Zarifboyev boshchiligidagi ustalar amalga oshirishdi.

Samarkand shahridagi “Me‘mor-96” ta‘mirlash ustaxonasining tajribali ustalari, jumladan katta tajribaga ega ustalar Rivojiddin Egamberdiyev, Shokir Madaminov, shuningdek, taniqli temirchi usta, Alisher Navoiy nomli Davlat mukofoti sovrindori Matlubjon Mahmudovlar masjid devorlarining tashqi qismiga sayqal berishda ishtirok etdi. Yodgorlik ta‘mirida ishlatilgan “musulmon g‘isht” lar Shahrisabz shahridagi “Meros” mas‘uliyati cheklangan jamiyat tomonidan yetkazib berilgan bo‘lsa, masjid mehrobidagi koshinlar Toshkent shahridagi “Ijod” firmasi tomonidan nusxa ko‘chirish orqali tayyorlandi. Yog‘och naqshli ustunlar va ularning marmardan ishlangan poyyednrlari Toshkent va Samarqand shaharlarida tayyorlanib, olib kelindi.

Shuningdek, Nasaf ko‘chasining O‘zbekiston ko‘chasi bilan kesishgan joyidan “Ko‘kgumbaz” jome’ masjidigacha bo‘lgan masofadagi barcha turar joy binolari eng so‘nggi dizaynda

rekonstruksiya qilindi. “Ko‘kgumbaz” ning atrofidan esa 3,5 gektar yer ochilib, sayilgoh barpo etildi. Uning yonidagi “Asr mo‘jizasi” choyxonasi kariyalar choyxonasiga aylantiriladi.

Xulosa o‘rinda yuqorida keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra bir qancha tarix zarbalariga bardosh berib, bugungi kunga qadar o‘z o‘rnini yo‘qotmasdan xalqqa xizmat qilib kelayotgan ushbu muqaddas maskan hozirda ham muborak juma nomozlarini, Ramozon va Qurbon hayiti namozlarini ado etish uchun aholining asosiy masjidiga aylanganligi bilan ahamiyatlidir.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Nasriddinov Q., Xo‘jayarov O‘. Qarshi shahrining me‘moriy yodgorliklari. – T., 2011. – B.19.
2. Hakimov K. Qarshining qo‘sh gavhari // Qashqadaryo, 2006 yil 27 oktabr.
3. Muhaddas manzil // Qashqadaryo haqiqati, 1996 yil 21 sentabr.
4. Qashqadaryo viloyati madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish inspeksiyasi joriy arxivi. Mustaqillik yillarida Qashqadaryo viloyatidagi Madaniy meros obyektlarining muhofaza qilishi va ularni ta’minlash borasidagi faoliyati to‘g‘risida Ma’lumotnoma papkasi.
5. Muhammadiyev A. Qo‘kgumbaz va sayilgoh // Qashqadaryo, 2005 yil 16 avgust.
6. Temirov T. Qarshi qutlug‘ to‘ygacha (Qarshi shahar arxitektura va qurilish boshqarmasi boshlig‘i Murtoza Mustafoyev bilan suhbat) // Qashqadaryo, 2005 yil 12 iyul.

**ТАРИХИЙ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТИНИ
ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР**

Бабаева М.Ш.

Бухоро Мухандислик технология институти таянч докторанти.

Ҳар бир мамлакат учун тарихий-маданий ёдгорликлар нафақат миллий бойлик, фахрифтихор, балки муҳим туристик ресурс ҳамдир. Кўпгина меъморий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, тарихий бинолар ва маҳаллалар сайёҳлик объекти ҳисобланади[1]. Сўнгги пайтларда тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш, қадимий мулкларни қайта тиклаш, қизиқарли музей кўргазмаларини яратиш, янги музей ва мемориал мажмуаларни очилиши туфайли Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти бир неча бор ошди. 25-30 йил олдин туризм соҳасидаги мутахассислар буни фақат орзу қилишлари мумкин эди.

Бухоро ноёб меъморий, фазовий муҳитга эга Ўзбекистоннинг тарихий шаҳри сифатида катта аҳамиятга эга. Жаҳон ва маҳаллий аҳамиятга эга ёдгорликлар шаҳарнинг энг муҳим қисмларидан бирини ташкил қилади. Ҳар бир тарихий меъморий объект атрофида асрлар давомида ривожланган маҳаллалар жойлашган. Айнан улар шаҳарсозлик контекстини ифода қилади, агарда улар сақлаб қолинмаса, муҳофаза қилинадиган ёдгорликлар ўзининг меъморий қиймати ва аҳамиятини йўқотади.

Фақатгина муайян ҳудудларни ҳимоя қилиш билан шаҳар атроф-муҳитининг яхлитлигини сақлаб қолиш мумкин эмас. Мавжуд фазовий элементларни ҳисобга олмаган ҳолда янги архитектура объектларининг босқичма-босқич кириб келиши шаҳарнинг фазовий яхлитлигини йўқотади.

Биноларни сунъий равишда тарихий қимматли (ёдгорликлар), эски оддий ва янги (замонавий)га ажратиш мумкин эмас. Эски биноларни бузиб, янги биноларни жойлаштириш мумкин бўлмаганидек, тарихий биноларга бўлган муносабатни ҳам уларни музейлаштириш ва консервация қилиш билан унинг фаолиятини чеклаб бўлмайди.

Маҳаллаларда тарихий муҳитнинг бузилишини тўхтатиш, шаҳар ҳаётининг организми сифатида мустаҳкамланиши ва тўлиқ ривожланиши, шаҳар аҳолиси учун ҳаёт сифатининг янги даражасини кўрсатадиган барқарор тизимни ифодаловчи, энг янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириб тарихий бирликни сақлаб қолиш ҳамда туристик имкониятларини ошириш учун “Тарихий маҳаллалар учун шаҳарсозлик контекстини сақлаш қоидалари” ни жорий этиш зарур.

Тарихий маҳаллалар меъморий муҳитига тўғри келмайдиган замонавий меъморчиликнинг кириб боришига реакция сифатида бутун дунёда қадимий маҳаллаларда тарихий шаклланган муҳитни сақлаш ва реконструкция қилишни тартибга солиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Сўнгги ўн йилликларда архитектуранинг энг муҳим ютуқларидан бири эски шаҳарда лойиҳалаш ва қурилиш усуллариининг ривожланишидир. Шу ўринда Германиянинг Берлин, Мюнхен, Дрезден шаҳарларининг тарихий маҳаллаларида эски биноларни реконструкция қилиш ва янги бинолар қуриш тамойиллари билан танишиш фойдали ва ибратли бўлиши мумкин.

Дрезденнинг Нойштадт округи учун ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида маҳаллаларда тарихий муҳитни қайта тиклаш дастури белгиланди ва шаҳарсозлик фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудий ривожланиш бўйича тавсиялар белгиланди [2]. Ушбу тавсиялар Ўзбекистон тарихий шаҳарлари маҳаллалари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Дрезден шаҳрининг шаҳарсозлик тажрибасини таҳлил қилиш орқали Бухоро тарихий марказ ҳудуди ҳамда маҳаллаларда тарихий шаҳарсозлик контекстини сақлаб қолиш учун қоидалар ва асосий тамойиллар аниқланди.

Регламент яратилиши жараёнида у икки бўлимдан иборат бўлиши керак: қонунчилик қисми ва тарихий муҳитни сақлаш қоидалари тўплами, бу ҳудуднинг қиймат хусусиятларини аниқлаш ва муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни тасдиқлаш имконини беради. Ҳужжатнинг қонунчилик қисми регламентнинг амал қилиш доирасини, маҳаллани сақлаш мақсадини, регламентни кучга киритиш қоидаларини, низомни қабул қилиш тартибини ва ушбу регламент бузилган тақдирда тегишли чоралар белгиланган бўлиши керак.

Ушбу қисм тарихий шаҳарнинг Бош режалаштириш стратегияси доирасида шаҳарнинг ягона режалаштириш структураси ва кейинги шаҳар ривожланиши учун Бухоро тарихий маркази маҳаллаларининг шаҳарсозлик ва тарихий жиҳатдан қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш зарурлигини қонуний равишда исботлайди.

Низомнинг иккинчи бўлимида кўчалар ва майдонлар, яшил маконлар ва бўш жойларнинг функционал мақсадини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, объектлар ва меъморий-бадий элементлардан фойдаланишнинг асосий қоидалари белгиланади. Қурилиш майдони ва фазовий муҳитнинг ушбу параметрлари маҳалланинг шаҳарсозликдаги ўрни ва хусусиятларини сақлаб қолиш имконини беради. Шу билан бирга, янги қурилиш объектлари жорий этилганда умумий кўча майдонининг сақланиши кафолатланади. Қоидалар ушбу ҳудудни музей зонасига айлантиришни истисно қилади, аммо унинг ёрдамида аҳолининг маданий ва ҳиссий эҳтиёжлари учун кенг функционал имкониятларга эга “тирик” шаҳар зонаси яратилади[3]. Ҳудуднинг шаҳарсозлик хусусиятларига киритилган барча ўзгаришларга таъсир қилиш. Барча янги бинолар тарихий контекстга мос келиши керак.

Биноларнинг рухсат этилган баландлиги мавжуд тарихий биноларга мувофиқ танланиши керак: яъни 2-3 қават(цоколь қисми билан бирга). Мавжуд бино сифатида маълум бир кўчага хос бўлган бинонинг ўртача баландлиги шаҳарсозлик ансамблининг турига кўра олинади.

Кўчаларни ёритиш.Тарихий марказдаги ёритиш ускуналари тарихий контекстнинг кўча маконининг типологиясига қатъий равишда мос келиши керак. Радио ва телевидение антенналари асосий кўчадан кўринмаслиги керак.

Чиқиндиларни сақлаш жойлари асосий кўчадан кўринмаслиги, ахлат контейнерларга бўлиниши керак. Кўкаламзорлаштириш ҳудудлари чегараларини бузмасдан, яшил тўсиқларни ўрнатиш мажбурийдир. Маҳалланинг ўзига хос типологик кўринишига мос келмайдиган “бульвар”ларни киритиш мумкин эмас, яъни пиёдалар йўллари, борюрлар, йўл қоппамалари сонининг қисқаришини ва катта кўча майдонларини яратишни англатади.

Реклама ускуналари материаллари ва дизайн турларидан фойдаланиш бўйича бир қатор чекловлар қабул қилиниши керак. Маҳалланинг ўзига хос хусусиятларни сақлайдиган архитектура шаҳар, савдо ва корхоналар учун энг яхши реклама ҳисобланади.

Тарихий муҳитни сақлаш параметрлари бўйича қоидалар тўпламининг иккинчи қисмида бўш ва яшил майдонларни тартибга солишнинг асосий тамойиллари, жумладан, ҳовли бўшлиқларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, дарахтлар ва яшил тўсиқларнинг жойлашиши кўрсатиб ўтилиши керак.

Худуднинг барча таркибий қисмлари: бошқарув бинолари, хўжалик ва коммунал муассасаларнинг функционал мақсади ва турар-жой функцияси билан мутаносиб муносабатларини белгилайди. Тарихий шаҳарнинг кўриниши унинг вазифасида ҳам намоён бўлади. Тарихий жиҳатдан, Бухоро тарихий маркази кўп функцияли турар-жой маҳалласи бўлиб, бугунги кунгача ушбу йўналишда ривожланмоқда. Агар янги меъморий объектларни жорий этиш зарур бўлса, функционал мақсад худуднинг умумий функционал раёнлаштиришга мос келиши керак. Тасдиқсиз янги фаолиятдаги биноларни қуриш мумкин эмас.

Функция ўзгарганда, тўхташ жойларига бўлган эҳтиёж ва кўшимча мувофиқлаштиришни ўзгартиришни талаб қиладиган бошқа кўплаб жиҳатлар пайдо бўлади. Бухоро тарихий марказидаги маҳаллаларни такомиллаштириш ва сақлаш, унинг тарихий функцияларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Айни пайтда худуд нафақат туристик, савдотик, балки маданий муассасалар ва кўнгилочар худудлардан иборат.

Био параметрлари, фасад қисми, деразалар, эшиклар, девор сиртлари, дўкон ойналари, айвонлар, навеслар, ранг схемаси, томнинг тузилиши. Бугунги кунга қадар Бухоро тарихий марказидаги маҳаллалари умумий шаҳарсозликдаги кўплаб индивидуал кўчалар сақланиб қолган. Аммо бугунги кунда нафақат битта объектни, балки объектларнинг бир-бири билан ўзаро таъсирини таъминлайдиган, кўчаларнинг индивидуаллигини аниқ ифодаловчи ва шаҳар маконини янада ривожлантиришни таъминлайдиган яхлит ансамблни сақлаб қолиш янада самаралидир.

Тарихий ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланишда уларнинг экскурсия ва туристик маршрутларга интеграциялашув даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Шундай қилиб, Ўзбекистон туризмнинг ривожланиши ва ихтисослашуви кўп жиҳатдан ташриф буюришни, яъни тарихий маҳаллалардан ва маданий ёдгорликлардан туристик қизиқиш объекти сифатида фойдаланиш самарадорлигини белгилайди.

Муаллиф тарихий шаҳар маҳаллаларининг имкониятларига эътибор беришга таклиф қилади: улар “бузиб ташлаш ва қуриш” схемасига мувофиқ қурилиш майдончаси сифатида эмас, балки уйғун шаҳар муҳитини, туризмни ривожлантириш ҳамда эски биноларни янги яшаш шароитларига мослаштириш учун асос сифатида кўриб чиқиши керак. Ушбу масалага бу томондан ёндашиш маҳалла аҳолисини хурсанд қилиш билан бирга сайёҳларни ҳам ўзига жалб этади.

Тарихий маҳаллаларнинг туристик имкониятини ошириш худудларни ташкилий равишда ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир, бунда янги объектлар мавжуд шаҳар муҳитига мос келиши, мавжуд биноларни замонавий фойдаланиш учун инфратузилма билан таъминлаш керак. Албатта, маҳаллада мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар максимал тарихий аниқлик билан қайта тикланиши керак. Бундан ташқари тарихий туристик маршрутларни яратиш мақсад қилинган. Натижада бундай худудларда иктисодий ўсиш кузатилади.

Ушбу чора-тадбирлар тарихий маҳаллаларда фазовий муҳитнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин, шунингдек, кўчмас мулкдан ва Бухородаги (ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида) тарихий марказ худудидан рухсатсиз ва назоратсиз фойдаланишни бартараф этиши мумкин. Шаҳарсозлик контекстини сақлаш тўғрисидаги низом ушбу худудларда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, уларнинг тарихий ўзига хослиги ва маданий қадриятини сақлашни таъминлашга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Устойчивое развитие туризма: пособие для специалистов по местному планированию. Мадрид, 1993.
2. Erhaltungssatzung fur die Dresdener Aubere Neustadt [Urban-planning regulation fort he Neustadt district] (24.03.1994/12.01.1995). Dresden, Stadtplanungsamt, 1994, pp. 1-27.
3. Baugesetzbuch (BauGB) ein Service des Bundesministeriums der Justiz in Zusammenarbeit mit der Juris GmbH [Building law (BL) service of republic ministry with Juris GmbH].23.06.1960, pp. 72-77.

ZOMIN TUMANIDA EKOTURIZM SALOHIYATINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI

To‘ychiyeva D.I.

Qarshi davlat universiteti doktoranti

Yangi O‘zbekistonni iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy jihatdan rivojlantirishda turizm, xususan, ekoturizmnining o‘rni va salmog‘i katta hisoblanadi. Shu bois, so‘nggi yillarda mazkur sohani yanada takomillashtirish va uning tarmoqlarini kengaytirish borasida ko‘plab qonun, qaror va farmoyishlar ishlab chiqilmoqda. Ta’kidlash joizki, tizimdagi qabul qilingan ushbu qonun va qarorlar sohada bajarilishi zarur bo‘lgan ustuvor vazifalar uchun yo‘l xaritasi bo‘lib xizmat qilib kelmoqda. Masalan, “Turizm yo‘nalishidagi islohotlarni yanada jadallashtirish va sohada davlat boshqaruvi tizimini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Prezident qarori shular jumlasidandir. Mazkur qarorga muvofiq, turizm yo‘nalishiga qo‘shimcha investitsiyalarni jalb qilish, xususiyl sektor uchun qulay shart-sharoitlar yaratish orqali turizm infratuzilmasini yanada takomillashtirish, aholi bandligini oshirish, transport qatnovi yo‘nalishlarini kengaytirish, respublikaning turistik salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda targ‘ib qilishni jadallashtirish, shuningdek sohani davlat tomonidan boshqarishda yangi tartib-tamoyillarni joriy qilish maqsadida ishlab chiqilgan. Qarorning 2-ilovasi bo‘yicha, Turizmni yo‘nalishida amalga oshiriladigan yirik investitsiya loyihalari ro‘yxati tuzilgan bo‘lib, unga ko‘ra, Jizzax viloyatining Zomin tumanida mehmonxona majmuasi ixtisoslashuviga oid, tog‘ hududida mehmonxona tashkil etish maqsadida, qiymati 11 mln dollarlik loyiha va 55 kishiga mo‘ljallangan ish o‘rni reja qilingan.[1]

Zomin tumanida bu kabi loyihalarining tashkil etilishining asosiy sababi – Zominning o‘ziga xos tabiati va tabiiy resurslaridir. Ya’na shuni alohida ta’kidlash kerakki, tumanda ekoturizmni rivojlantirish uchun landshaft zonalarining yaratilishi, turistlar uchun shart-sharoitlar (mehmonxona, transport qatnovi, savdo shahobchalari)shular jumlasidandir. Ekoturizm atamasi tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, XX asrning 80-yillari birinchi yarmida meksikalik ekolog olim, Haktor Ceballos-Laskurain tomonidan ilk marotaba rasmiy ravishda ishlatilgan.

Ekoturizm (yashil turizm) – antropogen ta’sirga nisbatan ta’sirlanmagan ta’biy hududlarga tashrif buyurishga qaratilgan barqaror turizmning bir shaklidir.[2] Ya’ni, tabiatning ta’biy boyliklariga inson omili ta’sir etmagan holda saqlanib kelinayotgan obyektlardir. Darhaqiqat, bu jarayonda insonlardan ekomadaniyat ham talab qilinib, sayyohlar ekoturizm hududlariga tashrif buyurganda, tabiiy resurslarga zarar yetqamaslik, atrof-muhitni ifloslantirmaslik, flora va fauna olamiga ehtiyotkora munosabatda bo‘lish talab etiladi. Chunki, ekoturizmining predmeti ham, aslida – turizm sub’ektlarini atrof tabiiy muhitini muhofaza qilish va asrab-avaylash, ma’lum sabablarga ko‘ra, zararlangan yoki buzilgan tabiat unsurlarini qayta tiklash hamda tabiiy boyliklardan oqilona foydalangan holda sayyohlik qilish demakdir. Sanab o‘tilgan omillarga amal qilish, kelajak avlodlarning ekoxavfsizligini ta’minlashga xizmat qiladi. Insonlarda ekologik madaniyatni shakllantirishni esa, jamiyatning har bir a’zosi, farzand tarbiyasida, oiladan tabiatga muhabbatni shakllantirib bormog‘i zarur. Vaholanki, bugungi kunda butun jahondagi iqlim o‘zgarishi va bu bilan bog‘liq jiddiy muammolar yuz berayotgan bir paytda, tabiiy resurslar va ekologik boyliklarni asrab-avaylash, ulardan to‘g‘ri foydalanishni taqazo etadi. Ekoturizm o‘z tamoyillariga ega bo‘lib, “Xalqaro ekoturizm” tashkiloti tomonidan bu tamoyillar ishlab chiqilgan va butun dunyo rahbarlariga tarqatilagan. Ekoturizm mohiyatini ochib berishga qaratilgan ko‘plab

ilmiy nashr ishlari va ommaviy axborot vositalarining ma’lumotlari keng jaoatchilikka targ‘ib etib kelinmoqda. Statistik ma’lumotlarga qaraganda, turizmning boshqa turlari yiliga 5 foizga ortib borayotgan bo‘lsa, ekoturizm yiliga o‘rtacha 20-30 foizga o‘sib bormoqda. Aksariyat ilmiy tadqiqotchilarning ilmiy tajriba va xulosalari shuni ko‘rsatadiki, ekoturizm turizmning yangi va yosh yo‘nalishi bo‘lishiga qaramasdan, ommalashuvi boshqa turistik yo‘nalishlarga qaraganda, 2-3 barobar jadal kechmoqda.[3]

Ekoturizmning bu darajada rivojlanish borishining mohiyati ham aslida, inson va uning tabiat tabiiy resurslari qo‘ynida hordiq chiqarib, rohatlanishi, shuningdek, bu jarayon ko‘pchilik insonlarning salomatligidagi muammolar hamda ularga yechim ilinjidagi sayohati bilan bog‘liqdir. Zomin tumanining ekologik salohiyati va qulay iqlim sharoiti ana shunday turistlar uchun ayni muddao hisoblanadi. Zomin tumanining ekologik qiyofasini saqlab turishida Zomin milliy bog‘i va Zomin davlat qo‘riqxonasining o‘rni beqiyosdir. Markaziy Osiyodagi to‘ng‘ich Zomin milliy bog‘i 1976-yil 8-sentabrda hududda alohida ekologik, madaniy va estetik qimmatga ega bo‘lgan tabiiy archazorlar va majmualarni, tabiatni muhofaza qilish yo‘nalishida rekrasiya va turizm, ilmiy madaniy maqsadlarda saqlab qolish hamda ulardan oqilona foydalanish maqsadida tashkil qilingan bo‘lib, 1978-yilda “O‘zbekiston xalq bog‘i” nomi berilgan. 1993-yildan boshlab Zomin milliy bog‘i deb ataladigan bo‘ldi. Umumiy maydoni 24.1 ming gektarni tashkil etadi. Tabiat va arxitektura yodgorliklarini saqlab qolish bog‘ning vazifalaridan biri hisoblanadi.[4] Bog‘da tabiiy resurslar muhofazasi ta’minlangan bo‘lib, tog‘ ekotizimini saqlab kelmoqda. Shuningdek, hududda O‘zbekiston Qizil kitobiga kiritilgan hayvonlarning (14 tasi), o‘simliklarning (18 tasi) mavjud.

Zomin davlat qo‘riqxonasi - Turkiston tog‘ tizmasi g‘arbiy qismining shimoliy yon bag‘rida joylashgan bo‘lib, Janubiy Tojikiston bilan chegaradosh hisoblanadi. Umumiy maydoni 15.5 ming gk bo‘lib, shundan 11.2 minggini archa o‘rmonzorlari tashkil etadi. Zomin davlat qo‘riqxonasining asosiy vazifalaridan biri archalar xilma-hilligini o‘rganish, umumiy archazor maydonlari hududini ko‘paytirish hayvonot va o‘simlik turlarini saqlash demakdir. Hududda Tayga o‘rmonlarini eslatuvchi yoshi 800 yilga teng archalar mavjud. Yuqorida sanab o‘tilgan har ikki tashkilotning bosh maqsadi ham bir bo‘lib, Zomin tabiati va undagi tabiiy resurslarni saqlab qolishdan iborat. So‘nggi yillarda Zomin turistik-rekreations zonasiga mahalliy tashrif buyuruvchi sayyohlar, shu bilan bir qatorda chet ellik turistlar tashrif raqamlari ham ancha oshgan. Xattoki, xalqaro nashrlarda Zomin va uning tabiati haqida maqolalar chop etilmoqda. Jumladan, “Zomin yilning to‘rt faslida jozibador sayyohlik nuqtasiga aylanadi” Turkiyaning nufuzli “Daily Sabah” gazetasida shu nomdagi maqola chop etildi. Turkiyalik investorlar, Zomindagi ekoturistik loyihalarga katta qiziqish bildirib, haqiqatda tuman sayyohlar uchun iqlimi ajoyib, ta’biy landshaft manzaralariga boy hudud ekanligini ta’kidlab, mehmonxonalar qurilishida, hamkorlik masalalarida o‘z taklif va mulohazalarini bildirib kelmoqdalar. Ayni paytda, Turkiya kompaniyalari bilan hamkorlik rejalari ishlab chiqilgan bo‘lib, maydoni 700 gektarni qamrab oladigan loyihalar budjeti belgilangan. Ilk bosqichda, tog‘ turizmi, sport, sog‘lomlashtirish va gastronomiya turizmini rivojlantirilgan, deya axborot beradi, “Daily Sabah”da. “Zomin loyihasi” ishga tushgan ilk kunlardanoq xorijda, xususan Turkiyada katta qiziqish uyg‘otmoqda.[5]

Bundan tashqari hududning eko salohiyoti va turistlarning tashrifi oshganligi bois, tumanda ekoturizmni yanada rivojlantirish va yangi, qulay sharoitlar yaratish maqsadida ko‘pgina tashabbuslar ilgari surilmoqda. Zomin tumanidagi Duoba qishlog‘iga “Turizm mahallasi” maqomi berilib, hududda bu kabi turizm qishloqlari sonini va ulardagi turistlarga xizmat sifatini oshirish bo‘yicha tizimli ishlar olib borilmoqda.[6] Jumladan, “Turizm mahallasi”da etnoturizm namunalari, mahalliy taomlar ko‘rgazmalari, tabiiy, tibbiy giyohlar turlarini sayyohlarga namoyish qilish rejalashtirilgan. Maqsad – hududga nafaqat, mahalliy, balki, xorijiy turistlar oqimini ko‘paytirishdan iborat. Sohadagi vazifalar hukumatimiz tomonidan chiqarilayotgan qarorlar bilan, tizimli ravishda olib borilmoqda. 2024-yil 12-yanvarda Prezidentimizning, “O‘zbekiston Respublikasida to‘siqsiz turizm infratuzilmasini rivojlantirish va uni rag‘batlantirish to‘g‘risida”[7]gi qaroriga muvofiq, nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun to‘siqsiz turizm tizimini ishlab chiqish, ular uchun zaruriy shar-sharoitlarni

yaratib berish belgilab berildi. Turizm hududlarida mehmonxonalar va ulardagi maishiy xizmatlarning sifat darajasini oshirish, transport qatnovini kengaytirish va 2024-yil 1-sentabrga qadar “Tabiatga sayohat” elektron platformasi va uning mobil ilovasi ishga tushirish rejalashtirildi. Mazkur mobil ilova orqali turistlar uchun oldindan xizmatlarni band qilish, ekoturizm yo‘nalishlarini aniqlash, ekohududlarning elektron xaritasi va hudud haqidagi ma‘lumotlarni oldindan bilish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Davlatimiz rahbari keyingi paytlarda har bir rasmiy chiqishida iqlim o‘zgarishiga, atrof-muhit himoyasi masalasiga alohida to‘xtalib o‘tmoqda. Xususan, O‘zbekiston tashabbusi bilan 2027-yilni “Xalqaro barqaror va yashovchan turizm” yili deb e‘lon qilish taklifi BMTning yig‘ilishida bir ovozdan maqullandi. Va bu tashabbusga O‘zbekistonga 80 dan ortiq davlatlar hammualliflik qildi. Unga muvofiq, “Yashil” turizmni rivojlantirishga doir xalqaro Harakatlar dasturini qabul qilish, BMTning “Yashil” turizmni joriy etish bo‘yicha eng yaxshi shahar” tanlovini ta‘sis etish taklifi, iqlimning global muammolariga e‘tiborning yana bir ko‘rinishi va bu masalalarni ha etishga chaqiriq bo‘lib xizmat bo‘ldi. Dunyo minbarlaridagi turizm, xususan, ekoturizmni yaxshilashga doir bu kabi da‘vatlar, O‘zbekistonda soha islohotlarini jadallashtigan holda, unga Jahonning ilg‘or tajribalarini joriy etish va mavjud kamchiliklarni bartaraf etishga urg‘u berilmoqda. Aytish joizki, ekoturizmni keng targ‘ib etishda Zomin tumanida ham ma‘lum kamchiliklar bo‘lgan. Masalan, turistlarga noqulayliklarni keltirib chiqaruvchi yo‘l masalasi, mehmonxona, xostel va mehmon uylaridagi isitish tizimi yoki elektr energiyasi bilan bog‘liq muammolar. Ammo, qisqa muddat ichida mavjud kamchiliklar bartaraf etishga alohida e‘tibor qaratildi. Zomin tumanining tog‘li hududlariga olib boruvchi yo‘llarga asfalt qoplamalar yotqizildi, isitish va elektrdan foydalanishda esa, “Yashil energetika” tizimi joriy etildi va bunga muqobil ravishda, quyosh panellari o‘rnatilib, elektr energiyasi tejamkorligiga erishilmoqda. Tumanda ekoturizmni keng ommalashtirish va sayyohlarning e‘tiborini jalb etuvchi obyektlar va majmualar qurilishi hozirgi kunga qadar davom etmoqda. Yaqinda foydalanishga topshirilgan, Zomin tog‘lari uzra barpo etilgan osma ana shunday inshootlardan biridir. Ushbu ko‘rik 2021-yil 6-apreldagi Prezidentimizning “Zomin turistik-rekreatsion zonasini va xalqaro umumavsumiy kurortini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorining ijrosi demakdir. Balandligi 150 metr, uzunligi esa 305 metni tashkil etuvchi mazkur oyna ko‘prik 600 kishini bir vaqtda ko‘tarish imkoniyatiga ega hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, Zomin ekoturizmini rivojlantirish yo‘lida bu kabi islohotlarning tizimli rejalari ishlab chiqilgan bo‘lib, ular bosqichma-bosqich amalga oshirib kelinmoqda. Mazkur islohotlarning amaliy natijalari mahalliy aholi va xorijiy turistlar tomonidan ijobiy qabul qilinib, hududga tashrif buyuruvchilar sonini yil sayin oshirmoqda. Bu esa viloyat iqtisodiyotining o‘shishiga o‘z ta‘sirini ko‘rsatmoqda. Darhaqiqat, yashil turizm – barqaror iqtisodiyot garovi demakdir.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Lex.uz.PQ-238-son. “Turizm yo‘nalishidagi islohotlarni yanada jadallashtirish va sohada davlat bos hqaruvi tizimini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 27.07.2023
2. R.Xaitov. “Ekologik turizm” o‘quv qo‘llanma. T.;2018. 248-b.
- 3.O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirish konsepsiyasi. Ekologik xabarnomasi. №6 T.; 2027. 8-14 bb.
4. L.A.Alibekov. Zomin milliy bog‘i va geologik muammolar yechimining geografik asoslari. “Fan va texnologiya”T.; 2013. 10-b.
- 5.Xalq so‘zi. A.Mirzayev maqolasi.
6. jizzax.uz //44-82 Zomin tumani Duoba qishlog‘iga turizm mahallasi maqomini berish bo‘yicha.
7. Lex.uz. PQ-20-son, “O‘zbekiston Respublikasida to‘siqsiz turizm infratuzilmasini rivojlantirish va uni rag‘batlantish to‘g‘risida”

**O‘ZBEKISTON HUDUDIDA JOYLASHGAN OCHIQ OSMON
OSTIDAGI MUZEYLAR**

Malikov M.

ShDPI Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari yo‘nalishi 2-kurs talabasi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 27-maydagi “Muzeylarda xizmatlar sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorida 2023-2026-yillarda muzeylashtiriladigan arxeologiya yodgorliklarining manzilli rejasi tasdiqlangan edi.

Madaniy meros agentligi, Fanlar akademiyasi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari bilan birgalikda arxeologiya sohasidagi ekspert va mutaxassislarni jalb qilgan holda, arxeologiya yodgorliklarida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish, konservatsiyalash va ularda ochiq osmon ostida muzey tashkil etish hamda uni turizm obyektiga aylantirish choralari ko‘rish belgilab berilgan.

261-sonli qarordan kelib chiqqan holda, Toshkent shahar “Chilonzor oqtepsi”, Surxandaryo viloyati “Dalvarzintepa”, Andijon viloyati “Mingtepa”, Samarqand viloyati “Sherozqal‘a”, Qoraqalpog‘iston Respublikasi “Qo‘yqirilgan qal‘a” arxeologiya obyektlarida mintaqaviy restavratsiya markazlari tomonidan bir qator ishlar amalga oshirildi.

Samarqand viloyati joylashgan “Sherozqal‘a” arxeologiya yodgorligini muzeylashtirishga Madaniy meros agentligi tomonidan 1 mlrd so‘m mablag‘ ajratildi. Loyiha-smeta hujjatlari asosida obyektni konservatsiya qilingan qismi metall konstruksiya bilan yopildi. Yodgorlikni to‘liq ko‘rish qulayligini yaratish maqsadida kuzatish maydonchasi qurildi va mexmonlar uchun o‘rindiqlar o‘rnatildi, hojatxona hamda yo‘laklar barpo qilindi.

Toshkent shahridagi “Chilonzor Oqtepsi” arxeologiya yodgorligini restavratsiya qilish, ta‘mirlash-tiklash ishlariga 500 mln. so‘m mablag‘ ajratildi. Loyiha asosida obyektni to‘liq ko‘rish qulayligini yaratish maqsadida kuzatish maydonchasi qurildi. Tashrif buyuruvchilarning harakatlanishi uchun yo‘laklar barpo qilindi hamda yoritgichlar o‘rnatildi. Shuningdek, harakat xavfsizligini ta‘minlash maqsadida obyektni atrofi to‘siq bilan o‘rab olindi. Ushbu loyihalarning amalga oshirilishi natijasida “Chilonzor Oqtepsi” arxeologiya yodgorligida ochiq osmon ostidagi muzey tashkil etilib, turizm obyektiga aylantirildi.

Madaniy meros agentligining tegishli qarori asosida “Dalvarzintepa” arxeologiya yodgorligi uchun 800 mln. so‘m mablag‘ ajratildi. Maskanda ham belgilangan loyiha asosidagi barcha ishlar amalga oshirildi. Harakat xavfsizligini ta‘minlash maqsadida obyektni atrofi to‘siq bilan o‘rab olindi.

Qarorda belgilangan barcha yodgorlik majmualarida ham belgilangan loyiha-smeta asosidagi ishlar amalga oshirildi.

Surxondaryo – O‘zbekistonning eng janubiy mintaqasi, yarim asrdan ko‘proq vaqt davomida dunyoning ko‘plab arxeologlari va sayyohlarini o‘ziga jalb qilib kelmoqda. Bu albatta tasodif emas. Yaqinda o‘zining 2700 yilligini nishonlagan ko‘hna Termiz shahri qadimiy tarixiy obidalar, jumladan, Fayoztepa, Kampirtepa, Dalvarzintepa, Qoratepa va Ayritom shaharlari bilan o‘ralgan.

Buddaviylik majmualari asosidagi muzey

1968-yilda qadimgi Termiz hududida Budda haykali topildi va o‘sha vaqtdan buyon bu yer ko‘plab arxeologlar tomonidan o‘rganiladigan asosiy obyektaga aylanib, buning natijasida keyinchalik qadimgi buddaviylik ibodatxonalari majmualari kashf etildi, shu jumladan Fayoztepa (mil. av. 1-asr – milodiy 3-asr), Kampirtepa, Qoratepa. Qadimgi musiqachilarning tasviri tushirilgan mashhur Ayritom frizining kashf etilishi ushbu mintaqada bir vaqtlar buddaviylik targ‘ib qilinishining dalili bo‘lib xizmat qildi va ellinistik madaniyat unsurlari aniqlandi. Hozirda frizning terrakota-barelyeflari Sankt-Peterburgdagi Davlat Ermitajida saqlanmoqda.

Fayoztepa buddaviylik ibodatxona majmuasi o‘zbek olimi, mahalliy o‘lkashunoslik muzeyi direktori R.F.Fayozov sharafiga nomlangan. U ushbu obyektni o‘rganish tashabbuskori va hatto bu ibodatxonani kashf etganlardan biridir. R.F.Fayozov dunyo ilm-fanining e‘tiborini qadimiy obyektaga jalb qilish uchun ko‘p harakat qilgan. Fayoztepaning kashf etilishi qadimgi buddaviylik obyektlarining yangilarini kashf etish uchun birinchi turtki bo‘ldi.

Dalvarzintepa – Kushon podshohlarining qarorgohi

Kushon imperiyasi davridagi (eramizning I-IV asrlari) yodgorliklar orasida Termizdan 60 km uzoqlikda, Surxondaryo viloyatining Sho‘rchi tumanida joylashgan qadimgi Dalvarzintepa shaharchasi alohida o‘rin egallaydi. Ushbu obyektni batafsil o‘rganish 1967 yilda tarixchilar Galina Pugachenkova va M.E.Masson tomonidan boshlangan. Qadimgi shaharning shimoliy qismida Baqtriya ma‘budi ibodatxonasi va noyob rasmlar topilgan. Miloddan avvalgi I asrning boshlarida barpo etilgan budda ibodatxonasining xarobalari topilgan. Bu O‘zbekistondagi eng qadimgi buddaviylar binosi hisoblanadi. Kushon imperiyasi davrida bu yerda shaharlar, tumanlar va turar-joylar gullab-yashnagan.

1972 yilda ko‘hna shaharchaning qadimgi mavzelari o‘rganilayotganda uy deb taxmin qilinayotgan binolardan birida, og‘irligi 36 kg bo‘lgan oltin buyumlar xazinasini topilgan. O‘zining ilmiy ahamiyatiga ko‘ra Dalvarzin xazinasini Britaniya muzeyida saqlanayotgan mashhur Amudaryo xazinasidan qolishmaydi.

Toshkentda mashhur Dalvarzin xazinasini to‘plamiga taalluqli buyumlar ko‘rgazmasi bo‘lib o‘tgan. Dalvarzintepa xazinasida olib borilgan qazish ishlari davomida turli xil fil suyaklaridan yasalgan osori-atiqalar, alohida ahamiyat kasb etadigan dunyodagi eng qadimgi shaxmat donalari (mil. avv. 1-2 asr), qadimgi Yunon-Baqtriya davriga oid qimmatbaho toshlar, tangalar, mayda sopol buyumlar topilgan.

Yo‘qotilgan shaharning qadimgi xaroblari.

Amudaryo sohilida Termizdan 30 km uzoqlikda qadimiy Kampirtepa shahrining xarobalari joylashgan. 2018-yilda arxeolog olimlar Iskandar Zulqarnaynning qarorgohi bo‘lmish Oksdagi (Amudaryoning qadimgi nomi) Iskandariya qadimgi shahri aynan shu yerda joylashganligini isbotladilar. Buyuk sarkardaning kelishi davriga oid yangi ob‘yektlar va madaniy qatlamlarning kashf etilgani bunga dalil bo‘lgan. Kampirtepa shahri – xandaq bilan o‘ralgan ark bo‘lib, ichki shahri minorali mustahkam qal’a devori bilan o‘ralgan. Qadimgi shaharning qal’asida odamlar miloddan avvalgi IV asr oxirlarida yashab boshlashgan. Ichki shahar esa milodiy I asrning boshlarida qurilgan bo‘lib, milodiy II asrda bu hududda Kushon podsholigi tashkil topgunga qadar mavjud bo‘lgan.

Antik davridagi shahar-bandargohning hududida olimlar ob’ektlarni saqlab qolish uchun noyob ishlarini olib borishdi. Hozirda Kampirtepa qal’asi YUNESKOning butunjahon madaniy merosi ro‘yxatiga kiritilgan.

Ayritom frizi. Termizdan 18 km sharqda qadimiy Ayritom qal’asi joylashgan. Buddaviylik dinining eramizning boshlarida O‘rta Osiyoga kirib kelishi bilan bu yerda buddaviylik diniy yodgorliklarning qurilishi boshlanadi. Aslida, buddaviylik dini yodgorliklari Yunon-Baqtriya binolari xarobalarida barpo etilgan.

Kushon podsholigi davrida bu yerda Amudaryo sohilidagi qariyb 3 km uzunlikdagi katta buddaviylik ibodatxonasi va monastir markazi qurilgan. III asrning ikkinchi yarmida Ayritom parchalanib ketadi va qayta tiklanmaydi.

Akademik M.E.Masson rahbarligida 1932 yilda Amudaryoning tubidan odamlar tasviri tushirilgan friz parchalari topilgan. Bir yil o‘tgach, yana 7 ta frizning parchasi va buddaviylik ibodatxonasining xarobalari topildi. Tasvirlar eramizning I-II asrlariga tegishli bo‘lib, ularda musiqiy asboblarni chalayotgan musiqachilar, shuningdek, qo‘llarida mevali idishlarni ushlab turgan, boshlarida gulchambar taqib olgan o‘g‘il va qizlar aks ettirilgan. Ayritom frizlarida Budda bilan xayrlashish sahnasi (Paranirvana Jataka) aks etgan. Hind afsonalariga ko‘ra, “marhum Buddani besh musiqa asbobining yoqimli ohanglari ostida kuzatilishi, donatrislar esa uni oxirgi safarga xushbo‘y gullar bilan birga olib borishi kerak bo‘lgan”.

Qirq-Qiz qal’asi. Eski Termizdan 3 km g‘arbda qadimiy qal’a joylashgan. Arxeologlar qal’a qurilishining taxminiy sanasini belgilab berishgan: IX-X asrlar, ammo XIV asrga qadar qasr bir necha bor qayta qurilgan. XX asr boshlarida boshlangan qazishmalar va tadqiqotlar davomida bu yerda ko‘plab osori-atiqalar topildi: uy anjomlari parchalari, tangalar, gipsli haykallar va boshqalar.

Qirq-qiz qal’asi bilan qadimgi afsona bog‘liq. Bir vaqtlar bu qal’ada jasur malika Guloyim 40 nafar dovyurak jangovar hur qizlardan iborat kanizaklari bilan birga yashagan. Qadimiy qal’aning nomi mazkur qizlar nomidan kelib chiqqan. Jasur hur qizlar o‘zlarining qal’alarini va bekalarini qattiq himoya qilganlar, dushmanlarning hujumlarini qaytarib, erkaklarning yaqin kelishiga yo‘l qo‘ymaganlar.

Ammo bir kuni Kokildor-ota ismli yigit qal’aga kirishga muvaffaq bo‘ldi. U sochlarini uzun qilib o‘stirdi va shu tufayli qal’aga kirishga muvaffaq bo‘ldi. Yigitning ayyor rejasi tezlikda oshkor bo‘ldi, malika esa unga oshiq bo‘lib, ular ajoyib to‘y o‘tkazdi.

Balkim shuning uchun Qirq-Qiz qal’asining xarobalari yengib bo‘lmaydigan qal’aga o‘xshaydi. Lekin aslida bino keng yo‘lakli va ko‘p sonli xonalari bo‘lgan katta saroylardan biri edi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Бартольд В. История культурной жизни Туркестана Л., 1927 г.
2. С.М. Даниэль <<Искусства видеть>> 1990 Москва
3. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. Т., 1997 йил
4. Қаюмов А. Музей ишининг фидойиси. Бухоро 2000 й.

М У Н Д А Р И Ж А

№	МУАЛЛИФЛАРНИНГ Ф. И. Ш	МАҚОЛА МАВЗУСИ	БЕТ
		КИРИШ	3
		4-ШҲҒБА	
		СОВЕТ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР	
1.	Ишанходжаева З. Р.	КУЛЬТУРА ЎЗБЕКИСТАНА В 1920-1930 ГГ: ПРЕОБРАЗОВАНИЯ И ПОСЛЕДСТВИЯ	4
2.	Бўриев О.	ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЭТНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР РАВНАҚИ	6
3.	Эргашева Ю.А.	ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ	10
4.	Ерметов А.А.	ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛИКЛАР ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ИНСОНЛАРНИНГ РЕАБИЛИТИЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ (1936-1959 йиллар)	12
5.	Ражабов Қ.	АФҒОНИСТОНДАГИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИНИНГ НОБУД БЎЛИШИ УКРЕПЛЕНИЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ЦИВИЛИЗАЦИЙ, ОБЪЕДИНЕНИЕ УСИЛИЙ ДЛЯ СОЗДАНИЯ СООБЩЕСТВА	16
6.	Ли Ци	ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ КИТАЕМ И ЎЗБЕКИСТАНОМ	19
7.	Муртазаева Р.Х.	ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ МИГРАЦИЯСИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР	21
8.	Шадманова С.Б.	ШИФОКОР МУҲАММАД-ХАНАФИЙ АЛЮКОВИЧ БАТИРШИННИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ	25
9.	Мингноров А.Т.	МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ	29
10.	Хошимов С.А.	ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛЛАНГАН “УЧЛИК”, “БЕШЛИК”ЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР	32
11.	Рахмонов Ф.	ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСРДА АНЪАНВИЙ АГРОТЕХНИКА ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ (ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)	35
12.	Омонов Б.Н.	ЭКОЛОГИК СИЁСАТИНИНГ УМУМИНСОНИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	38
13.	Абдуқайумов А.Р	ТАРИХ ИЛМ-ФАНИДА “УНИВЕРСАЛ ТАРИХ” ТЎҒРИСИДАГИ ЁНДАШУВЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР	41
14.	То‘раева М.Х.	1920-1924 YILLARDA O‘ZBEKISTON JANUBIY HUDUDLARIDA SOG‘LIQNI SAQLASH TIZIMI HOLATI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR	43
15.	Одилов А.А.	СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ АРБОБЛАР ВА РУҲОНИЙЛАРГА ҚАРШИ АМАЛГА ОШИРГАН ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	46
16.	Жаҳонгиров Б.Б.	ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛМ – ФАН СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ	48
17.	Абдукаримов Ж.А.	ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАҲАБ АТ- ТАВОРИХ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАРИ	51
18.	Vasiyeva D.I.	SOBIQ ITTIFOQ DAVRIDA TA'LIM VA KADRLAR SIYOSATI HAMDA UNING MILLIY INTELEKTUAL SALOHİYATDA AKS ETISHI	54

19.	Раупов Х.	ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИНГ ТОПИЛИШИ ТАРИХИДАН	57
20.	Пардаев А.	ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲАЁТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	60
21.	Юсупов А., Юсупов А.	ФОРМИРОВАНИЕ КУПЕЧЕСКИХ ГИЛЬДИЙ В ТУРКЕСТАНЕ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕСТНЫХ САРМАЯДАРОВ	63
22.	Эркаев Э.	ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МАРКАЗ МАНФАТЛАРИГА БЎЙСУНДИРИЛИШИ (ПАХТА САНОАТИ МИСОЛИДА)	66
23.	Каноатова Ф.Б.	ИСТОРИЧЕСКАЯ РОЛЬ ЖЕНЩИН-ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА	69
24.	Абдуллаев Ў.Ш.	ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИДАН	72
25.	Boymatov R.	QASHQADRYO VONASIDAGI TURDI QO‘RBOSHI HAQIDA	74
26.	Djurayeva N.D.	SOVET DAVRIDA XOTIN QIZLAR TASHKILOTLARI FAOLIYATI TARIXIDAN	77
27.	Тўпчиев У.С.	ДАВРИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ УЗУМЧИЛИГИ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	80
28.	Xudoyorov N.M.	30-YILLARDA SSSRDA DEHQONLARNI MULKDAN CHIQARISH SIYOSATI	83
29.	Бозоров Қ.	ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧГАН ҚАДИМГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР	85
30.	Азаматова Г.Б.	ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ	88
31.	Рўзиқулов Ш.	ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР: ЮТУҚ ҲАМДА МУАММОЛАР	91
32.	Orzieva K.S.	OVER THE YEARS OF SOVIET POWER THE ECONOMIC SITUATION OF UZBEKISTAN	94
33.	Икромов Х.О	ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДА ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ	97
34.	Mallayeva F.R.	SHO‘RTAN GAZ KIMYO MAJMUASINING ISHLAB CHIQARISH QUVVATINI KENGAYTIRISHDA INVESTITSIYANI O‘RNI	99
35.	Baratova D.B.	QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI OLIMLARINING ANIQ FANLAR RIVOJIDAGI O‘RNI.	102
36.	Olimov N.A.	FARG‘ONA VODIYSIDAGI O‘TROQ VA YARIMKO‘CHMANCHI AHOLI FAOLIYATI TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI — XX ASR BOSHLARI)	105
37.	Ражабов Р.	ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ЮТУҚЛАРИ	107
38.	Kotilov S.S.	MUSTAQILLIK YILLARIDA SHAHRISBZ SHAHRI MAHALLALARIDA IJTIMOY-IQTISODIY AHVOL.	109
39.	Қўчқоров Қ.	ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ҚАШҚАДАРЁ ШАҲАРЛАРИНИНГ TUTGAN ЎРНИ	111
40.	Кенджаев Я. Ю.	РАЗМЕЩЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ, ПЕРЕБАЗИРОВАННЫХ ИЗ ЗАПАДНЫХ РАЙОНОВ СОВЕТСКОГО СОЮЗА	114
41.	Орипова Л	ҚАШҚАДАРЁ АДАБИЙ МУҲИТИ НОМОЁНДАСИ ПОЁН РАВШАНОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА МУЛОҲОЗАЛАР.	116
42.	Ташходжаев М.В.	ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР	119
43.	Рахманова М.Э.	ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАРГА ЎЗБЕКИСТОНДА КЎРСАТИЛГАН ЁРДАМ МАСАЛАСИ (1944-1945 йиллар)	121

44.	G'aniyev B.	TEATR SAN'ATINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI JARAYONLARI. (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)	124
45.	Мавлонов К.	ИККИНЧИ ЖАҲОН УРШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ КЕЧКИ (СМЕНАЛИ) ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАР ФАОЛИЯТИ	126
46.	Жумаев Ж.	1960-80-ЙИЛЛАРДА НУРОТА ВОҲАСИДАН КО‘ЧИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ИҶТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАҲОТИ ХУСУСИДА	130
47.	Ақбаров К.	ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ БЎЙИЧА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ.	133
48.	Сафаров Б.	ТУРКИСТОНДАГИ СЎЛ ЭСЕРЛАР ПАРТИЯСИ ТАРИХИДАН	135
49.	Суяров Н.	NISHON TUMANIDA FAOLIYAT OLIV BORGAN VA “PAKTA ISHI” QATAG‘ONI DOIRASIDA NOHAQ JABR SHEKKAN YURTDOSHLARIMIZ TAQDIRI	137
50.	Одилов Н.О.	ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ ИЖРОЧИ ОРҒАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА (“ИНҚИЛОБИЙ” ТРИБУНАЛЛАР МИСОЛИДА)	139
51.	Тўрахўжаев С.С.	СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОНГА РЕЭВАКУАЦИЯ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН	143
52.	Ахмедов С.Т.	XX АСРНИНГ 70-80 ЙИЛЛАРИДА О‘ЗБЕКИСТОННИНГ ИЛМ- FAN SOHASIDAGI XALQARO ALOQALARI. (ANIQ FANLAR MISOLIDA)	145
53.	Мамадалиев Ш.	“ULUG‘ TURKISTON” GAZETASIDA OCHARCHILIK MASALALARINING YORITILISHI	147
54.	Ғаниева Д.	МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ, МАДАНИЙ– МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (Андижон вилояти мисолида)	149
55.	Каримов В.	MUSTAQILLIK YILLARIDA NISHON TUMANIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTGA BO‘LGAN E‘TIBORNING KUCHAYISHI.	152
56.	Темирова Ф.	QASHQADARYO XOTIN-QIZLARINING IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDA QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHGA QO‘SHGAN HISSASI	154
57.	Ахматов А.	QASHQADARYO VOHASIDA DOSTONCHILIK VA BAXSHICHILIK SAN'ATINING AHVOLI	156
58.	Жўраев И.	ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА МАЪНАВИЙ– ҲУҚУҚИЙ, ТАРБИЯВИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ	159
59.	Оромов Ш.	O‘ZBEKISTON VA TURKMANISTON O‘RTASIDA TA‘LIM HAMKORLIGINING O‘RNATILISHI	161
60.	Ахмедова С.А.	MILLATLARARO MUNOSABATLAR TARAQQIYOTIDA MILLIY- MADANIY MARKAZLARINING O‘RNI	163
61.	Бозоров Ш. А	O‘ZBEKISTON VA MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI O‘RTASIDAGI SAVDO-IQTISODIY MUNOSABATLAR TARIXI	165
62.	Исмоилов Е.	QASHQADARYO VILOYATIDA EKOLOGIK HOLATNI BUZILISHIGA SABAB OMILLAR	167
63.	Чориев В.Г.	SOVET HOKIMIYATINING O‘ZBEKISTONDA AMALGA OSHIRGAN JAMOALASHTIRISH VA QULOQLARNI SINFIY SIFATIDA TUGATISH SIYOSATI (KOSON TUMANI MISOLIDA)	169

5-ШЎБА

**ТУРИЗМ ҲАМДА МУЗЕЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКISTON
ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ**

64.	Бабажанова Д.	ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКISTON ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ	172
65.	Турсунова Р.	РОЛЬ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ УЗБЕКISTANA В РАЗВИТИИ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА	174
66.	Аминов Б.Б.	ДОР УТ-ТИЛОВАТ МАЖМУАСИ: ТАРИХИ ВА БИНОЛАРИДАГИ БИТИКЛАР	178
67.	Ибайдуллаев Х., Анарбаев А.	НЕКОТОРЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ КУЛЬТУРНО- ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЕЕВ КЫРГЫЗСТАНА	180
68.	Vohidov SH.X., Xatmrayeva N.SH.	XIVA XONLIGI TARIXINING O‘RGANILISHI	184
69.	Атаджанова С.М.	РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В ЦЕНТАЛЬНОЙ АЗИИ СУРХОН ВОҲАСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ	187
70.	Ибрагимова М.Ю	ТАҚИНЧОҚЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИ)	190
71.	Тўхтабоева Д.Э.	ЎЗБЕКISTON УРБАНИЗАЦИЯСИГА ТАРИХИЙ НАЗАР	194
72.	Yarkulov A.	MODDIY MADANIY MEROS OBYEKTLARINI MUHOFAZA QILISH TO‘G‘RISIDA AYRIM MULOHAZALAR	197
73.	Norinov M.	AXSIKENT OCHIQ OSMON OSTIDAGI MUZEYINING TASHKIL ETILISHI	200
74.	Қўйлиев Р.	ШАҲРИСАБЗДАГИ ҲАЗРАТИ МАЛИК АЖДАР МАСЖИДИ ТАЪМИРЛАНИШИ ТАРИХИ	202
75.	Xudoyorov L.	O‘ZBEKISTON VA JAHON MUZEYLARI TARIXIY GEOGRAFIYASI	204
76.	Самаров Ф.У.	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ҚИРҚҚИЗ ЁДГОРЛИГИНИНГ ТАРИХИ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ	206
77.	Жўраев А.	БОРАСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ	209
78.	Ойназаров Х. Ф. Олимов У.Н.	СИЙПАНТОШ ЁДГОРЛИГИ, УНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ВА 3 D УЛЧАМЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	212
79.	O‘ralov G‘.A	QARSHI SHAHRI KO‘K GUMBAS JOME MASJIDINING MAHALLIY AHOLI HAYOTIDA TUTGAN O‘RNI	216
80.	Бабаева М.Ш.	ТАРИХИЙ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР	218
81.	To‘uchiyeva D.I.	ZOMIN TUMANIDA EKOTURIZM SALOHİYATINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI	221
82.	Malikov M.	O‘ZBEKISTON HUDUDIDA JOYLASHGAN OCHIQ OSMON OSTIDAGI MUZEYLAR	224

ILMIY - NASHR

**JAHON SIVILIZATSIYALARI TIZIMIDA
O‘ZBEKISTON TARIXI VA MADANIYATI**

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

2024 yil 20-21 may

II-JILD

Texnik muharrir:

M.Raxmatov

Musahhih:

M.Primova

Terishga 01..05.2024 yilda berildi. Bosishga 14.05. 2024 yilda
ruxsat etildi. Bichimi 84x108 1/8. Nashr bosma tabog‘i 28.25
№ 25-buyurtma. 30 nusxada. Erkin narxda.

Qarshi Davlat universiteti kichik
bosmaxonasida bosildi.

Qarshi shahri, Ko‘chabog‘ ko‘chasi, 17-uy.